


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА, ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ**



**“ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”
мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция
материаллари тўплами
(Жиззах шаҳри, 2020 йил 20 ноябрь, Ўзбекистон)**

**Материалы международной научно-практической конференции
«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНЫХ И
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ»
(Джизак, 20 ноября 2020 г.)**

**Materials of the international scientific-practical conference
"ACTUAL ISSUES OF SOCIAL AND HUMANITARIAN SCIENCE
IN INNOVATIVE DEVELOPMENT"
(Jizzakh, November 20, 2020, Uzbekistan)**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS TAЪLIM VAZIRLIGI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

TARIX FAKULTETI

**FALSAFA, TARBIIYA VA XUQUQ TAЪLIMI
KAFEDRASI**

**“ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами
(Жиззах шаҳри, 2020 йил 20 ноябрь, Ўзбекистон)

Материалы международной научно-практической конференции
**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ
НАУК В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ»**

(Джизак, 20 ноября 2020 г., Узбекистан)

**Materials of the international scientific-practical conference
"ACTUAL ISSUES OF SOCIAL AND HUMANITARIAN SCIENCE IN
INNOVATIVE DEVELOPMENT"**

(Jizzakh, November 20, 2020, Uzbekistan)



ББК: 72
УЎК: 001.895
О - 95

“Инновацион ривожланишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари”: халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Жиззах, 2020 йил 20 ноябрь, Ўзбекистон). – Жиззах, 2020. – 602 б.

«Актуальные вопросы социальных и гуманитарных наук в инновационном развитии»: Материалы международной научно-практической конференции (Джизак, 20 ноября 2020 г., Узбекистан) . – Джизак, 2020. – 602 с.

"Actual issues of social sciences and humanities in innovative development": Materials of the international scientific-practical conference (Jizzakh, November 20, 2020, Uzbekistan). – Jizzakh, 2020. – 602 p.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

Ш.С.Шарипов – педагогика фанлари доктори, профессор

Б.М.Очилова – фалсафа фанлари доктори, профессор

М.Қирғизбоев – сиёсий фанлар доктори, профессор

М.Соегов – академик, действительный член Академии наук Туркменистана

В.Ф.Кочевков – кандидат педагогических наук, доцент ФГБОУ

Б.Б.Дякиева – доктор педагогических наук, доцент, Республика Калмыкия, Россия.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

С.Чориев – фалсафа фанлари доктори

Б.Тўраев – фалсафа фанлари доктори

Р.Абдурасулов – психология фанлари доктори

А.Нурмонов – педагогика фанлари доктори

Ф.Ахмедшина – тарих фанлари доктори

З.Пардаева – филология фанлари доктори

М.Муҳаммадсиддиқов – сиёсий фанлар доктори

А.Саидқосимов – фалсафа фанлари доктори

А.Пардаев – тарих фанлари номзоди

Ф.Маматқулов – фалсафа фанлари номзоди

М.Саидов – фалсафа фанлари номзоди

А.Аманлаев – фалсафа фанлари номзоди

С.Назарқосимов – фалсафа доктори (PhD)

Б.Тошбоев – фалсафа доктори (PhD)

С.Кистаубаев – фалсафа доктори (PhD)

А.Тураев – катта ўқитувчи

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Н.Шермухаммедова – фалсафа фанлари доктори, профессор

Б.Абдуллаева – педагогика фанлари доктори, профессор

З.Абилова – иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Хошимхонов – фалсафа фанлари доктори

Т.Аҳмедов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Тўпламда жой олган тезисларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар жавобгардирлар

Авторы несут ответственность за правильность информации содержащейся в тезисах включенных в сборник

The authors are responsible for the correctness of the information contained in the theses included in the collection

ISBN 978-9943-6440-6-9

© Инновацион ривожланишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари
© Жиззах – 2020

СЎЗ БОШИ

XXI асрда инновацион жараёнлар ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга келди. “Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”¹. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”, “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида” ги қатор фармон ва қарорлари жамиятнинг барча соҳаларини модернизациялашга қаратилгани ҳамда миллий ривожланишда методологик-концептуал асос, амалий ва регулятив вазифани бажариётгани билан характерланади.

Жаҳонда модернизация ва инновациялар бўйича яратилган қарашлар ва ғоялар моҳияти, назарияси ва амалиётига эътибор қаратсак модернизация барча соҳаларда инновацияларни вужудга келтириши билан бирга миллий инновация тизимини яратишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон мисолида, давлат раҳбари таъкидлаганидек “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз”² ва моҳият эътибори билан давлат ҳамда жамият курилишини тубдан такомиллаштириш, ошкоралик, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли, очиқ ва амалий шериклик руҳидаги ташқи сиёсат каби йўналишларда амалга оширилаётган салмоқли ишларимиз Ватанимизнинг бутунлай янгича қиёфасини яратишга хизмат қилмоқда.

Бинобарин бугун Ўзбекистонда миллий давлатчилик тарихида мутлақо янги воқелик – Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даври учун пойдевор қўйилмоқда. Ўзбекистон жамиятининг миллий тикланишдан миллий юксалиш сари мафқураси демократик ҳуқуқ ва эркинликларни кучайтириш, инсон манфаати ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда инсонларнинг фаолиятини ислохотларга мос равишда ривожлантиришга қаратилгани билан инсонлар онгида иқтисодий, ижтимоий, маънавий, руҳий янгиланишларни вужудга келтирмоқда. Ижтимоий ҳаёт одамларни шакллантиради, ривожлантиради, одамлар эса, ўз навбатида, худди ана шу ҳаёт таъсири остида, унинг имконияти билан ушбу ҳаётнинг ўзини ўзгартирадilar ва айни шу жараёнда уларнинг ўзлари ҳам ўзгарадilar. Зеро, янгича дунёқараш, кенг маънода, ҳаётни фалсафий идрок этиш ва ҳаётга фалсафий-маънавий муносабатда бўлиш демакдир. Бу, бир томондан миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниши билан, иккинчи томондан, инсонни фаоллаштиришга асосланиши билан

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. www.uzs.uz

² Ўша манба.

тавсифланади. Шу билан бирга, юртимизда яшаётган ёшлар маънавий камолоти масаласига нафақат давлат, ижтимоий институтлар, таълим муассасалари, балки мамлакатимиз фуқаролари бурчи сифатида қараш унинг ниҳоятда жиддий эканлигидан далолат беради. Зеро, маънавий етук шахслар жамият учун ошкоралик муҳитини, фикрлар хилма – хиллигини, ижтимоий фаолликни, ижтимоий инфратузилманинг тезлашувини, маанфаатлар уйғунлигини, барқарор тараққиётни, инсонпарварлик муҳитини ҳамда инновацион ривожланиш асосларни яратади. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш эса таълим методологиясига боғлиқ.

Юртбошимиз янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини асослаб берар экан, таълимни харажат қилувчи соҳа эмас, балки жамиятнинг энг муҳим ишлаб чиқарувчи кучига айлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу борада узлуксиз ва изчиллик, ўзини сақлаш ва ривожлантириш, ночизиклилик ва ўз-ўзини ташкиллаштириш, хилма-хиллик ва ташқи муҳитга мослашиш, янгиликлар ва ўзгаришларга очиклик, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш кабилар инновациялашиш тамойиллари эканлиги кўрсатиб берилди ҳамда таълим тизими имкониятларини оилаларнинг, маҳаллий жамоаларнинг, корхоналарнинг ўзига хос манфаатларига қаратиш, таълимнинг инновацион ва инвестиция салоҳиятини ошириш, таълим, фан ва бизнес соҳалари ўрталаридаги интеграцияни кучайтириш, юқори малакали илмий-педагогик кадрларни барча минтақаларда тайёрлаш борасида самарадорликка эришиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимиз президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 30 октябрь куни ўтказилган таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган йиғилишда таълим фалсафасига тегишли бўлиб келган муаммоларни янгидан кўриб чиқиш заруриятини кўндаланг қўйди ҳамда амалий-методологик аҳамиятга молик бўлган қатор ёндашувлар илгари сурилди: “мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди”, “ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш”, “дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш”, “педагоглар билимини йил давомида баҳолаш имконини берувчи икки босқичли тизимга ўтиш”, “кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш”, “ҳар бир худудда камида биттадан нодавлат олий билим юрти ташкил қилиш”. Мазкур ёндашувлар мағзида жамиятнинг ҳаёти учун зарур бўлган юқори малакали инновацион фикрлайдиган мутахассис кадрлар пойдеворини яратиш, таълимнинг жамият манфаатларига, юритаётган ғоявий сиёсатига мослаштириш, ҳар бир шахснинг қобилиятини ўстириш ва такомиллаштириш, амалий аҳамиятга молик бўлган касбларни эгаллашга йўналтириш, методик-ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнларида халқаро илғор тажрибаларни ўзлаштиришга оид тенденциялар бор.

Албатта, булар ўз-ўзидан содир бўладиган воқелик эмас, бу ҳаракат ва фаоллик, жавобгарлик ва ҳисобдорлик, дахлдорлик ва мажбурият, масъулият ва тизимлилик, айниқса инновационлик ва новаторликни тақозо этадиган мураккаб ижтимоий ҳодисалардир.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Жиззах давлат педагогика институти томонидан ташкил этилган мазкур халқаро илмий анжуман илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга изланишларни, таълим бериш жараёнининг янги қирраларини, инновацион шахсни шакллантириш ва тарбиялашнинг турли хил йўналишларини, инновацион фаолият натижаларини таълим жараёнида қўллаш ва бу борадаги муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади деб ҳисоблаймиз.

Ш.С.ШАРИПОВ.

Жиззах давлат педагогика институти ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор

1-ШҰББА:

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР ФАКТОРЫ И ТЕНДЕНЦИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ FACTORS AND TRENDS IN INNOVATIVE DEVELOPMENT

SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND NATIONAL SOCIAL-ECOLOGICAL POLICY UNDER GLOBALIZATION

Suleymanov Gunduz Qurbanali, PhD, senior researcher, Department of Philosophy of sustainable development at the Institute of Philosophy of Azerbaijan National Academy of Sciences

Resume. *In the article are studied the social-ecological situation and philosophical essence of the concept of sustainable human development in Azerbaijan. Analyzed reasons of formation this conception and has been cleared up definition of those factors which cause the necessity of this concept. Is noted president I.Aliyev's politic in ensuring the ecological safety of the republic.*

Keywords: *sustainable development, social ecology, natural resources, human development, ecological problems.*

It is not so difficult to prove the real importance of the topic, which deals with ecological issues under the current circumstances. First of all, only could a few people cast currently doubt on, the conflicts between society and nature, which hit the highest point in the conditions of the scientific-technological revolution. Furthermore, there is a growing concern about the current environmental situation, more precisely, the ecological crisis, not only among governments and political parties but also among the members of large public groups. Therefore, it is very actual in itself to research into the causes and the ways of resolution to the ecological issues.

The ecological issues stand top-ranked in the system of global problems. The ecological issues, after all, as one of the major global problems express the interests of all humanity. What is more, ecological issues conduct themselves as an objective factor in the development of civilization; their intensification slows down the development, and threatens human civilization by destroying.

In addition to the above statement, their adequate analysis requires an integrative approach, in other words, it is required to take the joint efforts of natural, technical and social sciences.

Finally, their effective solution could possibly be found through extensive international cooperation with the participation of all countries of the world. [5, p. 5-6]

In recent years, studies have rightly pointed out that the ecological crisis is an act of natural revenge for the cruel treatment against nature. In order to resolve the ecological issues, researchers suggest respectively three possible ways of resolution of the three major "culprits" (Society, Scientific-technological revolution, Human).

These are 1) the socio-political, 2) scientific-technical, and 3) moral-pedagogical ways of resolution.

1) It requires the implementation of socio-economic policy, which considers the creation of comprehensive environmental programs for the harmonious development of society and nature;

2) It suggests to find a scientific-technical solution to the concrete ecological problems;

3) It considers the formation of ecological culture, ecological consciousness and ecological behavior of an individual.

In conclusion, ecological policy, ecological economics, and ecological ethics are interconnected with each other and constitute the ecological culture and ecological civilization. [4, p. 6]

The extreme ecological intensity calls on people to hear the ever-increasing sound of alarm made by nature and to take practical action to clear up the situation. The earth that yet ancient philosophers considered as one of the four elements of nature, which we call a mother, but are unable to care about, has progressively been poisoned. The condition of the lands that belong to

many villages, clearly demonstrates these facts, in our republic. The damage to our lands, where were occupied in consequence of the Armenia-Azerbaijan war, much more aggravates the extreme ecological condition of the soil, already which were not studied well.

In the early years of the Soviet period, millions of tons of natural resources were shipped abroad by the state to obtain foreign currency for industrialization. Various official documents, speeches by party and government officials have confirmed that the case was a "provisional process." However, life has again proved that it is not temporary. Over the years, this has become a regular policy and a distinctive feature of our economy. The paradox of the current situation is that the agriculture, which is based on the ecologically safe and renewable solar energy of atmosphere, has now not only become a highly wasteful and dangerous area of energy use in the condition of significant impact of chemical-technogenic since the end of the XX, and the early XXI century, but also weakened the population's ability to meet the growing demand for food and raw materials for the industry.

It is very important to use properly the achievements of science and technology for the protection of nature. It means to make the natural resources possibly for protectable and reusable. The harmonic development of production and nature and the production process require creating such a model of nature that must be based on important achievements in science and technology, economics and ecology.

The main idea of the ecological-economic model, showing up the possibilities of choosing the economic and technological strategies of development of production, by which achieving high results, but also to maintain the proper environment. Here, both economic and ecological benefits should be taken into account. In this regard, it should be emphasized that the criticism of the agricultural system, which existed in the 1960s and 1970s, is now characterized by an active search for new concepts and strategies in this area. So there is a great emphasis on biological (bioorganic, biodiversity, etc.) soil treatment in many countries. The biological system of soil refuses to use the achievements of the industrial revolution. Nevertheless, it is not possible to agree with the authors of the concept of sustainable development of agriculture. Because the proposed system does not have a qualitatively new scientific and scientific basis for the development of agricultural production in itself. Anyway, the basis of the new concept was not to replace paradigms in the use of the non-renewable natural resources of the Earth. These days, huge opportunities are available to harmonize the interaction between society and the natural environment. People who understand the true ecological situation, for instance, the socialized producers and true entrepreneurs who know the value of their land and industry, must effectively regulate their relationship with nature, in return of dominating over producers. They must execute this exchange in an environment that is most deserving and relevant to their human nature as a natural force of metabolism, the supremacy of the producers. Therefore, ecological safety is one of the key factors in creating a national security environment in every society. The problems of environmental protection and environmental safety are described in paragraphs 3.11 and 4.3.10 of the National Security Concept of the Republic of Azerbaijan. [1]

It is necessary to note that environmental protection is one of the priority directions of the state policy of the Republic of Azerbaijan. After the independence of our republic, the national leader Heydar Aliyev, who came to power again in 1993 with the support of the people, and developed the new environmental policy, has created a basis for ensuring the right of the population to live in a healthy environment, as in other areas of public life. In this regard, the basis of environmental protection and ecological security policy in independent Azerbaijan was founded by the great leader Heydar Aliyev.

The ecological security, which is one of the key factors in ensuring the health of human life, is one of the components of the National Security Concept of the Republic of Azerbaijan.

It should be noted that since 2003, President Ilham Aliyev has always paid serious attention to the protection of the environment and ecological security in our country. An example of this, Ilham Aliyev, in one of his speeches, stressed that the resolution of the ecological issues in the country is a priority of our state policy: "Attention, attitude to the ecological issues, at the same time, reflects

the general policy and culture of our country. Ultimately, this is the most important area. Oil and gas are depleted resources. They are temporary. However, nature and the environment are permanent wealth. Along the centuries and millenniums, there have been nature, the universe, and the world. Our job is to protect them". [2]

As a result of the successful ecological policy of President Ilham Aliyev, a lot of things have been done in the field of sustainable development and ensuring ecological security. For this purpose, the country has undergone a major transformation in the area of ecological balance in recent years. A number of important measures have been implemented to protect natural resources, minerals, water, land, air, forests, and biodiversity, solid industrial and domestic waste management, including hazardous waste, and significant progress has been made in the field of environmental protection. [3, pp. 61-74]

The main directions of the country's environmental policy are the expansion of contacts with international organizations, the assessment, and solution of national requirements on global ecological problems, using of the alternative energy sources and achieving energy efficiency, the effective use of natural resources to meet the needs of present and future generations, minimizing environmental pollution and improving environmental protection to ensure national security.

References

1. Azərbaycan qəzeti, 24 may 2007-ci il
2. Xalq qəzeti, 16 noyabr, 2006-cı il
3. İ.Əliyevin uğurlu ekoloji siyasəti (buraxılışa məsl və tərtib edən: prof. H. Bağırov). Bakı: Şərq-Qərb, 2008, 400 səh.
4. Şükürov A. Müasir qlobalistikada ekoloji problemlərin yeri və rolu. "Ekologiyanın fəlsəfi problemləri" məcmuəsi. Bakı: Elm, 1997
5. Şükürov A. Təbiət və cəmiyyət: fəlakətin astanasında. Bakı: Azər nəşr, 1992
6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-educ.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ВНЕУРОЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧАЮЩЕГОСЯ КАК МОДЕЛЬ ОПТИМИЗАЦИИ КАЧЕСТВА СОЦИАЛИЗАЦИИ И САМОРЕАЛИЗАЦИИ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Воробьева Тамара Ивановна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия
Пельмских Ирина Семеновна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия
Кузьмина Наталья Анатольевна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В статье определены возможности теоретизации и использования внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования. Внеурочная деятельность обучающегося рассматривается как модель оптимизации качества социализации и самореализации личности в образовательной организации. Выделены и уточнены понятия «внеурочная деятельность», «педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования». Теоретизированы в линейной системе положений педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования.

Ключевые слова: внеурочная деятельность, педагогическая инновация, педагогическое моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия, социализация, самореализация.

Внеурочная деятельность обучающегося рассматривается как модель оптимизации качества социализации и самореализации личности в образовательной организации, в такой

практике основы теоретизации будут опираться на следующие идеи научного поиска и научно-педагогического решения задач развития:

- здоровьесформирующее мышление личности [1, 4, 10, 11] как идея и ценность, смысл и продукт научной теоретизации и профессионально-педагогической деятельности раскрывает направленность процесса управления развитием личности через уникальность и целостность идей сохранения здоровья, основы научного поиска в структуре которого определили новое понятие «здоровьесформирующее мышление»;

- теоретизация управления качеством продуктивного развития личности [2, 15, 16] раскрывают три направления используемого методологического знания – адаптивно-продуктивного подхода, репродуктивно-продуктивного подхода и креативно-продуктивного подхода, уточняющие возможности одноименных видов развития личности;

- теоретизация успешности развития личности [3, 13] рассматривается как целостный процесс, в основе которого успешность может быть как внешней, так и внутренней природы; внутреннее осознание высоких и лично значимых результатов деятельности, востребованных в какой-то мере в обществе, определяет субъективную характеристику успешности; внешняя оценка социальным пространством качества развития и достижения высоких (с позиции социального пространства) результатов определяет объективную или социальную оценку успешности личности;

- системность и надежность научной теоретизации [5] раскрывает возможность перспективного решения задач создания нового знания в контексте развития личности обучающегося в системе непрерывного образования;

- образовательная среда [6] является интегрированным явлением, системно создает возможности для персонификации и унификации, индивидуализации и коллективного развития в заданных рамках и теоретизируемых способах решения тех или иных задач;

- педагогическое моделирование [7] и теоретизация [2, 3, 5, 7, 13, 15, 16, 17] позволяют подойти к созданию идеальных и материальных продуктов научно-педагогической деятельности с позиции традиционной и инновационной педагогики;

- социализация и самореализация личности [8, 12] определяются продуктами целостного развития личности в системе непрерывного образования;

- научное обоснование [9] рассматривает уникальные основы принятия той или иной грани педагогического выбора как модели и технологии оптимального представления проблемы развития личности в обществе и деятельности;

- модели доступности и научности знаний в управлении качеством образовательной организации [14] раскрывают системно осмысленные, целостные, вариативно надежные основы построения процесса теоретизации и технологизации управления качеством образовательной организации;

- технологизация и теоретизация [7, 13] в уникальности составляющих и взаимодополнения целостности научно-педагогического поиска позволяют раскрывать и уточнять возможности оптимального решения задач научно-педагогической деятельности;

- педагогические условия [17] определяются как категория и технология теоретизации возможностей научно-педагогической деятельности личности в системе непрерывного образования.

Внеурочная деятельность обучающегося рассматривается как модель оптимизации качества социализации и самореализации личности в образовательной организации.

Выделим и уточним понятия «внеурочная деятельность», «педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования».

Внеурочная деятельность – вид возрастообразной деятельности обучающегося, раскрывающий частно-предметные возможности изучения тех или иных основ дидактического знания, основы которых строятся с учетом интереса, направленностью и способностью личности быть социализированным и определить целостно потребности и

продукты самореализации и самоактуализации, самовыражения и продуктивного самоутверждения.

Педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования – совокупность линейно детерминированных положений, в системе позволяющих обеспечить повышение качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования.

Педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования:

- наукообразность постановки и решения задач обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования;

- системность смыслообразования и целеполагания в регламентации составляющих процесса теоретизации и технологизации качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования;

- традиционное и инновационное уточнение качества задач развития личности во внеурочной деятельности;

- учет индивидуальных особенностей развития обучающегося в контексте управления качеством достижений и принятия нормального распределения способностей и здоровья базовым механизмом самоорганизации качества задач теоретизации и технологизации;

- унификация условий успешности и продуктивности в возрастосообразной деятельности обучающегося;

- обеспечение здоровьесберегающего типа мышления в поле приоритетов развития и унификации уровня воспроизводства опыта социальных отношений и креативности личности;

- воспроизводство позитивно выстраиваемых гуманистически целесообразных отношений личности и общества через систему внеурочной деятельности обучающегося;

- синергетическая корректность постановки и уточнения задач развития личности в структуре популяризации различных форм и технологий внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования;

- стимулирование активности личности обучающегося к самостоятельному поиску и самопознанию;

- повышение уровня профессионализма педагогов в модели непрерывного образования и реализации идей системно-деятельностного подхода;

- формирование культуры самостоятельной работы обучающегося как гаранта стабильности и перспективности развития личности, конкурентоспособности и самоорганизации возможностей продуктивного становления;

- аксиолого-смысловое уточнение моделей социализации и самореализации личности в структуре планирования и организации внеурочной деятельности обучающегося;

- мотивация личности к акмеперсонифицированному становлению в различных плоскостях реализации идей развития, социализации и самореализации, сотрудничества, взаимодействия и общения;

- уровневое осмысление и поэтапная возрастосообразная унификация решения задач «хочу, могу, надо, есть»;

- доступность и формируемости интереса к научному познанию и науке в широком смысле заявленного феномена;

- профессиональная ориентация и включенность личности в процесс непрерывного развития и непрерывного образования (Ж. Делор – «научиться познавать», «научиться делать», «научиться жить», «научиться жить вместе»).

Теоретизированные в линейной системе положений педагогические условия обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования позволят гибко управлять качеством постановки и решения задач обеспечения качества внеурочной деятельности обучающегося в структуре современного образования.

Использованная литература

1. Аксенова А.Н., Чигишев Е.А., Сидоренко Е.А. Здоровьеформирующее мышление личности в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-практ. конфер. (Воронеж, 9 апр. 2020 г.). – Воронеж : Научная книга, 2020. С.503-506.
2. Балицкая Н.В., Пожаркин Д.И., Козырева О.А. Теоретизация управления качеством продуктивного развития личности в системе непрерывного образования // Современные технологии в науке и образовании – СТНО-2020 : сб. тр. III Междунар. науч.-техн. форума: в 10 т. Т.10.. – Рязань: ИП Коняхин А.В. (BookJet), 2020. – С.12-15.
3. Брыксин Т.С., Козырева О.А. Теоретизация успешности развития личности в моделях социальных, образовательных и профессиональных отношений в системе непрерывного образования // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.47-50.
4. Бурденкова А.А., Балицкая Н.В. Здоровьесбережение как ценность и продукт современного воспитания личности // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: изд-во им. М. Акмуллы, 2019. С.50-53.
5. Голева О.С., Угольников О.А. Системность и надежность научной теоретизации в структуре развития личности обучающегося в системе непрерывного образования // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.305-1 – 305-6.
6. Данилов Е.Ю., Козырева О.А. Образовательная среда как модель и технология оптимизации качества развития личности // Моделирование и конструирование в образовательной среде: сб. матер. V Всерос. (с междун. участ.) науч.-практич., методологич. конфер. для науч.-пед. сообщества (Москва, 18 апр. 2020 г.). – М.: Изд-во ГБПОУ «МГОК», 2020. С.117-122.
7. Кувшинов А.А., Балицкая Н.В. Педагогическое моделирование как технология и метод инновационного обновления возможностей педагогической деятельности // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.167-170.
8. Лифанова Т.А. Козырева О.А. Повышение качества социализации и самореализации личности в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-пр. конф., 24 окт. 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.6-10.
9. Монгуш С.А., Козырева О.А. Научное обоснование важности формирования культуры и профессионализма у обучающегося в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.33-36.

ILM-FAN VA OLIY TA'LIM SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY-FALSAFIY ASOSLARI

***Saitqosimov Akbar, JDPI "Falsafa, tarbiya va huquq ta'limi" kafedrası dotsenti,
falsafa fanlari doktori***

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida fan va oliy ta'lim tizimini innovatsion rivojlantirish, fan va ta'lim o'rtasida integratsiyalarni kuchaytirish, oliy ta'limni innovatsion ishlanmalar, texnika va texnologiyalar barpo etuvchi muassasa sifatida rivojlantirish,

olimlarning mehnat natijalarini amaliyotga keng joriy etish masalalari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: oliy ta'lim, innovatsiya, innovatsion rivojlantirish, integratsiya, fan, ishlanmalar, texnika, texnologiya.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы инновационного развития системы науки и высшего образования в Республике Узбекистан, усиления интеграции науки и образования, развития высшего образования как место разработки инноваций, техники и технологий, а также повсеместного внедрения результатов работы ученых.

Ключевые слова: высшее образование, инновации, инновационное развитие, интеграция, наука, развитие, техника, технология.

Abstract: This article examines the issues of innovative development of the science and higher education system of Uzbekistan, strengthening integration between science and education, development of higher education as innovation, technics and technologies, as well as widespread implementation of the results of scientists work.

Keywords: higher education, innovation, innovative development, integration, science, development, technics, technology.

Bugungi kunda zamonaviy ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanish jarayonlarini yangicha ko'lam kasb etmoqda. Uning barcha bosqichlari va darajalarida yangilanishlar fenomeni bo'lgan innovatsiyalarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ijtimoiy jarayonlarning o'zagi bo'lgan ilm-fan va ta'lim sohasi jamiyat taraqqiyotining muhim harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi. Fan va ta'lim tizimida innovatsiyalarni joriy etilish esa, jamiyat ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlash, aholi turmush faravonligini oshirish, ijtimoiy muammolarni hal etish jarayonida o'zining muhim o'rniga egadir.

Ta'kidlash kerakki, hozirgi vaqtda ilm-fan yuqori sur'atlarda takomillashib, zamon tezlik bilan rivojlanib borar ekan, boshqa sohalar kabi fan va ta'lim tizimini ham yangilab borish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuningdek, bugungi kunda ta'lim sohasidagi davlat siyosatini amalga oshirishda bir qator kamchiliklar ham ko'zga tashlanmoqdaki, ular bevosita, mazkur kamchiliklarni aniqlash va bartaraf etish, tizim faoliyatini yanada takomillashtirishni kun tartibidagi muhim vazifalar qatoriga qo'yadi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasida fan va ta'lim tizimini takomillashtirish va innovatsion rivojlantirish imkoniyatlarining mavjudligi quyidagilarda namoyon bo'lmoqda:

– birinchidan, mamlakatda oliy ta'lim tizimi va ilmiy muassasalar ilmiy izlanishlar va tadqiqotlar olib boriladigan asosiy maskandir;

- ikkinchidan, oliy ta'limda zamonaviy kadrlar tayyorlash bo'yicha ilmiy va pedagogik kadrlar salohiyati mavjud;

– uchinchidan, O'zbekiston manfaatlari kesimida xorijiy davlatlarning fan va ta'lim tizimida innovatsiyalar bo'yicha tajribalarini qo'llash imkoniyatlari mavjud.

Mamlakatda ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı islohotlar samarasi xorijiy mutaxassislar tomonidan e'tirof etilmoqda. Jumladan, Seuldagi Politexnika kolleji professori Pak Xvan O'zbekistonning ta'lim sohasidagi islohotlariga quyidagicha baho bergan: "O'zbekistonning kadrlar tayyorlash bo'yicha milliy modeli jahon hamjamiyati tomonidan e'tirof etildi va har tomonlama o'rgansa arziydigan ob'ektga aylanmoqda. Bizningcha, dasturning umumiy g'oyasi shundan iboratki, u yangi asrda Respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda sifatli bozorning asosiy omili bo'ladi" [1].

Bugungi kunda ham O'zbekiston Hukumati tomonidan turli dasturlar qabul qilish orqali fan va ta'lim tizimini takomillashtirish yuzasidan tegishli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Shunga qaramasdan, joylarda sohada olib borilayotgan tegishli chora-tadbirlarning fan va ta'lim muassasalari faoliyatida zamonaviy talablardan kelib chiqib yangi yo'nalishlarni joriy etish to'liq qamrab olinmaganligi, ta'lim xizmatlari bozori, unda innovatsiyalarni joriy etishning etarli emasligi, fan va ta'limda xorijiy aloqalarni to'liq joriy etimaganligi bir qator muammolarni keltirib chiqarmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev oliy o'quv yurtlaridagi ilm-fanni yanada rivojlantirish muammosi bo'yicha: "Bu o'rinda, mening nazarimda, ikkita asosiy vazifani

hal etish zarur: birinchi – ilmiy muassasalarning moddiy-texnik bazasini ilg‘or xorijiy markazlar darajasida va olimlar talablariga muvofiq sezilarli ravishda mustahkamlash kerak. Bunda, albatta, davlatning ehtiyojlari va uning maqsadli vazifalari inobatga olinishi shart; ikkinchi – akademiklarni har taraflama qo‘llab-quvvatlash, jumladan, moddiy rag‘batlantirish bo‘yicha aniq chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish”, deb ta’kidlagan [2].

Fan va oliy ta’lim tizimining innovatsion rivojlantirishda, avvalambor, mazkur sohalarini mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatidagi o‘rnini yuksaltirish yuzasidan qayta ko‘rib chiqish maqsadga muvofiq. Ularni faqatgina ta’lim dargohi emas, balki ilmiy g‘oyalarni ishlab chiqish, real hayotga yangi mahsulotlar, texnika va texnologiyalar barpo etuvchi muassasalar sifatida rivojlantirish, ilm-fan bilan shug‘ullanuvchi olimlarning har tomonlama rag‘batlantirish, ularning mehnat natijalarini xalq xo‘jaligiga keng joriy etish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim.

Oliy ta’lim va fan tizimida innovatsiyalar va ishlanmalarning ko‘payishi jamiyat iqtisodiy salohiyatini oshiradi. Bunda innovatsion jarayonlar ishtirokchilari o‘z imkoniyatlarini ishga solib, iqtisodiy siyosat, islohotlar, moddiy ne‘matlar ishlab chiqarishda o‘z salohiyati bilan qatnashishidir. “Bunda kishilar turli texnologik, innovatsion loyihalar, kashfiyotlar, ishlanmalar va dasturlar orqali taraqqiyot uchun zamin bo‘ladigan ishlanmalar yaratishi va uni hayotga tadbiq etishi muhim bo‘lib, bu orqali ular mamlakatimizning jahon siyosiy va iqtisodiy jarayonlarida o‘z o‘rniga ega bo‘lishiga ko‘maklashadi” [3].

Oliy ta’limda innovatsiyalarni joriy etish uchun o‘qituvchi va talabalar ongida yangicha tafakurni rivojlantirish, zamonaviy fikrlash tarzini oshirish, texnologik g‘oyalarni shakllantirish lozim. Bu ilmiy ishlarni rivojlantirish jarayoniga innovatsion yondoshuv bo‘lib, tadqiqotchida yangiliklarni yaratishga zamonaviy uslublar va loyihalar bilan yondoshuv jarayoni hisoblanadi. Professor B.To‘raving fikricha, “Bugungi jamiyatni rivojlantirish uchun voqelikka yangicha rakursdan turib qarash, yangicha, ya’ni innovatsion yondashuv lozim bo‘ladi. Bu yangicha metodologiya, yangicha texnologiya, xullas innovatsion yondashuvdir. Innovatsion, ya’ni yangilikka asoslangan texnologiyalar, yangicha boshqaruv jarayonlarini joriy etish uchun yangicha tafakkurga tayanish lozim” [4].

Oliy ta’lim pedagog xodimlarini innovatsion jarayonlarga kengroq jalb etish davr taqozosi hisoblanadi. Statistik manbada ko‘rsatilishicha, “Innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tishda nafaqat turli sohalarda kadrlarni tayyorlash masalasi, balki oliy ta’lim tizimida band bo‘lgan xodimlarni yuqori ilmiy va ijtimoiy-iqtisodiy faolligi talab etiladi. O‘zbekiston Respublikasida ilmiy-tadqiqot faoliyat bilan shug‘ullanayotgan xodimlar soni 36 839 taga barobar bo‘lsa, ularning 64,6 % oliy ta’lim muassasalarining ilmiy-pedagog kadrlari tashkil etadi” [5].

Oliy ta’limda talabalarga fanlardan faqat bilim berish bilan birgalikda, yoshlar ichidan yangi g‘oyalar va texnologiyalar yaratishga qurbi etadigan iqtidorlillarini tanlab olish, dolzarb ilmiy-texnika muammolarni echishga jalb etishlari lozim. Bu jarayonlarni tashkil etishda oliygohlarda tajriba-texnik va konstruktorlik bo‘linmalar, texnoparklar, yuqori texnologik asosda ishlaydigan zamonaviy laboratoriyalar tashkil etish maqsadga muvofiq. Bu jarayonda iqtidorli talabalarning nafaqat ilmiy salohiyati, balki ularning yangi g‘oyalar va innovatsiyalarga ko‘nikmalari va moyilligi oshadi.

Olimlarning fikricha, “Mustaqil milliy ijtimoiy taraqqiyot yangi sifatiiy bosqichga o‘tib o‘tishini ta’minlashda moddiy va ma’naviy ishlab chiqarish jarayonlarini dialektik tarzda uyg‘unlashtirishning yana bir usuli innovatsiyalarni iqtisodiyot va ma’naviyat sohasiga joriy etish asosida ularni uyg‘un tarzda rivojlantirishni yo‘lga qo‘yish tashkil etadi. Bu usul yoshlarning mehnat faoliyatini iqtisodiyot va ma’naviyat bilan uyg‘un tarzda tashkil etish asosida rivojlantirishning dialektik xususiyatlarini o‘zida ifodalagan vositalar orqali ish yuritadi” [6].

Ilmiy-tadqiqot faoliyatni moliyalashtirish jarayonlarida xususiy sektorning ishtirok etishi ham oliy ta’lim va ilmiy muassasalarda innovatsiyalarni rivojlantirishga zarur sharoit yaratadi. Xususiy sektor yoki investorlarga ham imtiyozlar tizimi belgilanishi ushbu sohani rivojlanishi va takomillashishiga turtki beradi. Innovatsion salohiyatni oshirishda oliy o‘quv yurtlari va ilmiy

muassasalarni milliy va hududiy rivojlanish dasturlarini ishlab chiqishda keng jalb etish ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Fan va oliy ta'limda ilmiy izlanishlarni olib borishda yangicha tizimni yaratilishi olimlarning iqtidorli yoshlarning ilmiy loyihalariga rahbarlik qilish, aniq amaliy natijalar olish imkoniyatiga ega bo'lishi fan va ishlab chiqarish o'rtasida bog'liqlikni mustahkamlaydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Iqtisodiyot tarmoqlari va sohalariga innovatsiyalarni joriy etish mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarori qabul qilindi. Mazkur qarorga muvofiq, oliy ta'lim muassasalari tuzilmasida innovatsion jamg'armalar va ilmiy-innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish bo'yicha bo'linmalar tashkil etildi.

Ilmiy-innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish bo'yicha bo'linmalari oldiga quyidagi maqsadlar qo'yilgan:

- bozorni tizimli ravishda tahlil qilish va innovatsion mahsulot (ish, xizmat)larga bo'lgan talabni o'rganish, o'zini qoplash muddatini, rentabellik va innovatsion mahsulotlarni tijoratlashtirish bilan bog'liq xatarlarni baholash;
- yuqori tijorat salohiyatiga ega va amalga oshirishga tayyor bo'lgan, o'zlashtirish uchun istiqbolli loyihalarni tanlab olish;
- innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun investorlar, sheriklar va boshqa manfaatdor shaxslarni jalb qilish;
- yangi texnologiyalarni joriy qilish va innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqarish maqsadida sanoat korxonalarini bilan o'zaro hamkorlik qilish [7].

Fan va ta'lim sohasining barqaror rivojlanishi mamlakatimizning jadal ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlashning garovidir. Unga erishishda ta'lim xizmatlari bozoridagi iqtisodiy munosabatlarni takomillashtirish asosida ta'lim muassasalarining samarali faoliyatini ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, iqtisodiyotda ishlab chiqarish omillaridan oqilona foydalanish yuqori o'sish sur'atlariga erishishning etakchi omili bo'lib hisoblanadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, ta'lim sohasining milliy iqtisodiyotda tutgan o'rni uning rivojlanishi bilan o'zgarib boradi. Xususan P.Drakerning fikricha, hozirgi davrda «bilimlar kapital va ishchi kuchini chetga surib, ishlab chiqarishning etakchi omiliga aylanmoqda» [8].

Shuni alohida ta'kidlash joizki, fan va ta'lim tizimida innovatsiyalarni tashkil etish jarayonining huquqiy, tashkiliy va moddiy jihatdan etarli darajada tashkil etilishi kadrlar tayyorlash sifatini oshirishni ta'minlashning asosi bo'lib hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan bu jarayonni amalga oshirishda quyidagi muammolarni hal etishni talab qiladi:

- fan va oliy ta'lim tizimida olimlar hamda professor-o'qituvchilarning maqomini va moddiy manfaatdorligini yanada oshirish;
- o'qituvchilarni qayta o'qitish tizimi samaradorligini oshirish asosida yangi pedagogik texnologiyalarning o'quv jarayoniga tatbiq etilishini ta'minlash;
- fan va ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini hozirgi zamon talablariga javob beradigan darajaga olib chiqishni ta'minlash;
- fan va ta'lim tizimini axborot bilan ta'minlashni qo'llab-quvvatlash va eng zamonaviy axborot texnologiyalarini amaliyotda qo'llash va ulardan to'liq foydalanish;
- oliy ta'lim muassasalari avtonomligini ularning huquqlar doirasini kengaytirish orqali ta'minlash.

Foydalaniladigan adabiyotlar:

1. Янги давр ва янгича билим олиш. Миллий таълим модели: ўн йиллик изланиш ва натижалар. //«Правда Востока», 2007 йил, 29 май. –Б. 2.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. –Б.46.
3. А.Сайтқосимов. Жамият барқарорлиги ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш. //Монография. -Тошкент, 2018. –Б. 242.
4. Б.Тўраев. Жамиятни маънавий соғломлаштиришда ночизиқли тафаккурнинг ўрни. //Тафаккур зиёси. 2018 йил, 1-сон. –Б.12.

5. Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2015 г. /Статистический бюллетень, -Т.: Госкомстат, 2016, - С. 83.

6. Н.Тоғаев, И.Шерманов. Жамият тараққиётида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг замонавий воситалари. //“Жамоатчилик назорати – жамият барқарорлиги омили” номли илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2018. –Б.64-65.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2018 йил 7 май. www.lex.uz.

8. Дракер П. Посткапиталистическое общество //Экономика XXI века. – Москва, 1999. - № 11 – С. 3-4

9.Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(38)*. извлечено от https://science.i-educ.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИДА ФАЛСАФА ИЛМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АҲАМИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Муҳаммадиев Нурмуҳаммад Эргашевич, фалсафа фанлари номзоди, профессор,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти*

Аннотация: Мақолада жамиятнинг янгиланиши шароитида фалсафа илмининг методологик аҳамиятини оширишнинг асосини, унинг марксча-ленинча мазмун-моҳиятидан холи бўлган қонун категорияларини ўрганиши зарурлиги, шунингдек касб этикаси ва эстетикасининг маънавиятнинг ўзаги, миллий гоянинг тараққиёт стратегияси эканлиги, тарихфалсафасини жорий қилиши ҳақида бир қатор таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Таянч сўзлар: фалсафа, касб этикаси ва эстетикаси, фалсафа қонун ва категориялари, миллий гоя, ихтисослашган кенгаш, файласуфлар жамияти, муқобил эксперт.

Аннотация: В статье описаны основы повышения методологической значимости философской науки в контексте модернизации общества, необходимость изучения законов и категорий философии, лишенных ее марксистско-ленинского содержания, а также ряд предложений и рекомендаций по внедрению национальной идеологии как стратегия развития, философии истории.

Ключевые слова: философия, профессиональная этика и эстетика, философские законы и категории, национальная идея, специализированный совет, общество философов, альтернативный эксперт.

Resume: The article describes the foundations of increasing the methodological significance of philosophical science in the context of modernizing society, the need to study the laws and categories of philosophy devoid of its Marxist-Leninist content, as well as a number of proposals and recommendations for the implementation of national ideology as a development strategy, philosophy of history.

Key words: philosophy, professional ethics and aesthetics, philosophical laws and categories, national idea, specialized council, society of philosophers, alternative expert.

Инсоният ўзининг бахтли ва бахтсиз онларини бошдан кечириб XXI асрга қадам қўйди. Эндиги юз йилликда инсониятни нималар кутаётди, унинг ақл-тафаккури ила нималар яратилади, бу асрда ўзбек халқининг истиқболини қандай омиллар белгилайди деган бир қатор саволлар туғилиши, табиийдир. Бу саволларга илмий-методологик жиҳатдан жавоб топишдақайси фан масъуликни ўз зиммасига олади, деган савол ҳам туғилади? Бунга турли

соҳаларда тадқиқот олиб бораётган олимлар, зиёлилар “XXI – ахборот технологиялари асри”, бошқалари “XXI аср– нанотехнологиялар асри”, “XXI аср – генмуҳандислиги асри”, “XXI аср – тарихий хотирани тиклаш ва ўзликни англаш асри”, “XXI аср – инсон ҳуқуқларини таъминлаш асри”, “XXI аср – инновацион ривожланиш асри”, “XXI аср – рақамли иқтисодиёт асри”, “XXI аср – учинчи Ренессанс асри” деган ғояларни илгари суриш билан жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Илгари сурилаётган бу ғояларни инкор қилиб бўлмайди, албатта. Бирок, уларни бутун инсониятнинг истиқболини белгилаб берувчи методологик аҳамиятга молик бўлган фалсафий ғоялар сифатида эътироф этиш, муайян қийинчиликларни туғдиради. Бунга сабаб қилибмамлакатимиздаги техника ва технологиялар соҳасида фаолият олиб бораётган ёш олимларнинг фалсафа илмининг туб моҳиятини яхши англаб етмаганликлари, шу билан бир қаторда таълим муассасаларида мазкур фанни ҳаётий ҳақиқатлар мисоли асосида ёритилмаётганлиги, таълим муассасалари раҳбарларининг бу масалага “совуққонлик” билан ёндашаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Аслини олганда XXI аср илм фаннинг ҳамма соҳаларида буюк ўзгаришлар содир бўладиган бир тарихий давр бўлиши ҳаммага айёндир. Бунда фалсафа илмига бўлган қизиқиш сўнмайди, балким оламда содир бўлаётган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини билиш орқали, уларни инсон манфаат ва эҳтиёжларини қондириш учун янги фалсафий тафаккур қилишга бўлган эҳтиёж янада кучайиб боради.

Янги фалсафий тафаккур қилишнинг ядросини фалсафа илмининг минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтган қонун ва категориялари ташкил қилади. Буларга “Қарама-аршиликлар бирлиги ва куравиш қонуни”, “Миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни”, “Инкорни инкор қонуни” киради. Булар объектив қонунлардир. Бу қонунлар жаҳонга машҳур бўлган қадимги дунё файласуфларидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган олимларнинг тинмай изланишлариинг маҳсулидир. Ундан марксизм-ленинизм таълимотининг асосчилари, тарғиботчилари ўз мақсадлари йўлида унумли фойдаланишган, холос. Марксизм-ленинизм тарих саҳнасидан кетгани билан, афсуски, бу қонунлар уларгача бўлган даврларда ҳам амал қилиб келинган объектив қонун сифатидай ўқолиб кетмади ва кетмайди ҳам. Улардан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти ўзгариб туради, холос. Биз мазкур қонунларнинг марксча-ленинча талқинидан воз кечган бўлсакда, бироқ, бу қонунларнинг жамият ва тузумлар ўзгариши билан йўқ бўлиб кетмаслигини, яъни объектив фалсафий қонун сифатида мавжуд эканлигини тан олишдан негадир ҳадиксирамоқдамиз. Бунга сабаб айрим одамларнинг фалсафа илмини сиёсат қурбонига айлантириш учун ҳаракат қилаётганлигидадир.

Фалсафа категориялари бўлган: алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик; мазмун ва шакл; моҳият ва ҳодиса; сабаб ва оқибат; зарурият ва тасодиф; имконият ва воқелик ва бошқалар ҳам объективлик хусусиятига эга бўлиб жамиятнинг янги ланишидаги, яъни унинг тараққиётни таъминлаш ва таназзулга учрашининг олдини олишнинг оптимал йўллариини кўрсатиб берувчи методологик аҳамиятга эга бўлган усуллар тизими ҳисобланади. Бундай ҳулосага келишдан мақсад, марксизм-ленинча фалсафани қўмсаш эмас, балки ана шу объектив фалсафий қонун ва категорияларни ўрганиш ва ўргатиш асосида миллий ўзбек фалсафасини яратишдан иборатдир.

Фалсафа илмининг кишилар ҳаётидаги ўрни ҳақида буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов: “Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам– медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъна-мазмунини яхши тушунмайди. ... Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқарашини, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Фалсафада сабаб ва оқибат деган категория бор. Афсуски, ҳаётда биз кўпинча сабаб ва оқибат ўртасидаги доимий боғлиқлик ва муносабатларни тушунмаймиз. Биз амалий ҳаётимизда кўпинча оқибатни сабаб ўрнида қабул қиламиз, сабабни эса оқибат деб

тушунамиз. Аслида сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликнинг ўзи диалектикадир”, –деган эди.[1,117-119-б.]. И.А.Каримовнинг бизга қолдирган сиёсий мерослари ичида бу фикр ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Таклиф ва тавсиялар. *Биринчидан, фалсафа* илмини талабаларга ўқитиш учун тузиладиган фан дастурлари ва яратиладиган янги авлод ўқув адабиётларининг 50-60% фалсафа қонун ва категорияларини ёритишга қаратилган бўлиши керак. Бу иш амалга оширилмаса фалсафа илми дунёқарашлар, фанлар, илмий тадқиқотлар, инновацион ғоялар тизимида ўзининг ҳақиқий методологик ўрнидан кўр-кўрона маҳрум қилинган бўлади.

Иккинчидан, Биринчи модель сифатида *фалсафа фани дастурини* тузишда асосан бешта қисм: фалсафа илмининг назарий-методологик асослари (2/2соат); онтология ва гносеология (4/4 соат); қонун (6/6 соат) ва категориялар(12/12 соат); жамият ва ижтимоий онгнинг ривожланиш тенденциялари (6/6/ соат); социал прогнозлаштириш ва ҳозирги дунёнинг глобал муаммолари (2/2 соат) ажратилиб тузилиши керак. Бунда жами маъруза 26 соат ва 26 соат семинар бўлади. Жами 56 соат.

Учинчидан, ҳар бир таълим муассаси ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда “*Касб этикаси ва эстетикаси*” фанини 2- модель сифатида ўқув жараёнига киритиши керак.(20/20= 40 соат) ҳисобида. Бу “ маънавият” тушунчасининг сийқаланиб кетишининг олдини олади. Чунки, маънавиятнинг ўзагини ахлоқ ва нафосат ташкил қилади. *Ахлоқ ва нафосатсиз – маънавият пуч ёнғоқ каби бир тушунчадир, холос.*

Тўртинчидан, 3-модель сифатида “*Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси*” номли ўқув фанини жорий қилиш керак. (20/20=40 соат). Бунда, миллий мафқуранинг бош ғояси «*озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон яшаш*» эканлигини тан олган ҳолда (Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ҳар бир нутқи, чиқишлари ва халқ билан учрашувларида шу ғояни амалга ошириш ҳақида гап кетади), ҳар йил эълон қилинадиган ғояларни *тактик* (масалан, «2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»), бажарилиши кўп йилларга мўлжалланган ғояларни стратегик (Масалан «*Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари*»)[2,348.], «*Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз*»)[3.] стратегик ғоя сифатида амалга ошириш зарурлигини ёшларга тушунтириш орқали уларнинг миллий мафқуравий онги-тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш керак бўлади.

Демак, бозор талаби қандай бўлишидан қатъий назар: «Фалсафа», «Касб этикаси ва эстетикаси», «Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси», Ўзбекистон тарихи ўрнига «Тарих фалсафаси» номли фанлар давлат томонидан қатъий белгиланган, мажбурий характерга эга бўлган фалсафий фан соҳаси сифатида барча олий таълим муассасаларида ўқитилиши шарт деб белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, фалсафа йўналиши бўйича *Илмий даража берувчи Ихтисослашган кенгаш раиси ва унинг ўринбосарлари Кенгаш аъзолари томонидан очиқ тарзда сайланиши керак.* Шу билан бир қаторда Ихтисослашган кенгаш ёки семинар аъзолигидан чиқарилаётган киши, очиқ тарзда Кенгаш аъзолигига, унинг иштирокида тушунтирилиши керак. Бу ҳар хил тушунмовчиликларнинг олдини олади. Ихтисослашган Кенгаш раиси таянч маълумоти, яъни олий таълимда олган ихтисослиги тўғри келсагина раис қилиб сайланиши зарур. Раисларни Ректор томонидан тавсия қилиш ва тасдиқлаш амалиётига чек қўйиш лозим. Бу коррупцияга олиб келади.

Олтинчидан, ҳар қандай фалсафа илмидан ҳимоя қилинган диссертация очиқ бўлиб, у албатта муқобил экспертлар томонидан баҳоланиши лозим. Бу тадқиқотчини ҳақиқий кашфиёт қилишга мажбур этади, илмий ишнинг холислигини таъминлайди..

Еттинчидан, «Ўзбекистон файласуфлари жамияти»ни қайтадан тузиш, фалсафанинг долзарб масалалари бўйича йилига бир марта файласуфларнинг қурултойини ўтказиб туриш керак. Уни ташкил қилиш масаласини «*Республика Маънавият ва маърифат маркази*» зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

Бу ишларни амалга оширишда жаҳл ва жаҳолат қилишдан сақланиш зарур. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганидак: “Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт

соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, кўйинги, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келаямиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас”. [4.195-196-б.]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир// Унинг ўзи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-том. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// Унинг ўзи. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2020.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020. // <https://president.uz/uz/lists/view/3864>.

4. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// Унинг ўзи. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.

СТРАТЕГИЯ ЮКСАЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ СИФАТИДА

***Очилова Бахти Муродовна, фалсафа фанлари доктори,
профессор, Жиззах давлат педагогика институти***

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда ривожланишнинг муҳим стратегик муаммолари – давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга эътибор қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг характерли хусусияти шундаки, у беш босқичда, яъни 2017 -2021 йилларда амалга ошириш назарда тутилди. Бунда ҳар бир йилнинг номланиши, унга мувофиқ Давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши умумийнинг хусусийда, моҳиятнинг ҳодисаларда, қонунининг қонун модификацияларида акс этишини кузатиш, жой, вақтнинг турли-туман шартларини ҳамда мазкур объектнинг борлигини ўзгартирувчи барча ҳолатларни ҳисобга олиш, у қайси тизимнинг унсури бўлса, ўш з тизим таркибида кўриб чиқиш, унинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва ҳаракатнинг асосий босқичларини кўриб чиқиб, келажакни башорат қилиш ва ишларнинг бундан буён ривожланиш тендецияларини прогноз қилиш каби талабларни ўз ичига олди.

Белгиланган стратегик масалалар ҳаётийлигини таъминлаш учун бир қатор тамойиллар асос қилиб олинди:

- эскини бузмайди, янгиси яратилади;
- ҳаёт барча тартиб – қоидаларга ўз тузатишларини киритади;
- давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади;
- давлат идоралари халққа хизмат қилади;
- фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинади;
- инсоннинг бош ҳуқуқи – муносиб ҳаёт ҳуқуқи ҳисобланади;
- иқтисодий давлат иштироки камайтиради, хусусий мулк ҳуқуқи ҳимоя қилинади, кичик бизнес ва хусусий ташаббускорлик рағбатлантирилади;
- иқтисодийнинг ўсиши аҳоли турмуш даражасининг ошиши баробарида кечади;

- миллий валюта – сўмнинг эркин конвертацияси жорий этилади;
- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” механизми орқали ҳалқ фаровонлиги оширилади;
- аҳолининг заиф қатламлари ижтимоий қўллаб-қувватланади, ишсизлик камайтиради, ялпи бандлик таъминланади, меҳнат рағбатлантирилади, одамлар камбағаллар синфига эмас, балки ўрта синфга мансуб бўлади;
- соғлиқни сақлаш даражаси оширилади васоғлом турмуш тарзини юритиш имконияти янада кенгайтирилади;
- ҳар бир инсон эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшашига шарт – шароит, имконият яратилади;
- хотин – кизларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётдаги нуфузини оширилади;
- юқори сифатли таълим вамеҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассилар тайёрланади, шахснинг ривожланиши, инсон капиталига, технологик салоҳиятга глобал тренд сифатида қаралади;
- тадқиқотларга инвестициялар киритилади ва ишлаб чиқариш илмий базаси кенгайтирилади;
- маҳалла институти халқчил тузилмага айлантиради;
- коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилади;
- барча хорижий мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни прагматик нормаларга асосланган ҳолда олиб боради;
- *диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланади.*

Ушбу умумий қоидаларда объективлик, фаоллик, ҳартомонламалик, детерминизм, тарихийлик, ягонанинг қарама-қаршиликка ажралиши, тизимийлик, миқдорий ва сифатий тавсифларнинг ўзаро алоқалари мужассамлашган. У реал борликни билиш ва ўзгартириш ҳамда инсоннинг ҳаракат усуллари белгилайдиган меъёрий талаблар ва ўзига хос кўрсатмаларни юзага келтиради.

Белгиланган тамойиллар асосида ҳукумат кенг миқёсли ислохотларни бошлади. Тараққиёт жараёни умумий ҳолатда мувозанатсиз системалар ривожланиши ва мувозанатсиз босқичли ўтишлар билан боғлиқ ва шунинг учун ўзида тебранишлар, фазовий структуралар ва тартибсизликлар шаклланишини қамраб олади. Бу мамлакатнинг табиий-географик, иқтисодий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш омиллари ва ресурслари, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг менталитети, тарихий ва маданий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, умуман жамиятнинг хусусиятлари, қирралари ва томонлари, ўзига хос аломатлари ва алоқалари, мавжуд бўлиш ва ўзгариш қонунлари билан ҳисоблашишни тақозо этади. Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш дастурларини тузишда реал ресурслар, аниқ омилларга асосланди, ҳудудларни манзилли ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва туманни мақсадли барқарор тараққий эттириш, бўш ётган саноат корхоналарига инвестициялар киритиб, уларга қайтадан жон бағишлаш, ишсизликни камайтириш, ялпи бандликни таъминлашга бирламчи эътибор қаратилди ва уларни амалга ошириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилиб борилди.

“2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонун ости ҳужжатлари ижрога йўналтирилди. Мазкур йилда 2633 та инвестиция лойиҳа амалга оширилди, тижорат банклари томонидан 2,5 триллион сўм кредитлар ажратилди, 17599 та янги иш ўрни ташкил этилди. 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий

ривожланиш йили” Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширилди. “Хар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” давлат дастурлари доирасида 252,7 миндан ортиқ аҳоли тадбиркорликка жалб этилди. 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури доирасида умумий қиймати 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш режаси белгиланди. Бу ўз навбатида жамиятнинг барча соҳаларини ҳартомонлама, узвий алоқада ривожлантириш имкониятини ошириб боришни назарда тутди. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида 2 та Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг кўшма Қарори, 1 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори, 1 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори, 1 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори, 2 та фармойиши, 1 та Сенатнинг ва 1 та Вазирлар Маҳкамасининг чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шунингдек, Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида «Ёшлар парламенти» фаолиятига кўмаклашиш тўғрисидаги ҳамкорлик Битими имзоланди. Давлат дастурининг 138-бандига кўра “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ишлаб чиқилди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармони ва 5 та Қарори қабул қилинди. Шунингдек, 12 та чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда тасдиқланди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори ва 1 та идоралараро норматив ҳужжати қабул қилинди.

Жамият соҳаларидаги ҳар бир ўзгариш (ички ёки ташқи, зарурий ёки тасодифий, сифатий ёки миқдорий) қандай бўлишидан қатъи назар, у ўз сабабига эга бўлади, тақазо этилади, тегишли ўзаро таъсир орқали рўёбга чиқади. У ёки бу соҳаларнинг ўзаро таъсири бу тизимларда тегишли ўзгаришларни келтириб чиқаради ва бу, табиийки, ўзаро таъсир амал қилиб турган сабаб сифатида чиқади, сабабнинг амал қилиши натижасида юзага келган ўзгаришлар эса оқибат сифатида чиқади, демак, худди шу ўзаро таъсир мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабидир. Масалан, ижтимоий соҳа ўзаро таъсирлашаётган турли соҳаларнинг функциялари учун ўзаро тўлдирувчанлик функциясини бажаради. Жамиятнинг моддий-ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг моддий бойликларни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш каби ижтимоий заруриятдан келиб чиқади ва мана шу мақсадларга мос бўлган ижтимоий инфраструктурани шакллантиради. Ижтимоий соҳа ўзининг хусусий инфраструктурасига (уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва б.) асосланган ҳолда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаради, у ёки бу социал субъектларнинг истеъмолчилик фаолиятини тартибга солади, уларнинг ижодий потенциалини амалга оширишлари, шахс сифатида намоён этишлари учун шарт-шароит яратади. Ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига олади ва ижтимоий соҳа тузилмалари, ижтимоий институтлар, ижтимоий норма ва қадриятларнинг конкрет ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида узлуксиз амал қилишида намоён бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясининг типик хусусияти давр ва шароитни ҳисобга олиб, муттасил юксалишни амалга ошириб боришидир. Юксалиш — ҳаракатни талаб қилади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, инновацион технологияни изчил ривожлантириш, саноат маҳсулотлари етказиб беришни маҳаллийлаштириш, шунингдек хориж компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш юксалишининг асосий омиллари қилиб белгиланди. Бу борада фан ва капитал сиғими юқори ишлаб чиқариш томонга йўналтирилди. Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошлиқни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот

кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади[1].

Умуман олганда Ҳаракатлар стратегияси фаол тараккиёт методологияси ҳисобланади.

Мазкур методологияни ўрганиш ўқувчининг ўзи яшаётган борликқа дунёқараши ва ҳаёт тарзини ўзгартиради ҳамда янгилашни ва ижод кўникмасини ривожлантиришда катта ўрин тутади.

Ҳаракатлар стратегиясини тушуниш ва тушунтиришда турли методлардан унумли фойдаланиш кутилган самарани беради. Аниқвазиятлар методи—«Кейс-стади» бу борада алоҳида ўрин тутади.

Кейс стади “Стратегия муваффақият фалсафаси”:

Муваффақиятли замонавий давлатнинг изчил ривожланишини жамиятнинг устувор йўналишлари бўйича чуқур ўйланган стратегиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Стратегия давлат бошқарувини ҳар томонлама ислоҳ қилиш, жамият қурилишини такомиллаштириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, пировардида, мамлакатни тубдан модернизация қилишга қаратилган.

Стратегия - бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчилик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди. Стратегия, бу - стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули - бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадлар ва вазифаларни қамраб олувчи расмийлаштирилган стратегия бўлиб, унинг қонунга мувофиқ амалга оширилишини стратегик мониторинги тизимидан фойдаланган ҳолда стратегик режани амалга ошириш орқали бажарилиши талаб этилади. Стратегия, бу - келажак ва номаълумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўл бошловчидир. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳужумнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандликдир [2.18.].

Давлат сиёсати стратегия ва тактиканинг яхлит самарали фаолият юритувчи тизимига агрегация ва интеграциясини ифодалайди.

Стратегиялашни стратегик тафаккурнинг урта ёндашуви мавжуд бўлиб[2.32.]:



Стратегик фикрлашга урта ёндашув. Биринчи ёндашувни стратегик таҳлил объектининг мавжуд кун тартиби чегарасидан ташқарида кенг кўламли ва олис муддатли фикрлаш, шунингдек, ҳаттоки улар объектининг жорий фаоллигини тубдан ўзгартирса ҳам, муваффақиятга етакловчи инновацион радикал кутилмаган ва экспонент йўлларни англаш ва таҳлил қилишни талаб қилувчи янги уфқлар стратегияси деб атаймиз. Иккинчи ёндашув яхшилаш стратегияси деб аталади. Ушбу ёндашув биринчисидан фарқли равишда асосан объектининг кўшимча тизимлари, унинг элементлари ва функцияларининг тизимли таҳлиliga, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқасига асосланган. Учинчи ёндашувни

бирлаштириш стратегияси деб аташ мумкин. Ушбу ёндашувга кўра, инқилобий инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш билан бирга жорий самарадорлик ва даромадлиликка олдиндан амал қилаётган операцион тизимлар ва технологиялар ҳисобидан эришилади.

Савол:

1. 1991-2000 йилларда ишлаб чиқилган давлат стратегияси қандай “стратегик фикрлаш” ёндашувга асосланган? Асослаб беринг.
2. 2000-2010 йилларда ишлаб чиқилган давлат стратегияси қандай “стратегик фикрлаш” ёндашувга асосланган? Асослаб беринг.
3. 2010-2020 йилларда ишлаб чиқилган давлат стратегияси қандай “стратегик фикрлаш” ёндашувга асосланган? Асослаб беринг.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қандай “стратегик фикрлаш” ёндашувга асосланган?
5. “Осиё йўлбарслари” – Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань; “Осиё аждарҳоси” – Япония давлатларининг ривожланиш стратегияларидан нимаси билан фарқ қилади? Таҳлил қилиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // Халқ сўзи, 2020, 25 январь.
2. Квинт В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Тошкент: Тасвир, 2018.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASI HAQIDA

*Xudoyberdiyev J.Z., t.f.n., dotsent
G'aniev I.G'., Jizzax politexnika instituti, O'zbekiston*

Annotatsiya: maqolada O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi tahlili keltirilgan.

Tayanch so'z va iboralar: modernizatsiya, innovatsion rivojlanish darajasi, innovatsion infratuzilma, progressiv stsenariy, raqamli iqtisodiyot.

Annotation: The article provides an analysis of the strategy of innovative development of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: modernization, level of innovative development, innovative infrastructure, progressive scenario, digital economy.

Аннотация: В статье дан анализ стратегии инновационного развития Республики Узбекистан.

Ключевые слова: модернизация, уровень инновационного развития, инновационная инфраструктура, прогрессивный сценарий, цифровая экономика.

O'zbekiston iqtisodiyotini barqaror sur'atlarda rivojlantirishning birlamchi vazifasi mamlakat iqtisodiyotini tarkibiy modernizatsiyalash, innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishdan iborat. XXI asrga kelib fan-texnika taraqqiyoti ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda boshqa ishlab chiqarish omillariga nisbatan hal qiluvchi iqtisodiy omilga aylandi. Fan-texnika taraqqiyoti ilmiy-texnik salohiyatning turli elementlari, avvalo fan va ta'lim orqali rivojlanar ekan, mamlakatlarning jahon iqtisodiyotidagi asosiy raqobat afzalliligini ta'minlab bermoqda. Dunyo mamlakatlarining innovatsion rivojlanish darajasi turli xalqaro reyting lar orqali baholab boriladi. Ularga Jahon iqtisodiy forumi tomonidan hisoblanadigan Global innovatsion indeks (GII), Texnologik tayyorgarlik indeksi (NRI), Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari indeksi (GITR), Global raqobatbardoshlik indeksi (GCI)ni kiritish mumkin. Ushbu

reytinglarda ilmiy-texnika salohiyati yuqori, fanda yetakchilikni saqlab qolishga intilayotgan mamlakatlar yetakchi mavqega ega [1].

Innovatsion infratuzilmani rivojlantirish, olimlar o'z salohiyatini oshira olishi uchun sharoitlar yaratishga katta e'tibor qaratiladi. Zamonaviy ilmiy asbob-uskunalar xarid qilinadi. Noyob ilmiy-texnik uskunalardan jamoaviy foydalanish markazlari ishga tushiriladi, ular eng ilg'or qurilmalar bilan ta'minlanadi. Ilmiy-texnik ma'lumotlar davlat tizimini yaratishga qaror qilindi, u respublika, sohalar, mintaqa darajasidagi ilmiy-texnik axborot resurslari va shu yo'nalishdagi ma'lumotlarni to'plash, saqlash va qayta ishlashga ixtisoslashgan tashkilotlarni o'z ichiga oladi. Bu esa ilmiy ishlanmalar haqidagi ma'lumotlarga kirishni osonlashtiradi [2].

O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish Progressiv stsenariy [3] tahlili qo'yidagilardan iborat. Islohotlarning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi iqtisodiy rivojlanish sur'atlarini joriy sur'atlarga nisbatan tezlashuviga erishish va investitsiyalarni jalb qilishni ta'minlash imkonini beradi (600-733 mlrd AQSh dollari). Har 6 yilda 1 marta inqirozlar qayd etiladi va yalpi ichki mahsulot o'sish sur'atiga salbiy ta'sir ko'rsatadi (inqiroz bo'lgan yilda minus 5,4% - oxirgi 2015 yilda yuz bergan inqirozda jahon yalpi ichki mahsulot pasayishi bilan bir xil, eng dastlabki qiymat olindi, 6 yil - 1982-2015 yillardagi jahon inqirozlari oralig'idagi o'rtacha vaqt). Samarali davlat boshqaruvi tufayli inqirozdan oldingi o'sish sur'atlari 1 yil davomida tiklanadi. Inflyatsiya: islohotlarni amalga oshirish, shu jumladan, mustaqil va samarali MB, inflyatsiya darajasini 2026 yilda 5% ga qadar, 2031 yilda 4,5% ga qadar muvaffaqiyat bilan barqaror ushlashga imkon beradi. Dollar kursi: 2019 yil darajasida barqaror - \$ 1 uchun 9,105 so'm (kursning o'rtacha hisoblangan qiymati, kapitalning chiqib ketishi va kirib kelishini o'z vaqtida tartibga solish choralari orqali barqarorlik ushlab turiladi). Aholining o'sish sur'ati - yiliga 1,55% (joriy (2012-17) va tezkor stsenariydagi o'rtacha o'sish sur'ati). Nominal yalpi ichki mahsulot inqirozlar hisobga olingan holda tezkor stsenariy asosida hisoblangan.

Hozirgi texnika-texnologiya jadal rivojlangan jamiyatda iqtisodiyot tarmoqlarining, ijtimoiy va boshqa sohalarning raqobatbardoshligi ushbu mamlakatda innovatsion goyalarning xayotga qay darajada tatbiq etilishi bilan uzviy bog'langan.

Muhtaram Prezidentimiz tomonidan 2018 yil 21 sentyabrda imzolangan "2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5544-sonli farmonida ilm-fan va texnika yutuqlarini keng qo'llagan holda iqtisodiyot tarmoqlariga, ijtimoiy va boshqa sohalarga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tezkor joriy etish O'zbekiston Respublikasi jadal rivojlanishining muhim sharti hisoblanishi ko'rsatib o'tilgan.

Dunyoda texnika taraqqiyoti mislsiz shiddat bilan rivojlanmoqda, uning asosida inson tafakkuri, kompyuter va robototexnikalari turibdi.

Kashfiyotlar har kuni sodir bo'layotir. O'zbekiston yoshlarining dunyo taraqqiyoti jarayoniga muvaffaqiyatli kirib borishi va faol ishtirok etishi davrning dolzarb talabiga aylandi. Bu taraqqiyot yo'lining asosiy mezonini ta'lim muassasasidan boshlanadi. Hozirgi kunda mamlakatimizda kompyuter kirib bormagan hech bir soha qolmadi.

Tashkilotlar iste'molchilar uchun qiymat yaratish va raqobatdagi ustunliklarini mustahkamlashda axborot va kommunikatsion texnologiyalardan tobora kengroq foydalanmoqdalar. Raqamlashtirish sharoitida menejrlarning roli va vazifalari ham tabiiyki o'zgarib boradi. Raqamli texnologiyalar davri sanoatning barcha tarmoqlarida o'zgarishlarni rag'batlantirgan holda, qaror qabul qilish, ularning ijrosi va teskari aloqalar jarayonlarini takomillashtirishni taqozo etmoqda. Shunga mos ravishda, rahbar xodimlar asosiy e'tiborini qiyinchiliklarsiz transformatsiyalanadigan global malaka va kompetentsiyalarni rivojlantirish va o'zlashtirishga qaratmoqdalar.

O'zbekistonda ham raqamli iqtisodiyotni shakllantirishning normativ- huquqiy bazasini mustahkamlash yo'lida muhim qadamlar qo'yilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 3 iyuldagi "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3832-sonli qarori qabul qilinib, unga muvofiq, raqamli iqtisodiyotni joriy etish va rivojlantirish sohasidagi vakolatli organ belgilandi, kripto-aktivlar aylanmasi va uni tartibga solish masalalariga aniqlik kiritildi. E'tiborli jihati shundaki,

mamlakatimizda kripto- aktivlar aylanmasi maxsus normativ-huquqiy hujjatlar bilan tartibga solinadigan bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh.X. Jahon amaliyotida innovatsion rivojlanish tajribasi va uni o'zbekistonda qo'llashning ayrim jihatlari // Iqtisod va moliya. T.: 2016, 11-son, 2-10 betlar.

2. <https://kun.uz/news/2018/09/25/innovacion-rivozlanish-vaziri-uzbekiston-dunyoning-eng-ilgor-50-mamlakati-tarkibiga-kirisni-rezalashtirmoqda>

3. <https://uzbekistan2035.uz> sayti. O'zbekiston Respublikasining 2035 yilgacha rivojlanish Strategiyasining kontseptsiyasi // "BUYUK KELAJAK" xalqaro nodavlat notijorat tashkiloti. T.: 2020 yil, 487 bet.

4. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(38)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

**GLOBAL INNOVATSION TIZIMNING UZVIY QISMI SIFATIDA O'ZBEKISTON
MILLIY INNOVATSIYA TIZIMINING SAMARADORLIGI**

G'aniev In'omjon G'ulomovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent, kafedra mudiri
Jizzax politexnika instituti

Antotatsiya: maqolada global innovatsion tizimning uzviy qismi sifatida O'zbekiston milliy innovatsiya tizimining samarali amal qilishini ta'minlash maqsadida istiqbolda milliy innovatsiya tizimining jadal rivojlanishini ta'minlash haqida fikr va mulohazalar keltirilgan.

Tayanch so'z va iboralar: ilg'or xorijiy texnologiyalar, raqobatbardoshlik, texnologiyalarni o'zlashtirish, global innovatsion tizim, innovatsiya dasturlari, smart-texnologiyalar, mehnat bozori, yalpi ichki mahsulot, "hamkorlik modeli".

Аннотация: В статье представлены взгляды и комментарии по вопросам ускоренного развития национальной инновационной системы в целях обеспечения эффективной реализации национальной инновационной системы Узбекистана как неотъемлемой части глобальной инновационной системы.

Ключевые слова: передовые зарубежные технологии, конкурентоспособность, освоение технологий, глобальная инновационная система, инновационные программы, smart технологии, рынок труда, валовой внутренний продукт, "модель кооперации".

Abstract: the article presents views and comments on the accelerated development of the national innovation system in order to ensure the effective implementation of the national innovation system of Uzbekistan as an integral part of the global innovation system.

Keywords: advanced foreign technologies, competitiveness, technology development, global innovation system, innovative programs, smart technologies, labor market, gross domestic product, "model of cooperation".

Global innovatsion tizimning uzviy qismi sifatida O'zbekiston milliy innovatsiya tizimining samaradorligini oshirish bosqichda ilg'or xorijiy texnologiyalarni faol o'zlashtirish orqali iqtisodiyotni chuqur modernizatsiyalash va qayta jihozlashni ta'minlash zarur. Ushbu jarayon yirik korxonalar faoliyati, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirish imkonini yaratadi. Ishlab chiqarishning ilg'or usullarini amaliyotga joriy etish ilmiy-tadqiqot ishlariga katta miqdorda investitsiyalar talab qiladi. Odatda, qarz olingan texnologiyalar retsipientning texnik va institutsional muhitiga moslashishga muhtoj bo'ladi. Texnologiyalarni o'zlashtirish bosqichida kichik korxonalar sohasi emas, balki davlat hal qiluvchi rol o'ynashini hisobga olish joiz. Davlat, bir tomondan, innovatsion strategiyaning amal qilish qoidasini o'rnatadi, ikkinchi tomondan esa zarur mazkur sohani qo'llab-quvvatlash, jumladan, moliyalashtirishni ta'minlaydi.

Global innovatsion tizimning uzviy qismi sifatida O'zbekiston milliy innovatsiya tizimining samarali amal qilishini ta'minlash maqsadida istiqbolda milliy innovatsiya tizimining jadal rivojlanishini ta'minlaydigan davlatning maqsadli faol siyosatini ishlab chiqish lozim. Shu maqsadda davlat va biznes hamkorligida maqsadli innovatsiya dasturlarini yaratish zarur. Ularning vazifasi texnologik rivojlanishda ilg'or xorijiy texnologiyalarni faol o'zlashtirish orqali ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar sohasi yutuqlaridan milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash amaliyotida unumli foydalanishdir [1, 3-b.].

"BUYUK KELAJAK" xalqaro nodavlat notijorat tashkiloti tomonidan O'zbekiston Respublikasining 2035 yilgacha rivojlanish Strategiyasining kontseptsiyasida ta'lim tizimi qanday o'zgaradi [2, 77-79-b]? Ta'lim muassasalaridagi o'qitish sifatini yaxshilash uchun o'quv-tabiiy jarayonga yangi ta'lim dasturlari va smart-texnologiyalarni tatbiq qilish kerak. Ta'lim sifatini oshirish uchun so'zda emas, amalda elektron modullar va masofaviy ta'lim salohiyatidan foydalanishimiz kerak bo'ladi. Bunga javoban esa bizga ta'lim sifatini ob'ektiv baholash kerak bo'ladi. Shuning uchun ta'lim sifatini baholash milliy tizimini ishlab chiqish va tatbiq qilish hamda uning mamlakat innovatsion rivoji darajasiga ta'sirini o'rganish zarur. Professional ta'lim yanada hamyonbop bo'lishi kerak. Kasbga ega bo'lish istagidagi inson qandaydir yoshga doir yoki boshqa cheklolar bilan kamsitilishi kerak emas, zero bu uning professional bilimlarga bo'lgan qiziqishini cheklaydi. Kollej va texnikumlar mehnat bozorining tez o'zgarayotgan tendentsiyalarini hisobga olgan holda yoshlarni qisqa ta'lim dasturlari bo'yicha professional qayta tayyorlash bilan shug'ullanadi [3, 2-b.].

Kichik biznes jamiyatni rivojlantirishda katta ahamiyat kasb etadi. Kichik korxonalar faqatgina yangi ish o'rinlari yaratibgina qolmay, shuningdek iqtisodiy barqarorlikka ham katta ta'sir ko'rsatadi. 2000-2019 yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 31,0 foizdan 57,3 foizga o'sib, 26,3 foiz birlikka ortganligini ko'rish mumkin.

Dunyo amaliyotiga bir nazar solsak, bir qator chet el davlatlarida kichik biznesning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini olib qaraydigan bo'lsak, Frantsiyada bu ko'rsatkich 62 foizni, Italiyada - 60 foizni, Yaponiyada - 55 foizni, Germaniyada - 54 foizni, Buyuk Britaniyada - 53 foizni, AQShda - 52 foizni, Qozog'istonda - 25,6 foizni, Rossiyada - 20,0 foizni tashkil etadi [2, 1-b].

Chet el davlatlari kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining birgina yalpi ichki mahsulotdagi ulushi orqali tahlil qilsak, yurtimizda mustaqillik yillarida shu sohani rivojlantirish borasida davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanayotganligini yoki shu yurtda kichik biznes sub'ektlarining samarali faoliyat olib borishlari uchun imkoniyat yaratilganligini uning YaIMdagi ulushini 31,0 foizdan 56,9 foizga oshganligidan ko'rish mumkin.

Ayni paytda, "hamkorlik modeli" quyidagi tarkibiy qismlarni taqozo etadi:

- boshqaruv raisini tanlash jarayonini rejalashtirish va muvaffaqiyatli amalga oshirish;
- strategiyani ishlab chiqish bilan faol shug'ullanish;
- risklarni aniqlash va ularni yumshatish rejalarini ishlab chiqish;
- aktsiyadorlarga e'tiborni kuchaytirish va shu orqali ularning ishonchini mustahkamlash;
- natijadorlikni samarali rag'batlantirish.

Shunday qilib, hisobdor va vakolatlaridan to'g'ri va samarali foydalana oladigan boshqaruv bilan birgalikda faoliyat yuritish orqali direktorlar kengashi barcha manfaatdor tomonlar uchun yuqori darajada o'zgaruvchan raqamli iqtisodiyot sharoitida ham muhim va uzoq muddatli qiymat yaratishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh.X. Jahon amaliyotida innovatsion rivojlanish tajribasi va uni O'zbekistonda qo'llashning ayrim jihatlari // Iqtisod va moliya. T., 2016, 11-son, 2-10 betlar.
2. <https://uzbekistan2035.uz> sayti. O'zbekiston Respublikasining 2035 yilgacha rivojlanish Strategiyasining kontseptsiyasi // "BUYUK KELAJAK" xalqaro nodavlat notijorat tashkiloti. T., 2020 yil, 487 bet.
3. <https://kun.uz/news/2018/09/25/innovacion-rivojlanish-vaziri-uzbekiston-dunyoning-eng-ilgor-50-mamlakati-tarkibiga-kirisni-rezalashtirmoqda>.

КАМБАГАЛЛИК – XXI АСР МУАММОСИ

*Муқимжон Қирғизбоев, сиёсий фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети кафедраси мудири*

Аннотация. Мақолада сўнги уч йил ичида Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилиши соҳасида муҳим ўзгаришлардан бири – камбағалликка қарши давлат сиёсатини амалга ошириши, бу жараённинг муҳим омилларидан бири – камбағалликни камайтириши ва аҳолини иш билан бандлигини ошириши мақсади “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириши жараёнлари таҳлил этилади. Шунингдек, мақолада БМТ ва Ўзбекистон давлати томонидан камбағалликни камайтириши ва тадбиркорликни ривожлантириши соҳасидаги янги ва туб ўзгаришлар моҳияти очиқ берилади.

Калим сўзлар: камбағаллик, миллий модель, барқарор ривожланиш, камбағаллик индекслари, глобал кўп ўлчовли камбағаллик индекси, ижтимоий тенгсизлик, иқтисодий тенгсизлик, режали иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, фермер хўжалиги, тадбиркорлик.

Abstract. The article analyzes the implementation of the program "Every family is an entrepreneur", one of the most important changes in society and state building in Uzbekistan over the past three years - the implementation of state anti-poverty policy, one of the key factors in this process - poverty reduction and employment. The article also reveals the essence of new and radical changes in the field of poverty reduction and entrepreneurship development by the UNO and the state of Uzbekistan.

Keywords: poverty, national model, sustainable development, poverty indices, global multidimensional poverty index, social inequality, economic inequality, planned economy, market economy, farming, entrepreneurship.

Аннотация. В статье анализируется реализация программы «Каждая семья - предприниматель», одно из важнейших изменений в обществе и государственном строительстве в Узбекистане за последние три года - реализация государственной политики по борьбе с бедностью, один из ключевых факторов в этом процессе - сокращение бедности и занятость. Также, в статье раскрывается сущность новых и радикальных изменений в области сокращения бедности и развития предпринимательства со стороны ООН и государства Узбекистан.

Ключевые слова: бедность, национальная модель, устойчивое развитие, показатели бедности, глобальный многомерный индекс бедности, социальное неравенство, экономическое неравенство, плановая экономика, рыночная экономика, сельское хозяйство, предпринимательство.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (24 январь 2020 й.) илгари сурилган яна бир ижтимоий муаммо – бу кишлорда аҳолининг аксарият қисмининг етарли даромад манбаига эга эмаслиги, ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламларининг бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжудлиги, улар тахминан аҳолининг 12-15 фоизини - 4-5 миллионни ташкил этишини қайд этиб, уларни ижтимоий ҳимоялашга доир янги вазифаларни кўйди. Албатта, бу ижтимоий ҳодиса нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки умумсайёравий даражада ҳам катта ижтимоий муаммога айланган эди(1).

Сўнги ўн йилликларда халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар томонидан қашшоқликни камайтиришга доир улкан ишлар амалга оширилди. 2000 йилдан бошлаб қашшоқликнинг тарқалиши икки марта камайтирилди. Лекин, шунга қарамай, ривожланаётган мамлакатларда ҳар ўн кишидан биттаси қашшоқликнинг халқаро чегарасидан ташқарида турибди (бошқча айтганда, уларнинг кунлик даромади 1,90 АҚШ долларидан оз бўлмоқда). Миллионлаб кишилар эса бундан ҳам оз кўпроқ маблағ ҳисобига тирикчилик қилмоқда. Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида қашшоқлик анча чегаралангани билан Африканинг Сахараси жанубидаги мамлакатлар аҳолисининг 42 фоизи қашшоқликнинг жуда ҳам оғир шароитлари остида яшашга мажбур бўлмоқда.

Қашшоқлик ёки камбағаллик – бу шунчаки барқарорлик асосида тирикчилик қилишни маблағлар билан таъминлашга даромадлар ва ресурсларнинг етишмаслиги эмас, балки улар очлик, тўйиб оқатланмаслик, таълимдан чекланган ҳолда фойдаланиш, ижтимоий дискриминация ва яққаланиб қолиш, шунингдек қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятининг йўқлиги кабиларда ҳам намоён бўладиган ҳодисадир. Ҳозирги даврда 736 млн.дан ортиқроқ одамлар қашшоқликнинг халқаро чегарасидан пастда турибди. Дунёнинг 11 фоиз аҳолиси ниҳоятда қашшоқлик шароитида умргузаронлик қилмоқда, соғлиқни сақлаш, таълим ва санитария каби ижтимоий бойликларга эга бўлишга умид билан яшамоқда. 160 млн.дан ортиқ болаларнинг 2030 йилгача қашшоқлик муҳитида яшаши башорат қилинмоқда(2).

Қашшоқликка барҳам бериш БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланишнинг кун тартибида баён қилинган 17 та мақсадда мужассамлашган. Унда хусусан шундай вазифалар кўйилган: “ривожланган мамлакатлар, айниқса кам ривожланган мамлакатларга қашшоқлик ва унинг барча шаклларига қарши курашиш дастури ва стратегияларини амалга оширишни маблағлар билан таъминлашни ривожлантириш учун ҳамкорликни фаоллаштириш, унга турли манбалардан йирик ресурсларни сафарбар қилиш”(3).

БМТ қабул қилган А/RES/72/233 резолюцияси БМТнинг қашшоқликни тугатиш учинчи ўн йиллигини (2018-2027 йй.) эълон қилиб, унда бу соҳада иккинчи ўн йилликдаги (2008-2017 йй.) ўсиш суръатларини сақлаб қолиш вазифалари кўйилган эди(4).

2019 йилдаги энг сўнгги маълумотларга эътибор берсак, бу соҳада анъанавий қарашлар тарихга айланмоқда, камбағалликни аниқлашнинг янги индекслари шаклланмоқда. Оксфорд университети ташаббуси билан БМТ ривожланиш лойиҳаси томонидан эълон қилинган камбағаллик ва инсон салоҳиятини ривожлантириш муаммоларига оид маърузада камбағалликка анъанавий тарзда ёндашиш тугаганлигини эълон қилинди. Янги маълумотларда кўрсатилишича, мамлакатлар, ҳаттоки оилавий хўжаликларни бой ва камбағалга бўлиш анча юзакичиликдан иборат. 2019 йилга оид глобал кўп ўлчовли камбағаллик индекси (КЎКИ) натижалари ҳам мамлакат ичида, ҳам камбағал одамлар ўртасида анча тенгсизликлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Бу янги индекс даромадни камбағалликнинг ягона кўрсаткичи сифатида сифатида эътироф этмайди, балки камбағалликни уч ўлчовда аниқлайди: саломатлик учун имконият (овқатланиш, болалар ўлими), таълим (таълим олишни давомлилиги ва мактабларга қатнаш) ва таянч эҳтиёжлар (ёқилғи, элект энергияси, санитария, ичимлик суви, мулкка фойдаланиш ва эгалик қилиш даражаси)(5).

Бу пайтга келиб аниқланишича, БМТнинг янгидан ишлаб чиқилган методологиясига биноан 2019 йилнинг июль ойида камбағал одамларнинг учдан икки қисми, яъни 886 млн. киши даромад даражаси ўртача бўлган мамлакатларда яшамоқда. Яна 440 млн. киши даромад даражаси паст бўлган мамлакатларга тўғри келади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўртача даражада даромадга эга бўлган мамлакатлар жамиятидаги катта тенгсизликларни беркитиб туриши мумкин экан.

“Кўп ўлчовли индекс” методологияси 5,7 млрд. аҳоли яшайдиган 101 мамлакатдаги ҳаёт даражасини таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳаёт даражаси соҳалари бўйича камбағалликнинг 10 та омилини ўз ичига олган ҳолда аниқлаб беради. Бу каби кенг миқёсли тадқиқотлар 2007-2018 йилларда ўтказилган сўровномаларга асосланиб 101 мамлакатдаги ҳолатни индикаторлар ва ёш белгилари бўйича ўрганиб, алоҳида мамлакат, минтақа ва ёш категориялари бўйича муайян вақтдаги ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Бу каби таҳлиллар турли давлатларнинг камбағалликка қарши курашиш сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Умуман, бу тадқиқотлар қуйидаги муҳим хулосаларни чиқаришга олиб келди:

101 мамлакатдаги 5,7 млрд. аҳолидан 1,3 млрд. (ёки 23,1 фоизи) кўп ўлчовли камбағаллик кўрсаткичларини ўзида намоён этди;

Кўп ўлчовли камбағалликка дучор бўлган одамларнинг учдан икки қисми даромад даражаси ўртача бўлган мамлакатларда яшайди;

1,3 млрд. камбағал одамларнинг ярми – 18 ёшгача бўлган болалар, учдан бири – бу 10 ёшгача бўлган болалардан иборат.

Европа ва Марказий Осиё минтақаларини ўрганишга муаллифлар 12 мамлакатни танлаб олди: Албания, Босния, Герцеговина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Черногория, Шимолий Македония, Сербия, Тожикистон, Туркменистон ва Украина. Ривожланаётган мамлакатларда камбағалликнинг кўп ўлчовли индекси кўрсаткичи 0,114 ни ташкил этди.

Лекин, Европа ва Марказий Осиёда камбағалликнинг кўп ўлчовли индекси кўрсаткичи бошқа минтақаларга нисбатан энг паст (0,004) даражани ташкил этди. Минтақадаги энг юқори кўп ўлчовли индекси кўрсаткичи Тожикистон (0,029), энг паст кўрсаткичи эса Арманистон, Сербия, Туркменистон ва Украинада (0,001) кузатилди. Қозоғистонда ҳам бу кўрсаткич паст даражани (0,002) ташкил этди. Лекин, Қирғизистон Тожикистондан кейинги ўринда (0,008) эканлиги маълум бўлди. Тадқиқотларни кўрсатишича, камбағалликнинг энг паст кўрсаткичи – кунига 1,9 АҚШ долларидан даромад оладиган киши деб ҳисобланадиган кўрсаткич Европа ва Марказий Рсий минтақаларидаги мамлакатларда камбағалликнинг кўп ўлчовли индекси кўрсаткичига нисбатан камбағалликни баҳолашни анча пасайтириб кўрсатди. Масалан, агар Қирғизистонда ҳаммаси бўлиб мамлакат аҳолисининг 1,5 фоизи кунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромад оладиган аҳоли вакиллари бўлса, кўп ўлчовли индекси кўрсаткичига биноан бу кўрсаткич 2,3 фоизни аҳоли кўп жиҳатлардан камбағал эканлигини кўрсатди(6).

Ўзбекистон бу тадқиқотлар объектига кирмаган бўлсада, Жаҳон банки ва Ўзбекистон статистика кўмитаси томонидан ўтказилган тадқиқотларга биноан мамлакатда кунига 3,2 доллардан кам даромад ҳисобига яшайдиган аҳоли 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, 5,5 доллардан кам даромадоладиган аҳоли 36,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон камбағаллик даражаси бўйича Қозоғистондан кейин турсада, Қирғизистон ва Тожикистонга нисбатан камбағал аҳолисининг камлиги ўйича олдинги ўринда туради.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Мурожаатномасида илгари сурилган вазифалар ва жаҳон тажрибасида камбағалликни аниқлашнинг янги методологиясини пайдо бўлиши муносабати билан Ўзбекистонда бу ижтимоий тенгсизликни камайтириш, камбағаллик индекслари ва янги тушунчаларини аниқлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонда ҳам қашшоқлик даражаси халқаро меъёрий ҳужжатлар ва бу соҳадаги миллий сиёсат таъсирида аста-секинлик билан пасайиб бормоқда. Жумладан, 2017 йилдан бошлаб бу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. 2018 йилдан бошлаб “2030 йилгача қашшоқликни икки марта қисқартириш” дастури асосида бу соҳада сезилари ўғаришларни амалга оширишга эришилди.

Маълумки, Ўзбекистон 2015 йил сентябрда бошқа БМТ аъзолари билан бир қаторда “2030 йилгача Глобал кун тартиби ва барқарор ривожланиш мақсадлари”га қўшилган эди. Ана шу халқаро ҳужжат асосида тузилган махсус Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан Ўзбекистон шароитида глобал мақсадларга мослашувга доир муайян ишлар амалга оширилди, бу соҳадаги миллий мақсадлар ва барқарор ривожланиш вазифалари ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар лойиҳасида 2030 йилгача бўлган муддатга 17 та мақсадлар ва барқарор ривожланиш вазифалари белгиланди. Уларнинг ичидаги биринчи мақсад – бу 2030 йилгача аҳолининг кам таъминланганлик даражасини икки мартага камайтириш, деб айтилди.

Мазкур мақсадлар сифатида асосан куйидагилар белгиланди:

-озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига кўмаклашиш;

-соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барчани қандай ёшга кирганлигидан қатъий назар фаровонликка эришувига кўмаклашиш;

-кенг қамровли, адолатли ва сифатли таълимни таъминлаш, барчанинг бутун ҳаёти давомида таълим олиш имкониятларини рағбатлантириш;

-гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;

-барқарор ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб сув ресурсларини эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, барчанинг соғлиқ ва тозалигини сақлаш учун сув ресурсларининг доимий мавжудлигига эришиш ва у билан таъминлаш;

-замонавий, ишончли, доимий ва арзон энергия манбаларидан фойдаланишга эришишни таъминлаш ва бошқалар(7).

Мамлакатда давлатнинг камбағалликка барҳам бериш ва уни камайтиришга доир чора-тадбирлари кейинги икки йил ичида Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан авж олди. 2018 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорда мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури амалга ошириш мақсади қўйилди.

Шунингдек, мазкур дастур ижросини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартда “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун жорий йилда тижорат банклари орқали 6,2 триллион сўм ажратилди. Мазкур маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз ташкил этилгани учун 2019 йил 2 майда Президент Ш.М. Мирзиёев раислигида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ижросини сифатли ташкил этиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди(8).

В мерах господдержки для стимулирования инновационного развития в большей степени нуждаются средние и малые сельхозтоваропроизводители, поскольку крупные СХО в последние годы получали наибольший объем средств господдержки из федерального и регионального бюджетов.

Вместе с тем механизмы стимулирования спроса на инновационные продукты и технологии, новую технику и размеры государственной поддержки должны носить долгосрочный характер.

Список литературы

1. Ушачев И.Г., Санду И.С., Демишкевич Г.М., Илюхина Р.В. и др. Методологические подходы развития инновационно-инвестиционной деятельности в АПК. Москва, 2016. 105 с.
2. Fedorenko V.F., Marinchenko T.E., Kuzmin V.N. Organizational and economic mechanism of innovation transfer in agro-industrial complex. . – М.: Rosinformagrotekh, 2016. –V.N. Or
- 3 Marinchenko T.E., Kuzmin V.N., Korolkova A.P., Goryacheva A.V. Monitoring of innovative activity in the field of agriculture – М.: Rosinformagrotekh, 2018. – 104 p.
4. Ушачев И., Колесников А., Чекалин В. Развитие инноваций – важнейшая составляющая аграрной политики России // АПК: экономика, управление. – 2019. – № 5. – С. 22-31.
5. Сведения об инновационной деятельности организации 30.08.2017 № 563 с изм. от 13.10.2017 № 683 [Электронный ресурс]. URL: <http://www.gks.ru/metod/form18/Page25.html> (дата обращения: 19.08.2019).
6. Korolkova, A.P., Kuzmin, V.N., Marinchenko, T.E., Goryacheva, A.V. Support and stimulation of demand for innovative products and technologies in the agricultural sector: scientific and analytic overview. – М.: Rosinformagrotekh, 2019. – 232 p.
7. Marinchenko, T.E., Kuzmin, V.N., Korolkova, A.P., Goryacheva, A.V. The results of innovation activities and scientific and technological development of agriculture: scientific and analytic overview. – М.: Rosinformagrotekh, 2019. – 232 p.
8. Сведения об инновационной деятельности организации 30.08.2017 № 563 с изм. от 13.10.2017 № 683 [Электронный ресурс]. URL: <http://www.gks.ru/metod/form18/Page25.html> (дата обращения: 19.08.2019).
9. Национальный доклад «О ходе и результатах реализации в 2018 году Государственной программы развития сельского хозяйства и регулирования рынков сельскохозяйственной продукции, сырья и продовольствия». – М., 2019. – 179 с.
10. Петриков А.В. Использование инновационных технологий различными категориями хозяйств и совершенствование научно-технологической политики в сельском хозяйстве сектора // АПК: экономика, управление. – 2018. – № 9. – С. 4-11.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

*Махкамов Зафар Таслимович, Зафаров Олмос Зафарович,
Жиззах политехника институти*

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз ривожиди инновацион ривожланиши омиллари ва тенденцияларини шакллантиришининг ўзига ҳос хусусиятлари инобатга олиши бугунги юксалиши даврида муҳимлиги ҳақида фикрлар келтирилган. Шунингдек, бугунги тезкор давр жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириши, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этиши учун бу жуда муҳимдир.

Аннотация: В данной статье рассматривается важность учета особенностей формирования факторов инновационного развития и тенденций развития нашей страны в современный период роста. Также современный динамичный период требует широкого использования достижений мировой науки и инноваци. Последовательное и устойчивое развитие всех сфер жизни общества и государства очень важно для построения достойного будущего страны.

Abstract: *This article discusses the importance of taking into account the peculiarities of the formation of innovative development factors and trends in the development of our country in today's period of growth. Also, today's fast-paced period requires extensive use of the achievements of world science and innovation. Consistent and sustainable development of all spheres of society and state life, it is very important to build a decent future for the country.*

Калим сўзлар: *инновация, ривожланиш, тараққиёт, технологиялар, илм-фан, ғоя, фаолият*

Ключевые слова: *инновация, развитие, прогресс, технологии, наука, идея, деятельность*

Key words: *innovation, development, progress, technology, science, idea, activity*

Мамлакатимизни ривожланишида инновацион ривожланиш омиллари ва тенденцияларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиш бугунги юксалиш даврида жуда муҳимдир. Ушбу соҳани ривожлантириш бўйича муҳтарам Юртбошимиз томонидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди.

Мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб берилди

Бугунги тезкор давр жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этиш учун бу жуда муҳим.

Айни пайтда ҳар бир соҳа инновацион ғоя ва технологиялар асосида ривож топиши мумкинлиги ўз исботини топаётир. Кам харж қилинадиган, лекин катта даромад келтирадиган рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновацион ривожланиш, илм-фан ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш, илмий-изланувчанлик фаолиятини янада такомиллаштириш, корхоналар ва таълим муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Мамлакатимизни инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ҳамда интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи сифатида Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилгани ҳам катта қадамлардар саналади.

Инновация жараёнини ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий механизм етакчи роль ўйнашга асос бўлувчи бош омил — бу фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасига интеллектуал фаолият натижасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиши ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Яъни инновация фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Шунга кўра инновациялар ҳамда бир қанча тушунчалар мавжуд.

Инновация — бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгилик. У инсоннинг интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, илмий-ижодий дунёқараши, яратган кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлик ғояларининг якуний натижаси ҳисобланади. Янги истеъмолчилик хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш тизимларининг самарадорлигини сифатли ошириш орқали бозорга маҳсулот (товарлар ва хизматлар)ни етказиб бериш инновацияга мисол бўлади.

Инновация — фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат)лар ўзига хос айирбошланишининг ташкилий услуги ҳисобланади.

Инновация жараёни асосан интеллектуал мулк объектларини яратиш, улардан фойдаланиш ва улар билан боғлиқ ҳуқуқларни тижорат муомаласига киритиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олади.

Иқтисодий илмий ташкил этиш ва замонавий услубларда бошқариш, уни ривожлантириш инновация институтсиз бозорда тўлақонли намоён бўла олмайди. Инновация тараққиёт манбаи сифатида қабул қилинар экан, ҳуқуқнинг вазифаси инновация ҳар томонлама кенгайтириш, ривожланиши учун ҳуқуқий майдон ва шарт-шароитлар яратиш беришдан иборат. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида инсон капитални, мамлакатни жадал ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида инновацион ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишда бевосита давлат иштирокининг қонунда алоҳида нормада белгиланиши инновацияларга нечоғлиқ эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Инновацион фаолият билан шуғуланувчи субъектларнинг қонунда санаб кўрсатилгани ва уларнинг қатор ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мустақамлангани эътиборга лойик. Шунингдек, технологиялар трансферининг устувор йўналишлари, усуллари ва механизмларининг алоҳида нормаларда кўрсатилиши янги жараёнларга киришиш имконини беради. Хусусан, инновацион инфратузилманинг субъектлари сифатида инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти ва инновация марказининг ташкилий-ҳуқуқий асослари белгиланган. Шунга кўра, бу турдаги субъектларнинг инновацион фаолиятда ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари, молиялаштирувчи субъектлар, уларнинг ваколатлари ва маблағларни йўналтириш соҳаларининг алоҳида нормаларда белгиланиши, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш заруриятини кўрсатади. Шунингдек, қонунда инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инновациялар бир марталик ташкилий-техникавий тадбир эмас, улар бир томондан инвестициялар ва молиявий ресурслар, иккинчи томондан эса илм-фан, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан боғлиқ. Замонавий илмий тадқиқотларсиз, илм-фан ва ишлаб чиқаришни узвий боғлашга, иқтисоддаги таркибий ўзгаришларга ва инновацион модернизациялашга эришиб бўлмайди.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қараш лозим. Ўз хусусиятига кўра инновациялар кашфиётлардан тубдан фарқ қилади. Илм-фан маблағни билим ва ғояларга айлантурса, инновациялар билим ва ғояларни маблағга айлантиради.

XX асрда жаҳоннинг индустриал ривожланган мамлакатлари катта қамровли инқирозлар оқибатларини илмий янгиликлар ва инновацияларни кенг қўллаш орқали бартараф қилганлар. Одатдаги тадбиркорлик фаолияти турларидан фарқли равишда инновация тадбиркорликда таваккалчилик даражасининг юқорилиги, фаолият илмий-ижодий характер касб этиши ва махсус билим ва малакага эга ходимлар меҳнатидан фойдаланишни тақазо этиши билан ўзига хос тарзда ажралиб туради.

Амалга киритилган янги Низом қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши учун ҳам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Келгусида давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларига эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш, технологияларни трансфер қилиш (ўтказиш), маблағларни инновацияларга киритиш ва солиққа тортиш, инновацион фаолиятни

бошқариш, синов ва тажриба-конструкторлик тузилмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солувчи қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида» Низом
3. <https://mininnovation.uz/> - «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги»нинг расмий сайти
4. <https://lex.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
5. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, <http://iqtisodiyot.tsue.uz/>
6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ - БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Сайидова Мухаббат Гаффоровна, катта ўқитувчи, Навоий давлат кончилик институти

Ўткирова Шахзода Ихтиёровна, талаба, Навоий давлат кончилик институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини, таълим ва тиббиёт соҳаларини инновацион ривожлантириши, шунингдек халқ хўжалигининг барча соҳаларида илгор ахборот технологияларни изчил жорий этиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш ижро механизmlарининг самарали ишлашига эришиш учун қандай омилларга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида бир қатор мулоҳаза ва таклифлар илгари сурилади.

Таянч сўзлар: ахборот, технология, ривожланиш, инсон капитали, интеллект, шаффофлик, қонунчилик, ижро механизми, дастурлаш.

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 70–90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Чунки дунё бозорида юқори технологиялар асосида ишлаб чиқилган илм талаб этиладиган маҳсулотлар улушида салмоғи юқори мамлакатлар ўртасидаги рақобат тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, дунё бозоридаги илм талаб этиладиган маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келмоқда. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра ҳар миллион аҳолига нисбатан илмий тадқиқотлар билан банд бўлган мамлакатлар рейтингида 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда Япония 5210 нафарга тўғри келмоқда. [2, 187б.]. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан бири глобаллашув кўлами тобора кенгайиб бораётган бир шароитда ҳар қандай конъюнктуравий ўзгаришларга қарши тура оладиган, ички ва ташқи бозор талабларига тез мослаша олувчи рақобатбардош миллий саноат тармоқларини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки миллий саноатнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши ва жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши

ҳисобидан аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг учун албатта иқтисодийдаги инновацион фаолликни оширишимиз зарур бўлади. Бунга инновацион муҳитни шакллантириш орқали эришишимиз мумкин. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капитални ривожлантириш 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадидир. Глобал Инновацион Индекс кўрсаткичи бўйича Ўзбекистонни 2030 йилда етакчи 50 та давлатлар қаторига қўшилиши ҳам Инновацион ривожланиш стратегиясининг бош мақсадларидан бири, деб белгиланган. Таъкидлаш жоизки, 2015 йили Ўзбекистон саксонга яқин кўрсаткичлар билан баҳоланадиган Глобал Инновацион Индекс кўрсаткичида 122 ўринни эгаллаган, бироқ 2016 ва 2017 йиллар аксарият маълумотларнинг мавжуд эмаслиги боис Ўзбекистон рўйхатга киритилмаган. Инновацион ривожланиш вазирлиги мамлакатнинг ҳозирги мавжуд инновацион ривожланиш ҳолатининг таҳлили натижаларини инобатга олган ҳолда, жаҳон сахнасида рақобатбардошлигини ошириш учун инсон капитални мамлакатнинг инновацион ривожлантиришда энг асосий йўналишлардан бири этиб белгилади. Бу — барча босқичлардаги таълимнинг сифатини ошириш ва қамровини кенгайтириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, иқтисодий тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлашдир. Шунингдек, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, илм-фан, таълим ва бизнеснинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқилиши талаб этилади. Инновацияларни молиялаштиришнинг янги шакллари татбиқ этиш, интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини молиялаштиришга ҳам мазкур Стратегия лойиҳасида алоҳида эътибор қаратилган. Инновацион муҳит-бу мамлакатда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион жараёнларга таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, молиявий, техник, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидир. Инновацион муҳит энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: — ишчи кучи малакаси; — илмий тадқиқот билан шуғулланаётган ходимлар сони; — ўртача иш ҳақи даражаси; — мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги; — ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш фаоллиги; — инновацион инфратузилманинг ривожланганлик даражаси; — иқтисодий конъюнктура ҳолати; — ички бозор сиғими; — товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари; — кредит тизими ҳолати, молиявий ресурслар, солиққа тортиш даражаси; — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги; — хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ. к. Инновацион салоҳияти юқори бўлган давлатларда теран илм талаб этилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бевосита корхоналарга юқори технологияларни жорий этиш, турли илмий текшириш институтлари, олий таълим муассасалари, йирик корхоналар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари, тажриба-конструкторлик ва кичик инновацион марказлар томонидан илгари сурилган инновацион ғоялар корхоналар орқали амалиётга татбиқ этилади. Бунда корхоналардаги мавжуд инновацион муҳит катта роль ўйнайди. Корхоналарда инновацион ғояларни шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда инновацион муҳитнинг ўрни салмоқлидир. Корхоналардаги инновацион ғояларни тижоратлаштириш учун албатта уларда инновацион муҳит шаклланган ва инновацион салоҳият юқори бўлиши лозим. Бунинг учун хориж амалиётида мазкур масала билан боғлиқ тадқиқотларнинг илмий-назарий талқинига катта эътибор қаратиш, мамлакатимиз шароитига мос услубийлардан фойдаланиш талаб этилади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатлар амалиётида корхоналарнинг инновацион муҳитини ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида тан олинган. Инновацион муҳитни ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: Маънавият, 2017.
2. Ш.М. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2017.
3. Ш.М. Мирзиёев Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2019.
4. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ РЕГИОНА

Стовба Евгений Владимирович, кандидат экономических наук, доцент, доцент кафедры информатики и экономики Бирский филиал ФГБОУ ВО «Башкирский государственный университет»,

Лукьянова Миляуша Тагировна, кандидат экономических наук, доцент, доцент кафедры экономики и менеджмента ФГБОУ ВО «Башкирский государственный аграрный университет»,

Стовба Андрей Владимирович, кандидат философских наук, доцент кафедры истории, философии и социально-гуманитарных наук Бирский филиал ФГБОУ ВО «Башкирский государственный университет»

Аннотация. В статье обосновывается, что инновационные технологии являются одним из ключевых факторов устойчивого развития сельских территорий. Представлена оценка современного состояния и перспектив развития инновационной деятельности сельских товаропроизводителей на примере Нечерноземной зоны Республики Башкортостан.

Ключевые слова: Инновации, инновационная деятельность, сельские территории, цифровые технологии.

Исследования выполнены при финансовой поддержке РФФИ и Республики Башкортостан в рамках научного проекта «Стратегическое планирование социально-экономического развития сельских территорий Республики Башкортостан на основе методологии форсайта», проект № 19-410-020016 р. а.

На современном этапе развития экономической науки устойчивость функционирования сельских территорий будет определяться тем обстоятельством, насколько инновационно развиты они будут в ближайшие десятилетия. Безусловно, инновации и цифровые технологии являются глобальным вызовом устойчивого развития сельских территорий [1, 2, 5].

Внедрение инноваций в сельском хозяйстве, широкое распространение вертикальных ферм раскрывает возможности развития рынка «Фуднет» на основе IT-решений и повышения качества производимой агропродовольственной продукции при сквозной прослеживаемости производимых продуктов питания по принципу «от поля до потребления». Категориально новым содержанием этого перспективного направления является инновационное развитие отраслей АПК, оптимизация агротехнологий, расширение масштабов и процессов информатизации и цифровизации в сельском хозяйстве и в сельской местности, применение роботизированных и автоматизированных систем управления и производства [4].

Развитие инновационных и цифровых технологий способствует коннективности статистических данных и оперативному обеспечению критической информацией сельских

товаропроизводителей, получаемой на основе блокчейна и определяет формирование принципиально новых навыков и компетенций, «цифрового» мышления работников агроформирований. Перевод инновационных процессов и услуг в цифровую форму, использование «облачных» и «туманных» вычислений, формирование цифровых интерфейсов на основе единой архитектуры и среды социального взаимодействия определяет появление «цифровых агрокомпаний».

Современное развитие сельских территорий Республики Башкортостан имеет ярко выраженную региональную специфику, обусловленную зональными различиями [6]. С научной точки зрения, совокупность сельских муниципальных районов Нечерноземной зоны региона является модельной территорией для проектирования ее устойчивого развития, решения практических и методических проблем при достижении данной цели.

Необходимо констатировать, что в 2018 г. согласно статистическим данным из 66 организаций сельских территорий Нечерноземной зоны региона только 42 организации или 64 % от всей исследуемой совокупности применяли передовые (инновационные) производственные технологии [3]. Аналогичный среднерегionalный показатель за сравнительный период составил 67 %. Общее число передовых производственных технологий, используемых организациями сельских территорий рассматриваемой зоны, в 2018 г. составило всего 120 ед. или 22 % от суммарного regionalного показателя.

Рассматривая тенденции инновационного развития сельских территорий Нечерноземной зоны региона, необходимо отметить снижение показателей, отражающих объемы производимых инновационных товаров, работ и услуг в 2018 г. по сравнению с 2017 г. с 14,7 млрд. руб. до 14,1 млрд. руб. или на 4 % в зональном масштабе

Негативной тенденцией развития инновационной составляющей аграрного сектора сельских территорий в 2017-2018 гг. являлось то обстоятельство, что ни одна сельскохозяйственная организация и ни одно крестьянское (фермерское) хозяйство Горнолесной подзоны региона за данный период не занималось внедрением инновационных разработок.

Необходимо отметить стагнацию инновационного сектора сельских территорий Нечерноземной зоны Республики Башкортостан, сохранение тенденций «интеллектуальной миграции» инновационно ориентированной сельской молодежи в городскую местность региона с более высоким качеством и уровнем жизни. Цифровое неравенство и «цифровой разрыв» сельских территорий особенно ярко проявляются в неравном доступе сельских жителей и товаропроизводителей к возможностям информационной инфраструктуры. Также ограничение возможностей использования цифровых технологий определяется недостаточным уровнем цифровой грамотности и цифровой культуры населения.

Важно подчеркнуть, что цифровизация представляет собой новый инновационный уклад в рамках реализации концепции «Industry 4.0», который формируется на основе модернизации технологических возможностей сельских товаропроизводителей. Внедрение цифровых инновационных технологий активизирует системные процессы коммуникационного сжатия экономического и социального пространства и на данной концептуальной основе формируется новый контекст устойчивого развития сельских территорий.

На наш взгляд, необходимо стимулирование «диффузных» инноваций малого масштаба в аграрном секторе экономики, обеспечивающих процессы ресурсосбережения и роста производительности сельскохозяйственного труда. Внедрение инновационных технологий в корне изменит традиционную социально-экономическую парадигму и открывает новые возможности и перспективы для устойчивого развития сельских территорий.

Использованная литература

1. Бухтиярова Т.И., Хилинская И.В., Демьянов Д.Г. Формирование организационно-управленческих и организационно-экономических мер реализации потенциала развития сельских территорий // Теория и практика мировой науки. – 2019. – № 5. – С. 2-11.

2. Сёмин А.Н. Новые вызовы и приоритеты агроэкономических исследований // Экономика сельского хозяйства России. – 2020. – № 1. – С. 55-59.
3. Социально-экономическое положение муниципальных районов и городских округов Республики Башкортостан: статистический сборник. – Уфа: Башкортостанстат, 2019. – 252 с.
4. Стовба Е.В., Стовба А.В. Роль инноваций в стратегическом планировании развития агропродовольственного комплекса региона // Экономика: вчера, сегодня, завтра. – 2016. – № 6. – С. 121-132.
5. Шарапова В.М., Сёмин А.Н. Социально-экономическое конструирование сельской территории инновационного типа: отдельные положения // Агропродовольственная политика России. – 2014 (4). – С. 20–25.
6. Stovba E., Stovba A. Scenario modeling of the development of agricultural production at the level of rural territory of the region // International Scientific Conference «Far East Con» (ISCFEC 2019): Advances in Economics, Business and Management Research. – 2019. – Vol. 79. – P. 225-227. [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.atlantis-pess.com/proceedings/iscfec-19/125906392> (дата обращения 13.09.2020).

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Товбоев Баҳром Хабибуллаевич, ўқитувчи, ЖизПИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг илгор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиши, мувофиқлаштириши ва рағбатлантириши соҳаси ҳақида ёзилган.

Таянч сўзлар: инновация, таълим, илгор технологиялар, инновацион ғоялар, тенденция.

Аннотация: В статье рассматривается область инициирования, координации и поощрения внедрения передовых технологий инновационного развития в Узбекистане.

Ключевые слова: инновация, образование, передовые технологии, инновационные идеи, тенденции.

Resume: The article examines the area of initiation, coordination and promotion of the introduction of advanced technologies for innovative development in Uzbekistan.

Key words: innovation, education, advanced technologies, innovative ideas, trend.

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариланиши таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган кўплаб меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли илм-фан ва инновация фаолияти соҳасидаги асосий йўналишлар ривожланиш йўлига тушиб олди. Илмий-техник салоҳият мустаҳкамлангани, илмий тадқиқотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг йирик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилгани, мамлакатимизда инновация фаолиятини фаоллаштириш, белгиланган вазибаларни ҳал этиш учун катта миқдорда валюта маблағлари ажратиладигани шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда таълим соҳасига давлат харажатлари охириги йилларда ЯИМнинг 12 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Республикамизда илмий, илмий-техник ва инновацион потенциални яратиш ва тараққий эттириш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Фан тизимини бошқаришни такомиллаштириш, илмий-инновацион фаолиятнинг қонуний ва норматив ҳуқуқий асосини кенгайтириш, академик ва олий таълим тадқиқотларини такомиллаштириш чоралари амалга оширилмоқда, ишлаб чиқаришнинг инновацион характерини ошириш, ахборот ва инновацион инфратузилмаларини яхшилаш, янги илмталаб корхоналарни яратиш, янги юқори технологияларни жорий этиш ишлари анча фаоллашмоқда.

Мамлакатимизда илғор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасида қуйидаги ишлар кўзда тутилган:

- инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали ишлаб чиқиш;

-имтиёз ва преференциялар тақдим қилиш, кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

-юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

-инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, IT-инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;

-узок муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш;

-маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш.

Илмий тадқиқотлар ва изланишлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг илмий тадқиқот институтларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасаларида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий ташкилотларида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий ва ўқув институтларида, илмий ва инновацион марказларида ва бошқа лойиҳа ва тажриба-конструкторлик ташкилотларида олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳаракатлар стратегияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида” ги 104.2018 й. ПҚ-3674 Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 04.2018 й. ПҚ-3682 Қарори.

ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩАЯ ПЕДАГОГИКА КАК ОСНОВА ДЛЯ ГИБКОГО УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Трушкова Лариса Александровна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия

Артемова Анжела Николаевна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия

Федина Оксана Сергеевна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В статье определены основы и возможности использования здоровьесберегающей педагогики, раскрывающей направленность трансляции смыслов оздоровления и ведения здорового образа жизни. Выделены тенденции теоретизации основ здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации. Детерминированы основы построения системы принципов здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации. Выделены педагогические условия обеспечения качества идей и моделей здоровьесберегающей педагогики.

Опорные слова: здоровьесберегающая педагогика, педагогическое моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия.

Здоровьесберегающая педагогика раскрывает перспективность идей и моделей гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации.

Выделим следующие компоненты теории педагогики в управлении качеством идей и моделей, технологий и продуктов здоровьесберегающей педагогики:

- здоровьесформирующее мышление личности [1]определяется механизмом самоорганизации качества развития личности в социально и профессионально ориентированных отношениях;

- здоровьесбережение раскрывается в теоретизируемых основах, моделях и примерах как ценность и продукт современного воспитания личности[2];

- особенности уточнения понятий в структуре здоровьесберегающего подхода[3]определяются в соответствии с системой положений о качестве и возможностях использования педагогического моделирования в инновационном обновлении структуры и составляющих наукообусловленных возможностей теоретизации здоровьесберегающей педагогики;

- здоровый образ жизни как механизм самоорганизации качества адаптивно-продуктивного развития и самореализации личности[4]рассматривает тенденции обобщения опыта решения задач научного поиска, в структуре которого идеи гуманизма и адаптивного развития личности раскрывают перспективность использования уровневого обучения и развития личности через технологии фасилитации, педагогической и профессиональной поддержки и научного донорства;

- здоровьесформирующее мышление рассматривается как механизм самоорганизации качества развития личности в системе непрерывного образования[5];

- здоровьесберегающее знание и здоровьесформирующее мышление у обучающихся в системе непрерывного образования [6] определяются основой для качественного решения задач продуктивного становления личности в возрастосообразной деятельности;

- педагогические основы формирования здорового образа жизни у обучающегося в системе непрерывного образования[7] рассматриваются системно детерминируемым решением задачи теоретизации и объективизации качества и уровня формирования здорового образа жизни у обучающегося в системе непрерывного образования;

- теоретизация основ современного воспитания [8, 9, 10] регламентирует успешность выделяемых и реализуемых практик обеспечения качества развития личности в системе непрерывного образования.

Тенденции теоретизации основ здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации – совокупность линейно детерминируемых положений о качестве и состоятельности идей здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации.

Принципы здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации – совокупность идей и ценностей, смыслов и приоритетов теории педагогики, раскрывающие направленность управления качеством развития личности в образовательной организации.

Система принципов здоровьесберегающей педагогики в контексте гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации – совокупность положений (принципов), в единстве или системе раскрывающих направленность решения задач гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации.

Педагогические условия обеспечения качества идей и моделей здоровьесберегающей педагогики – совокупность моделей, определяющих в системе реализации возможностей необходимый уровень качества идей и смыслов здоровьесберегающей педагогики.

Педагогические условия обеспечения качества идей и моделей здоровьесберегающей педагогики:

- наукообразность реализации идей развития и оздоровления личности и общества;
- надежность и объективность теоретизируемых возможностей управления качеством развития личности;
- популяризация формирования основ ведения здорового образа жизни и культуры здоровья личности в системе теоретизируемых возможностей социализации и самореализации личности;
- агитация активного образа жизни и возрастосообразных способа самоактуализации личности в контексте регламентации двигательной активности, социализации и самореализации;
- мотивация личности и общества к внедрению решений, гарантирующих сохранение уровня здоровья личности и общества;
- интеграция науки, образования, спорта, искусства, культуры в управлении возможностями развития личности;
- фасилитация поиска оптимальных возможностей развития личности в системе приоритетов здорового образа жизни;
- педагогическая и профессиональная поддержка личности в создаваемых социально и профессионально ориентированных средах;
- использование технологии научного донорства в продуктивном решении задач развития личности в системе приоритетов здоровьесбережения;
- включенность личности в систему непрерывного образования на основе идей гуманизма и здоровьесберегающей педагогики.

Здоровьесберегающая педагогика рассматривается как основа для гибкого управления качеством развития личности в образовательной организации, позволяет обеспечить должный уровень развития у личности продуктивности за счет использования адаптивно-продуктивного или репродуктивно-продуктивного подходов.

Использованная литература

1. Аксенова А.Н., Чигишев Е.А., Сидоренко Е.А. Здоровьеформирующее мышление личности в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-пр. конф. (Воронеж, 9 апреля 2020 г.). – Воронеж : Научная книга, 2020. С.503-506.

2. Бурденкова А.А., Балицкая Н.В. Здоровьесбережение как ценность и продукт современного воспитания личности // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Изд-во им. М. Акмуллы, 2019. С.50-53.
3. Ворожищев М.А., Балицкая Н.В. Некоторые особенности уточнения понятий в структуре здоровьесберегающего подхода // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.72-74.
4. Катыхин С.А., Козырева О.А. Здоровый образ жизни как механизм самоорганизации качества адаптивно-продуктивного развития и самореализации личности // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.147-150.
5. Ошкачаков В.В., Козырева О.А. Здоровьеформирующее мышление как механизм самоорганизации качества развития личности в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междунар. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.86-89.
6. Поскотинова М.В., Соловьев С.А. Здоровьесберегающее знание и здоровьесформирующее мышление у обучающихся в системе непрерывного образования // Модернизация культуры: знание как инструмент развития :матер. VII Междунар. науч.-практ. конф., 20-21 мая 2019 г.: в 2 ч. – Самара: Самар. гос. ин-т культуры, 2019. – Ч. II. С.280-283.
7. Умрилов М.В., Угольников О.А. Современное воспитание в модели развития будущего педагога // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междунар. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.224-226.
8. Чувашов Ю.В., Крупина Т.А., Ивлева Л.П. Теоретизация основ современного воспитания в развитии личности в системе непрерывного физкультурно-спортивного образования // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междунар. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.353-1 – 353-5.
9. Языков С.В., Омельчук И.Н., Буцик А.В. Педагогические условия как категория и технология теоретизации возможностей научно-педагогической деятельности личности в системе непрерывного образования // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междунар. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.).– Междуреченск, 2020. С.356-1 – 356-5.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД ДАСТЛАБКИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Пардаев Мухторкул Ҳасанович – тарих фанлари номзоди, доцент, ЎзР ФА Миллий
Археология маркази етакчи илмий ходими*

Пардаев Шерзод Мухторқулович – ЎзР ФА Миллий Археология маркази илмий ходими

Аннотация: Мазкур мақолада Жиззах воҳасининг ибтидоий жамоа даври (энеолит, бронза) тарихига оид дастлабки фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бунга Сангзор, Зоминсув, Хўжамушкентсой каби оқар сув ҳавзалари ҳудудида кейинги йилларда ўтказилган археология қидирув ва қазув ишлари натижасида қўлга киритилган моддий маданият намуналари асос қилиб олинган.

Калит сўзлар: Жиззах воҳаси, энеолит, бронза даври, Моргузар, Галчасой, Қоратош, Бешарчасой, геологик бургулаш, Андроново маданияти, радиоуглерод анализлари, қоятош суратлари, Сайхонсой, Такатош, антропология.

Предварительные сообщения по истории первобытного общества Джизакского оазиса

Аннотация: В статье изложены предварительные сообщения по истории первобытной общности (энеолит, бронза) Джизакского оазиса. Эта основан на образцы материальной культуры, полученные в результате археологических исследований, проведенных в последние годы в бассейнах Сангар, Заминсув и Ходжамушкентсай.

Ключевые слова: Джизакский оазис, энеолит, бронзовый век, Моргузар, Галчасай, Караташ, Бешарчасай, геологическое бурение, андроновская культура, радиоуглеродный анализ, наскальные рисунки, Сайхансай, Такаташ, антропология.

Preliminary informations on the history of the period of the primitive community of Jizzakh oasis

Resume: The article presents the first comments on the history of the period of the primitive community (Eneolithic, Bronze) of the Jizzakh oasis. This is based on samples of material culture obtained as a result of archaeological research and excavations carried out in recent years in the basins of Sangzar, Zaminsuv, Khojamushkentsai.

Key words: Jizzakh oasis, Eneolithic, Bronze Age, Morguzar, Galchasai, Karatash, Besharchasai, geological drilling, Andronovo culture, radiocarbon analysis, rock carvings, Saihansai, Takatash, anthropology.

Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида азалдан фаолият кўрсатган бир қатор йирик тарихий маданий ўлкалар қаторидан қадим ва ўрта асрларда тарих саҳнасидан ўрин олган Уструшона мамлақати ва унинг шимолий, шимоли-ғарбий ва ғарбий ҳудудлари ҳисобланмиш Жиззах воҳаси ҳам ўрин олган. Жиззах воҳасининг географик жиҳатдан қулай жойлашуви, мўътадил об-ҳавоси, иқлим шароити, ер, сув, табиий бойликлари сабабли суғорма деҳқончиликка асосланган ўтроқ ҳаёт, чорвачилик замиридаги кўчманчи турмуш тарзи камида архаик замонлардан бошлангани археологик манбалар билан исботланган [1, 6-7-б.]. Шунга қарамадан, воҳанинг ибтидоий жамоа даври тарихига оид маълумотлар, тасодифан топилган бир нечта қадимий ашёвий манбалар, аксарият ҳолларда, кам сонли қоятош суратлари билан изоҳланар эди. ХХI асрнинг иккинчи ўн йиллигида ушбу илмий муаммолар бўйича воҳада ўтказилган археологик тадқиқотлар ўз самарасини бера бошлади. Ушбу мақолада Жиззах воҳасининг ибтидоий (қисман энеолит, асосан бронза) даври тарихига оид дастлабки мулоҳазаларни билдирамиз.

Милoddan аввалги IV-III минг йилликларга келиб, Ўрта Осиё шароитида бир неча юз минг йиллар давом этган кишилиқ жамияти тарихининг тош даври ўз ниҳоясига етади, унинг ўрнини полиметаллар билан хусусиятланган энеолит ва кейинроқ бронза даврлари эгаллади. Ибтидоий жамоалар меҳнат қуроллари яшашда дастлабки металл – мисдан фойдаланишни ўзлаштирдилар. Мисдан фойдаланиш кашф қилинган бўлсада, бу металлдан ясалган ишлаб чиқариш хўжалигида оммавий равишда тарқалмади. Миснинг табиатан камёб металл бўлганлиги, уни ишлаб чиқариш технологиясини мураккаблиги бунга сабаб бўлди. Бундан ташқари мис металллар ичида энг юмшоқ бўлганлиги сабабли ҳамда ундан тайёрланган қуроллар мўрт ва эгилувчанлиги туфайли бу даврда меҳнат ва ов қуролларининг аксарияти ҳануз тошдан ясаларди.

Жиззах воҳаси ҳудудидан шу пайтга қадар соф энеолит даврига тегишли манзилгоҳлар қайд этилмаган. Лекин бу маълумот воҳада энеолит даврида инсоният ҳаёти умуман бўлмаган, деган фикрни бермайди. Чунки Жиззах воҳаси неолит даври жамоаларини кейинги босқич энеолит даврида бирдан йўқ бўлиб қолиши одамзод тадрижий тараққиёти қонуниятларига бутунлай зиддир. Қолаверса, Жиззах воҳасида энеолитдан кейин келган бронза асрига оид ёдгорликлар етарли даражада қайд этилган. Бизнинг назаримизда, ҳамма гап шундаки, энеолит даврининг юқори даврий санаси бўлмиш мил.авв. IV минг йиллик неолит даврининг қуйи хронологияси билан аралашиб кетган. Шунингдек, энеолитнинг

куйи даврий санаси бронза асрининг юқори хронологик рамкаси мил.авв. III минг йилликлар ичига кириб кетган. Мана шундай ҳолатда энеолит даврининг муайян қароргоҳидан мисдан ясалган ашёлар чиқмагунга қадар уни энеолит ёдгорлиги сифатида эътироф этиш эътирозли хронологик масала ҳисобланади. Шу сабабли, республикамизнинг бир қатор таниқли тарихий маданий воҳаларидан энеолит даври ёдгорликлари топилмаган, ёки топилса ҳам улар жуда кам сонни ташкил қилади. Бундан Жиззах воҳаси ҳам истисно бўлмаган кўринади.

Бронза даври Ўзбекистоннинг турли тарихий-маданий ўлкаларида – хусусан, Бактрия, Хоразм, Фарғона, Суғд ҳудудларида яхши ўрганилган. Бу борада кейинги йилларда Жиззах воҳасида ҳам бир қатор изланишлар ўтказилди ва мазкур даврга оид ашёвий топилмалар қайд этилди. Жиззах шаҳрининг жанубий-ғарб чеккаси Илонўтти дарасининг шарқий қисмида, Моргузар тизмаларининг шимолий ён бағрида жойлашган Желли-ғули маҳалласидан 2002 йилда бронза даврининг чорвадорлар маданиятига тегишли мозоркўрғонлар ер қазув ишлари пайтида тасодифан топилган. Қабрларга майитлар билан бирга кўйилган сопол идишлар, 5 дона бронза симлардан тайёрланган билагузук археолог М. Исамиддинов томонидан ўрганилган ва илмий таҳлиллардан сўнг Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи фондига топширилган.

Археологик тадқиқотлардан маълумки, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми давомида Амударёнинг Оқчадарё ўзанида шаклланган Тозабоғёп маданиятига тегишли чорвадор дашт қабилалари дастлаб, Зарафшон дарёси этакларига, кейинчалик бутун воҳа бўйлаб кенг тарқалган эди. Туркистон тизма тоғларининг жанубий ёнбағир унгурида ушбу маданиятга тегишли мозоркўрғонлар Мўминобод (Ургут), Дашти Қози (Панжикент) қишлоқларидан топиб ўрганилган [2, 56-62-б.]. Бизнинг фикримизча, Желли-ғули маҳалласидан топилган мозоркўрғонлар айнан мана шу маданият соҳибларига тегишли бўлиб, бу топилмалар мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми билан даврланади.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошларида Жиззах вилояти қадимги тарихини ўрганиш навбатдаги янги босқичга кўтарилди. ЎЗР ФА Археология институти билан Сент-Луис (АҚШ)даги Вашингтон Университети антропология департаменти ўртасида 2010 йилда тузилган халқаро шартномага мувофиқ, Ўзбек-Америка кўшма экспедицияси Жиззах вилояти Зомин тумани тоғли ҳудудида археологик қидирув ва қазув ишларини бошлади. Халқаро даражада ташкил этилган ушбу экспедициянинг асосий мақсади Помир тоғлари тизимига қарашли Туркистон тизмаларининг Жиззах вилояти ҳудудидан ўтган шимолий-ғарбий Моргузор қисмида фаолият юритган қадимги тоғ олди чорвадор қабилаларининг қадимий тарихи, хронологияси масалалари, тарихий топографияси ва маданий ландшафтнинг замонавий технологиялар асосида ўрганиш бўлди [3, 7-14-б.]. 2011 йилги дала тадқиқотлари мавсумида Моргузар тоғининг шарқий қисмида (Зомин тумани) жойлашган Ғалчасой, Толли, Қоратош, Бешарчасой, Мойлиқўтон, Уйлукдуш, Узунсой тоғ сойлари водийлари визуал, картографик, геологик бурғулаш усуллари орқали текширилди. Денгиз сатҳидан 1000-1600-2000-2300 м.гача баландликда бўлган бу ҳудуддан 46 та янги археологик объект, 30 га яқин қадимий мозоркўрғонлар аниқланди. Янги қайд этилган қадимий маконлар маданий қатламлари стратиграфияси хусусиятларини ўрганиш мақсадида уларнинг айримларида геологик бурғулаш ишлари ўтказилди. Натижада, инсон омили ва саъй-ҳаракати туфайли юзага келган маданий қатламлари ер сатҳининг ҳозирги пайтдаги рельефига нисбатан 1 м чуқурликдан сўнг бошланиши, улар ер қаърининг 1,2 – 2,0 м чуқурлигигача давом этиши аниқланди. Бурғулаш давомида 3 та археологик пунктдан олинган суяк қолдиқлари, кул, чала ёнган ўтин кўмири, майда сопол парчалари каби органик материаллар Сент-Луисдаги (АҚШ) Вашингтон Университети ихтисослашган лабораториясида радиоуглерод анализидан ўтказилди ва уларнинг расмий хронологияси аниқланди. Мойлиқўтон водийсининг Бургут ини номли манзилида ўтказилган стратиграфик бурғулашда олинган чала ёнган ўтин қолдиқларининг дастлабки намуналари мил.авв. 2031-1896 йиллар билан; кейингиси мил.авв. 1500 йиллар билан; энг сўнггиси мил. авв. 1000 йиллик бошлари билан даврланган. Ғалчасой водийсида эса шу йўналишда ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг радиоуглерод

анализлари бу ерда мил. 974-1115 йиллар орасида чорвадорлар маданияти фаолиятида бўлганини кўрсатди [4, 142-151-б.].

Бронза даврининг ўрта босқичи, яъни милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари (1500 йиллар)да Ўрта Осиёнинг икки азим дарёси Амударё ва Сирдарё оралиғидаги воҳаларга ҳозирги Қозоғистон чўлларида яшовчи, фанда “Андроново маданияти чорвадорлари” номини олган жамоаларнинг йирик кўчиши содир бўлган. Дастлаб Ўрта Осиёнинг шимолий худудларига, кейинчалик марказий ва жанубий худудларига тарқалган ушбу чорвадор қабилалар минтақа демографиясига, ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор маданиятларининг ўзаро алоқадорлик, ҳамкорлик асосидаги уйғунлашувига ва албатта, этногенетик ҳаётдаги ўзгариш ва янгиликларга сабаб бўлди. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, Жиззах воҳасининг бронза даври тарихи ўлкага Андроново маданияти соҳиблари келмасидан камида 550-600 йил аввал маълум эди. Буни энг замонавий усуллардан бири углерод анализлари берган юқоридаги даврий саналардир. Демак, Жиззах воҳасининг чорвадор жамоалари тарихининг мавжудлиги камида 4000 йиллик (мил.авв. III минг йиллик охири – мил. XX аср бошлари) қадимиятига эга бўлган ва улар узоқ даврлар мобайнида кечган тарихий жараёнларда фаол иштирок этган.

Инсоният тарихининг бронза даври жамоалари моддий, маънавий ҳаётининг ўзида яққол акс эттирган бирламчи манбалардан яна бири бу қоятош суратларидир. Жиззах воҳасининг Моргузар, Туркистон, Нурота тоғлари дара ва унгурлари, турли сой ва булоқлар соҳилларидаги қоятошлар сиртига қадимги давр тоштарош рассомлари томонидан туширилган суратлар ўз даврининг турмуш тарзидан, хўжалик юритиш усулларидан, маънавий ҳаёт, диний урф-одатлар, ҳайвонот оламидан маълумот беради [5, 254-258-б.]. Бу қоятош расмлари галереясининг асосий мавзуси турли ёввойи ҳайвонлар – оху, бугу, архар (тоғ такаси) коплон, барс, хонаки ҳайвонлардан от, ит тасвирлари, одамлар, ўк узаётган камончилар, уларни оломон бўлиб ов қилиш, диний маросимларни ўтказиш тасвирларидир.

Демак, сўнгги йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Жиззах воҳасида ҳам ибтидоий жамоа тузуми даврида аҳолининг ҳаёт тарзи фаол равишда давом этгани ўз илмий тасдиғини топди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). Ташкент, 1994.
2. Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ, Вып. 8. Ташкент, 1969.
3. Пардаев М.Ҳ. Жиззах воҳаси археологияси: ютуқлар, муаммолар, вазифалар // Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача). Конференция материаллари. Жиззах, 2020.
4. Мақсудов Ф., Фрачетти М., Пардаев М., Рахимов К., Кодини Дж. Археологические исследования в предгорьях Моргузара в 2011 году // Археологические исследования в Узбекистане 2010-2011 года. Самарканд, 2012.
5. Холматов А.Н., Пардаев М.Ҳ., Тошбоев Ф.Э. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Археологические исследования в Узбекистане 2015-2017 года. Самарканд, 2018.

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР –ЗАМОН ТАЛАБИ

Қодиров Ф., Жиззах ДПИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, б.ф.н., доцент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон, «Иқтисодиёт тармоқлари ва

соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли, «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари билан мамлакатимизда мавжуд тизим ва жараёнларга янгича ёндашувлар юзага келмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади” деган даъваткорона сўзлари ҳар бир ёш тадқиқотчида умид ва ишонч уйғотди ва шунинг билан бирга вазифалар ҳам юклади. Ҳар бир тадқиқот бирор фан ёки соҳанинг назарий жиҳатдан янада ривожлантиришга хизмат қилади. Инновацион ғоялар ва технологиялар эса уларни янада такомиллаштиради ва амалиётда у ўз самарасини кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан инновацион ғоялар ва технологияларни ўз вақтида такомиллаштириш ҳисобидан етгани ҳам ҳақиқат. Инновация – тараққиётга хизмат қилар экан, илмга чанқоқ ёш иқтидор соҳиблари фанда янги кашфиётлар, инновацион ғоялар яратишга интилаверади.

Инновацион фаолиятни дунё мамлакатлари энг асосий устувор йўналиш сифатида тан олган. Яъни, жамият тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири – бу самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш, илмий-техника тараққиёти ютуқларига асосланган янги, илғор технологиялар, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шакллари ҳамда йирик ихтиролар натижаларини жорий қилиш эканлиги айни ҳақиқат.

Бизнинг фикримизча, инновация жараёни ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳонда ўз мавқеига эга бўлиш ва уни ушлаб қолиш, унумдорликни, пировардида ҳам олийгоҳ, ҳам соҳа, ҳам яхлит иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий ва мажбурий шартидир.

Инновацияларни жадал татбиқ этиш, энг аввало, мавжуд олий таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама модернизациялаштиришни зарур қилиб қўяди. Инновацион тадбиркорлик янги рационализаторлик йўналишларини топиш ва ресурсларни фойдали томонга йўналтириш, ишлаб чиқаришнинг янги комбинацияларини ўзлаштириш, янги бозорларни эгаллаш, янги маҳсулотларни яратишдан иборат.

Бугунги кунда олий таълим тизими инновацион фаолиятнинг субъекти ва мамлакат илмий-техник салоҳиятининг манбаи эканлиги очиб берилди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4663-сон қарорлари асосида Жиззах давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2020 йил 5 июндаги қарори билан Илмий даражалар берувчи Филология йўналиши бўйича 3 та ихтисослик ва Педагогика йўналишида 1 та ихтисослик бўйича илмий кенгаш фаолият олиб бормоқда. Институт профессор-ўқитувчилари **Google академия** ва **orcid** тизимларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилди ҳамда **science.i-edu.uz** архив журнаliga 5191 та мақолалар жойлаштирилди. Ҳозирги кунда 135 нафар профессор-ўқитувчилар 2530 та истибослик кўрсаткичга эга бўлди ва 33 нафар профессор-ўқитувчиларнинг h-индекс 3 дан юқори кўрсаткични қайт этмоқда. Бундан ташқари институтда 15 та электрон журнал ташкил этилди. Институтда б.ф.д. *У.Раҳмонқулов* раҳбарлигида “Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги шўрхок ва сувсиз ерларда (Fergala

foetida, Bunge, Regel) янги коврак кўчатларини етказиб берувчи инновацион плантацияларни барпо қилиш” мавзусидаги **700 млн.** сўмлик 2019-2021 йилларга мўлжалланган инновацион лойиҳаси бажарилмоқда. Д.Баҳриддинова раҳбарлигида “Инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш” номи АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан умумий қиймати **45,0 минг АҚШ** доллар бўлган 2020-2021 йилларга мўлжалланган халқаро лойиҳа бажарилмоқда.

Бундан ташқари профессор-ўқитувчилармиз томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон эълон қилинган гранд “Mental Enlightenment Scientific-methodological Journal” (“Тафаккур зиёси илмий-услубий журнал”) электрон илмий-услубий журнаliga Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1105 сонли гувоҳнома берилди. Ушбу гувоҳнома асосида ISBN (International Standard Book number) ББК ва УДК рақамлари олинди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Жиззах давлат педагогика институти ўртасида шартнома имзоланди. Таҳририят аъзолигига эса халқаро муҳаррир ва экспертлар таклиф қилинмоқда.

Бугунги кунда фан ва таълимга инновацион ёндошувни амалга оширмасдан, энг сўнги фан ютуқларидан бохабар бўлмасдан ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан замон билан ҳамнафас бўлишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

**2-ШЎБА: ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ШАРОИТИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И
НАЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ**

**ACTUAL ISSUES AND PRIORITY TASKS OF THE SOCIAL AND
HUMANITARIAN SCIENCES IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION AND
NATIONAL DEVELOPMENT**

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA SIFATNI BOSHQARISH TIZIMI

*Ablayeva O'g'iloy Shodiqulovna, Jizzax politexnika instituti,
"Bino va inshootlar qurilishi" kafedrasida katta o'qituvchisi*

Annotatsiya: *ushbu maqola yalpi sifat menejmenti sharoitida pedagogika oliy ta'lim muassasasida sifatni boshqarish tizimini nazariyasi va amaliyotini joriy etish orqali takomillashtirish masalalariga bag'ishlangan bo'lib, jumladan, sifat, ta'lim sifati, ta'lim sifatini boshqarish kabi tushunchalar pedagogik talqin etilgan.*

Kalit so'zlar: *TQM (Total Quality Management), YAlpi sifat menejmenti, ta'lim sifati, ta'lim sifatini boshqarish, bilim va malaka.*

Аннотация: *В этой статье оснащены основные проблемы внедрения теории и практические управления качества в высших Педагогических заведениях, включая понятия как качества, качества обучения и общего качества менеджмента.*

Ключевые слова: *TQM (Total Quality Management), всеобщий менеджмент качества, качество образования, управление качеством образования.*

Abstract: *There are enlightened the main issues of improving of implementation the theories and practical quality ruling in High Pedagogical Institutions, including the motions such as quality, educational quality and total quality management in this article*

Key words: *TQM (Total Quality Management), total quality management, quality of education, quality management education, knowledge and skills.*

Oliy ta'lim muassasalarida zamon bilan hamnafas ta'lim tizimini yaratish, albatta ilg'or jahon texnologiyalaridan samarali foydalanishni taqozo qiladi. Tadqiqotlarimiz jarayonida "sifat" va "ta'lim sifati", "ta'lim sifatini boshqarish" tushunchalarining mazmun-mohiyati pedagogik talqin etildi.

Ilmiy-pedagogik adabiyotlarda, me'yoriy hujjatlarda, oxirgi yillarda amalga oshirilgan dissertatsion tadqiqotlarda "sifat" kategoriyasi turlicha talqin etiladi.

Iqtisodga oid adabiyotlarda sifat predmetning ehtiyojij xususiyatlari nuqtai nazaridan ta'riflanib, aniq ehtiyojlarni qondirish sharoitlariga muvofiq uning ma'lum ehtiyojni qondirishga yaroqliligidir degan ta'rif keltirilgan (E.Deming, B.Rayzberg, Dj.Xarington va boshqalar).

"Sifat – mijozlar istaklariga muvofiqlik yoki shu istaklarni oldindan ko'ra bilishdir" kabi qarashlar hozirgi kunda keng tarqalgan[1].

Sifatning ishlab chiqarishga oid talqinida normativ hujjatlar talablariga muvofiqligiga alohida urg'u beriladi (R.Zakov, R.Romanov va boshqalar).

Ta'lim sifati tushunchasiga ham ilmiy-pedagogik adabiyotlarda turlicha ta'riflar beriladi:

–shaxs va jamiyat ehtiyojlariga muvofiqlik sifatida (V.Kalviey, S.SHishov va boshqalar);

– shaxsning bilim, ko'nikma, malaka hamda ijtimoiy ahamiyatli sifatlarining shakllanganlik darajasi (E.Bondarevskaya, L.Redko va boshqalar);

–ta’lim jarayoni xususiyatlari yig‘indisi va uning natijalarining standartga, jamiyat va shaxsning ijtimoiy normalariga muvofiqligi sifatida (V.Baydenko, V.Panasyuk, A.Subbetto);

–ta’lim natijalarining maqsadlariga muvofiqligi, bitiruvchilarning o‘qimishlilik xususiyatlari yig‘indisi sifatida (V.Polonskiy, M.Potashnik va b.);

“Ta’lim sifati menejmenti” tushunchasi ham turli yondashuvlar asosida tavsif etilayotganligini kuzatish mumkin.

Respublikamiz pedagog-olimlari Sh.Qurbonov, E.Seytxalilovlar ta’lim sifatini boshqarish – muayyan ijtimoiy va pedagogik shart-sharoitlarning ta’siri oqibatida yuzaga kelgan va ko‘p funksiyali vazifalarni o‘z ichiga olgan tizim sifatida ta’riflaydilar[2].

M.Potashnik[3] ta’lim sifatini boshqarishni raqobatbardosh mutaxassisni shakllantirishga bo‘lgan ijtimoiy buyurtmani qondirishga yo‘naltirilgan ko‘p o‘lchovli moslashuvchan tizim deb baholaydi.

Oliy ta’lim muassasasida sifatning yalpi boshqaruv tizimini ishlab chiqish va joriy etish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir. Oliy ta’lim muassasasida kadrlar tayyorlash sifatini boshqarish borasida dunyoda bugun quyidagi tendensiyalar etakchi rol o‘ynamoqda:

1. Boloniya jarayonlari doirasida evropa mamlakatlarida ta’lim sifatini kafolatlovchi yagona mezonlar va standartlarni ishlab chiqish;

2. Evropa mamlakatlarining ta’lim dasturlarini akkreditatsiyalash milliy tizimini yaratish, rivojlantirish va bir-biriga moslashtirish;

3. Xalqaro ISO 9000:2000, ENQA (Oliy ta’limda sifatni kafolatlash Evropa assotsiatsiyasi), Sifat menejmenti bo‘yicha Evropa fondi modeli hamda boshqa milliy modellar asosida oliy ta’lim muassasasining sifat tizimini ishlab chiqish va joriy etish;

4. Ta’lim jarayoni sifatini boshqarish tizimini sifat menejmenti prinsiplari asosida tashkil etish;

5. Ta’lim jarayoni sifati va uning natijalarini milliy attestatsiya va akkreditatsiya tizimi asosida tashqi nazorat qilishdan u yoki bu tanlangan model asosida ta’lim muassasasining ichki o‘z-o‘zini baholash tizimiga o‘tish.

6. Tashqi nazorat me’yoriy va ilmiy jihatdan ta’minlanish borasida jiddiy muvafaqqiyatlarga erishgan bo‘lsada, epizodik tarzda miqdoriy ko‘rsatkichlarni aniqlashga asoslanganligi sababli mavjud muammo va yutuqlarni to‘liq aniqlash, ta’lim sifatini oshirishni rejalashtirish imkonini bermasligini inobatga olish.

Xalqaro ISO 9000:2000, Sifat menejmenti bo‘yicha Evropa fondi modeli hamda boshqa milliy modellar asosida oliy ta’lim muassasasida sifat menejmenti tizimini ishlab chiqish jarayonida quyidagi vazifalarni amalga oshirish zarurati paydo bo‘ldi[6]:

ilmiy manbalarni tahlil etish natijasida pedagogika oliy ta’lim muassasasida sifat menejmenti tizimini shakllantirish va rivojlantirishning mavjud yondashuvlarini aniqlash;

aniq oliy pedagogika ta’lim muassasasi sharoitlariga mos ravishda sifat menejmenti tizimi uchun sifat menejmenti jarayonlarining zaruriy va etarlicha mezonlarini ishlab chiqish;

hujjatlarning shakllari, turlari va strukturasi belgilovchi talablar tizimini ishlab chiqish, ta’lim muassasasida axborot ta’lim muhitida ma’lumotlarni jamlash, qayta ishlash imkonini beruvchi avtomatlashtirilgan sifat monitoringi tizimini joriy etish;

oliy pedagogika ta’lim muassasasi professor-o‘qituvchilari va xodimlari uchun sifat menejmenti tizimidan samarali foydalanish bo‘yicha korporativ o‘quv kursini ishlab chiqish, uning an’anaviy va elektron uslubiy-didaktik ta’minotini yaratish;

pedagogika oliy ta’lim muassasalarida ishlab chiqilgan yondashuv va tamoyillar, mezonlar, sifat menejmenti tizimi, uning didaktik ta’minoti samaradorligini aniqlash maqsadida eksperimental tadqiqotlar olib borish;

tadqiqotlar natijalarini matematik-statistik metodlar yordamida qayta ishlash va ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqish.

Respublikaning oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalariga o‘quv-pedagogik va ilmiy-metodik rahbarlikni amalga oshirish, ular faoliyatini muvofiqlashtirish, ularda davlat ta’lim standartlari talablari hamda ta’lim darajasi va mazmuniga, mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligi

sifatiga qo'yiladigan boshqa talablar bajarilishini ta'minlash, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvorliklariga muvofiq kadrlar tayyorlashning mavjud va istiqbolli yo'nalishlari bo'yicha korxonalar va tashkilotlar, shuningdek fuqarolar tomonidan ta'lim xizmatlariga bo'lgan talabni o'rganish va uning qondirilishini ta'minlash, o'quv-tarbiya jarayonida o'qitishning ilg'or shakllarini, shu jumladan masofadan turib o'qitish, yangi pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va ulardan samarali foydalanishni tashkil etish, uzluksiz ta'lim tizimi uchun yangi avlod o'quv adabiyoti yaratish konsepsiyasi talablariga muvofiq darsliklar va o'quv-metodik adabiyotlar yaratilishi, tarjima qilinishi va nashr etilishini tashkil etish, pedagog kadrlar va mutaxassislar tayyorlash, ularni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini tashkil etish va takomillashtirish, oliy o'quv yurtlarida ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, ularning samaradorligini oshirish va tadqiqotlarning natijalarini amaliyotga keng joriy etish, oliy ta'lim, fan va ishlab chiqarishning mustahkam o'zaro hamkorligini ta'minlash- O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi zimmasiga yuklatilgan.

Ta'lim sifatini boshqarishning quyi darajasi OTMda joriy etiladigan sifat tizimini o'z ichiga oladi va 3-rasmda taqdim etilgan modelga ko'ra ENQA standartlariga hamda xalqaro ISO 9001:2001 sifat menejmenti tizimi jarayonli modeli talablariga mos keladi. Bunga ko'ra:

1. OTMning sifatini boshqarishga doir strategiyasi, siyosati va maqsadlarini shakllantirish (ENQA standartlari 1.1 Sifatni boshqarish siyosati va baholash tadbirlari) - ta'lim sifati maqsadlarini ishlab chiqish, ularni ijtimoiy-pedagogik jihatdan asoslash, normalashtirish, dolzarbligini tekshirish, ta'lim standartlari va dasturlarini korrektirovka qilish, yangilash (ENQA Standartlari 1.2. Dastur va kvalifikatsiyalarni davriy monitoring qilish va tasdiqlash)[5].

2. Jarayonlar va protseduralarni doimiy takomillashtirishga qaratilgan OTMning faoliyatini rejalashtirish, qo'llab-quvvatlash (ENQA Standartlari 1.1 Sifatni baholash tadbirlari va siyosati).

3. Talabalarni o'qitish va tarbiyalash uchun zarur va etarli professor-o'qituvchi va boshqa resurslarni boshqarish - oliy ta'lim muassasasining faoliyat jarayonlari siklini har tomonlama ta'minlash: moliyaviy, moddiy, inson va axborot resurslari bilan ta'minlanishi (ENQA Standartlari 1.4 Professor-o'qituvchilar tarkibi sifatining kafolatlanganligi 1.5, Ta'lim resurslari va talabalarni qo'llab-quvvatlash, 1.6 Axborot-kommunikatsion tizimlar).

4. Jarayonlar va protseduralarni boshqarish- OTMning asosiy (o'quv, ilmiy, kadrlarning malakasini oshirish va qayta tayyorlash) hamda yordamchi (xo'jalik faoliyati, personalni boshqarish va boshq.) jarayonlarini boshqarish (ENQAning barcha standartlari).

5. Monitoring va nazorat-ishchi jarayonlarning parametrlari va xususiyatlarini o'lchash va baholash, natijalarni tahlil qilish (ENQA standartlari 1.2, 1.3, 1.4, 1.7).

Bugungi kunga kelib yalpi sifat menejmenti konsepsiyasini faqat ishlab chiqarish jarayonlari, balki ta'lim xizmatlari ko'rsatish, yalpi ta'lim sifati va uni boshqarish sohasini takomillashtirish sohasida keng qo'llanilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.U.Badalova. Milliy iqtisodiyotda xalqaro ISO 9000 seriyali sifatni boshqarish tizimini joriy etish hususiyatlari. Iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. T.: 2009 – B.168.

2. Kurbonov SH., Seytxalilov E., Inoyatov U., YUzlikaeva E., SHaripov SH. Kadrlar tayyorlash milliy modeli va dasturi «Islom Karimov modeli» O'zbekiston mustaqilligining yuksak yutug'i va natijasi/ O'quv qo'llanma. – Akad. T.Rixsiev tahriri ostida: – Toshkent: TDPU, 2013. – 234 b.

3. Поташник М.М. Эксклюзивные аспекты управления школой: методическое пособие/М.М. Поташник.-М.: Педагогическое общество России, 2011.-320с

4. Mustafaqulov A.A. "Pedagogika oliy ta'lim muassasida kadrlar tayyorlash sifatini boshqarish tizimi" Ta'lim va jismoniy madaniyat yo'nalishida sifat va samaradorlikni oshirish: muammo va echimlar xalqaro ilmiy konferensiya. Toshkent 25 may, 2017 yil.

5. European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA): Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area.

6. ГОСТ Р ИСО 9000-2001. Системы менеджмента качества. Основные положения и словарь. -М.: Изд-во стандартов, 2001. -26 с.

ZAMONAVIY XALQARO MUNOSABATLAR TADQIQINING METODOLOGIK MASALALARI

*Muhammadsiddiqov Muhammadolim Muhammadroziq o'g'li, siyosiy fanlar doktori,
Xalqaro Islom Akademiyasi dotsenti*

Zamonaviy xalqaro munosabatlar tizimining globallashuvi va uning transformatsiyasi sharoitida xalqaro hayotning barcha sohalarida keskin o'zgarishlar natijasida davlatlar o'rtasidagi o'zaro aloqalar shaffoflashib, integratsiyalashuv jarayonlari kuchayib bormoqda. Zamonaviy xalqaro munosabatlarning yangi ishtirokchilar sifatida xalqaro hukumatlararo moliyaviy, iqtisodiy tashkilotlar, nodavlat tashkilotlar, hamda, yangi mustaqil davlatlar yangi sub'ekt sifatida kirib kelishi bilan harakatlanmoqda. Shu bilan birga xalqaro tashkilotlarning rivojlanishi, ayniqsa hukumatga tegishli bo'lmagan xalqaro nodavlat, nohukumat tashkilotlar faoliyatining kuchayishi kuzatilmoqda. Bunday sharoitda yangi mustaqil davlatlarning xalqaro maydonga kirib borishi va o'z milliy manfaatlarini himoya qilish masalalari o'ta dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Bu esa, o'z navbatida, hozirgi zamon xalqaro munosabatlarining mazmun va mohiyatini, o'ziga xos xususiyatlarini chuqur anglab yetishni hamda uning ishtirokchilarining asosiy maqsad va vazifalarini ham yakuniy ham amaliy jihatdan tahlil etishni talab qiladi. Shu bilan birga zamonaviy xalqaro munosabatlarda kechayotgan o'ziga xos jarayonlarni to'g'ri baholay olish hamda davlatlararo o'zaro aloqalarni yo'lga qo'yish bo'yicha yetarli bilimlarga ega bo'lgan malakali mutaxassislarini tayyorlash, ularni bu yo'nalishdagi tajriba va malakasini oshirish muhim ahamiyat kasb etib borayotgan vazifalardan biri hisoblanadi. Shuning uchun xalqaro munosabatlarning mintaqaviy jihatlarini, tashqi siyosat va diplomatik qoidalar, xalqaro siyosat va jahon siyosati, siyosiy jarayonlar va xalqaro muammolar, ularni hal etish usul va uslublarini o'rganishga urg'u berish muhimdir.

Xalqaro munosabatlar – bu xavfsizlik, barqarorlik va rivojlanishni ta'minlash maqsadida uning sub'ektlari bo'lmish davlatlar, xalqaro tashkilotlar, xalqaro nodavlat tashkilotlar va transmilliy korporatsiyalar, firmalar, guruhlar o'rtasidagi o'zaro hamkorlik shakli va metodlari, siyosiy, huquqiy, harbiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalar hamda bog'liqliklar tizimidir. Bu davlat faoliyatining muhim sohasi bo'lib, busiz hozirgi sivilizatsiyani, uning rivojlanishining asosiy tendensiyalari va kelajak istiqbolini tasavvur etish qiyin. Bundan tashqari, har bir insonning hayoti u yoki bu darajada xalqaro munosabatlar bilan chambarchas bog'liqdir.

Jahon taraqqiyotining hozirgi bosqichida, odatda, milliy, diniy, mintaqaviy, global, shuningdek, xususiy manfaatlar xalqaro munosabatlarning predmeti bo'lib maydonga chiqmoqda. Shu bilan birga manfaatlar tizimida iqtisodiy tashkil etuvchi qism va xavfsizlik manfaatlari nufuzli o'rin tutadi. Bir qator mamlakatlarning manfaatlari jamiyatdagi hukmron qadriyatlar va mafkuraviy ko'rsatmalar bilan belgilanishi kam uchraydigan hodisa emas. Shunday davlatlar borki, ularda din bosh mavqega ega, shunga muvofiq diniy va mafkuraviy omillarning ta'siri tashqi siyosatda ancha yuqori bo'ladi.

Odatda, milliy manfaatlar to'qnashuvi natijasida davlatlar o'rtasida yuz beradigan mojarolarni hal qilish usullari va yo'llarini izlab topish hozirgi xalqaro munosabatlarning asosiy vazifalaridan biri bo'lib qolmoqda. Mojarolarning so'nggi ko'rinishi urush hisoblanadi. Harbiy kuch ishlatmasdan mojarolarni hal qilish xalqaro huquq va diplomatiyaning faoliyat doirasiga kiradi. Mojaroni harbiy yo'l bilan hal qilish mumkinligiga sub'ektiv va ob'ektiv omillar ta'sir qiladi. Ob'ektiv omillar ijtimoiy va siyosiy kuchlarning muayyan taqsimlanishini, ijtimoiy, harbiy-siyosiy va boshqa sharoitlarni, determinatsiyaning xususiy tizimi va voqealar rivojining tegishlicha ko'rinishini yuzaga keltirgan jahondagi mavjud vaziyatdan kelib chiqadi. Bu jarayonlar, odatda, sog'lom aql bilan boshqariladi, u barcha shart-sharoitni, vaziyatni hisobga olgan holda muammoni hal qilishning eng kam vayron qiluvchi va eng oqilona yo'lni taklif qiladi. Mojaroning salbiy hal

qilishning muqobili konsensus hisoblanib, unga xalqaro-huquqiy tamoyillar va me'yorlar asosida siyosiy va diplomatik vositalar orqali erishiladi. Shu sababdan xalqaro munosabatlarda xalqaro mojaralarni hal qilish va davlatlar o'rtasida konsensusga erishishda eng muhim institutlarning roli va funksiyalariga, qaror qabul qilish mexanizmlariga katta e'tibor qaratiladi.

Mojaro ko'p hollarda davlatlar o'rtasidagi raqobat natijasi hisoblanadi. Raqobat - bir xil maqomga, bir tomonga yo'naltirilgan faoliyat sohasiga va barcha mavjud vositalar bilan ta'minlanishi zarur bo'lgan manfaatlar tizimiga ega mustaqil, suveren sub'ektlarning hammasi uchun xarakterli bo'lib, ob'ektiv hodisa sanaladi.

Davlatning faol tashqi siyosati xalqaro munosabatlar sohasida samarali raqobat kurashining asosiy vositasi hisoblanadi, uning natijaviyligi milliy manfaatlar himoyasi va bu boradagi yutuqlar darajasiga ko'ra baholanadi.

Xalqaro munosabatlar turli harakatlanuvchi kuchlar va motivlar ta'sirida rivojlanadi, ammo ular ichida davlatlar-sub'ektlar manfaatlarining mos kelishi yoki to'qnashuvi, manfaatlarni himoya qilish, ular bo'yicha kelishuvga erishish hal qiluvchi ahamiyaga ega. Har qanday davlatning tashqi siyosiy manfaatlari, maqsad va vazifalari, avvalo, milliy ehtiyojlar, manfaatlar va qadriyatlar bilan, ularni xalqaro maydonda himoyalash va ta'minlash bilan bog'liq.

Xalqaro munosabatlar o'z mohiyatiga ko'ra o'sib boruvchandir. Bu doimiy o'tish holat bo'lib, unda davlatlar o'rtasidagi ikki tomonlama va ko'p tomonlama munosabatlarning an'anaviy hamda yangi shakl va metodlari chatishib ketadi. Bu xalqaro munosabatlar mazmuni va xarakteriga ta'sir etish kuch markazining doimiy aralashib turishidir. Hatto jahondagi tinchliksevar mamlakatlar ushbu munosabatlarga ta'sir etishning nisbatan barqaror omili sifatida, o'z navbatida ob'ektiv jarayonlar ta'siriga uchraydi va vaqtning ma'lum bir paytida qaror topgan vaziyatni butun dunyoda o'z milliy manfaatlarini himoya qilishning yangi strategiyasini shakllantirish uchun asos sifatida hisobga olishga majburdir. Xalqaro munosabatlarga ta'sir etuvchi ob'ektiv va sub'ektiv omillar ham huddi siyosat va iqtisodiyot olamidek, manfaatlar va ehtiyojlarning tegishli tizimi kabi o'suvchan va o'zgaruvchandir.

Ko'pqamrovli baynalminallashuv va globallashuv, davlatlar hamkorligi va birgalashib harakatlanishining turli shakllarini vujudga kelishi, xalqaro mojarolarning yangi turlari va munosabatlarning yangi sifatleri paydo bo'lishi sharoitida turli mamlakatlar xalqaro siyosiy tizimning ko'pqtibli joylanishida o'z o'rnini belgilab olmoqda.

Uchinchi mingyillik oralig'ida xalqaro munosabatlar tizimi yoki g'arb adabiyotida atalayotganidek, xalqaro tizim (International System) o'z rivojlanishining sifat jihatdan yangi fazasiga kirdi. Uning hozirgi dunyoga ta'sirini inqilobiy deb tavsiflash mumkin. 1945-1990 yillarda mavjud bo'lgan "sovuq urush" davridagi xalqaro tizim yoki Yalta-Potsdam tizimi parchalandi. Yalta-Potsdam tartibi o'rniga keladigan yangi xalqaro tizim tub o'zgarishlarning girdobli jarayonini boshidan kechirmoqda. 1980 yillar oxiri - 1990 yillar boshini qamrab olgan vaqt davomida Sharq va G'arb o'rtasidagi qarama-qarshilikning tugashi, sotsialistik lagerning qulashi, SSSRning tarqab ketishi, Yevrosiyo qit'asida o'nlab yangi mustaqil davlatlarning paydo bo'lishi singari butunjahontarixiy ahamiyatga molik voqealar sodir bo'ldi. Xalqaro tizim aktyorlarining miqdor va sifati, ular munosabatlarning modeli va o'zini tutish qoidalari bir necha yil ichida o'nlab yillar davom etgan "sovuq urush" davridan ko'ra ancha chuqur o'zgarishlarni boshidan kechirdi. Dunyo tartiblilikdan ko'ra tartibsizlik, mojarolarni tartibga solish strategiyasidan ko'ra mojarolar bilan xarakterlanmoqda. Shunday qilib, hozirgi xalqaro tizim endilikda tamomila yangi xarakter belgilariga ega bo'lib bormoqda:

1. Milliy davlatlar avvalgidek uning bosh aktyori hisoblanadi, hatto bu o'rinda gap integratsiya darajasiga qaramasdan, ammo ixtiyoriylik sharti bilan davlatning turli davlatlararo mintaqaviy, mintaqalararo va global tashkilotlardagi ishtiroki haqida borayotgan bo'lsa-da. Siyosiy hokimiyat hududiy mustaqillik (suverenitet) tamoyili asosida xalqaro huquqning boshlang'ich sub'ektlari bo'lib qolayotgan alohida davlatlar ixtiyorida saqlanadi. Biroq ko'payib borayotgan global muammolarni hal qilishda ularning qurbi pasayadi. Yevropa va Osiyoning ulkan kengliklarida "real sotsializm" g'oyasi va amaliyotining barbod bo'lishi shunga olib keldiki, kommunistik utopiya (xayolot) o'rnini davlat-millatni yaratish konsepsiyasi egalladi. Millat, milliy

qurilish g'oyasi qirq yoki yetmish yil davomida totalitarizm zulmi ostida qolgan jamiyatlar uchun tenglashtirish ob'ekti bo'lib xizmat qiladi. Milliy davlatchilikni shakllantirish bu jamiyatda konstruktiv (asosiy) kuch rolini o'ynamoqda.

2. Xalqaro hukumatlararo tashkilotlar (XHT) kabi xalqaro nohukumat tashkilotlar (XNT) sonining ham o'sib borishi kuzatilmoqda. Xalqaro tashkilotlar siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy sohalarida davlatlarning o'zaro bog'liq va chatishib ketgan manfaatlarining ortishi tufayli zarur bo'lgan xalqaro tizimni boshqarishning alohida shaklini yaratadi. XT transchegaraviy, siyosiy jarayonning institutsional doirasini shakllantiradi, unda ko'psonli davlat va hamjamiyatlardan davlat va nodavlat aktyorlar ishtirok etishadi. XHT ikkilamchi va yasama bo'lsa ham, chunki ular xalqaro huquqning birlamchi sub'ektlari – davlatlar tomonidan tuzilgan, xalqaro huquqning sub'ektlari hisoblanadi. XNT xalqaro xususiy huquqning instituti hisoblanadi. Umuman, XNT siyosiy sohada davlat butkul va to'lig'icha o'ziga ololmaydigan boshqaruvning ma'lum funksiyasini o'z zimmasiga oladi.

3. Xalqaro tizimdagi qarama-qarshilik (ziddiyat) globallashtirish bilan bir vaqtning o'zida kechgan nomarkazlashtirish, mintaqalashtirish va ko'pqtblilik jarayonlarida namoyon bo'ladi. Sharq va G'arb ziddiyati konfiguratsiyasi uning bipolyarliligi bilan birga endi xalqaro tizim uchun struktura belgilovchi bo'lmay qoldi. Kuchlarning yangi mintaqaviy markazlari tashkil topdi. Eng muhim mintaqaviy davlatlar sifatida Yaponiya va Germaniya, shuningdek, Xitoy va Braziliyaning ko'tarilishida ko'pqtblilik namoyon bo'lmoqda. Mintaqaviy guruhlar va xalqaro tashkilotlar (Rossiya, Yevropa Ittifoqi, NAFTA Islom Konferensiyasi tashkiloti ASEAN va sh.k. bilan birgalikda "katta yettilik") xalqaro tizimda davlatlar bilan birga yetakchi aktyorlarga aylanoqda.

4. Xalqaro tizimda qarama-qarshilik markazining Sharq-G'arb nisbatidan Shimol-Janub o'qiga ko'chib o'tishi, sodda qilib aytganda, boy Shimol bilan, kambag'al Janub o'rtasidagi mojarolar (ixtilof) industrial va rivojlanayotgan mamlakatlar rivojining mutlaqo turlicha siyosiy, iqtisodiy va madaniy imkoniyatlariga asoslanadi. "77 lar guruhi"ga birlashgan, o'zida 120 dan ortiq davlatni qamragan rivojlanayotgan mamlakatlar katta guruhi ichida tabaqalanish jarayoni yuz bermoqda. Unda OPEKga tegishli, son jihatdan uncha ko'p bo'lmagan bir necha ancha boy va rivojlanayotgan mamlakatlar va "yangi industrial mamlakatlar" ajralmoqda. Ikkinchi tomondan, rivojlangan va rivojlanayotgan, boy va kambag'al mamlakatlar o'rtasidagi farq tobora kattalashib bermoqda. "Sovuq urush"ning tugashidan so'ng Shimol-Janub o'qidagi keskinlikning kuchayishiga ko'p jihatdan sivilizatsion omillar sabab bo'lmoqda.

5. Sharq va G'arb mojarosining tugashi "kuch" tushunchasining mazmun va o'lchamida dramatik burilish yasadi. Kuchning mumtoz belgilari (davlat hududining o'lchamlari, aholisining soni, uning geosiyosiy holati, qurolli kuchlari soni va sh.k.) va davlatning hududiy mustaqilligi ko'p jihatdan endi o'z ahamiyatini yo'qota boshladi. G'arb siyosiy fikri ilmiy muomalaga "sezilarli kuch" va "sezilmas kuch" tushunchalarni olib kirdi. "Sezilarli kuch" kategoriyasi o'z ichiga yuqorida qayd etilgan an'anaviy kuch belgilarini oladi. "Sezilmas kuch" kategoriyasi ilmiy-texnologik baza, iqtisodiyotning sanoat va moliyaviy quvvati, valyuta, inson boyligi (kapitali), ijtimoiy xavfsizlik kafolati, davlatning siyosiy va ijtimoiy tuzilishini himoya qilishda aholining safarbarlik layoqati singari go'yoki bir qarashda ko'rib va sezib bo'lmaydigan davlat qudratining belgilaridan iborat. Kuchning ushbu yangi o'lchamlari davlatning o'zni, maqomi va qudratini aniqlashda yanada katta ahamiyat kasb etmoqda.

6. Dunyo tizimi "turlarning ayni bir paytda bo'lishi", "baravar yuz berishi" bilan, ya'ni tarixiy davr va ijtimoiy makon kabi fundamental tushunchalarning ayni bir paytda mavjud bo'lishi va bir-birining ustiga qo'yilishi bilan duch kelmoqda. "Jahon o'tish jamiyati"ning hali yetarlicha aniqlanmagan va pishib yetilmagan sharoitlarida, bir tomondan, davlatlararo mojarolarni mintaqaviylashuvi va markazdan uzoqlashuvi, ikkinchi tomondan, davlatlararo harbiy va davlat ichkarisidagi ijtimoiy-siyosiy mojarolarning chatishib ketishi yuz bermoqda. Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish Tashkilotiga birlashgan Yevroatlantika makonining sanoati rivoj topgan mamlakatlarida Sharq va G'arb mojarosini bartaraf etilishi natijasida tinchlik barqaror va xavfsiz bo'lgan bir vaqtda dunyoning boshqa mintaqalarida beqarorliklar soni keskin ortmoqda. Xalqaro munosabatlarda globallashtirish jarayonlarining yonma-yon borishi va mahalliy hamjamiyatlarning saqlanishi,

chatishib ketish va tabaqalanish, qismlarga ajralish (fragmentizatsiya) va markazdan uzoqlashish, yaqinlashish va begonalashish, mustaqillik va o'zaro bog'liqlik xalqaro tizim uchun xarakterlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mukhammadsidiqov, Mukhammadolim and Turaev, Abrar (2020) "INFLUENCE OF US NEOCONSERVATISM ON FORMATION OF NATIONAL SECURITY PARADIGM," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss3/12>
2. Abdusamadov, F. (2020). The policy of soviet power to limit private property in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 352-355.
3. MUHAMMADSIDIQOV, M. ÖZBEKİSTAN'DA TOPLUMSAL YAŞAMIN ANA ÖZELLİĞİ HOŞGÖRÜ. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
4. Мухаммадсидиков, М. (2009). Религиозная толерантность как главная черта общественной жизни Узбекистана. *Вестник Челябинского государственного университета*, (40).
5. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.
6. Turaev, A. (2020). XALQARO SIYOSAT VA XALQARO MUNOSABATLAR . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(59). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4281

GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY G'OYA FANI TARAQQIYOTINING USTUVOR YO'NALISHLARI

Musinov Najmiddin Faxriddinovich, katta o'qituvchi, JDPI

Annotatsiya. Ushbu maqolada: globallashuv sharoitida, milliy g'oya, mafkura rivoji va ahamiyati qonun oldidagi huquqiy tenglik va qonunning ustunligini, jamiyat manfaatlari himoya qilinishi va aholining xavfsizligini kafolatlaydigan huquqiy davlatni barpo etish; "Milliy g'oya" fanini nazariy jihatdan boyitish, amaliy jihatdan esa tezkor harakat qilish ishlarini yo'lga qo'yishning usullari nazariy tadqiq etilgan.

Tayanch so'zlar. Globallashuv, milliy g'oya, mafkura, qonunning ustunligi, xavfsizlik, demokratiya, axborot, qadriyat, fuqarolik jamiyati, huquqiy davlat, mulkchilik, ma'naviy xuruj.

XX asrning oxiri XXI asrning boshlariga kelib jahondagi barcha xalqlarning hayotida katta, ya'ni yirik imperiyalarning parchalanib ketishi, milliy mustaqil davlatlarning tarix sahnasiga kelishi, jamiyatni avtokratik boshqarishdan demokratik boshqaruvga o'tishi, inson xuquq va manfaatlarini himoya qilishning kuchayishi, odamlar ongida demokratik tafakkurning tez shakllanib borishi, globallashuv jarayonlarining shiddatli kechishi, nanotexnologiyalarning jadal sur'atlar bilan ishlab chiqarish jarayoniga joriy etilishi, ekologik xavfsizlikni ta'minlashning tobora xalqchil tus olishi kabi misli ko'rilmagan o'zgarishlar sodir bo'ldi. Jamiyatda sodir bo'layotgan bunday o'zgarishlar moddiy va ma'naviy ishlab chiqarish jarayoni dialektikasini chuqur o'rganish masalasini kun tartibiga qo'ydi. Bu masalaning echimini toppish esa jahonda yuz berayotgan g'oyaviy va mafkuraviy jarayonlarning tarixiy ildizi, falsafiy asoslariga nazar tashlab, ularning asl maqsad-muddaolarini bilib olish, shunga muvofiq tarzda mamlakatimizda g'oyaviy va mafkuraviy ishlarni amalga oshirishni taqozo etmoqda. Bu esa o'z navbatida "Milliy g'oya" fanini nazariy jihatdan boyitish, amaliy jihatdan esa tezkor harakat qilish ishlarini yo'lga qo'yishni talab qilmoqda.

"Milliy g'oya" fanining ustuvor yo'nalishlari Mamlakatimizning birinchi Prezidenti I.A.Karimovning yozgan asarlari, qilgan ma'ruza va nutqlari, o'tkazgan suhbatlari, bergan intervyularida mamlakatimizda: «Pirovard maqsadimiz – ijtimoiy yo'naltirilgan barqaror bozor iqtisodiyotiga, ochiq tashqi siyosatga ega bo'lgan kuchli demokratik huquqiy davlatni va fuqarolik jamiyatini barpo etishdan iboratdir» (1,32-b) «O'zbekiston – kelajagi buyuk davlat. Bu – mustaqil, demokratik, huquqiy davlatdir. Bu – iisonparvarlik qoidalariga asoslangan, millati, dini, ijtimoiy ahvoli, siyosiy e'tiqodlaridan qat'i nazar fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini ta'minlab

beradigan davlatdir» (2, 44-b) degan bir qator fikrlari asosida demokratik huquqiy davlatni qurish, kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirish va rivojlantirish borasida belgilab bergan, ayni vaqtda mamlakatimiz uchun umumstrategik ahamiyatga ega bo'lgan quyidagi vazifalarni:

Siyosiy sohada:-xalqning turmush tajribasiga, respublika aholisining milliy va madaniy an'analariga, barcha ijtimoiy guruhlari va qatlamlarining manfaatlariga mos keladigan haqiqiy demokratiya prinsiplarini qaror toptirish;

qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati vakolatlarini ajratish asosida milliy davlatchilikni barpo etish, respublika hokimiyati bilan mahalliy hokimiyatning vakolatlari va vazifalarini aniq belgilab qo'yish, adolatli va insonparvar qonunchilikni vujudga keltirish;

-barcha fuqarolarning qonun oldidagi huquqiy tengligini va qonunning ustunligini, jamiyat manfaatlarini himoya qilinishi va aholining xavfsizligini kafolatlaydigan huquqiy davlatni barpo etish;

-ozchilikdan iborat millatlarning manfaatlarini va huquqlarini himoya qilish, ularning madaniyati, tili, milliy urf-odatlarini va an'analarini saqlanishi hamda rivojlanishini kafolatli ta'minlash, davlat tuzilmalarining faoliyatida va jamoat turmushida faol qatnashish;

-bir mafkuraning, bir dunyoqarashning yakka hokimligidan qat'iyon voz kechish, siyosiy tashkilotlar, mafkuralar va fikrlar xilma-xilligini tan olish;

Iqtisodiy sohada:-milliy boylikning kupayishini, respublikaning mustaqilligini, odamlarning munosib turmush va ish sharoitlarini ta'minlaydigan qudratli, barqaror va jo'shqin rivojlanib boruvchi iqtisodiyotni barpo etish;

-ijtimoiy jihatdan yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini bosqichma-bosqich shakllantirish, tashabbuskorlik va ishbilarmonlikni butun-choralar bilan rivojlantirish, tadbirkorlikka erkinlik berish, tajribalar va iqtisodiy yangiliklarni rag'batlantirish, iqtisodiy omillar vositasini ishga solish, tayyorga ayyorlikni batamom tugatish;

-mulk egalari huquqlarining davlat yo'li bilan himoya hilineishini ta'minlash va barcha mulkchilik shakli – shirkat, davlat, xususiy hamda boshqa mulkchilik shakllarining huquqiy tengligini qaror toptirish. Shu asosda insonning mulkdan begonalashtirilganiga barham berish;

- meqnat qilish, dam olish, har yilgi haqi to'lanadigan ta'tilga chiqish, ishsiz bo'lib qolgan taqdirda ijtimoiy muhofazaga bo'lgan konstitusiyaviy huquqni amalga oshirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish. Insonning hayot ta'minoti uchun zarur bo'lgan ish haqi, pensiyalar va nafaqalarning kafolatlangan eng kam miqdorini joriy etish;

- tabiiy resurslardan ayovsiz foydalanishga, atrof-muhitga ziyon yetkazilishiga va respublikadagi ekologik vaziyatning yomonlashuviga yo'l qo'ymaslik.

Ijtimoiy va ma'naviy sohada:

-ijtimoiy adolat qoidalarini ro'yobga chiqarish, aholining eng nochor qatlamlari, keksalar, nogironlar, yetim-yesirlar, ko'p bolali oilalar, o'quvchi-yoshlarning davlat tomonidan ijtimoiy muhofazaga bo'lgan kafolatli huquqlarini ta'minlash;

-hamma uchun ma'qul sifatli tibbiy xizmatni ta'minlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, chaqaloqlar o'limini kamaytirish, odamlar umrini uzaytirish bo'yicha samarali chora-tadbirlarni amalga oshirish;

-umumiy ta'lim olish, kasbni va tegishli maxsus tayyorgarlikni o'tishni erkin tanlashda barchaga baravar huquq berish;

-ijodning barcha turlarini rivojlantirish, odamlarning iste'dod va qobiliyatlarini namoyon etish uchun shart-sharoitlarni yaratish, ma'naviy mulkni himoya qilish kabi bir qator amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlarini nazariy va amaliy jihatdan tadqiq qilish, olingan natijalarni esa bevosita yoki bilvosita mamlakatimiz hayotining moddiy va ma'naviy ishlab chiqarish sohalariga joriy etishdan iborat. Xayotimizga tobora chuqur va tez kirib kelayotgan globallashuv jarayonining asosiy sababi va omili xususida gapirganda, – bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi jaxon miqyosida boshqa mintaqalar va hududlar bilan shunday chambarchas bog'lanib borayaptiki, biron bir mamlakatning bu jarayondan chetda turishi ijobiy natijalarga olib kelmasligini tushinish, anglash qiyin emas. Shu ma'noda globallashuv – bu avvalo xayot sur'atlarini beqiyos darajada tezlashuvi demakdir. (2, 179-b)

Bugungi globallashuv davrida, axborotlar makonida bemaol turli ma'lumotlarni qabul qilish imkoniyati paydo bo'ldi bugun yoshlarda sog'lom dunyoqarash, ertangi kunga ishonch, milliy o'zligimizga, qadriyatlarimizga sodiqlik, sobit g'oya, sog'lom hissiyotlar, el-yurt yo'lida, oilasi va yaqinlari oldida insoniy javobgarlik va yuksak ma'suliyat hislarini tarbiyalash millat manfaatiga bevosita aloqador vazifadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov.O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li- T.:O'zbekiston 1992- B.32
2. O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura.T.1. – T.:O'zbekiston,1996. – B.44.
3. Otamurodov S. Globallashuv va millat. T.: “Yangi asr avlodi”. 2008.179-b.
4. Saidov U. Globallashuv va madaniyatlararo muloqot. T.: “Akademiya”. 2008. 75-b.
5. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-educ.edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ANALYSIS OF THE CONCEPT OF IDENTITY IN THE CONTEXT OF CULTURAL HERITAGE INTERPRETATION

Pilyak Sergey Alexandrovich, PhD in Architecture, Director The Museum "the Smolensk fortress wall" Russian Federation, Smolensk

Annotation. Identification and translation of regional identity is one of the most important stages in the socio-economic development of regions, the formation of an attractive image of the territory. In addition, depending on the unifying features, it is possible to distinguish professional, age, gender, and other types of identity. Identity as a certain community, united by some common properties or features, can arise both in the interpreter and in relation to the object of interpretation. Taking into account the above, the author proposes to consider the principle of identity as a component of the specifics of the interpretation of cultural heritage.

Keywords: cultural heritage, interpretation, identity, culture, actualization of cultural heritage, transformation, regional specificity, cultural studies.

The principle of identity consists in the identification of a person with certain typological categories, identified as certain generalities that have a number of distinctive properties. Naturally, in the process of interpretation, the involvement of both the interpreted object and the interpreter in an additional community can have a serious impact on the result of interpretation. When interpreting material cultural heritage, one of the most noticeable principles of identity formation is regional specificity.

Identity, as well as cultural heritage in general, is designated as a special category only in case of loss. The formation of the concept was associated with the process of radical restructuring of the cultural and national space of Europe in the course of large-scale socio-economic processes of the XIX-XX centuries. The sense of gradual loss of cultural bonds of a people, region, or local community has led to a scientific awareness of the value of identity.

According to the researchers, "despite the unity of the civilizational type, the cultures of all regions of the country are unique due to geographical, natural and climatic features, available natural resources, existing infrastructure, historical development, and demographic situation" [1, p.40]. At the same time, the most characteristic distinctive cultural features of the regions among many are traditionally called folklore, crafts, traditional architecture, including open-air Museum complexes [1, p.43]. Such markers of regional identity make up the most obvious set of categories that convey the region's uniqueness, which greatly simplifies the understanding of regional specifics.

In the concept of regional specificity, national, regional and local identity is traditionally distinguished. In addition, analyzing the status of the interpreter, it is possible to identify

professional, age, gender, and other types of identity. Any community that a person can relate to that can form an identity. The attributes that form this community will be the properties of identity.

When analyzing the mechanisms of interpretation, we should divide the identity that occurs in relation to the interpreter and the identity that occurs in relation to the object of interpretation. Both the interpreter itself and the object of its interpretation can be combined into certain generalities formed by common properties. Their influence on the result of interpretation should be accepted as indisputable.

Regional specificity, represented in the regional cultural heritage, acquires special significance in the context of accelerating globalization. At the same time, the interpretation of cultural heritage largely depends on the recognition of participation in the cultural heritage of a certain region and the level of interpenetration of human and cultural identity [2, p. 7]. R. Breton formulates three qualities of identity. First, identity has the potential to fulfill people's interests. Second, identity can increase the level of interdependence. Third, identity is based on a shared history, heritage, faith, and language.

Regional and national specificities are important in the preservation and interpretation of cultural heritage. As you know, "each region has its own cultural landscape, natural and climatic conditions, and the location of the territory, which cannot but affect the processes of the socio-cultural sphere" [3].

Taking into account the fight against the erosion of regional specificity, one of the most effective ways is to "preserve, correct and replicate "images" and material forms that are organic for the corresponding ethno-cultural formations" [4, p.34]. Currently, as various researchers note, ethnoculture, not supported by traditional methods of management, exists mainly in the information space, in the form of individual mentions, fixation in visual sources, etc. Accordingly, the storage and reproduction of ethnic culture is carried out by methods of information and digital culture.

The actualization of regional cultural heritage in modern methodology is often confined to expanding the participation of cultural heritage in everyday life, including in the form of event events, branding, information openness, thematic flash mobs, Internet promotions, filling the information space and other events that cause extensive mentions of objects.

Spiritual and religious identity also play a significant role in shaping the identity of material cultural heritage. "The current situation in the world exposes the danger of lack of spirituality, which manifests itself precisely as the lack of integrity, harmonious interrelation of all sides" [5, p. 257]. At the same time, religious feelings that have their own spiritual value may come into obvious confrontation with the implementation of measures aimed at preserving cultural heritage. This can be confirmed by numerous property disputes in relation to works of Church art and architecture that arise from state institutions and religious organizations. Temples can also serve as a "sign of religion", that is, a milestone marking the field of presence of adherents of a particular religion.

According to L. M. Mosolova [6], by now regionalism has become a macrodiscipline that generalizes the materials of many specialized studies, including archaeological, ethnographic, anthropological, and others, which brings regionalism closer to cultural studies. Naturally, the equivalent of the concept of "region "in cultural studies is the concept of" historical and cultural zone", introduced By G. Lebedev and A. Gerd, which creates prerequisites for the analysis of territorial communities.

Ёшларимиз онгида юрт тақдири ва Ватан равнақи учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, ҳар биримиз шу юртнинг эгаси сифатида унинг озодлиги ва ободлиги йўлида ҳеч бир иккиланишсиз бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар қилмоғимиз фуқаролик вазифамиз, фарзандлик бурчимиз эканлигини уларнинг вужудига олиб кирмоғимиз юксак маънавият тарбиясининг муҳим шартидир. Зеро, Ватан меҳридан баҳраманд бўлиб, унга муносиб жавоб бериш, уни саждагоҳ каби муқаддас деб билиб, қадрлай олмоқ маънавий етуклик белгисидир.

Дарҳақиқат, “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб- ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади”. [1, 28-29 б].

Ҳақиқатан ҳам, агар бугунги кунда мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига, ҳар бир йигит қиз, фарзандларимиз ўзларини шу юртда эркин сезмоғи, билим олмоғи, ўз имкониятлари намоён қила олмоғи учун яратилган шарт шароитларга ақл кўзи балан назар солар эканмиз, шунчалик ишонч эътибор, ғамхўрлик, меҳнат ва машаққат "нима учун ва ким учун?" деган саволга оқилона жавоб топа оламиз. Буларнинг барчаси юртимизнинг, халқимиз ва миллатимизнинг келажаги бўлган, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги пойдевори бўла оладиган ёшларимиз учундир. Шубҳасиз, XXI асрни интеллектуал салоҳият асри деб эътироф этар эканмиз, кучли билим ва тафаккурга эга, маърифатли ёшларгина Ватанимиз келажагини бунёд этади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратувчи қудратли куч сифатида ёшларимизга ишонч билдирар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев уларнинг билими ва тафаккурига алоҳида урғу бериб ўтади: “Албатта, фақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган сиз, азиз ёшларимиз майдонга дадил чиқиб бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга қодирсиз”. [2, 3 б].

Кўришиб турибдики, давлатимиз раҳбарининг шунчалик ишонч ва ғурур билан ёшларни мамлакат ва халқ келажаги тараққиётининг ҳал қилувчи кучи деб эътироф этиши уларга янада кўпроқ масъулият ҳиссини сингдиради. Бизнинг ёшларимиз эса шу буюклик сари қадам ташламоқда. Унинг заминлари эса халқимизнинг эзгу шижоати, эзгу амаллари ва келажакка бўлган ишонч этиқоди негизида бунёд этилмоқда. Айни пайтда мустақиллигимиз шарофати билан ёшлар камолоти, баркамол авлод тарбияси учун яратилган моддий ва маънавий омиллар амалга оширилаётган ислохотларимизнинг барча соҳаларида устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

Иктисодиёт соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришлар, либераллаштириш ва модернизация жараёнларидан кўзланган асосий мақсад аҳолининг, хусусан ёшларимизнинг турмуш даражасини янада ўстириш, ҳаёт фаровонлигини ошириш сари қаратилган. Бунинг яққол ҳаётий исботи сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда иктисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб боришида муҳим омил ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ёшларимизнинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги, билими ва маҳоратини намоён этиб, ижтимоий фаоллигини ошириш учун асос бўладиган муҳим соҳага айланиб қолди.

Шахсан давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги билан ёшларимиз учун янги иш ўринларининг яратилиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўз бизнесини юритиши учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёшларимизнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш сари амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидир. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликни ҳис этаётган ҳар бир йигит-қиз шубҳасиз, Ватан ва халқ олдидаги бурчи ва масъулиятини чуқурроқ англайди. Руҳланиш туйғулари ғурур ва ифтихор хиссининг ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик ва ижодкорлик билан уйғунлашувига сабаб бўлади.

Ёшларни комиллик сари йўллаш уларда Ватан туйғусини, ватанпарварлик хислатини тарбиялашдан бошланади. Одоб-ахлоқ меъёрлари, илм-фан иштиёқини сингдириш баробарида ёшларда уларни ўраб турган атроф борлиққа, одамларга, табиатга ҳамда Ватан деб аталмиш бекиёс маконга муносабат шакллантирилади. Жамиятда қарор топган маънавий ахлоқий-муҳит соғломлиги эса ўз навбатида ана шу муносабат негизида фидойилик, даҳлдорлик, масъулият ва мажбурият туйғуларини мужассам этган ватанпарварликни қарор топтиради. Бу туйғу ўз вужудида фахр ва ғурурни, ғоявий собитлик ва садоқатни уйғунлаштира олган инсон учун юксак ахлоқий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг ўз туғилган юрти, камол топган масканига бўлган меҳри унинг инсонийлик фазилатлари билан уйғун ҳолда шаклланиб боради. Бу жараён авваламбор уни қуршаб турган ижтимоий муҳитга, ўз қардошларига, бутун инсон зотиغا, шунингдек, табиат деб аталмиш бу беадад, бекиёс гўзалликка бўлган оқилона муносабати, меҳри муҳаббати, интилишлари, эзгу-ниятлари ва ҳиссиётлари жамулжам бўлган инсоний вужуднинг бунёд бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу вужуд мавжудлиги ва бутлигининг қат-қатида эса Ватан деган муқаддас бир туйғу яшайди. Шу туйғуни жунбушга келтириш, амалий фаолият мазмунига айлантириш ва шу орқали маънавий кониқиш ҳамда ғурур ва ифтихорга эришиш ватанпарварликни тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 592 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар - эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. - “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 1 июль.

ТУРКМЕНИ-ОЛАМЫ САМАРКАНДА НА ФОНЕ ИСТОРИИ СВОИХ ПРЯМЫХ ПРЕДКОВ – ДРЕВНИХ АЛАНОВИ СОВРЕМЕННЫЕ РЕАЛИИ

Мурадгелди Соегов, доктор филологических наук, профессор, действительный член (академик) Академии наук Туркменистана, внештатный научный консультант Национальный институт языка, литературы и национальных рукописей имени Махтумкули Академии Туркменистана

Аннотация. Автор статьи на основе описания своих личных приключений и анализа имеющихся письменных источников рассматривает вопросы, связанные с новейшей и древней историей туркмен-оламов, часть представителей которых компактно проживает в Самарканде и придерживает близкие отношения со своими родичами в

Ходжамбазскомэтрапе (районе) Туркменистана.

Опорные слова: родственные связи, близкие отношения, традиции.

Впервые о своих родственниках туркменах-оламах, которые проживали в Самарканде, я узнал еще в 1960 году 10-летним мальчиком, когда обучался в 3-м классе местной средней школы, ибо в том году всю зиму гостила у нас дома Тязегуль-енге (т.е. ‘невеста – жена мужчины-родственника’), жена Джора-дайы (т.е. ‘дядя – брат матери’)³, который в своей лавке на центральном районном базаре торговал сухофруктами и разливном вином, привезенным им в больших деревянных бочках в Ходжамбаз (районный центр в современном Лебапском вилайете Туркменистана) из своей родины – Самарканда. Мои родня и я называли его “дайы”, ибо он приходил близким родственником (двоюродным братом) моей бабушке по материнской линии. Обычно они то уехали в Самарканд за новыми товарами, то приехали в наш райцентр Ходжамбаз (по старой орфографии – Ходжамбас), что находится на левобережье средней Амударьи, и занимались торговлей. Джора-дайы свой товар привозил в больших грузовых автомобилях. Зима 1960 года стояла очень суровой, и они долго не уехали в Самарканд. Торговал сам Джора-дайы, а его жена просто гостила у нас. Помню, у них была дочь по имени Гёвхер.

Ходовым товаром у него было вино. Рассказывали, что административная элита района, а именно завы и замы отделов и управлений районного масштаба после работы по дороге домой каждый день навестили Джора-дайы и в его лавке попробовали его ароматное вино. Говорят, что были и те, кто навестил винную лавку еще и во время перерыва на обед.

В те шестидесятые годы побывали у нас и другие гости из Самарканда – сначала Эрке-хала (т.е. ‘сестра матери’), которая была старшей сестрой Джора-дайы, со своим мужем Тогтамыш-дайы, затем их сыновья Ыкрам-дайы и Керим-дайы. Жили в Ходжамбазе и те, которые когда-то уехали в Самарканд и определенное время проживали там, затем вернулись обратно назад, на свое постоянное место жительства. Из них я помню одну семью: Хусейин-экизек (т.е. ‘один из близнецов’) и его женатых сыновей – старший Хемра-аякялангач (т.е. ‘ходящий босиком’) и младший Джора. Из моих родственников Пенджи жил некоторое время в Самарканде в семье Торе-дайы, а до него наш сосед Ходжа-уста (т.е. ‘плотник’) тоже недолго проживал в этом городе у своих родственников.

Я сам впервые побывал в Самарканде учеником девятого класса вместе со старшей сестрой своего отца – Менглинияз-эмме (т.е. ‘сестра отца’), решившая навещать своего единственного сына-солдата, который обучался в начале своей военной службы в сержантских курсах в этом городе. Но приехав в Самарканд на поезде, мы не смогли достать и встретиться с сержантом Юнус-еген (т.е. ‘сын сестры’). Оказывается после окончания курсов его сразу же направили в Чарджоу (нынешний Туркменабат), а затем в Керки (нынешний Атамурат) для продолжения несения военной службы. Зато мы несколько дней гостили в Самарканде у своих родственников. Второй раз я побывал в Самарканде, будучи десятиклассником, во время мартовских каникул, со всем классом в экскурсии, организованной тогда администрацией нашей школы. Ознакомившись в течение трех дней с великолепными архитектурными памятниками города, я успел вместе со своими одноклассниками кратковременно побывать и у своих родственников. Тогда у Тогтамыш-дайы узнал, что туркмены-оламы живут в Самарканде уже давно, он сам и его родители тоже родились в этом городе. Тогда впервые туркмены-оламы переселились в Самарканд из Ходжамбаза, им выделили для жительства пустые неровные и холмистые места, со временем они освоили эти места, построили дома для своих семей. Освоенные им холмистые места начали называть Туркменабатом, а улицу, по краю которой расположены их дома, называют теперь Булгунгурской. В ходе этих двух поездок я убедился, что почти все туркмены Самарканда, заняты индивидуальной деятельностью, основной их работой являются печка и продажа чурека на базаре (‘нанбай’), который находится вблизи

³Здесь и далее за личными именами следуют в основном термины родства, которые используются в оламском диалекте туркменского языка, а в скобках даны им толкование. Диалект туркмен-оламов стал объектом кандидатской диссертации Х.Багыева, защищенной им в Ашхабаде в 1965 году.

Булгунгурской улицы, Из занятых на государственной службе я мог увидеть только одного туркмена, который работал ночным охранником какого-то предприятия города.

Став в Ашхабаде студентом, затем аспирантом и докторантом-соискателем, я начал параллельно с основными темами своих разработок накопить материалы, относящихся к истории аланов, прямых предков современных туркмен-аланов, Этому в значительной степени способствовало мое ознакомление со статьей «Осколки “исчезнувших” аланов» этнограф Г.И. Карпова(1890–1947), опубликованной в 1930 году в журнале «Туркменоведение» (№ 8–9.Стр. 39–40) под псевдонимом А. Бахтиаров. Ниже приводим весь текст этой небольшой статьи, ставшей почти библиографической редкостью: «Под названием аланов до III века существовало крупное племя кочевников-наездников, принадлежавшее к сарматам. Аланы, или ассы, занимали в то время равнины Северного Кавказа, вплоть до Дона, и в 375 году были покорены гуннами.

Аланы в 410 году проникли вместе со свевами и вандалами в Испанию, затем осели в Португалии, но под напором вестготов, принуждены были вместе с вандалами перебраться в Африку. Такова краткая историческая справка об аланах, исчезнувших в далеком прошлом. При изучении племенного состава туркмен, удалось выяснить, что незначительная часть аланов (их потомков) проживает в ТССР и сопредельных с нею странах. В частности, в Туркмении аланы встречаются под названием олам в Серахском районе, в составе племени Салыр (ветвь “караман”) и улам, в Ходжамбасском районе, где они живут обособленно от туркмен-арсаринцев, сохраняя чистоту крови, не смешиваясь с другими, в том числе и турецкими племенами.

В отличие от туркмен, в быту аланов существуют женские танцы, так называемые “депт”. Обычай кайтарма (возвращение жены в дом отца до выплаты калыма), широко распространенный у всех туркменских племен, у аланов не распространен. Своих дочерей аланы не выдают в другие туркменские племена; больше того, внутри своего племени, из одного рода в другой выдают в исключительных случаях и при условии повышенной платы (калыма) за невесту.

Заслуживает также внимания следующая бытовая особенность аланов, которая не встречается у туркмен: при рождении в семье дочери, сосед, имеющий сына, в день рождения приходит во двор новорожденной и своей папашой «подметает» двор, что обозначает желание взять новорожденную своему сыну. После этого, вплоть до совершеннолетия, отец или мать жениха ежегодно в дни праздников Курбана и Ураза-Байрама приносят будущей снохе пищу (плов или козленка), а иногда вместо съестного дарят платок, кушак и т.д.

По заявлению стариков, в далеком прошлом папаша аланов формой напоминали шапки русских казаков, – высокие, с верхом из цветной материи, причем преобладал цвет синий и красный. Во времена эмира бухарского, особенно до прихода русских в Бухару, аланы не подчинялись казийскому суду, а разрешали все возникавшие у себя споры и тяжбы на основе своего обычного права (адата).

Мужчины у аланов предпочитали белый цвет платья. При женитьбе у них обязательно строилась новая кибитка (для обрученных), которая покрывалась белой кошмой. За отсутствием белой, цветная кошма обшивалась белой матой. Среди туркмен, проживающих в Керкинском округе, “яшмак” носят только женщины племени алан.

Язык у аланов туркменский, схожий с диалектом сарыков и иомудов(!). По сообщению Халык-Хасанова, из аула Улам, Ходжамбасского района, всего аланов, известных ему как в Туркмении, так и за ее пределами, – насчитывается до 1500 хозяйств. Размещены они в следующих областях: По Туркмении:

- в Ходжамбасском районе – до 400 хозяйств
- в Халачском – 300 хозяйств
- в Чаршангинском (в местностях Ак-Кум и Кук-Толлы) – 300 хозяйств –
- в Серахском районе.

По УзССР: в Шир-Абадском вилайете, районе Хошман, кишлаке Уч-Тут (около 200 хозяйств) и в Самаркандском округе, около ж/д станции Хоузэк – свыше 100 хозяйств.

В Таджикской ССР: в Джили-Куле, Кабадиане и Термезе. В Афганистане: в районах Шиверган, Ахча и Хам-Яб. Количество аланов, проживающих в Таджикской ССР и Афганистане – неизвестно. Аланы, проживающие в Ходжамбасском районе, делятся на следующие роды: 1. Алан, который объединяет колена: Мириш-Кар, Датха, Еолук, Аул и Аякчак; 2. Кара-Мугул, который не делится на колена; 3. Хаким – объединяет: Хаким, Витли, Токуз и Эшек; 4. Кызыл – объединяет колена: Кер, Хоррам, Аошик и Вельке.

Большинство названий колен имеет недавнее происхождение. В частности, колено Аяк-Чак раньше, до прихода аланов в Ходжамбасский район, называлось – Эвляд-Нур-Али. Пришли аланы в Ходжамбасский район, как передают старики, с полуострова Мангишлак, где у них имелось большое укрепление под названием Алан. Продолжительное время они жили в местности “Вас”, на юге Хорезмского ханства. В Ходжамбассе впервые аланы появились в числе 72 хозяйств лет 250 тому назад. Постепенно перемещались сюда из Хивы и остальные, на протяжении почти ста лет. Окончательно они переселились в бухарские владения лет 150 тому назад». Исходя из сведений А. Бахтиярова (Г.И. Карпова), содержащихся особенно в начале его статьи, мы начали интересоваться с историей древних аланов и натолкнулись со следующими данными.

Прославленный сын среднеазиатских народов, великий хорезмийец с мировым именем, непревзойденный ученый-энциклопедист Абу Рейхан Бируни (973–1050) оставил следующее ценное сведение по теме данного нашего сообщения, русский перевод которого гласит примерно так: “Это род аланов и асов, и язык их теперь смешанный из хорезмийского и печенежского”. Примечательно то, что, используя в целом контекст соответствующего труда Бируни, современные русскоязычные исследователи интерпретируют указанные слова великого средневекового ученого несколько пространно: “У Бируни имеется сообщение, что асы или аланы ранее жили вместе с печенегами по нижнему течению Аму-Дарьи, а затем после того, как эта река изменила свое русло, переселились на берега Хазарского моря. Далее этот автор замечает, что язык этих асов – алан состоит из печенежских и хорезмийских языков” [4, с. 407]. “Аль-Бируни в одной из своих работ отмечает, что на территории туркмен раньше жили аланы и что в его время язык их стал смешанным из хорезмского и печенежского” (А. Ю. Якубовский) [13, с. 324]. Сюда же следует добавить следующее утверждение М.З. Закиева, согласно которому “хорезмийцам лишь по некоторым словам, сохраненным в арабских источниках, приписан иранский язык подобно тому, как иранисты навязали этот язык и тохарам, и согдийцам, и другим историческим народам. На самом деле хорезмийцы были в основном тюркоязычными и входили в массагетский союз племен, которых древние отождествляли с гуннами. По сообщению Аль-Бируни, хорезмский язык был близок печенежскому, который в свою очередь, по сообщению переводчика Иосифа Флавия, напоминал аланский/ясский язык” [8, с. 38–57].

Выдающийся российский тюрколог XX века В. В. Бартольд (1869–1930), ссылаясь на английского востоковеда Хирта, писал: “Хирт делает вывод, что туркмены – потомки покоренных хуннами алан, и выражает мнение, что установление этого факта будет способствовать выяснению генеалогии туркменского народа... Такое мнение выражал еще в 1896 г. Аристов” [7, с. 551]. Исходя из указанных постулатов, мы ниже попытались еще раз констатировать общие вопросы концептуального характера, а также рассматривать некоторые конкретные вопросы, которые связаны с этнолингвистической историей древних аланов.

Все без исключения древние и средневековые авторы при описании аланов и асов/ясов или не затрагивают их языковую принадлежность, или же перечисляют их среди тюркоязычных народов и племен, не говоря уже о более древних усуней – предполагаемых предков асов и аланов, которые согласно китайским источникам, являясь современниками и соседями азиатских хуннов (хунну/сюнну), бесспорно были тюркоязычными. В этом вопросе прав М.А. Хабичев, когда утверждает, что “аланы возглавляли гуннское (европейские хунны

– М.С.) нашествие на Запад и перешли Гибралтар. Во всех летописях народов Востока и Европы, древнеписьменных памятниках, древних исторических трудах их называют тюркоязычными племенами. Ни в одном древнем источнике аланы и ясы не считаются ираноязычными” [18, с. 179]. Тем не менее, вопреки здравому смыслу в последние столетия, в частности XX веке, в мировой, особенно в русскоязычной исторической и филологической науке господствовало мнение об ираноязычности древних аланов, которое было связано с усилением скрытого европоцентризма, выраженного в отношении тюркских народов в форме иранизации (индоевропеизации) их древней истории в целом, и научным авторитетом отдельных ученых (Миллер, Абаев и др.) – в частности.

Научная несостоятельность существовавшего вопреки здравому смыслу взгляда об ираноязычности древних аланов с течением времени становится все более очевидной, порождая обоснованные сомнения у специалистов. Но это еще не означает окончательное решение всех проблем, связанных с языковой принадлежностью древних аланов, ибо в силу накопленного в науке безрезультатного опыта, а также по инерции многолетней ненаучной “традиции” этой области знаний в не уведомленной аудитории (например, в Интернете) все еще не утекают страсти вокруг вопроса об ираноязычности/тюркоязычности аланов. Поэтому результаты проведенных исследований – последние достижения науки нуждаются в широкой и ежедневной популяризации. Вместе с этим необходимо также продолжить исследования по данному направлению. Это, во-первых. А во-вторых, признание в науке тюркоязычности аланов является само по себе не только итогом предыдущей работы ученых, но и служит для них точкой опорой – прочной позицией и незыблемым аспектом для новых плодотворных исследований по алановедению. По существу перед исследователями открываются новые горизонты для проведения более глубоких и разнообразных разработок по аланской тематике.

Испанский исследователь Агустин Алемань в своей работе “Аланы в древних и средневековых письменных источниках” (русский перевод: М., 2003) приводит около 600 отрывков из трудов приблизительно 200 авторов, писавших об аланах [2]. Первичные сведения о них содержат работы китайских, греческих и римских авторов древности, а в средние века аланами живо интересовались представители арабов, персов, армян, грузин и других народов. Арабоязычный географ и историк Абу-л-Фида (Абульфеда, 1273–1331) сообщает: “...аланы являются тюрками, которые приняли христианство... В соседстве находится народ тюркской расы, называемый асами; этот народ того же происхождения, той же религии, что и аланы” [См.: 3].

Другой арабоязычный автор Ибн Рушта еще в 903 году утверждал, что “народ аланов состоит из четырёх племён, но благородство и царская власть принадлежат племени, называемом D.hsas. Царь аланов называется B.gau.r, имя, которое носят все их цари” [См.: 5]. Спустя более тысячи лет, историк-этнограф А. Бахтиаров (А.Г. Карпов), как видели из его статьи, опубликованной в 1930 году, также указал на деление ходжамбазских туркмен-оламов (бывших аланов) ровно на четыре рода (племени). Из них, как показывают наши полевые записи, представители рода хеким (т.е. hākīm ‘правитель’) считаются беками, и их предки в далеком прошлом правили народом оламов (аланов). Можно предположить, что аланское племя начала X века D.hsas соответствует позднему роду хеким туркмен-оламов.

Четырехкрылое деление аланов (оламов) было связано, скорее всего, с объединением в единый народ под общим названием “алан” асов (усуней) и самих аланов, каждый из которых имел двухкрылое деление. Как известно, их сородичи – древние огузы-туркмены (хунны) также имели двухкрылое внутреннее деление.

Из хорезмийских авторов, спустя 600 лет после Абу Рейхан Бируни, хивинский хан и историк Абу-л-Гази Бахадур-хан (1603–1663) в своем историческом трактате “Родословное древо туркмен” сообщает о туркменском племени “олам-ургенчли” (т.е. ‘оламах из Ургенча’) [10, с. 74]. Можно с уверенностью предположить, что эти двое ученых писали об одном и том же этносе. В силу разных обстоятельств в данном историческом этнокультурном

регионе и в данном историческом периоде прежний народ “аланы” трансформировался в последующее племя “оламы”, которое вошло самостоятельным компонентом в состав современного туркменского народа [См.: 15, с. 133–142]. А.А. Росляков в своей работе “Происхождение туркменского народа” считает, что аланы появились в современной территории Туркменистана еще две тысячи лет тому назад, и долихоцефалия (длинноголовость), красный наряд, а также некоторые виды конских украшений перешли ко всем другим туркменским племенам непосредственно от аланов [12, с. 12].

Аланы были большой группой кочевых племен (отдельным народом), которая впервые упоминается во II веке до н. э. в китайских анналах династии Хань далеко на востоке [2], в то время, когда хунну (азиатские гунны) были северными соседями Китая [6, с. 39; 19]. Гунны как единый народ заново сложились в Европе на основе тюркоязычных азиатских хуннов (хунну) между II и IV веками в Приуралье с участием отдельных племен угров и сарматов (аланов). Тем не менее, хунну и гунны являются одним и тем же народом, хотя в некоторых работах их рассматривают как два самостоятельных народа.

Самой древней и первоначальной исторической прародиной аланов (массагетов) следует признать Среднюю Азию (в основном территорию современного Туркменистана). О не ираноязычности массагетов (аланов) свидетельствует тот исторический факт, что в 530 г. до н.э. состоялось решительное сражение между персами и массагетами. Сам “отец истории”, древнегреческий ученый Геродот (между 490 и 480 гг. – около 425 г. до н. э.), дал ему такую оценку: “Эта битва, как я считаю, была самой жестокой из всех битв между варварами”. Массагеты победили, почти все персидское войско пало, погиб и царь Кир II Великий, правивший Персией 29 лет (с 558 до н. э.), завоевавший Мидию, Лидию, греческие города в Малой Азии, значительную часть Средней Азии и покоривший в 539 г. до н.э. Вавилон и Месопотамию. Средневековый историк Павел Оросий указывает даже количество убитых персов в этом сражении, может быть, несколько преувеличенное – 200 тысяч, причем “в живых не остался ни один, кто мог бы быть вестником столь великого поражения” (цитируется по книге В.А. Кузнецова «Очерки истории алан». Владикавказ, 1992) [См.: 11]. Такая страшная битва никак не может разыгаться между родственными, ираноязычными народами, и противники, воевавшие в этом сражении, несомненно, были неродственными, разноязычными народами. В последующем на основе исторических преданий иранцев это и некоторые другие сражения, состоявшие между древним Ираном и древним Тураном, вошли в знаменитую поэму “Шахнаме” Абулькаси́ма Фирдоуси (около 940 г. – 1020 г. или 1030 г.).

Соседние туркменские племена (в частности, эрсары, сурхы и др.) до недавнего времени оламов именовали хыйраолам [ху́йраолам], которое по-русски будет звучать примерно как ‘строптивные, своевольные, непокорные оламы’. Этим эпитетом пользовались иногда сами оламы-туркмены для характеристики друг друга. Являясь крупным тюркоязычным этническим образованием Евразии, аланы (предки оламов), никогда не покорились полностью гуннам (хунну), хотя составляли с ним единую военную силу, и находились с гуннами в компромиссных отношениях. Об этом свидетельствует тот современный факт, что представители колена гунеш [güneş] (прямые потомки гуннов) туркмен-эрсарынцев, к оламам относились всегда очень уважительно и обращались к ним со словами Олам ага! [Olamaga!] ‘О, мой старший брат Олам!’ [16 с. 329–330]. У карачаевцев-балкарцев – прямых потомков древних аланов, этноним “алан” сохранился также как обращение друг к другу. Знающие люди отмечают одну важную деталь: слово “алан” используется в значении ‘сородич’, ‘соплеменник’ и исключительно при обращении к людям, понимающим язык балкарцев и карачаевцев, т. е. практически только к соплеменникам.

Одним из свидетельств о не ираноязычности, а именно тюркоязычности древних аланов является то, что в составе современных оламов наряду с “исконно” туркменскими (т.е. аланскими) племенами (их всего четыре) присутствуют также как самостоятельное подразделение гуллар [gullar] ‘рабы’, которые отличаются от остальных оламов своеобразным строением лица и носа, а также густым покровом тела темно-черными

волосами. Для обозначения их женской половины используется термин чоры [çoru] ‘рабыня’. Их дальних предков еще в детстве привезли в качестве трофея в результате набегов (аламан) на Иран, или как будущую рабочую силу купили у работорговцев. В недалеком прошлом туркмены-оламы, называя их торбадагелен [torbadagelen], ‘привезенными в мешках’, не женили своих сыновей на их дочерей и не выдавали своих дочерей в жены за их сыновьями. Если бы когда-либо оламы (аланы) были бы ираноязычными, никогда не стали бы поступать подобным образом со своими историческими сородичами. Небезынтересно будет отметить, что соседние эрсарынцы (потомки гуннов), являясь более многочисленными, чем оламы (аланы), не имеют в своем составе подразделение гуллар [gullar] ‘рабы’ (из полевых материалов автора статьи) Еще в IV веке Аммиан Марцеллин (330–395) описывал аланов в сопоставлении с гуннами и писал, что по образу жизни аланы напоминают гуннов, однако они более цивилизованные в сравнении с гуннами [См.: 1]. Как известно, тюркоязычность гуннов (хуннов, хунну) в настоящее время ни у кого не вызывает сомнения, и неслучайно аланских царских имён собственных Аддак, Респендиал, Гунерих и Сарозий можно сравнивать с оламо-туркменскими словами соответственно Atak, atda, ata (Аддак) ‘отец’, Ruslan, arslan (Респендиал) ‘лев’, Gün (Гунерих) ‘Солнце’ и Saryözi (Сарозий) ‘рыжий’, ‘белокурый’ [Еще см.: 17, с. 258–259].

Как явствует из статьи А. Бахтиярова, пришли оламы (аланы) в Ходжамбазский этрап с полуострова Мангышлак, где у них имелось большое укрепление под названием Алан-кала. Данный топоним напоминает Алхан-калу, раннюю столицу алан в Северном Кавказе. Район Мангышлака и прилегающие местности во II–III вв. служили областью кочевания аланских племен. В юго-восточной части Хорезмского оазиса по старым картам обнаружены топонимы: урочище Кырк-алан (сорок алан) на правом берегу Амударьи и канал Алан-яп – на левом [См.: 14, с. 184–185].

В работах, посвященных терминам родства в карачаево-балкарском языке, отмечается, что значение ‘бабушка’ передается лексемами ынна, гелля и амма. Последнее из этих слов в оламском диалекте туркменского языка имеет несколько иную семантику и форму: эмме ‘сестра отца’, которое этимологически связано с глаголом эм- ‘сосать (молоко)’. Для сравнения: эмжек ‘грудь (женская)’, эмзик ‘соска’ и т.п.

Можно предположить, что древние аланы, как и некоторые другие древние народы (арабы и др.), не позволяли новорожденным детям питаться молоком своих матерей, а передали их специальным женщинам-кормилицам, которые своей грудью кормили этих младенцев. У аланов по канонам эпохи раннего патриархата женщиной-кормилицей выступала замужняя сестра отца грудного ребенка. Именно с этой аланской традицией связана этимология термина родства эмме ‘старшая сестра отца’. Об этом свидетельствует и происхождение термина эмеки [<эмме+ики ‘два’ (?)] ‘двоюродный брат по линии отца’, который первоначально означал ‘два младенца, сосавшие грудь одной женщины – сестры своих отцов’. Неслучайно современные туркмены обращаются к старшей сестре своего отца со словом эдже ‘мама’ (у оламов – идже): Айна-эдже, Дуния-эдже и т.п. При обращении к жене старшего брата также используют данный термин в виде: гелнедже (гелин+эдже, т.е. ‘невестка-мать’).

В последующем эти и другие аланские термины родства вошли в лексический состав языков не только родственных, но и многих неродственных народов, в этногенезе которых участвовали древние аланы. Еще А. Бахтияров заметил, что мужчины-оламы предпочитают отдавать белому цветув одежде. Моя бабушка по матери Хурмет-идже свой головной убор ‘Хасава’ также украшала белыми платками и марлей. У осетин (современные потомки северокавказских аланов) белой была одежда невесты во время свадьбы, жених также старался быть в белой черкеске. Много общего можно найти в традиционных женских танцах осетин и оламов, которые не присущи другим этническим группам туркмен. Идентичные названия предметов материальной культуры содержат диалект оламов-туркмен и язык карачаевцев и балкарцев – прямых потомков древних аланов.

Специалисты обратили внимание на тот факт, что между коврами полукочевников

Кавказа и коврами туркменнет существенной разницы. Ибо полукочевая культура ковроделов проникла на Кавказ и Турцию через туркмен, в том числе – салыров и оламов. Последние относятся к потомкам аланов, ушедших на Кавказ из Туркменистана. Беширские ковры искусственно относят к эрсаринскими. При этом, само название “беширский орнамент” не было этническим. В ауле БеширХоджамбазскогоэтрапа живут потомки древних салыров и оламов. Первенство внутри этих двух групп по ковроткачеству держали оламы (в древности – аланы), искусству которых и принадлежит красота беширских-эрсаринских ковров [См.: 9]. Если говорить о новейшей истории туркмен-оламовХоджамбаза, то прошлом XX веке они были представлены, прежде всего, такими знаменитостями, какими являются: командир большого отряда басмачи,токсаба (подполковник) МоллаАлтыкул, действовавший в начале 20-х годов против большевиков совместно с войсками турецкого генерала Энвер-Паши; ТурапДжыгаев, борец-чемпион, завоевавший и затем отстававший свой спортивный титул в крупный соревнованиях, проводимых в 30-е годы; Соег Сейиткулиев, партийный руководитель районного масштаба (70-е–80-е гг.); более поздний период: крупный экономист-финансист Ниязмурат Халов, доктор экономических наук, профессор; талантливый писатель Акмурат Широ, вступивший в свое время в Союз писателей через его Ленинградское отделение; местный любитель-этнолог Гандым Худдыев. Руководители и учителя местных школ хотя и просят включить в приведенный выше список и автора этих строк, уроженца Ходжамбаза, – академика Академии наук Туркменистана, профессора, доктора филологических наук, члена Союза писателей. Я, шутя, отвечаю на их предложение: “Не хочу войти пока в этот ваш список, ибо он состоит в основном из покойников”.

В условиях рыночной экономики из туркмен-оламов Ходжамбаза вырастает новое местное сословие предпринимателей и коммерсантов, среди которых наиболее успешными называют братьев Нурлыевых, известных у простого народа как “Гёдеклер” (“Молодцы”) (гёдек – в оламском диалекте имеет значение “молодой парень”, не так, как в литературном туркменском – “грубый”).

В конце статьи хотим вернуться к ее началу и вспомнить, как наш школьный учитель математики Осман-мугаллым (т.е. ‘наставник’) уехал в Самарканд, остался там и занимался преподаванием той же дисциплины в одной из городских школ. В Самарканде он знакомился со своей будущей женой туркменкой-оламкойМархаба-гыз (т.е. ‘девушка’), врачом по специальности, женился на него, и потом все вместе, с отцом и матерей жены, переселились в Ходжамбаз. Рассмотрим другой случай с обратными действиями. Младшая сестра моего дальнего родственника Чарыяр-егена (т.е. ‘племянник’) – Миесер-гыз влюбилась в парня из Самарканда, уехала туда и вышла за него замуж. Но до этого прибыла из Самарканда в Ходжамбаз целая группа сватов во главе с матерью парня. Долго сватались и в результате получили добро на свадьбу. Все это происходило около 35-и лет тому назад. С тех пор продолжается тесная связь между сторонами. Как сообщается в статье А. Бахтиарова, туркмены-оламы компактно проживают не только в Ходжамбазе и Самарканде, во многих других местах. Несмотря на это, семейные связи установились и существуют только между этими этнически близкими группами.

Использованная литература

1. Аланы. Борьба аланов с гуннами. URL: <http://historic.ru/books/item/f00/s00/z0000017/st134.shtml> (дата обращения: 20.04.2020).
2. Алемань А. Аланы в древних и средневековых письменных источниках. М., 2003. URL: <http://www.iriston.com/nogbon/news.php?newsid=394> дата обращения: (05.07.2020).
3. Алиев К. Асы (ясы) и вопрос о их происхождения в свете письменных источников периода Золотой Орды (XIII–XVI вв.). URL: <http://kumukia.ru/modules.php?name=Pages&pa=showpage&pid=9550> (дата обращения: 24.04.2020).
4. Артамонов М.И. История хазар. Л., 1962.

5. Асы–аланы. URL: http://mirslovarei.com/content_his/asy-alany-33804.html (дата обращения: 15.06.2020)..
6. Бичурин (Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. I. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950.
7. Бартольд В.В. Сочинения, том II, часть I.
8. Закиев М. Аланы: Кто они? // Татары: Проблемы истории и языка (Сборник статей по проблемам лингвистики, возрождения и развития татарской нации). Казань, 1995. С. 38–57. URL: <http://kavkaznasledie.ru/archives/1133/3> (дата обращения: 31.01.2020).
9. Кадыров Ш. К проблеме системного изучения истории туркменского ковро ткачества. URL: <http://www.central-eurasia.com/index/articles/?uid=304> (дата обращения: 10.04.2020).
10. Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана Хивинского. М. – Л., 1958.
11. Массагеты и асии. URL: <http://fandag.ru/load/3-1-0-31> (дата обращения: 20.08.2010).
12. Росляков А.А. Туркмен халкынынгелипчыкышы. Ашгабат, 1962.
13. Советская этнография, VI–VII. V. М.-Л., 1947.
14. Соегов М. Древние аланы и современные туркмены // Древняя материальная культура Туркменистана и ее место в развитии мировой цивилизации. Материалы международной научной конференции. Ашхабад, 2011.
15. Соегов М. Из опыта реконструкции некоторых пластов лексики языка древних аланов // Актуальные вопросы карачаево-балкарской филологии. Нальчик, 2010.
16. Соегов М. Как можно восстановить язык древних аланов? // MahmytKashgarly – theFounderofScientificTurkology. AbstractsofReportsoftheInternationalScientificConference. Ashgabat, 2008.
17. Соегов М. К этимологии некоторых личных имен древних аланских правителей // Бронзово-железный век и материально-духовное наследие туркмен. Материалы Международной научной конференции. Ашхабад, 2011.
18. Хабишев М. А. Аланские фразы приветствия из «Теогонии» Иоанна Цеца (XII в.) // Язык, духовная культура и история тюрков: традиции и современность. Труды международной конференции в 3-х томах. Т. 1. – Казань, 1992.
19. Eberhard W.Çin'inŞimalKomşuları. BirKaynakKitabı. 2. baskı. TürkçeyeÇevirenNimetUluğtağ. Ankara, 1996.

ХУҚУҚ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

*Сувонқулов Жамшид Абдулаҳадович, Жиззах давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси, 3-даражали юрист*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳуқуқ фанларини ўқитишни ислоҳ қилиш мақсадида ноюрдик йўналишдаги талабаларни ҳуқуқ фанларини ўрганишни йўлга қўйиш орқали уларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш масалалари ўз ифодасини топган.

Аннотация. В целях реформирования преподавания права в данной статье рассматриваются вопросы повышения юридической грамотности студентов-юристов посредством изучения права.

Abstract. In order to reform the teaching of law, this article addresses the issues of increasing the legal literacy of non-law students through the study of law.

Таянч сўз ва иборалар : ҳуқуқни ўқитиш, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий таълим соҳасидаги ислоҳот, кадрлар тайёрлаш.

Опорные слова и выражения: юридическое образование, верховенство права, правовая культура, реформа правового образования, обучение.

Key words : law education, rule of law, legal culture, legal education reform, training.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деган эди: “Бугунги кунда ислохотларимиз самараси

кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ” [1].

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлида педагогика олийгоҳларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш бўйича бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Асосан, давлатимизнинг педагогика олийгоҳларида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўлиб, бу таълим соҳасида талабалар ҳуқуқ фанларини умумий асосларда ўрганиб боришмоқда.

Кейинги йилларда мазкур йўналишни битирган талабалар аниқ бир мутахассисликка эга бўлишмасдан, ҳар соҳадан, жумладан, маънавият, ҳуқуқ ва миллий ғоя фанлари бўйича аралаш таълим олмақдалар.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабаларига кейинги йиллар давомида кўпроқ фалсафий фанлардан дарс соатлари ажратилиб, ҳуқуқ фанлари дарслари қисқариб бормоқда.

Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” ги фармойиши билан белгиланган “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” фани барча йўналиш талабаларига фан сифатида ўқитилар эди. Кейинги уч йил мобайнида, ушбу фармойиш бекор қилинмаса-да, ушбу фанлар ўқув режадан тушиб қолмоқда. Бу эса ҳуқуқ фанларини янада қисқариб кетишига, талабаларнинг ҳуқуқий билимлар олишига тўсқинликларни юзага келтирмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади [2]

Ўрганиш жараёнлари шуни кўрсатадики, республикамиз умумтаълим мактабларидаги ҳуқуқ фанларидан дарс берадиган аксарият ўқитувчилар тарих ёки бошқа фан мутахассислари бўлиб, улар томонидан мазкур фан ўқитилмоқда. Бу ҳолат ҳуқуқ фанларини сифатсиз ўқитишга туртки бўлмоқда.

Олий таълим муассасаларида талабаларга ҳуқуқ фанларидан ўқитиладиган дарс соатлари қисқариб кетганлиги учун улар ҳуқуқ фанларини етарлича ўзлаштира олмаётганлиги ва бу аксарият ёшларда ҳуқуқий саводсизликни келтириб чиқармоқда.

Шуни яхши англаш керакки, ҳуқуқ фанлари орқали ҳуқуқий тарғибот яхшигина амалга оширилади, ҳуқуқбузарлик кескин камаяди, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошади. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалишига олиб келади. Дарҳақиқат, ўз вақтида мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев жамиятимиздаги ҳуқуқий маданиятни юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб ўтган эдилар [3].

Ўзбекистон Республикасида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш ҳамда аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдир.

Масалан, бу борада “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабалари учун бир ўқув режага киритилиб, бир олиб ташланадиган “Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси” фанидан ёки бошқа ҳуқуқий фанлардан янги ўқув қўлланма яратилмаган.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабалари учун “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи”, “Фуқаролик ҳуқуқи” каби санокли фанлар қолган, холос.

Бизнингча, юксак ҳуқуқий онгни ва маданиятни таъминлашимиз учун олий таълим муассасаларидаги ҳуқуқий фанларнинг соатлар миқдорини кенгайтириш орқали талабларга ҳуқуқий таълим олишга кенг шароит яратиш, “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фанини янада такомиллаштирган ҳолда, уни барча олий таълим муассасалари барча йўналишлари учун биринчи семестрда ўтилишини йўлга қўйиш ва олий таълим муассасаларида ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Бу эса, ноюрidik таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларининг ўқитилиш қамровини кенгайтириш орқали ҳуқуқ нормаларини етарлича тарғибот қилишдаги самарали чора-тадбирлардан бири бўлиши мумкин.

“Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади” [4].

Шундай экан, олийгоҳлардаги “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишини янада ислоҳ қилиш мақсадида ундан ажратган ҳолда “Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси” йўналишини ташкил қилиш ва уни янада ривожлантириб, давлат сиёсати даражасига кўтариш лозим, бўлади.

Зеро, “ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур” [5].

Янгидан ташкил қилинадиган бу йўналишда ҳуқуқий фанларга чуқурроқ эътибор қаратилиб, ҳуқуқ-педагог кадрларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ, бўларди. Чунки, мамлакатимизда ҳуқуқ-педагог кадрларни тайёрлайдиган аниқ бир мутахассислик йўқ ва бу умумтаълим мактабларини ва таълимнинг бошқа турларида малакали мутахассислар билан тўлдиришда қўл келади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 й. www.president.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-5618-сонли Фармони. www.Lex.uz

3. Қаранг: Президент Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузаси // www.press-service.uz

4. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.322.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 й. www.president.uz

6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

*Тошбоев Бобомурот Эшбоевич, фалс.ф.б.ф.д. (PhD), катта ўқитувчи,
Жиззах ДПИ*

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув шароитида ижтимоий-гуманитар фанларнинг жамият маънавий ҳаётини соғлаштиришидаги ўрни ва унда бажарадиган функциялари хусусида фикр юритилган. Шу билан бирга ижтимоий-гуманитар фанларга “иккинчи даражали” фан сифатида қарашнинг аянчли оқибатлари дунё тажрибаси мисолида асосланган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, интеграция, миллат, маданият, умумпланетар тафаккур, “оммавий маданият”, “маданий инқилоб”, атрибут.

Annotation: This article discusses the role of the social sciences and humanities in the spiritual life of society in the context of globalization and the functions it performs in it. At the same time, the tragic consequences of treating the social sciences and humanities as a "secondary" science are based on world experience.

Keywords: globalization, integration, nation, culture, global thinking, “mass culture”, “cultural revolution”, attribute.

Аннотация: В статье обсуждается роль социальных и гуманитарных наук в духовной жизни общества в условиях глобализации и функции, которые они в ней выполняют. В то же время трагические последствия рассмотрения социальных и гуманитарных наук как «второстепенных» наук основываются на мировом опыте.

Ключевые слова: глобализация, интеграция, нация, культура, глобальное мышление, «массовая культура», «культурная революция», атрибут.

Глобаллашув халқаро миқёсда интеграциялашув жараёнида юзага келган ижтимоий жараён бўлиб, этнослар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишидир. Шу боис бу босқич мантиғини одамларга тўғри ва ҳаққоний тушунтириб беришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни катта. Ижтимоий-гуманитар фанлар кишиларда локал фикрлаш ва мулоҳаза юритишдан глобал даражада ўйлаш ва мулоҳаза юритишга хизмат қилувчи билим ва тасаввурлар ҳосил бўлишига хизмат қилади. Глобал фикрлаш орқали миллат маданиятини сақлаб қолиши ва дунёда содир бўлаётган жараёнлардан хабардор бўлиб, унга ҳаёт фаолиятини мослаштириб ёки ундан ҳимояланиб бориши мумкин.

И.А.Каримов глобаллашув жараёни ҳаётимизга тез кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида тўхталиб шундай деган эди, “шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва ривожиди нафақат яқин ва узоқ кўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас” [1, 111-б.]. Муаллиф таъкидлаганидек, ҳудудий ва пленетар миқёсда давлатлар бир-бири билан алоқага киришмасдан тараққиётдан ортда қолиши ёки бутунлай цивилизациядан узилиб қолиши мумкин. Бу ҳолатдан ташвишга тушаётган давлатлар биринчидан, дунё ҳамжамиятига кўшилиб, улар билан ҳамқадам боришга ҳаракат қилмоқда. Иккинчидан, дунёда юз бераётган фан техника инқилобларидан ер шарида яшаётган барча халқлар бирдай хабардор бўлиб, керак бўлса ундан фойдаланмоқда. Учинчидан, дунё ҳақида яхлит билимлар шаклланиши жараёнида умумпланетар тафаккур тарзи шаклланимоқда. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда умумпланетар тафаккур тарзини шакллантириш борасида маълум мувафакқиятларга эришилди. Бу ижобий ҳодиса, иккинчи томондан эса, умумпланетар тафаккурни шакллантириш асносида у қандай бўлиши кераклиги масаласи ҳам кун тартибига кўйилмоқда. Жаҳонда умумпланетар тафаккур шаклланиши экан унда сайёра софлигини сақлаш муаммоси муҳим ўрин тутиши билан биргаликда глобал маданият шаклланиши жараёни ҳам кетмоқда. Бунинг натижасида унинг мезонлари ва меъёрини ишлаб чиқиш ижтимоий-гуманитар фанлар олдида муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Кўпчилик Ғарб давлатлари бу жараёнда олдинги сафларда ҳаракатланаётганлиги ва глобаллашувнинг ёйилишига туртки бераётганлиги боис ўзларининг маданиятларини ер шаридаги барча халқлар ва миллатларга андаза сифатида ёйишга уринмоқда. Бу жараёнда

икки кутбли дунё барҳам топгандан кейин АҚШнинг ўрни ёрқин намоён бўла бошлади.

Глобаллашув жараёнида умумпланетар маданиятни қарор топтириш байроғи остида ғарб жамиятида ижтимоий-гуманитар фанларнинг айниқса, этика фанининг ўрнини менсимаслик оқибатида, ҳар бир даврнинг ўз ахлоқи мавжуд бўлади деган “ғоя” остида “оммавий маданият”ни ёйишга бўлган уриниш бу жараёнинг энг ачинарли томонини ташкил қилади. С.Отамуратов ёзганидек, “оммавий маънавият” умуминсоний маънавиятдан тубдан фарқ қилиб, унинг замирида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишга қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки аниқ мақсад ва манфаатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади [2, 6-б.]. У катта имконият ва қудратга эга бўлган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг ҳам ўз имкониятини тўла юзага чиқаришга улгурмаган ёки унда тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва халқларга нисбатан ўтказадиган таъсири, таъзиқи, керак бўлса маънавий зўровонлигининг натижасида юзага келади. Муаллиф бу ерда жараённи тўғри таърифлаб берган. Лекин, шу ўринда “маънавият” тушунчаси эмас балки “маданият” тушунчаси ишлатилганда бизнингча, масала моҳияти тўлақонли очилган бўларди.

Маданиятларни умумлаштиришга бўлган уриниш натижасида “оммавий маданият” номи билан “маданий инқилоб” содир бўлди. Бу ғоявий таъсир этишнинг энг кучли қуролларидан бирига айланиб бормоқда, ғоявий таъсирнинг бу тарздаги кўринишини тўғри ва ҳаққоний тушунтириб бериш ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган муҳим масалалардан бири саналади. Буни В.Гюгонинг “қўшнилар ҳамласига қаршилик кўрсатиш мумкин, лекин ғоялар ҳамласига қаршилик қилиш мушкул” деган фикрининг реаллашуви деб қараш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин [1, 115 б.] ёки бошқача айтганда, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полегонларидан ҳам кўпроқ кучга эга [1, 113-б.].

Мафкуравий полигондаги ғоявий курашни қўллаб қувватловчи ёки унинг локомативлари ўз мафкураларини, “оммавий маданият” кўринишидаги ғоялар асосида тарғиб қилаётганлиги минтақаларда мавжуд бўлган миллий давлатлар ва миллий маданиятлар учун ташвиш туғдирмоқда.

Маданиятлар глобаллашуви “оммавий маданият” кўринишида тарғиб қилинмоқда. “Оммавий маданият” Европа ахлоқшунослигига таянади. А. Швейцер ёзганидек, “У фақат бир одамнинг бошқа одамлар ва жамият билан муносабатларини талқин этиш билан чекланади” [3, Стр-216.]. Ушбу ахлоқий тамойил асосида шаклланган Ғарб жамиятидаги ахлоқий “қадрият” енгил-елпи ҳаёт, ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари ғарб кишиси ҳаёт тарзининг асосларига айланиб улгурди. Шу асосда ахлоқсизликни маданият деб билувчи ва асл маданий қадриятларни эскилик сарқити деб баҳоловчи кишилар шаклланди. Е.Г.Смоленская ёзганидек, “Ғарб “оммавий маданият”ида халқ маданиятига хос анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик эмас, балки тезроқ ва кўпроқ сотиш, бойиш, енгил, сийқа қарашларга қурилган, ҳеч қандай интеллектуал изланишсиз осонгина қабул қилинадиган “асарлар” тарғиб қилинади. Бу ёшларга кўпроқ ёқади, чунки уларга моҳият эмас, мазмун эмас, балки тақлид, кўр-кўрона эргашиш, шу ондан кайф олиш ёқади” [4, Стр.6.].

Бу жараён таъсирида миллатнинг асл қиёфасини белгилаб турувчи белгилар, сифатлар бугунги кунга келиб таҳликали тус ола бошлади. Улар бутунлай унутилиб, фақат музейлардагина экспонатлар қаторидан жой олиши ва у ижтимоий психологиядан “ўчирилиши” мумкин. Артур Шлезингер “Американинг тарқоқлиги” асарида ёзганидек, халқни йўқ қилиш йўлида дастлабки қадам қўйилди – уни хотирасидан жудо қилиш бошланди. Кейинги босқичда унинг китоблари, маданияти тарихи йўқ қилинади. Сўнгра

кимдандир янги китобларни ёзишни, янги маданият ва тарихни ўйлаб топишни илтимос қилсангиз бас, халқ аста-секин ўзлигини ҳам, қандай пайдо бўлганини ҳам кимларнинг авлоди эканини ҳам унутати - қўяди.

Шу ўринда жараённинг икки жиҳатига дуч келамиз. Буларнинг биринчиси маданиятларнинг глобаллашуви (унинг плюрализмдан мосуво қилиниши), иккинчиси эса, маданиятнинг локаллаштирилиши (унга плюрализмнинг сингдирилиши)дир. Баъзи тадқиқотчилар уларни бир-бирига зид бўлган икки кутб деб ҳисоблайди, бошқалар эса уларда битта тарихий жараённинг бир-бирини тўлдирувчи жиҳатларини кўришади. Универсал белгиларнинг трансмиллий оқими уларни маҳаллий шарт-шароитларга боғлашни талаб қилади, шунда улар тушунарли қиммат касб этадилар, “ўзиники” бўлиб қолади, алланечук батамом бегона нарса сифатида қабул қилинмайди. Шундай қилиб гап шу тўғрида кетаяптики, мазмунан глобал нарса шаклан локаллашмоғи (маҳаллий тус олмағи) керак, шундагина оддий одамлар унинг моҳиятини англаб оладиган бўлишади [5, 127- 128- б.].

Бу жараёнлар натижасида ҳаёт тарзи сифат жиҳатидан ўзгариб, дунёга қарашда ҳам янги меъёрлар юзага келди. Бу жиҳатлар глобаллашув жараёнларининг ижобий ҳодиса сифатида ҳаётимизга кириб келишига ва умумпланетар тафаккур шаклланишига сабабчи бўлмоқда. Ҳар бир масаланинг икки томони бўлгани сингари бу жараённинг юқорида биз санаб ўтган жиҳатлари билан бирга унинг салбий томонлари ҳам ҳаётимизга тез суъратлар билан кириб келмоқда.

Маълумки, жамиятларнинг асосий қисмини оддий халқ ташкил қилиб, у маданиятларнинг ташувчиси ва кириб келаётган янгиликларни қабул қилувчи ёки инкор этувчи ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур жараён миллий менталитетимиз билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ечимини ҳам ўз руҳиятимиздан, хатти-ҳаракатимиз ва кундалик турмушимиздаги оддий бўлиб қолган стереотиплар ҳамда фикрлаш тарзимиздан излашимиз керак [6.].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, оддий халққа янгиликни тўғри ва ҳаққоний тушинтириб беришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни беқиёсдир. Агар ижтимоий-гуманитар фанлар ўз функциясини бажармаса ёки давлатда технократик дунёқарашга эга раҳбарлар уни инкор қилишга уринса, халқ глобаллашув жараёнларининг гирдобига ва тузоғига тушиб, миллий маданиятидан ажралиб қолиши мумкин. Шу боис ижтимоий-гуманитар соҳага оид билимлар кўпроқ трансляция қилинса бизнингча, турли глобал таҳдидлардан миллатни ва айниқса, унинг атрибути ҳисобланган миллий кадриятларни ҳимоялаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас кун. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий тарбия //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007. № 3-сон.
3. Швейцар А. Мироззрения индических мыслителей. Мистика и этика. // Восток-запад. Исс-я., переводы, публикации. – М.: 1988.
4. Смольенская Е. Г. “Массовая культура” развлечение или политика? –М.: Мысль. 1986.
5. Тўраев В.А. Инсониятга глобаллашув таҳдидлари (Озод Обид таржимаси) // Жаҳон адабиёти. Ноябрь. 2003.
6. Bobomurod Toshboyev., Abdurasul Amanlayev. Миллий менталитетдаги парадигмалар ўзгаришининг ибрат ва шахс тарбиясига таъсири. Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №2 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
7. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(38)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА

Тошбоев Фурқат Эшбоевич, тарих фанлари бўйича (PhD), доцент, ЖДПИ тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири (Ўзбекистон)

Аннотация: Ушбу мақолада, Жиззах вилоятидаги археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши натижасида, воҳанинг ўзлаштириб боиланиши палеолит даврида содир бўлганлиги, шахарсозлик маданиятига оид тадқиқотлар ва кўчманчи чорвадорлар маданиятига оид ёдгорликларнинг ўрганилиши ва археология соҳаси мутахассисларини тайёрлаш борасидаги муаммолар ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Чимқўрғон, Азимбулоқ, Гўрдара, Чашмаи-Достон, нуклеус, ўрта палеолит, Қўтирбулоқ, Сузмойилола, Нахраж, Сигомсой, Қалиятена, катакомба, айвонли лаҳад, ёрма гўр.

Ўрта Осиё, хусусан Ватанимиз сарҳадлари жаҳон халқлари цивилизацияси раванк топган марказлардан бири ҳисобланади. Буни моддий, маданий ва археологик мерос объектларининг кўплиги ва улар тадқиқоти натижасида қўлга киритилган катта ҳажмдаги археологик манбалар, материаллар тасдиқлаб турибди. Кейинги йилларди халқимизнинг маданий меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш, ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ва натижаларини жаҳон ҳамжамятига етказиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 17 январдаги “Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Ф-5181-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги 21 сентябр 2019 йил 792-сонли қарори шулар жумласидандир. Бу қарорларнинг ижроси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавият ва тарих, археология йўналишларидаги дарсни ўқув йили давомида музейлар, маданий мерос объектларида тизимли олиб борилишини таъминлашнинг кўшма чора-тадбирлари режасининг (2019 йил 7 декабр, № 87-03-4783) ишлаб чиқилганлиги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишда дастури амал бўлди.

Жиззах воҳаси табиий географик шароити кўра қулай минтақада жойлашган бўлиб унинг жанубий ва ғарбий томонлари овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун қулай бўлган тоғ ва тоғолди минтақаларидан иборат бўлса тоғ олди дашт ва текислик қисмларидаги дарё воҳаларида деҳқончилик хўжалигини юритиш мумкин бўлган. Шу жиҳатдан бу худуд қадимги аجدодларимиздан мерос қолган кўплаб археологик ёдгорликларга бой ҳисобланади. 2013 йилнинг баҳорида ЎзР ФА Археология институти палеолитчилар гуруҳининг Жиззах вилояти Фориш тумани худудларида олиб борган изланишлари натижасида Чимқўрғон, Янгиқишлоқ, Азимбулоқ, Гўрдара, Чашмаи-Достон каби бир қатор янги ёдгорликлар топиб ўрганилган [1, 16-б.]. Фориш туманининг Чимқўрғон худудидаги қум қарерларида қайроқтош учириндидан ишланган тош ўзак – нуклеус топилган. Бу ерда аниқланган леваллуа ҳамда призмасимон нуклеусда ишланиш техникаси ва хомашёсига кўра бир томондан, Самарқанд ўрта палеолит маданияти –Қўтирбулоқ топилмажойи материалларига, иккинчи томондан, Тошкент воҳаси палеолит даври маданиятлари материалларига ўхшашлиги кузатилади. Бу топилма биринчидан, Жиззах вилояти худудлари ҳам палеолит даври одамлари томонидан ўзлаштирилганлигини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг маданий-даврий жиҳатдан Самарқанд ботиғида яшаган қабилалар билан тенгдош эканлигидан гувоҳлик беради [2, 94-95-б.].

Кейинги йилларда Жиззах вилояти худудида сақланиб қолган ноёб археологик ёдгорликлар – қоятош суръатларини ўрганиш борасида ҳам анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон ФА Миллий археология маркази тадқиқотчиси, А.Н. Холматов

томонидан Шароф Рашидов тумани Жиллигулли қишлоғи шимолий томонидаги тоғ ва қирлардаги Сузмойилота қоятошларида, Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Нахраж қишлоғи жойлашган Нахражсой (Каттасой) дарасидан, Фориш тумани Эски Фориш қишлоғи юқорисидаги Юқорисой (Сойиболо) дарасида, ҳамда Учма қишлоғидан оқиб ўтувчи Учмасойга туташ бўлган Сиғомсой каби йирик сой ва даралар атрофларидан кўплаб янги қоятош расмлари ўрганилиб, рўйхатга олинди ва илмий муомалага киритилган [3, 54-57-б.]. Ушбу қоятош тасвирларида ёввойи ҳайвонлар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қадимда ва ҳозирги кунда яшаётган ҳайвон турлари бўлса, хонаки ҳайвонлар мана шу ўтган узоқ даврлар мобайнида инсоният томонидан қўлга ўргатилган ҳайвонлар ҳисобланади. Улар бир неча даврий босқичга мансуб бўлиб, унинг энг қадимгилари неолит ва бронза даври билан, кейингилари эса антик ва ўрта асрга оид ҳисобланади.

Моддий, маданий ва археологик мерос объектлар тадқиқотлари нуқтаи назардан Жиззах воҳасида Жиззах давлат педагогика институти ва Ўзбекистон ФА Миллий археология маркази археологлари томонидан олиб борилаётган изланишлар аҳамиятлидир. Улар қаторида археолог олим Мухтор Ҳасанович Пардаевнинг раҳбарлигида Жиззах археологик экспедициясининг Санзор дарёсининг қуйи оқими ҳудудида жойлашган Қалиятапа шаҳар ёдгорлиги ҳамда Пардакултепа, Комилбоботепа, Расулбоботепа каби қишлоқ маконлари ва бошқа ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотларни мисол келтириш мумкин [4, 130-с.]. Бу тадқиқотлар натижасида Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида таянч маълумот берувчи кўплаб археологик манбалар қўлга киритилди [5, 142-б.] ва уларга таяниб, бугунги кунда “Жиззах шаҳрининг ёши 2200 йилдан кам эмас” деган хулосага келинмоқда. Археолог М.Ҳ. Пардаевни таъкидлашча, Жиззахда шаҳарсозлик тарихини ўрганиш, шаҳарнинг қадимий ёшини расман аниқлаш учун илмий-методологик жиҳатдан барча шароит мавжуд. Жиззах шаҳарсозлиги маданияти тарихи ҳам қўшни қадимий шаҳарлар – Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент каби ўз тараққиётининг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтган.

Алексей Андреевич Грицина томонидан Уструшонанин шимолий қисмида жойлашган Култтепа, Қораттепа шаҳар ёдгорлиги ва шунга ўхшаш қадимги аҳоли манзилгоҳлари – кўплаб қишлоқ маконлари, рустоқлар ва обод шаҳарларнинг ўрганилиши натижасида Жиззах воҳасидаги шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши борасида муҳим янгиликлар қўлга киритилди [6, 189-с.]. Тўрткўлттепа карвонсаройларининг ўрганилиши эса Уструшонада ҳақиқатдан ҳам “гавжум ярмарка ва бозорлар мавжуд бўлганлиги” ни исботлаб, улар ҳақидаги маълумотларга аниқликлар киритди [7, 263-275-с.].

Жиззах воҳасида кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотларда кўчманчи чорвадорлар маданиятига оид мазоркўрғонларни ўрганиш ҳам йўлга қўйилган. Тадқиқотлар натижасида, воҳада қадимги даврда кўчманчиларга мансуб катакомба, айвонли лаҳад, ёрма, ўра ва тош даҳма қабрлар кенг оммалашганлиги аниқланди [8, 46-б.]. Кўчманчилар маданиятига оид изланишлар бугунги кунда Уструшона чорвадорларининг қабр тузилиши, дафн маросимлари, диний-маънавий ҳаёти ва ижтимоий сиёсий тузуми ҳақида умумлашган илмий хулосалар чиқариш имконини бермоқда. Бундан ташқари тўпланган манбалар асосида, Уструшонада чорвачилик хўжалигининг шаклланиши, кенг ёйилиши, моддий ашёлар хусусияти ва хронологияси, қадимги даврда Ўрта Осиё ҳудудида кечган миграциялар ва уларнинг Уструшонадаги этник жараёнларга таъсири, Қовунчи маданиятининг ёйилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин.

Шундай қилиб, Жиззах вилояти археологик ёдгорликларга бой бўлиб уларни ўрганилиш натижасида воҳанин полеолит давридан фаол ўзлаштирилганлиги, қишлоқ қурилиши ва шаҳарсозлик маданиятининг қадим илдизга эга эканлиги илмий асосланган. Бироқ, воҳанин археологик ёдгорликларга жуда бой эканлиги ва улардан санокли ёдгорликларнинг ўрганилганлиги ҳисобга олсак, вилоятда археолог мутахассисларга бўлган эҳтиёж масаласи сезилади.

Бу борада анчагина саъйи ҳаракатлар қилинмоқда. Жумладан, Жиззах давлат педагогика институтида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичига талабалар

кабул қилиш бошланган. Уларнинг кўпчилиги археология йўналиши бўйича магистрлик диссертацияларини тайёрламоқда. 07.00.06. “Археология” ихтисослиги бўйича таянч докторантура очилган. Бир қанча тадқиқотчиларимиз Уструшона – Жиззах воҳаси тарихининг турли хил мавзуларида докторлик ишларини химоя қилишди ва бу изланишлар давом эттирилмоқда. Бу ишлар Жиззах вилоятида археолог мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади деган ниятдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллаев Б.Қ., Эргашев О.Т., Рахимов К.А., Ражабов А.Ю., Аллаёров Ў. Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасининг палеолит даври \ \ Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. Самарқанд. 2014.
2. Сайфуддаев Б., Джуракулова Д. Жиззах воҳаси палеолит даври топилмалари \ \ Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий осий цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт), Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2019.
3. Холматов А.Н. Нурота тоғи қоятош расмлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2019.
4. Пардаев М.Х., Қалиятапа шаҳар ёдгорлик ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // В ИМКУ. вып. 31. Самарқанд, 2000.
5. Пардаев М.Х., Комилбоботепа кальсиси // Вып. Ташкент, 2001.
6. Грицина А. А. Материалы XII-начала XIII в. с городища Культепа (Северная Уструшана) // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991.
7. Грицина А.А. Раскопки караван-сарая Турткультепе // ИМКУ – Т.: “Фан”, 2006. - №35.
8. Тошбоев Ф.Э. Уструшона мозоркўрғонлари конструкцияси ва уларни шаклланиши ҳақида // ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ. №1(18). 2019.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тураев Аббар Салоҳиддинович, Жиззах ДПИ Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада миллий сиёсатишунослик ривожидида сиёсий фанлар мазмунига қўйилаётган талаблар, хусусан, сиёсий мафкураларни ўрганиши, сиёсий-мафкуравий жараёнларда кечаётган тенденциялар таҳлилида замонавий сиёсий мафкуралар, хусусан, АҚШ неоконсерватизмининг мазмунига аҳамият қаратиши, ғоявий-сиёсий эволюцияси асосида унинг мафкуравий категориялари шаклланиши тенденцияларини маҳаллий ўқув-услугий таъминот манбаларида акс эттириши зарурати масалалари муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар. Мафкура, сиёсий мафкура, неоконсерватизм, мафкуравий категория, сиёсатишунослик.

Бугунги глобаллашув даврига келиб дунёдаги мафкуравий муносабатлар ва сиёсий маданият омилининг ўрни тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Дунёда юз бераётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар мазмун-моҳиятини англаш даражасининг етарлича шаклланмаганлиги фикрлар хилма-хиллиги шароитида мамлакат тараққиётини таъминлашда замонавий мафкуравий жараёнларни англаш, барқарор сиёсий онг ва маданиятни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни глобал чақириққа айлантирди.

Замонавий мафкуравий дискурс, сиёсий мафкуралар ва уларнинг ғоявий-сиёсий ривожланиш тенденциялари таҳлиliga оид конструктив аҳамиятга эга фундаментал тадқиқотларга бўлган эҳтиёж жаҳон сиёсатишунослик тадқиқотлари кун тартибига қўйилмоқда. Дунёдаги қудратли давлатлар рақобатининг кескинлашуви ҳамда дунё сиёсий тартиботида янгича қутблашишга бўлган амбицияларнинг кучайиб бораётганлиги шароитида

Америка Қўшма Штатларининг ички ва ташқи сиёсати шаклланиши ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига неоконсерватив мафқураининг таъсири эволюциясини тадқиқ этиш долзарблашиб бормоқда. Шу билан бирга АҚШда неоконсерватив сиёсат кун тартиби шаклланиши ва амалиётининг ғоявий асосларини тадқиқ этиш орқали неоконсерватизмнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги деструктив таъсирини баҳолаш, глобал мафқуравий жараёнларнинг ўзгариш табиати ҳамда ривожланаётган давлатлардаги сиёсий – мафқуравий жараёнлар ривожига таъсирини очиб бериш заруратини тақозо этади.

Сиёсий–мафқуравий қарашлар хилма-хиллиги асосида мамлакатимизда кечаётган замонавий сиёсий трансформацион жараёнларда ҳам жамият сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг сиёсий-мафқуравий базани мустаҳкамлаш орқали барқарор демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш давр талабига айланган. Айниқса, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий онги ва демократик дунёқарашини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир даврда турли бузғунчи ғоялар, глобал устуворликка даъво қилувчи сиёсий-мафқуравий таъсирларга қарши ўзига хос мафқуравий иммунитетни шакллантириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Мустақиллик йилларида сиёсий фанлар, сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, янги давр талаблари ҳамда глобал даражада кечаётган ўзгарувчан тенденциялар шароитида миллий сиёсатшуносликни янада ривожлантириш талабини қўймоқда. Президентимизнинг 2019 йил 29 январдаги “Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4139-сон қарорлари қабул қилиниши мамлакатимизда сиёсатшунос кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш, таълим йўналишининг мазмуни, кадрларга қўйилаётган талабларни тубдан қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо қилаётганлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан фикримизча миллий сиёсатшунос кадрлар тайёрлашда АҚШ неоконсерватизм мафқурасини ўрганиш, унинг глобал деструктив таъсири моҳиятини англаш асосида сиёсий таҳлил кўникмаларини янада ривожлантириш, сиёсий таҳлил ва прогноздаги ҳолисликни таъминлашга қаратилган мутахассисликка оид вазифалар ечимига хизмат қилади. Бу борада сиёсий мафқуралар тадқиқида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобламиз:

Биринчидан, АҚШ неоконсерваторлари томонидан давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим механизмлари сифатида “глобал демократик инқилоб–халқаро хавфсизликнинг муҳим омили”, “дунёда қанча демократик давлатлар кўп бўлса, шунча тинчлик ва барқарорлик таъминланади”, “дунёдаги барқарор тараққиёт ва халқаро ҳамжиҳатликни таъминлашда АҚШнинг “танланганлиги”, “нодемократик тузумларнинг либерал-демократик қадриятларга таҳдиди – демократия экспортини тақозо қилади”, “исломофашизм – дунё демократияларига асосий таҳдиддир”, “демократик империализм ўзини оқалайди” каби ёндашувларга таяниш асосланиб келинмоқда, аммо, эътибор қаратиш керакки, бу ёндашувлар бутун АҚШ жамияти ва давлатчилиги ёндашуви сифатида қаралиши керак эмас;

Иккинчидан, АҚШ неоконсерватизм мафқурасининг ғоявий асослари ғоявий-сиёсий трансформацион жараёнлар таъсирида ўзгариб, турли мафқуравий қадриятлар, сиёсий мўлжаллар синтези асосида ўзига хос замонавий интеграл сиёсий-мафқуравий оқим сифатида қарор топганлиги маълум бўлади. Шунинг учун унинг тадқиқида глобал мафқуравий жараёнларга таъсирини баҳолашга кўп томонлама ёндашув заруратини тақозо қилади;

Учинчидан, неоконсерватизмда ислом динига муносабатнинг шаклланиши ўзининг деструктив характерини намоён этади. АҚШ неоконсерватизм асосчилари қарашларида ислом динини “радикал исломизм” кўринишида асосланиши бутун Ғарб жамиятларидаги кучли “исломофобия” шаклланишига олиб келди. Яъни, АҚШ неоконсерваторлари қарашларида ислом дини ва “исломизм” умумлаштириб юборилмоқда. Айниқса, икки кутбли

тизим парчалангандан сўнг АҚШ неоконсерватизм мафкуриси барқарорлиги ҳамда ғоявий долзарблигини асослашда “исломофашизм” форматдаги таҳдидга қарши курашиш стратегиясидан фойдаланила бошланди. Бу масаладаги муҳим жиҳат шундаки, АҚШ неоконсерватизм мафкурисининг ислом динига муносабати ҳамда жамият барқарорлигига таъсири борасидаги хулосалар АҚШ давлатининг ислом динига нисбатан қатъий позициясини ифодаламайди;

Тўртинчидан, халқаро терроризмга қарши кураш ва Ироқда тузумни ўзгартириш операцияси каби ташқи сиёсий амалиётлар тўлиқ неоконсерватив ғоялар асосида амалга оширилди. Ироқда С.Хусайн тузумини ағдариш ташаббуси АҚШ неоконсерваторлари томонидан ғоявий асосланди ҳамда бу борадаги сиёсий қарор назарий-концептуал жиҳатдан долзарблаштирилди. Бундан кўринадики, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсий амалиёти, қабул қилинаётган сиёсий қарорлар муайян сиёсий-мафкуравий асосга таяниши, мафкуравий оқим асосчилари ҳамда тарафдорларининг турли даражадаги манфаатлари ижросига йўналтирилиши аён бўлади;

Таҳлиллардан АҚШ неоконсерватизми амалиётида мафкуравий рақибларга нисбатан мурасасизлигини намоён қилувчи “Американинг танланганлиги”, “ватанпарварлик”, “демократия”, “миллий манфаатлар”, “динга ишонч”, “оила ва ахлоқ устуворлиги”, “шахс ва жамият уйғунлиги”, “қуролли кучлар миллат тимсоли”, “глобал демократик инқилоб” ва “Исроил давлатчилиги хавфсизлиги” сингари идеал образларни ифодаловчи, “нодемократик тузумлар”, “исломофашизм”, “терроризм таҳдиди”, “глобал ҳокимият таҳдиди”, “rough states”, “державалар таҳдиди” сингари душман образларни ифодаловчи ҳамда “демократия экспорти”, “марҳаматли гегемонлик”, “рангли инқилоблар”, “халқаро муносабатлар анархиклиги”, “халқаро тартиблардан чекиниш”, “гуманитар интервенция”, “АҚШнинг халқаро полициячилик роли” сингари ҳолат ва жараённи ифодаловчи мафкуравий категориялари шаклланганлиги маълум бўлмоқда.

Демак, замонавий сиёсий мафкураларни тадқиқ этиш орқали миллий, минтақавий ва глобал сиёсий жараёнлар, институтционал ўзгаришлар ҳамда геосиёсий мўлжаллар моҳияти теран англаниши мумкин. Шу жиҳатдан фикримизча бугунги миллий сиёсатшуносликни ривожлантириш ҳамда мутахассислар тайёрлаш концепциясида қуйидаги таклифларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, маҳаллий олий таълим муассаларида сиёсатшунослик туркумига кирувчи мутахассислик тайёрлов йўналишларида фойдаланаётган фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларида неоконсерватизм мафкуриси мазмуни ёритилишида АҚШ неоконсерватизмининг ғоявий-сиёсий асослари ҳамда асосий категориялари сингдирилиши лозим;

Иккинчидан, глобал мафкуравий жараёнлар, сиёсий мафкураларнинг намоён бўлиш тенденциялари миллий сиёсатшунослик тадқиқотлари тизимида сиёсий мафкуралар моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш заруратини тақозо этаётганлигидан келиб чиқиб “Замонавий сиёсий мафкуралар” номли ўқув фанини жорий этиш;

Учинчидан, сиёсатшунослик соҳасида мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасалари қошида миллий сиёсатшунослик тадқиқотларини ривожлантиришга қаратилган, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда сиёсий таҳлил билан шуғулланувчи “Америкашунослик тадқиқот маркази”ни ташкил қилиш;

Тўртинчидан, сиёсатшунослик соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида магистратура босқичида “Сиёсий маданият ва мафкура” мутахассислик йўналишини очиш;

РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

*Тураева Санобар Халимовна, Каршинский инженерно-экономический институт,
старший преподаватель кафедры “Социальных наук”*

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук в условиях глобализации, в частности нравственное воспитание и мудрые взгляды наших мыслителей прошлого на человеческое воспитание.

Resume. The article examines the current problems of the social and humanitarian sciences in the context of globalization, in particular, moral education and the wise views of our thinkers of the past on human education.

Ключевые слова: образование, духовное образование, глобализация, национальный подъем, нравственное воспитание, добро, хорошее поведение, зло, плохое поведение, ценности, религиозные ценности.

Key words: education, spiritual education, globalization, national upsurge, moral education, good, good behavior, evil, bad behavior, values, religious values.

В контексте глобализации и национального развития одной из наиболее актуальных проблем в социальных и гуманитарных науках является проблема образования молодежи.

Мудрецы сказали: «Счастье людей зависит от их надлежащего воспитания».

“На современном этапе стало очевидно, что от самогочеловека, его внутренних ресурсов и, в первую очередь, от его нравственных ценностей и установок зависит будущее цивилизации. Это повышает ответственность системы воспитания во всем мире за характер общественного воздействия на личность, за формирование гуманистических идеалов” [1, стр-293].

Что такое воспитание? Суть концепции воспитания - это сложный процесс, обеспечивающий точность и объективность восприятия человеком себя и своего поведения.

С другой стороны, нравственное воспитание - это влияние, оказываемое на привитие норм нравственности и порядочности человеческому уму, жизни и образу жизни. Одна из форм морального и общественного сознания - это набор правил поведения, этикета, который регулирует отношения людей к себе, своим семьям, друзьям, членам сообщества и природе.

Следовательно, ведущее звено в развитии гармонично развитого человека - нравственное воспитание - это средство достижения совершенства, создания и формирования человеческих качеств. Как отметил Абдулла Авлони, это наука, которая призывает людей к добру и отворачивает их от зла. Это книга, в которой с доказательствами и примерами объясняется, насколько хороши хорошие манеры, а что плохие - плохие.

Мудрые представления наших мыслителей прошлого о смысле жизни и воспитании человека сегодня служат обогащению духовного мира нашей молодежи в условиях глобализации, обогащают их умы знаниями и развивают качества, необходимые обществу.

Понимая, что в жилах сегодняшней молодежи и будущих поколений течет кровь великих и великих людей, как сказал наш первый президент, «чтобы будущие поколения всегда могли гордиться научными открытиями и потенциалом наших ученых, так же как мы гордимся несравненным интеллектом наших великих предков» [2, стр-44.].

В контексте глобализации и национального подъема возрождение религиозных ценностей, одной из величайших культурных ценностей, важно для обучения молодежи, и если наша молодежь глубоко осознает важность наших религиозных ценностей, она станет духовно богатой и морально чистой.

Даже небольшое сообщение, которое на первый взгляд может показаться тривиальным, направленное против воспитания современной молодежи, может нанести огромный урон информационному миру из-за интенсивности глобализации, невидимый, но непоправимый ущерб.

Как отметил А. Каримов в своей книге «Высокая духовность - непобедимая сила», еще одна важная задача - подойти к подрастающему поколению с большим чувством ответственности за его духовное воспитание. Ведь молодые люди - достойные обладатели народной духовности. Вот почему каждый сын и дочь должны с первых шагов наслаждаться нашим культурным наследием» [3, стр-80.].

Это, в свою очередь, отражается в широком распространении духовной нищеты среди молодежи и, в частности, в глубоком проникновении в сердца и тела молодых людей. В

первые дни независимости чувствовалось, что большая часть современной молодежи страдает от духовной нищеты.

Следует отметить, что некоторые из наших молодых людей стали жертвами религиозных экстремистских и террористических движений, которые угрожают развитию общества в результате непонимания сути и значения наших религиозных ценностей.

Роль социальных и гуманитарных наук в решении некоторых проблем воспитания молодежи огромна. Помогает предотвратить появление таких пороков, как жадность, питает молодых людей духом уверенности в себе и помогает им свободно мыслить.

Предотвратить это и воспитать духовно богатое поколение - актуальная задача сегодня.

Список литературы:

1. С.Х.Тураева. Нравственное воспитание личности. Международный научный журнал "Молодой учёный" г.Казан, №17(203) /2018г. стр.293.
2. Д.Ганиев, З.Гафуров. Человек рожден для счастья. Т., «Шарк»- 1998г. с. 44.
3. И.Каримов. Высокая духовность - непобедимая сила. Т., «Духовность» - 2008, с. 80.

ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ВОСПИТАНИЯ И КУЛЬТУРЫ В КОНТЕКСТЕ ИДЕЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ АКСИОЛОГИИ

Фильченко Лидия Алексеевна, учитель МБОУ СОШ №26, Новокузнецк, Россия
Митькина Елена Викторовна, учитель МБОУ СОШ №26, Новокузнецк, Россия
Михельсон Ольга Георгиевна, учитель МБОУ СОШ №26, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В статье определены понятия, уточнены основы теоретизации современного воспитания, образования, развития личности и образовательной среды, определяя и корректируя тем самым уровень культуры личности и мультисредовых отношений. Педагогическая аксиология определяет качество постановки и решения задач современного воспитания, образования, развития личности и образовательной среды, определяя и корректируя тем самым уровень культуры личности и мультисредовых отношений.

Опорные слова: аксиология, мультисреда, воспитание, образование, развитие, культура.

Идея целостного развития личности в ноосфере и социально ориентированных средах определяется одной из актуальных в конструктах и продуктах социальной педагогики, профессиональной педагогики, педагогики и психологии развития, специальной и коррекционной педагогики, инновационной педагогики, здоровьесберегающей педагогики, педагогики физической культуры и спорта и пр. [1-12], в таком понимании педагогическая аксиология определяет качество постановки и решения задач современного воспитания, образования, развития личности и образовательной среды, определяя и корректируя тем самым уровень культуры личности и мультисредовых отношений.

Повышение уровня воспитания и культуры в контексте идей педагогической аксиологии определяется одной из важных составляющих целостной педагогической практики уточнения и коррекции качества развития и личности, и образовательной организации, раскрывающей возможности конкретизации и оптимизации успешного выбора и решения задач «хочу, могу, надо, есть».

В теоретизации и реализации современных идей развития ценностно-смысловое определение и решение задач коррекции качества педагогической деятельности обеспечивает личности обучающегося в системе непрерывного образования конкретно-персонифицированные возможности включения в учебно-трудовую и учебно-исследовательскую работу, раскрывающие в единстве адаптивно-продуктивные возможности коррекции качества развития личности в избранной плоскости деятельности.

Обеспечивая личность возможность быть социализированной и активной, конкурентоспособной и продуктивной, педагог создает в базовой подготовке будущие ступени «акме», особенности которых определяются в различных системах теоретизацию успешности развития.

Воспитание и воспитательная работа [1, 2, 5, 6, 8, 9, 11] определяют в доминирующем поле смыслов и приоритетов развития возможность выбора и синергетической коррекции качества успешности личности [7, 8, 10]. В выделенной системе положений процесс формирования культуры поведения личности [3] раскрывается через поэтапные, пошаговые, персонифицировано-деятельностные основы развития и становления. Для повышения качества результативности обучающегося в системе непрерывного образования используют средства, методы и технологии фасилитации и педагогической поддержки [4, 12].

Ненадлежащего качества практика решения задач социально-образовательных возможностей развития и построения отношений в ученическом коллективе деформирует систему внутриличностного развития и самозащиты личности, дестабилизирует не только отношения в образовательной организации, но и губительно влияет на все звенья системы непрерывного образования, т.к. из общеобразовательной организации обучающийся определяет свои усилия возможности к поступлению в систему профессионального образования, где возрастосообразность и способность личности качественно решать задачи развития и сотрудничества раскрывает особенности становления и самоутверждения как механизмов самосохранения личности и социума.

В постановке задачи теоретизации качества воспитания личности и оптимизации усвоения личностью норм культуры можно выделить модели, ступени, этапы, свойства, функции, задачи, принципы, методы, средства, конструкты, конструкторы, технологии организуемой деятельности, но, к сожалению, в развитии общества и личности не всегда можно найти универсальное решение одной и той же проблемы, т.к. нет стабильных ценностно-смысловых приоритетов развития личности и ее социальной востребованности. В данной модели теоретизации личность в определённой системе положений и конструктов становится не нужной в обществе, неспособной к пересмотру собственной реализуемой позиции, неактивной, неспособной к самокоррекции и осознания важности социализации в поле смыслов и приоритетов сотрудничества и самовыражения, к данным несоответствиям приводят разные особенности формируемого поведения, например, выбор не человека, а определённого гаджета или ресурса в Интернете для решения задач учебно-трудовой деятельности, а также диаметрально противоположная позиция – отсутствие потребности в электронных ресурсах, Интернете для самообучения и самореализации у личности, определяющей свои продукты развития только в конструкте отношений «человек-человек», человекообразной конкретизации задачи развития и сотрудничества, самоактуализации и самоутверждения.

Сложность позиционирования и уточнения задачи повышения уровня воспитания и культуры определяется современным пониманием проблемы социальных и профессиональных отношений; в данной практике педагогическая поддержка, фасилитация, нравственность, гуманизм могут быть мнимыми или проще сказать из реальных отношений перейти в плоскость педагогической мифологии, а качество педагогической деятельности может быть оценена с позиции деформированных конструктов мониторинга и материального положения личности, определяющей качество продуктивности в собственных смыслах и системах теоретизации деформированной надежности культуросообразных единиц самоорганизации антропосреды или ноосферы (например, конкретная личность обучающегося не нужна педагогу, конкретная личность педагога не нужна руководителю из-за собственных корыстных мотивов или непрофессионализма). Именно для устранения данного несоответствия и определяют объективность формируемых смыслов и ценностей самоорганизации успешности продуктивного развития личности и коллективного решения задач сотрудничества и конкурентоспособности.

Использованная литература

1. Ахметзянов Р.Р. Воспитательная работа как механизм повышения качества социализации и самореализации личности // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: тр. Всеросс. научн. конф. студ., аспирант. – Новокузнецк: СибГИУ, 2019. Вып. 23. Ч. III. Гуманитарные науки. С.104-107.
2. Дибесова С.А. Некоторые аспекты построения воспитательной работы со спортсменами // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конф. студ., аспирант. и молод.уч. – Новокузнецк: СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.171-175.
3. Ивлева Л.П., Федотова В.А., Сидоренко Е.А. Возможности воспитания и формирования культуры поведения личности в системе непрерывного образования // Современное образование: преемственность и непрерывность образовательной системы «школа – университет – предприятие» [Электронный ресурс] : XII Междун. науч.-методич. конфер. (Гомель, 14–15 февраля 2019 г.) : [матер.]. – Гомель : ГГУ им. Ф. Скорины, 2019. – Режим доступа: <http://conference.gsu.by>. – Загл. с экрана. С.346-350.
4. Кобзарь Т.К., Козырев Н.А., Митькина Е.В. Педагогические конструкты и педагогические конструкторы в изучении и исследовании основ педагогической поддержки личности в системе непрерывного образования // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2019. Т. 3. № 2. С. 111–118.
5. Мурашов В.Д. Некоторые особенности исследования и уточнения моделей и принципов воспитания в работе учителя физической культуры // В мире научных открытий : сб. стат. Межуранодн. научн. конфер. (Ульяновск, 22-23 мая 2019 г.). Т. 2. – Ульяновск : УлГАУ. – 2019. С. 408-410.
6. Павленко О.Е. Особенности уточнения педагогических условий оптимизации качества современного воспитания личности // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.367-371.
7. Савельев М.А., Угольникова О.А. Духовная культура и воспитание личности в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.117-120.
8. Снычев И.Е., Угольникова О.А. Теоретизация основ современного воспитания в продуктивном становлении личности // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.151-153.
9. Столяров В.А., Угольникова О.А. Научное обоснование важности теоретизации возможностей воспитания в профессионально-педагогической подготовке педагога // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.168-170.
10. Умрилов М.В., Угольников О.А. Современное воспитание в модели развития будущего педагога // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междун. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.224-226.
11. Чабан Д.Д. Проблемы и возможности современного развития и воспитания личности в спорте // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. – Новокузнецк: СибГИУ, 2019. Вып. 23. Ч. V. Экономические и гуманитарные науки. С.361-365.

12. Чудинова С.А., Козырев Н.А., Митькина Е.В. Педагогические условия оптимизации моделирования основ педагогической поддержки личности в системе непрерывного образования // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2019. Т. 3. № 1. С. 21–28.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ШАКЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Хидиров Хошим Ибодуллаевич, ассистент, Жиззах политехника институти

Аннотация: Ушбу мақолада жамият ҳаётида салбий илдиз отган коррупцияга қарши курашишнинг шакллари, усуллари ва турлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, ушбу иллатнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсирлари ҳақида сўз боради.

Таянч Сўзлар: Ўзбекистон, коррупция, жамият, ижтимоий, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, хушомадгўйлик, совға, қариндошлик, ҳомийлик ва бошқалар.

Abstract: This article discusses the forms, methods and types of combating corruption that are negatively rooted in public life. There is also talk of the negative effects of this evil on the socio-political life of society.

Key words: Uzbekistan, corruption, society, social, extortion, fraud, misappropriation, conspiracy, abuse of power, flattery, gift, kinship, sponsorship, etc.

Коррупция муаммоси сўнги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади. Ҳатто, айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида белгиланишича “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш” [1, 1-сон, 2-модда].

Коррупция тушунчасининг куйидаги таркибий элементларга ажратишимиз мумкин: субъект (коррупцион қилмиш ким томонидан содир этилиши) – давлат ва жамият манфаатлари ҳисобига шахсий манфаатларини қаноатлантирадиган ҳамда расмий ваколат, мақом, нуфузга ёки бирор бир соҳада монополстик бошқарувга эга бўлган давлат (кўп ҳолларда “давлат хизматчиси”, “давлат бошқарувчиси”, “мансабдор шахс” тушунчалари синоним сифатида фойдаланилади) ёки хусусий сектордаги мансабдор шахслар. Коррупцион муносабатларнинг иккинчи томонида ўз хошишига кўра ёки тазйиқ остида манфаатларни қондирилишига хизмат қиладиган шахс ҳисобланади. Коррупцион муносабатларнинг иштирокчиларининг барчаси ушбу тизимга жалб қилинган бўлади.

Профессор А.Гуров коррупцияга қарши курашиш масалаларини ўрганиб туриб, куйидаги 3 та асосий шаклини ажратади:

Биринчиси – сиёсий, мансабдор шахснинг қариндошчилик ва уруғчилик муносабатлари сабабли қонун талабларини бузади.

Иккинчиси – криминал, рағбатлантириш эвазига ноқонуний хизмат кўрсатувчи мансабдор шахсларни пора эвазига сотиб олиш.

Учинчиси – маълум бир томонга қулай имкониятлар берувчи шарт-шароитларни яратиш мақсадида айрим тоифадаги мансабдор шахсларни жиноий фаолиятга жалб қилиш. Коррупциялашган мансабдор шахс ушбу гуруҳларда бир марталик рағбатлантириш олмасдан, балки ушбу гуруҳ аъзоси сифатида ўз улушини олади. [2, с.13].

Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади. Айрим манбаларда коррупцияни бир нечта асосий турлари ажратилади: [3, 7-8 бетлар].

- 1) субъектларнинг мақомига кўра:
 - а) ҳокимият органларидаги коррупция;
 - б) хусусий сектордаги коррупция;
 - в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;

2) даражасига кўра:

- а) куйи даражадаги коррупция;
- б) юқори даражадаги коррупция;
- в) вертикал коррупция;

3) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

- а) коррупция-қилмиш;
- б) коррупция-жиноят.

Юридик адабиётларда коррупция бир нечта асосий турларга ажратиб ўрганилади:

1) субъектларнинг мақомига кўра:

- а) ҳокимият органларидаги коррупция;
- б) хусусий сектордаги коррупция;
- в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция; [4, с-27]

2) фаолият кўрсатиш даражасига кўра:

- а) юқори даражадаги коррупция;
- б) куйи даражадаги коррупция;
- в) вертикал коррупция; [5, с.27]

3) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

- а) коррупция-қилмиш;
- б) коррупция-жиноят.

4) ўзаро ҳамкорлик қилувчи субъектлар турига кўра:

- фуқаролар ва хизматчилар ўртасидаги коррупция,
- хўжалик юритувчи шахслар ва мансабдор шахслар ўртасидаги коррупция,
- миллат ва сиёсий раҳбарият ўртасидаги коррупция;

5) манфаатнинг турига кўра:

- фойда олишга қаратилган коррупция,
- харажатларнинг қисқаришига қаратилган коррупция;

6) йўналишига кўра:

- ички коррупция,
- ташқи коррупция;

7) марказлашганлик даражасига кўра:

- марказлашган коррупция,
- марказлашмаган коррупция;

8) субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик усулига кўра:

- маҳаллийчиликка асосланган коррупция,
- қариндош-уруғчиликка асосланган коррупция,
- таниш-билишчиликка асосланган коррупция;

9) фаолият соҳасига кўра:

- ёқилғи-энергетика соҳасида,
- машинасозлик, кимё ва металлургия соҳасида,
- агросаноат соҳасида,
- халқ истеъмоли маҳсулотлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида,
- қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасида,
- ижтимоий масалалар (соғлиқни сақлаш) соҳасида,
- маданият соҳасида,
- фан ва таълим соҳасида,
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасида,
- молия-банк тизими,
- ҳокимиятлар; назорат қилувчи органларда,

- ҳуқуқни муҳофиза қиладиган органлардаги коррупция ва бошқалар.

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 4 январдаги 2 (6696)-сони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.
2. Коррупция в Казахстане: меры по ее предупреждению и международный опыт. /Под ред. Злотникова С.М. Алматы: Азд. Центр Общ. фонда «Итер-лигал». 2000, с. 13.
3. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари// Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристарлар малакасини ошириш Маркази// Маъруза матни. – Тошкент, 2003. -7-8-бетлар.
4. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – С. 27.
5. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – С. 27.
6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-educ.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

КОНСУЛЬТАТИВ ПСИХОЛОГИЯ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Худойназаров Сардор, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аннотация. Мақолада олий ўқув юртлари психология йўналишида психолог-консультантлар тайёрлаш муаммолари бўйича мулоҳазалар келтирилган. Психолог-консультантлар тайёрлаш жараёнига қўйиладиган талаблар, амалий психология соҳасида фаолият юритувчи психологларнинг касбий-муҳим сифатлари ҳақидаги замонавий психологиядаги қарашлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: психология, психоконсультация, психолог-консультант, касбий муҳим сифатлар, кўникма, малака, профессионализм.

Аннотация. В статье приводятся размышления по проблемам подготовки психологов консультантов в направлениях психологии высших учебных заведений. Обсуждаются требования, предъявляемые к процессу подготовки психологов-консультантов, мнения в современной психологии о профессионально важных качествах психологов, занимающихся деятельностью в сфере практической психологии.

Ключевые слова: психология, психоконсультация, психолог-консультант, профессионально важные качества, навык, умение, профессионализм.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълимни ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида олий ўқув юртларини замон талабига мос равишда модернизация қилиш, таълимнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Маълумки, олдинги таълим кўпроқ академик билимлар беришга қаратилган бўлса, ҳозир униб-ўсиб келаётган ёшларнинг чуқур назарий билимларга эга бўлиши билан биргаликда, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Таълимнинг такомиллашув жараёни шахдам одимламоқда. Шу боисдан олий

ўқув юртлари талабалари доимий равишда ўз билим, кўникма ва малакаларини янгилаб боришлари учун бугун кенг имкониятлар яратилган.

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида “шартли равишда соғлом” деб аталган, яъни психоневрологик клиникалар доирасидан ташқарида психотерапевтик ёрдам сўраб мурожаат қиладиган шахслар сони ортиб бориши қайд этилмоқда. Одамлар психологларга ўзларига яқин инсонлар билан муносабатларда юзага келаётган муаммолар, ишхонадаги мураккаб вазиятлар, ўзини ўзи англаш, яъни ўзини чуқурроқ тушуниш масалалари ва х.к. муаммолар бўйича ёрдам сўраб ташриф буюрмоқдалар. Бироқ ўринли савол туғилади: хўш психолог-консультантлар тайёрлаш аҳоли бугунги кунда қандай? Ҳар доим ҳам инсонлар психолог-консультант хизматидан қониқиш олаптиларми? Психолог-консультант қандай касбий муҳим сифатларга эга бўлиши керак? Психологик консультациянинг миллий модели қандай бўлиши керак, яъни консультация жараёнида ёрдам сўраб мурожаат қилган аҳолининг ёш ва жинсга хос, менталитет ва этник-маданий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда муаммога ёндашиляптими? Бу саволларга жавоб бериш олий таълим тизимидаги психология йўналишларида консультантлар тайёрлаш, бўлажак мутахассисларда зарур билим, кўникма, малакаларни шакллантириш борасида ўқув жараёнида қандай инновацион технологиялар қанчалик татбиқ этилаётганлиги ҳақидаги масалага бориб тақалади.

Маълумки, консультант шахси консультация жараёнидаги муҳим тўлақонли восита сифатида ҳамма назарий тизимларда ажратилади. Унинг турли сифатларига урғу берилади. Асли венгриялик бўлган таниқли инглиз олими М. Balint 1957 йилда психотерапия – бу назарий билимлар эмас, балки шахс кўникмалари эканлигини таъкидлаган эди. Гуманистик психология вакили С. Rogers, консультантнинг назарияси ва методлари ўз ролини амалга оширишидан кўра камроқ аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, келиб чиқишига кўра психологик консультациянинг асосий техникаси – бу “мен-восита сифатида”. Клиент шахсини намоён қилувчи асосий восита консультант шахси ҳисобланади. А. Storrнинг таъкидлашича, психотерапия ва психологик консультация ўзига хос касб сифатида тасаввур қилинади. Чунки кўп инсонлар қандай қилиб бутун кун давомида бошқаларнинг ҳаёти ва қийинчиликлари ҳақидаги маълумотларни эшитиш мумкинлигини ақлларига сиғдира олмайдилар. Шунинг учун ҳам бу касб вакиллари ёки нормал бўлмаган ёки инсонга хос бўлган чегараларни енгиб ўтган дунёдаги “фаришта”, деб ҳисоблайдилар. Ҳар иккала фикр ҳам олимлар томонидан нотўғри, деб баҳоланади. Шундан ҳам консультант ким, аниқроғи консультант инсон сифатида ўзида кимни тасаввур этади, шахс сифатида унга қандай талаблар қўйилади, бошқа одамларнинг чигал муаммоларида нима уни профессионал ёрдамчига айлантиради? Каби саволлар юзага келади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳеч ким консультант ёки психотерапевт бўлиб туғилмайди. Талаб этилган сифатлар туғма эмас, балки ҳаёт давомида шаклланиб боради. Юқоридагиларни умумлаштириб консультантнинг самарали фаолияти унинг шахслик хусусиятлари профессионал билимлари ва махсус кўникмалари билан белгиланади. Ушбу омиллардан ҳар бири психологик консультациянинг асоси бўлмиш сифатли консультатив контактни таъминлайди. Охир оқибат консультатив контактга консультациянинг охириги самараси консультантнинг конструктив ҳаракатлари жараёнида клиент шахсининг ўзгариши боғлиқ ҳисобланади. Назарий ва амалий тайёргарликнинг ўрни муҳимлиги таъкидлансада, консультант шахсига алоҳида эътибор қаратилади. Ўз вақтида М. Balint ва Е. Balintлар “Билимларни китоб ёрдамида олиш мумкин, кўникмалар иш жараёнида юзага келади, лекин уларнинг аҳамияти психотерапевт шахсисиз чегаралангандир. Агар психотерапевтнинг шахслик хусусиятлари уни керакли профессионал даражага кўтармаса психотерапия яхши истакларга эга хунарга айланиб қолади” деган фикрни билдириб ўтган эдилар. Консультация муваффақиятли бўлиши учун қандай шахс сифатлари бирлиги бўлиши лозим?

Бу соҳада тадқиқотлар кўп бўлсада, консультант фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи шахслик сифатларига жавоб мавжуд эмас. Одатда муваффақиятли консультантни тасвирлаб профессионаллар ҳам клиентлар ҳам “самимий”, “илиқ”,

“эйтиборли”, “очик”, “қайишқок”, “иродали” каби кундалик тушунчаларни ишлатадилар. Касбий танлов бўйича консультант учун зарур бўладиган шахслилик хусусиятларини аниқлашга қаратилган уринишлар бўлган. Адабиётлар таҳлиliga муружаат қилсак, улар асосида самарали консультант моделини кўришимиз мумкин. Психолог-консультант касбий муҳим сифатларига аутентлилик, ўз тажрибасига очиклик, ўзини ўзи билишни ривожлантириш, ноаниқликка толерантлик, бошқа одамлар билан уносабатларда чуқурлик, реал мақсадлар кўйиш, эмпатия каби самарали фаолиятнинг ажралмас ва энг керакли кирралари келтирилади. Фикримизча, олий ўқув юртларида психолог-консультантлар тайёрлаш жараёнида айнан мана шу хусусиятларни талабаларда мужассамлаштиришга эришишга қаратилган инновацион дастурларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сўнги йилларда жуда кўп мамлакатлар психологлари томонидан профессионал фаолият этикаси ишлаб чиқилган. Бироқ назаримизда, амалий фаолиятда психологик ёрдам кўрсатишда мижозларнинг ёши, жинси, менталитети, этномаданий хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, ўқув дастурларида ривожланиш психологияси, этнопсихология, дифференциал психология каби фундаментал фанларга алоҳида урғу бериш зарур.

Психолог-консультантлар тайёрлаш жараёни узоқ давом этадиган жараён ҳисобланиб, олий ўқув юрти доирасида талабаларнинг кўпроқ амалиётга жалб этилиши, олий ўқув юртидан кейинги даврда эса малака ошириш махсус курсларини ташкил этиш аҳолига психологик ёрдам кўрсатувчи психолог-консультантлар тайёрлаш вазифасини муваффақиятли бажариш, психолог профессионализмини шакллантириш гарови бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абрамова Г. С. Практическая психология: Учебник для студентов вузов. – Изд. 6-е, перераб. и доп. – М.: Академический проект, 2001. – 480 с.
2. Бельская Е. Г. Основы психологического консультирования и психотерапии. Учебное пособие. – Обнинск: ИАТЭ, 2018. – 80 с.
3. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Дрофа, 1996. – 298 с.
4. Мэй Р. Искусство психологического консультирования/ Пер. с англ. – М.: Независимая фирма «Класс», 2014. – 144 с.
5. Нишонова З.Т. Консультатив психология. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т. 2010.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА “УСТОЗ-ШОГИРД” ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳайдаров Комил Донабаевич, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур тезисларда “Устоз-шогирд” тизимининг мазмун-моҳияти, уни анъана сифатида шакллантириш - узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги тўғрисида мушоҳада юритилади.

Калим сўзлар: узлуксиз таълим, устоз, шогирд, педагогик маҳорат, баркамол инсон.

Anatation: In these theses the essence of system of “Teacher-student” and its formulation as tradition will be discussed by means of an important factor in the development of a system of continuing education.

Key words: continuing education, teacher, student, pedagogical proficiency, competent person.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таълим сифатини оширишда “Устоз – шогирд” тизимини қарор топтириш зарурлиги ҳақида тўхталиб, “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш

эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак. Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажagini бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади”[1,1], деб таъкидлади.

Бугун узлуксиз таълимни тубдан ислоҳ қилиш, унинг жозибадорлигини ошириш давлатимиз сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди. Зеро, жаҳолатга маърифат билан курашиш, фуқароларнинг мамлакатимизда бўлаётган туб ислохотларга дахлдорлиги, уларнинг эртанги кунга ишончини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини кўтариш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, “ЮКСАЛИШ” ғоясини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга ошириш аввало таълим соҳасида кенг қамровли ислохотлар ўтказиш, ўсиб келаётган фарзандларимизни билимдон қилиб тарбиялашга боғлиқ, албатта.

Айни пайтда Ўзбекистон аҳолиси 34 миллиондан ошган бўлиб, унинг 16 фоизини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Мамлакат халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб келаётган 450 мингдан зиёд ходим ижтимоий қўллаб-қувватланди, уларнинг жамиятдаги мавқеи билан биргаликда ойлик маошлари ҳам оширилди. Бундай ғамхўрликлар, ўқитувчининг ўз касбига меҳр-муҳаббати, садоқати ва масъулиятини оширди, ўз устида мунтазам ишлашга илҳомлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бу касбнинг обрўсини фақат ўқитувчининг ўзи фидокорона меҳнати, ўз устида тинимсиз ишлаши, бошқаларга ўрнак бўлиши билан ошира олади”[2,1].

Ўқитувчининг ўз устида ишлаши, педагогик маҳоратини ошириб боришида “Устоз-шогирд” усули кутилган натижа бериши шубҳасиз. Зеро устоз-шогирдлик азалдан халқимизнинг табиатига хос хусусият бўлиб, уни тизимга айлантириш таълим самарадорлигини оширишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам “Устоз-шогирд” анъанасини таълим-тарбия тизимида мустаҳкам қарор топтириш жуда муҳимдир. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да “Устоз – шогирд” анъаналарини тиклаш таълим тизимида маънавий тарбияни амалга оширишнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланганлиги айни муддао бўлди[3,2].

“Устоз-шогирд” тизимида мафкуравий тайёргарлик масалалари ғоят муҳимдир. Шогирднинг сиёсий онги, мафкуравий тайёргарлиги, тафаккур маданияти қанча кучли бўлса, унинг келгусида “устоздан ҳам ўзиб кетиши” учун мустаҳкам замин ҳозирланади. Бундай заминни яратиш учун эса устознинг ўзи кучли билим ва савияга эга бўлиши лозим. Буюк Аристотель “олдинга кетганларни қувиб етадиган ва ортда қолганларни кутмайдиган шогирд ҳар нарсага улгуради”[4,540], деб бежиз айтмаган.

Педагогларнинг малакасини ошириш тизимида “Устоз-шогирд” муносабатининг асосий жиҳати шундаки, шогирд (ёш мутахассис) малака ошириш жараёнида унга бириктирилган устоз раҳбарлигида мустақил ўқиб билим, кўникма ва малакасини янада чуқурлаштириш бўйича шахсий режасини шакллантириб олади. Бу режада шогирд илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш; дарс бераётган фани соҳасидаги янгиликларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш; ўқитишнинг илғор, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш; педагогика, психология, маънавият ва маърифат соҳаларидаги янгиликларни ўрганиш ва жорий қилиш; таълим-тарбия соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш; синфдан, мактабдан ташқари тадбирлар, тарбиявий ишлар, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш сингари йўналишларда ўз вазифаларини аниқ белгилаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Устоз ҳам, ўз навбатида, қатор ижтимоий ва инсоний сифатларга эга бўлиши талаб этилади. Биринчидан, у чуқур билимга эга бўлган маърифатли, дарс бериш методикаси ва маҳоратини мукамал эгаллаган тажрибали услубчи; иккинчидан, унинг педагогик маҳорати, психологик ва мафкуравий тайёргарлиги юқори бўлиши лозим. Устоз одобли, хушфёъл, виждонли, маданиятли, шунингдек, ташаббускор ва ташкилотчи бўлиши зарур.

Ушбу фазилатларни устоз ўз шогирди билан баҳам кўриши аслида “Устоз-шогирд” анъанасининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

“Устоз-шогирд” анъанаси фақат таълимни ривожлантиришга қаратилган тор доирадаги усул эмас, у энг аввал, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни фаровон, саодатли қилишдан иборат эзгу ғоядир. Айниқса, бу ғоя ислом фалсафасидан озиқланганда янада тўлақонли маъно касб этади. Буюк аждодларимиз Ибн Сино, Беруний, Форобий, Алишер Навоий асарларида, Имом Бухорий ҳадислари-ю, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ва ёру, даст ба кор» тамойилида бу эзгу ғояга доир қимматли ҳикматлар мужассам. Мутафаккир аждодларимиз ижодида кўплаб устозлик тимсоллари яратилди.

Мутафаккир аждодларимизнинг фалсафий таълимоти Ватанимизнинг бой тарихи, шон-шавкати, бетакрор маънавий меросидан далолат беради ва юртдошларимизга беадад ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу бетакрор меросдан фойдаланиш, уни ёш авлод онги ва қалбига чуқур жойлаш орқали комил инсонни вояга етказиш мумкин. “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак, - деб таъкидладилар Юртбошимиз. - Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”[1,2].

Бугун узлуксиз таълим тизимида “Устоз-шогирд” анъанасини қарор топтиришда бетакрор маънавий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ва миллий кадриятларимизни ҳар томонлама ўрганиш ва ўргатиш тамойилидан келиб чиқилса самара янада юқори бўлади. Аҳмад Фарғонийнинг коинот сирлари, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг алгоритмик кетма-кетлик услуби ҳақидаги ғоялари, табиат фалсафаси (натурфилософия)нинг отаси, дунёвий кашфиётлари билан етти иқлимга танилган Абу Райҳон Беруний, “Шарқ Аристотели” деб ном чиқарган, фалсафа тарихи, билиш назарияси, мантик, мусиқа, ахлоқ соҳаларига доир асарлар, адолатли жамият ҳақидаги ғоялар муаллифи Абу Наср Форобий, фалсафий ғояларни илгари сурган Абу Али Ибн Сино каби даҳолар мероси, Алишер Навоийнинг гуманизм фалсафаси, Бобур Мирзо, Машраб, Бедил, Дониш ҳамда асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг ижоди ва фаолияти – “Устоз-шогирд” тизимида ғоят муҳим мафкуравий манба бўлиб хизмат қилади.

Донишманд халқимиз ҳикматларида айтилганидек, юксак ғоявий мақсадларга асосланмайбаркамол инсонни тарбиялаш мушкул. Ўзгалар манфаатини устун кўядиган, ўз меҳнати, хулқ-атвори, маънавий салоҳияти билан бошқаларга ибрат бўладиган одамгина том маънода устоз бўлиб камол топиши мумкин. “Устоз-шогирд” тизимида баркамол инсонга хос фазилатлар шакллантирилиши, ҳар бир шогирд пировардида мустаҳкам ғоявий эътиқодга эга бўлиши зарур. Шу маънода “Устоз-шогирд” муносабатлари миллий кадриятга айланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//“Халқ сўзи”, 2020 йил 1 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таълим масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси//“Халқ сўзи”, 2019 йил 24 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори//“Халқ сўзи”, 2020 йил 2 январь.
4. Ҳикматлар шодаси / тўпловчи ва таржимонлар А.Раимов, Н.Раимова; муҳаррир А.Зиядов. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
5. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ XIV-XVI АСРЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳасанбоев Тўракул Фозилжон ўгли, Жиззах ДПИ докторанти

Аннотация. В данной статье рассматривается источниковедение Джизакского оазиса XIV-XVI веков, в ней проанализированы информации о Джизаке и местах жительства вокруг него. В ряде исторических произведений созданных во времена властвования Эмира Тимура и темуридов, шайбанидов. В особенности уточнена письменными источниками Дизака (Джизака), курганов и Кентов находившихся вокруг него: Работы Малик, Заамин, Ём, Пешагар, и происшедшими историческими событиями, связанными с ними и другими древними местами.

Таянч сўзлар: Глобаллашув жараёни, Жиззах воҳаси, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар, Темур тузуклари, Зафарнома, Бобурнома, Абдулланом, Дизак, Қалиятена, Ўрда шаҳар харобалари.

Ўзбекистон бугунги кунда ўз ривожланиш ва тараккиёт концепциясига эга давлатлар каторидан ўрин олган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ислохотлар ўтказётган, бунинг натижасида жадал юксалиш сари муҳим ваифаларни амалга ошираётган, дунёвий интеграция жараёнларида фаол иштирок этаётган, мустақил, истиқболи порлоқ мамлакатдир.

Учинчи Ренессанс даврининг муқаддима босқичида турган Ўзбекистон жамиятига бугунги кунда ҳар томонлама етук, зукко кадрлар, ўз соҳасида юқори малакага эришган мутахассислар, юртпарвар, соф виждонли раҳбарлар, қонун устуворлигига юксак қадрият сифатида амал қиладиган маданиятли фуқаролар керак. Бу жараёнларда баркамол авлод, ёш кадрларнинг ўрни бекиёс каттадир. Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув ва миллий юксалиш шароитида, ўзбек жамияти барча аъзолари, хусусан ёш авлодни ҳар томонлам етук, руҳан ватанпарвар, маънан пок шахс сифатида тарбиялашда, ижтимоий-гуманитар фанларнинг, айнан тарих фанининг ўрни катта катта аҳамият касб этади. Зеро, ўз халқининг ўтмишини, аجدодларини тарихини мукамал ўрганиб, ундан ибрат ва сабоқ чиқарган ҳолда пойдевори мустаҳкам, фаровон келажакни қуриш мумкин.

Юқорида тарихимизни мукамал ўрганиш ҳақида фикр бикдирдик, зотан шундагина уни юртдошларимизга, ёшларга беками-кўст ўргатиш имконияти юзага келади. Лекин, афсуски, Ўзбекистоннинг турли тарихий географик ҳудудларда жойлашган маданий воҳалари қадимийлигини, уларни барча ижтимоий, иқтисодий тузум ва даврлар кесимида ўрганиш даражаси бир хил ижобий кўрсаткичга эга эмас. Хусусан, Ўзбекистоннинг қарийб марказида жойлашган, қадимдан қулай иқлим ва ер, сув каби ресурсларга эга бўлган Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар, яъни соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар ҳукмдорлиги замони тарихи фикримизча жуда суғўрилган. Зеро. Бу даврлар тарихига оид ёзма манбаларда Жиззах воҳаси тарихига доир маълумотлар мавжуд, шунингдек, қисман бўлсада археологик тадқиқотлар материалларидан фойдаланиш имконияти ҳам бор. Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақолада Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар тарихига дахлдор ёзма ва археологик манбалар маълумотларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мақоланинг даврий санаси (XIV-XVI асрлар) ва сулолалар (соҳибқирон Амир Темур, темурийлар, шайбонийлар) тарихи хусусиятларидан келиб чиқиб, дастлабки таҳлилларимизни хронологик тартибда иншо этилган ёзма манбалар бўйича бизга керакли тарихий асарлар, кам сонли бўлсада ҳозирги замон тадқиқотчилари илмий асарлари ва уларнинг маълумотларига, тўхталамиз.

Жиззах воҳаси хусусида Амир Темурнинг жангномалари ҳамда давлат бошқарув тарихига оид Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг «Зафарнома» асарларидаги Амир Ҳусайннинг Амир Соҳибқирон томонига лашкар тортиб келганлиги баёнида қуйидаги: "...Амир Ҳусайн катта бир лашкарни мукамал тартиб билан олиб чиқиб,

...Малик икки минг киши билан Сўзангаронда турди, Жаҳоншоҳ бир минг беш юз киши билан Работи Маликка келиб тушди. Яна бир минг киши Еттикудук йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи) га келиб тушди.”[5,11, 36,56-58-б] қабилидаги фикр келтирилади.

“Зафарнома” асаридаги ушбу маълумотлар 1367-1368 йиллар воқеаларига бағишланган бўлиб, унда Амир Хусайнни Амир Темурга қарши лашкар тортгани, бу ҳудудда содир бўлган ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий воқеалар, Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи, Малик работи ҳақида батафсил маълумот берилган. Амир Темур ушбу тўқнашувда Жаҳоншоҳ лашкарларига ўнганмас зарба беради ҳамда Жиззах мавзеига қўшин қолдириб, жангни охирига етказиб қўйиш учун душманни таъқиб қилишни давом эттиради ва ғалабага эришади [2, 69-70-б].

Амир Темур фаолияти давомида Жиззах воҳасидаги қўргон ва кентлар ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жиззахда мунтазам турган.

Темурийзода Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) даврида 1425 йилда жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот Сойбўйи қалъаси билан Жиззах оралиғидаги Илонўти дарасига қуйидаги “Улуғ тангрининг...кўллаб қувватлаши бирлан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъниддин Улуғбек Кўрагон, тангри онинг салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгон. Ҳижрий 828-йил” сўзлар билан «Темир дарвоза»нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган [1, 82-83-б].

Темурийларнинг яна бир шижоатли вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Уструшона бир пайтлар Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган» деб эслатиб ўтади ва Жиззах воҳасидаги аҳоли масканлари - Дизак, Зомин, Йом, Пешағор, Ёр-Яйлоқ, Халилия каби кентлар, Илонўтти дараси ҳақида маълумотлар келтиради. 1501 йилларда узоқ давом этган Самарқанд қамали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган, Шайбонийхондан мағлубиятга учраган Бобур кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда туриб қолади. Бу пайтда Дизакта Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой (ҳоким – Ҳ.Т.) бўлиб [6, 253-б], юксак эътибор, меҳмоннавозлик, тўкин-сочинликдан илҳомланган Бобур қуйидаги мисраларни битади;

“Ваҳму усраттин амоне топтук,
Янги жон, тоза жаҳоне топтук” [10, 86-б].

Яъни, ўлим ваҳмидан омонлик топдик, онадан дунёга қайта келгандек бўлдик, деб Жиззахдаги маъмурчиликни ва фаровон ҳаётни эътироф этади.

Демак, муаллиф ёзганидек, бу пайтда Жиззахда дўлдой уруғи вакили Ҳафиз Муҳаммадбекнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилган. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, соҳибқирон томонидан тамға олиб юксак мартабага сазовор бўлган ўн икки аймоқ (барлос, тархон, жалойир, арғун, ...) орасида дўлдой уруғи ҳам бўлган [9, 86-87-б]. Дўлдой уруғи бек ва амирларининг аксарият қисми темурий шахзодаларга хизмат қилишган, уларга тарафдор бўлишган.

XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида темурийлар давлати кучсизланиб қолди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ Дашти-Қипчоқнинг чорвадор қабилалари Мовароуннаҳр воҳаларини эгаллаб оладилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Ушбу юришларда қатнашган юксак нуфузли уруғлар ўлканинг хўжалик юритишга қулай бўлган воҳаларини эгаллаб ўтроқлашдилар. Хусусан, Қарши шаҳри ва унинг атрофига манғитлар, Шаҳрисабз шаҳри ва унинг ён теварагидаги ҳудудларга барлос ва кенағаслар, Ўратепага юзлар, Жиззахга қирқлар келиб ўрнашдилар [7, 12-б].

XVI асрнинг бошларида яратилган Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида ҳам Жиззах воҳаси ҳақида бир қанча маълумотлар келтирилган. Хусусан, Шайбонийхон «Самарқандни олган йилининг қишинда мўғул устига черик тортиб

Хоникахонни вилоятларин, Шахруҳияни чоптурғонда» унинг лашкари Жиззах қалъасига тўпланади [4, 92-96,126-б].

Темурийлар сулоласининг инқироzi, янги салтанат-шайбонийлар ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ тарихий воқеалар баёнига бағишланган ушбу асарда Жиззах Шайбонийхон ёки унга муҳолиф кучларнинг лашкаргоҳи, муҳим ҳарбий стратегик макон сифатида таърифланади.

Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан ёзилган «Абдуллонома» («Шарафномаи Шоҳий») асарида шайбонийларнинг энг номдор хонларидан бири бўлган Абдуллохон II (1557-1598) Мовароуннахрни бирлаштириш, марказлашган давлат тузиш, уни мастаҳкамлаш учун тинимсиз курашлари давомида бир неча марта муҳим сиёсий, ҳарбий тадбирлар билан ҳозирги Жиззах шаҳри, унинг ён-теварагидаги қалъа-қўрғонлар - Учтепа, Кўкғумбаз, Работи Малик, Йом, Пешағор, Ардахшон, Аччи, Зомин ва бошқа кентларда бўлганлиги, бу ерда ҳарбий кўрик ўтказиб, 30 минг кишилик қўшинни ташкил қилганлиги, ушбу ишлар билан бир қаторда баъзи ободончилик ишлари (Туятортар канали, Сардобалар қурилиши) [3, 217-218,296-б] ҳам амалга оширилгани ҳақида маълумотлар келтирилади.

Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар тарихига оид айрим маълумотлар ёзма манбалар билан бир қаторда археологик манбалар асосида ҳам нисбатан ўрганилган бўлиб, бунда Қалиятепа, Қўрғонтепа, Ўрда каби шаҳар харобаларида ўтказилган қисқа муддатли археологик қазув тадқиқотларида акс эттирилган.

Жиззах воҳасининг археология ёдгорликлари, қадимиятига оид моддий маданият намуналари ўрганилиши XX асрнинг 50–70 йилларида ўтказилган археологик изланишлар сайёр тадқиқотлар кўринишида бўлган. ЎзРФА Археология институти таркибида “Шимолий Уструшона” отрядининг тузилиши сабабли 1979 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда воҳанинг археология ёдгорликлари мажмуини тузиш, қишлоқ ва шаҳар ёдгорликлари стратиграфияси, турар – жойлар планиграфиясини ўрганиш ишлари режали асосда, мунтазам ўрганила бошланди. Бу даврда илк маротаба Жиззах воҳасининг энг қадимги ва улкан шаҳар ёдгорлиги Қалиятепанинг маданий қатламлари стратиграфик тадқиқотлар асосида ўрганилган [8, 121-б].

Мустақиллик даврида Жиззах археологиясини катта қамровда, турли мавзу ва илмий йўналишларда ўрганишга замин яратилди. Бу даврда воҳа шаҳарсозлик маданияти, қишлоқ қурилиши меъморчилиги, қадим ва ўрта асрлардаги маънавий ҳаёт масалалари, сўнгги ўрта асрлар тарихига оид изланишларнинг тош-тамали кўйилди ва бу тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Айни шу тадқиқотлар, ёзма манбалар маълумотлари Амир Темур, темурийлар ва шайбонийлар даврида Жиззах воҳаси қай даражада аҳамиятга эга ҳам ҳарбий, ҳам маданий ўлка бўлганлигидан гувоҳлик беради ҳамда жаззахлик ёш-авлоднинг ўз тарихини билишга бўлган қизиқишини, тарихнинг ҳали очилмаган қизиқарли қирраларини ўрганишга бўлган интилишларини шакллантиради.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва хулосаларни берамиз:

1.Тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар асосида Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар яъни Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар даври тарихини ўқувчи-ёшларга ўргатиш учун таълим муассасаларида, бу кўхна давр бўйича факултатив дарслар, танлов фанларни йўлга қўйиш;

2.Ўзбекистон тарихи китобларига Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар тарихи, воҳанинг ушбу даврдаги давлатлар фаолиятида тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ва моддий маданий ҳаёти хусусида маълумотлар жойлаштириш;

3.Археологик қазув-тадқиқотлари давомида қўлган киритилган моддий-маданият ашёлари билан Жиззах ўлкашунослик музейида сўнгги ўрта асрлар даврига оид экспозиция ташкил қилиш ва шу орқали илмга чанқоқ ёшларни тарихга бўлган қизиқишларини янада уйғотиш.

Ёзма манбалар маълумотлари ва моддий-маданият ашёлари асносида Жиззах воҳасининг Амир Темур ва темурийлар, Шайбонийхон ва шайбонийлар даври тарихини ёритилиши орқали нафақат воҳа ёшлари балки, бутун Ўзбекистон фарзандларининг ўз Ватани, ўз она шаҳри, ўз қишлоғи ўтмишини билиши, унга қизиқиши ҳамда у билан фахрланиш ҳисси ила олға интилиб яшашга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Аҳмедов Б . “Улуғбек”.Тошкент: “Ёш гвардия”,1989.
- 2.Ҳасанбоев Т.Ф. Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир // “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида”(қадимги даврлардан ҳозирги кунгача). Конф.мат. Жиззах.2020.
- 3.Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий.Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий). II жилд. Тошкент: «Фан», 1969.
- 4.Муҳаммад Солиҳ. “Шайбонийнома”. Тошкент: Ф.Фулом нашриёти, 1989.
- 5.Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Тошкент:«Ўзбекистон».1996.
- 6.Пардаев А.Ҳ. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах.//ЎММТ, 32-нашр. Самарқанд.2001.
- 7.Пардаев А.Ҳ. Жиззах беклиги - Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача). диссертация автореферати. Тошкент. 2004.
- 8.Пардаев М.Ҳ. Қалиятпа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар// ЎММТ, 31-нашр. Самарқанд.2000.
- 9.Темур тузуклари”. Б.Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент.1991.
- 10.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент: «Юлдузча», 1989.
- 11.Шарафуддин Али Яздий.«Зафарнома» Тошкент:«Ўзбекистон».1992.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

*Ҳолиқова Раҳбархон Эргашевна, тарих фанлари доктори, Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат Техника университети профессори*

*Махкамова Надира Ульфатджановна, педагогика фанлари номзоди, Ислом Каримов
номидаги Тошкент давлат Техника университети доценти*

*Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ислом
Каримов номидаги Тошкент давлат Техника университети*

Аннотация. Мазкур мақолада урбанизация жараёнларини жаҳонда ривожланиб бораётгани, мазкур жараёнлар хусусан, шаҳарлар тарихи бўйича ижтимоий-гуманитар соҳа вакилларининг олиб борган тадқиқотлари, ҳозирги кунда кичик ва ўрта шаҳарлар тарихини ўрганиш долзарб мавзулардан эканлиги ҳақида.

Аннотации. В данной статье рассматривается развитие урбанизации в мире, изучение этих процессов, в частности, история городов в социально-гуманитарной сфере, изучение истории малых и средних городов.

Annotation. This article discusses the development of urbanization in the world, the study of these processes, in particular, the history of cities in the socio-humanitarian sphere, the study of the history of small and medium-sized cities.

Таянч сўзлар. Урбанизация, кичик ва ўрта шаҳар, мегаполис, демография, миграция, замонавий шаҳар, шаҳар маданияти, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.

Ключевые слова. Урбанизация, малый и средний город, мегаполис, демография, миграция, современный город, городская культура, социально-экономические процессы.

Keywords. Urbanization, small and medium city, megapolis, demography, migration, modern city, urban culture, socio-economic processes.

Урбанизация-шаҳарлашув жараёнлари бугунги кунда дунёда тобора ривожланиб бормоқда. Мазкур жараёнларни ўрганиш кўплаб соҳа тадқиқотчилари, яъни, демограф, географ, иқтисодчи, архитектор, социолог, психолог, археолог, тарихчи умуман ижтимоий-гуманитар йўналиш олимлари диққатини ўзига доимо жалб этиб келган. Унинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида турли хил баҳс мунозаралар мавжуд бўлса-да, ҳалигача ўз ечимини топмаган. Бир гуруҳ олимлар уни дастлабки шаҳарлар пайдо бўлган давр билан, бошқалари эса Европада бошланган саноат инқилоби XVIII-XIX асрларга боғлайди.

Мамлакатимиз тарихида шаҳарларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон шаҳарлари тарихини махсус илмий йўналиш сифатида ўрганиш XX асрнинг 50-йилларида бошланган. Буборада А. Шишкин, А. Зотов, Т. Раимов, Р. Смирнов, Б. Якубовлар ватанимиз шаҳарларининг турли даврлардаги тарихини биринчилардан бўлиб тадқиқ қилишга ҳаракат қилганлар.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида республика вилоятлари, туманлари, шаҳарларининг иқтисодиёти, географияси, тарихи ҳақидаги маълумотларни статистик тўплам шаклида чоп этиш авж олди. Масалан, З.Акрамовнинг “Фарғона водийсидаги шаҳарлар” қисқача справочнигида водий шаҳарлари ҳақида жуда қисқа маълумотлар берилган. Уларда шаҳарлар жойлашган ўрни, табиати ҳақида маълумотлар акс этган холос [1, 161]. Шундай бўлсада XX асрнинг 60-70 йилларига келиб бир қатор илмий тадқиқот ишлари жуда кучайди. Эътиборли томони ушбу тадқиқотларда республикадаги янги ташкил топган шаҳарларнинг ўша даврдаги тарихи, иқтисодиёти ўрганилди. Хусусан, М.Алиқуловнинг “История развития социалистического города Термеза (1946-1975)” тарих фанлари номзодлиги ишида Термиз шаҳрининг урушдан кейинги даврдаги тарихи тадқиқ этилди [2, 24]. Шаҳарлар тарихини ўрганишнинг кейинги босқичи 70-80 йилларга тўғри келиб, бу йилларда олиб борилган илмий ишларда ҳам асосий эътибор четда қолиб, маълумотларни статистик тўплам шаклида чоп этиш давом этди. Ваҳоланки, айнан ушбу йилларда республикада кўплаб янги шаҳарлар ташкил топган бўлса-да, уларнинг аксарияти шаҳарга хос инфратузилма билан таъминланмаган, қишлоқлардан фарқи йўқ эди. Мазкур асарларнинг бирортасида эса ушбу мауммолар очиб берилмади.

Шундай бўлсада, бу даврда бир қатор иқтисодчи, шаҳаршунос, демограф олимлар хусусан, шаҳаршунос олим А.С.Солиев, иқтисодчи Э.А.Аҳмедов, етакчи демограф олим О.Ата-Мирзаевлартомонидан республика шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирган, уларнинг муаммоларини бартараф этишга доир асарлар ҳам яратилди. Бу борада таниқли олим М. Қорахоновнинг хизматлари катта бўлиб, унинг олиб борган тадқиқотлари таҳсинга сазовордир.

Мустақиллик йилларига келиб, нашр этилаётган китоблар манбаларга бойлиги ва чуқур таҳлил қилинганлиги билан алоҳида ажралиб турди. Бу даврда яратилган асарларда Ўзбекистон шаҳарлари тарихини ўрганишнинг янги назарий-методология асослари яратилди. Хусусан, 1996 йилда бошланган тарихчи ва демографларнинг фанлараро ҳамкорлиги республикада тарихий-демографик изланишларга асос солиниб, тарихчи, географ, демограф олимлар Р.Муртазаева, А. Солиев, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшкеларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотлари юзага келди. Бу борада “Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана”, “Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект” монографиялари чоп этилиб, уларда республика шаҳарларининг қадимдан то ҳозирги кунгача ривожланиши, демографик жараёнлари, миграция йўналишлари босқичма-босқич тарихий фактлар асосида кўрсатиб берилган [3, 125].

Бу даврда қатор тарихчилар томонидан шаҳарлар тарихининг турли даврларига оид асарлар юзага келди ва улар янги манбалар асосида чуқур таҳлил этилди. Хусусан, Д.А.Алимова, М.И.Филановичларнинг “Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача)” номли китобида Тошкентнинг қадимги тарихи энг сўнги археологик

тадқиқотлар асосида батафсил ёритиб берилди. Б.Ж.Эшовнинг “Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи” китобида Ўрта Осиё шаҳарларининг қадимги давр тарихи батафсил ёритилиб, урбанизация жараёнларининг илк кўринишлари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Мазкур даврда шаҳарлар тарихи юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, айниқса, диққатга сазавордир. Хусусан, Ж.Н.Турсуновнинг “Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи (Бойсун, Шарғун ва Шўрчи шаҳарлари мисолида) 1971-1990 йиллар” номзодлик ишида республиканинг жанубий вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг совет давридаги тарихи, мазкур шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларни оёқ ости қилингани, таҳқирлангани аниқ далиллар асосида кўрсатиб берилган[4, 157]. Б.Х.Матбобоевнинг “Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида)” докторлик тадқиқотида водийнинг илк ўрта асрлардаги шаҳарлари, уларнинг тузилиши ва аҳоли сони ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Таниқли тарихчи олима Д.Х.Зияева томонидан республикадаги шаҳарлар тарихи ўрганилди. Хусусан, “Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислохотлар ва модернизация жараёнлари”, “Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти” асарларида истиклол йилларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, шаҳарлар тараққиётига қаратилган муҳим чора-тадбирлар, бунёдкорлик ишлари, шаҳар маданияти тараққиётининг асосий йўналишлари республика миқёсида чуқур таҳлил қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кичик ва ўрта шаҳарлар бўғинини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, мазкур шаҳарлар республика шаҳарларининг 80 фоизини ташкил этади. Ўтган чорак аср мобайнида тадқиқот объекти бўлган кичик ва ўрта шаҳарлар тарихига оид бир қатор китоблар нашр этилди. Уларда шаҳарларнинг қадимги даврдан то бугунги кунгача тарихи, бу жойда туғилиб ўсган буюк алломалар ҳаёти ва ижоди, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, этнографияси қизиқарли далиллар ва энг сўнгги манбалар асосида жамланган, кичик ва ўрта шаҳарлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасак-да, шу туманлар бўйича тасаввур олинади холос.

Умуман олганда, республикадаги кичик ва ўрта шаҳарларни инфратузилмаси, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, муаммоларини олиб чиқиш бугунги кунда ижтимоий-гуманитар соҳа вакилларининг вазифаларига киради. Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожланиши эртага йирик шаҳарлар тараққиётига асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акрамов З. Фарғона водийсидаги шаҳарлар. Қисқача справочник. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – Б. 161.
2. Алиқулов М. История развития социалистического города Термеза (1946-1975): Автореф. Дис...канд.ист.наук. –Ташкент, 1979. - 24 с.
3. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – Ст. 125.
4. Турсунов Ж. Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи (Бойсун, Шарғун ва Шўрчи шаҳарлари мисолида) (1971–1990 йй). Дисс... тарих фанлари номзоди. - Самарқанд, 1995. - 157 б.
5. Ҳомийдий Ҳ., Аширов А., Умаралиев М. Косонсой тарихи (тарихий-илмий лавҳалар). –Тошкент: Extremum Press, 2010. – Б. 138.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲОКИМИЯТ ВА ХАЛҚ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КОМУНИКАЦИЯ МУАММОЛАРИ

Шодиев Ж.Х., Шодиев Ф.Б., Жиззах ДПИ

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистонда демократик муносабатларни шакллантириши тажрибаси ва фуқаролар рўй бераётган сиёсий жараёнлар тўғрисида обектив ҳукм юритишда ижтимоий-сиёсий коммуникациялар жараёнининг аниқ концептуал асослари ҳақида.

Калитсўз: Транзит, трансформация, ижтимоий-сиёсий коммуникация, оммавий сиёсий онг, сиёсий пассивлик, сиёсий психология.

Аннотация: Статья посвящена опыту формирования демократических отношений в Узбекистане и четкой концептуальной основе процесса социально-политических коммуникаций в объективной оценке политических процессов, происходящих в гражданах.

Ключевые слова: транзит, трансформация, социально-политическая коммуникация, массовое политическое сознание, политическая пассивность, политическая психология.

Resume: The article is devoted to the experience of the formation of democratic relations in Uzbekistan and a clear conceptual basis of the process of socio-political communications in an objective assessment of the political processes taking place in citizens.

Key words: transit, transformation, socio-political communication, mass political consciousness, political passivity, political psychology.

Ўзбекистон мустақил бўлганига 29 йил тўлди. «Янги тизимга ўтиш... мураккаб жараён экан» лигини бугун давлат раҳбарларидан тортиб оддий фуқарогача яхши тушунади. Ушбу жараён жиддий илмий тадқиқотлар долзарблиги аниқ бўлиб қолди. Собиқ коммунистик давлатларда амалдаги жараёнларни Ғарб олимлари Лотин Америкаси, Жанубий Осиё, Жанубий Европада аввалроқ бўлиб ўтган демократлашув жараёнларига мисолида тушунтирадilar. Ушбу тажриба негизида ижтимоий гуманитар фанар тизимида вужудга келган «транзитология» фан йўналиши ишлаб чиққан моделлар, жумладан, Ўзбекистондаги жараёнларни тушунтиришга ожизлик қилди. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари воқелигига қиёсан «тизимли трансформация» термини ишлатила бошланди. Ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик фанлари орқали назарий асосда «транзит» («ўтиш») ва «трансформация» («ўзгариш») тушунчаларига аниқлик киритиб ўтамыз.

«Транзит» тушунчаси авторитар сиёсий тизимлардан демократияга ўтишни англатади. У хилма-хил шаклларда намоён бўлиши ва узоқ даврни қамраб олиши мумкин. Бу эса минимал муддат бир-икки авлодлар алмашинувини талаб этади. Англияда бу жараён 1640 йилдан 1918 йилгача, Швецияда 1890-1920 йиллар оралиғида, Туркияда 1945 йилдан ҳозирги кунгача, Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам юз йилдан ошиқ муддат давом этапти. Демократик транзит авторитар сиёсий тизим доирасида демократияга ўтишни англатади. Алоҳида тақидлаш керак-ки, авторитар сиёсий тартиботлар демократияга ўтишининг бир қатор муҳим омиларига, институтларига эгалар.

Авторитаризмда иқтисод бозор муносабатларига асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлади, ўз бозор иқтисодиёти муносабатлар қонуниятлари билан бошқарилади, Уларни фақат демократик тамойиллар асосида қайта қуриш талаб этилади, холос. Ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳам жамиятдаги қатламлар, гуруҳлар тизими шаклланиб бўлган ва ҳар бирининг манфаати сараланиб бўлгани ҳолда (шу манфаатлар босими остида) улар ўртасидаги муносабатлар, таъсир тамойилларини демократик изга солиш зарур бўлади.

Ўзбекистонда ҳокимияти ва жамияти ўртасидаги муносабатларда нотекислик муаммоси бўлиб, бу шуни аниқ кўрсатмоқда-ки фуқароларнинг сиёсий тенденциялари тобора аниқроқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократик муносабатларни шакллантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатда демократик фаолиятнинг реал ва самарали механизмлари

шаклланаган. Сиёсий элиталар жамият билан вақтинча ўзаро муносабатлар принципини ўзлаштириб, унга сайловлар даврида мурожаат этадилар, одатда элиталар ўзларининг сиёсий ва маъмурий мақомларини расмий тасдиқлаш сифатида қарайдилар. Сиёсат ва иқтисодиётдаги институционал муаммолар оммавий сиёсий онгдаги ўзгаришлар жараёнларининг мазмунини белгилаб берди, улар аҳолининг сиёсий муносабат ва сиёсий хулқ-атворнинг ўзига хос хусусиятларида нимани акс эттиргани ўз ифодасини топди. Ҳозирги кунда оммавий сиёсий онг жамиятнинг ҳукуматга бўлган ишончи инқироzi, фуқаролик сиёсий пассивлигининг ўсиши, одамларнинг сиёсий хулқ-атворини аниқлаш ва ошиб бораётган мулкйлиги ва сиёсий кайфиятнинг ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда рўй бераётган жараёнлар тўғрисида обектив ҳукм юритиш учун уни Дунёвий ҳамжамиятидаги тараққиёт жараёнида, сивилизацион ёндашув асосида таҳлил қилиш тўғри бўлади. Демак бу жараёнлар кечаётган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг ўзига хослиги масалалари доимо диққат марказида турмоғи керак.

Ижтимоий сўров маълумотлари одатда хусусий секторларни ўрганишда қўлланилади: сайловчиларни сайловларда ўзини тутиши, жамоатчиликнинг сиёсий институтларга муносабати (масалан, партиялар), сиёсий маданият ва аҳолининг сиёсий йўналиши. Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий комуникация муаммосини ривожлантиришдаги изланишлар тизим таҳлилининг етарлича тадқиқ этилмаганлиги билан боғлиқ. Социология, сиёсатшунослик, сиёсий психология доирасида ҳокимият ва жамиятнинг ўзаро таъсири муаммосининг турли жиҳатлари ривожланган.

Ўзбекистондаги вакиллик демократияси жараёнлари билан боғлиқ муаммоларнинг ривожланиши ижтимоий-сиёсий комуникациялар жараёнининг аниқ концептуал асослари, аниқ белгиланган мавзу доираси бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Маҳаллий ижтимоий сўровларда ижтимоий-сиёсий комуникация жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни эмпирик тадқиқотлар ёрдамида кенг ва йўналтирилган ўрганиш бошланди. Аммо оммавий сиёсий онг соҳасини таҳлил қилишга, реал сиёсий жараёнларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган омил сифатида аҳолининг йўналиши ва кайфиятига таъсирга етарлича эътибор берилмаяпти. Фанида ижтимоий-сиёсий комуникация жараёнини ўрганиш, таркибий ва назарий камчиликлардан ташқари, замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларни этарли даражада акс эттирадиган усулларнинг сезиларли этишмаслигига эга. Бугунги тадқиқот муаммоси ижтимоий-сиёсий алоқа жараёнини таҳлил қилишнинг интеграциялашган усуллари, шаклланган концептуал тадқиқот платформаси йўқлигидадир.

Ижтимоий-сиёсий комуникация-бу жамиятнинг барча муҳим соҳаларига кириб борадиган мураккаб ижтимоий жараён. Ушбу жараённинг кўп қиррали эканлиги нафақат турли хил ёндашувлар ва йўналишларни, балки турли хил фанларни тақдим этадиган олимлар томонидан ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Ижтимоий-сиёсий комуникация деганда фуқаролар, ҳукумат амалдорлари, сиёсий институтлар ва тегишли ташкилотлар, масалан, оммавий ахборот воситалари ўртасида фикр ва фикр алмашиниш тушунилади. У маҳаллий сиёсий, давлат, миллий ва халқаро сиёсий тизимлардаги сиёсий мунозараларни, шунингдек сиёсий маълумотлардан сиёсий мақсадларда ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун қандай фойдаланиш мумкинлигини ўз ичига олади. Сиёсий комуникациялар бўйича маълумотга эга бўлган шахслар сиёсий консалтинг, ташқи хизмат, бозорни ўрганиш, жамоатчилик билан алоқалар, журналистика ва рақамли оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ташкилоти, лоббичилик, сиёсий кампаниялар ёки бошқа тегишли соҳаларда ишлашлари мумкин. Ижтимоий-сиёсий комуникация сиёсий ташкилотлар (масалан, сиёсий партиялар), сиёсий ўйинчилар (масалан, сайланган мансабдор шахслар), оммавий ахборот воситалари ва хусусий шахслар ўртасидаги мулоқотдир. Бу ижтимоий фанлар, стратегик алоқа ва медиа тадқиқотларини сиёсат ва ҳукумат билан бирлаштирган фанлараро соҳадир. Ижтимоий-сиёсий комуникация усуллари ва стратегиялари сиёсий адвокатларга, жамоатчилик билан алоқалар бўйича

мутахассисларга, нутқ ёзувчиларига, кампания менежерларига, сиёсий маслаҳатчиларга иш фаолияти жараёнига ёрдам беради.

Оммавий сиёсий онг сиёсий онгнинг муҳим таркибий қисми, ҳокимиятнинг диққат-эътиборида бўладиган мавзу. Бу сиёсат охир-оқибат халқ томонидан амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади ва унинг ҳаракатларининг йўналиши сиёсий тушунчалар, дастурлар, шиорлар ва муносабат у томонидан қандай қабул қилиниши ёки рад этилишига боғлиқ. Демак, сиёсий руҳ фаолиятининг оммавий сиёсий онг каби шаклининг роли. Омма онгининг таркиби унинг предмети, ташувчиси ва оммавий шаклланишига қараб белгиланади. Оммавий сиёсий онг - бу ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида пастга тушадиган ахборот оқими идрок этадиган муҳит, шунинг учун ижтимоий-сиёсий коммуникация муаммолари бўйича ушбу илмий изланишларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Мулоқот жараёнини файласуфлар ва сиёсатшунос олимлар одамларнинг сиёсий ва ижтимоий муносабатларини сиёсий манипуляция қилиш муаммосига кўпроқ қизиқиш билдирмоқдалар, бу эса ўз навбатида бир қатор алоҳида муаммоли соҳаларга бўлинган.

Бир гуруҳ олимлар томонидан ўрганилаётган энг муҳим масалалардан бири бу ахборот маконининг концептуал аппарати тизимидаги коммуникация тушунчасининг ўрнини аниқлашдир. Ушбу муаммони ўрганишда кўплаб олимлар оммавий ахборот воситаларининг(ОАВ) замонавий коммуникация жараёнидаги ролини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар (Н. Алиқориев, С. Кара-Мурза, О. Атамирзаев, Р. Т. Убайдуллаева, К. Калонов, А. Холбеков, А. Рябов, И. Задорин, А. Сюткина, М. Назаров, В. Усачева, А. Шубин, И. Засурский ва бошқалар).

С. Кара-Мурза бир қатор асарларида оммавий сиёсий онгга таъсир қилиш муаммоларини методологик таҳлилини олиб боради, оммавий онгни манипуляция қилиш масаласини кўриб чиқишда ижтимоий-психологик ёндашувни шакллантиради, мафкура тушунчасининг янги таърифини беради.[5,151-159-б.] Сиёсатни сиёсий психология нуқтаи назаридан кўриб чиқиш сиёсий хатти ва аҳолининг йўналиши муаммоларини ўрганишга эътиборни жалб қилишга ёрдам берди. Бу эрда олимларнинг асосий саъй-ҳаракатларини қўллаш маркази сиёсий этакчилик феноменига айланди.

Сиёсий психологияда етакчининг ўзи муҳим эмас, балки унинг ижтимоий-психологик роли, хулқ-атвор тури, аҳолининг сиёсий сафарбарлиги, сиёсатчининг ижтимоий имиджи. Э.Егорова-Гантман ва И.Минтусовнинг асарларидаги илмий назарий қарашларилари-рахбарнинг сиймоси, сиёсий консалтинг, шунингдек, э.Шестопалнинг иқтидорни сиёсий ва психологик жиҳатдан таҳлил қилишга уринишдаги асарлари катта шухрат қозонди. Сиёсий психология орқали сиёсий хулқ-атворни изоҳлашда замонавий рус тадқиқотчилари Ғарб назарий тушунчаларига, масалан, М.Бревстер Смит, Гринштейнга (сиёсий тизим инсоннинг хулқ-атворида бевосита таъсир қилади), Р.Инглехарт (2 турдаги эҳтиёжларнинг мавжудлиги: материалистик ва пост-материалистик, одамларни сиёсий фаоллигига, иштирок этишга ундатди), Девид Маккелланд, Жон Аткинсон (хулқ-атворнинг учта асосий сабаби: куч, ютуқ, боғлиқлик). Шунингдек, ижтимоий ва сиёсий психологияда онгни манипуляция қилиш муаммоларини ўрганиш доирасида ижтимоий ва сиёсий алоқада рамзий технологиялар ва афсоналарни қўллаш масаласи кўтарилди. Кўпинча оммавий психология классикларининг ёзувларига мурожаат қилишади: Г. Лебон, Хосе Ортега-и- Гассет, К. Жунг ва бошқалар.[3,82-97-б.]

Сиёсий коммуникация жараёнларининг ижтимоий мазмуни муаммоси ҳозирги сиёсий жараённинг институционал муаммоларининг ривожланишида намоён бўладиган ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнларининг сиёсий мазмунини фаол ўрганаётган сиёсатшунослар томонидан ўрганилмоқда. Мулоқот транзитология, сиёсий тизимни таркибий модернизация қилиш жараёнлари, тоталитар тизимдан демократик давлатга ўтиш жараёнида юзага келадиган институционал муаммолар доирасида кўриб чиқилади (А. Мелвилл, В. Пантин, И. Клямкин, В. Лапкин, М. Илийн). Ушбу соҳалар орасида бир қатор тадқиқотларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, сиёсий жараёнга

реал таъсир кўрсатадиган сиёсий маданият шаклланиши зарур. [М. Назаров, Ю. Пивоваров, К. Гаджиев, А. Соловиев, Г. Пикалов .[4,544-б,] Сиёсий комуникация барча ҳокимият субъектлари ва институтларининг ўзаро таъсир даражасини акс эттиради, бу ерда ҳам сайлов жараёнида, ҳам умуман сиёсатда муҳим рол томонлар томонидан эътироф этилади (Г. Голосов, М. Афанасев)[1,106-129-б.]

Сиёсий комуникация тизимида энг муҳим қисмлари унинг учта элементи: ҳокимият, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли. Ушбу учта элементнинг ўзаро таъсири жуда қийин ва доимий равишда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби, ҳар уч элементнинг ҳам ўзгариши ва ривожланиши ҳолатидадир, бу, хусусан, ҳокимиятни қонунийлаштириш, сўз институтини ташкил этиш ва замонавий Россия аҳолисининг янги демократик сиёсий маданиятини шакллантириш жараёнларида намоён бўлади.

Замонавий илмий адабиётларда ижтимоий-сиёсий комуникация муаммоси учта асосий жиҳатда кўриб чиқилади: 1) оммавий ахборот воситаларининг оммавий онгга таъсири, 2) сиёсий реклама, 3) ижтимоий-сиёсий комуникация сиёсий тараққиёт омили сифатида. Муаммонинг ушбу барча жиҳатлари бир-бирига зиддир ва шу билан бирга сиёсий алоқалар билан боғлиқ муаммолар ичидаги мустақил мавзулар сифатида мавжуддир. Ушбу мавзулар мунозарали ва ўз навбатида баъзи батафсил жараёнларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Голосов Г.В. Форматы партийных систем в новых демократиях: институциональные факторы неустойчивости и фрагментации. - ПОЛИС, 1998. - №1. с. 106-129.
2. Джордан Г. Группы давления, партии и социальные движения: есть ли потребность в новых разграничениях? - МЭиМО, 1997. -№1. с. 82-97.
3. Паппи Ф.У. Политическая поведение: мыслящие избиратели и многопартийные системы. -Политическая наука: новые направления. - М., 1999.
4. Гаджиев К.С. Введение в политическую науку. - М.: Логос, 1999.-544 с
5. С.Г.Кара-Мурза "Война и политика. История русских воззрений на политэкономия" ПОЛИС, 2001. 151-159 с.
6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-educ.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

О НЕОБХОДИМОСТИ УСИЛЕНИЯ ПАРЛАМЕНТСКОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Юсупов Камолитдин, независимый исследователь Академии при Президента РУз

Ключевые слова: парламент, демократия, ратификация, парламентский запрос, вотум недоверия, импичмент, лоббизм.

В стратегии действия развитие Узбекистана по пяти направлениям представленной Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым 7 февраля 2017 года, им отмечалось что осуществляемые за истекший период реформы в сфере усиление роли Олий Мажлиса в системе государственной власти, дальнейшее расширение его полномочий в решении важнейших задач внутренней и внешней политики страны, а также в осуществлении парламентского контроля за деятельностью исполнительной власти. [1]

Прочность конституционного строя любого государства в значительной степени зависит от рациональности организации государственной власти, которая поражается волеизъявлением народа. Согласно ст. 76 Конституции Республики Узбекистан высшем государственным органом страны является Олий Мажлис Республики Узбекистан, осуществляющий законодательную власть и состоящий из двух палат – Законодательной палаты (нижняя палата) и Сената (верхняя палата). [2]

Представляется, что парламентский контроль может быть определен как система норм, регулирующая установленный порядок проведения наблюдения и проверки в основной деятельности органов исполнительной власти, который осуществляется как парламентским большинством и оппозицией, так вспомогательными органами высшего законодательного органа и направлен на оценку этой деятельности с возможным применением санкций (вотума недоверия, резолюции порицания, импичмента и.т.п) [3]

Формирование двухпалатного парламента значительно укрепило устойчивость государственности Узбекистана. Как отмечает узбекские ученые С.М. Адилходжаева и Г.Р. Маликова усилилась законодательная власть, расширились ее конституционные полномочия, значительно совершенствуется механизм сдержек и противовесов между законодательной, исполнительной и судебной ветвями власти.[4]

К совместному ведению Законодательной палаты и Сената Олий мажлиса Республики Узбекистан относятся в числе ряда других важнейших вопросов и такие, как принятие Конституции страны, конституционных законов, законов Республики Узбекистан, определение основных направлений внутренней и внешней политике Республики Узбекистан и принятие стратегических государственных программ; определение системы и полномочие органов законодательной, исполнительной и судебной властей Республики Узбекистан; Законодательное регулирование таможенного, валютного и кредитного дела; принятие Государственного бюджета Республики Узбекистан по представлению Кабинета Министров Республики Узбекистан и контроль за его исполнением; рассмотрение и утверждение по представлению Президента Республики Узбекистан кандидатуры Премьер-министра Республики Узбекистан: рассмотрение отчета Счетной палаты Республики Узбекистан; утверждение указов Президента Республики Узбекистан об объявлении состояния войны в случае нападения на республики Узбекистан или в случае нападения на Республики Узбекистан или в случае необходимости выполнения договорных обязательств по взаимной обороне от агрессии, а также об объявлении общей или частичной мобилизации, о ведении, продлении и прекращении действия чрезвычайного положения; ратификация и денонсация международных договоров.

Существует также ряд международных органов, в той или иной степени подпадающих под определение парламента. Как правило, они работают в структуре какой-либо международной организации. Парламентские ассамблеи из представителей парламента имеются, в частности, в совете Европы, ОБСЕ и других организациях. В Женеве работает Межпарламентский союз- ассоциация парламентав мира, Созданный в 1957 году Европейский парламента, напрямую избираемый гражданами государств – членов Европейского Совета, считается одним из самых влиятельных законодательных органов мира. В современных государствах парламента, как правило, являются законодательными органами, то есть, наделены властью принимать законы, а также, в той или иной мере формировать и контролировать исполнительную власть.

Одной из важнейших функций парламента является представительная функция, которая служит политическому выражению дифференциации общества по интересам. Эту функцию парламента осуществляет на основе демократического избирательного права и демократической системы выборов; осуществление этой функции гарантируется функционированием партий как организованное политической силы, являющейся выразителем и посредником интересов и воли избирателей.

Контрольная функция парламента заключается в том, что в условиях демократически организованной системы разделения властей Конституция, как правило, наделяет его правом в той или иной мере контролировать деятельность государственных органов и должностных лиц. Зачастую объектом такого контроля выступает исполнительная власть, но в отдельных случаях контроль может распространяться и на судебную власть, местное самоуправление, вооруженные силы и др. Так, например, в Узбекистане, по мимо уже упомянутого, осуществляется парламентский контроль за реализацией законодательства по вопросам обороны, военного строительства и социально – правовой защиты военнослужащих и членов

их семей. Характер и объем этой функции парламента во многом определяет специфику государственного режима и взаимоотношений институтов государственной власти.

Контроль над исполнительной власти является важнейшей функцией парламента. Выступая в качестве высшего органа народного представительства, законодательная власть выражает суверенную волю народа и наделена рядом полномочий, в числе которых контроль над деятельности правительства. Мировой истории известны случаи, когда исполнительная власть стремится к расширению своих полномочий и соответственно не заинтересованно в контроле над собой. Именно в связи с этим необходимо развивать институт парламентарского контроля над деятельности правительства, который может стать действенным механизмом для предотвращения совершения бесконтрольных и безнаказанных действие его стороны. Это особенно важно в случаях, когда победившая партия питается монополизировать свою власть стремлении создать полностью лояльное себе правительство. Безусловно такие тенденции является весьма опасными, поскольку могут свести на нет все демократические завоевания. А изменение баланса сил между ветвями власти, в том числе, приведет к затруднением в отправлении парламентарского контроля. В таких случаях особое значение придается таким элементам конституционного устройства, который гарантирует и обеспечивают реализации прав политического меньшинства, предотвращая, таким образом, монополизацию парламента одной единственной партией.

Следует учитывать, что парламентарский контроль является эффективным инструментом, лишь в том случае, если с одной стороны, может заставить правительство отвечать за свои действия, а с другой стороны не будет препятствовать этому органу власти в осуществления своих задач.

Парламентарский контроль – неотъемлемая принадлежность демократии, одна из гарантий от узурпации власти и произвола бюрократии. Широкий спектр контрольных функций парламента присущ правовым государствам эффективно использующим этот важный инструмент высших демократических полномочий. В Узбекистане, как и во многих других демократических государствах, проводимые реформы служит достижению главной задачи поступательному развитию страны и общества и повышению уровня жизни народа. Содействие прогрессивным преобразованием в политической, общественной и экономической сферах без сомнений должно включать, в том числе и реализацию контрольной функции парламента. Исходя из необходимости всеобъемлющего государственного охвата и установления двусторонней связи со всеми регионами, Сенат Олий Мажлиса принял специальную программу по парламентарскому контролю, работающую по следующей схеме: комитеты Сената- постоянные комиссии областных Кенгашей – районные исполнительные органы.

Создание двухпалатной парламентарской модели Узбекистан позволило законодательной власти подняться на новый уровень своего развития, стать органом, реально воплощающим контрольные функции и спрос за состояние правоприменения. Активизация деятельности комитетов Сената Олий мажлиса по усилению котроля за реализацией своих рекомендаций путем рассмотрения итогов проверок на коллегиях соответствующих министерств и ведомств, совещаниях в хокимиятах с участием должностных лиц проверяемых субъектов позволило повысить ответственность руководящих работников за неукоснительное соблюдение действующих нормативно – правовых актов, правильное и эффективное применение законов.

Парламентарский контроль является действенным инструментом выявления уровня исполнения законов и их эффективности на практике, а также своевременно внесения в них изменений с учетом потребностей развития государства и общества.

Дальнейшее развитие демократизации нашего общества, укрепление его государственных и гражданских институтов требуют совершенствования форм и методов общественного контроля, который должен стать основным факторам соблюдения баланса и взаимной ответственности в отношениях личности, общества и государства для обеспечения социальной справедливости. В настоящее время в Узбекистане уделено достаточное

внимание такой специфической парламентской проблеме, как лоббизм. Хотя указанный термин появился официально совсем недавно, эта проблема существует уже весьма длительное время.[5]

Нет ничего зазорного в том, отдельные группы или лица пытаются «провести» через парламент нужные им законы, важно лишь, чтобы такая деятельность не носила криминального характера и способствовала принятию законов, позволяющих построить в Узбекистане подлинное правовое государство.

Список использованных литератур:

- 1) Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах; Более подробно см: № УП-4947, Lex.uz;
- 2) Конституция Республики Узбекистан, Т.; «Узбекистан», 7 апрель, 2017 г
- 3) Коврякова Е.В. Парламентский контроль: зарубежный опыт и российская практика . М. ОАО «Издательский дом Горедец», 2005. -192 с.
- 4) С.М. Адилходжаева, Г. Р. Маликова. Парламентский запрос как форма парламентского контроля. Ташкент, 2006, С- 44.
- 5) Современный парламент: теория, мировой опыт, российская практика / Под общ ред. д.ю.н Булакова О.Н. –М.: Изд-во Эксмо, 2005. – 320 с. – Российское юридическое образование).

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ, МАФКУРА ВА МАФКУРАВИЙ КАТЕГОРИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO МУНОСАБАТНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Маллаева Эътиборхон, с.ф. фалсафа доктори,
Жиззах давлат педагогика институти*

Резюме: Ушбу мақолада сиёсий маданият, мафкура, мафкуравий категориялар тушунчалари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сиёсат, мафкура, маданият, сиёсий маданият, мафкуравий категориялар, дихотомия, идеал макон, “Учмак” категорияси, “Тамуз” категорияси, “Умай” категорияси, Ўрхун-Энасой ёзувлари, “Бўзқурт” категорияси.

Инсоният ҳаётида сиёсий маданият ҳамда мафкураларнинг вужудга келиш тарихига эътиборни қаратадиган бўлсак, мафкура ва унинг категориялари сиёсий маданиятга нисбатан анча олдин вужудга келганлиги маълум бўлади. Яъни, сиёсий маданият инситути инсоният тарихида давлат, ижтимоий табақа, синфлар, элатлар ва миллатлар таркиб топганидан кейин вужудга келган сиёсий феномендир. Мафкура эса, ўз категориялари билан бирга инсоният жамиятига паралел алоқадорликда вужудга келган ва кишиларни жамоаларга, жамиятга бирлашишида асосий рол ўйнаган ижтимоий ҳодисадир.

Кишилиқ тарихидан маълумки, дастлабки мафкуралар (давримиз нуктаи-назаридан) ўта содда қарашлар мажмуи бўлиб, уларни инсонларга сингдиришнинг ибтидоий усул ва воситалари йиғиндиси ҳисобланган. Мазкур мафкуралар ўзида асосан, инсон ва табиат муносабатини, табиат кучларини кишилар ҳаётидаги ўрнини таъсирчанлик билан ифодалаган. Бунинг сабаби ушбу мафкураларнинг муаллифлари бўлмиш қадимги аждодларимиз тафаккуридаги жараёнлардир. Маълумки, қадимги аждодларимиз ўзларини табиат олдидаги ожизликларини жуда чуқур ҳис этганлар. Мазкур ожизлик уларда табиат кучларидан кўркиш ва улардан умид қилиш ҳиссини ривожлантирган. Натижада аждодларимиз онгида табиатдаги нарса ва ҳодисаларни яхшилиқ ва ёмонлик келтирувчи (дихотомик) тимсолларга ажратган ҳолда идрок этиш ривожланган. Инсон тафаккуридаги бу жараён ўз навбатида унинг махсули бўлган ғоялар ва категорияларда ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, ибтидоий мафкураларнинг категорияларида табиатдаги нарса-ҳодисалар жумладан, нур, зиё, баҳор, ёз кабилар идеал образларни ифодаловчи категория сифатида, аёз, қиш, зулмат эса, душман образини ифодаловчи категориялар сифатида ишлатилган. Хусусан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий мафкураларнинг категориялари ҳам

борлиқдаги нарса ҳодисаларни идеал (яхшилиқ келтирувчи) ва душман (ёмонлиқ, вайронагарчилиқ келтирувчи) дихотомик образларда акс эттирган. Масалан: тотемизм мафкурасида уруғнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ўсимлиқ ёки хайвон номи идеал (яхшилиқ келтирувчи) образни ифодаловчи категория ҳисобланган, жумладан, қадимий халқларда бўри, оқ буғи, сигир, илон, ит, от каби хайвонлар ва турли ўсимлиқларнинг номи уруғ ҳаётида алоҳида эъзозга сазовор тушунча сифатида қадрланган ва уруғ мафкурасида идеал (яхшилиқ) образни ифодаловчи категория сифатида тарғиб этилган.

Қадимги мафкуралар таркибида илмий-фалсафий қарашлар учрасада, лекин уларнинг аксарияти диний мазмунга эга бўлган. Жумладан, бу тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий мафкураларга ҳам хос бўлган. Зеро, улар том маънодаги дин кўринишига эга бўлмасада, ўз даври учун мураккаб мафкура сифатида кейинги авлод (ҳам диний, ҳам дунёвий) мафкуралари учун асос вазифасини ўтаган.

Ибтидоий мафкуралардан кейинги мафкуралар ҳам дунёвийлиқ характериға эга (дунёвий функцияларни бажарган) бўлсада, лекин уларда диний мазмун ва шакл устун бўлиб қолаверган. Бунинг асосий сабаби шундаки, диний мафкураларга илоҳийлиқ туси берилганлиги учун ҳам кишилар томонидан мафкуравий амалиётда улардан доимо исбот ва далил талаб қилинмаган. Қадимги (шаман, қом, қоҳин ва бошқа) мафкурачилар диний мафкураларга хос ушбу “ҳимоя”дан ўз жамоасига дунёвий мазмундаги ғояларни сингдиришда усталиқ билан фойдаланган. Мана шундай сабаблар туфайли қадимги мафкураларнинг аксарияти диний кўриниш касб этган. Буларга мисол сифатида инсоният тарихидаги барча кўп худолик ва яққахудолик динларини келтириш мумкин. Албатта, мазкур динларга ҳам мафкуравийлиқ хос бўлиб, уларнинг барчасида ўзига хос равишда шаклланган мафкуравий категориялар мавжуддир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мафкуравий категориялар тарихан яққа ва мустақил ҳолда шаклланмаган. Улар муайян (диний ёки дунёвий мазмундаги) мафкуравий таълимотлар таркибида бир-бирига мутаносиб ҳолда вужудга келган ва ҳаракатланган.

Сиёсий маданият ҳам нисбатан мустақил институт бўлсада, лекин унинг шаклланиши ҳам худди мафкуравий категорияларнинг генезиси сингари конкрет бир давлат ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий жараёнларга бевосита боғлиқ ҳолда кечган. Мафкуравий категорияларни муайян мафкуравий таълимот билан қатъий боғланган ҳолда вужудга келганлиги, сиёсий маданият эса, бевосита конкрет бир давлатдаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий асосларга таянган ҳолда шаклланганлиги тарихан уларнинг ўртасида ўзига хос боғлиқлик мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Бундан боғлиқликка мисол сифатида қадимги кўчманчи турк халқларининг мафкураси бўлмиш – Шаманликдаги категорияларни жамият сиёсий ҳаётига таъсири жараёнини келтириш мумкин.

Маълумки, қадимдан бошлаб Шаманлик мафкураси (дини) орқали кўчманчи турк халқлари ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларни руҳий-маънавий асосларини вужудга келтиришган. Жумладан, бу мафкурада давлат отадек муқаддас ҳисобланиб, “Давлат – ота” таъбири билан таърифланган. Мазкур мафкурада ҳам, албатта, мафкуравий категориялар мавжуд бўлган. Бу мафкура диний мафкура бўлганлиги учун унинг категориялари ҳам амалиётда диний мазмун касб этган. Жумладан, қадимги кўчманчи турк халқлари мафкурасида идеал макон образини ифодалашда “Учмак” категориясидан, душман макон (ёмон руҳлар ер остига кирадиган жой) образини ифодалашда эса, “Тамуғ” категориясидан фойдаланилган. Халққа ёрдам берувчи эзгу кучлар эса, (кўчманчи турк халқлари ҳаётида ажодлар руҳидан нажот кутиш кучли бўлганлиги учун) хайрли руҳ - “Умай” категорияси орқали ифодаланган. Ўрхун-Энасой ёзувларида хоконларнинг оналари Умайга ўхшатилади ва болаларнинг ҳомийси ҳисобланади. Маҳмуд Қошғарий (қадимги турклар) она қорнидаги болаларни Умай муҳофаза қилишига ишонганлиқларини қайд этади. Мазкур мафкурада яна эзгу кучлар образини ифодалашда “Бўзқурт” яъни “бўри” категориясидан ҳам фойдаланилган. Қадимги кўчманчи турк халқлари мафкурасининг асосий манбалари бўлган дoston ва афсоналарда “Бўзқурт” категорияси муҳим ўрин

эгаллаган (турк ҳоконлари ўзига бўрини тотем деб билган. “Ўғизнома”да кулранг ёлли бўрини тилга олиниши ҳам буни тасдиқлайди). Бу категорияларнинг мазмуни шуни кўрсатадики, кўчманчи турк халқлари мафқураси ибтидоий мафқуралар (тотемизм, анимизм каби)лар таъсирдан бутунлай ҳалос бўла олмаган. Лекин шунга қарамай кўчманчи турк халқлари мафқураси ўз даври ва халқи учун етарлича аҳамиятли мафкура бўлган. Мазкур мафкура таркибидаги категориялар бир-бири билан ўзаро номутоносиб ва қонуниятли боғланган ҳолда қадимги турк мафқурачи (шаман ёки қом)лари томонидан мафқуравий амалиётда усталик билан ишлатилган. Масалан, мафқурадаги идеал ва душман макон образларини ифодаловчи “Учмак” ҳамда “Тамуғ” категориялари қадимги кўчманчи турк халқларини ҳаётда яхшиликка интилишга, ёмонликдан нафратланиш ва ундан қочишга чақирган. Эзгу кучларни ифодаловчи хайрли руҳ - “Умай” ва “Бўзкурт” (бўри) категориялари эса, кишиларни доимо эзгулик томон интилиб яшашга, мактовига сазовор бўлишига ундаган.

Даврлар алмашинуви давлат ва жамиятни бошқаришдаги усул ва услублар моҳиятига ҳам жуда катта таъсир кўрсатган. Яъни, бу жараёнда давлат ва жамиятни бошқаришдаги кўплаб усул ва услублар тубдан янгиланган. Уларнинг баъзилари қонуний равишда бутунлай бошқарув соҳасидан четлашган. Лекин, қадимги аждодларимиз томонидан қўлланган шундай усуллар ҳам борки, улар шу кунгача ҳам давлат ва жамиятни бошқаришда ўз аҳамиятини йўқотмай, тобора такомиллашиб, мураккаблашиб келмоқда. Бундай усуллар сирасига, албатта, мафкура ва мафқуравий категорияларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда инсоният ҳаётига техника ва технологияларнинг кириб келиши ҳамда ундан чуқур ўрин олиши натижасида, ахборот алмашинувининг тезлашуви жамиятдаги сиёсий ва мафқуравий жараёнларга ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказмоқда. Яъни, бугунги давр мустақил давлатлар аҳолисини сиёсий маданиятига жаҳондаги мафқуравий полигонларнинг таъсирини тобора кучайиб бораётганлиги билан характерланади.

Маълумки, сиёсий маданият ҳар бир халқнинг миллий менталитети, маданияти, қадрияти, дунёқараши билан чамбарчас боғланган ҳолда вужудга келади. “У яхлит система бўлиб, ўзида бир талай компонент ва элементларни бирлаштиради. Сиёсий маданият – билиш, баҳолаш, хулқ-атвор ва фаолиятда намоён бўлиш каби уч жиҳатдан иборат. Уларнинг ҳар бири бир неча компонентлардан ташкил топади. Сиёсий маданиятнинг билиш жиҳати ўзида сиёсий билимлар, сиёсий тафаккур, сиёсий хабардорлик, сиёсий онглилик каби компонентларни мужассамлаштиради,

Бугун биз инсон борлиқни англаб олишига ҳамда уни баҳолашига катта таъсир ўтказувчи улкан ахборотлар оқими замонида яшамоқдамиз. Албатта, ушбу ахборотлар оқими фуқароларга сиёсий борлиқни турли хил нуктаи-назардан ёритиб бериш қувватига эга. Ҳозирги кунда ушбу қувват таъсирида фуқаро ўзи яшаётган ижтимоий тузум, давлат, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда бошқа сиёсий жараёнлар тўғрисида билиш ва баҳолашнинг улкан имкониятига эга бўлиб бормоқда. Лекин шу ўринда қайд этиш лозимки, ушбу билиш ва баҳолашлар шахсда илмий, умуминсоний ва объектив ахборотлар таъсирида вужудга келсагина, фуқарода соғлом сиёсий эътиқодни шакллантириши мумкин. Соғлом сиёсий эътиқод ўз навбатида фуқаронинг сиёсий маданиятини яъни, унинг хулқ-атворидаги сиёсий фаоллик, ватанпарварлик, байналминаллик каби ҳислатларни ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ахборотлашган дунёнинг мустақил давлатлар аҳолисига тақдим этаётган ахборотларни барчасини ҳам, объектив, илмий асосга эга деб бўлмайди. Бу ўз навбатида сиёсий воқеиликни ёритишга қаратилган ахборотларга ҳам таалуқдир. Ҳолислик билан айтганда бугунги кунда тарқатилаётган мазкур ахборотларнинг аксариятида муайян бир шахс, ижтимоий гуруҳ, ёки давлатнинг манфаати устувор кўйилмоқда. Албатта, улар мазкур ахборотларда ўз мақсадларини очик баён этмасдан, бу ахборотларни ғоявий ниқоблаган ҳолда, турли мафқуравий усул ва воситаларни қўллаш орқали фуқаролар сиёсий онгига таъсир кўрсатишга уринмоқдалар.

Сиёсий воқеликни изоҳлашга мўлжалланган ана шу турдаги ахборотлар шахсда объектив бўлмаган билим ва баҳолашни шакллантиради ҳамда шу асосда носоғлом сиёсий эътиқодни вужудга келтиради. Носоғлом сиёсий эътиқод фуқародаги сиёсий амалиётга киришиши учун зарур бўлган: илмий, объектив билимга таяниш, мулоҳазакорлик, бағрикенглик, ўзгани фикрини хурмат қилиш ва бошқа шу каби фазилатларни йўққа чиқаради ҳамда инсонни ўзлигидан узоқлаштириб сиёсий ҳиссиётини жунбушга келтиришга асос бўлади. Бундай мафкуравий полигонлар таъсирига тушган, носоғлом сиёсий эътиқод эгаларини кўпайиб бориши жамиятда узоқни кўра олмайдиган оломонни вужудга келтиради, натижада шу худуднинг ижтимоий барқарор ривожланиши ва миллий давлатчилиги учун улкан хавф пайдо бўлади.

Мазкур муаммоларни олдини олиш зарурияти туфайли жамиятда сиёсий маданиятни шакллантириш ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

Ушбу долзарблик, биринчи навбатда, жамиятнинг сиёсий маданиятига таъсир этувчи омиллар, жумладан, мафкура ва унинг категорияларини сиёсий маданият билан ўзаро муносабатини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузаси // <http://uza.uz>. 07.12.2016.

3. Мусаев Ф.А. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалсафа фан...док. дисс. Т.: 2008.

4. Турсунов Қ.М., Қўзибоев Ж., Ҳамидов А., Турсунов Й.Қ., Дин ва хурфикрлилик тарихи асослари. “Фарғона”, 2000. - 13-бет.

5. Турон У. Туркий халқлар мафкураси. Абдулваҳоб У. тарж. - Т.: “Чўлпон” -15-бет.

6. Turaev, A. (2020). Fuqarolik jamiyati: nazariya, amaliyot va innovatsion ta'lim (uslubiy qo'llanma). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(38). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5964

3-ШЎБА: ИННОВАЦИОН ОНГ ВА ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОГО СОЗНАНИЯ И МЫШЛЕНИЯ

MODELS OF THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE CONSCIOUSNESS AND THINKING

ILM-FAN VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASINING ILMIY TADQIQOTLARNI TASHKIL ETISH VA ILMIY SALOHİYATLI, MALAKALI TEXNIK KADRLAR TAYYORLASH TIZIMIGA SAMARALI TA'SIRI VA NATIJALARI

Azimov Akmal, assistent, JizPI
Xamroyev Jamshid, assistent, JizPI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada, bugungi kunda ilm-fan rivojlanishi bevosita ishlab chiqarish bilan bog'liq ekanligi keltirilgan. Oliy ta'lim muassasalarida ilmiy tadqiqotlarni ishlab chiqarish zavod fabrikalari bilan hamkorlikda tashkil etilishi, samarali ilmiy ishlanmalar va ixtirolarning yaratilishiga zamin yaratib, ilmiy salohiyatli va malakali kadrlar tayyorlash sifatlariga ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.*

***Kalit so'zlar:** ixtiro, ilmiy ishlanma, ilmiy salohiyat, ilm-fan, ilmiy tadqiqot, ilmiy markazlar, texnik kadrlar, samarali ilmiy ishlanma.*

Bugungi kunda barcha faoliyat turlari har qachongidan ham ko'proq yuqori malakali va o'z sohasining bilimdoni bo'lgan kadrlarga muhtojdir. Chunki barcha sohalarning yuksalishi, o'sishi va rivojlanishi, ushbu sohada faoliyat olib borayotgan mutaxassis kadrlar ilmiy salohiyati, texnik ijodkorligi va ularning yuksak malakasi, kompetentlik layoqati shakllanganligi bilan uzviy bog'liq hisoblanadi.

Shu nuqtayi nazardan, mamlakatimizda ham kadrlar tayyorlashning mazmunini tubdan qayta ko'rib chiqish, xalqaro standartlar darajasida oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlashga zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 20-apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-son qarori qabul qilindi. Unga muvofiq Oliy ta'lim tizimini kelgusida yanada takomillashtirish va kompleks rivojlantirish bo'yicha eng muhim vazifalar belgilandi [1]. Ular ichida professor-o'qituvchilar va iqtidorli talabalarning ilmiy salohiyati va ilmiy tadqiqotlarini samarali tashkil etish bo'yicha vazifalar belgilandi, unga ko'ra oliy ta'lim muassasalari ilmiy salohiyatini mustahkamlash, oliy ta'limda ilm-fanni yanada rivojlantirish, uning akademik ilm-fan bilan integratsiyalashuvini kuchaytirish, oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining ilmiy tadqiqot faoliyati samaradorligi va natijadorligini oshirish, iqtidorli talaba-yoshlarni ilmiy faoliyat bilan shug'ullanishga keng jalb etish ishlarini amalga oshirish belgilandi.

Hozirda oliy ta'lim tizimida mavjud ilmiy izlanuvchilar tomonidan yaratilgan ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar tez sur'at bilan ortib bormoqda va samarali natijalarga erishilmoqda. Ammo bu ilmiy tadqiqotlar, ishlanmalar va ixtirolar xalq xo'jaligining ma'lum sohalarida, ishlab chiqarishda va amalda qo'llanilishi bo'yicha ma'lum kamchiliklar mavjuddir.

2014-2018-yillarda O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag'laridan ilmiy-amaliy va innovatsion loyihalar hamda ishlanmalarni moliyalashtirish uchun qariyb 800 milliard so'm ajratilib, ularning natijalariga ko'ra ilmiy-tadqiqot va oliy ta'lim muassasalari tomonidan 700 dan ortiq ixtiro patentlashtirilgan.

Biroq, ilmiy va ilmiy-texnikaviy faoliyat natijalaridan amalda foydalanishning tahlili ularni yaratish, huquqiy muhofaza qilish va joriy etish jarayonida tizimli muammolar mavjudligidan dalolat bermoqda, xususan [2], oxirgi 5 yil ichida O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag'lari hisobidan moliyalashtirilgan va patentlangan ixtirolar sonining yiliga 0,5 foizini tashkil etuvchi tijoratlashtirish darajasi yetarli emas, chop etilgan ilmiy maqolalar va yaratilgan intellektual

mulk obyektlari soni ilmiy-tadqiqot va oliy ta'lim muassasalari faoliyati samaradorligini baholashning asosiy mezonlari bo'lib qolmoqda, bunda *ularni joriy etish natijalari hisobga olinmayapti*, ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtirishning, shu jumladan, ilmiy-amaliy va innovatsion loyihalar hamda ishlanmalar ro'yobga chiqarilishida iqtisodiyotning real sektori korxonalari *ishtirokini rag'batlantirishning samarali vositalari joriy etilmagan*, amaldagi standartlashtirish va sertifikatlashtirish tizimi ilmiy va ilmiy-texnikaviy faoliyat natijalarini *ishlab chiqarishga tezkorlik bilan joriy etishni ta'minlamayotganligi* eng asosiy muammolardan hisoblanadi.

Bunda yechilishi zarur bo'lgan muammo ilmiy markazlarda, oliy ta'lim muassasalarida ilmiy tadqiqotlarning va yaratilayotgan ixtirolarning bevosita ishlab chiqarish jarayonlarida, real holatda amalga oshirilishi hisoblanadi. Bu jarayonlarning samarali tashkil etilishi o'z navbatida, ushbu oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanayotgan texnik kadrlar malakasi va ilmiy salohiyatini yaxshilanishiga ham olib keladi.

Umuman olganda, jahon tajribasidan ma'lumki tadqiqot faoliyatini tashkil etishning uchta asosiy modeli mavjud bo'lib, ular o'zlarining ustuvorligi va ma'lum maqsadlari bilan farqlanadi [3]. Birinchi model universitetlarda ilmiy tadqiqotlarni o'quv jarayoni bilan birlashtirib olib borishni nazarda tutadi. Ikkinchi modelda tadqiqot ishlari universitet o'quv jarayoni bilan bog'liq emas. Uchinchi model - bu birinchi va ikkinchi modellarning kombinatsiyasi. Uning o'ziga xos xususiyati shundaki, u tadqiqot ishlari va o'quv komponenti o'rtasidagi mutanosib ratsional munosabatlarning tajribasi va an'alariga asoslanadi. Ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil qilishning dastlabki ikkita modeli qadimdan Evropada uzoq vaqtdan beri amal qilib kelmoqda, so'nggi 50 yil ichida ular uchinchi modelga to'liq o'tishdi.

Global tadqiqot universiteti (global research university, GRU) modeli so'nggi o'n yil ichida eng keng qo'llaniladigan model bo'lib qolmoqda. Ushbu model "fundamental tadqiqotlardan amaliy rivojlanishga"- chiziqli modeliga amal qilmaydi, aksincha diqqatni faqat amaliy rivojlanish foydasiga o'zgartiradi. Uning afzalligi shundaki, ushbu tizim doirasida universitetlar nafaqat yangi bilimlar hosil qiladi, balki innovatsiyalarning faol ishtirokchilariga ham aylanadi. Bu universitetlarga innovatsion g'oyalarni amalga oshirish uchun tadbirkorlar bilan ham, davlat bilan ham texnologik bashorat qilish va bilim almashish sohasida bevosita aloqalarni o'rnatish imkon beradi.

Ilmiy faoliyatni tashkil qilishning Yaponiya modellarini ko'rib chiqaylik, innovatsion siyosatning zamonaviy rivojlanishiga asos solgan Fan va texnologiyalar to'g'risidagi asosiy qonun 1995-yilda Yaponiyada qabul qilingan va 1996-yildan buyon fan va texnologiyalarni rivojlantirishning besh yillik asosiy rejaları qabul qilingan. Ushbu hujjatlar Yaponiyada ilm-fanni rivojlantirishning asosiy tamoyillarini belgilab berdi. Ular orasida quyidagilar mavjud:

- davlatning asosiy sa'y-harakatlari fundamental, birinchi navbatda, ko'p tarmoqli fanlararo tadqiqotlarni rag'batlantirishga qaratilgan;
- tadqiqotning ustuvor yo'nalishlari belgilanadi, ular doirasida keyinchalik ko'proq mahalliy tadqiqotlar ustuvorlik qiladi;
- ilmiy-tadqiqot ishlariga davlat xarajatlari o'sishi;
- innovatsiyalarni samarali amalga oshirish uchun davlat, ilmiy jamoatchilik va tadbirkorlar o'rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish zarur.

Milliy universitetlar Yaponiyaning innovatsion tizimida muhim rol o'ynaydi. 2004 - yilda universitet ta'limi islohoti bo'lib o'tdi, uning davomida universitetlar aksionerlashtirildi va mustaqil korporatsiyalarga aylandi. Universitet islohotining asosiy maqsadi yosh olimlarni tayyorlash tizimini takomillashtirish (ilmiy daraja olish), shuningdek, yoshlarning ilmiy-tadqiqot faoliyatini rag'batlantirish edi. Hozir Yaponiyaning deyarli barcha milliy universitetlari xususiy sektor bilan hamkorlikda tadqiqot olib bormoqda. Universitetlarni isloh qilish jarayonida ularning byudjetida tadqiqot fondlari soni sezilarli darajada o'smoqda. So'nggi 15 yil ichida ushbu mablag'larning ulushi besh baravar oshdi.

Aytish mumkinki Yaponiyaning ilmiy tadqiqotchilikni samarali ta'sir tashkil etish siyosati o'z natijasini ko'rsatdi, bugungi kunda bu davlat eng zamonaviy va samarali ilmiy yangiliklari va texnologik ixtirolari bilan dunyoni lol qoldirmoqda.

Ilmiy tadqiqotlarni va ixtirolarni tashkil etishda ilmiy markazlar (universitet va institutlar), ishbilarmon-tadbirkorlar va davlat hamkorligining yo'lga qo'yilishi, ilmiy izlanuvchilar uchun yanada keng imkoniyatlarni taqdim etib, oliy ta'lim muassasalari, ishlab chiqarish korxonalari integratsiyasini tashkil etish va bu ishlarni bevosita hukumat tashkil etishi, hamma tomonlar uchun samarali va foydali hamkorlik yaratishga zamin yaratadi.

Yurtimizda ilmiy-tadqiqotlar, ixtirolar va innovatsion faoliyatni rivojlantirishga zamonaviy yondashuvlarni samarali tashkil etishda quydagi asosiy jihatlarga e'tibor qaratish lozim:

- ilmiy markazlar (institut va universitetlar) faoliyatini tashkil etishda va amaliy-ilmiy tadqiqotlar va innovatsion faoliyatni rivojlantirish xalqaro tajribalarga asoslanib olib borilishi;
- professor-o'qituvchilar tarkibidagi real ishlab chiqarish jarayonlarida ishtirok etgan, amaliy tajribalarga ega, ilg'or amaliy tadqiqotlar olib borgan va aniq natijalar ko'rsatgan olimlarni maqsadli qo'llab-quvvatlash va aniq tadqiqot natijalarini rag'batlantirish mexanizmini yaratish lozim;
- ilmiy markazlarda tashkil etiladigan tadqiqot ishlari bevosita ishlab chiqarish jarayonida tashkil etilishi va buni oliy ta'lim muassasalari, tadbirkorlik subyektlari va davlat hamkorligida amalga oshish;
- ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishda va rivojlantirishda fundamental fan va ishlab chiqarish bilan bevosita aloqalarni o'rnatish va xalqaro ilmiy bozor bilan aloqalarni kengaytirish yo'llarini topish;
- ishlab chiqarish jarayonlari bilan sintezda mahalliy ilmiy va tadqiqot ishlarini rivojlantirish, ko'lamini kengaytirish;
- ilmiy tadqiqot ishlarini sifati va samarasi jihatidan rag'batlantirishning yangi tamoyillari va mexanizmlarini yaratish;
- ilmiy tadqiqotlar va ixtirolarni rivojlangan davlatlar ilmiy markazlari bilan qo'shma loyiha asosida olib borish va hamkorlik qilish lozimdir.

Xulosa qilib aytganda, respublika oliy ta'lim muassasalarining bevosita ishlab chiqarish bilan integratsiyasi ilmiy tadqiqotlar va ixtirolarning samarali tashkil etilishiga zamin yaratadi, kadrlar tayyorlashda, texnik mutaxassislarning ilmiy salohiyati va malakasiga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ishlab chiqarish va ilmiy markazlar integratsiyasi natijasida tashkil etilgan ilmiy tadqiqotlar, izlanishlar bilan yaratilgan innovatsion ilmiy ishlanmalar va ixtirolar ko'payadi va sifati oshadi, bu ishlarni yaratgan ilmiy xodimlarni davlat tomonidan rag'batlantirilishi va qo'llab-quvvatlanishi esa ilmiy soha rivojlanishini yanada jadallashtiradi va samarali ta'sir ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-son qarori, 20.04.2017. (<https://www.lex.uz/docs/-3171590>).

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatni rivojlantirishning normativ-huquqiy bazasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida". VM-133-son qarori 09.03.2020. (<https://lex.uz/uz/docs/-4759202>)

3. III. Назаров "Организация науки как фактор перехода к инновационному развитию". Журнал: Экономическое обозрение №1 (229) 2019, 25.01.2019 (<https://review.uz/ru/post/organizatsiya-nauki-kak-faktor-perexoda-k-innovatsionnomu-razvitiyu#>).

4. D. Tojiboeva, A. Yo'ldoshev. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. Darslik. T.: "Aloqachi". 2009. 568 bet.

KADRLAR TAYYORLASH TIZIMIDA INNOVATSION HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

Ergashev Baxtiyor Abloqulovich, Jizzax politexnika instituti assisenti

Annotatsiya. Ushbu maqolada uzluksiz ta'lim tizimi, mamlakatimizda ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar, ta'lim tizimini innovatsion rivojlantirish tendensiyalari haqida mulohaza yuritilgan. Mamlakatimiz kelajagining qanday bo'lishi hozirgi ta'lim jarayoniga bog'liq ekanligi haqidagi fikrlar maqola mazmunining oshishiga xizmat qilgan. Maqolada berilgan ma'lumotlardan barcha ta'lim tizimi xodimlari faoliyatlarida foydalanishlari mumkin.

Tayanch so'zlar: uzluksiz ta'lim, ta'lim tizimi, innovatsiya, innovatsion rivojlanish, ta'lim sifati va maqsadi

Аннотация. В данной статье рассматриваются система непрерывного образования, осуществляемые в нашей стране реформы в сфере образования, тенденции инновационного развития системы образования. Мысли о том, как будущее нашей материки зависит от текущего образовательного процесса, послужили увеличению содержания статьи. Информация, изложенная в статье, может быть использована в деятельности всех работников системы образования.

Ключевые слова: непрерывное образование, система образования, инновации, инновационное развитие, качество и цель образования.

Annotation. This article discusses the system of continuing education, ongoing reforms in our country in the field of education, trends in innovative development of the education system. Thoughts about how the future of our mother depends on the current educational process, served to increase the content of the article. The information presented in the article can be used in the activities of all employees of the education system.

Keywords: continuing education, education system, innovation, innovative development, quality and purpose of education.

Bugungi kunda har qanday davlatning asosiy tendensiyasida innovatsion faoliyat yuqori o'rinlarni egallamoqda. Innovatsiya hayotimizga kirib kelganiga hech qancha bo'lmay sezilarli darajada misli ko'rinmagan texnologiyalarni taqdim etmoqda. Shu bilan bir qatorda jamiyatning barcha sohalarining rivojiga o'zining ta'sirini ko'rsatibgina qolmay, balki ta'lim sohasi tizimiga ham bir qancha texnologiyalarni taqdim etmoqda.

Mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy sohalarida bo'layotgan tezkor o'zgarishlar ta'lim tizimini ham tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda, chunki mukammal ta'lim tizimi orqali respublikamizning kelajak intellektual imkoniyatlarini va uni gullab-yashnashi hamda rivojlanishini belgilab beruvchi yoshlarni har tomonlama ijodkor, mustaqil faoliyat yuritadigan qilib tarbiyalashda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Shuning uchun ta'limda eng muhim strategik yo'nalish bo'lib ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyati hisoblanadi. Bu esa barcha ta'lim muassasalarida, ayniqsa ijodkor, yuqori salohiyatli mutaxassis kadrlarni tayyorlovchi oliy ta'lim orqali intellektual mulkni tayyorlash va intellektual mulk tizimini innovatsion faoliyat ko'inishida amalga oshirish bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi

Mamlakatimizda rivojlanib borayotgan innovatsion siyosat ta'lim oldiga muhim va mas'uliyatli vazifalarni qo'yimoqda.

Mamlakatimizda Prezidentimiz rahnamoligida ta'lim tizimini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida e'tirof etilgan. «Bugungi kunda oldimizga qo'ygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli, amalga oshirayotgan islohotlarimiz, rejalarimizning samarasi taqdiri eng avvalo, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas boq'liq». [1.48-b]

Bugun hayotimizning hal etuvchi muhim masalalari qatorida ta'lim-tarbiya mazmunini tubdan o'zgartirish, uni zamon talabi darajasiga ko'tarish asosiy o'rinni egallaydi.

Ta'limning bugungi vazifasi ta'lim oluvchilarni kun sayin ortib borayotgan axborot-ta'lim muhiti sharoitida mustaqil faoliyat ko'rsata olish, turli sohalarida zamonaviy axborot texnologiyalarini samarali qo'llash va axborot oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iborat. So'nggi yillarda ta'lim tizimiga shiddat bilan kirib kelayotgan yangi pedagogik texnologiyalar, innovatsiyalar, yangi-yangi pedagogik-psixologik tushunchalar, interfaol metodlarni ta'lim beruvchi

tomonidan o'zlashtirilib va qo'llanib borilishi ta'lim mazmunini tubdan o'zgartirib yubordi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Hozirgi kunda barcha soha-yu fanlar jadal rivojlanib borayotgan bir paytda samarali o'qitilyaptimi? Bugungi kunda barcha o'qituvchilar dars mashg'ulotini to'g'ri tashkil qila oladimi? Dars mashg'ulotining samaradorligi qanday omillarga bog'liq? Bu kabi savollarga hozircha ijobiy javob bera olmasligimiz, achinarli holdir.

Zamonaviy o'qituvchi dars jarayonida "aktyor" emas "rejissyor" bo'lishi kerak. U o'z o'quvchilarini fanga ijodkorlik bilan qarashlarini tashkil etish, ularda izlanuvchanlik xususiyatlarini shakllantirish, shuningdek yangi pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda darsni tashkil etishi kerak. Buning uchun esa o'qituvchi yangi ta'lim usullari va metodlarini bilishi, dars jarayonida ulardan samarali foydalanishi maqsadga muvofiq.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

Ma'lumki, uzluksizlik va uzviylik ta'lim tizimida ortiqcha takroriylikka chek qo'yib, avvalo, jamiyatning ma'naviy va intellektual salohiyatini kengaytiradi, qolaversa, davlatning ijtimoiy va ilmiy-texnik taraqqiyotini takomillashtirish omili sifatida ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi.

Innovatsion texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o'quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashuvi va takomillashuvi jarayonida har bir inson o'z kasbiy tayyorgarligini, mahoratini kuchaytirish imkoniyati yaratiladi. [2. 57-b]

Uzluksiz ta'lim chuqur, har taraflama asosli ta'lim-tarbiya berish, mutaxassis kadrlar tayyorlashning turli shakl, usul, vosita, uslub va yo'nalishlarining mukammal uyg'unligidan iboratdir. Uzluksiz ta'lim sifatini turli komponentlar o'rtasidagi o'zaro aloqadorlik, muayyan usullar va uslublarning ta'lim jarayoniga oqilona tatbiq etilishi ta'minlaydi. Ta'limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik talab talaba (yoki o'quvchi)ning dasturiy bilim, tasavvur va ko'nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o'quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg'ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir.

Jahon pedagogik tajribasi, zamonaviy innovatsion texnologiyalarining talaba (yoki o'quvchi)larni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda. Ta'limning bugungi vazifasi o'quvchilarni kun sayin oshib borayotgan axborot ta'lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko'rsata olishga axborot oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur.

O'zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidan borayotgan bir paytda ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi va xarakterga keltiruvchi kuchi har tomonlama rivojlangan barkamol insonni tarbiyalashdan iboratdir. Mamlakatimizda innovatsion rivojlanishning muhim sharti zamonaviy iqtisodiyot, fan, madaniyat, texnika, texnologiya rivoji asosida kadrlar tayyorlashning takomillashgan tizimining amal qilishiga erishishdir. Bu vazifalarni amalga oshirish uzluksiz ta'lim tizimining tuzilmasi va mazmunini zamonaviy fan yutuqlari va ijtimoiy tajribaga tayangan holda tub islohotlarni amalga oshirishni ko'zda tutadi. Buning uchun, avvalo, ta'lim tizimining barcha shakldagi muassasalarida ta'lim jarayonini ilg'or, ilmiy-uslubiy jihatdan asoslangan yangi va zamonaviy uslubiyot bilan amalda ta'minlash lozim.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishning maqsadi, vazifalari, mazmuni, uslubiy talablariga ko'ra fan, texnika va ilg'or texnologiya yutuqlaridan unumli foydalanish bugungi ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Zamonaviy, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati uzluksiz ta'lim tizimi orqali shaxsning har tomonlama barkamol fuqaro bo'lib yetishishini ko'zda tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Islom Karimov. O'zbekiston mustaqil taraqqiyot yo'lida. –T.: «O'zbekiston», 1994.
2. K. Turg'unboev, F. Komilova, Z. Jo'raboeva. Pedagogika nazariyasi tarixi. O'quv qo'llanma. "Andijon" nashr. 2005.
3. Hasanboev J., Sariboev H., Niyozov G. Pedagogika. Toshkent: Fan, 2006.
4. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A. Ta'limdagi innovatsion texnologiyalar. T., 2008

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдурасулова Д.Т., ЖДПИ, Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим тизимида ёшларга замонавий билим беришда инновацион технологияларнинг тутган ўрни таҳлил этилган. Шунингдек, олий таълим тизимининг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида, қилиниши лозим бўлган ишлар таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: Олий таълим тизими инновацион педагогик технологиялар, янги ўқув жараёнини модернизациялаш, технологик ёндашув, илғор таълим технологиялари, оптималлаштирилган ўқув дастурлари, тизимли инновациялар, рақобатдордош кадрлар ва бошқалар.

Ключевые слова: Система высшего образования, инновационные педагогические технологии, модернизация нового образовательного процесса, технологические инновации, передовые образовательные технологии, оптимизированные учебные программы, системные инновации, конкурентоспособные кадры.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим соҳасига жорий этилаётган инновацион педагогик технологиялар нафақат таълим тизимидаги ислохотларининг муваффақиятини мустаҳкамловчи, балки салоҳиятли кадрлар тайёрлашни янги босқичини таъминловчи ва мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги мустаҳкам ўрнини қафолатловчи куч сифатида қаралмоқда.

Таълим тизимида ёшларга замонавий билим беришда инновацион технологияларнинг ўрни бекиёслиги ҳеч кимга сир эмас. Дарс жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллашда ҳамда замонавий услублар таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади, рақобатдордош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳаларида, шу жумладан таълим тизимида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ва уни ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш муаммоси бўйича: “Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” деб таъкидлаб ўтганлар. [1]

Мамлакатда таълим тизимини ислох этиш натижасида инновацион педагогик технологияларни қўллаш стратегиясида, яъни кадрлар салоҳиятидан, уларнинг билим ва қобилиятидан унумли фойдаланган ҳолда жамият ҳаётини юқори даражада яхшилашга эришиш таълим тизимида инновацион педагогик ёндашувнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб берди.

Ҳозирги кунда республика олий таълим муассасасилари янги ўқув жараёнини модернизациялаш ва олий таълим тизими ўқув-методик фаолиятига инновацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш дастурини бажарилиши устида иш олиб боришмоқда.

Маълумки, олий таълим ислохотлари – энг аввало рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва меҳнат бозорига йўналтирилгандир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва билим олиши, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларни яратиш, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Фан -техника ва технология соҳасида эришилган ютуқлар асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукамал тизimini янада ривожлантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Бугунги кунда, фан-техниканинг жадал тараққиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширувчи ёш авлод қобилиятларини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Шу сабабали мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизimini 2017 — 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарориди: “Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамқорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...” . [2] таъкидланиб, муқим аҳамият касб этади.

Ҳар бир дарс, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқитувчи ва талабанинг мақсади ижобий натижага эришиш экан, дарсда қандай технологиядан фойдаланиш улар ихтиёрида. Ўқитувчининг маҳоратига қараб, компьютер билан ишлаш, фильм, тарқатма материал, плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар, пухта лойиҳаланган интерфаол усуллар қўллаш мумкин. Мавзу материални баён этиш пайтида ўқувчиларга саволлар бериш ҳам яхши самара беради. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг материални қандай ўзлаштирганликларини билиб олади. Шу билан бирга, ўқувчилар ўқитувчининг истаган пайтда сўраб қолишини билиб, уни диққат билан эшитадилар. Ўқувчиларни ўқитувчига саволлар беришга одатлантириш ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шунингдек, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширади. Ўқувчиларни фаоллаштириш, уларда ўтилаётган дарсга қизиқиш уйғотиш ҳам педагогга боғлиқ таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кучайиб бормоқда.

Шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар асосида улар эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишга, мустақил ўрганиб таҳлил қилишга, хулосани ўзлари чиқаришга ундалмоқда. Бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланиши учун шароит яратилади.

Инсоният ривожининг тарихи унинг талабларини қондириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодир муносиб кадрларга эҳтиёж сезиб келганидан гувоҳлик беради. Бу жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунинг учун эса кадрлар сиёсати негизида маънавият ва маърифат, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси учун юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал этиш учун иқтисодий таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, бўлажак мутахассисларда касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида “Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизимига босқичма–босқич ўтиш” [3] каби вазифалар белгиланган

- научное обоснование важности формирования культуры и профессионализма у обучающегося в системе непрерывного образования [6] обусловлены общими и частно-предметными возможностями решения задач формирования культуры и профессионализма у обучающегося в системе непрерывного образования;

- научное обоснование важности теоретизации возможностей воспитания в профессионально-педагогической подготовке педагога [7] позволяют в целостном осмыслении составляющих теоретизируемого процесса определить глубину и точность выстраиваемых действий и деятельности педагога;

- профессионализм личности в конструктах теоретизации и унификации в педагогике развития, физической культуры и спорта [8] определяет целостное построение процесса формирования профессионализма как ценности и идеи развития личности и общества.

Цель работы: изучение и теоретизация возможностей формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ.

Формирование профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – процесс постановки и решения задач целостного выбора условий и технологий

развития личности тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ в контексте достижения личностью «акме» в профессии, т.е. профессионализма.

Профессионализм тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – ценность и идея достижения личностью «акме» в профессии.

Принципы формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – основные положения, обеспечивающие целостность представлений о качестве и результативности формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ.

Функции формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – основные задачи формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ, гарантирующие системность реализации идей формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ.

Модели формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – идеальные представления о качестве и системности формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ, предопределяющие успешность решения задач развития личности в ДЮСШ.

Педагогические условия повышения качества формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ – совокупность кейс-условий, раскрывающих многомерность сравнения и сопоставления возможностей гибкого управления качеством формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ.

Педагогические условия повышения качества формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ:

- наукосообразность в теоретизации и уточнении процесса повышения качества формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ;
- согласованность и корректность деятельности по формированию профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ;
- ведущая роль руководителя образовательной организации в качестве достижений обучающихся, тренеров и педагогов дополнительного образования в ДЮСШ;
- системность и смысловая корректность в развитии личности в ДЮСШ;
- мотивация и гибкое управление качеством формирования уровня притязаний и объективной, достоверной самооценки личности;
- доступность и достаточность всех составляющих в процессе формирования профессионализма тренера и педагога дополнительного образования в ДЮСШ;
- использование адаптивно-продуктивного, репродуктивно-продуктивного и креативно-продуктивного подходов в гибком управлении качеством персонификации и унификации возможностей развития личности;
- включенность личности в систему непрерывного образования как гаранта формирования успешности и продуктивности.

Использованная литература

1. Гутак О.Я., Козырев Н.А., Козырева О.А. Профессионализм личности как продукт персонификации развития и непрерывного образования // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2018. № 1. С. 10–14.
2. Козырева О.А., Устаев Р.М. Культура деятельности личности в контексте общепедагогических и профессионально-педагогических возможностей непрерывного образования // Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2019. № 3 (72). С.166-179.

3. Коновалов С.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Профессионализм личности как универсальная категория современного образования // Бизнес. Образование. Право. 2019. № 2 (47). С.334–343.

4. Коновалов С.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Теоретико-методологические возможности использования педагогического моделирования в системе педагогического и инженерно-технического образования // Вестник Удмуртского университета. Серия Философия. Психология. Педагогика. 2019. Т. 29. № 1. С. 72-86.

5. Маринич Н.В., Козырев Н.А., Шевченко Р.А. Культура профессиональной деятельности личности: детерминанты и модели // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2018. № 4. С. 11–19.

6. Монгуш С.А., Козырева О.А. Научное обоснование важности формирования культуры и профессионализма у обучающегося в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междунар. участ.) науч.-практич. конфер., 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.33-36.

7. Столяров В.А., Угольникова О.А. Научное обоснование важности теоретизации возможностей воспитания в профессионально-педагогической подготовке педагога // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междунар. участ.) науч.-практич. конфер., 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.168-170.

8. Судбина Л.Н., Омельчук И.Н., Сидоренко Е.А. Профессионализм личности в конструктах теоретизации и унификации в педагогике развития, физической культуры и спорта // Современные проблемы физического воспитания и безопасности жизнедеятельности в системе образования : сб. науч. тр. III Всеросс. науч.-практ. конфер. (Ульяновск, 28–29 ноября 2019 г.). Ульяновск : УлГПУ им. И.Н. Ульянова, 2019. С.326-330.

ШАХС ПСИХОЛОГИК САЛОМАТЛИГИ МЕЗОН ВА КЎРСАТГИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

Рахимова Дилором Шухратовна, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси катта ўқитувчиси
urakhimova.dilorom.73@mail.ru

Аннотация: Мақолада шахс психологик саломатлиги мезон ва кўрсаткичларини аниқлаш масалаларига инновацион ёндашув ёритилган ҳамда психик ва психологик тушунчаларининг фарқлиниши ва таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: саломатлик, психик саломатли, психологик саломатлик, ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзини тартибга солиши.

Annotation: The article highlights the issues of an innovative approach to the definition of criteria and indicators of psychological health, as well as the differences and analysis between the concepts of mental and psychological health.

Key words: health, mental health, mental health, self-control, self-management.

Аннотация: В статье освещаются вопросы инновационного подхода к определению Жамиятнинг тарихий ривожланиши давомида инсон саломатлиги масаласи энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги вақтда инсон саломатлиги устувор ижтимоий кадрият сифатида кўриб чиқилиб, бу барча соғлом фикрли инсонлар ва фалсафа, тиббиёт, психология, педагогика ва бошқа турли хил илмий соҳа олимларини ушбу феномени таҳлил қилиш ўзига жалб қилади. “Саломатлик” феноменини таҳлили билан шуғулланган бир қатор олимлар фикрига кўра, уни тушуниш борасида кўпинча учлик бирлиги, яъни биологик, психик ва социал саломатлик кузатилади (Ананьев В. А., Анохин П. К., Леонтьев А. Н., Мясищев В. Н., Шувалов А. В. и др.) [1; 11]. Айрим илмий ишларда умумий саломатликнинг таркибий қисмларини классификация қилишга бўлган бошқа бир ёндашув учрайди. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқотчилар саломатликни шартли

равишда жисмоний ва психик; жисмоний ва психологик ва бошқаларга ажратишади. Кўриб турганингиздек, илм-фан соҳасида умуман олганда инсон саломатлигининг барча таркибий қисмларини тушуниш борасида аниқ бир ёндашув мавжуд эмас. Шунга қарамай, келтирилган ёндашувларда умумий бўлиб, инсон томонидан ўз-ўзини ва бошқаларни англамай, позитив шахслараро муносабатларни ўрната олмай, олий умуминсоний кадриятларни англаб етмасдан ва қабул қилмасдан туриб, моддий соҳада эришилган ютуқларни ўзигина бахт-саодат ҳиссини тўлатқис бера олмаслигини тан олинishi ҳисобланади. Фақат ушбу ҳолатлар йиғиндиси мавжуд бўлганидагина шахсга фаровонлик, бахт-саодат ва соғ-саломатликка эришиш имконини бериши мумкин. Бунда уларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳақиқатдан ҳам жисмоний, ҳам психик ва ҳам социал саломатлик ҳисобланади. Ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бир ўзига алоҳида диққат-этибор, шунингдек ўзининг батафсил таҳлилини талаба қилади.

Шу муносабат билан психик ва психологик саломатлик каби тушунчаларини фарқлаш ҳамда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса тасодифий эмас. Кўпгина тадқиқотчилар “психологик саломатлик” тушунчасини, мазмунига кўра унга яқинроқ бўлганбошқа бир тушунча – “психиксаломатлик” атамаси билан бир хил, деб қарашади. А.В. Петровский ва М.Г. Ярошевский луғатида “психик саломатлик” касал психик ҳолатларни мавжуд эмаслиги билан биргаликда атроф воқелик шарт-шароитларига адекват бўлган хулқ-атвор ва фаолиятни тартибга солиш, бошқарилишини таъминловчи руҳий фаровонликҳолати сифатида қаралган [9]. Бошқа бир луғатда қуйидаги таърифни учратиш мумкин: “психик саломатлик” – бу адекват ўз-ўзини тартибга солиш, бошқаришини таъминловчи (субъектив психик образларни воқеликка, психик реакцияларни кўзғатувчи ва унинг объектив маъно-мазмунига мос эканлиги, шахслараро ўзаро хатти-ҳаракат ва таъсирларга мослашганлик, рационал мақсад кўя олиш ва мақсадга йўналган хатти-ҳаракатларни қила олишга қодирлик, базавий ижтимоий кадриятларга риоя этиш) индивиднинг психик фаровонлик ҳолатидир [3]. Бунда икки атама ўз маъно-мазмунига кўра кўп жиҳатдан бир-бирига яқин бўлсада, улар айнан бир хил эмаслиги кўриниб турибди.

Психологик саломатлик масалалари В.А. Ананьев, Е.Р. Калитиевская, Л.Н.Кулешова, А.В. Шувалов, А. Маслоу, Ф. Перлз каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган [1; 4; 5; 7; 10; 11]. А.Маслоу фикрига кўра, тиббий эмас, балки экзистенциал маънодаги асл саломатлик, яъни психологик саломатлик ижодий ўсиш ва ўз-ўзини ривожлантиришни англатади [7]. Ф. Перлзтадқиқотларида инсон психологик саломатлиги – бу инсонни “муҳитга таяниш” ҳолатидан “ўзига таяниш” ҳолатига ўта олишга қодирлиги бўлиб, бу ўз-ўзини тартибга солиш ва ўз-ўзини бошқара олишда, шу жумладан, ўз шахсий саломатлигини бошқара олишда намоён бўлади, деган таъкидлашни учратишимиз мумкин [10]. Е.Р. Калитиевская ҳам психологик саломатлик – бу шахсий ўз-ўзини тартибга солиш механизмларининг етуқлиги, сақланганлиги ва фаоллиги, инсонни ўз ҳаётининг фаол ва автоном субъекти сифатида биологик, социал ва мазмуний детерминизмининг трансцендлаштиришга (ҳодисаларни тажриба билан эмас, балки фақат ақл-идрок билан тасаввур қилиниши) қодирлигининг ўлчовидир, деб таъкидлаган [5]. Юқоридан айтилганларидан кўриниб турибдики, “психологик саломатлик” ва “психик саломатлик” атамаларининг ўзи бир маънони касб этмайди, бироқ аввалам бор улар икки фан ва амалиётни икки соҳаси: тиббиёт ва психологияни боғлаб туради.

Биз инсон психологик саломатлиги феноменини кўриб чиқишга қарор қилганлигимиз муносабати билан айнан унинг мезонлари вакўрсатгичларини ажратиб олишимиз лозим. Бунда мезонларни ажратишни инсон муҳитнинг ажралмас қисми эканлигини тан олишдан бошланиши керак. Бинобарин, мезонларни ажратиш ва гармония, инсонни психик, психологик ва жисмоний саломатлигини сақланганлигини кўрсатиб берувчи муҳит ва инсон ўртасига оптимал мувозанатни аниқлаш ҳақидаги масалани долзарблашиш жараёни табиий бўлади. Бу ҳақида А.Ф. Лазурский (1923 й.) тадқиқотларида сўз юритилган бўлиб, унинг фикрича, шахс ва муҳит ўртасидаги гармониянинг энг яхши шакли, воситаси ва кўрсатгичи бўлиб альтруизм (ўз шахсий манфаатлари билан ҳисоблашмасдан, бошқалар фойдасига беғараз хатти-ҳаракат қилишга тайёрлик) ҳисобланади [6]. Худди шундай ёндашувни Б. С. Братусь тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин бўлиб, олим унда шахснинг семантик соҳасини учта даражаси шаклида кўриб чиқиб, диққат-этиборни энг юқори даражасига қаратади. Ушбу даража, тадқиқотчи фикрига кўра, умуминсоний, ахлокий-семантик

(маъно ҳосил қилувчи) йўналиш билан ифодаланади, унинг мазмуни эса хайрихоҳлик, инсонларга ҳурмат, уларга ҳамдардлик ва ишониш, саҳийлик, бошқаларнинг манфаати йўлида ўзини фидо қилиш, камтарлик, ҳалоллик, самимийлик ва бошқалар каби шахсий фазилатларни ўз ичига олади [2].

Бошқа назарий тадқиқотлар ва амалиётни кўрсатишича мазкур муаммо контекстида инсоннинг меъёрий ривожланишининг моҳиятини яхлитликда ташкил этади. Ушбу тадқиқотлар мезонлардан бири сифатида шахсий-семантик (маъно ҳосил қилувчи) мезонни аниқлаш имконини беради. Унинг кўрсаткичи бўлиб юқорида келтирилган шахс сифатлари ҳамда адекват ўз-ўзини баҳолаш, шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, позитив Мен-концепциясини қуришга кодирлиги ва тайёрлиги ҳисобланади. Яна бир бошқа муҳим мезон сифатида когнитив мезонни айтиш мумкин. Унинг кўрсаткичи бўлиб эса саломатлик, унинг таркибий қисмлари, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш восита ҳамда йўллари ҳақидаги турли туман билимларнинг йиғиндиси, саломатликнинг роли ва уни инсоннинг асосий функция ҳамда ҳаётини фаолиятига таъсирини англаб етиш, ҳаётини фаолият учун асосий хавф ва хавфга қарши омилларини тушуниш ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Бусиз ҳар томонлама соғлом инсонни тасаввур қилиш қийин.

Кейинги мезон сифатида мотивацион-хулқ-атвор мезонини кўриб чиқиш мумкин. Ушбу мезон кўрсаткичига инсонга ўзгарувчан атроф-муҳитнинг шарт-шароитларига муваффақиятли мослашишни таъминловчи хулқ-атворнинг конструктив усуллари ва ўзига ҳослигини, шахсни хулқ-атворнинг самарали стратегияларини лойиҳалаштиришга ҳамда муаммоли вазиятларни ҳал этишга эҳтиёж ва қобилият, фаоллик, социал маъқулланувчи фаолиятнинг турли хил кўринишларига полимотивациянинг мавжудлиги ва бошқаларни киритиш лозим. Эмоционал мезонларни ҳам ажратиш катта аҳамият касб этиб, унинг кўрсаткичи сифатида ўз-ўзини тартибга солиш ва ўз-ўзини бошқаришнинг юқори даражасини, атроф-муҳитнинг негатив омиллари таъсиридаги стрессларга чидамлик, умумий ижобий эмоционал фон ва бошқаларни кўриб чиқишимиз мумкин.

Албатта, бу шахс психологик саломатлигининг мумкин бўлган мезон ва кўрсаткичларининг тўлиқ рўйхати эмас. Инсонни туғилганидан ва то унида жисмоний, психологик, психик, социал жиҳатдан соғлом шахсга ҳос соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини тўлиқ шаклланишига ҳамда шахсни хулқ-атворнинг барқарор стереотиплари ишлаб чиқишига қадар саломатлик илмий-назарий ва амалий таҳлил предметида айланиши лозим. Бунга эса инсонга жамият ва атроф-муҳит билан уйғунлашиш имконини берувчи соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гигиеник, экологик тарбия; фаолият ва мулоқат субъектига стрессли вазиятларни енгиб ўтиш ҳамда организмнинг ҳимоя кучларини ошириш имкониятини берувчи психологик тарбия; экстримал вазиятларда динамик ўзгариб бораётган дунёда саломатликни сақлаб қолиш имконини берувчи хавфсиз ҳаётини фаолият асосларини ўрганиш орқали эришиш мумкин [8].

Шахс психологик саломатлигининг мезон ва кўрсаткичларини аниқлаш билан боғлиқ масаланинг таҳлили ушбу мезон ва кўрсаткичларнинг ягона тўплами мавжуд эмас, деган хулосаларни чиқариш имконини беради. Бироқ асосийлари сифатида шахсий-семантик, когнитив, мотивацион-хулқ-атвор, эмоционал мезонларни айтиш мумкинлиги бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари эса адекват ўз-ўзини баҳолаш асосида позитив Мен-концепциясини қура олишга, мавжуд барча воситалар ёрдамида ўз саломатлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга кодир бўлган фаолият субъекти сифатидаги қандайдир бир инсон эталонини умумлашган вариантда тасаввур қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ананьев В. А. Психология здоровья: синтез знаний о личностном росте // Вестник психосоциальной и коррекционно-реабилитационной работы. 2006. №3.
2. Братусь Б. С. Психология и этика: опыт построения дискуссии. Самара: БАХРАХ, 1999.
3. Еникеева М. И. Общая и социальная психология. Терминологический словарь. -М., 1999.
4. Кулешова Л. Н. Позитивное психическое здоровье. В кн. «Здоровый город – здоровые дети». Ставрополь, 2000.

5. Калитиевская Е. Р. Психическое здоровье как способ бытия в мире: от объяснения к переживанию // Психология с человеческим лицом / под ред. Д. А. Леонтьева, В. Г. Щур. М.: Смысл, 1997.
6. Лазурский А. Ф. Классификация личностей. М., 1923.
7. Маслоу А. Мотивация и личность. СПб.: Евразия, 1999.
8. Оглоблин К. А. Теоретические основы курса «Применение здоровьесберегающих технологий в школе» / К. А. Оглоблин, С. М. Симоненко // Интеграция образования. 2005. № 3. Саранск: изд. Морд. гос. унив.
9. Петровский А. В., Ярошевский М. Г. Психологический словарь. М.: Политиздат, 1990.
10. Перлз Ф. Гештальт-семинары / пер. с англ. М.: Институт Общегуманитарных исследований, 2007.
11. Шувалов А. В. Гуманитарно-антропологические основы теории психологического здоровья // Вопросы психологии. 2004. № 6.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА

Сангиров Беззод, Жиззах ДПИ

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида гендер тенгликка эришиш йўлида амалга оширилган жуда катта ишлар, шунингдек, оиланинг ижтимоий муҳофазаси, оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган масалаларига урғу берилган.*

Калит сўзлар: *Гендер, феминистлар, феминизм, маскулин, жинсий тенглик*

Бугунги кунда, замонавий жамиятда глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг кенг кўламда қулоқ отиши, янги муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Жамиятшунос тадқиқотчилар томонидан изчил ва чуқур ўрганилиши лозим бўлган муаммолар қаторига бугун ҳеч иккиланмасдан “гендер” жараёнларни ҳам киритиш мумкин. Социологлар ҳаракатлар натижалари орасидаги тафовутга, яъни шу ҳаракатлар орқали вужудга келадиган қутилмаган натижаларга диққат билан эътибор қаратадилар. Чунки бу ҳолат жамият таракқиёти тўғрисида муаммога айланиб улгурган ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Биз томонимиздан илгари сурилайётган “гендер” мавзуси бугунги кунга келиб муаммоли вазият сифатида XX аср охириларидек шов-шувли аҳамият касб этмаса-да, бугунги жамиятлар ва уларнинг турмуш тарзида ушбу масаланинг ижтимоий жиҳатларини илмий позисиясидан туриб таҳлил этиш имконини беради.

Хотин - қизлар ҳаракати даставвал Шимолий Америкада, 1775-1783 йиллар давомида мустақиллик учун кураш шароитида ва Францияда 1789- 1794 -йиллардаги инқилоб даврида вужудга келди. Дастлабки феминистлар хотин - қизларнинг эзилиши ҳамда уларнинг эркакларга қарамлиги сабабларини излар экан, уларни ҳам ҳуқуқий ва ижтимоий жабҳаларда кўради. Уларнинг қарашлари феминистик дунёқараш, кейинчалик феминистик назария шаклини олди. Бирок, феминистларнинг хотин - қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтириш борасидаги чиқишлари жамият учун қутилмаган бўлиб, ҳаммада ва ҳатто аёллар орасида ҳам ижобий қабул қилинмаган. Феминизмнинг ривожига 1792 йилда Германияда чоп этилган Теодор фон Гиппелнинг "Хотин -қизларнинг фуқаролик ҳолатларини яхшилаш тўғрисида"ги асари, 1792 йилда Англияда чоп этилган "Хотин -қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" асари кучли таъсир кўрсатган. Жумладан, Улжтоункрафт ўз китобида шундай деб ёзади:"Аёллар маданиятнинг барча камчиликлари ва нуқсонларини ўзига қабул қилиб, фойдали неъматларини ён бердилар". Унинг фикрича, адолатли жамиятда жинсига кўра камситиш бўлмаслиги керак ва у йўқ қилиниши лозим. Унинг концепцияси ўз даврининг либерал қарашларига асосланган бўлиб, бунда тенглик қонун олдидаги тенглик сифатида тушунилар эди. Суд тизим тўлиқ хотин - қизларнинг қарамлигини қўллаб - қувватлаган бир даврда аёллар ва эркакларнинг қонун олдидаги тенглиги талаби ўз даври учун илғор ҳисобланган. Бундан учта асосий талаб келиб чиққан: биринчиси: хотин - қизлар

иктисодий мустақилликка эга бўлиши керак; иккинчиси - улар эркаклар билан тенг юридик ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши керак; учинчидан - таълим ва ижтимоийлаштириш амалиётида тегишли зарурий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. (Emma Sabzalieva Gender gaps in higher education across Central Asia)

Гендер узи нима? Гендер бу умуман олганда - эркаклар ва аёлларнинг умумий тенглик нуқтаи назаридан фарқларини ва томонларнинг барча йўналишлардаги ҳақиқий ўрнини ақс эттирувчи тушунча ҳисобланади.

Гендер тушунчасида асосий таянч нуқта бўлиб, икки тушунча яъни, “жинс” ва “гендер” тушунчалари ўртасидаги фарқ тушунилади. Айрим ҳолларда ушбу тоифалар (жинс – эркак, аёл; ва гендер – маскулин, фемин) бир хил мазмундаги тушунчалар сифатида ақс эттирилади

Гендер тенглиги тушунчасининг вазифаси нима? Бундан мақсад жамиятда аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий имкониятларини кенгайтиришдир. Хозирга пайтда дунё аҳолисининг 50% дан кўпроғини аёллар ташкил қилишига қарамай, улар дунё бойлигининг атиги 1% га эгалик қилишади. Дунё бўйлаб аёллар ва қизлар чекланмаган вақт давомида ҳеч нарса тўланмайдиган оғир, уй ишларини бажаришади. Айрим жойларда эса аёллар ҳатто мулкни мерос қилиб олиш, кредит олиш, даромад олиш ёки иш жойида камситмаслик ҳуқуқига ҳам эга эмаслар. (www.who.int/health-topics/gender)

Гарчи дунё гендер / жинсий тенглик борасида катта қадамларни ташлаган бўлса-да, кенг тафовут сақланиб қолмоқда ва афсуски, тобора кенгайиб бормоқда. Жаҳон иқтисодий форуми (WEФ, 2019) ҳар йили дунёда аёллар ва эркаклар ўртасидаги иқтисодий имкониятларга, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа имкониятларга эга бўлишдаги тенгсизликни баҳолайди. Уларнинг энг сўнгги маърузасига кўра гендер тенгсизлиги хали ҳамон муаммолигича қолмоқда ва ҳаётини муҳим имкониятларга эга бўлишда гендер тафовут мавжуд; бу айниқса соғлиқни сақлаш, олий таълим олиш каби жараёнларда яққол намоён бўлмоқда. (www.who.int/health-topics/gender)

Кейинги пайтларда кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий эркакларга ҳос ва аёлларга ҳос деб ҳисобланган тасаввурлар ҳатто бир жинс ривожини тарихи даврда ўзгариши мумкин. Шахснинг эркакларга ёки аёлларга ҳос деб ҳисобланган хусусиятлари бугунги кунгача жамият томонидан у ёки бу жинсга нисбат берилдиган кийим, одатлар, бош кийим каби жинсга кам даражада тааллуқли. Шуниси муҳимки, биологик ва ижтимоий хусусиятлардан ташқари гендерга моддий хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатди. Энг кенг маънода маданий - инсоният томонидан дунё ҳақидаги билимларни англаш ва тартибга солиш давомида вужудга келган нарсалар. О.Воронинани фикрича, эркакларга ҳослик ва аёлларга ҳослик қуйидаги рамзий қаторлар элементлари сифатида мавжуд бўлади: эркакларга ҳослик - рационал - маънавий - илоҳий - .. - аёлларга ҳослик- ҳиссийга оид - баданга ҳос - гуноҳли -... - табиий. Жинснинг биологик хусусиятидан фарқи улароқ ижтимоий ва маданий рамзий хусусиятларда "эркакларга ҳос" деб ҳисобланадиган ёки унга ўхшатиладиган барча тушунчаларда ижобий, ахамиятли ва устувор деб белгиланган мужассамлашган бўлади. "Аёлларга ҳос" деб ҳисобланган хусусиятлар эса салбий, иккиламчи ва буйсунувчан деб қарайди. Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўплаб тушунчалар "эркакларга ҳос" ёки "аёлларга ҳос" деб ҳисобланади. Яъни ўзига ҳос "жинсий", гендер хусусиятга эга бўлади. "Эркакларга ҳос" ёки "аёлларга ҳос" тушунчаларни аниқ фарқлаш учун "феминлик" (аёллик) ва "маскулилик" тушунчалари қабул қилинган. Гендер фанида гендер фарқларнинг ташкил топиш жараёни одатда ижтимоийлаштириш жараёни билан боғланади. (Emma Sabzalieva Gender gaps in higher education across Central Asia)

Ўзбекистондаги янги сиёсий тизимда шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатларига устиворлик берилиб, улар бир-бири билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар воситасида чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни мутаносиблаштиришнинг асосий механизми – бу, демократия, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган барча фуқаро ва аҳолининг ҳуқуқларини кафолатлаштиришга қаратилгандир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари жамиятни демократлаштириш муаммолари илмий зехният, халқнинг тарихан таркиб топган

анъаналари, урф-одатлари, маънавий кадриятларини инobatга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Мамлакат фуқаролик-ҳуқуқий давлат куриш йўлидан борар экан, бунда биринчи навбатда инсон манфаатлари, жамият ва шахс эҳтиёжларига хизмат қилиш бош масала бўлиб қолишига асосий эътиборни қаратмоқда. (Saxipjamol Joldasova <http://uza.uz/uz/society/gender-tenglik-ta-minlanadi>)

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида гендер тенгликка эришиш чораларини рўёбга чиқариш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Оиланинг ижтимоий муҳофазаси, оналик ва болалик масалаларига масъул бўлган бош вазир ўринбосари раҳбарлигида ривожланишда сезиларли ўсишга эришилди. Хотин-қизлар қўмитаси барча ҳудудларда ва жабҳаларда ваколатли бўлган такомиллашган тизимга эга. Қўмита раислари орасида вилоят даражасидаги 14 та хоким ўринбосарлари, шунингдек муниципал ва туман даражасидаги маъмурият раҳбарларининг 219 та ўринбосарлари фаолият кўрсатишади. (Saxipjamol Joldasova <http://uza.uz/uz/society/gender-tenglik-ta-minlanadi>)

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари ва кўринишларига қарши курашни назарда тутадиган бир қатор халқаро шартномаларни ратификасия қилган. Булар - Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенсия, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсия ва бошқа халқаро-ҳуқуқий актлардир. Табиийки, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун фақат халқаро миқёсдаги ҳуқуқий талабларнинг белгиланиши йетарли емас. Бу масаланинг йечими кўп жиҳатдан қонунчилик даражасида мустаҳкамланган самарали ҳуқуқни қўллаш фаолиятига боғлиқ

Хотин-қизлар қўмитаси, ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенсия шартларига риоя қилишда Пекин ҳаракати дастурининг бажарилишида, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари билан юклатилган халқаро мажбуриятларни бажаришда давлат статистика қўмитаси билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ўзгаришлар сиёсий соҳага ҳам таъсир қилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига кўра сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хотин-қизларнинг депутатликка номзод этиб кўрсатилишида 30 фоизлик квота белгиланди. (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov to'g'risida»gi qonunning 22-moddasi)

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса бугунги кунда аёлларнинг тенгҳуқуқчилиги борасида нафақат Марказий Осиё ёки Ўзбекистонда, балки дунёнинг деярли барча мамлакатларида, бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар хали анчагина.

Хотин-қизлар деярли барча давлатлар аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади, шунинг учун аҳоли ярмининг ҳуқуқлари поймол қилинганда, амалда демократияга асосланган жамият тўғрисида гапириш қийин. Хотин-қизлар устидан зўравонлик муаммоси давлатдаги носоғлом ижтимоий-маънавий муҳит ва янги ижтимоий муносабатларни яратишдаги қолоқликдан далолат беради. Гарчи инсонга нисбатан барча турдаги зўравонлик ва камситишларни бартараф этиш тақозо этилсада, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик алоҳида аҳамиятга муҳтож, чунки бу ҳолат бутун жамиятга тегишлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov to'g'risida»gi qonun
2. (Zigmund Freyd Three Essays on the Theory of Sexuality)
3. (Saxipjamol Joldasova <http://uza.uz/uz/society/gender-tenglik-ta-minlanadi>)
4. (Emma Sabzalieva Gender gaps in higher education across Central Asia)
5. (www.who.int/health-topics/gender)

ИНВЕРСИВНЫЕ ОТНОШЕНИЯ КАК ДИАЛЕКТИЧЕСКИЙ КОГНИТИВНЫЙ КОНСТРУКТ

Севостьянов Дмитрий Анатольевич, кандидат медицинских наук, доцент, доцент кафедры кадровой политики и управления персоналом Новосибирский государственный аграрный университет

Аннотация. В статье рассматривается когнитивный конструкт, позволяющий раскрывать актуальные противоречия в иерархических системах – системные инверсии, или инверсивные отношения. Показана суть инверсивных отношений, условия их возникновения и развития, а также последствия инверсивных отношений для иерархической системы.

Ключевые слова: диалектика, система, иерархия, ордер, инверсия, организационный принцип.

Развитие инновационного сознания и мышления предполагает наличие определенных навыков в применении диалектического подхода, в раскрытии противоречий как движущей силы развития всевозможных саморазвивающихся систем. В наибольшей степени потребность в этом актуальна применительно к системам «человек» и «общество».

Как указывает А. С. Казеннов, рассматривая диалектику, мы можем выделить, во-первых, диалектику всеобщую (или просто – диалектику), объективно действующую как закон (логос) во всех сферах: природе, обществе и в самом мышлении, присущую всему миру в целом и каждому предмету в отдельности. И во-вторых, может быть выделена диалектика частная, как выявление всеобщей диалектики в конкретных сферах, как субъективное применение всеобщей диалектики к какой-то конкретной предметности [2]. Обращаясь к всеобщей диалектике, мы должны учитывать те конкретные формы, которые принимают диалектические противоречия в реально существующих системах.

Практически все реально существующие системы (будь то системы социальные, биологические, любые другие) имеют иерархическую форму организации. Всем им присущ некоторый набор общесистемных свойств, одно из которых (а в контексте данного исследования – важнейшее) – это способность к формированию инверсивных отношений.

Системная инверсия представляет собой форму отношений в иерархии, при которой низший, подчиненный элемент приобретает в данной системе главенствующее значение, оставаясь притом на прежней, невысокой иерархической позиции. Иначе говоря, возникает противоречие между формальным местом элемента в иерархии и его фактической ролью в ней. Данное противоречие применительно к каждой конкретной системе или однородной группе таких систем может рассматриваться как проявление частной диалектики; сама же способность иерархий порождать инверсии, несомненно, должна быть отнесена к области диалектики всеобщей. Знания законов, которым подчиняются системы в контексте развития в них инверсивных отношений позволяют дополнить классическую гегелевскую трактовку диалектики, причем именно в тех предметных областях, в которых гегелевская диалектика, как весьма почтенного возраста когнитивный конструкт, уже не справляется с новой реальностью [1].

Развитие инверсивных отношений становится возможным благодаря тому, что в реально действующих иерархических системах одновременно действует, как правило, несколько организационных принципов, каждый из которых по-своему определяет, какому из соподчиненных элементов данной системы следует занимать высшую, а какому – напротив, низшую позицию. Например, хронологический организационный принцип выстраивает элементы в иерархии в зависимости от длительности их пребывания в данной системе. Количественный организационный принцип, соответственно, распределяет элементы в системе согласно достигнутому уровню некоторых количественных накоплений. Каузальный организационный принцип выстраивает элементы в иерархии соответственно

последовательности причинно-следственных связей, поскольку один элемент может представлять собой причину существования другого.

Примеров здесь можно привести немало. Биологическим системам свойственны одни организационные принципы, социальным системам – несколько другие, аксиологическим системам (или системам ценностей) – третьи. Однако общим обстоятельством остается то, что отдельные организационные принципы могут действовать согласованно, а могут, в известных обстоятельствах, и противоречить друг другу. В первом случае в системе продолжают действовать прежние, базовые, исходные иерархические отношения, иными словами – отношения ордера, как их называл, например, американский логик и философ Хилари Патнэм [4]. Во втором же случае согласно одному организационному принципу элемент иерархии должен оставаться в подчиненном, низшем положении, но согласно другому вполне может претендовать на большее. В системе тем самым возникают противоречия, которые при избыточном их развитии способны привести данную систему к распаду [3].

Следует обратить внимание на то, что в любой сложной иерархии значимость организационных принципов неодинакова. Иначе говоря, сами организационные принципы тоже образуют иерархию, которая по отношению к системе, в которой эти принципы действуют, может расцениваться как иерархия второго порядка. Эта взаимная значимость организационных принципов непостоянна и подвержена изменениям.

Примечательно и такое свойство системных инверсий. Если инверсивные отношения просуществовали в данной системе достаточно длительное время, то система адаптируется к ним, и инверсии становятся неотъемлемой частью внутрисистемных отношений. Таким образом, попытки насильственным путем изъять инверсии из данной системы, как-либо ликвидировать их способны также привести систему к разрушению. Например, в ценностной иерархии действуют два главных организационных принципа: конституциональный, который выдвигает на первый план просоциальные ценности, способствующие сохранению того общества, в котором и выработана данная ценностная система, и мажоритарный, который показывает, какая именно ценность разделяется большинством в данном обществе. Пока просоциальные ценности в обществе разделяет большинство, в иерархии ценностей могут быть констатированы отношения ордера. Если в обществе возобладают эгоистические ценности, то в результате развившейся ценностной инверсии такому обществу грозит атомизация и распад. Однако попытки навязать членам общества, в котором большую значимость приобрели эгоистические ценности, сугубый аскетизм во имя общественных идеалов ничем хорошим закончиться не могут.

Инверсивные отношения могут быть так или иначе разрешены. Существует несколько путей, ведущих к ликвидации системных инверсий. Самый простой (и нежелательный) из них заключается как раз в разрушении самой системы: как известно, с гибелью больного организма и болезнь его прекращается. Другой путь заключается в изменении взаимной значимости действующих в данной системе организационных принципов. Если значимость организационного принципа, задающего вектор инверсивных отношений, существенно уменьшится, то тем самым снизится и значимость инверсии для данной системы. Кроме того, тот или иной организационный принцип в данной системе может быть и просто упразднен, а вместе с ним будет упразднена и та системная инверсия, которую прежде задавало действие данного принципа. Наконец, еще один путь разрешения системных инверсий (не исключаящий два предыдущих, а в основном сочетающийся с каким-либо из них) состоит в том, что тот самый подчиненный, но претендующий на большее элемент получает это самое «большее», то есть просто перемещается вверх по иерархической лестнице. Если при этом он занимает вершину данной иерархии, то можно сказать, что тем самым вся система переформируется, совершая шаг в своем поступательном развитии. Таким образом, саморазвитие иерархических систем тесно связано с наличием в них инверсивных отношений. Само по себе развитие системных инверсий не предвещает

никакого ароморфоза в данной иерархии, но разрешение инверсии способно создать условия для такого ароморфоза.

Исходя из этого, развитие инверсивных отношений не может рассматриваться как нечто исключительно нежелательное, как «порча» иерархической системы. Да, инверсивные отношения, безусловно, нарушают первоначальный порядок в той или иной системе, который выше обозначен как отношения ордера. Но в целом системные инверсии представляют собой вполне закономерный вид отношений в иерархиях. С точки зрения развития человеческого познания, инверсивные отношения как когнитивный конструкт являются той формой, которую на практике приобретают диалектические противоречия в сложных иерархических системах. Знание закономерностей возникновения, развития и разрешения системных инверсий является необходимым условием построения адекватной когнитивной модели любой реальной иерархической системы.

Список использованной литературы

1. Афанасьева В. В. Нелинейная диалектика / В. В. Афанасьева // Известия Саратовского ун-та. Новая серия. Серия Философия. Психология. Педагогика. – 2014. – № 3-1. – С. 5–9.
2. Казеннов, А. С. О системах диалектики / А. С. Казеннов // Царскосельские чтения. – 2010. – № XIV. – С. 60–63.
3. Севостьянов, Д. А. Противоречие и инверсия / Д. А. Севостьянов. – Новосибирск: Изд-во НГАУ «Золотой колос», 2015. – 245 с.
4. Putnam H. Pragmatism and realism / Edited by James Conant and Urszula M. Zeglen. London and New York: Routledge, Taylor & Francis e-Library, 2005. 242 p.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЎСПИРИНЛАР ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Фарфиева Комола Атхамджановна, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: В статье рассматриваются психологические характеристики интернет коммуникации и роль социальных сетей в влиянии на зрелость, мышление и поведение молодых людей.

Ключевые слова: информация, сми, интернет, социальные сети, юношеский возраст, жизненная позиция, научное мышление, инновация.

Annotation: This article discusses the psychological characteristics of Internet communication and the role of social networks in influencing the maturity, thinking, and behavior of young people.

Key words: information, media, internet, social networks, adolescence, life position, scientific thinking, innovation.

Аннотация: ушбу мақолада интернет коммуникациянинг психологик ўзига хос хусусиятлари ва ёшлар камолотига, тафаккурига, хулқ-атворига таъсир этувчи ижтимоий тармоқларнинг роли ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: ахборот майдони, ОАВ, интернет, ижтимоий тармоқлар, ўспиринлик ёши, ҳаётини позиция, илмий тафаккур, инновация.

Бугунги кунда ўспиринлар ижодий ва илмий тафаккуридаги ўзига хосликларни ўрганиш ҳамда уларнинг мавжуд ҳаёт фаолиятига кўшилганлигини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўспиринлар илмий ва ижодий тафаккурларига қайси омиллар кўпроқ самарали таъсир этаётганини илмий таҳлил қилиш замон талабидир.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқий поклиги, тафаккур тарзининг кенглиги, одоб-ахлоқли қилиб тарбияланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар қандай мафкура ва ғояга мойиллиги, уларнинг онгида шаклланаётган ўй-фикрлар ва тасаввурларни илмий асосда ўрганиш ҳаётий заруратдир. Ёшлар камолотига, тафаккурига, хулқ-атворига бир қанча омиллардан бири ижтимоий тармоқлар катта таъсир этади.

Бугунги оламда ахборот макони турли-туман манбалардан олинаётган ахборот билан тўлмоқда, ўқувчилар ва талаба ёшлар учун олинаётган маълумот даражасидан қатъий назар интернет ахборотнинг афзал манбаига айланди. Ёшлар интернетдан фаол фойдаланувчилар бўлиб, уларнинг ахборотли ижтимоийлашуви интернет маконида юз бермоқда.

Ижтимоий тармоқлар бугунги кунда инсонлар ўртасидаги масофали ўзаро ҳаракатнинг энг қулай усуллари билан бири бўлиб, бу ерда бевосита мулоқотнинг барча турлари: инсон-инсон, инсон-гуруҳ, гуруҳ-гуруҳ турлари, шунингдек унинг барча жиҳатлари коммуникатив, интерфаол ва идрок этиш жиҳатлари мавжуддир [1]. Ижтимоий тармоқда фойдаланувчининг бошқа фойдаланувчилар билан мулоқоти жараёнида фақат ахборот ёки ғоялар алмашуви амалга ошириб қолмасдан, фойдаланувчилар ёки фойдаланувчи ҳамда гуруҳ ўртасидаги мулоқотга муносабат бўлган кўп сонли ҳаракатлар ҳам содир этилади.

Ҳар куни турли ёшдаги миллионлаб кишилар танишади, учрашув ҳақида келишади, зарурий ахборотни излашади ва ҳатто ижтимоий тармоқларда пул топишади. Ёшлар ижтимоий тармоқларни ўзларининг жисмоний воқелигига хос бўлган ижтимоий фаоллигининг турли кўринишларини икки маконда тенг олиб бориш учун майдон сифатида кўрадилар. Виртуал макондаги ижтимоий фаолликнинг амалга оширилиши фойдаланувчиларнинг киберижтимоийлашувига, уларнинг ҳаёт кўрсатмалари ўзгаришига, воқеликни кадрятли-мазмунли идрок этишига янгича қизиқишлар ҳамда ҳаётий устуворликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчи томонидан ўз профилида жойлаштирилган ахборот бу фойдаланувчининг шахсий сифатлари, ижтимоий мақоми, ижтимоий-сиёсий қарашлари, диний эътиқодлари ҳамда буларга боғлиқ бўлмаган иш сифатларини ажратади. Шундай қилиб, ижтимоий тармоқлар ўспиринларнинг кундалик ҳаётига, шу жумладан дам олишига, мулоқотига, унинг касбий ижтимоийлашувига ҳамда келажакда мартабасининг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларнинг ёшига ва унинг фаолият соҳасига буткул боғлиқдир. Агар юқори синф ўқувчилари учун синфдошлари ва бошқа тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини топиш, уй вазифасини бажариш энг муҳим бўлса, талабалар ўртасида ўқиш ҳамда ўқишдан ташқари фаолият масалалари бўйича мулоқот биринчи ўринга чиқади.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишдан асосий мақсад, мулоқот, ахборот олиш ва алмашиш, тил ўрганишдир, буларнинг барчаси ёшлик даврида ижодий ва илмий тафаккурни, шубҳасиз шакллантиради. Бироқ ёшларнинг онги ижтимоий тармоқлардан айнаши ҳам мумкин. Агар инсонга кўплаб зиддиятли фикрлар ёпириладиган бўлса, унда бу ахборотлар ичидан жамиятнинг ахлоқий-маънавий меъёрларга ва инсоннинг ўзидаги кадрятли мақсадларига муносиб тўғри фикрни танлашда қийинчилик вужудга келади. Мазкур ҳолатда инсон оламининг тасвири таъсир кўрсатиш объектига айланади.

Ахборотнинг қуйидаги бузилиш турларини келтириш мумкин: 1) амнезия – айрим ходисалар матнлардан йўқолади, тушириб ёки унутилиб қолдирилади; 2) инверсия – ходисаларнинг бориш тартиби бузилади; 3) персеверация – воқеликда бўлмаган айрим ходисалар такрорланади; 4) контаминация – бошқа замонда бошқа жойда ва бошқа кишилар билан юз берган ходисалар аралаштириб юборилади; 5) реминисценция – ҳақиқатан юз берган ходисалар изчиллигига бошқа ходисалар киритилади; 6) конфабуляция–ҳақиқатан юз берган ходисалар ўрнига ҳеч қачон юз бермаган ходисалар санаб ўтилади; шу аснода ахборот грамматик, стилистик ва мантикий жиҳатдан буткул ҳақиқатга ўхшаб кўринади [5].

Бугунги дунёда ахборот муҳити ёшларга ижтимоий меъёрлар ва кадрятлар кўрсатмалар ҳамда хатти-ҳаракатнинг эскирган кўринишларини етказадиган воситага айланиб бормоқда. Инсонда муайян илмий тафаккурни, кадрятлар ва тасаввурларни шакллантириш, инсон хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш мақсадида мафкуравий қарашларни тарқатиш бу тарғибот фаолиятидир. Тарғибот ижтимоий онгни сездирмай

бошқариш, ижтимоий кайфиятларни йўлга солиш усули сифатида намоён бўлмоқда. Унинг вазифаси нимагадир нисбатан аудитория ўз муносабатини ўзгартириши учун аудиторияга мақсадли таъсир кўрсатишдан иборатдир. Хабар тарғиботга айланиш учун у куйидаги уч мезонга: 1) ёшларни онгини сездирмай бошқаришга, онгли тарзда бошқаришга интилишнинг мавжудлиги; 2) вазиятни фақат бир томонини кўрсатиш йўли билан эришиладиган ушбу хабар шаксиз ҳақиқат эканлиги борасидаги тассуротни яратиш; 3) сездирмай бошқарувчининг мақсадлари ниқобланганлиги сингари мезонларга мос келиши лозим. Ўз мақсадларига эришиш учун тарғиботчи ҳолатлар, далиллар, рамзларни танлаб олади ва энг катта самарага эришиш учун уларни тегишли тарзда тақдим этади; шу аснода у аҳамиятли ҳолатларини тушириб қолдириши ёки бузиб кўрсатиши, ахборотнинг бошқа манбаларидан эътиборни чалғитиши мумкин.

Ижтимоий интернет тармоқлар бу фақат тарғиботни ўтказиш маконигина эмас, балки тарғиботчилик фаолиятининг воситаси ҳамдир. Ижтимоий тармоқларни тарғибот воситаси сифатида қўллаш имкониятини берувчи ўзига хосликларга уларнинг автомонлиги, кластерлаш, ёшларга тармоқнинг таъсирлари кўплиги ва шахсийлаштирилганлиги ҳамда уларда илмий тафаккурни шакллантириш киради.

Ахборот инқилобига боғлиқ ҳолда инсоннинг яшаш муҳитини ифлослантиришнинг янги шакли – ахборот билан ифлослантириш пайдо бўлди. “Ахборот билан ифлослантириш” (“ахборотли чиқинди”) энг аввало, ҳаддан ташқари ахборотлаштирилганлик тушунилади. В.Л.Хмылев ҳаддан ташқари ахборотнинг салбий оқибати сифатида билимлар ишончилигининг камайиши ва хабарлар мазмунининг айнишини тилга олади[6]. Ҳар қандай, шу жумладан, илмий билимнинг ишончилиги камайиши қандайдир муаммога профессионал баҳо беришлар ўта кўпайганда муаммонинг энг яхши ечимини танлаш сезиларли даражада қийинлашиш билан изоҳланади. Хабарлардан мазмуннинг ювилиб кетиш сабабини тадқиқотчи чиқаётган ахборотга талабларни камайишида кўради.

Ақлий фаолиятдаги асосий жараён фикрлаш жараёни бўлиб, фикрлашнинг сифати унинг мантикийлиги, мустақиллиги, ижодийлиги, илмийлиги, асослилиги, узвийлиги, тежамлилиги, мақсадлилиги, тезлиги, таҳлилийлиги, қиёсийлиги, умумлаштирилганлиги, хусусийлаштирилганлиги, кенглиги, чуқурлиги, ишонарлилиги, реаллиги, ҳаққонийлиги даражаси билан белгиланади. Шу билан бирга интеллектуал сифатлар хотира, тасаввур, англаш ва шу каби психологик жараёнларнинг тезлиги ҳамда бошқа параметрлари билан боғлиқ. Интеллектуал тараққиёт даражаси ўспиринларда қанча юқори бўлса, шунчалик яхши натижаларга эришиш имконияти бўлади.

Ўспиринлар ахборот майдонида турли хабарларни таҳлил қилишда ижодий ва илмий тафаккурни шакллантиришда роли ва аҳамияти катта бўлган ижтимоий тармоқлар улкан таъсир кўрсатади, ёшларнинг илмий тафаккури шаклланишига ахборот, ёлғон ахборот, шунингдек зарар етказиш, келишмовчиликларни юзага келтириш, салбий ҳолатлар ва хиссиётларни шакллантириш, бузғунчи ҳаракатларга ундаш мақсадида тарқатиладиган “ёлғон ахборот” – яъни қўриниб турган, сездирмай бошқарув тусига эга бўлган ахборот салбий таъсир кўрсатади.

Замонавий оламда ахборот макони кўп сонли ва турли-туман манбалардан ахборот билан тўлдирилмоқда. Ўқувчи ва талаба-ёшлар учун олинаётган маълумот даражадасидан қатъий назар интернет ахборотнинг афзал манбаига айланди. Ёшлар интернетдан фаол фойдаланувчилар бўлиб, уларнинг ахборотли ижтимоийлашуви интернет маконида кечмоқда. Шунинг учун ёшларнинг ахборот майдонида турли хабарлардан фойдаланиш маданиятига ўргатиш кенг жамоатчиликнинг вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Андреева Г. М. Психология социального познания. –М.: 2000. -125 с.
2. Бодалев А.А. Личность и общение. –М., Педагогика, 1983. -265 с.
3. Ефимова Г.В., Зюбан Е.В. Влияние социальных сетей на личность. Мир науки. 2016. Том 4, номер 5, с. 10

4. Матвеева Л. В. Дети и СМИ: проблемы взаимодействия. Национальный психологический журнал. 2006 ноябрь. 42-53.
5. Юрьев А.И. Введение в политическую психологию. СПб.С.-Петербург. гос ун-т, 1992, с 64.
6. Хмылёв В.Л. Концепция симулякров и социальные коммуникации современной России. Известия Томского политехнического университета, 2009, 314(6), 90–94.

ИННОВАЦИОН ОНГ ВА ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

Хамрақулова Эльмира Омоновна

***Аннотация.** Мақолада бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва “олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси”, унда белгиланган устувор вазифаларнинг босқичма-босқич изчиллик асосида амалга оширилиши, таълим дастурлари ва масофавий таълим борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар сингари масалалар таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:** ўқув фаолияти, прогрессив таълим, профессионал маҳорат, илмий-техник инновация.*

***Аннотация.** В статье анализируются структурный и функциональный подходы к проводимым реформам в системе высшего образования Узбекистана, в том числе «Концепция развития высшего образования» и анализируются постепенная реализация его приоритетов, образовательных программ и дистанционного обучения.*

***Ключевые слова:** образовательная деятельность, прогрессивное образование, профессиональные навыки, научно-технические инновации, образовательная информация.*

***Annotation.** The article analyzes the structural and functional approaches to the ongoing reforms in the higher education system of Uzbekistan, including the "Concept of Higher Education Development" and the gradual implementation of its priorities, educational programs and distance learning were analyzed.*

***Key words:** educational factors, progressive teaching, professional skills, scientific-technical innovation, educational information.*

Ҳар бир давлатнинг тараққиётида таълим тизими алоҳида ўрин тутди. Мукамал ва самарали таълим тизимини ташкил этиш ҳар бир даврда муҳим ҳисобланган. Бугунги кунда таълим тизими олдида етук инсон–мутахассис шахсини тарбиялаш учун таълим сифатини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу долзарб масалани ечиш йўлида Ўзбекистонда босқичма-босқич чора-тадбирлар тизими амалга ошириб келинмоқда. Бу ислохотлардан кўзланган мақсад жаҳон меҳнат бозори учун рақобатбардош миллий кадрларни тайёрлаш, жамият тараққиётини соҳавий таъминлашни миллий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Педагогик фаолиятни амалга оширишда восита сифатида, яъни таълим-тарбия бериш учун асос ҳисобланган назарий ва амалий билимлар, ўқув-услубий адабиётлар, кўргазмали-интерактив, мультимедиа ўқув куролларидан фойдаланилади. Таълим олувчида шахсий ва касбий сифатларни ўзлаштириши натижасида камолотга эришиш таъминланади. Замонавий таълимда, касбий етукликка эришишга қаратилган технологиялар кўп ва назарий жиҳатдан уларни, таълимий маълумотни шарҳлаш – тасвирлаш технологиялари, таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялар ва таълимни ривожлантиришга қаратилган технологиялар каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Шу боис Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим тизимини тубдан модернизациялаш ва такомиллаштириш борасида бир қатор аҳамиятга молик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, изчиллик билан жамият ҳаётига жорий этиб келинмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 8 октябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

Шулардан келиб чиққан ҳолда бино конструкцияларини вариантли конструкторлик-технологик лойиҳалашни автоматлаштиришга бўлган янги ёндошувларни шакллантириш ва назарий асослашнинг мураккаб илмий-техник муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ушбу предмет соҳасидаги мавжуд автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимини таҳлил қилиш уларни қўйилган масалани самарали ечиш учун имкониятлари чегараланган эканлигин билдиради, бу уларга хос бўлган қатор чегараланишлар билан тушунтирилади. Конструкторлик ва технологик автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимининг асосий функционал тизими ҳисобланадиган ягона ахборот фазосини қуриш стратегиясини амалга ошириш учун бино ва иншоотларнинг геометрик моделларидан абстракциялашнинг юқори сатҳидаги объектли структуравий-атрибутив моделларга ўтишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ахборотларни акс эттиришни эскизли сатҳи ўзида конструкторлик ва технологик жиҳатларни мужассамлаштиради.

Бугунги кунда автоматлаштирилган вариантли лойиҳалаш ва бино конструкцияларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотлари асосан муҳандислик таҳлилининг SCADA, LIRA, NASTRAN ва бошқа дастурий мажмуалари билан тақдим

этилган бўлиб, чекли элементлар усули (ЧЭУ) бўйича турли мураккабликдаги конструкцияларни ҳисоблаш ва математик моделларини куриш имконини беради. Ушбу модуллар масалалар ечимларини қидиришга бўлган ёндошувлар асосида амалга оширилган бўлиб, улар олинган қийматлар бўйича оптималлаштиришнинг ишлатилаётган усули асосида лойиҳалаш ўзгарувчиларини ўзгартириш ва конструкцияларнинг кучланишли-деформацияланган ҳолати параметрларини аниқлаш мақсадида конструкцияларни чекли-элементли таҳлил қилиш жараёнларига итерацион амалларни кетма-кет қўллашга таянади.

Бундай ёндошув танланган қидириш усули билан ҳисоблашга кетадиган вақтга, бунда ҳисоблаш тезлиги тўғридан-тўғри ечимни қидириш учун зарур бўлган, оптимлаштиришнинг қабул қилинган усули ва қидириш фазосининг ҳажми билан бериладиган итерациялар сонига боғлиқ бўлади.

Қабул қилинган ечим (лойиҳа) ни баҳолаш учун оптималлик мезонлари (мукамаллик мезони, сифат мезони, самарадорлик мезони ва шу кабилар) ни белгилаб олиш лозим. Мақсад функцияси $F(X)$ қабул қилинган оптималлик мезонининг математик ёзилиши ҳисобланади.

Оптималлик мезонлари, чегараланишлар, ҳолатлар тавсифининг математик моделлари, оптималлаштиришнинг математик аппарати (оптималлаштириш усуллари) дан фойдаланиш лойиҳаланаётган бино(объект модели)ни тавсифловчи оптимал ечимни топиш имконини беради.

Бино конструкцияларини оптималлаштириш масаласи математик дастурлаш масаласи каби қўйилади: $a_i \leq x_i \leq b_i$, $(i = 1, \bar{n})$ параметрларга бўлган чегараланиш ва $f_j(x) \leq 0$ $(j = 1, \bar{m})$ функционал чегараланишларга бўйсунган ҳолда мақсад функцияси $F(x)$ экстремумини минимал ёки максимал қийматини белгилайдиган оптималланаётган параметрлар x_i $(i = 1, \bar{n})$ нинг вектори $X(x_1, x_2, \dots, x_n)$ ни аниқлаш лозим. Бу масалани қуйидагича ёзамиз:

$$\begin{aligned} F(X) &\rightarrow \min, \\ f_j(X) &\leq 0 \quad (j = 1, \bar{m}), \\ a_i &\leq x \leq b_i \quad (i = 1, \bar{n}). \end{aligned} \quad (1)$$

Бино конструкцияларини вазнли оптималлаштириш, ташқи кучлар тизими уларга таъсир этганда зарурий мустаҳкамлик, устуворлик ва бикрликни сақлаш шартига кўра ушбу конструкцияларнинг вазнини минималлаштиришни назарда тутлади. Умумий кўринишда масала қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$\left. \begin{aligned} F(x) = G &\rightarrow \min; \\ \sigma_{\max} &\leq [\sigma]; \\ P_{\max} &\leq P_{кр}; \\ U_{\max} &\leq [U] \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

бу ерда G – бино конструкцияларининг вазни; σ_{\max} – бино конструкцияларидаги максимал кучланиш; $[\sigma]$ - рухсат этилган кучланиш;

P_{\max} – максимал сиқувчи куч; $P_{кр}$ – критик куч; U_{\max} – бино конструкциясидаги максимал силжиш; $[U]$ - рухсат этилган силжиш.

Биоларни лойиҳалаш ва яратишда, маълумки, турли талабларни эътиборга олиш зарурияти юзага келади. Бунда деформацияланувчи механик тизимларнинг мустаҳкамлиги, тизимнинг барча элементлари ва бўғинларининг устуворлигига қўйиладиган талаблар асосида оптималлик мезонлари бир ёки бир нечта самарадорлик мезонлари шакллантирилади. Қабул қилинган оптималлик мезони ва чегараланишлар бўйича бинонинг оптимал конструкциясини қидиришда оптимал бўлмаган, лекин рационал конструкцияни олиш мумкин.

Бионоларни лойиҳалашнинг якуний мақсади рационал маҳсулотлар, объектлар, конструкциялар, тизимлар ва шу кабиларни мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланиб яратиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев А.С., Назарова Ф. Инновацион ёндошув асосида таълим сифатини ошириш аҳамияти / Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2016. – Б.168-171.
2. Джураев А.С. Strategic issues of ensuring quality of higher education In Uzbekistan / Scientific researches for development future: social sciencies may 15, 2018, San Francisco, California, USA. – P.18-20.
3. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишда тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013.

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ

***Норматова Наргиза Азимжоновна, Жиззах политехника институти,
“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси, ассистенти***

Аннотация: ушбу мақола олий таълим муассасаларида педагогик кадрларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг айрим масалаларига бағишланган .

Калим сўзлар: Ялли сифат менежменти, таълим сифати, таълим сифатини бошқариш, сифатни бошқариш стратегияси.

Аннотация: данная статья посвящена некоторым вопросам совершенствования подготовки педагогических кадров на основе внедрения в высших образовательных учреждениях теории и практических результатов.

Ключевые слова: всеобщий менеджмент качества, качество образования, управление качеством образования, стратегическое управление качеством.

Abstract: this article is devoted to the improvement of teacher training through the introduction of the higher educational institutions of theory and practical results.

Key words: total quality management, quality of education, quality management education, quality strategy.

Жаҳонда қабул қилинган замонавий таълим концепциясида таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситалари ҳамда технологияларини такомиллаштириш долзарб вазифа этиб белгиланди. Олий таълим тизимида таълимнинг интернационаллашуви, талабаларнинг халқаро мобиллиги, таълим дастурларининг тез ўзгарувчанлиги билан боғлиқ глобал тенденциялари ҳамда таълим сифатини замонавий бошқариш технологияларини жорий этиш орқали таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятига нисбатан кўйилаётган юқори талаблар доирасида кадрлар тайёрлаш сифатини бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда.

Таълим сифатини бошқариш жараёнининг асосий функцияларидан бири бу стратегик режалаштириш функциясидир («келажакни кўра билиш» (Н. Торнберри, П. Сенге, Х. Виссема ва бошқалар). Айнан ушбу функция олий таълим муассасасининг ривожланиш йўналишини белгилаб олиш имконини яратади.

Педагогика олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш ички тизимига хос бўлган функциялар тизими кўйидагилардан иборат: ахборот-таҳлилий, ташкилий-технологик, назорат-диагностик, коррекцион, норматив, интегратив, бошқарув, фаоллаштирувчи ва кадрларни бошқариш (1-жадвал).

Таълим сифатини бошқаришнинг функционал тавсифи⁴

Функцияларблоки	Асосий мазмуни	Натижа
Лойиҳалаш-мақсадли блок (мақсадни аниқлаш, нормалаштириш, стандартлаштириш, дастурлаш, режалаштириш, олдиндан айтиб бериш)	Бўлажак ўқитувчи моделини шакллантириш, стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Таълим сифатини бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш. Сифат тизимини ишлаб чиқиш (моделлари, сифатни таъминлаш режа ва дастурлари). Таълим жараёнининг турли компонентлари учун сифат нормаларини ишлаб чиқиш.	Бўлажак ўқитувчи модели, стандартнинг мутахассисларга нисбатан талаблари. Сифатни бошқариш концепцияси. Сифат тизими модели, сифатни бошқариш бўйича дастур ва режа. Алоҳида компонентлар сифат нормалари
Ташкилий-амалга оширишга оид (ташкил этиш, мувофиқлаштириш, таъминлаш, коррекциялаш)	Таълим сифатини бошқаришнинг ташкилий моделини амалга ошириш. Сифатга йўналтирилган педагогик таълимни ташкил этиш. Таълим сифатини бошқариш тизими компонентларини зарурий ресурслар билан таъминлаш (кадрлар, норматив, информацион, коммуникацион, моддий-техник ва б.). Таълим сифатини мониторинг қилиш, ўқув жараёни, таълим стандартлари, фан дастурлари ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш.	Таълим сифатини бошқариш тизимининг педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича фаолияти
Назорат-баҳолаш (назорат, текшириш, баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш)	Мутахассис сифатини диагностика қилиш. Педагогик таълим сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Сифат стандартлари ва нормаларини баҳолаш. Педагогик таълим сифатини бошқариш тизимини баҳолаш.	Таълим сифатининг аниқ натижалари, ДТС талабларининг бажарилиши, истеъмолчилар эҳтиёжларининг қондирилиши.

Ахборот-таҳлил функцияси педагогика олий таълим муассасаларида таълим сифати тўғрисида объектив маълумотлар олиш, уларни таҳлил этиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш имкониятлари ҳамда йўлларини аниқлаш имкониятини беради. Ахборот-таҳлилий ҳужжатлар ва таҳлил методлари сифати ҳам муҳим рол ўйнайди. Ахборот-таҳлил фаолияти қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- таҳлилнинг объективлиги ва оперативлиги;
- ахборотнинг тўлиқлиги ва аниқлиги;
- баҳолаш мезонларининг мавжудлиги;
- ахборот оқимларининг йиғилишини ташкил қилиш.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, қуйидагиларни ишлаб чиқиш тавсия этилади:

⁴Муаллифлик ёндашуви асосида тузилган

ўз ичига сифат эталонлари, мезон ва кўрсаткичларини қамраб олувчи талабаларни тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш методикаси;

бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мазмуни ва мақсади сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш методикаси;

ўқитиш технологиялари сифатини таҳлил қилиш методикаси;

таълим сифатини такомиллаштириш методикаси.

Мотивацион-мақсадли функцияси касбий таълим сифатини бошқаришда янги мақсадларнинг қўйилишини, бошқарув субъектлари томонидан таълим сифатини таъминлаш ва ошириш мақсадида мотивлаштириш ва рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини назарда тутди.

Режалаштириш функцияси таълим сифатини бошқариш мақсадларини амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган. Режалаштириш қуйидаги талаблар асосида амалга оширилади: мақсад ва амалга ошириш шарт-шароитларининг бирлиги; узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалаштириш бирлиги; режалаштиришнинг комплекслиги; режаларнинг барқарорлиги ва мослашувчанлиги.

Ташкилий-ижро функцияси бошқаришнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлайди ҳамда сифатни бошқариш мақсадлари ва режаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Назорат-диагностик функцияси олий таълим муассасаси факультет, кафедра, профессор-ўқитувчи ва талабалар тизимида сифатнинг оралиқ ва якуний натижалари ҳолатини назорат ва диагностика қилишга йўналтирилган. Мониторинг барча параметрлар ёки танланган параметрлар бўйича доимий назоратни амалга ошириш имкониятини беради.

Мувофиқлаштириш-коррекциялаш функцияси тизимлар ва тизим ости элементларда четланишларни аниқлаш ва оператив ўзгартиришлар киритиш, коррекциялашга қаратилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш таълим мазмуни, фаолият жараёнлари, ташкилий тузилмаларни самарали ўзгартириш бўйича ҳаракатлар, методлар ва воситалар мажмуасидир.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини стратегик бошқаришнинг асосий ғояси раҳбарият томонидан олий таълим муассасаси барча ходимларини таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб қилиш ҳамда янги ёндашувларни жорий этиш жавобгарлигини ўз зиммасига олишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Т.: «Voris-Nashriyot» нашриёти, 2006. – 263 б.
2. Нуждин В.Н, Кадамцева Г.Г. Стратегическое управление качеством образования //Высшее образование сегодня, 2003. -№4, с.6-13;№5,с.2-11.
3. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент, Фан ва технология, 2019. – 135 б.
4. Юлдашев М. Таълим сифати менежментининг ташқи ва ички назорат механизмлари // Илм ҳам жамият. - Нукус.: 2016. - № 1. -Б.89- 91.
5. Quality Procedures in European Higher Education. European Network for Quality Assurance. <http://www.enqa.net/texts/procedures.pdf>

УПРАВЛЕНИЕ КАЧЕСТВОМ СОЦИАЛИЗАЦИИ И САМОРЕАЛИЗАЦИИ ОБУЧАЮЩЕГОСЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Паршуткина Евгения Александровна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия
Чудинова Ольга Владимировна, учитель МБОУ СОШ №67, Новокузнецк, Россия
*Муравьева Марина Игоревна, заместитель директора, учитель МБОУ СОШ №67,
Новокузнецк, Россия*

Аннотация. В статье определены основы и стратегии теоретизации качества управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации. Выделены принципы управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации, функции управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации, модели управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации. Системно обозначены основы теоретизации педагогических условий обеспечения качества управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации.

Опорные слова: управление, социализация, самореализация, педагогическая инновация, педагогическое моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия,

Основные стратегии теоретизации качества управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации определяются актуальными продуктами научного поиска в структуре объяснения значимости развития личности в системе социально ориентированных отношений и непрерывного образования.

Управление качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации будет уточнено через совокупность следующих составляющих научного поиска:

- здоровьесформирующее мышление [1] определяется механизмом повышения качества решения задач развития личности в контексте продуктивности, конструктивности, креативности, гуманизма и пр.;

- спортивно образовательная среда [1, 11] раскрывается в описании и составляющих моделирования как технология продуктивного развития личности;

- теоретизация и педагогическое моделирование [2, 4, 6, 7, 8, 13] позволяют повысить качество создаваемых продуктов профессиональной и педагогической деятельности в системе непрерывного образования;

- успешность личности [2, 4] является уникальным инструментом управления качеством развития личности и общества;

- продуктивность развития личности [3, 8, 13] определяется конструктивным механизмом самоорганизации качества теоретизации и фасилитации принятия решений задач развития и управления;

- социализация и самореализация личности [5, 9, 10, 12, 14] являются продуктами развития личности и общества.

Принципы управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации – основные положения теории педагогики, формирующие ценности и смыслы в задаче управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации.

Функции управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации – основные задачи управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации, стимулирующие активность личности к повышению качества научного поиска и уровня и научно-педагогической деятельности в оптимальном представлении возможностей социализации и самореализации личности.

Модели управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации – идеальные системы теоретизируемых смыслов и научного знания, гарантирующие обеспечение качества постановки и решения задач своевременной и персонифицированной социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации.

Педагогические условия обеспечения качества управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации – система модифицируемых и уточняемых смыслов и моделей, в единстве раскрывающие основы

управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации.

Педагогические условия обеспечения качества управления процессами социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации:

- формирование наукообразного интереса у педагогического коллектива в оптимальном решении задач социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации;

- создание и использование различных форм, фасилитирующих поливариативные возможности развития личности через социально значимую деятельность и общение;

- разработка программного сопровождения социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации;

- разработка целостной технологии управления качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации;

- активное привлечение внимания к проблемам развития личности в образовательной организации на основе доступности, своевременности, практико ориентированной и гносеолого-смысловой надежности, синергетической и диалектической корректности и пр.;

- соблюдение требований и мотивация к персонифицированным решениям задач развития личности в деятельности;

- стимулирование активности личности к неустанному самосовершенствованию и самоактуализации.

Управление качеством социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации – сложный педагогический процесс, раскрывающий направленность решения задач обеспечения определённого качества формируемых смыслов и социального опыта в позиционировании возможностей решения задач социализации и самореализации обучающегося в образовательной организации.

Использованная литература

1. Аксенова А.Н., Чигишев Е.А., Сидоренко Е.А. Здоровьеформирующее мышление личности в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-практич. конфер. (Воронеж, 9 апреля 2020 г.) ; редкол.: А. М. Сысоев [и др.] ; Воронежский филиала РЭУ им. Г. В. Плеханова. – Воронеж : Издательско-полиграфический центр «Научная книга», 2020. С.503-506.

2. Балицкая Н.В., Пожаркин Д.И., Козырева О.А. Теоретизация управления качеством продуктивного развития личности в системе непрерывного образования // Современные технологии в науке и образовании – СТНО-2020 : сб. тр. III Междунар. науч.-техн. форума: в 10 т. Т.10. ; под общ. ред. О.В. Миловзорова. – Рязань: ИП Коняхин А.В. (BookJet), 2020. – С.12-15.

3. Беккулова Н.П., Щеткина Е.С., Козырева О.А. Самоанализ и технология портфолио в ДЮСШ // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-практич. конфер. (Воронеж, 9 апреля 2020 г.) ; редкол.: А. М. Сысоев [и др.] ; Воронежский филиала РЭУ им. Г. В. Плеханова. – Воронеж : Издательско-полиграфический центр «Научная книга», 2020. С.507-509.

4. Брыксин Т.С., Козырева О.А. Теоретизация успешности развития личности в моделях социальных, образовательных и профессиональных отношений в системе непрерывного образования // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.47-50.

5. Дэкон В.Н., Гутак О.Я., Черных Т.А. Педагогические основы социализации личности в модели научно-исследовательской деятельности // Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2019. № 6 (75). С.211-218.

6. Козырева О.А. Теоретизация в педагогике как объект научного поиска и научного исследования // Гуманитарно-педагогическое образование. 2019. Т. 5. № 2. С. 116-123.
7. Коткин С.Д., Языков С.В., Языкова О.В. Теоретизация возможностей включения педагога в систему научно-педагогического решения профессиональных задач // Моделирование и конструирование в образовательной среде: сб. матер. V Всерос. (с междунар. участ.) науч.-практич., методологич. конфер. для науч.-пед. сообщества (Москва, 18 апр. 2020 г.) / под ред. И.А. Артемьева, В.О. Белевцовой, Н.Д. Дудиной. – М.: Издательство ГБПОУ «Московский государственный образовательный комплекс», 2020. С.195-199.
8. Кувшинов А.А., Балицкая Н.В. Педагогическое моделирование как технология и метод инновационного обновления возможностей педагогической деятельности // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.167-170.
9. Лифанова Т.А. Козырева О.А. Повышение качества социализации и самореализации личности в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междунар. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том II. – Уфа: Педкнига, 2019. С.6-10.
10. Монгуш С.А., Балицкая Н.В. Гендерный подход в решении задач повышения качества тренировочного процесса и самореализации личности в спорте // Просвещение и образование в контексте реализации целей устойчивого развития: матер. Круглого стола (Уфа, 24 октября 2019 г.). – Уфа: Издательство им. М. Акмуллы, 2019. С.177-180.
11. Пожаркин Д.И., Савичева Е.В., Угольников О.А. Роль спортивно-образовательной среды ДЮСШ в исследовании, формировании и теоретизации качества развития личности // Образование. Карьера. Общество. 2020. № 1 (64). С.24-27.
12. Судьина Л.Н., Чигишев Е.А., Калачиков А.И. Возможности выбора и уточнения модели социализации и самореализации личности в системе непрерывного образования. Вестник СОГУ. 2020. №2. С. 77–85. DOI: 10.29025/1994-7720-2020-2-77-85.
13. Черданцева Т.Р., Шерер И.Г., Воронцов В.Н. Управление как основа и продукт теоретизации оптимальных решений задач развития личности в спорте // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междунар. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). Междуреченск [Электронный ресурс] / ФГБОУ ВО «Кузбас. гос. техн. ун-т им. Т. Ф. Горбачева»; редкол.: Т.Н. Гвоздкова (отв. редактор), Е.В. Кузнецов [и др.]. – Междуреченск, 2020. С.349-1 – 349-5.
14. Чигишев Е.А., Козырева О.А. Педагогические условия повышения качества социализации и самореализации личности средствами физической культуры и спорта // Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук и образования: сущность, концепции, перспективы : матер. VII Междунар. научн. конфер. (Саратов, 15 апреля 2019 г.) / Р.З. Назарова, О.А. Шендакова, М.В. Золотарев (отв. ред.). – Саратов: Издательство «Саратовский источник», 2019. С.276-280.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Субҳонкулов Сунат Мустафоқулович, Жиззах политехника институти
Алиев Маишраб Раҳмонқулович, Жиззах политехника институти

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларида мезон ва кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, инновацион фаолиятнинг таълим тизимини ривожлантиришидаги роли ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар. Таълим тизими, инновацион жараён, мезон, ривожланиш, инновацияларни тижоратлаштириш.

Аннотация. В статье анализируются критерии и показатели в высших учебных заведениях. Он также предоставляет информацию о роли инновационной деятельности в развитии системы образования.

Ключевые слова. Система образования, инновационный процесс, критерии, разработка, коммерциализация инноваций.

Annotation. The article analyzes the criteria and indicators in higher educational institutions. It also provides information on the role of innovation in the development of the education system.

Keywords. Education system, innovation process, criteria, development, commercialization of innovations.

Сўнги йилларда таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қилинган ишлар ҳажми ўсиб бормоқда, бу эса олий мактаб ишида муҳим ижобий омил ҳисобланади. Истиқболда ҳам олий мактабни бюджет томонидан молиялаштириш ҳолатида сезиларли ўзгаришлар бўлмаслигини тушунган ҳолда, Ўзбекистон ОўЮлари тармоқли вазирликларнинг бевосита кўмагида ўзларининг моддий базаларини мустаҳкамлаш бўйича фаол иш олиб бормоқдалар. Масалан, турли молиялаштириш манбаларидан, ички ва ташқи резервлардан фойдаланиш, маблағларни оқилона ишлатиш ва ноанъанавий бошқарув қарорларини қабул қилиш эвазига охириги йилларда ўқув, илмий-ишлаб чиқариш майдонларини анча кенгайтириш, ўқув ва илмий бўлинмаларни замонавий асбоб-ускуналар ва компьютер техникаси билан таъминлашга эришилди. Шунингдек, республикадаги 10 та олий таълим муассасаси ўзи-ўзи молиявий таъминлаш тизимига ўтказилди.


Сўнги йилларда молиялаштиришнинг турли шакллари бўйича асигнацияларни тақсимлашда аста-секин янада такомиллашган шаклларга – илмий-техник дастур ва грантларни молиялаштиришга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Дастур - ресурслари, ижрочилари ва амалга ошириш муддатлари бўйича илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик ҳамда бошқа мақсадли вазифаларни самарали ҳал этишни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

XX асрнинг охирига келиб технология ва бозорни ўзида мужассамлаштирган янги инновация жараёнининг чизиксиз модели пайдо бўлди. Ушбу модел орқали инновация жараёнининг изчиллиги, характери, унинг тескари алоқаси ўз ифодасини топади (1-расм).

Инновацион фаолият объекти интеллектуал мулк, янги материаллар ва таркибий қисмлар, янги маҳсулотлар, янги жараёнлар, янги бозорлар, товар ва хизматларни силжитиш янги усуллари, бошқарувнинг янгича ташкилий шакллари ҳисобланади.

Инновациялар яратиш мамлакатимизда доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Инновацияларни тижоратлаштириш эса ёки мукамаллашмаган, ёки умуман бўлмаган. Бироқ бугунги кунга келиб, рақобат курашида инновациялар ишлаб чиқаришни эмас, уларни амалий қўллашни ташкиллаштириш оладиганлар ғолиб келмоқда.



1-расм. ОТМда инновация жараёнларини амалга ошириш модели

Республика даражасида дастурни ишлаб чиқиш ва бажариш учун муаммоларни танлаш куйидаги асосий шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим:

- йирик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва тармоқ иқтисодиёти, алоҳида минтақалар иқтисодиёти, таълим тизими ва ижтимоий соҳани ривожлантириш самарадорлигини ошириш;

- юқори илмий-техник ютуқларни кенг миқёсда ёйиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш;

- умумий ва алоҳида дастурлар доирасидаги молиялаштириш ҳажмларини тасдиқлаш;

Илмий-техник дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга ассигнацияларни режалаштириш «эришилган даражага мувофиқ» усулида амалга оширилади. Лойиҳаларни молиялаштириш бош ташкилотлар ёки дастурлар дирекциялари орқали, ёки бўлмаса, дастурда бевосита иштирок этаётган аниқ ижрочиларнинг ҳисоб рақамларига маблағ ўтказиш йўли билан бажарилади.

Илмий-техник маҳсулотга бўлган тўлов қобилиятига мувофиқ талабнинг давлат томонидан каби иқтисодиётнинг нодавлат сектори томонидан ҳам пасайиши таъсирида инновацион фаоллик ҳам тушиб борапти. Ташкилотлар тайёрланаётган маҳсулотга талабнинг пасайиши шароитларида, биринчи навбатда, илмталаб маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартиради, кўп ҳолларда эса, уни техник жиҳатдан янада соддароқ ва камҳаражатлироқ қилиб алмаштиради. Қоидага кўра, бундай маҳсулот маҳаллий бозордан ташқарига чиқа олмайди.

Инновацион таълимнинг ривожланиш принциплари:

• Таълим ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш, кадрларни амалиётда ишлашга тайёрлаш;

• Илм-фан ютуқларини таълимга кенг жорий қилиб бориш;

• Таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, ҳаёт мобайнида узлуксиз таълим;

• Битирувчиларнинг корпоратив ҳамкорлигини таъминлаш, таълим муассасалари анъаналарини шакллантириш ва ривожлантириб бориш;

• Таълим ва тарбияни қўшиб олиб бориш, юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш;

• Юксак маънавий фазилатларга эга бўлган интеллигенцияни тарбиялаш, жамиятда олий маълумотли мутахассисларнинг юқори нуфузини таъминлаш.

• Университетларда бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш;

• Таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш.

• Таълим муассасаларининг минтақавий ва халқаро миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланиб бориши;

• Таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг кўпайиб бориши, бюджетдан ташқари молиялаштириш;

• Таълим сифатини бошқаришга халқаро стандартлар талабларини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махкамова М.А. Инновацион менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2009.
2. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 5-е изд. — СПб.: Питер, 2005.
3. Эргашходжаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. Ўқув қўлланма. ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014, 177-б.

ТАЪЛИМ МАКОНИНИ ИННОВАЦИОН ЎЗГАРТИРИШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

*Суннатов Нурали Бекмуродович, катта ўқитувчиси,
Навоий давлат кончилик институти*

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, таҳлилнинг асосий қоидалари ва моделлаштириш методлари, шунингдек таълимда инновацион ўзгаришлар таҳлилий жиҳатдан ўрганилган.

Калим сўзлар: инновация, модел, субъект, таълим траектория, элемент, базис, таълим макони.

Abstract: The article analytically examines the scientific and practical significance of the research results, the basic rules of analysis and modeling methods, as well as innovative changes in education

Key words: innovation, model, subject, learning trajectory, element, basis, learning space.

Ислоҳ қилинаётган таълим маконида юз бераётган ўзгаришлар инновациянинг таклиф қилинаётган назарий модели имкониятларини тизим ҳамда алоҳида ташкиллаштирилган фаолият сифатида тўлақонли таҳлил қилиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан таълим соҳасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган таълимни стандартлаштириш ғояларининг амалга оширилиши айниқса диққатга сазовор. Ижтимоий воқеликнинг ушбу далили таълим жараёнининг деярли барча субъектлари манфаатларига дахлдор бўлиб, таълим тизимининг ўзгаришини белгилловчи муҳим омилдир.

Стандартлаштиришга бўлган эҳтиёж ва бу борадаги стратегик вазифа анча ишонарли асосланади. «90-йиллар бошига келиб... мамлакат ижтимоий-сиёсий тузилишининг демократиялашуви муносабати билан таълим маконининг ягоналигини сақлаш ва боланинг тўлақонли таълим олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашнинг янада самаралироқ механизмларини топиш эҳтиёжи туғилди... Таълим стандартлари умумий ўрта таълимнинг демократиялашуви ва инсонпарварлашуви, турли типдаги таълим муассасаларининг пайдо бўлиши, таълим дастурларининг табақалаштирилиши, умумий таълим муассасалари тармоғининг диверсификация қилиниши ва таълим олувчилар «таълим траекторияси»нинг индивидуаллашуви шароитларида ягона таълим маконини сақлашнинг энг самарали воситаси ҳисобланади»[1, 41, 43-б].

Таълим стандартининг тузилишида таълим жараёни субъектлари ижтимоий ўзаро алоқаларининг таркибий ва ташкилий асоси сифатида бутунлай янги компонент – Базис ўқув режаси амал қилади. «...Базис ўқув режаси, биринчидан, кучли инновацион омил ҳисобланади, иккинчидан, у барча жиҳатлардан бутунлай янги инновацион ҳужжатди. Зеро у «...барча олий таълимларнинг бошқарув ходимларини «муаллифлар»га айлантиради, уларнинг педагогик жамоаларини эса инновация режимига киритади» [2, 24-б]. Вақт ўтиши билан ушбу тавсифнинг мазмун жиҳатидан аниқлиги ва долзарблиги янада мустаҳкамланиди ва ижтимоий-педагогик воқеликда юз берган ўзгаришларда ўз тасдиғини топди.

Инновация тизим сифатида инновацион янгиликни англаш негизида вужудга келади. Ўтган ўн йилликлар мобайнида вужудга келган таълим тизимида камида иккита янги қоида шундай тизим яратувчи асос сифатида қайд этиш мумкин.

Биринчи – таълимнинг мазмунини шахс камол топишининг уч элементи: тажрибани ўзлаштириш, тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат яхлит жараён сифатида тушуниш[3, - б.284]. Бунда умумий таълимнинг мазмуни сифати қуйидаги элементларнинг ўзаро алоқаси билан белгиланадиган яхлит тизим сифатида тизимлаштирилади:

- умумий таълимнинг мазмунини инвариант-фаол ташкил этиш. Бу элемент конкрет реал фаолиятда бир-бири билан кесишадиган олти асосий инвариантлар: билиш, ўзгартириш, коммуникатив, эстетик, жисмоний ва кадриятларга йўналтиришни ўз ичига олади;

- умумий таълимнинг мазмунини предметли-структуравий ташкил этиш. Ушбу элемент ўрганилаётган объектнинг умумий тузилиши билан белгиланади ва реал воқеликнинг яхлитлиги ва зиддиятчилигини сақлаш имкониятини беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, умумий таълимнинг мазмуни юқорида зикр этилган элементларнинг ўзаро алоқаси билангина чекланмайди, чунки «...илмий билимнинг предметли тузилишини ҳам, фаолиятнинг тузилишини ҳам, шахснинг тузилишини ҳам, шахснинг камол топиш мантиқини ҳам ҳисобга олади» [4,111-б].

Иккинчи – таълим маконини субъектликнинг намоён бўлиш макони сифатида ташкиллаштириш зарурлигини тушуниш. Ушбу маконда фаолиятни танлаш ва унда ўз йўлини ўзи белгилаш демократик маданиятнинг терминал қадриятларга кўра эълон қилинаётган жамият тузилиши идеаллари билан мувофиқ келувчи бош омили ҳисобланади. Бунда амалда таъминланадиган йўл танлаш имконияти улкан аҳамият касб этади, чунки «йўл танлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш эркин инсоннинг нормал, табиий ҳолатидир. У ўз олдида ҳаракатнинг турли вариантларига эга бўлган ҳолда, уларнинг ўзига маъқул бўлган бирини онгли тарзда танлайди. Айнан ранг-баранглик унга бундай вариантларни тақдим этиши лозим. Келажак авлод реал йўл танлаш имкониятига эга бўлиши, у ўзи танлаган йўл учун жавоб беришни ўрганиши учун бизга таълимда ранг-баранглик жуда зарур» [5,б-184].

Шуни қайд этиш лозимки, таълим маконини ташкил этиш асосларини ўзгартириш заруриятини белгилаган тенденция мамлакат маданиятининг ўзгариш хусусиятлари ва қонуниятлари билан боғлиқдир. Зеро таълим ҳар қандай мамлакат маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. [6,б-4]

Инновацион янгиликни англашдан мазмун сифатидаги янгиликка ўтиш инновацион жараённинг энг мураккаб ва зиддиятларга тўла таомили ҳисобланади, чунки бу ерда эҳтиёжнинг инновацион онгда ва унинг атрибутив сифати – инновацион тафаккурда қўлланиш даражаси сезиларли даражада ортади. Айни шу ўтиш инновациянинг инновацион янгиликда ўз ифодасини топган мазмуни билан уни янгиликда рўёбга чиқариш шакли ўртасидаги алоқа қай даражада мустаҳкам эканлигини амалда намоёиш этади. Бу ерда бугунги кунда педагогик онгда ҳукм сурувчи шаклни мазмундан устун қўйишга мойиллик айниқса бўртиб намоён бўлади.

Юқорида баён этилганлар педагогик тафаккурнинг профессионал педагогик маданиятнинг таркибий қисми сифатидаги назарий-методологик асоси ҳали мустаҳкам эмаслигини кўрсатади. Ваҳоланки, «...тафаккур даражасида субъектнинг конструктив, ўзгартирувчи фаолияти ўзининг тўлақонли ифодасини топади» [7,С-13]. Профессионал тафаккур фаолият усулларинигина эмас, балки ижтимоий фазилатлар тизимини ҳам белгилайди ва шу тариқа профессионал маданиятнинг асосий қадриятлари (касбий қадриятлар тизими) ва методологик асоси (фаолият усулларини танлаш тамойиллари тизими)ни таъминлайди.

Базис режанинг инновацион моҳиятини белгиловчи янгиликни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- таълимнинг мазмунини тизимлаштириш жараёнида айрим инсоннинг ҳар бири ўз формаллаштирилган мантиқига эга бўлган фанлар йиғиндисини ўзлаштириш орқали камол топтириш тенденцияси билан ўрганаётган инсон далиллар, воқеалар ва ҳодисаларга дуч келувчи дунё ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш зарурияти ўртасидаги зиддият ечилади; шу мақсадда Базис ўқув режасига «таълим соҳаси» тушунчаси киритилади;

- ҳар бир олий таълим мазмун жиҳатидан мустақилликни касб этар экан, таълим учун давлат буюртмаси билан конкрет ижтимоий муҳитнинг таълим соҳасидаги реал эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятни ўзича ечади; шу мақсадда Базис ўқув режасига республика, вилоят ва олий таълим даражасини ажратишга асосланган элементлар киритилади;

- таълим макони талабага йўл танлаш эркинлигини бериш орқали умумий норматив талаблар билан таълимга оид индивидуал эҳтиёжлар ўртасидаги зиддиятни ечиш имкониятини беради; шу мақсадда Базис ўқув режасида инвариант, вариатив ва факультатив қисмларга ажратиш тартиби назарда тутилади.

Бу инновациянинг ижтимоий механизмини ишга тушириш тадрижий занжирининг йўлидир. Бу йўлни изчил босиб ўтмасдан инновациянинг тизимда сифат ўзгариши яшаш мантиқига мувофиқ бўлган алгоритмини яратиш ёки онгли тарзда қабул қилиш мумкин эмас. Базис режа ўз инновацион имкониятларининг аксарият қисмини шу ерда бой беради, уни инновацион ўзлаштириш эса «жорий этиш» ҳақидаги қарорни маъмурий бажаришга айланади. Инновациянинг сифати саналган тизимлилик бузилади ва жорий этилаётган режанинг ҳар бир элементи ўзининг алоҳида мустақил ҳаёти билан яшай бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашуров С. Давлат таълим стандартлари назария ва амалиёт.-Тошкент.: Педагогика институт, 1997. –Б. 41, 43.
2. Сейтхалилов Э.. Базисный учебный план и образование в эпоху перемен. – Тошкент.: 1998.-Б. 2
3. Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы. – Москва.: Прогресс, 1991.
4. Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы. – Москва., 1991. – 111-б.
5. Адамский А.И. Управление развитием.-Москва.: АСТ, 1997 .
6. Каримов М. Таълим инновациялари // Фалсафа, Фан, Таълим. Республика илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент.: Ношир, 2010. – Б.4
7. Коршунов А.М. Теория отражения и творчество. – Москва., 1971. – С. 137.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Уришбаев Элбек Элмурод ўгли, Юсупов Жахонгир Марат ўгли
Жиззах политехника институти

Аннотация: *Ушбу мақолада бугунги кунда замонавий инновацион технологияларнинг кенг ўзлаштирилиши, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви ва таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўртасидаги муаммолари ҳамда талабаларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда шахсга йўналтирилган таълимнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг илгор замонавий педагогик технологиялари кенг фойдаланиши ва хориж тажрибасини ўзимизда қўллаш тўғрисида фикр мулоҳазалар келтирилган.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы широкого внедрения современных инновационных технологий, проблемы интеграции непрерывного образования, науки и производства, интеграции образования и производства, внедрения личностно-ориентированного образования в соответствии со способностями и возможностями обучающихся, широкого использования передовых современных педагогических технологий в обучении и применения зарубежного опыта.*

Abstract: *this article deals with the issues of wide introduction of modern innovative technologies, problems of integration of continuing education, science and production, integration of education and production, introduction of personality-oriented education in accordance with the abilities and capabilities of students, wide use of advanced modern pedagogical technologies in training and application of foreign experience.*

Биринчи президентимиз И.А.Каримов «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида XXI асрга шундай таъриф беради: «Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмрон қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси

миллат ва халқ кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар». Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илмфанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар самарасидир. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Глобализация даврида мамлакатлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини кенгайтириб бормоқда. Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, жаҳон интеграциясига чуқур кириб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мамлакатимиз Президенти мухтарам Ш.М.Мирзиёевнинг қатор хорижий давлатларга давлат ташрифларини келтиришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Туб ислоҳотлар жамиятимиз ва иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан, олий таълим тизимида ҳам ана шундай жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб, илғор хорижий тажрибалар асосида инновация жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан алоқалар кенгайиб, уларнинг филиаллари юртимизда ташкил этилмоқда. Ўқув, илмий, технологик, инновацион лойиҳалар кенгаймоқда. Таълимда инновацион ва инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида мамлакатимизда Халқаро таълим форумлар ҳамда инновацион лойиҳаларнинг тақдимотлари кенг қўламда ташкил этиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизда янги хориж университетларининг филиаллари, қўшма факультетлар ва кафедралар, илмий лабораториялар ўз фаолиятини бошламоқда. Таълим соҳасида чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шу жумладан франчайзинг шартномалари асосида замонавий маркетинг механизмлари билан жаҳонда машҳур бўлган университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кунда замонавий инновацион технологияларнинг кенг ўзлаштирилиши, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, талабаларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда шахсга йўналтирилган таълимнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг илғор педагогик технологиялари ва замонавий ўқув-услубий мажмуаларининг яратилиши талабаларнинг инновацион фаолият кўрсатишини тақозо этмоқда. Чунки кундан кунга Олий таълим муассаларининг таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Бугунга кунга келиб олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги бир қанча интеграцион муаммоларни ўрганиш натижасида талабалар, профессор ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан ўтказилган сўровномалар қуйидагича муаммолар юзага келтириб чиқарди.

1. Талабалар томонидан келтирилган муаммолар:

- ишлаб чиқариш амалиёти билан олий таълим муассасалари ҳамкорлик жараёнининг суст эканлиги;
- АРМ фаолиятининг қониқарли даражаси;
- мавжуд адабиётларнинг эскилиги ва етишмаслиги;
- лаборатория фаолиятининг яхши ташкил қилинмаганлиги(жиҳозларнинг талабга жавоб бермаслиги);
- фанларнинг жуда кўп эканлиги;

2. Ўқитувчилар томонидан келтирилган муаммолар:

- кадрларнинг малака ошириш тизимининг ҳали ҳам эскича кўринишда эканлиги;
- илмий ишларни ташкил этишда муаммоларга дуч келинаётганлиги;
- ўқув режани тузишда маълум бир қилишга тушиб қолганлик, эркинликнинг йўқлиги;

3. Ректорлар томонидан келтирилган муаммолар:

- ўқитувчилар томонидан таъмагирликка йўл қўйилаётганлиги;

- ўқитувчилар томонидан чиқарилган дарсликлар сонининг камлиги;
- ўқитувчилар томонидан чиқарилган ўқув қўлланмалар сонининг камлиги;
- хорижий ўқитувчилар сонининг етишмаслиги;
- хорожий талабалар сони;
- академик алмашув дастурларда иштирок этувчи талабалар сони;
- илмий ёки таълим лойиҳаларида (хорижий, кўшма) иштирок этган профессор-ўқитувчилар сони;

- Халқаро конференциялар ёки семинарларда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сони;

- халқаро нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофат(диплом)ларга сазовар бўлган ҳамда Ўзбекистон қаҳрамони Давлат унвонига эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони бўйича;

Юқорида келтирилган муаммолар таълим сифатининг самарали бўлишида бир қанча тўсиқларни келтиради. Ушбу мақолада юртимиздаги бир қанча олий таълим муассасалари ўрганилди ва уларнинг жорий ҳолати кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида мамлакатимиздаги барча миллий олий даргоҳларнинг рейтингини тузилди. Мамлакатимизда олий таълим сифатини оширишнинг замонавий усуллари ва механизмлари юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдириб ўтамыз. Унга кўра:

- институтларда ўзаро мустақилликни йўлга қўйиш;
- ректорлани сайлов асосида тайинлаш-(мутахассислик асосида мослик даражасига кўра);
- илмий адабиётларнинг сифатини янгилаш ва сонини кўпайтириш;
- кардларнинг замон талабларига жавоб беришини таъминлаш;
- амалиёт жаройинида кучли мутахассислар билан бирга бириктирилганлик;
- имтиёзли дипломга битирган талабаларнинг магистратурагага киришда имтиёзни жорий қилиш;

- “5+1” технологиясининг барча олийгоҳларда қўлланилиши;(беш кун таълим, бир кун амалиёт);

- кредит тизимининг йўлга қўйилиши;
- дарс вақтини қисқартириш (60 дақиқа);
- дарс жаройидаги фан ўқитувчиси томонидан қилинадиган йўқламани олиб ташлаш (ушбу жараён вақтнинг ўғирланишига олиб келади);

- маърузаларнинг кўпроқ эркин тарзда ташкил қилиниши;
- талабаларнинг рейтинг дафтарчасини электрон кўринишда ташкил этиш ва ундаги баҳолардан ота-онанинг доимий равишда хабардор этиб турилиши- (олис ҳудудларда истиқомат қиляган ота-оналар ҳам бемалол фарзандининг баҳоларидан хабардор бўлиб турадилар.

- носоҳавий фанларнинг сонини камайтириш ва махсус фанлар сонини кўпайтириш;
- ўқувчиларнинг давомат даражасини яхшилаш учун турникетнинг назоратини кучайтириб ота-оналарга кунлик хабар боришини тўлиқ таъминлаш;

- АРМ фаолиятини тубдан ўзгартириш;
- электрон дарсликлар сонини кўпайтириш;
- “инсон-инсон алоқаси” ўрнига “инсон-технология алоқаси”ни йўлга қўйиш;
- коррупсиянинг олдини олиш;
- таълимга мос баҳолаш тизимини ташкил этиш;
- лаборатория машғулотларини ва хоналарини замон талабларига мос равишда ташкил қилиш;

- якуний назорат жараёнларини адолатли ўтишини таъминлаш учун барча олийгоҳларда онлайн тестни йўлга қўйиш;

Келтириб ўтилга муаммо ва таклифлар бугунги кундаги илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт интеграцияси ва тизимли инновацион фаолиятни янада самарадорлигини ошира олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б
2. Х.Ходжаев. Ижтимоий соҳа ва инновацион жараёнлар // Молия. -Тошкент. 2012 й. №4. 121-б.
3. Environmental Performance Index (EPI). - Yale Centre for Environmental Law & Policy, Yale University; CIESIN, Columbia University; Joint Research Centre of the European Commission, Ispra, Italy // <http://epi.yale.edu>

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

З.Дж. Адилова, Б.А. Хонтураев,

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг илмий ходимлари

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли таълимнинг глобал тенденциялари бўйича муаллиф тамонидан тадқиқот олиб борилган бўлиб, мақолада рақамли платформа ва янги технологиялардан таълим жараёнида фойдаланиш жараёнини ўрганиб чиқан. Жумладан, глобал рақамли синф бозори, глобал электрон таълим бозори, масофадан туриб ўқиш (distance education) бўйича статистик маълумотлар келтириб ўтган.

Калит сўзлар: таълим, рақамли таълим, технологиялар, рақамли платформа, интернет, онлайн таълим, ойналайн курслар.


Аннотация: Данная статья является исследовательской работой автора о мировых тенденциях в цифровом образовании, в которой рассматривается процесс использования цифровых платформ и новых технологий в образовательном процессе. К ним относятся статистика о мировом рынке цифровых аудиторий, глобальном рынке электронного обучения и дистанционном образовании.

Ключевые слова: образование, цифровое образование, технологии, цифровая платформа, интернет, онлайн-образование, онлайн-курсы.

Annotation: This article is the author's research work on global trends in digital education, which examines the process of using digital platforms and new technologies in the educational process. These include statistics on the global digital audience market, the global e-learning market, and distance education.

Keywords: education, digital education, technology, digital platform, Internet, online education, online courses.

Ҳозирги кунга келиб янги давр Веб 3.0 технологияларининг вужудга келиши ва “Саноат 4.0” (Industry 4.0) 4-саноат инқилоби янги рақамли технологияларни вужудга келтирди. Турли хил мобил иловаларнинг ишлаб чиқилиши, буюмлар Интернетининг (интернет орқали бошқарилувчи турли жиҳозлар) пайдо бўлаётгани, 3D принтерлар, роботлар, катта ҳажмдаги ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятлари таълим тизимида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сунъий интеллект, роботлаштириш, нанотехноло-гиялар, биотехнологиялар ва бошқа кўплаб нарсалар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда кўпгина университетлар рақамли таълим стратегияларини ишлаб чиқишда “Улкан маълумотлар” (Big Data), “булут”ли ҳисоблаш (cloud computing), “Буюмлар интернетини” (Internet of Things) технологияларини татбиқ этишни тезлаштириш ва “ақлли таълим”ни (smart education) ташкил этишга эътиборларини қаратишмоқда.



1-расм. Таълимда рақамли технологияларга харажатлар (млрд. АҚШ доллар, 2018-2025)[1]

Статистик маълумотларга кўра таълимда рақамли технологияларига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми 2018 йилда Виртуал ҳақиқат (AR/VR) технологиясига 1.8 млрд АҚШ доллари сарфланган бўлса, 2025 йилга келиб 12.6 млрд АҚШ долларни ташкил қилиши прогноزلанмоқда. Таълим ва ўқитиш соҳасида илгор технологиялардан фойдаланиши 2025 йилга келиб виртуал ҳақиқат ва сунъий интеллект асосий таълим бериши ва ўқитиш жараёнларига тобора интеграциялашиб бориши билан ўз ютуқларига эриша бошлайди.

Дунёдаги энг катта таълим бозорига эга бўлган Хитой сўнгги беш йил ичида таълим бўйича венчур инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Хитой таълим соҳасидаги глобал венчур инвестициялар ҳажмини 50% дан ортиғини, АҚШ 20% ни, Ҳиндистонни 10% ва Европани 8% ташкил қилади[2]. Ҳозирги кунда юқоридаги технологиялардан ривожланган мамлакатлар ўзларининг таълим тизимида унумли фойдаланиб келишмоқда. Жумладан, АҚШнинг кўпгина мактабларида ўқитувчиларнинг 63% дарс жараёнида рақамли технологияларидан фойдаланишар экан, ўқитувчиларнинг 58% онлайн ўқув дастурларидан, 41% ижтимоий медиадан, 21% 3D принтерлардан фойдаланадилар[3].


Бундан ташқари АҚШ сунъий интеллект (Artificial intelligence) технологиясига ҳам катта эътибор қаратишмоқда. “АТ-компаниялар юзни сканерловчи смартфонлар, махсус тиббий ускуналар ва автобошқарувли машиналарни ишлаб чиқариб, сунъий интеллект технологияларига фаол инвестиция киритишмоқда. АҚШда эндигина олийгоҳни тамомлаб, ишга жойлашган АТ-компанияларининг сунъий интеллект соҳасидаги мутахассислари йилига 300-500 минг доллар топишади”[4].

Расмдан шуни кўришимиз мумкинки сунъий интеллект (Artificial intelligence) технологияси энг кўп қўланилаётган соҳалардан бири технологиялар 32%, автомобил саноати 29%, молия хизматлар 28%ни ташкил қилган, кам фойдаланаётган соҳаларга эса туризм 11%, қурилиш 16% ва таълим 17%ни ташкил қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра сунъий интеллект технологиясига киритилаётган инвестициялар ҳажми 2018 йилда 12 млрд АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб 232 млрд АҚШ долларни ташкил қилиши прогноزلанмоқда. 2017 йилда хорижий инвестицияларнинг 62% сунъий интеллект технологиясига йўналтирилган. 2017 йилда сунъий интеллект компанияларининг глобал молиялаштирилиши 15 млрд АҚШ долларига етган[6].

Ҳозирги вақтга келиб рақамли технологияларнинг ривожланиб бориши билан таълим тизими ҳам ўзгариб бормоқда, шу боис ривожланган мамлакатлар мукамал таълим

дастурларини яратишда, таълим сифатини ошириш ва ривожлантириш учун технологиялардан манфаатли фойдаланиш-га эътиборларини қаратишмоқда. Шулардан бири катта маълумотлар (BigData) ҳисобланиб, ўқитувчилар учун янги усуллар билан ўқувчиларни жалб қилиш ва ўқитиш учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этмоқда. Бу уларга талабаларнинг таълим тажрибасини чуқурроқ тушуниш ва шу орқали



2-расм. Сунъий интеллект (Artificial intelligence) технологияси тармоқ ва соҳаларда фойдаланиш жараёни (%)да, 2017 йил[7]

Статистик маълумотларга кўра дунёбўйича катта маълумотлар (BigData) бозори ҳажми 2018 йилда 42 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2027 йилга бориб 103 млрд. АҚШ долларга етиш прогнозланмоқда. Катта маълумотлар (BigData)нинг хизматлар соҳасида улуши 2018 йилда 16 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2027 йилга бориб 33 млрд. АҚШ долларга етиш прогнозланмоқда[8].

Таълим хизматлар бозорида катта маълумотлардан фойдаланишнинг умумий мақсади ўқувчиларнинг билим олиш натижаларини яхшилашдир. Ҳозирги вақтда талабаларнинг илмий ютуғининг ягона кўрсаткичи топшириқ ва имтиҳонларга жавобдир. Бироқ, унинг ҳаёти давомида ҳар бир талаба ноёб ахборот изини яратади. Ушбу реал вақтда маълумотларнинг изини таҳлил қилиш талабаларнинг шахсий хулқ-атворини яхшироқ тушунишга, шунингдек, талабалар учун мақбул ўқув муҳитини яратишга ёрдам беради. Таълим соҳасида катта маълумотларга эга бўлган ҳолда, ўқитувчи талабаларнинг ҳаракатларини кузатиб бориши мумкин, масалан, саволга жавоб бериш учун қанча вақт сарфлаши, имтиҳонга тайёргарлик кўриш учун қандай манбалардан фойдаланиши, қандай саволларни ўтказиб юбориши ва ҳоказо. Бу ва шунга ўхшаш саволларга автоматик равишда жавоб берилиши ва ҳар бир ўқувчига тезкор фикр билдириши мумкин.

Бундан ташқари катта маълумотларнинг (BigData) ёрдами билан университетларда талабалар кўп бўлишига қарамай, ўқитувчи ҳар бир талаба учун индивидуал дастурларни яратиши мумкин. Бу аралашган таълим «**blended learning**» - онлайн ва офлайн равишда ўрганиш мумкин. Бу талабаларга ўзлари учун қизиқарли бўлган дарсларда қатнашиш, шунингдек ўз вақтида ишлаш, шу билан бирга ўқитувчилар учун офлайнда қолиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда таълим соҳасида катта маълумотларга эга бўлган университетлар абитуриентларни аниқроқ башорат қилишлари, шунингдек, ариза бериш жараёнига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишлари мумкин. Бундай маълумотлар университетларга ишга қабул қилиш стратегиясини ўзгартиришга ва маблағларни тўғри тақсимлашга имкон беради. Бундай маълумотлар оқими талабаларга бутун дунёдаги университетлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишда ёрдам беради, бу эса хорижий

талабалар учун кидирув ва ариза бериш жараёнини тезлаштиради. Катта маълумотлар келажакда таълим саноатида инкилоб қилиши мумкин. Ақлли талабалар ташкилотлар ва жамия-тга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://medium.com/@patrickbrothers/ten-charts-that-explain-the-global-education-technology-market-6809fa68484c>
2. <https://www.holoniq.com/wp-content/uploads/2019/02/HolonIQ-2019-Global-Outlook-Deck.pdf>
3. <https://edtechmagazine.com/k12/article/2017/09/classroom-tech-use-rise-infographic>
4. <https://www.nytimes.com/2017/10/22/technology/artificial-intelligence-experts-salaries.html>
5. <https://www.uzreport.news/technology/huawei>
6. Digital Economy Compass 2019/p.60 <https://www.statista.com/study/52194/digital-economy-compass>
7. Digital Economy Compass 2019/p.78 <https://www.statista.com/study/52194/digital-economy-compass>
8. <https://www.statista.com/statistics/301566/big-data-factory-revenue-by-type/>

ПРО НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НОВЕЙШИХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

*Швед Вадим Валерьевич, кандидат экономических наук, доцент, профессор кафедры
бизнеса и права Винницкий институт Университета «Украина»*

*Омельченко Елена Валерьевна, старший преподаватель кафедры бизнеса и права
Винницкий институт Университета «Украина»*

***Аннотация.** В статье рассматривается возможность использования новейших экономических моделей в приложении к образовательной сфере. Изучаются ключевые принципы функционирования таких моделей в сфере образования, анализируются основные используемые инструменты.*

***Опорные слова:** образование; поведенческая экономика; викиномика; теория коллективных действий; шэринговая экономика, дистанционное обучение.*

Современный эпидемиологический кризис привел к титаническим сдвигам в понимании моральной устарелости используемых технологий практически во всех сферах жизнедеятельности человека. Появления любой прорывной технологии, как правило, капсулировалось в основной сфере ее применения. Образовательная сфера не является исключением.

Страны бывшего СССР до сих пор в своей образовательной политике опираются на советскую педагогическую школу, зачастую сводя изменения к косметическим правкам и попыткам соединить различные образовательный идеологии воедино без изменения базиса.

Новейшие вызовы, что их создала мировая эпидемия коронавируса заставила критически оценить то, что раньше воспринималась как цифровизация образования. Большинство заведений среднего образования, как минимум в Украине, оказались совершенно не готовы к переходу на дистанционную форму обучения. Схоластические и хаотические попытки перевести обучение в онлайн даже через полгода не привели к появлению единого взгляда на то, как именно стоит организовать дистанционное обучение. Заведения среднего образование, по большому счету, остались с проблемой наедине. Кто-то считает дистанционным обучением использование электронной почты, кто-то переписку в Viber или Messenger, а уж использование Zoom или Google Classroom это уж точно цифровое обучение.

Не сильно отличается картина и в заведениях высшего образования. Да, большинство университетов и институтов используют системы управления обучением, самая популярная из которых – Moodle, развивают собственные системы электронного документооборота, активно формируют репозитории академических, учебных и методических материалов прочая. Но, все эти действия, при их безусловной необходимости, совершенно не приводят к появлению собственно возможности дистанционного обучения.

Существующие конкуренты в лице мировых гигантов – edX, Coursera, Udey или их украинских аналогов – EdEra, Prometheus, намного более адаптированы к модели дистанционного образования и пользуются все больше популярностью.

Ключевой проблемой, которая присуща академическому подходу к построению дистанционной модели образования, нами видится неготовность украинской высшей школы к открытости. Открытости, как ее понимает викиномистическая теория. К сожалению, большинство учреждений высшего образования Украины все еще ревностно оберегают собственные учебные и методические разработки. Часть же преподавателей искренне не понимают – как это безвозмездно поделится своими уникальными разработками, даже на основании лицензии Creative Commons, в ее последней, 4 редакции.

Викиномистическая модель основывается на четырех базовых принципах – обмена идеями, открытости, равенства и глобальности. Применимо к сфере образования данные принципы можно сформулировать следующим образом:

– обмен идеями и открытость. Университеты обеспечивают свободный доступ всем желающим к интеллектуальной собственности. Исчезают преграды, кто угодно может свободно ознакамливаться с информацией, патентами, учебными и методическими материалами, которые создаются в стенах учебного заведения. Создаваемый информационный продукт, как правило, распространяется на условиях лицензии Creative Commons в редакции CC BY-NC-SA 4.0.

– равенство. Все участники учебного процесса равны в процессе обучения. Кто угодно может начать или прервать обучение в любой удобный момент, а также предложить себя в качестве преподавателя. Минимизируются искусственные барьеры в виде тестирования «на входе» или вступительных экзаменов.

– глобальность. Гарантируется общедоступность информации, знаний и образовательных инструментов для всех желающих в любое время и в любом месте.

Приверженность данным викиномистическим принципам дает возможность сформировать высококонкурентную образовательную среду с широкой номенклатурой образовательных услуг. Набирающий обороты глобальный тренд общедоступности знаний, сформировавшийся на базе всепроникающих интернет-технологий, способствовал экспоненциальному росту спроса на разнообразные образовательный продукты – от учебных программ подготовки по определенной специальности до узкоспециализированных курсов повышения квалификации или общих знаний в той или иной сфере.

Необходимо отметить, что трансформации и диджитализации образовательной среды будут способствовать и иные бизнес-модели. Особенно те, которые носят общее название – модели поведенческой экономики. Данные модели базируются на преимуществах открытого информационного общества и активно используются возможности глобальных каналов связи.

Так, можно упомянуть теорию коллективных действий, которая применимо к образовательной среде, постулирует формирование малых групп обучающихся. Такие группы намного больше вовлечены в процесс обучения, легче объединяются общей целью, а использование селективных стимулов способствует формированию компетенций и, так называемых, «мягких навыков».

Важно отметить, что селективный стимул в его классическом понимании, сформулированным М. Олсоном, дает право рассчитывать и на проявление синергетического эффекта в условиях использования подходов теории коллективных действий.

Еще одной моделью поведенческой экономики, которая должна использоваться в условиях цифрового образовательного процесса – модель шэринговой экономики.

Сущность данной модели лучше всего отражают ее принципы: принцип пиринга, принцип саморегулирования, принцип экологичности, принцип рациональности, принцип открытости и принцип «евангелизации».

Уже сам перечень принципов дает возможность утверждать о их схожести с принципами модели викиномики, что еще раз подчеркивает возможность и важность их применения.

Адаптируя вышеприведенные принципы к условиям образовательного процесса, можно их сформулировать следующим образом:

– принцип пиринга. Синонимом данного принципа является принцип равенства. То есть постулируется равенство всех участников процесса обучения.

– принцип саморегулирования. Все участники образовательного процесса основываясь на преимуществах принципа равенства несут одинаковую ответственность за получение, обладание и применение знаний.

– принцип экологичности. Все участники образовательного процесса руководствуясь требованиями принципа саморегулирования ведут свою образовательную деятельность максимально безопасно и экологично по отношению к окружающей среде.

– принцип рациональности. Используя требования вышеприведенных принципов, а также содержание теории коллективных действий, можно сформулировать данный принцип как приверженность участников учебного процесса оптимальному использованию собственных и привлеченных ресурсов для получения, обладания и применения знаний.

– принцип открытости. Суть данного принципа идентична сущности принципа открытости в викиномистической модели.

– принцип «евангелизации». Участники образовательного процесса, используя селективные стимулы способствуют появлению нового знания, которое носит общественно важный характер и способствует решению многих социальных проблем.

Также можно упомянуть и модель рециклинговой экономики в контексте непрерывного кругооборота знаний между реципиентами и акцепторами.

Общим выводом из всего вышеизложенного является необходимость формирования открытой образовательной экосистемы как на уровне отдельного учреждения, так и страны в целом. Экосистемы, приверженной вышеприведенным принципам. Экосистемы, высококонкурентной в силу своей открытости, доступности и простоты.

Использованная литература

1. Швед В.В. Викиномика в высшем образовании: возможности и преграды. *Сборник статей III Международной научно-практической конференции: Непрерывная система образования «школа – университет». Инновации и перспективы.* Беларусь. Минск: 2019. С. 243-246

2. Швед В.В. Возможности использования модели коворкинга в образовательном процессе. *Материалы научно-практической конференции с международным участием: Философия образования и современность: к 10-летию кафедры философии образования в структуре философского факультета МГУ.* Россия. Москва: 2018. С. 248-250

3. Швед В.В. Використання інструментів поведінкової економіки в освітній діяльності. *Збірник наукових праць Хмельницького інституту соціальних технологій Університету «Україна».* №16. 2018. С. 18-22

4. Швед В.В., Медведкін Р.В. Використання технологій шерінгу у освітній діяльності. *Подільський науковий вісник.* №1. 2018. С. 112-115

5. Швед В.В. Теорія колективних дій в освіті. *Актуальні питання освіти і науки.* 2017. С. 119-122

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ВА УНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Эргашев Толибжон Эшқобилович
Жиззах Давлат педагогика институти
tolibjon.ergashev@inbox.ru

Аннотация. Мақолада ахборотлашган жамият, ахборотлашган жамиятда таълимни ахборотлаштириш, рақамлаштириш, электрон таълим ресурсларини шакллантириш, глобаллашув ва инновация жараёнлари, таълимни модернизациялаш, ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш истиқболлари ёритилган.

Калим сўзлар: ахборотлашган жамият, таълимни ахборотлаштириш, ахборот, глобаллашув, рақамлаштириш, инновация, модернизация.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тадбиқ етилиши, ахборотга асосланган рақамли технологияларнинг ривожланиши, барча соҳаларни модернизациялаш ва уларга инновацияларни жорий этиш натижасида юртимиз тараққиётининг мутлақо янги, янада юксак босқичга қадам қўйилди.

Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишини тубдан такомиллаштириш, иқтисодий либераллаштириш, ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, очиқ ва ошқора сиёсат юритиш ва айниқса таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, хорижий ўқув юртлигининг юртимизга кенг миқёсда кириб келиши, Ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро тартибдаги меъёрлар асосида ўқитилиши таълим-тарбия соҳасини юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятли белгилловчи асосий омиллардан бири, бу таълимга инновацияларни жорий этиш ва инновацион билим беришдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимини инновацион технологияларга асосланган ҳолда ривожлантириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ёшларга ахборот-коммуникация технологиялари асосида билим бериш, олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларга хорижий таълим муассасаларининг энг сўнгги ютуқларини жорий қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши қабул қилинди, унинг тўртинчи ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида ҳам таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Жумладан:

-узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятларни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш масалалари илгари сурилганки уларни амалга ошириш натижасида олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими ва мактабгача таълим вазирликлари тизимлари тўлиқ модернизация қилинади, соҳага инновацион технологиялар жалб қилинади, таълим кластерлари жорий этилади, хорижий олий таълим муассасаларида ўзини оклаган модул ўқитиш тизимлари жорий этилади, онлайн смарт университетлар ташкил этилади ва соҳада ўз кучига ишонган, ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўрганган, хорижий тилларда сўзлашувчи ёшлар етишиб чиқади ва мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг креатив фикрлайдиган инновацион қатлами вужудга келишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йилдаги Парламентга қилган мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишни таъкидлаб ўтди ва шу асосида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этиш зарурлигини белгилади. Рақамли иқтисодиёт белгиланган вақтда амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириши, одамлар фаровонлигининг ошиши, коррупцион ҳолатларнинг камайишига ва янги иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Дастурни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, ахборотлаштириш, инновацияларни тадбиқ этиш энг муҳим омиллардан бири хисобланади.

Халқаро тажрибалардан маълумки иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни амалиётга тадбиқ қилиш ва ривожлантиришда таълимнинг ўз ўрни бор. Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва санаот ривожланишидан олдин таълим ушбу жараённи бошгидан ўтказмаган ва кўрмаган бўлса, мазкур йўлни босиб ўтмаган бўлса унда иқтисодиётда ҳам таълимда ҳам ривожланиш бўлмайди.

Ахборотлашган жамият шароитида таълимни рақамлаштириш, инновацион технологияларни тадбиқ қилиш, инсон омилсиз ишлайдиган дастурларни олий ўқув юртларига тадбиқ қилиш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

-ёшларда ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини босқичма-босқич ошириб бориш;

-Ўзбекистоннинг ўзига хос, халқаро меъёрлардан кам бўлмаган таълим стандартларига эришиш;

-миллий, барча учун очик электрон ахборот маконини яратиш;

-энг сўнги русумдаги ахборот коммуникация қурилмаларини малакатимизда ишлаб чиқаришга эришиш;

-ахборотлашган жамиятга мос кадрларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларнинг сифатига эътибор бериш;

-юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш имкониятларини яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони
2. <https://strategy.uz/index.php?news=787>
<https://uza.uz/oz/society/i-tisodiyet-ra-amlasha-demak-undan-oldin-talim-ushbu-zharaye-30-04-2020>

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Шодмонов Анаркул Юлдашевич, катта ўқитувчи
Жиззах политехника институти*

Аннотация Бугунги кунда “рақамли иқтисодиёт” атамаси ҳақида кўплаб саволлар тугила бошлади. Ушбу мақолада уларнинг энг муҳимлари ҳақида тушунчалар берилган ва фикр мулоҳазалар билдирилган.

Калим сўзлар: эркин бозор, нарх, молия-кредит, рақамли иқтисодиёт, иқтисодий интернет фаолияти, ахборот технологиялари, инновациялар

Аннотация В настоящее время возникает много вопросов о термине «цифровая экономика». В этой статье представлена информация и отзывы о наиболее важных аспектах цифровой экономики.

Ключевые слова: свободный рынок, цена, финансы и кредит, цифровая экономика, экономическая интернет-активность, информационные технологии, инновации.

Annotation. There are now many questions about the term "digital economy." This article provides information and feedback on the most important aspects of the digital economy.

Keywords: free market, price, finance and credit, digital economy, economic Internet activity, information technology, innovation.

Эркин бозор тамойилларини ўрнатишда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислох қилиш ва ривожлантириш зарур. Бунинг натижасида эса соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадга мувофиқ. Бунда мулкӣ, аграр, нарх, молия-кредит, ташқи иқтисодий фаолият ва ниҳоят ижтимоий йўналишларда ислохотларни амалга ошириш бозор муносабатларига ўтишда кенг қулайлик яратади.

Шу билан бирга, соҳа равнақида очик иқтисодиёт, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, малакали кадрларни тайёрлаш каби бир қатор масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш кераклиги, шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиши зарурлиги, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беришини, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган таҳлиллар ҳам буни тасдиқлаётганликларини, шунинг учун ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида айтиб утди.

Худди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириши чоратadbirlari тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли

иктисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” Қарори ҳамда ЎЗР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги қарорларида республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш каби рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар кўрсатиб утилган[1,2,3,4].

Глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини белгилашда иқтисодиётда рақамли иқтисодиётнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг қайси бир тармоқ ёки соҳасига назар ташламайлик, барчасида рақамли технологияларнинг ўрнини кўрамиз. Мамлакат банк тизимидаги хизматлардан тортиб, давлат хизматлари даражасида ҳам инновацион рақамли технологияларнинг улушини кўришимиз мумкин.

Аммо дунё мамлакатларининг барчасида ҳам рақамли технологияларнинг ривожланиши учун яратилган шароитлар бир хил эмас. Жумладан, ривожланаётган ҳамда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда интернетга уланиш сифатининг юқори эмаслиги ҳамда интернет нархларининг баландлиги рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланишга тайёр эмаслиги, билим даражасининг юқори эмаслиги, алоҳида эътибор талаб қиладиган муаммолардан асосийси ҳисобланади [5].

Рақамли иқтисодиёт нима? Рақамли иқтисодиёт Л.Т. Рахмоновнинг “Рақамли иқтисодиёт – соҳа ва тармоқларда иқтисодий самарага эришишнинг инновацион усули” мақоласида Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган.

Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов «Рақамли иқтисод – ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит».

Томск давлат университетининг профессори, Р.Мешчеряковнинг фикрича «рақамли иқтисод» атамасига иккита ёндашиш мавжуд деб ҳисоблайди:

➤ биринчи ёндашув «классик» деб номланиб, классик мисоллар – телетиббиёт, масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар);

➤ иккинчи ёндашув «рақамли иқтисодиёт» илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир.

М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт – иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган [5].

Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт тушунчасига “бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир” деб ҳам таъриф берилган. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонтё “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи шундан иборатки, масалан, харидор бирор-бир истеъмол товарига бўлган талабини қондириши учун бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул истеъмол товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Ойлик маошимиз пластик картага тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ҳамда бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамыз, картадан картага пул узатамыз, уйга таом буюртма қиламыз ва бундан ташқари online орқали банкдан микроқарз олиш хоказо. Демак, биз анчадан буён айрим соҳаларда рақамли иқтисодиётнинг қулайликларидан фойдаланиб келмоқдамыз.

Рақамли иқтисодиёт қўйидаги қулайликлари мавжуд:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежаллади).

2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланишлари шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда [6]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фуқароларимизда бази бир соҳаларда электрон битимларни амалга оширишдаги куникмалари шаклланган ва катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборатдир

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “*Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармони.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августдаги “*Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*” Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “*Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги қарори.

4. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар2. [Текст] /С.С.Гулямов, Р.Ҳ.Аюпов, О.М.Абдуллаев, Г.Р.Балтабаева - Тошкент: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 366 бет.

5. Рахмонов Л.Т. Рақамли иқтисодиёт – соҳа ва тармоқларда иқтисодий самарага эришишнинг инновацион усули [Текст] / Л.Т.Рахмонов // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”илмий электрон журнали ноябрь-декабрь, 2018 йил, №6

**5-ШЎБА: ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ, БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК ИДЕАЛНИНГ
БЕЛГИЛОВЧИЛИК РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

**РЕШАЮЩАЯ РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО,
ДУХОВНОГО, ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО ИДЕАЛА В
ОБЕСПЕЧЕНИИ ИННОВАЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ**

**THE DECISIVE ROLE AND IMPORTANCE OF THE SOCIO-ECONOMIC,
SPIRITUAL, ARTISTIC AND AESTHETIC IDEAL IN ENSURING THE
INNOVATIVE ACTIVITY OF YOUTH**

HARMONY OF UZBEK NATIONAL CLOTHING CULTURE AND MODERNITY

*Ibaydullaev Temur Gaybullaevich, Jizzakh Polytechnic Institute, teacher of the Department
“Social sciences”*

Annotation: *The article deals with the peculiarities of the culture of Uzbek traditional national dress, as well as analyzed the problems that arise in the harmonization of modern clothing with Uzbek traditional national dress and proposals for their solution from a philosophical and cultural point of view.*

Keywords: *values, culture, dress, national dress, modern national dress.*

Аннотация: *В статье рассматриваются особенности узбекской традиционной национальной культуры одежды и проблемы, возникающие при совмещении современной одежды с традиционной узбекской национальной одеждой, а также предложения по их решению проанализированы с философско-культурной точки зрения.*

Ключевые слова: *ценности, культура, одежда, национальная одежда, современная национальная одежда.*

Annotatsiya: *Maqolada o'zbek an'anaviy – milliy libosining o'ziga xos xususiyatlari hamda zamonaviy liboslarni o'zbek an'anaviy – milliy liboslari bilan uyg'unlashtirish yo'lidagi muammo va takliflari falsafiy – madaniy jihatdan tahlil etilgan.*

Калит со'злар: *madaniyat, libos, qadriyat, milliy libos, zamonaviy milliy libos, etnik.*

One of the most pressing issues in the world is the restoration and development of a culture that has an ancient history and serves the present and the future. In particular, the paying attention of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev to the “preservation, study and transmission of historical heritage from generation to generation should be one of the most important priorities of state policy” [1; p-29] is a clear proof of this. This, in turn, defines the task of developing and introducing our traditional national costumes, which are part of our culture.

There is a unique dress culture of more than a hundred nationalities and ethnic groups living in our country, which is characterized by the natural climatic conditions, lifestyle, labor activities, traditions, religious beliefs, national consciousness and in the formation and development of the culture.

According to the form and appearance of the national costume, being the an important part of culture, depending on time and epoch, Doctor of Philosophy, Professor of Cultural Studies U.H.Karabaev divided it into traditional and modern types. The scholar called the traditional national dress “clothes formed in the historical process, that is, the typical clothes worn by our ancestors for centuries”, and the modern national dress “modern clothes and later in the life of the nation” clothes that have found their place. He also noted that modern clothes based on national costumes combine traditional style and modern forms [2; p-125].

It can be seen that European countries began to promote modern clothing culture (fashion) in Central Asia mainly in the XIX-XX centuries. There are several types of fashion, depending on the

scope. First of all, it is narrow and can be divided into neighborhood, village, district, city and regional fashions. Second, it is broad-based, and its boundaries are divided into countries, regions, continents, and world-wide fashion. National identity is predominant in narrow scope fashion, and it is important because it has been formed and developed over the centuries and passed down from generation to generation. And a wide range of fashion is important because it is created by certain groups and then it influences to certain nations, peoples and countries of the world. In particular, the world's clothing culture is constantly evolving and evolving, and new modern clothing, which is emerging every day according to the law of denial-denial of philosophy, is entering society by rejecting the old one. The shelf life of such garments varies, depending on the needs, requirements and tastes of the community. As an exception, there are rules and guidelines in some fashions that neither time nor space can deny. In particular, such clothes are national costumes that have been polished and perfected over the centuries, embody the positive features of the culture of each period, and are part of the system of national values.

Also, those who understand that clothes imported from Europe and other countries are mainly made of synthetic artificial fabrics and pose a threat to their quality and harm to the human body, are made of our own local cotton and silk fabrics, warm and wanting our traditional dresses that are suitable and comfortable for cold days. N.P. Lamanova, one of the Western fashion designers, was the first in the world to develop a project to create modern clothes based on traditional national costumes [3; p-3], while F.M.Parmon conducted a number of studies in the creation of modern models and collections through creative replacement of national costumes [4; p-272]. Uzbek researcher F.Z.Atakhanova said that “in the creation of modern clothing there is a process of re-perception of national costumes in terms of modern conditions, with the national spirit, national tones in the most interesting models from the design point of view ...” [5; p-46-52].

Although Western clothing is coming into our lives, our nation has a high demand for national costumes and embodies the traditions of succession, preserving our national image with pride. Our research has shown that, depending on the area of residence, the rural population is more likely than the urban population to wear national costumes, and that gender is more common in rural areas than in urban areas traditional using clothes. It can be concluded that the more the urban population uses modern European clothes, the more our national costumes are preserved in rural areas. In order for them to wear our national costumes proudly in both regions, we must first educate them in the spirit of patriotism and increase their knowledge and skills about the culture of dress, otherwise we will lose our national image and move away from ourselves.

At development of traditional and modern clothes, at propagating them worldwide the role of chairman of Union of Designers of Uzbekistan, Kh.Kamilova the clothing scientist is very big [6]. In particular, the work of this scientist is very big at organization of international festivals “Stile.uz.” - Fashion Week, the “Children – sweets” and at training of qualified personnel in the field of highly qualified clothing design.

Also, despite a lot of work, there are problems that need to be addressed in order to modernize national costumes.

In the course of our research, we have identified the problems that arise in the creation of modern types of national costumes, and tried to find ways and solutions to them.

First, it is important to reform the clothes and create modern copies of our national clothes. In creating modern types of national costumes (based on historical experience) should take into account factors such as natural conditions, lifestyle, customs, values, socio-cultural needs, history, age, religious affiliation, the requirements of the time.

Second, we need to increase the knowledge and skills of young people about our traditional dress. If we create modern types of national costumes, but the taste and culture of young people is low, such work will be ineffective. Just as we have been raised in a family since childhood, it is important to instill knowledge and skills in the culture of dress as early as possible.

Third, it is important to develop the basic principles of creating modern clothes, i.e. the Uzbek national model, based on the traditional Uzbek clothing culture, taking into account the stylistic and specific features of clothing.

Fourth, the issue of gender in modern clothing is becoming more urgent. Because by the 21st century, the gap between men's and women's clothing in the world is slowly narrowing. We don't see the problem as clearly in the West, but we think it needs to be prevented. Because preventing this problem will ensure that the culture of dress is passed on to the next generation without losing its national identity.

Fifth, it is necessary to develop a theoretical basis for the design of modern clothing, based on the artistic, decorative and ornamental solutions of the elements of Uzbek clothing, taking our traditional clothing as the main source.

Sixth, it is necessary to create a database for the design and functional modeling of modern clothes based on traditional Uzbek clothing.

Seventh, in order to promote traditional national costumes among the population, we consider it appropriate to organize competitions of national costumes in educational and cultural institutions on the eve of the national holiday "Navruz".

In conclusion, if we incorporate the requirements for dress into modern national costumes along with the shape and appearance of our traditional dress culture, the resulting outfits reflect external beauty and national identity. As a result, our modern national costumes can withstand all forms of clothing.

List of used literature

1. Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and take it to a new level. –Tashkent: Uzbekistan, 2018. –P.29.
2. Usmon Hosil (Qoraboyev). Customs. Book 2. -Tashkent: Uzbekistan, 2018. –P.125.
3. Nurjasarova M.A. Abstract of the dissertation on "Theoretical and methodological principles of designing modern clothing on the basis of traditional Kazakh costume." –Almata: 2005. –P.3.
4. Parmon F.M. Russian folk costume as an artistic and design source of creativity. Moscow: Legpromizdat 1994. –P.272.
5. Ataxanova F. Z. The charm of Uzbek traditions in modern clothes //Traditional and modern culture: history, actual situation, prospects. – 2017. – P. 46-52.
6. https://www.kultura.uz/view_5_r_13487.html

ZAMONAVIY PEDAGOGNING DARS JARAYNIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH OMILLARI

*Rahmonov Navro‘zbek Ergashevich, Jizzax politexnika instituti
“Bino va inshootlar qurilishi” kafedrasida assistenti*

Аннотация: *Ta’lim – tarbiya jarayonini yangidan isloh qilishga kirishilgan bugungi kunda, pedagoglarning interfaol usullardan foydalanishi dars jarayonida o’quvchilarda darsga bo’lgan e’tiborini kuchayishiga va shuning bilan birga dars sifat va samaradorligini oshirishdagi ahamiyati haqida.*

Калит so‘zlar: *ta’lim, axborot, interfaol, intellektual texnologiya, sifat, zamonaviy, Innovatsiya, talaka, ko’nikma.*

Аннотация: *В настоящее время, в процессе обучения реформи, использование учителями интерактивных методов для повышения внимания учеников к уроку в классе, и в то же время для повышения качества и эффективности урока.*

Ключевые слова: *образование, информация, интерактив, интеллектуальные технологии, качество, современное, инновации, квалификация, навыки.*

Abstract: *Nowadays, when the teaching process is being reformed, the use of interactive methods by teachers is important to increase the attention of students to the lesson in the classroom, and at the same time to improve the quality and effectiveness of the lesson.*

Keywords: *education, information, interactive, intellectual technology, quality, modern, Innovation, qualification, skill.*

Ta'lim jarayonini, rivojlantirish va o'quv tarbiya jarayoniga to'g'ridan to'g'ri yangi pedagogik texnologiyalarning kengroq joriy etilish orqali o'qitish usullarining samarali turlaridan foydalanish ta'lim jarayonining sifatli bo'lishini ta'minlaydi. SHunday ekan bugungi kunda o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarni mukammal ravishda egallashlari uchun ta'lim jarayonining samarali va qiziqarli bo'lishi muhim ahamiyat kasb etadi. Pedagoglardan talab qilinadigan asosiy vazifa dars jarayonida interfaol usullardan samarali foydalanib, o'quvchining bilim salohiyatini oshirish, kommunikativ sifatlarni tarkib toptirishdan iboratdir.

Bunday sifatlarni shakllantirishda esa pedagoglar, bor bilim va mahoratini namoyon eta olishi zarur bo'ladi. Mahoratli pedagog dars jarayonini qiziqarli tashkil eta olsa, interfaol usullardan unumli foydalansa, vaqtni to'g'ri taqsimlay olsa, didaktik maqsadni aniq qo'ya olsa o'quvchi har bir darsda o'zini ertaklar olamiga tushib qolgandek his qiladi. Bu esa o'z navbatida dars jarayonini qiziqarli va samarali o'tishini ta'minlaydi. Zamonaviy pedagog darslarining samaradorligini oshirish uchun hamda o'quvchini o'z faniga qiziqitira olishi uchun uni ruhiyatiga to'g'ri ta'sir eta olishi kerak. O'quvchini jazolash, qo'rqitish, ota-onaga arz qilish, sinfdoshlari oldida izza qilish kabi salbiy illatlar kasbiy mahoratning yetishmasligidan dalolat beradi. O'qituvchidagi bunday salbiy illatlar o'quvchining fanga bo'lgan qiziqishlarini bir muncha so'nishiga olib keladi.

- Zamonaviy pedagog o'z kasbining fidoyisi sifatida innovatsion interfaol usullardan o'quv jarayonida o'rinli foydalanishi, mahoratli pedagog qiyofasini yarata olishi lozim bo'ladi. Dars jarayonida interfaol usullardan foydalanish, har bir o'quvchining faolligiga, erkin va mustaqil fikr yuritishiga imkon tug'diradi. Pedagogik texnologiyalar asosida o'tkazilgan dars mashg'ulotlari o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, intellektual salohiyatga ega bo'lishiga imkoniyat yaratadi.

- Bugungi globallashuv jarayonida turli yot g'oyalar va zararli illatlardan yosh avlodni himoya qilish va ularda mafkuraviy immunitetni shakllantirishdek mas'uliyatli vazifa hisoblanadi. Yosh avlodni yuksak ma'naviyatli, milliy va umuminsoniy qadriytlarga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning ong va tafakkurida milliy g'urur, milliy iftixor tuyg'usini shakllantirish, o'quvchining ruhiy olamiga ezgulik urug'ini ekishning asosiy manbayidir.

- O'quv tarbiya jarayonida interfaol usullar, innovatsion texnologiyalarning ahamiyati katta. Innovatsiya inglizcha so'z bo'lib, "yangilik kiritish", "yangilik" degan ma'nolarni anglatadi. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayonga yangilik kiritish bo'lib, interfaol usullardan foydalaniladi.

- Interfaol-bu o'zaro harakat qilmoq, muloqotdqa bo'lish deganini anglatadi. Bu usullar faqat o'qituvchi va o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Ta'limining asosiy talablariga ko'ra o'quvchi mavzu bo'yicha belgilangan bilim, malaka va ko'nikmalarni egallash uchun darslikdagi mashq va topshiriqlarni bajarishda mustaqil, ijodiy fikrlashi, kuzatishi, umumiylikni topishi, farqlarni aniqlashi, xulosa chiqarishi amaliyotda qo'llay olishi kerak.

- Barchamizga ma'lumki, **bilim**- o'quv jarayonida o'quvchiga beradigan axborot;
- **ko'nikma**- shu ma'lumotlardan samarali foydalana olish;
- **malaka**- olingan axborotlarni tanish yoki notanish amaliyotga tatbiq etish;
- **kompetensiya**- bilim, ko'nikma va malakalarni kundalik hayotda qo'llay olish layoqati.

O'quv tarbiyaviy jarayonda o'quvchining mustaqil ishlash, ijodiy fikrlash o'zini-o'zi rivojlantirish kompetensiyasini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari o'quvchida o'zligini unutmaslik, Vatanga muhabbat, an'ana va qadriyatlarimizni e'zozlash kabi ezgu g'oyalar shakllanib boradi.

Bunday, tavsiya etilgan usullar o'quvchilarda nafaqat mustaqil ishlash va ijodiy fikrlash, balki kommunikativ shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish, ijtimoiy faol fuqarolik kabi tayanch hamda nutqiy, lingvistik kompetensiyalarni ham shakllantiradi. Biz ustozlarning vazifamiz, erkin va mustaqil fikrga ega, muloqotga erkin kirishadigan, teran fikrli, iqtidorli shaxsni tarbiyalashdan iboratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 sentyabrdagi "Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5538-son farmoni.

2. Ishmuhamedov R.J., Abduqodirov A.A., Pardaev A.X. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – T.: «Iste'dod», 2008. 4. Yo'ldoshev J.G., Usmonov S.A.
3. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. – T.: «Fan va texnologiya», 2008.

YOSHLAR MADANIYATINI OSHIRISHDA SHART SHAROITLARNING AHAMIYATI

*Soatov Ulug'bek Abdukadirovich, f.-m.f.n., katta o'qituvchi,
Hakimov Orzuqul Meliyevich, s.f.n., dotsent,
Jizzax Politexnika Instituti*

Annotatsiya: Ushbu maqolada zamonaviy yoshlarning madaniyatini oshirishda oiladagi va ta'lim muassasalaridagi ta'lim-tarbiya jarayonini yanada mukammallashtirish orqali ularni har tomonlama madaniyatli qilib tarbiyalashning shart sharoitlari, dolzarb masalalari tadqiq qilingan.

Kalit so'zlar: Yoshlar, madaniyat, ma'naviy, intellektual, identifikatsiya, refleksiya, xulq-atvori, zamonaviy, oila, intizom, davlat, jamiyat, ta'lim, tarbiya, mustaqillik.

Аннотация: В статье исследуются условия и актуальные вопросы всестороннего и культурного повышения культуры современной молодежи путем дальнейшего совершенствования образовательного процесса в семье и образовательных учреждениях.

Ключевые слова: молодежь, культура, духовное, интеллектуальное, идентификация, рефлексия, поведение, современность, семья, дисциплина, государство, общество, образование, воспитание, независимость.

Annotation: The article examines the conditions and topical issues of comprehensive and cultural improvement of the culture of modern youth by further improving the educational process in the family and educational institutions.

Key words: youth, culture, spiritual, intellectual, identification, reflection, behavior, modernity, family, discipline, state, society, education, upbringing, independence.

Ma'lumki, mamlakatimizda aholining ko'p qismini bolalar va yoshlar tashkil qiladi. Ijtimoiy muammolar ham shunga ko'ra o'z ifodasini topadi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev o'z ma'ruzalarining birida "Yoshlarimiz-ning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatiga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib, kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuchi va imkoniyatlarini safarbar etamiz" - deb ta'kidlagan edi [1, 14-b].

O'zbekiston yoshlarining ma'naviy dunyo'si qaror topishi nafaqat yosh avlodning, balki umuman butun O'zbekiston jamiyatining hayoti uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega. Qat'iy hayotiy yo'nalish va o'z hayotiy strategiyalarini ishlab chiqishlari – bu murakkab va hozirgi globallashuv davrida zamonaviy yoshlarni tarbiyalash uchun zaruriy va muhim o'rin tutadi.

Ushbu maqolada zamonaviy yoshlarning madaniyatini oshirishda oiladagi va ta'lim muassasalaridagi ta'lim-tarbiya jarayonini yanada mukammallashtirish orqali ularni har tomonlama madaniyatli qilib tarbiyalashning shart sharoitlari, dolzarb masalalari tadqiq qilingan.

Hayotning o'zgarib boruvchi sharoitlari yosh insonlarni yangi realliklarga moslashishga, o'zining hayotiy nuqtai nazarini ishlab chiqishga, o'z porloq kelajagini yaratishga undamoqda. Shunday ekan, bugungi kunda oila va ta'lim muassasalari jamoalari oldida quyidagi vazafalar dolzarb va muhim hamda samarali deb hisoblashimiz mumkin:

- puxta o'ylangan, ilmiy asoslangan yoshlar siyosati asosida yoshlarning bilimlaridan, qobiliyatlaridan va sa'y-harakatlaridan foydalanishlari uchun qulay sharoitlar yaratish;
- mustaqil O'zbekistonning ravnaq topishida o'zining ijtimoiy manfaatlarini, ehtiyojlarini, hayotiy istiqbollarni belgilab olishlarini va ro'yobga chiqara bilishlarini ta'minlash.

Hozirgi zamon Ozbekiston yoshlarining qadriyatli yo'nalishlarini, intilishlarini bilish o'z-o'zidan dolzarb bo'lib qolmay, balki O'zbekiston jamiyati rivojlanishining mavjud tendensiyalari

va umumiy yo'nalishini tushunish uchun muhimdir. U nafaqat yoshlarning jamiyatdagi bugungi holat to'g'risidagi tasavvurlarini, balki keyinchalik o'z mamlakatining fuqarosi sifatida ularning turmush tarzida va teal xulq-atvorida namoyon bo'luvchi jihatlar, jumladan, ularning o'ziga o'zi baho berishi, o'zini o'zi identifikatsiya qilishi, o'zini o'zi refleksiya qilishi xususiyatlarini o'z ichiga olishi tufayli ham bunday bilishning ahamiyati ortib boradi.

Shu o'rinda, O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning ushbu iborasini kelirib o'tish joiz, "Vatanimizning kelajagi, xalqimiz ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro'-etibori, avvalom bor, farzandlarimizning unib-o'sib ulgayib, qanday inson bo'lib hayotga kirib borishiga bog'liqdir. Biz bunday o'tkir haqiqatni hech qachon unutmashimiz kerak" [2, 4-b].

Yoshlarning savodxonligini oshirishda oila, umumta'lim maktabi, oliy va o'rta maxsus ta'limi o'zi ustida mustaqil ishlash tizimi va bu tizimning hamkorlikdagi faoliyati muhim rol o'ynaydi. Yoshlarning bo'sh vaqtida madaniy hirdiq chiqarishlarini tashkil etish uchun yoshlar, xotin-qizlar tahkilotlari, ta'lim-tarbiya muassasalari, mahalla mutasaddilari, respublika va mahalliy kasaba uyushmalari respublikamiz shaharlari bo'ylab madaniy maskanlarga, tarixiy obidalaega sayohatlar uyushtirish, so'lim oromgohlarda qisqa muddatli hordiq chiqarish dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish, bayram tadbirlarini har bir tuman, har bir mahalla sayllar shaklida o'tkazishga e'tiborini qaratmoqlari lozim. "Oila yoshlarni ma'naviy va jismoniy shakllantirishning muhim bo'g'ini hisoblanadi. Aynan oilada o'zaro harmat, mehr-oqibat, halollik, mehnatsevarlik, insonparvarlik va vatanparvarlik kabi oliy darajadagi axloqiy-ma'naviy sifatlar shallanadi hamda avloddan avlodga yetkaziladi. Albatta, bu o'rinda oilada asosiy tarbiyachi hisoblanadigan ayollarning ma'naviy yuksakligi, dunyoqarashi, savodxonligi muhim rol o'ynaydi" [3, 11-b].

Oilada intizom tuyg'usi shakllangan kishi davlat va jamiyat ishida ham shu tuyg'u sohibi sifatida xizmat qiladi, davlat qonunlariga chap berishni xayoliga ham keltirmaydi, har bir ishni o'z joyida va o'z vaqtida belgilab, tartib asosida bajaradi. Bunday intizom va tartib bugun xalq va millatning sharafiga aylanadi. Aytaylik, nemis va yaponlarga xos intizomning jahon miqyosida e'tirof e'tilish sababi ham ana shunda. Abdurauf Fitrat bunday intizomlikning ijtimoiy mohiyatini ta'riflab, o'zining "Oila va oila boshqarish tartiblari" asarida shunday yozgan edi: "Har bir millatning saodati va izzati, albatta shu xalqning ichki intizomi va totuvligiga bog'liq. Tinchlik va totuvlik esa shu millat oilalarning intizomiga tayanadi. Qayerda oila munosabati kuchli intizomga tayansa, mamlakat va millat ham shuncha kuchli va muntazam bo'ladi".

Shunday ekan, o'sib kelayotgan o'g'il-qizlarimizning salomatligini mustahkamlash, ularni Vatanimizning munosib farzandlari etib tarbiyalash masalasi borasida mahalliy dasturlarni ishlab chiqib, ularni amalga oshirish zarur.

Bugungi kunda biz mustaqillik tufayli jamiyatimizning iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan aniq vazifalarni amalga oshirishga kirishdik. Ularni davom ettirish esa – yoshlarimiz qo'lida. Shu sababli yoshlar tarbiyasi bugungi kunda har birimizning asosiy ishimiz bo'lib, unga burch va mas'uliyat nuqtai nazaridan yondoshish – ma'naviy va jismoniy sog'lom avlodni shakllantirish garovidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini bigalikda barpo etamiz". Toshkent – "O'zbekiston"-2018 y., 14-bet.
2. Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" Toshkent, "Ma'naviyat", 2008 y., 4-bet.
3. "Davlat, jamiyat, oila va yoshlar tarbiyasi muammolari", Toshkent – "O'zbekiston", 1997 y., 11-bet.

MAMLAKATIMIZDA YOSH XOTIN-QIZLANING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK BILIMLARINI OSHIRISHNING DOLZARBLIGI

Toliboev Dilshod Muxammadievich, Jizzax politexnika instituti O'zbekiston tarixi va ijtimoiy fanlar kafedrası assistenti

Annotatsiya: Muallif ushbu maqolada bugungi kunda jamiyatda yosh avlodni tarbiyalashda yosh ota-onalarning pedagogik-psixologik bilimlardan xabardor bo'lishining ahamiyati haqida fikr bildirgan.

Kalit so'zlar: *Pedagogik bilim, psixologik bilim, psixologik savodxonlik, dunyoqarash.*

Bugun insoniyat XXI asrda ya'ni axborotlashgan asrda yashamoqda. Axborot oqimining tezligi shiddat bilan jadallashmoqda. Har narsaning yaxshi va yomon tomoni bo'lganidek, axborotlashgan asrning ham yaxshi va yomon tomoni mavjud. Yaxshi tomonlari hammamizga ma'lum, biz bugun maqolamizda axborotlashgan asrning yoshlar tarbiyasiga ko'rsatayotgan salbiy oqibatlar haqida fikrlashmoqchimiz. "Qush uyasida ko'rganini qiladi" degan maqol bugun o'z ahamiyatini birozgina yo'qotayotganday, chunki bugungi kunda oilaviy tarbiya yosh avlodning tarbiyasida asosiy kuch bo'lsada, farzandlarimiz tarbiyasiga tashqaridan turli xil ta'sirlar ham o'z kuchini ko'rsatadi. Bunday ta'sirlar qatoriga albatta jangarilikni vahshiylikni aks ettirgan internet o'yinlari, internetdagi tezkor yangiliklar, jangarilikni, fohishabozlikni aks ettirgan chet el kinolari, teleseriallar, kliplar kiradi. Bu esa o'z-o'zidan yosh avlodni tarbiyalashda bir muncha qiyinchiliklar tug'dirishi tabiiy. Shuning uchun, turmush qurayotgan, bo'lajak ota-onalarni, yosh ota-onalarni pedagogik-psixologik bilimlarini oshirish bugunning eng ahamiyatli vazifalaridan biri deb hisoblaymiz. Chunki, bugungi kunning o'spirin yosh yigit-qizlari ertaga ota-ona, bu yosh ota-onalar farzand tarbiyasi va uni parvarishi haqida bilimlarga ega emasligi esa katta-katta muammolarga olib kelishi mumkin. Biz bilamizki hozirgi kunda oliy ma'lumotli, pedagogik psixologik bilimlar bilan qurollangan yosh yoki bo'lajak ota-onalardan, ma'lumoti o'rta yoki tugallanmagan yosh ota-onalar yoki bo'lajak ota-onalar soni bir necha baravar ortiqligi sir emas. Shunday ekan mana shunday dastur asosida oila qurish ostonasida bo'lgan yoshlarni va farzand kutayotgan ota-onalarni qisqa muddatli o'qishlarga jalb qilish zarur. Yosh va bo'lajak ota-onalarni qanday pedagogik bilimlar bilan qurollantirish haqida to'xtalib o'tamiz. Yosh ota-onalarning pedagogik bilimlarini oshirishda quyidagilarga e'tibor qaratish zarur:

- sharq mutafakirlarining yosh avlod tarbiyasi haqidagi fikrlari bilan tanishtirish;
- tarbiya metodlari haqida tushuncha berish. Ya'ni ijtimoiy ongning shakllantiruvchi metodlar, odatlantirish va mashq, rag'batlantirish va jazolash metodlaridan o'z o'rnida, to'g'ri foydalanish haqida ma'lumot berish;
- tarbiya vositalari haqida ma'lumotlar berish, ya'ni yosh ota-ona tarbiya vositasi sifatida ertaklar, nasihatlar, hikoyalar, suhbatlardan foydalanishning ijobiy tomonlari, yoki har xil qo'l telefonlari, kompyuterlar, seriallardan foydalanishning salbiy tomonlari haqida ma'lumotlar berish;
- yosh avlodni har tomonlama barkamol shaxs etib tarbiyalash vazifasi turgan yosh ota-onalarga oilada farzand tarbiyalashda barcha tarbiya turlaridan unumli foydalanish haqida bilim berish, yani axloqiy tarbiya, estetik tarbiya, aqliy tarbiya, mehnat tarbiyasi, ekologik tarbiya, iqtisodiy tarbiya berish yo'llari haqida ma'lumot berish.
- Shuning bilan birgalikda bolalarda taqlidchanlik ustun bo'lishini nazardan qochirmasdan, ota-onalar o'z farzandlariga na'muna ko'rsatishlari lozimligi haqida tushuncha berish albatta o'z samarasini beradi.

Ota-onalarga mana shunday pedagogik bilimlarning berilishi, o'z amaliyotida bu bilimlardan oqilona foydalanish yosh avlodning barkamol shaxs bo'lib voyaga yetishida katta omil bo'lib xizmat qiladi.

Shuningdek pedagogik bilimlar bilan birgalida psixologik bilimlar ham farzand tarbiyalayotgan yosh ota-onalarga judayam zarurdir. Ota-onalarning psixologik bilimdonligini oshirishda quyidagi masalalarga e'tibor berish maqsadga muvofiq bo'lar edi:

- psixologik jarayonlar, holatlar va individual psixologik xususiyatlar haqida qisqacha ma'lumot berish;
- rivojlanish psixologiyasi haqida ma'lumot berish orqali o'z farzandlarining psixologik tomondan rivojlanish darajalarini o'rganib borishadi;
- har bir yosh davri haqida ma'lumotga ega bo'lish orqali bolaning rivojlanishi uchun sezitiv bo'lgan davrlarni befarqlik bilan o'tkazib yubormaslikka erishiladi. Masalan, bola rivojlanishining eng sezitiv davri bo'lgan ilk bolalik davrini (1-3 yosh) ko'pgina psixologik bilimlardan xabari yo'q ota-onalar, faqatgina farzandini qornini to'ydirib, kiyintirsam bo'ldi qabilida ish tutib bemaqsad o'tkazib yuborishlari mumkin. Shuningdek, bolalikdan kattalikka o'tish davri bo'lgan o'smirlik davrida ham ba'zi ota-onalar farzandlarini to'g'ri tushunmasdan, ularga yomon munosabatda bo'lishi natijasida "inqiroz davri"ni o'smirlar qiyinchiliklar bilan o'tkazishi mumkin.
- Shuningdek, farzandining qobiliyatlarini o'z vaqtida ko'rish uchun ham psixologik bilimdonlikning ahamiyati katta. Farzandidagi qiziqishlar, layoqatlar asosida shakllanib boradigan qobiliyatni ham ziyarak ota-ona tezda payqashi ham farzandining katta yutuqlarga erishishiga yordam beradi.
- Psixologik bilimlardan xabardorlik natijasida yosh ota-onalar farzandlarining xarakterida ham ijobiy sifatlarni shakllantirishlari, irodaviy sifatlarni shakllantirib borishlari mumkin.

Bir so'z bilan aytganda yosh ota-onalarning pedagogik-psixologik bilimlar bilan qurollantirish bugungi kunning davlat ahamiyatidagi masalalaridan biridir. Farzand ko'z ochib onasini ko'rar ekan, rivojlanishining ilk yillarini oila davrasida o'tkazar ekan, demak ota-onalar va oila a'zolarining bu farzand tarbiyasi uchun ma'suliyati ulkandir. Go'yo Javhariy bobomiz aytganidek, farzand tug'ilganida oq qog'ozdir, unga ota-onalari va ustozlari nimani yozishni bilishlari zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.Karimov "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch". Toshkent-2008 yil.
2. P.Ivanov, M.Zufarova "Umumiy psixologiya" Toshkent-2016 yil.
3. Z.Nishonova "Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya" Toshkent -2017 yil
4. J.Hasanboyev va boshqalar "Pedagogika" darslik. Fan- 2016

MUSTAQILLIK YILLARIDA MA'NAVIY MEROS VA QADRIYATLARGA BO'LGAN E'TIBOR

Vaxobov Ulug'bek Bahodir o'g'li, Jizzax DPI magistranti

Annotatsiya: Maqolada mustaqillik va mustamlaka yillarida ma'naviy meros va qadriyatlarga bo'lgan e'tibor tahlil qilinadi. Xususan, ularning mustamlakachilik davrida tahqirlanishi, qayta tiklanishi, jamiyat ma'naviyatining shakllanishidagi ahamiyati hamda yoshlarning komil inson bo'lib voyaga yetishishidagi o'rni haqida fikr yuritiladi

Kalit so'zlar:Ma'naviyat, mustaqillik, ma'naviy meros, jamiyat ma'naviyati, qadriyat, axloq, axloqiy qadriyat, urf-odat.

Annotation: The article analyzes the focus on spiritual heritage and values during the years of independence and colonialism. In particular, their degradation during the colonial period, their restoration, the role of society in the formation of spirituality and the role of young people in the development of a full-fledged human being are discussed.

Keywords: Spirituality, independence, spiritual heritage, spirituality of society, values, morals, ethical values, traditions.

Jamiyat ma'naviyati mamlakat taraqqiyotining muhim sharti va kafolatidir. Shu narsa haqiqatki, biron-bir mamlakat o'z ma'naviy imkoniyatlariga tayanmay, odamlar ongi, tafakkurida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay, xalqning milliy ruhini uyg'otmay turib, yuksak

taraqqiyot darajasiga ko'tarila olmaydi. Ma'naviyat insonni ruhiy poklanish va yuksalishga da'vat etadigan, uning ichki olamini boyitadigan, iymon irodasi, e'tiqodini mustahkamlaydigan, vijdonini uyg'otadigan qudratli kuchdir.(1)Tarixdan ma'lumki, mamlakatimiz bir necha bor ajnabiy bosqinchilar hujumiga duchor bo'lgan, qaramlik va zulm ostida qolgan. Buning oqibatida xalqimizning boy ma'naviy merosi, urf-odatlar qadrsizlanishga mahkum bo'lgan. Ayniqsa, chor mustamlakachiligi va sovetlar tuzimi davrida milliy qadriyatlarimiz, urf-odatlarimiz oyoq osti qilindi. Ona tilimiz, boy ma'naviy merosimiz qadrsizlantirildi, ko'plab masjid-u madrasalar, milliy maktablar, tarixiy yodgorliklar buzildi, qarovsiz qoldi.

O'zbekiston davlat mustaqilligini qo'lga kiritgan kundan boshlaboq mamlakatimizda boy ma'naviy merosimizni tiklash va rivojlantirish, jamiyat ma'naviyatini yuksaltirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Shuning uchun jamiyat ma'naviyatini tiklash va yuksaltirishni ta'minlovchi ma'naviy-ma'rifiy islohotlarning yo'nalishlari belgilab olindi. Biz barpo etayotgan davlat avvalo umumjahon sivilizatsiyasiga, davlat qurilishi sohasida taraqqiy etgan boshqa xalqlar erishgan tajribalarga va o'zimizga xos milliy an'analarga, milliy merosga, ijtimoiy qadriyatlarga asoslanmoqda.

O'tmishda yuz bergan ma'naviy merosga nisbatan mafkuralashgan salbiy munosabatlar, uni kamsitish, nigilistik nuqtai nazardan qarash, ma'naviyatning ichki rivojlanish qonunlariga zid ekanligi ma'lum. Sobiq Ittifoq davrida kommunistik mafkura ma'naviy merosga munosabat masalasida o'zining qat'iy mezonlarini o'rnatib, unga to'g'ri kelmagan har qanday g'oya, qarash, fikr man etilgan edi. Shuning oqibatida o'tmishda xalqimiz tomonidan yaratilgan son-sanoqsiz ma'naviy boyliklarimiz qoralanib, yo'q qilishga urinish bo'lgan. Mustaqillikni qo'lga kiritishimiz ota-bobolarimizning asrlar davomida to'plagan hayotiy tajribalari, diniy, axloqiy, ilmiy qarashlarini o'zida mujassam etganbu nodir qo'lyozmalarni jiddiy o'rganish uchun qulay sharoit yaratdi.

O'zbekistonning boy ma'naviy merosi shakillanayotgan yangi ma'naviyatimizning negizini, poydevorini tashkil qiladi. Ma'naviy merosimizda xalqimizning asriy orzu-intilishlari, bilimlari va hayotiy tajribalari mujassamlashgan bo'lib, u o'zligimizni anglash, milliy tiklanish va rivojlanishimiz uchun qudratli tayanch bo'lib xizmat qiladi. Milliy istiqloq mafkurasi ham ma'naviy merosimizga tayangan holda shakillanadi, ayni vaqtda uning yanada rivojlanishida muhim ma'naviy omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Har qanday sharoitda ham barcha millat va xalqlar o'zining ma'naviy ehtiyojlarini qondirishga muhtojlik sezadi. Ma'naviyat – inson uchun mavjudlik belgisi. Ma'naviy boylik – u yoki bu millatni boshqa etnik birikmalardan o'ziga xosligini bildiruvchi, anglatuvchi muhim omildir. Ma'naviyati yo'q xalqning o'zi yo'q. Shu bilan birga har bir xalq ma'naviyati ham bir xil darajada emas.

Shu o'rinda mamlakatimiz Birinchi Prezidenti "biz xalqni nomi bilan emas, balki madaniyati, ma'naviyati orqali bilamiz, tarixning tag-tomirigacha nazar tashlaymiz" (2) fikrlarida juda mantiq va ma'no bor. Biroq, sho'rolar mustabid tizimi sharoitida o'zbek milliy madaniyati haddan ortiq darajada ko'p zarar ko'rdi. Barcha mustamlakachilik kabi kommunistik mafkura maddohlari ham o'zbek xalqini qul qilish uchun eng avvalo shu xalqning milliy madaniyatini yo'q qilishga zo'r berdilar.

Ta'kid etish joizki, ma'naviy madaniyati yuksak, uning ildizlari baquvvat xalqning ijtimoiy ongidan shu xalq madaniyatini hech qachon tamomila yo'q qilish mumkin emas. To'g'ri mustamlakachiliklar natijasida o'zbek madaniyatiga katta zarar yetkazildi, uning ma'naviy ildizlarini qirqib tashlashga urinildi. Lekin ular buning uddasidan chiqa olmadilar. O'zbek xalqi katta yo'qotishlarga qaramasdan o'zligini, o'z milliy madaniyatini saqlab qola bildi. Bunga yaqin va uzoq tarix guvohdir. Endigi vazifa – ma'naviy hayotdagi barcha yo'qotishlarning o'rnini qoplashdan iborat bo'ldi. Kishining o'zligini anglashi, o'z sha'nini himoya qila olishi va barcha yomonliklardan o'zini tiya olishi uchun orif bo'lmog'i, qalbining tubida, jinday bo'lsa-da, ma'rifat shamchirog'i yonib turmog'i lozim. Ana shunda odam gunohdan hazar qilish, barcha ne'matlardan aql-idrok va insof doirasida foydalanish yo'lini tutadi. Nojo'ya xatti-harakatlari uchun tavba-tazarru qilish zarurligini anglay boshlaydi. O'zbek xalqi aynan shu yo'ldan bordi, o'z milliy-tarixiy, madaniy merosiga sodiqligini ko'rsata bildi. Bu esa mustamlakachiliklar davrida yo'qotilgan,

toptalangan madaniy merosni tiklash, o'zligini anglashga bo'lgan rag'batni uyg'otdi. Istiqlol yillarida o'zbek madaniy hayoti uyg'ondi va o'zining butun mavjud bo'y-bastini ko'rsata bildi.

Endi ma'naviy meros va uning ma'naviyat rivojlanishidagi ba'zi jihatlarini aytib o'tamiz. "Ma'naviy meros uzoq va yaqin o'tmishdagi, hozirgi davrdagi ma'naviy jihatdan g'oyat qimmatli, o'chmas iz qoldiradigan, mangu yashaydigan, butun ijtimoiy manfaati va ehtiyojiga, ezgulikka xizmat qiladigan umuminsoniy ma'naviy boylklarga aytiladi. Ma'naviy meros ma'naviy qadriyat sifatida namoyon bo'lib, unga ilm-fan, jumladan, falsafa, adabiyot, san'at, axloq, dunyoviy ta'limotlar, hurfikrlilik va boshqalar kiradi"(3).

Inson va uning hayoti eng oliy qadriyat hisoblanadi. Inson yo'q joyda biron narsaning qadr - qimmatini haqida so'zlash joiz emas. Shuning uchun ham inson qadr – qimmatini e'zozlash uning turmushini yaxshilash, bilim va madaniy saviyasini rivojlantirish, sog'ligini saqlash, hayotini himoya qilish davlatimiz siyosatining asosiy yo'nalishini tashkil etadi. Jamiyatimizda ro'y berayotgan tub o'zgarishlarning, islohotlarning barchasi kishilar hayoti to'q, boy, go'zal bo'lishi, inson o'zini chinakam erkin his etishi, o'z mehnati natijasining, o'z taqdirining, o'z mamlakatining egasi bo'lishini ta'minlashga qaratilgandir.

Vatan mehri oliy qadriyatdir. O'z Vatani sevmagan millatning, qadriga yetmagan kishi o'zganing ham, bashariyatning ham, kurrai zamin obodligining ham qadriga yetmaydi. Vatanga sadoqat - haqiqatga sadoqatning, millatga mehr, ahli basharga mehrning ibtidosidir. Busiz na adolat g'alaba qiladi, na haqiqat yuzaga chikadi, na insonning o'z shaxsiga extiromi shakllanadi. Chunki, Vatan mehrini yo'qotgan shaxs oyog'i tagidagi zaminni yo'qotadi, go'yo tayanchsiz muallaq qoladi. Vatanga muhabbat ajdodlar merosiga qiziqish, milliy ma'naviyatdan bahramandlik, o'z shaxsiy salohiyatiga ishonch, umumbashariyatga hurmat, kelajak oldida mas'ullik tuyg'ularini tarbiyalaydi. Demak, mustaqillik ma'naviyati ona-yurtga muhabbatdan, millat manfaatlariga sadoqatdan boshlanadi, har bir shaxsning o'z ichki imkoniyatlarini Vatan manfaati yo'lida unumli rivojlantirishi bilan namoyon bo'ladi, unda milliy ma'naviy merosdan mukammal bahramandlikka intilish, umumbashariy qadriyatlardan og'ishmaslik, ilg'or tajribalarni ijodiy o'zlashtirish ishtiyoki tug'iladi.

"Qadriyat-insonning ma'naviy ehtiyojini qondirishga xizmat qiladigan, shu bois insoniyat tomonidan qadrlanadigan, madaniy, ma'naviy mafkuraviy, siyosiy, iqtisodiy omillarning majmuidir"(4). Eng oliy qadriyatlardan yana biri insonning o'zidir, lekin sho'rolar davrida inson qadrlanmadi. Xalqimizning ulug' farzandlari Yusuf Xos Xojib, Ahmad Yugnakiy, Ibn Sino, Beruniy, Ahmad Yassaviy, Amir Temurlar qadr topmadilar. Alisher Navoiy, Bobur, Ulug'bek, Mashrab, Nodirabegim singari zukko allomalar davri namoyandalari deb kamsitildi, ularning boy va betakror meroslarini o'rganish ta'qiqlandi.

Xalqimizning ma'naviy boyligi hisoblangan «Alpomish» dostoni tayziqqa uchradi, Alpomish mehnatkash xalq vakili, oliyjanob fazilatlarini o'zida mujassamlashtirgan qahramon sifatida emas, aksincha, qonxo'r bek, zolim sifatida talqin etildi. «Muqimiy» nomli musiqali drama teatri repertuaridan xalq sevib tomosha qiladigan «Alpomish» spektakli olib tashlandi. Mustaqillik sharofati tufayli «Suv sayli», «Anor sayli», «Qovun sayli», «Uzum sayli» kabi bayramlarimiz qayta tiklandi. Mazkur bayramlar to'kin-sochinlik, farovonlik, tinchlik, osoyishtalik ramzi sifatida, xalq orzulari, istaklari, intilishlari ifodasi sifatida qadrlari sanalardi.

Bugungi kunga kelib Abu Iso Muhammad at-Termiziyning «Shamoili Muhammadiya», Nosiriddin Burhoniddin Rabg'uziyning «Qissai Rabg'uziy», Ahmad Yassaviyning «Hikmatlar»i, Amir Temurning «Temur tuzuklari»ning chop etilishi milliy qadriyatlarimizni tiklash va rivojlantirish yo'lida katta yutuq bo'ldi. Amir Temur tavalludining 660 yilligi, Imom al-Buxoriyning 1225 yilligi, Al-Farg'oniyning 1200 yilligi, 1998-yil «Alpomish» dostoni yaratilganining 1000 yilligi nishonlandi. Yuqorida nomlari zikr etilgan ajdodlarimiz jahon madaniyatiga munosib hissa qo'shganlar.

Har bir millat o'z qadriyatlarining nafaqat yaratuvchisi, balki asrab-avaylovchisi va kelajakka yetkazuvchisi hamdir. Milliy qadriyatlarining saqlanishi uchun har bir millatning o'zi mas'uldir. Ushbu mas'ullik milliy rivojlanish jarayonida shakllangan ma'naviy burchning alohida shaxslarga emas, butun millatga xos namoyon bulishini anglatadi. Hatto xalq ma'lum bir davrda ozod

bo'lmagan, siyosiy jarayonlar natijasida biron bir imperiyaga vaqtincha qaram bo'lganda ham unda o'z milliy qadriyatlarini saqlash tuyg'usi yo'qolib ketmaydi.

Qisqa qilib aytganda, mustaqillik yillarida ma'naviy meros, milliy qadriyatlarimiz, Vatanimiz tarixini yoritish va o'rganish masalalarida partiyaviylik, sinfiylik yondoshuvlardan, hukmron kommunistik mafkura ta'siridan xalos etildi. Necha o'n yillar davomida buzib ko'rsatilgan yoki so'z yuritilmay kelgan tarixiy voqealarni xolislik, tarixiylik, haqqoniylik tamoyillari asosida yoritilgan qator ilmiy asarlar, darsliklar va o'quv adabiyotlari yaratildi. Bundan ko'zlangan yagona maqsad–yoshlarimizni milliy meroslar, ota-bobolarimiz tomonidan yaratilgan va ming yillar davomida sayqallanib kelayotgan qadriyatlarimiz orqalikomil va barkamol qilib tarbiyalashdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov “Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch” –T., 2008
2. I.A.Karimov “Yuksak ma'naviyat –yengilmas kuch” –T., 2008
3. Falsafa: Qomusiy lug'at (tuzuvchi va mas'ul muharrir Q. Nazarov) –T.:Sharq, 2004
4. Falsafa: Qomusiy lug'at (tuzuvchi va mas'ul muharrir Q. Nazarov) –T.:Sharq, 2004

ЖАДИД МАТБУОТИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ АКС ЭТИШИ

Абдуғаффор Абдурахмонов Абдугофурович, Жиззах ДПИ магистранти

Аннотация: Мақолада жаҳид мутафаккирларининг матбуот ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда ўша давр матбуотининг миллий озодлик ҳаракатида тутганган ўрни ҳақида сўз боради. Хусусан, жаҳид номоёндаларининг илк босма нашрларини чоп эттириши ҳамда Туркистон ўлкасида мустамлакачилик шароитида мазкур нашрлар орқали халқни маърифатга, илмга ундаш бу борада эса матбуотнинг алоҳида ўрни қай даражада эканлиги очиқ беришига ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: даврий нашрлар, миллий озодлик, таълим-тарбия, илм-маърифат, газета рукнлари, шакл ва мазмун, публицистика.

Annotation: The article discusses the contribution of Jadid thinkers to the development of the press and the role of the press of that period in the national liberation movement. In particular, the publication of the first printed editions of the Jadid representatives, as well as the colonial conditions in Turkestan, tried to reveal the special role of the press in this regard.

Keywords: periodicals, national liberation, education, science, newspaper columns, form and content, journalism.

Биз французларни революционер, америкаликларни хурфикр, кўркмас, деб биламиз. Бирок, ўзимизда улардан-да ўтли жаҳидчиларимиз бўлганини бугун ҳамма яхши биладимиз? Жаҳидчиларимиз юрагидаги ўти билан ҳозирги журналист, блогерларни солиштирсак бугун “биз ухляпмиз”, деган хулоса яшаш мумкин.

Демак, XIX аср охири ва XX бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва унинг жаҳид матбуотида акс этишига тўхталамиз.

Мисол учун илк миллий нашрларимиздан “Тараққий” газетасида эълон қилинган маълумотларни ва босилган мақолаларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Авалло шуни айтиш жоизки, газетанинг ўқувчилари жуда кенг микёсда бўлган ва кўпчиликини ташкил қилган. Газетада “Тошкент 14 июнь”, “Тошкент 22 июнь”, “Тошкент 16 июль”, “Тошкент 9 август”, “Мамлакат хабарлари”, “Тошкент ахбори”, “Россия хабарлари”, “Хорижия хабарлари”, “Сўнгги хабарлар”, “Доҳилия хабарлари”, “Телеграф хабарлари” каби рукнлар остида берилган мақолалар ҳанузга қадар ўз қийматини йўқотган эмас.

“Тараққий”да босилган мақола ва хабарларнинг мазмуни асосан илғор ғояларни тарқатиш, дини исломнинг мустамлакачилар томонидан камситилаётганига қарши курашиш, миллий мустақилликка эришиш йўлларини излашдан иборат бўлган. У умумий ўқитишни миллий тилимиз ва одатларимиздан келиб чиқиб олиб бориш кераклигини қаттиқ талаб

қилган эди. Газетанинг илк сатрлариданок бу ғоялар тўла ўз аксини топа борган. Жумладан, унинг биринчи сони ва илк саҳифаси шундай сатрлар билан бошланган: “Биз мусулмонларнинг хурриятга ҳақлари борму? Йўқ! Қариндошлар, юз мартаба йўқ!.. Бу икки йил ичида ҳамма халқ тортишди, курашди. Мусулмонлар эса ухлашди. Петербург, Москва ва бошқа жойлардаги тортишувлар, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқ талашганини кўриб бизнинг болаларимиз бизни ваҳшийлар деб атарлар”(1).

Бу сатрлар “Тошкент 14 июнь” сарлавҳали мақоладан олинди. Мана шу сатрларнинг ўзиёқ, биз ўрганганчалик халқни инқилоб эмас, балки миллий мустақиллик учун курашга чорловчи бир даъват эканлиги яққол кўриниб турибди.

“Дума хусусида” деб номланган мақолада газета Россия ҳукуматининг қолоқ сиёсати, янги тузилган думанинг халқ аҳволини яхшилаётганлиги ҳақида фикр юритади. Ривожланиш ва юксалишда илгарилаб кетган Франция ҳам Англияда давлатчиликнинг қонун ва низомлари мустаҳкамлиги, уларнинг халқ ҳаётини яхшилашга қаратилган томонлари ёритиб берилади:

“... ободлиги баланд даражага етган мамлакатларда (Франция, Англия) мамлакатдорликнинг – қонуни ўз маънига мувофиқ бўлмай қолган низомларини мансук қилмоқ ва янги низомларни чиқармоқ юртнинг соҳиб фуқароларнинг ихтиёрида эрур. Юрт бул хусусда соҳиб ихтиёр ва иқтидор бўлиб, ўз ичидан мўътабар ва инobatлик одамларни сайлаб аларни парламент, яъни Дума юборадурки, ул сайланган депутатлар (вакиллар) парламент, яъни Думанинг мажлисларинда жами фуқароларга манфаат эткурадурғон низом ва қоидаларни иттифоқ билан ихтиро айлаб аларни мустаҳкам қилмоқ учун мамлакатнинг бошлиғига манзур қилурлар. Мамлакатбошлиғи жоиздурки, ул қоидалар анга маъқул бўлмаса, аларни уч мартаача рад қилай”(2).

“Фельетон” рукни остида нашр этилган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” сарлавҳали мақоласи ўша даврда беқиёс аҳамиятга молик бўлган ходиса эди. Мақолада муаллиф қаламга олган салбий иллатлар – мактаб ва мадрасаларнинг қолоқлиги, муаллимлар замонавий таълим-тарбия усулларидан беҳабарликлари баробарида, бу усулларни эгаллаб олишга интилмаётганидан қаттиқ ташвиш тортади. Шу билан бирга жоҳил муаллимнинг калтаги зарбидан талабанинг вафот этиш ҳолати юз бергани, шундай ҳолатда ҳам таълим-тарбияни ислоҳ қилиш учун ҳукумат жон куйдирмаётгани ва куйдирмаслигини исботлаб берган. Бундай ҳоллар эса миллатнинг босқинчилар асоратида қолиб кетишига замин ҳозирлашини тўла асослаб берган:

“... ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдуғи каби бизнинг мактаб ва мадрасаларимиз, гарчи бенизом ва беусул бўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмасдур. Ва лекин дунёга нима учун келғонини билмай илм ва маорифга асло рағбат қилмай жонидин ширин болаларини кўча-бакўча кездуриб бечора маъсумни азиз умрини жаҳолат оташинга ёндирувчи беаҳамият ва бедийнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактаба бермай орқаларидан эргаштириб руслар эшигида ўзлари каби хизматчилика ўратуб, дунё ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қилмоқдин ҳеч бир ибто қилмаслар”(3).

Миллатнинг эртасини ўйлаб жон куйдираётган зиёлиларимизнинг барчаси бу жаҳолат миллат асоратга тушишига шароит ҳозирлаб беришини ўша даврдаёқ, англаб етиб, бундай ҳолга тушмаслик учун қаттиқ кураш олиб борганлар.

Мунаввар қорининг юқоридаги мақоласида қуйидаги парча жаҳолат инсонни, айниқса, битта миллатни қай даражага тушириб қўйиш тасвири жуда ҳам юксак иқтидорнинг акс-садоси, ҳақиқий миллатпарвар халқнинг нидоси эди: “... бу жаҳолат натижасида ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдуимиз холда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ўйларидан чиқариб истеъдод ва ҳайратларини чойхона ва пивахоналариға сарф этмақдадурлари”(4).

Шунингдек маҳаллий газеталарда реклама ва эълонлар ҳам бериб борилган. Асосан савдо компаниялари ва магазинлар фаолияти реклама қилинган. Масалан, “Тараққий”

газетасида Муаммадшариф Мусин компаниясининг дўконлари жойлашган ерлар, савдога чиқариладиган моллар ҳақида маълумот берилган. Бу даврда газеталар обунадан тушган маблағдан ташқари, реклама ва эълонлардан ҳам даромад олиб турган.

Шу ўринда жадид матбуотининг “отахонларидан” бўлмиш Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятига назар солсак. Бехбудий 1913 йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сондан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг август ойидан бошлаб у “Ойна” журналинини чиқара бошлайди. Бу суратли ҳафталик асосан ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеърлар, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади... “Бошда ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир катла чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди.... Кафказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Хиндистон ва Туркиягача тарқалар эди.... Жадидларнинг севиқли журналлари эди. Шунинг учун улар томонидан хурматланади, севилиб ўқилади”(5).

Миллий тил ҳақида фикр билдирар экан, Авлоний куюнчаклик билан шундай дейди: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсататурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Хайхот! Биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун кундан – кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз Тилимизнинг ярмига арабий, форсий, улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпиштирмакдадурмиз...”(6).

Абдулла Авлонийнинг фикрича илм ва мол дунё миллатга хизмат қилмоғи керак. У дунёдаги бошқа миллат ва мамлакатларнинг илм орқали бойлик ортирганини, бойлари илм тараққиёти йўлида сарф қилаётганларини ёзади: “Америкаликлар бир дона бўғдой экуб, йигирма қадок бўғдой олулар. Европоликлар ўзимиздан олгон беш тийинлик пахтамызни кетатуриб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар! Аммо биз осиеликлар, хусусан туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ беруб, сут ошиимиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз! Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонгамувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур”.

Фитрат 1917 йилнинг 28 июлидан бошлаб Самарқанд шаҳрида чиқа бошлаган “Ҳуррият” газетасига муҳаррирлик қила бошлайди. Газетанинг 25-сонида Фитрат тубандаги сўзларни ёзади: «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир. Бутун ёлғизгина отларини тарихда куйиб кетган эл-улусларнинг эзилиб кетдикларига биринчи сабаб шул айрилиқ, шул иттиҳодсизликдир”. «Иттиҳод» яъни бирлашиш, дўстлашишга даъват этилган мақолада муаллифнинг ачиниш ва изтироб туйғулари, фидойилиги ифодасини топган. Уч публицистик сочма ва бир шеърдан иборат “Юрт қайғуси” номли чиқишида Фитратнинг миллат, Ватан ҳақидаги дардли фикрлари эҳтирос билан ифодаланган эди.

Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд ўзининг «Мустамлакачилик ўз йўлига» мақоласида бундай адолатсиз сиёсат ва унинг оқибатлари тўғрисида шундай фикр юргизди:

«Ўрис жаҳонгирлиги вақтида Туркистон генерал-губернатори ёнида кўчириш маҳкамаси (переселечское управление) деган идора бўлар эдиким, унинг бир вазифаси Туркистоннинг доим ўрислар кўлида қолишини таъмин этмак эди. Шу мақсад биландирким, Туркистоннинг ҳар шаҳрида энг маҳсулдор ерларида ўрис қишлоқлари қурилди.

Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида бундай қишлоқлар ҳали ҳам бор ва кўчманчилар қошки ёлғиз ўзларига берилган жойларга эгалик қилсунлар. Булар ўз ҳукумати каби одамгарчиликни билмас эдилар. Етгисувдагилар қирғиз-қозоқларни ўлдириш, молларини талаш билан машғул бўлдилар. Бошқа жойдагилари ҳам атрофларидаги камбағал деҳқонларни ҳар турли қийноқлар остида таламоқ билан кун ўтказдилар», – дея фикрини эркин ёзди (7).

Бу давр матбуоти кейинроқ келадиган ҳибслар, сўз эркинлиги бўғилган муҳитдан нисбатан фарқ қилади. Жадид зиёлилари шўроларнинг матбуот нашрларида ишлар экан, янги ҳукуматнинг ваъдаларига гоҳ ишонди ва баъзан шубҳага боришди. Ички бир миллий туйғу зиёлилар кўнглини ҳамиша безовта этди. Бераҳм золимларнинг қонли панжалари

остида зулм чекаётган ўлкага қарата эркпарвар шоир Чўлпон бир шеърида «Нега сенинг калин товшинг «кет» демайди уларга?», «Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?» – дея сўроқли хитоблар қилади.

Аслида жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракат дастури билан вужудга келган эди, вазият ўзгариши билан тарихий шароит жадидларнинг ғоясига халқлар бирлигини, мустақиллик, озодликни байроқ қилувчи кучга айлантириб юборди. Табиийки, ушбу кенг камровли ҳаракат жадид мутафаккирларининг ижодида, яъни матбуотда ўз аксини топмасдан қолмасди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд, – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 139.
2. Пидаев Т., Дўстқораев Б. “Тараққий” газетаси // Халқ сўзи. 1993. 11 июнь
3. Пидаев Т., Дўстқораев Б. “Тараққий” газетаси // Халқ сўзи. 1993. 11 июнь.
4. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд, – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 140.
5. Зиё Саид Танланган асарлар, Т., 1974,Б: 44 – 45
6. Абдулла Авлоний. Тошкент тонги. Шеърлар, масаллар, ривоятлар, драммалар.Т.Ғ.Ғулом 1979.268 б
- 7.(В.Маҳмуд. Мустамлакачилик ўз йўлида. «Зарафшон», 1924, 3 сентябрь.)

МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ БУДУЩИХ СОЦИАЛЬНЫХ ПЕДАГОГОВ

*Аксютина З.А., Тюменский государственный университет, Тюмень, Россия,
Омский государственный педагогический университет, Омск, Россия*

Аннотация. *Статья посвящается необходимости формирования методологического мышления у будущих социальных педагогов. В работе дано определение понятия «методологическое мышление», приведены основные операции, обоснованы характерные особенностями методологического мышления. На основе универсальной схемы взаимодействия элементов системы приведен алгоритм поиска решения социально-педагогических задач, способствующий формированию методологического мышления будущих социальных педагогов.*

Ключевые слова: *социальный педагог, методологическое мышление, универсальная схема взаимодействия, социально-педагогическая деятельность, нестандартная социально-педагогическая задача.*

Анализ педагогической деятельности социальных педагогов позволяет говорить о трудностях, возникающих в ходе построения профессиональной деятельности нестандартного характера. Задача формирования методологического мышления у социальных педагогов, точнее ее отсутствие обусловлено факторами внешнего порядка. Необходимость в формировании методологического мышления не находит отражения ни в профессиональном стандарте, где социальный педагог рассматривается как специалист в области воспитания [1], ни в ФГОСах [2], что приводит к потере важнейшей учебной задачи. Кроме того, можно выделить внутренние факторы, способствующие возникновению данной проблемы:


1. Несформированность у выпускников мотивации к решению нестандартных задач социально-педагогической деятельности.
2. Отсутствие у них глубоких исследовательских навыков.

Ограничение методологического потенциала социального педагога обусловлено и социальным фактором, когда коллеги воспринимают молодого специалиста как непрофессионала, что имеет существенные негативные последствия, отражающиеся как на личностном, так и профессиональном развитии. Вместе с тем, методологическое мышление

социального педагога могло бы способствовать более конструктивному решению задач позитивной социализации подрастающего поколения.

Обратимся к основным теоретическим аспектам методологического мышления. Вслед за М. А. Розовым, под методологическим мышлением будем понимать «перенос принципиальных категориальных схем из одной области знания в другую» [3, с. 41]. Или, иначе говоря, использование знаний разных наук в решение нестандартных задач профессиональной деятельности. Опираясь на исследования методологического мышления, проведенные Н.Г.Алексеевым, А.П.Буряк, Ю.В.Громыко, В.Л. Даниловой, А.П.Зинченко, В.В.Мацкевич, С.В.Поповым, В.М.Розиным, Б. В.Сазоновым, А.А.Тюковым, Г.П. Щедровицким, П.Г. Щедровицким и др., можно перечислить основные операции, входящие в него: рефлексия, мышление, внутренняя методологическая коммуникация, которые реализуются путем самоорганизации методологической работы. Полагаем, что основными характерными особенностями методологического мышления выступают: надпредметность, полипредметность, интегрированность, рефлексивность, технологичность. Надпредметность дает перспективу исследования явления обеспечивая полноту, полипредметность задает многогранность взгляда на предмет исследования, интегрированность создает возможность объединения достижений разных областей знания, рефлексивность способствует самоанализу, технологичность является предпосылкой алгоритмизации решения профессиональных задач.

Раскроем, путь поиска решения социально-педагогических задач. Для этого воспользуемся системным подходом и графическим методом, в качестве которого выступает универсальная схема взаимодействия элементов системы (рис. 1).



Условные обозначения:

- E – ресурс,
- P – взаимодействующие компоненты,
- i – взаимодействие,
- R – результат взаимодействия,
- F – эффект.

Рис.1. Шаблон универсальной схемы взаимодействия элементов системы

На рисунке отображены все структурные элементы и механизмы взаимодействия системы. Уточним что понимается под «входом» и «выходом». «Выход» это желаемый эффект преобразования, формируемый и заданный системой. «Вход» отображает движущие силы, способствующие движению системы, её развитию. Важно, что каждый из рассматриваемых элементов универсальной схемы взаимодействия можно рассматривать как этап реализации системы. Согласно шаблона их шесть.

- I этап. Поиск источника системы.
- II этап. Включение ресурсов в процесс функционирования системы.
- III этап. Этап первичного планирования.
- IV этап. Этап тактического планирования.

V этап. Этап стратегического планирования.

VI этап. Реализация миссии системы.

В результате обработки теоретического материала исследования с применением универсальной схемы взаимодействия осуществляется актуализация ресурсного компонента и в систему включаются все необходимые объекты.

Источником разворачивания системы поиска решения социально-педагогических задач является возникшая в практике деятельности социального педагога нестандартная профессиональная (социально-педагогическая) задача. Для решения стандартных (типичных) задач уже существуют готовые социально-педагогические технологии. Основным ресурсом для решения задачи выступает категориально-терминологический аппарат, ведь именно от его точного выбора зависит то, в каком направлении будет идти поиск решения задачи. Выбор категориально-терминологического аппарата является существенным элементом в рассматриваемом алгоритме. Области научного знания являются основными взаимодействующими компонентами. Обязательными компонентами в решении социально-педагогической задачи являются области психологии и социальной педагогики, а среди других наук возможно применение знаний из таких, например, как философия, математика, физиология и т.д. Взаимодействие перечисленных компонентов осуществляется в ходе изучения различных теоретических концептов, что должно приводить к формированию собственных, что и будет выступать механизмом поиска решения социально-педагогической задачи. Собственная теоретическая концепция должна возникать в ходе проработки научных теорий, подходов, частных случаев – это заданный результат решения социально-педагогической задачи, а спроектированная технология решения практической задачи – получаемый эффект. В результате реализации всех элементов системы поиска решения социально-педагогических задач выступает технология решения социально-педагогической задачи, которую предстоит реализовать в ходе практической деятельности. Это и есть выход из системы.

В ходе реализации рассматриваемого алгоритма происходит разворачивание, и тем самым формирование, всех операций методологического мышления. Данный подход не лишен и недостатков, поэтому в полной мере можно согласиться с мнением Ю.В. Громыко, который писал: «Методология соединяет категориальные способы работы, моделирование, онтологизацию и порождает системный подход, "пожирая" истину и красоту в идеях инструментализма, претендует на искусственное освоение естественного» [4]. Через этот путь происходит формирование методологического мышления, а профессионализм заключается в том, чтобы объединить мыслительность с профессиональной деятельностью.

Особо отметим, что формирование методологического мышления способствует повышению качества высшего образования, а именно улучшение личностного его уровня. Личностный критерий оценки качества это эталон, по которому человек оценивает качество образования [5, с. 130].

Список литературы

1. Приказ министерства труда и социальной защиты РФ №10н от 10.01.2017 г. Об утверждении профессионального стандарта «Специалист в области воспитания». URL: <http://fgosvo.ru/uploadfiles/profstandart/01.005.pdf> Дата обращения: 28.11.2019.
2. Приказ министерства образования и науки РФ №122 от 22.02.2018 г. Об утверждении федерального государственного образовательного стандарта высшего образования – бакалавриат по направлению подготовки 44.03.02 Психолого-педагогическое образование. URL: <http://fgosvo.ru/fgosvo/151/150/24/94> Дата обращения: 29.11.2019.
3. Розов М.А. Механизмы развития знания / Когнитивные исследования: Проблема развития. Выпуск 3. М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2009. 352 с.
4. Методология в России. URL: http://www.circleplus.ru/circle/personalia/circle/anisimov/1/2/index_html. Дата обращения: 29.11.2019.

5. Аксютинa З. А. Проблема оценки качества высшего профессионального образования в России // Мир науки, культуры, образования, 2009. № 3 (5). С. 128-131.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИДИР

*Асатов Нурмухаммат Абдуназарович, Жиззах политехника институти,
“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент
Рахмонов Наврӯз Эргашевич, Жиззах политехника институти, “Бино ва иншоотлар
қурилиши” кафедраси ассистенти*

Аннотация: Олий таълим муассасасининг иқтидорли талабаси олийгоҳнинг биринчи курслариданоқ аниқлаб олиниши, уларнинг илмий раҳбарлари-узтозларига бириктириб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Иқтидорли талабанинг илмий мавзуси ва илмий раҳбарини тасдиқлашиши уларнинг фаолиятига таъсири.

Калим сўзлар: инновацион педагогика, илмий нашр, тўғарак

Abstract: Talented university students are expediently shown from the first year of the university, they are attached to their leaders-teachers. The academic discipline of a gifted student and the approval of a supervisor affect his or her academic performance.

Key words: innovative pedagogy, scientific publication, circle.

Бугунги кунда Республикамизда таълим сифатини оширишга, Давлатимиз томонидан айниқса мухтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёв томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки таълим сифати, Давлатимиз иқтисодиёти учун юқори малакали мутахасислар тайёрлаб бераётган олий таълим муассасаларининг илмий потенциалига кўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки, таълимда айниқса олий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг илмий потенциалларини оширимасдан туртиб бу масаланинг ечилиши жуда оғир кечади. Албатда, олий таълим муассасаларининг илмий потенциали ўзидан-ўзи кўтарилиб қолмайди, чунки бу кўрсаткични белгилайдиган бир қанча омиллар мавжуд. Бундай омилларга олий таълим муассасасининг илмий ва ўқув лабораторияларининг қай даражада жихозланганлиги, ахборот технологиялари базасининг таъминот даражаси, ахборот ресурслар марказидаги адабиётларнинг сони ва сифати, профессор-ўқитувчиларнинг малакаси ва иқтидорли талабаларнинг умумий талабалар сонига нисбатан миқдори каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган омиллардан энг асосийларидан бири олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларнинг сони ва сифатидир. Чунки, иқтидорли талаба билим олиши жароёнида билим олиш бир бир вақтнинг ўзида илмий ишлар олиб боришга, ўзи танлаган таълим йўналишидаги бирор фан йўналишида чуқур билиш олишга ҳаракат қилади, ҳар бир қўйилган масалани ечишда ижодий ендашади ва илмий ишлар олиб бориш кўникмаларни шакллантириб боради.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида иқтидорли талабалар билан ишлаш йўлга қўйилган. Чунки, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари билан ишлашни такомиллаштириш ҳақида”ги 279 сонли буйруғини келтириш мумкин. Шу буйруқнинг 1 иловаси билан “Олий таълим муассасасининг Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг Низоми” ва 2 иловаси билан эса “Олий таълим муассасасининг талабалар илмий жамиятининг намунавий низими” тасдиқланган[1].

Албатта, олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар билан ишлашни тизимли йўлга қўйишда юқоридан келтирилган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Олий таълим муассасасининг иқтидорли талабаси олийгоҳнинг биринчи курслариданоқ аниқлаб олиниши, уларнинг илмий раҳбарлари-узтозларига бириктириб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, илмий раҳбар иқтидорли талабанинг ўқув

жароёнида илмий тадқиқот, ижодий фаолиятига йўналтириб, илмий ишлар билан шуғулланиши учун кўникма ҳосил қилдиради. Биринчи курсга қабул қилинган иқтидорли ва истеъдотли талабаларни талабаларни танлашда давлат тест маркази томонидан берилган ҳар бир ўқушга кирган талабани тўплаган бали муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқори балл тўплаган талабаларнинг таркибидан математика, компьютер саводхонлиги ва чет тилидан юқори билимга эга бўлганлари танлаб олиниб алоҳида дастур асосида гуруҳлар ташкил этилиб, фан тўгаракларига жалб этилиб ишлар ташкил этилади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, бу танлаш вақт ўтиши билан ўзгариб бориб, танлаб олинган ҳар бир талаба бўйича биринчи курс натижаларига кўра охириги хулоса амалга оширилади.

Иқтидорли талабанинг илмий мавзуси ва илмий раҳбарини тасдиқланганда шунга эътибор қаратиш керакки, талабанинг илмий мавзуси ва раҳбари йиллар давомида ўзгармаслиги талаб этилади. Акс ҳолда талабанинг амалга оширган ишлари ва илмий раҳбарнинг меҳнати самара бермайди. Айниқса иқтидорли ва истеъдотли талабаларнинг ишини таш этишда илмий тўгаракларнинг ўрни муҳимдир. Жиззах политехника институтининг “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедрасида ташкил этилган “Лойихачи”, каби тўгаракларда қатнашган бир неча иқтидорли талабалар “Био ва иншоотлар қурилиши” йўналишида ушбу тўгаракларда шуғулланиб, бажарган ишлари билан Республика миқёсидаги танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Жумладан, иқтидорли талабалардан “Био ва иншоотлар қурилиши” йўналиши талабалари Ботиров Бектош, Абдуғаниева Нилуфар, Илхомова Севара, Музаффаров Зоҳидхон Республикадаги турли кўрик-танловларда фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шу билан бирга кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчиларининг иқтидорли талабалар билан ишлашлари натижасида 2020 йилда кафедранинг иқтидорли талабаси Илхомова Севара 2020 йилда "Зулфия" мукофоти совриндори, Ботиров Бектош “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. 2020 йилда Пардаева Элмира Абу Райхон Беруний степендияси соҳиб бўлдилар. Шу билан бирга 2019-2020 ўқув йили битирувчиларидан Ботиров Бектош, Тожимуродов Абдурахмон, Тожиев Исломо, Нарзикулов Ғиёсжон, Ходиев Адхам, Файзуллаев Бегали, Абдусатторов Умиджонлар Жиззах политехника институтининг магистратурасида ўқишларини давом эттиришмоқда.

Юқорида келтирилганлардан шунини хулоса қилиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, иқтидорли талабалар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълим муассасаларида илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сонининг ортишига бу билан эса институтнинг илмий потенциалини ортишига эришиш мумкин. Бу билан эса “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да белгиланган асосий вазифалар: таълим сифатини ошириш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм. Тошкент. 2003 йил. 752 бет.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Асқаров Ихтиёр Бахтиёрович, Жиззах политехника институти, “Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси мудири,

Тиллаев Миржалол Абдубанонович, Жиззах политехника институти, “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедраси, ассистенти

Аннотация: Педагоглари илмий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни ечишнинг муайян назарий қоидалари шаклланган бўлса-да лекин бу

борада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш масалалари қараб ўтилган.

Таянч сўзлар: касб таълими ўқитувчиси, мажмуавий дастур, ахборот таъминоти, шакллантириш, ривожлантириш, тадқиқотчилик кўникмалари.

Resume: *In pedagogical science, there are certain theoretical prerequisites for the solution of questions connected with the preparation of teachers for research activities in the process of vocational education, but there are still many problems that are waiting to be solved. This article discusses the formation of research skills for future teachers of vocational education.*

Keywords: *teacher professional education, comprehensive program, provision of information, formation, development, research skills.*

Тадқиқотчилик кўникмалари моҳиятини очиб беришга, нафақат тузилиши, балки намоён бўлиши, боғлиқлиги ва уларнинг бўлажак касб таълими педагогларининг бошқа касбий сифатлари билан алоқаларини аниқлашга имкон берувчи асосий назарий қондалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бўлажак касб таълими педагогларининг тадқиқотчилик кўникмаларининг ўзига хос хусусиятлари тавсифи;

- тадқиқотчилик фаолиятини бўлажак касб таълими педагогларида шакллантириш асоси сифатида кўриб чиқиш.

Бунинг учун эса энг аввало, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак педагогларга ҳос қуйидаги тушунчаларни аниқлаштириш зарур: касбий таълим, касбий компетенция, умумий компетанция, тадқиқотчилик фаолияти, тадиқотчилик кўникмалари.

Малакали бўлажак касб таълими педагогининг қарор топиши касбий муҳим сифатларнинг шаклланиши – талабалрада касбий таълим бериш жараёнида рўй беради. Касбий таълим – бу маҳсулдор (унумли), интеллектуал ва амалий, шу жумладан ишлаб чиқариш фаолияти давомида танланган касбий фаолиятга мақсадга йўналтирилган ҳолда тайёргарлик босқичидир [3; 3 б].

Касбий таълим қуйидагиларни назарда тутади:

- таълим олувчиларининг илмий билимлар ва билим олишга оид кўникмалар, малакалар тизимини ўзлаштириш жараёнини ва натижаси асосида бўлажак мутахассислар шахснинг дунёкараши ва бошқа сифатларнинг шакллантиришни;

- педагог ва таълим олувчиларнинг мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёни;

- таълим олувчининг янги билимларини ўзлаштириш ва билимларни ўзлаштириш усулларини эгаллаш бўйича фаол фаолияти [2; 222 б].

Юқори малакали бўлажак касб таълими педагогларини замонавий тайёрлашга талаблар компетенцияларга таянади. Касбий таълим тизимининг яхлитлиги – унинг объектив тавсифи шу билан шартланилган бўлиб махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчилар зарур назарий тайёргарликга эга бўлади ва бу тайёргарлик ишлаб чиқариш таълимининг боришида касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш билан параллел ҳолда амалга оширилади. Натижада бўлажак касб таълими педагогларини касбий фаолиятга мажмуавий тайёрлаш амалга оширилади, умумий ва касбий компотенциялар шаклланади.

Компотенцияларни биз шахснинг маълум соҳада мувафакқиятли касбий фаолиятга тайёргарлигини белгилаб берувчи билим, кўникма, шахсий сифатлар ва амалий тажриба, тизими сифатида тушунамиз.

Умумий компетенцияларга қуйидагилар киради:

- таълим олувчиларнинг ички туйғуси уйғониши асосида фаолиятни амалга оширишга тайёр туриши тарзидаги мотивациянинг мавжудлиги;

- педагог томонидан қўйилган мақсадни ҳисобга олган ҳолда фаолият вазифаларини аниқлаш қобилияти; аниқ масалаларни ифодалаш ва улар асосида ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти;

- ўзининг индивидуал функционал доирасида ҳаракатлар натижасига маъсулятни зиммасига олишга тайёрлиги;
- технологик жараёнда кўзда тутилган амалларни мустақил бажариш қобилияти;
- ишбилармонлик мулоқотининг боришида ишни бажаришнинг энг самарали йўлларга оид қарорларни жамоа бўлиб қабул қилишда иштирок этиш, этика меъёрларга амал қилган ҳолда ўз фикрини ишончли, исбот билан тақдим этиш ва ҳимоя қилишга тайёрлиги;
- ахборотни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиш, ундан асосий фикрни ажрата олиш, уни тузилмаларини бошқалар учун қулай кўринишда тақдим этиш, тақдимот ўтказиш кўникмаси;
- ахборот манбаларини аниқлаш ва мустақил қидириш асосида амалий масаларни ҳал этиш;
- шахсий касбий қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш воситаларни аниқлаш қобилиятлилики;
- стандарт вазиятларда фаолиятни амалга оширишнинг энг мақбул усуллари ва воситаларини танлай олиш;
- турли хил омилларнинг таъсирини ҳисобга олган оддий вазиятда ва унинг олдиндан маълум бўлган ҳолда ўзгаришида жараён ва натижалар бўйича ўз ҳаракатларини назорат қилиш, баҳолаш ва тузатиш қобилияти;
- аниқ бир фаолиятда касбий масалаларни ҳал этиш учун амалий ва назарий касбий билимлардан фойдаланишга, билим ва кўникмалари ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий масаларни ҳал этиш воситаси сифатида эгаллашга тайёрлиги;
- ўзлаштирилаётган касби бўйича бевосита мажбуриятлари диорасидан чекланган ишлаб чиқариш амалий масалаларини ҳал эта олиш;

Қайд этилган умумий компетенцияларни таҳлил қилиш бўйича тадқиқотчилик кўникмалари замонавий мутахасиснинг умумий компетенцияларининг асоси эканлиги тўғрисида гапиришга имкон беради.

Касбий тайёргарликка умумий компетенциялар кўринишида қўйиладиган замонавий талаблар аниқ билимлар ва кўникмалар тизимида ифодаланади.

Касбий компетенциялар – бу касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур компетенциялардир [1; 612 б]. “Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” йўналиш талабаларининг касбий фаолиятини ва мазкур йўналиш бўйича ўқув жараёни таҳлил қилиш натижаси компонентларининг асосий касбий компетенциялари билан ўзаро алоқаси тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

“Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” йўналиши талабаларига қўйилган талаблар ва бўлажак касб таълими педагогларининг тадқиқотчилик кўникмалари таҳлили умумий компетенциясини ташкил этувчи кўникмаларнинг маълум қисмини тадқиқотчилик кўникмалари деб аташ мумкин [4; 131 б].

Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилик кўникмалари, мураккаб ички ташкил этувчилар сифатида унинг таркибига кирувчи анча оддий кўникмалар мажмуидан сифат жиҳатдан фарқ қилади.

Тадқиқотчилик кўникмаларини очиб бериш моҳияти ва мазмунини, бўлажак касб таълими педагогларида умум компетенциялар мазмуни, тадқиқотчилик кўникмалари таркибига кирувчи бир қатор компонентларни ажратиш, бизга бўлажак касб таълими педагогларида тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни мазмуни ва уни ташкил этиш методикасини аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Макет федерального государственного образовательного стандарта Начального профессионального образования нового поколения по Професси и автомеханик, Московский государственный агроинже-нерный университетим. Горячкина, Москва 2007-31с.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма.-М.,1996. с.222

3. Кудрявцев Т.В. Психологические основы профессионально-технического обучения: Проблемы профессионального становления молодежи/Под ред. Т.В. Кудрявцева А.И. Сухаревой; Науч.-ис-след.: Педагогика, 1998.—144с.

4. Асқаров И.Б. Бўлажак мутахасисда тадқиқотчилик кўникмаларига йўналтирилган муаммоларни ечиш технологияси. “Ўзбекистон Миллий университети хабарлари” Тошкент 2016 й. № 4 – 131 -133 б.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ВОСИТАСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШ

Ф.Қ.Ахмедов, ЖДПИ
Ш.Ў.Атамуродов, ЖДПИ

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январда жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чоратадбирлари тўғрисида фармонига асосан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳосида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дасурларни амалиётга жорий этиш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларини танлаб олишда (селекция) шарт-шароитларини яратишдан иборат. [1.1]

Мактабдаги ўқув-тарбия ишларини ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланади. Дарслар ўқув кун тартибидаги жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг ҳам асоси ҳисобланади. Дарс пайтидаги қисқа сухбатларда ўқувчилар жисмоний тарбия ва спортнинг вазибалари ҳамда аҳамиятини билиб оладилар. Улар дарсларда ўзлари учун янги бўлган бўлган жисмоний машқлар ва ўйин турлари билан танишадилар, буларнинг барчаси болаларни тўғарак ва жамоаларга жалб этишга кўмаклашади, турли оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига жалб этади. Шундай экан, дарс ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ва мактабдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт ишларининг ҳам асоси ҳисобланади. [2.16-18]

Биз тажриба-синов жараёнига тадбиқ этган ва синаб кўрган барча тадбирлар ўқувчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳис-туйғуларнинг сингдиришни янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатдан асослаб бериш мақсад қилиб олинди. Шахсга хос бўлган ҳис-туйғулар миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг таркибий қисми ҳисобланади ва уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуси, жасурлик, мардлик, матонатлилиқ, андишаллик, аҳиллик, жамоавийлик туйғуси, ишонч, ростгўйлик, сабрлилиқ, садоқатлилиқ, самимийлик каби инсоний ҳис-туйғулардир. [3.45-48]

Юқоридаги инсоний ҳис-туйғуларни ўқувчиларга сингдириш ва шакллантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлсада, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари воситасида бундай қадриятларни сингдириш ва тарбиялаш самарали кечиши педагогикада ўз исботини топди.

Натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тадбирлар жараёнида ўқувчиларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш сезиларли даражада ривожланган.

Биз тадбирларни амалга ошириш босқичининг натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттиришга қарор қилдик.

1-жадвал

**Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари жараёнида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар
фаолиятининг асосий кўринишлари**

Ўқитувчи	Ўқувчилар
<ul style="list-style-type: none"> • тадбирда иштирокчиларнинг фаолиятини кузатиш. • тадбирда ўқувчиларга кўрсатмалар бериш, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган хис-туйғуларни синдришда раҳбарлик қилиш. • ўқувчилар эътиборини тадбирга қаратиш ва натижаларини олиб бориш. 	<ul style="list-style-type: none"> • тадбир жараёнида фаол иштирокини таъминлаш. • муаммоларни ечишда метод ва усулларни қўллаш. • ўзаро бир-бирларига ахборот узатиш. • йўл қўйилган хато ва камчиликларни биргаликда бартараф этиш. • миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган хис-туйғуларни синдришдан иборат.

Тахлил жараёнида ўқувчиларга бир неча саволлар билан мурожаат қилинди:

- Қандай натижа сизни қониқтирди ва нима учун?
- Тадбир жараёнида сизга нима ёқмади?
- Қайси топшириқни сиз жуда осон бажардингиз?
- Сиз тадбир жараёнида қайси топшириқларни бажаришда алоҳида қийинчиликларга дуч келдингиз?
- Тадбир жараёнида қандай янгиликларни билиб олдингиз?
- Миллий кадриятларга нималар киради?
- Умуминсоний кадриятларга нималар киради?

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари жараёнида фаол даражада ҳаракат қилганликлари ва улар миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган хис-туйғулар ҳақида маълумотга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Мазкур босқичда ўқувчилар қуйидаги масалалар атрофида бахс-мунозарага киришдилар.: тадбир натижалари; ўзлари йўл қўйган асосий хатолар ва камчиликлар; тадбирлар ҳақидаги тавсиялари ва истакларини баён қилдилар.

Чиқарилган тўғри хулосалар ўқувчилар билан хатолар устида ишлаш жараёнини тўғри ташкил этиш имконини берди. Ўқитувчилар ҳам жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда қандай муаммолар мавжудлигини аниқлаб, ўзлари ва ўқувчиларнинг фаолиятларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аниқ тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқдилар.

Биз тажриба-синов ишлари давомида ўқитувчилар ва ўқувчилар тахлил жараёнида нималарга эътибор беришлари кераклигини қуйидаги жадвалда акс эттиришга ҳаракат қилдик.

2-жадвал

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тахлил қилиш жараёнида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар фаолиятининг кўринишлари

Ўқитувчи	Ўқувчилар
<ul style="list-style-type: none"> • эришилган натижаларни шархлаш. • тадбир натижаларини муҳокама қилиш мақсадида мунозаралар ташкил этиш. • ўқувчилар йўл қўйган асосий камчиликларни аниқлаш. • тадбирлар учун тавсиялар ишлаб чиқиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • тадбир таҳлиliga бағишланган саволларга жавоб бериш. • ўз фикрлари ҳақида қарашларини ўртага ташлаш. • ўзлари ва шерикларининг фаолиятлари натижаларини баҳолаш. • йўл қўйган хатоларини тузатиш. • тадбирлар ҳақида таклифлар киритиш.

- | | |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • тадбирнинг якуний натижасини шакллантириш. | |
|--|--|

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш ва натижаларини тахлил қилиш, унинг мақсадлари ва вазифалари билан бевосита боғлиқ тарзда тавсифланишини кўрсатди. Тадбирларни ташкил этиш шартлари ва усуллари, жараён иштирокчиларининг вазифалари билан бевосита боғлиқ эканлиги тажриба-синов ишлар жараёнида ўз тасдиғини топди.

Ҳақиқатдан ҳам жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари жараёнида қўлланиладиган воситалар бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштиришда хизмат қилади. Албатта мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган ҳар қандай таълимий тарбиявий тадбирлар педагогик қонуниятлар ва таълимотларга тегишли воситаларига асосланган ҳолда олиб борилишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси жисмоний - тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.01.2020
7. Ахмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент -2019 йил. 184 б.
8. Педагогика: энциклопедия. III -жилд / тузувчилар: жамоа. - II 29 Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёт, 2017, 424-бет.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЖАМИЯТ

Шаҳло Ахророва, ЖДПИ ўқитувчиси

Аннотация. *Мазкур мақола миллат ва миллий қадриятлар, уларнинг жамият қурилишидаги ва қарор топишидаги ўрни, аҳамияти тўғрисида ёзилган. Унда ижтимоий институтларнинг миллий-маънавий хусусиятларга эга бўлиши, бу хусусиятларнинг мана шу институтлар фаолиятига таъсири келтирилган. Ҳуқуқий демократик жамият қурилиши эса ҳар бир жамиятнинг ўзига хос томонлари асосида амалга ошар экан, бунда миллий қадриятларнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Чунки жамиятни юритувчи куч бўлган миллат шу қадриятлардан озиқланади. Шу қадриятлар асосида бирлашади.*

Калит сўзлар: *миллат, қадрият, миллий қадрият, жамият, демократик жамият, фуқаролик жамияти, миллий-маънавий хусусиятлар, ижтимоий институтлар, миллий гоя, миллий гуруҳ, байрамлар, жамият қурилиши.*

Бугунги кунда ер юзидаги ҳар бир давлат демократик, фуқаролик жамиятлари сари интилмоқда. Негаки, демократик, фуқаролик жамияти инсоннинг азалий орзуси, интилиши, қолаверса, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлайдиган барқарор тизим ҳисобланади. Барқарорлиги шундаки, бундай жамиятда инсон эркинлик ва мустақиллик бахтини топади. Фуқароларнинг бахтига асосланган жамият эса барқарор бўлади. Гарчи, ҳар қандай жамият демократияга интилса-да, уларни бир хил тарзда жорий этиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай жамият ўзига хос тамойиллари, қадриятлари, миллий унсурлари асосига қурилади. Демократияни Ғарбдан Шарққа кўчириб бўлмайди. Нега-ки, жамиятдаги субъектлар - ижтимоий институтлар ҳам миллий асосда ташкил этилади.

Масалан таълим тизимида, айтайлик мактабда таълим миллий тарбия асосида берилади. Айниқса бу Осиё халқлари менталитетига хос бўлиб, бундай ёндашув таълим самарадорлигини оширади. Шу ўринда эътироф этиш керак-ки, бугун Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ишириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Жамият қурилиши кадрларини таълим тизими етиштириб

беришини ҳисобга олсак, бу кадрларнинг миллий ғоя, миллий ғурур, юртга фидойилик туйғулари асосида тарбия топгани, ўзаги миллий қадриятлар билан суғорилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай кадрлар ўз манфаатларини жамият, юрт манфаати билан уйғунлаштира оладилар.

Ёки, Ўрта Осиё давлатларига хос маҳалла институтини олайлик. Бу институт субъект сифатида моҳиятан миллийдир. Чунки миллий урф-одат, анъана, қадриятлар ўзак сифатида маҳаллада жамланади, шаклланади ва амал қилади. Маҳалла миллий одоб ва ахлоқ чегараларини маълум меъёрга ушлаб туради. Бу каби ўзига хосликнинг акс этиши - жамиятдаги субъектларнинг миллий-маънавий хусусиятларидир.

Жамиятда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда миллий қадриятларга таяниш, жамият институтларининг миллий-маънавий хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жамият институтлари турли давлатларда бир хил мақомга эга бўлсалар ва бир хил вазифаларни бажасалар-да, миллий қадриятлар туфайли миллий-маънавий хусусият касб этадилар. Демократик тамойилларни жорий қилишда айнан ана шу хусусиятларни инобатга олиш қутилган натижага эришишда ёрдам беради. Шу ўринда миллий қадриятлар хусусида тўхталиб ўтамыз.

Ҳар бир инсоннинг ўз яшаш тарзи, ҳаёти давомида шаклланган кўникма, одат, доимийга айланган ҳатти-ҳаракат ва маълум вақт мобайнида шаклланган хулқ-атвор қоидалари бўлади. Шунингдек, одамлар ўзларини ўраб турган олам, ундаги ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, турли ўзаро ва ижтимоий муносабатларни кўриб, кузатиб, уларда иштирок этиш билан бирга, уларга ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Уларнинг нафақат моддий, маънавий қийматини ҳам ўлчайдилар. Ушбу ўлчов асосида объект кишилар учун маълум бир даражада кадр топади ёки аксинча, ўз қадрини йўқотади. Инсон қадрсиз нарсадан узоқлашади ва кадрли бўлган объект томон интилади, ёки уни асраб авайлайди. Асраш, ардоқлаш натижасида кадр доимийлик касб этади ва у қадриятга айланади.

Агар бу қадрият фақат биргина шахс учун эмас, балки бир миллат учун аҳамиятли бўлган, этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлса, у миллий қадриятга айланади. Яъни, дунё халқлари орасида, каттами, ё кичик, озми ё кўп бўлишидан қатъи назар, ўз ўрнига эга бўлган маълум бир миллат учун аҳамиятли бўлган қадриятлар мавжуд.

Миллий, деган сўзни талқин қилишдан олдин, миллатнинг ўзи нима, деган саволга тўхталиб ўтмоқчиман.

Миллат, арабча халқ, деган маънони англатади ва муайян бир ҳудудда яшайдиган, умумий тил, маданият, урф-одатларга эга бўлган, генетик ва руҳий яқинлик асосида қарор топган этноижтимоий бирликдир. Дунёда ўзига хос хусусиятларга, ўз қадриятларига эга бўлмаган миллатнинг ўзи йўқ. Бу қадриятлар миллатнинг ўтмиши, тарихи, асрлар давомида шаклланган маданияти, шу миллатга хос белги ва хусусиятларни ифодалайдиган маданий бойликлари ва маънавий мерослари билан боғлиқ. Профессор Қ. Назаровнинг ёзишича:

“Миллат-ҳар қандай миллий қадриятнинг объекти, миллий қадриятлар тизими таянадиган ижтимоий асосдир”.

Демак, миллий қадриятлар, жумладан, урф-одат, анъана, маросимлар, шунингдек, миллий қарашлар, миллий характернинг шаклланиш тарихи шу миллатнинг тарихи, ўтмиши, миллатга хос бўлган ўзгаришлар, ривожланишлар ёки таназзуллар билан боғлиқ.

Бошқача айтганда, миллат ва миллий қадриятлар бир бирига мутаносиб равишда ривожланиб, шаклланиб, ўзгариб боради. Миллатга хос бўлган ҳар қандай урф-одат, анъаналар аслида зарурат ва эҳтиёж асосида пайдо бўлган. Инсон онгли меҳнат қила бошлагач, маҳсулдорлик ва самарадорликни ошириш, яъни моддий эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида шу меҳнатни такомиллаштириш зарурати туғила борган. Меҳнат жараёнида турли кўникма ва одатлар, жумладан, ҳордиқ чиқариш, хурсандчилик қилиш, руҳий озуқа олиш мақсадида кўшиқ айтиш, оммавий рақсга тушиш, меҳнат жараёнида мусобақалар ўтказиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби омиллар шакллана борган. Булар эса, ўз навбатида меҳнат кўшиқлари, халқ лапарлари, миллий санъатнинг,

турли кўринишдаги халқ ўйинларининг ва улар билан боғлиқ турли хил урф-одатлар, байрамлар, анъаналарнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Улар йиллар давомида, табиий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида сайқалланиб, ўзгариб, миллат учун турли даражада аҳамият касб эта борган. Ҳар бир миллат шу каби ўз кадриятларини мавжуд вазиятга қараб такомиллаштирган. Янгидан-янги қирраларини шакллантирган ва ўз авлодларига ўтказиб келган.

Дунёнинг чархпалаги, замонларнинг ғилдираги остида миллатнинг тили, ёзуви, ҳатто дини ўзгарса-да, кадриятлар миллат учун ўз моҳиятини йўқотмайди.

Профессор Қ. Назаров таъкидлаганидек;

Миллий кадриятлар:

“-кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади;

-кишиларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради ҳамда ана шу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўлади;

-моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян натижа сифатида юзага келиши, кишилар учун зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этиши, уларга фойда келтириши ҳам мумкин;

-ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жихатлар авлоддан авлодга ўтади, мерос қолади.”

Миллий кадриятлар маълум маънода тарбия воситаси ҳамдир.

Юқорида санаб ўтганларимиз- урф-одатлар асрлар оша халқимиз учун доимийлик касб этган кўникма, турмуш тарзига сингиб кетган қоидалардир. Бу каби кадриятлар йиллар давомида шакл-шамоилини ўзгартирсада, асл мазмун-моҳияти сақланиб қолган.

Бундай урф-одатлар халқнинг кундалиқ турмушида доимо кузатилади. Одамлар ҳаётидаги муҳим сана, воқеаларни нишонлашга қаратилган, миллий руҳият асосида ташкил топган, ўзига хос тартиб-қоидалар асосида ўтадиган тадбирлар - маросимлар ҳисобланиб, буларда ҳам авлоддан авлодга ўтадиган, расмий ва рамзий анъаналар, одат ва қоидаларга амал қилинади. Бу анъаналар, одат ва қоидалар замирида ҳамиша маълум бир мазмун ётади.

Миллий кадриятлар ва уларнинг шаклланиш тарихи ҳақида сўз кетар экан, албатта йиллар оша такомиллашиб келган байрамлар тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки, байрамлар, Беруний таъбири билан айтганда, “энг муҳим кунлар”дир. Бундан ташқари, байрамларда, айниқса миллий байрамларда миллатга хос кадриятлар яққол намоён бўлади. Ҳатто, умуминсоний, халқаро даражада нишонландиган байрамлар ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос миллий унсурлар асосида нишонланиши билан “миллийлашади”.

“Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланади-ки, - деб ёзади профессор Э.В.Соколов.- у муҳим анъаналарни қўллаб-қувватлаш асосида инсоният маданияти ютуқларини мустаҳкамлайди.”

Йиллар оша халқнинг малака ва тажрибалари, кўникмалари, қарашлари, орзу-ўйлари каби кадриятларни ўзида мужассамлаштирган бундай маросим ва тадбирлар, байрамлар тарихий зарурият ва замон талаблари, эҳтиёжлари асосида ривожланади, қаршиликларни енгади ёки унинг таъсирида ўзгаради, бошқа халқлар таъсири ва тажрибалари асосида бойийди, таракқий этади.

Байрам деганда, одатда шодиёна ва хурсандчилик кунлари тушунилади. Байрам-қайсидир аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеалар, саъналар, ютуқларнинг тантанали тарзда нишонланишидир.

Байрамлар, шунчаки руҳиятни кўтарувчи тантана эмас. У инсонларга ўтган кунларига назар ташлаш ва англай билиш, кўнгида ғурур уйғотиш, руҳланиш, келажакка умид билан қараш ва мақсад қўя билиш, шукр қилиш ва қадрлашни ўргатади.

Байрам қилмайдиган, байрамни билмайдиган инсон ҳам, оила ҳам, халқ ҳам йўқ.

Ҳар бир давлатнинг, ҳар бир миллатнинг йиллар бўйи шаклланиб келган, миллий руҳияти билан суғорилган ўз байрамлари бўлади. Инсонлар нафақат бу байрамларда қувонадилар, балки уларни эъзозлайдилар, қадрлайдилар. Байрам кунларининг, байрамларининг топталишига йўл қўймайдилар, асраб-авайлайдилар. Чунки, байрамларнинг замирида, моҳиятида элнинг дарди, қувончи, орзу-истаклари, миллий ғурури, ифтихори ётади. Ана шу боис, байрамлар энг муҳим қадриятлардан саналади.

Байрамлар- улкан тарбия мактаби бўлиши билан бирга ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Байрамнинг моҳиятида маълум бир ғоя ётади. Ҳар бир даврнинг ўз миллий ғояси бўлади. Айтайлик, Жалололдин Мангубердиннинг юрагига ўт солган миллий ғоя - эрк ва озодлик бўлса, Соҳибқирон Амир Темур даврида эл-улусни бирлаштириш, “Куч-адолатда” эканлиги миллий ғоя даражасига кўтарилди. Миллий байрамлар эса ўзида миллатнинг манфаати, мақсадини кўзловчи ўз даврининг миллий ғоясини ифодалаш билан сиёсий аҳамият касб этади.

Давр тўғрисида гап кетар экан, тарихга назар солиш лозим. Аждодларимиз бошидан не-не талотўплар, босқинчиликлар, хўрликлар кечмади. Одатда, юртга келган ҳар бир босқинчи нафақат иқтисодий талончилик билан чекланади, балки, маънавий, руҳий зарба беришга, ўз ғоясини, мафқурасини сингдириш учун мазкур халқни динидан, эътиқодидан, миллий қадриятлари бўлган барча урф-одат-у, анъана-маросимларидан айиришга уринади.

Нега? Нега айнан миллий қадриятлардан узишга ҳаракат қилишади? Нега байрамларни йўқ қилишга уринишади?

Чунки байрамлар, умуман миллий қадриятлар замирида миллий ўзлик, миллий ғурур, юқорида айтганимиздай, миллатни бирлаштириб турувчи миллий ғоя бор. Уларни миллат ҳаётидан узиб ташлаш осон эмас.

Шунинг учун, байрамларни ўтказиш босқинчилар ёки мустабид тузум томонидан ҳар қанча таъқиб остига олинмасин, асрлар давомида бу байрамларни миллий ғурур сифатида дилига сингдирган халқ уларни хуфёна, бошқача шаклларда бўлса ҳам нишонлайверди. Шу боис, мустамлакачилар уларни йўқ қилолмагач, байрамлардан ғоявий қурол сифатида фойдаланишди ва моҳиятини ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Буни тоталитар тизим мисолида кўрсак бўлади. “Социалистик тизим” миллатларни миллий қадриятлардан айириш асосида бирлаштириш сиёсатига асосланган эди.

Байрамлар нима учун бу қадар халқлар ҳаётига сингиб кетганини англаш учун уларнинг шаклланиш тарихига назар солиб кўрамиз.

“Авесто”нинг гувоҳлик беришича, жуда кўп байрамларимиз милоддан олдинги биринчи минг йиллик бошларидан шаклланиб келаяпти. Аждодларимизнинг байрамлари асосан табиат билан, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Улар тўрт муҳим унсурни улуғлашган. Булар қуёш, ер, сув ва ҳаво бўлиб, улар билан боғлиқ бўлган тўртта байрамни нишонлашга одатланишган.

Буларнинг биринчиси ва кенг нишонланадигани- табиатнинг уйғониши, кун ва туннинг баробарлашиши, дехқонларнинг ерга насиба-уруғ қадаши муносабати билан ўтказиладиган Наврўз (қадимда қандай номлангани маълум эмас.) байрамидир.

Ёзда тунлар қисқариб, кунлар узайгач, қуёш тик бўлади, ҳаво қизий бошлайди. Одамларда соя-салқинга ва сувга эҳтиёж кучаяди. Ҳосил мўл бўлиши учун экинларга ҳам сув таъминоти лозим бўлади. Сувни улуғлашга бағишланган тадбир-байрамлари Ангом, ёки Вахшангом деб аталган.

Кузда кун-тун тенглашади. Қуёш тафти қайтади ва ҳаво салқинлашади. Дехқонлар учун ҳосилни йиғиш палласи бошланади. Бу пайтда аждодларимиз Меҳржон (қадимги номи Чир-руж, Ним-сарда) байрамини нишонлашган.

Қишда совуқ кучайиши, энг узун туннинг кузатилиши, қаҳратондаги “қишги чилла” ва оловга, исинишга эҳтиёж кучайиши туфайли Сада, яъни олов байрами нишонланган. Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ёзилишича, бу байрамда одамлар олов ёқиб, қиш захрини даф этиш учун турли хил тутатқилар

тутатганлар, кечаси оловни алангалатиб, унга ёввойи ҳайвонларни ташлаганлар, олов атрофида айланиб, ўйин-кулгу қилганлар.

Ушбу байрамлардан Наврўз ва Меҳржон, (ҳосил байрамлари) бугунгача етиб келган. Демак, байрамлар ҳам йиллар мобайнида шаклланиб, ўзгариб келадилар. Миллат унинг тарбиявий аҳамиятга эга ва миллат ривожига хизмат қиладиган томонларини асраб қолади. Шакл-шамойили ўзгарса-да, уларнинг бирлаштирувчи ва тарбиявий аҳамияти сақланиб қолаверади.

Хулоса қилганда:

-миллий кадриятлар ҳар қандай миллатнинг ўзаги, бу ўзакнинг узилиши – миллатнинг таназзулга йўл тутиши билан баробар;

-миллий кадриятлар жамият ўзгариши баробарада, ёки давлат сиёсати таъсирида шакл-шамойилини ўзгартирса-да, унинг миллатни тарбиялаш ва бирлаштириш мо-ияти сақланиб қолаверади;

-жамиятни ўзгартиришда ҳам миллий кадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, жамиятга таъсир кўрсатиш, давлатни эгаллаш истагида бўлган кучлар миллий кадриятларни ўзгартиришга, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар;

-миллат жамиятнинг ҳам объекти, ҳам уни яратиб, ҳаракатга келтирувчи субъекти ҳисобланади. Мана шу боис ҳам жамият қурилишида ислохотларни миллий кадриятларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш, шунингдек, жамиятда қарор топган институтларнинг миллий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш лозим.

ТЕОРЕТИЗАЦИЯ КАЧЕСТВА И НАПРАВЛЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ ЧЕРЕЗ СПОРТ

Беланова Анастасия Сергеевна, методист Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

Котов Игорь Николаевич, тренер Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

Тюсов Роман Евгеньевич, тренер Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В статье определены возможности научного поиска в структуре теоретизации качества и направленности развития личности через спорт. Уникальность механизмов управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт определена в структуре использования педагогического моделирования. Выделены принципы управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт, функции управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт, модели управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт, педагогические условия обеспечения качества управления развитием личности через спорт.

Опорные слова: спорт, инновация, педагогическое моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия, принципы, функции, модели.

Теоретизация качества и регламентация составляющих направленности развития личности через спорт будет нами изучена и уточнена в контексте следующих моделей научной теоретизации и принятия решений:

- теоретизация возможностей фасилитации развития личности в дзюдо [1] рассматривается в уникальной связи словесно-логических и деятельностно-практических моделей фасилитации развития личности в дзюдо ;

- теоретизация основ использования самопрезентаций в структуре деятельности тренера по боксу [2] раскрывает перспективность решения задач развития личности с использованием метода и технологий самоанализа и самопрезентаций;

- теоретизация успешности занятий легкой атлетикой [3] определяется и системно обосновывается в описании как социально-профессиональная проблема;

- теоретизация в педагогике [4] используется как объект научного поиска и научного исследования;

- теоретизация возможностей исследования педагогической поддержки в работе учителя физической культуры и тренера по избранному виду спорта [5] представляет собой продукт активного использования идей гуманизма в разработке и уточнении адаптивно-продуктивного похода в развития личности, на основе которого осуществлено обеспечение целостного адаптивно-продуктивного развития как продукта гуманизма и технологизации современного непрерывного образования;

- педагогическое моделирование в конструктах современного образования [6] представляет собой оптимальный способ, технологию и механизм самоорганизации успешности создания и использования новых профессиональных средств постановки и решения задач развития и управления;

- теоретизация возможностей формирования культуры деятельности личности в модели физкультурно-спортивного образования [7] определяется одним из механизмов самоорганизации качества решения задач научно-педагогической деятельности;

- теоретизация возможностей повышения качества тренировочного процесса в настольном теннисе [8] определяет системное понимание условий и ресурсов самоорганизации выбора направления учета нормального распределения способностей в унификации и персонификации идей развития личности через настольный теннис как избранный вид спорта;

- теоретизация модели развития личности в вольной борьбе [9] раскрывается через анализ личного опыта развития личности в структуре занятий вольной борьбой;

- теоретизация педагогических условий оптимизации качества развития личности в тяжелой атлетике [10] представляет процесс уровневой постановки и решения задач возрастосообразного развития личности в тяжелой атлетике как избранном виде спорта.

Цель работы: изучение и теоретизация качества и направленности развития личности через спорт.

Уникальность механизмов управления качеством научной теоретизации и направленности развития личности через спорт определена в структуре использования педагогического моделирования.

Принципы управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт – основные положения, гарантирующие системное и осмысленное формирования ценностей и идей, смыслов и моделей управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт.

Функции управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт – основные задачи управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт, гарантирующие достижение максимальных задач в развитии личности через спорт.

Модели управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт – идеальные представления и теоретизируемые продукты научного поиска, гарантирующие целостно определять и решать задачи управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт.

Модели управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт:

- адаптивная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;

- адаптивно-продуктивная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;

- игровая модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;

- уровневая модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- возрастосообразная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- системно-деятельностная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- синергетическая модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- диалектическая модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- продуктивная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- профессиональная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- классическая или традиционная, или репродуктивно-продуктивная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- инновационная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- суггестивная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт;
- психокоррекционная модель управления качеством теоретизации и направленности развития личности через спорт.

Педагогические условия обеспечения качества управления развитием личности через спорт – совокупность положений, в системе описывающих возможность обеспечения качества управления развитием личности через спорт.

Педагогические условия обеспечения качества управления развитием личности через спорт:

- наукообразное стимулирование активности к продуктивному решению задач развития через спорт;
- обеспечение должного уровня профессионализма в управлении развитием личности через спорт;
- дихотомическое использование основ традиционной и инновационной педагогики в управлении качеством развития личности через спорт;
- включенность личности в систему непрерывного физкультурно-спортивного образования как условия объективного обеспечения качеством решений и инновационно обновляемыми средствами решения проблем развития и управления.

Теоретизация качества и уточнение направленности развития личности через спорт является одним из активно популяризируемых направлений научного поиска в современной профессиональной и педагогической деятельности. В будущем мы рассмотрим основы построения программного обеспечения управлением процесса развития личности через спорт.

Использованная литература

1. Горяинова Д.А. Теоретизация возможностей фасилитации развития личности в дзюдо // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конф. студ., аспирант. и молод.уч. – Новокузнецк: СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.144-148.
2. Гулевский Д.А. Теоретизация возможностей использования самопрезентаций в структуре деятельности тренера по боксу // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: тр. Всеросс. науч. конф. молод.уч. – Новокузнецк: СибГИУ, 2019. Вып. 23. Ч. III. Гуманитарные науки. С.65-68.
3. Дайбов В.О. Теоретизация успешности занятий легкой атлетикой как социально-профессиональная проблема // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды

Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ;– Новокузнецк: СибГИУ, 2019. Вып. 23. Ч.III. Гуманитарные науки. С.160-163.

4. Козырева О.А. Теоретизация в педагогике как объект научного поиска и научного исследования // Гуманитарно-педагогическое образование. 2019. Т. 5. № 2. С. 116-123.

5. Козырева О.А., Савельев М.А. Теоретизация возможностей исследования педагогической поддержки в работе учителя физической культуры и тренера по избранному виду спорта // Вестник Саратовского областного института развития образования. 2019. № 3 (19). С. 84-89.

6. Коновалов С.В., Козырева О.А. Педагогическое моделирование в конструктах современного образования // Вестник Томского государственного педагогического университета. 2017. №1 (178). С. 58-63.

7. Крупина Т.А., Олешкевич Г.Б., Козырева О.А. Теоретизация возможностей формирования культуры деятельности личности в модели физкультурно-спортивного образования // Электронный научный журнал «Наука и перспективы». 2019. №3.

8. Лоос А.А., Федотова В.А. Теоретизация возможностей повышения качества тренировочного процесса в настольном теннисе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.284-287.

9. Монгуш С.А. Теоретизация модели развития личности в вольной борьбе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч.– Новокузнецк: СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.331-335.

10. Худеева А.В. Теоретизация педагогических условий оптимизации качества развития личности в тяжелой атлетике // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: тр. Всеросс. науч. конф. Новокузнецк: СибГИУ, 2019. Вып.23. Ч.V. Экономические и гуманитарные науки. С.352-356.

ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ И УТОЧНЕНИЯ ВОЗМОЖНОСТЕЙ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЧНОСТИ В СПОРТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Боронина Наталья Викторовна, тренер МАФСУ СШ №2, Новокузнецк, Россия

Грона Елена Петровна, начальник отдела ВФСК ГТО МАФСУ СШ №2, Новокузнецк,

Селиванова Елена Героевна, заместитель директора по спортивной работе МАФСУ СШ №2, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В статье определены возможности теоретизации, уточнения, формирования и развития культуры деятельности личности в спортивной организации. Основы теоретизации определены в персонифицированном подходе, выделении принципов, функций, моделей формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации.

Опорные слова: педагогическое моделирование, теоретизация, формирование, культура деятельности, спортивная организация.

Теория и практика теоретизации [1-12] в постановке и решении задач формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации определяет важным условием выбор системы научно обоснованных положений, регламентирующих качество и нюансы научного познания в описании, уточнении и формировании культуры деятельности личности в спортивной организации.

Определим конструкты и модели научной теоретизации через призму следующих составляющих научного познания и качественного решения задач повышения результативности формирования и развития культуры деятельности личности в спортивной организации:

- теоретизация качества готовности студента УОР к профессиональной деятельности [1] может быть полезна в рассмотрении проблемы выбора условий успешного адаптивно-

продуктивного решения задач, основы и возможности уточнения которых регламентированы идеями гуманизма, здоровьесбережения и признания нормального распределения способностей базовым конструктом оптимизации и регламентации качества решения задач развития успешности и выбора составляющих целостного, персонифицированного развития личности «хочу, могу, надо, есть» как гаранта самоорганизации и самосохранения функциональности антропосреды и конкурентоспособности личности;

- теоретизация успешности развития личности в системе непрерывного образования [2] обусловлена многомерностью выделения и решения задач проецирования, проектирования и моделирования основ развития на систему социально ориентированных отношений, являющихся продуктом и условием самоорганизации успешности развития личности и функционирования общества (образование рассматривается как составляющая часть социума);

- педагогическое моделирование как метод и технология продуктивно-инновационного решения задач профессионально-педагогической деятельности [3] раскрывает возможность качественного включения личности в процесс научного познания, научного поиска и научно-педагогического исследования;

- теоретизация возможностей повышения уровня успешности личности в структуре всестороннего развития в училище олимпийского резерва [4] описывает системность научного поиска в описании проблем и нюансов их решения;

- теоретизация управления качеством организации научно-исследовательской работы сотрудников и студентов училища олимпийского резерва [5] раскрывает направленность поэтапного, уровневого включения сотрудников и студентов училища олимпийского резерва в процесс продуктивного научного познания целостного педагогического знания и решения задач продуцирования нового знания, позволяющего повысить результативность деятельности сотрудников и студентов училища олимпийского резерва в различных направлениях и способах оценки качества результативности и успешности;

- культура деятельности личности в контексте общепедагогических и профессионально-педагогических возможностей непрерывного образования [6] позволит сфокусировать внимание на теоретизации возможностей научного решения задач развития личности в различных моделях и направлениях деятельности, где культура как высшая форма и продукт эволюции идей гуманизма определяет систему смыслообразующих форм и конструктов самоорганизации и самокоррекции;

- профессионализм личности [7] позиционирует свои основы в системе положений, раскрывающих целостность научного познания и системность детерминации понятия в контексте универсальности категориального аппарата современного образования;

- теоретизация возможностей формирования культуры деятельности личности в модели физкультурно-спортивного образования [8] является одной из актуальных практик, описание результативности визуально отражает единство опыта деятельности и успешности гибкого управления качеством физкультурно-спортивного образования;

- теоретизация качества профессиональной подготовки будущих педагогов по физической культуре в условиях училища олимпийского резерва [9] является целостной задачей, направленность и результативность решения обоснования важности научного познания в которой повышает уровень осознания личностью реализуемых и потенциальных условий и моделей профессиональной деятельности;

- особенности продуктивного решения задач повышения качества методической деятельности в ДЮСШ [10] позволяют в системном рассмотрении проблем развития личности подойти к целостному пониманию единства управления, педагогической поддержки, фасилитации, коррекции и стимулирования активности личности в работе методистов и научно-методической деятельности в целом (примеры определяются через иллюстрации возможностей теоретизации развития личности в ДЮСШ);

- модели и условия теоретизации успешности развития и продуктивного становления личности в избранном виде спорта [11] отражают все нюансы развития личности и

педагогической науки; востребованность научно-педагогического опыта в избранном виде спорта является механизмом стимулирования и самоорганизации качества продуктивности личности;

- модели и методология теоретизации и формирования успешности личности студента училища олимпийского резерва в спорте, науке, образовании [12] выделяет единство связей и целостного решения задач развития через вес составляющие духовного, интеллектуального и физического развития личности.

Основы теоретизации могут быть определены в персонифицированном подходе, выделении принципов, функций, моделей формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации, поясним и раскроем направленность трансляции смыслов научного познания и научно-педагогической деятельности в формировании и уточнении возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации.

Персонифицированный подход – методологический подход, позволяющий использовать направленность развития личности и общества в стимулировании и коррекции качества деятельности личности в системе непрерывного образования и профессионально-трудовых отношениях.

Персонифицированный подход как конструкт и условие качественной научно-педагогической теоретизации указывает на справедливость принятия нормального распределения способностей и здоровья в интегрированной задаче научного поиска, в структуре теоретизации основ формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации важным условием является гибкое выделение и уточнение успешных решений проблемы и задач «хочу, могу, надо, есть».

Культура деятельности личности в спортивной организации – продукт эволюции и интеграции науки и этики, развития и системного понимания качества решения задач «хочу, могу, надо, есть» в унифицированном поиске оптимального конструкта, ресурса и технологии достижений личностью высоких показателей и результатов, в таком понимании спортивная организация является средой, а результативность достижений личности в спортивной организации продуктом мультисредовых отношений.

Принципы формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации – основные положения теории и практики формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации, раскрывающие единство ценностей, смыслов, конструктов, технологий и продуктов формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации в потенциально удобном отображении условий и возможностей описания и понимания поставленных перед личностью задач развития через спорт.

Функции формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации – целостно и системно реализуемые задачи формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации.

Модели формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации – идеальные структуры, позволяющие в использовании повысить качество понимания направленности и результативности процесса формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации.

Основы формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации определяют основы научного познания базой в гибком управлении качества педагогического процесса развития личности и формирования и уточнения возможностей развития культуры деятельности личности в спортивной организации.

Использованная литература

1. Борисенко А.С., Логачева Н.В., Селиванова Е.Г. Теоретизация качества готовности студента УОР к профессиональной деятельности // Современные проблемы физического воспитания и безопасности жизнедеятельности в системе образования : сб. науч. тр. III Всеросс. науч.-практ. конфер. с междуна. участ., посв. юбилею д.п.н., проф. Л.Д. Назаренко (г. Ульяновск, 28–29 ноября 2019 г.) / под ред. Л.И. Костюниной. – Ульяновск : УлГПУ им. И.Н. Ульянова, 2019. С.13-18.
2. Бурденкова А.В., Козырева О.А. Теоретизация успешности развития личности в системе непрерывного образования // Духовный мир мусульманских народов Евразии. М. Акмулла – великий башкирский просветитель XIX в. (XIV Акмуллинские чтения): матер. Республ. (с междуна. участ.) науч.-практич. конфер. 24 октября 2019. Том I. – Уфа: Педкнига, 2019. С.132-135.
3. Гутак О.Я., Козырев Н.А., Козырева О.А. Педагогическое моделирование как метод и технология продуктивно-инновационного решения задач профессионально-педагогической деятельности // Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2019. № 5 (74). С.154-162.
4. Калачиков А.И. Теоретизация возможностей повышения уровня успешности личности в структуре всестороннего развития в училище олимпийского резерва // Оздоровительная физическая культура, рекреация и туризм в реализации программы «Здоровье нации» : матер. Всеросс. науч.-практ. конфер. (г. Челябинск, 14-15 нояб. 2019 г.) ; под ред. д.м.н. проф. Е. В. Быкова. – Челябинск : УралГУФК, 2019. С.227-230.
5. Козырева О.А. Теоретизация управления качеством организации научно-исследовательской работы сотрудников и студентов училища олимпийского резерва // Вестник Алтайского государственного педагогического университета. 2019. №4. С. 46-50.
6. Козырева О.А., Устаев Р.М. Культура деятельности личности в контексте общепедагогических и профессионально-педагогических возможностей непрерывного образования // Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2019. № 3 (72). С.166-179.
7. Коновалов С.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Профессионализм личности как универсальная категория современного образования // Бизнес. Образование. Право. 2019. № 2 (47). С.334–343. DOI: 10.25683/VOLBI.2019.47.203.
8. Крупина Т.А., Олешкевич Г.Б., Козырева О.А. Теоретизация возможностей формирования культуры деятельности личности в модели физкультурно-спортивного образования // Электронный научный журнал «Наука и перспективы». 2019. №3.
9. Логачева Н.В. Теоретизация качества профессиональной подготовки будущих педагогов по физической культуре в условиях училища олимпийского резерва // Оздоровительная физическая культура, рекреация и туризм в реализации программы «Здоровье нации» : матер. Всеросс. науч.-практ. конфер. (г. Челябинск, 14-15 нояб. 2019 г.) ; под ред. д.м.н. проф. Е. В. Быкова. – Челябинск : УралГУФК, 2019. С.260-263.
10. Урженко Н.В. Некоторые особенности продуктивного решения задач повышения качества методической деятельности в ДЮСШ // Оздоровительная физическая культура, рекреация и туризм в реализации программы «Здоровье нации» : матер. Всеросс. науч.-практ. конфер. (г. Челябинск, 14-15 нояб. 2019 г.) ; под ред. д.м.н. проф. Е. В. Быкова. – Челябинск : УралГУФК, 2019. С.334-336.
11. Чигишев Е.А., Бузык А.В., Кучинов А.А. Модели и условия теоретизации успешности развития и продуктивного становления личности в избранном виде спорта // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. VIII Междуна. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 03-04 апреля 2019). [Электронный ресурс] / ФГБОУ ВО «Кузбас. гос. техн. ун-т им. Т. Ф. Горбачева» ; редкол.: Т.Н. Гвоздкова (отв. редактор), Е.В. Кузнецов [и др.]. – Междуреченск, 2019. С.355-1 – 355-6.
12. Чигишев Е.А., Козырев Н.А., Козырева О.А. Модели и методология теоретизации и формирования успешности личности студента училища олимпийского резерва в спорте, науке, образовании // Вестник Удмуртского университета. Серия

МОДЕЛИ И ВОЗМОЖНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ ЗДОРОВЬЯ ЛИЧНОСТИ СТУДЕНТА УЧИЛИЩА ОЛИМПИЙСКОГО

Буцик Артем Викторович, тренер, Новокузнецкое училище олимпийского резерва, Новокузнецк, Россия

Кучинов Арунат Альбертович, тренер, Новокузнецкое училище олимпийского резерва, Новокузнецк, Россия

Аннотация. В работе раскрыты основы и модели, возможности и специфика формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, уточнены понятия, детализированы принципы формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, определены функции формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, раскрыты педагогические условия формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва.

Опорные слова: модель, культура здоровья личности, принципы формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, теоретизация, педагогическое моделирование, педагогические условия.

Здоровьесбережение и здоровьесформирование определяют смыслы и конструкты формирования и развития личности в среде образовательного учреждения, в семье, в социальном пространстве, в котором личность выступает как носитель ценностей и условий продуктивного становления и самоутверждения. Особенности продуктивного решения задач формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва можно определить через целостное уточнение возможностей выделенного педагогического явления, в котором необходимо выделить виды, типы, формы, функции, принципы и педагогические условия формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, для этого будем использовать работы по теории и практике здоровьесберегающей подготовки личности обучающегося в модели непрерывного образования [1, 3], успешности постановки и решения задач педагогической деятельности [2], теоретизации основ педагогического поиска в структуре решения задач развития личности через избранные направления деятельности [4, 5].

Уточним понятия «культура здоровья личности», «формирование культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва», «принципы формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва», «функции формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва», «педагогические условия формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва», раскроем назначение и особенности выбора выделенных моделей в развитии студента училища олимпийского резерва.

Культура здоровья личности – системная единица самоорганизации качества решения задач развития личности в иерархии ценностей и приоритетов сохранения здоровья личности и здоровья общества, единство которых предопределяют успешность решения всех задач развития в иерархии доминирующих и сопутствующих факторов и приоритетов продуктивного становления личности и самоорганизации качества функционирования общества.

Формирование культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва – процесс построения и реализации модели качественного выбора условий и тактики достижения личностью высоких результатов в сохранении здоровья личности через системно организуемую деятельность и общение, раскрывающих перспективность продуктивного становления личности студента училища олимпийского резерва в различных

направлениях научно обоснованного поиска оптимальных условий жизнедеятельности и самоутверждения.

Принципы формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва – основные положения, фасилитирующие целостное понимание и реализацию идей формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва.

Принципы формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва:

- принцип научного определения и решения задач формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва;

- принцип целостности, системности, достоверности, объективности, надежности, гибкости, качества и успешности решения задач развития личности как ценности и продукта современного образования, спорта, науки, искусства, культуры и пр.;

- принцип возрастосообразности и гуманизма в реализации условий и технологий здоровьесбережения и культуры;

- принцип единства смыслов, целей, ценностей, потребностей и уровня достижений личности в выделенном направлении деятельности ;

- принцип согласованности выбора составных продуктивного решения задач оптимизации условий и технологий деятельности личности в обществе;

- принцип конкретизации и теоретизации успешных решений задач формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва;

- принцип учета всех составных развития личности в целостном понимании успешности уточнения возможностей и приоритетов развития личности и общества.

Функции формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва – смыслообразующие конструкты самоорганизации качества формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва в реализуемой деятельности и общении.

Функции формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва:

- функция самоорганизации успешности развития личности в выделенном направлении деятельности;

- функция обобщения и трансформации идей гуманизма в продуктивном решении задач развития и становления личности, самоорганизации качества развития общества и пр.;

- функция социализации личности в здоровьесберегающем конгломерате ценностей и продуктов развития личности и общества;

- функция мотивации личности к здоровому образу жизни;

- функция повышения уровня культуры в деятельности и общении личности студента училища олимпийского резерва;

- функция адаптации личности в выделенных направлениях деятельности через успешное освоения опыта деятельности и самореализации, самовыражения и сотрудничества, поддержки и общения;

- функция модернизации успешности развития личности как единицы современного общества.

Педагогические условия формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва – системные элементы целостного решения задач формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва, повышающие качество и успешность становления личности в выделенном направлении деятельности и общении.

Педагогические условия формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва:

- повышение роли и места в обществе технологий здорового питания, соблюдения режима дня, контроля режима и норм труда;

- осмысленное уточнение модели самореализации личности на протяжении всего периода жизнедеятельности;
- своевременность мониторинга здоровья и самочувствия личности студента училища олимпийского резерва;
- формирование потребности личности во всестороннем развитии через систему занятий спортом, включения личности в систему непрерывного образования, включение студента училища олимпийского резерва в научную деятельности и пр.

Выделенные модели формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва определяет условия функционирования и использования, модификации и персонифицированного уточнения технологии формирования культуры здоровья личности студента училища олимпийского резерва.

Использованная литература

1. Аксенова А.Н., Комяков О.С., Шварцкопф Е.Ю. Особенности здоровьесберегающей подготовки личности обучающегося в модели непрерывного образования // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2018. № 1. С. 4–9.
2. Зубанов В. П., Митькина Е. В., Гутак О. Я. Педагогическая деятельность и педагогическая поддержка как категории педагогики и непрерывного образования // EuropeanSocialScienceJournal. 2017. № 11. С.380-388.
3. Комяков О.С. Культура здоровьесберегающей подготовки и здоровьесберегающей деятельности обучающегося // EuropeanSocialScienceJournal. 2017. № 12-2. С.142-151.
4. Коновалов С.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Теоретизация в педагогической науке: общенаучный и общепрофессиональный аспекты // Бизнес. Образование. Право. 2018. № 4 (45). С. 376-385. DOI: 10.25683/VOLBI.2018.45.409.
5. Судьина Л.Н., Козырев Н.А., Козырева О.А. Социализация и самореализация личности в конструктах научного поиска и научно-педагогического исследования // Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2018. № 6 (69). С.253-269.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР - МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ МАЪНАВИЙ НЕГИЗИ

*Галдиева Мехрибон Дурдиевна, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон mehribon.galdiyeva@gmail.com*

Аннотация: Статья посвящена духовным основам национального воспитания и общечеловеческих ценностей. В статье анализируются факторы, влияющие на эффективность национального образования, образование - воспитание в духе уважения к общечеловеческим ценностям, вопросы национального образования в повышении уровня знаний учащихся.

Annotation: This article is devoted to the topic of the spiritual basis of national education of national and human values. The article analyzes the factors influencing the effectiveness of national education, education, upbringing in the spirit of respect for human values, issues of national education in improving the knowledge of students

Аннотация: Ушбу мақола миллий ва инсоний қадриятлар миллий тарбиянинг маънавий негизи мавзусига бағишланган. Мақолада миллий тарбия, таълим – тарбия ишлари самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, инсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўқувчиларнинг билимини оширишида миллий тарбия масалалари таҳлил қилинган.

Ключевые слова: духовные и культурные ценности, национальное воспитание, гармонично развитое поколение, родители, родовое наследие, мораль, национальные традиции, национальные ценности, патриотизм, воспитание.

Key words: *spiritual and cultural values, national upbringing, harmoniously developed generation, parents, ancestral heritage, morality, national traditions, national values, patriotism, and education.*

Таянч сўзлар: *маънавий ва маданий қадриятлар, миллий тарбия, баркамол авлод, она, аждодлар мероси, одоб-ахлоқ, миллий урф-одат, миллий қадрият, ватанпарварлик, таълим тарбия.*

Ҳозирги кунда суверен Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохатлар фақат инсон манфатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бизнинг ёшларимиз ҳақли равишда ватан келажаги учун масъулятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётганидан барчамиз фахрланамиз. Ушбу йуналишда амалга оширилган кенг кўламли ишларни, хусусан, таълим ва тарбия соҳасида қабул қилинган миллий дастурларни самарали амалга оширишимиз керак.

Замонавий талаблар асосида таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинларини такомиллаштиришни бизнинг асосий вазифамиз деб биламиз.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз кўп асрлик анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Тарихий ўтмишни, унинг қадриятларини кўллаш зарурлигини исботлаш, шу боис ёшларни миллий урф одатларга садоқат умумбашарий инсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йуналиши ҳисобланади. Ҳеч бир мамлакат одамлар орасида миллий руҳни уйғотмасдан, маҳаллий ва жаҳон қадриятларини ривожлантирмасдан, шу муҳитда таълим олмасдан туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Мустақил давлатга айланган Ўзбекистон самарали ташқи сиёсатни олиб борувчи халқаро муносабатларнинг субъектига айланди. Шу тарзда республика нафақат ўзининг миллий манфатларини ҳимоя қилади, балки уларни янада юқори даражага кўтаради. Дунё миқёсида мамлакатимиз нафақат ўзининг бой тарихий маданияти, қулай географик позицияси жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси ёки бой табиий ресурслари туфайли, балки мукамал авлодни тарбиялаш, унга маънавий ва маданий қадриятларни сингдириш борасидаги сайъихаракатлари туфайли ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларга, халқ анъаналари ва урф одатларига, аждодлар меросига ҳурмат руҳида юксак даражада ривожланган ёш авлодни шакллантиришга тарихий ва миллий хусусиятларимизга мос келадиган таълим тизимини яратиш орқали эришиш мумкин. Ёшларни ўзларининг мустақил фикрига эга, вақт синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга эга бўлган, хушёр дунёқарашга эга, мустақил иродага эга маънавий жиҳатдан бой, ҳар қандай мафкуравий зулм ва маънавий таҳдидларга қарши туришга тайёр одамлар билан тарбиялаш долзарб вазифадир. Ёш авлоднинг маънавий оламида вакуум пайдо бўлишининг олдини олиш учун болалиқдан уларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзини, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш зарур. Уларда бундай фазилатларни ривожлантириш учун, аввало, уларда миллий ва маданий меросга, тилга, урф-одат ва ўз халқининг қадриятларига бўлган қизиқишини уйғотиш керак. Кўп асрлик анъаналарни, буюк ва бой маданиятини билмаслик ўтмишда, миллий ўзликни англаш мумкинлиги эмас. Ҳар қандай миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан иборат. Миллий ўзликни англамай туриб, умумбашарий инсоний қадриятларни англаш, уларни ҳурмат қилиш мумкин эмас. Шундай экан, биз ёшларимиз орасида ҳам, бошқа урф-одатларни ҳам, уларга ҳурматни ҳам, бирдек тарбиялашимиз керак. Узоқва бой тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқлари таълим ва тарбия соҳасида ўзларининг қимматли меросларини яратдилар, такомиллаштирдилар ва юзлаб авлодларни инсонпарварлик, ҳомийлик, дўстлик ва раҳм-шафқат, меҳнатсеварлик, саховат каби умуминсоний фазилатлар руҳида ривожлантирдилар.

Халқимиз яратган маънавий фикрларнинг манбалари қадимги даврларга тўғри келади. Мустақиллик шарофати билан миллий ва маданий меросимизни, урф одатларимизни, маънавиятимизни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш имконияти пайдо бўлди. Бу ўз навбатида тарихий маънавий бой меросимизнинг, бебаҳо хазинасининг қимматли

мабаларини аниқлашни талаб қилади. Агар шундай бўлса, умуминсоний кадрятлар ғояларини талқин қилиб, таълим ва тарбия тизимига таълимнинг янги демократик концепциясини киритиш зарур. Бу таълим ва тарбиянинг мазмунини, шакллари, усуллари ва воситаларини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни назарда тутати. Шунингдек, олий таълим тизимидаги ўқув жараёнларида кадрятларни ўрганишга эътибор қаратиш лозим. Улар жамият бойлиги, миллий ифтихоримиздир. Уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳар кимнинг бурчидир.

Миллий кадрятлар кўпинча ижтимоий аҳамиятга эга бўлган моддий, маънавий табиий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа бойликлар мажмуаси сифатида тушинилади, бу нафақат ўтмиш учун муҳим, балки одамлар онгига хос бўлган ҳозирги ва келажакка ижобий таъсир кўрсатади. Бунга инсоният жамиятнинг ривожланиши ва мустақиллиги учун аҳамиятли бўлган ижтимоий ва маънавий ҳодисалар ҳам киради. Миллий кадрятлар жамият бойлиги, ўтмишни бугун ва келажак билан боғлайдиган восита, инсонни маънавий етук ва баркамол қилиб тарбияловчи қудратли кучдир, деб бежиз айтишмаган. Кадрятлар моддий ва маънавийдир. Улар тарбия, урф одат ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Бизда муносабатларда намоён бўладиган меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, ҳамдардлик, ҳамкорлик ва садоқатга асосланган бундай муҳим кадрятлармавжуд.

Ҳар қандай мамлакатда инсон энг юқори кадрят деб ҳисобланади. Ўзбекистонда уни юксалтиришади, ҳамма нарсадан устун қўйишади, ҳамма нарса инсон манфатлариғахизмат қилиши керак. Ҳозирги кунда юзлаб йиллар давомида шаклланган миллий урф-одатлар маданий ва маънавий кадрятлар билан биргаликда ривожланишни жадаллаштиради, ғоявий ва маънавий тозалашни таъминлайди. Барча турдаги кадрятлар инсоннинг фаровон ва эркин ҳаётида хизмат қиладиган восита ҳисобланади. Бинобарин, ёшлар онгида миллий ва умуминсоний кадрятларни риволантириш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

¹. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 103 б.

2. Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Холикбердиев. Педагогика. – Т., “Ўқитувчи”, 2002. – 49 б.

3. Ғозиев Э. Ғ. Умумий психология. 2-том. – Т.: Университет. 2002. – 245 б.

4. Голубева Н. А., Марцинковская Т. Д. Информационная социализация: психологический подход. Психологические исследования, 2011, 6(20), 2. <http://psystudy.ru>

МУТАСАВВИФ СЎФИ ОЛЛОЁР ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ғозиев З., ЖДПИ катта ўқитувчиси

Файласуф И. Мўминов фикрича, Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида шаҳарнинг ҳар бир маҳалласи ва ҳар бир қишлоғида мактаб бўлган. Ҳар бир мусулмон етти ёшга тўлганда масжидга олиб борилиб, масжидда хизмат қилувчи мулла кўлида “Қуръон”, “Ҳафтияк”, “Чор китоб”, шунингдек, Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин”, “Сабот ул-ожизин”, “Махзан ул-мутиъин”, “Мурод ул-орифин” китоблари сабоқ-дарслик бўлиб ўқитилган [1:173]. И. Мўминов бу мактаб ва мадрасаи олияларда Шарқнинг энг йирик шоирларининг шеърӣ тўпламлари Ҳофиз, Алишер Навоӣ, Мирзо Бедил, Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёр ҳам ўрганилганлигини таъкидлаган. И. Мўминов бош муҳаррирлигида нашр этилган “Ўзбекистон тарихи” китобида “XVII аср мистик шоирлари ижодида дарвишлар мафкурасининг таъсири акс этган. Сўфи Оллоёр бу серташвиш дунёни тарқ этишни тарғиб этиб, сўфӣлик мафкурасининг мистик ҳақиқатларини ташвиқ қилган. Унинг шеърларини ва “Такводорлар йўли” номли достонини руҳонийлар кенг кўламда тарқатиб юришарди” [2:596], деган фикр келтирилган.

Адабиётшунос олим И. Сувонкулов шу фикрларга таяниб, уни иштихонлик деб атаган. “Сўфи Оллоёр Миёнкол воҳасидандир” деган фикр мавжудлигини, Миёнкол воҳаси Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги, аниқроғи, бугунги Самарқанд вилоятининг Кармана, Нарпай, Каттакўрғон ва Иштихон туманларининг Зарафшон атрофида жойлашган ерлари кирганлигини қайд этиб, унинг отаси ҳақида ва оламдан ўтган вақти ҳақидаги тарихий маълумотларни келтирган. Хусусан, ҳижрий 1277, милодий 1860 йилда ёзилган Фаҳмийнинг тазкирасида шундай келтирилади: “Сўфи Оллоёр Самарқандий шайхи дилафрўз Сўфи Наврўзнинг таниқли халифаларидандир. “Маслакул-муттақин”, “Сабот ул-ожизин”, “Махзанул-мутеъин”, “Мурод ул-орифин” китоблари муаллифидир. Ҳол ибтидосида сипоҳ бўлган. Отасини Оллоҳқули ва инисини Фарҳод оталиқ дейдилар. Улар ўзбекларнинг Самарқанд ва Бухоро Миёнколидаги хитойи қабиласининг бошлиқларидан бўлганлар. Фарҳодбий Абулфайзхон даврида Самарқанд ҳокими ва амирлик мансабларига эришган. Сўфи Оллоёр Шайх Наврўзга иродат ва инобат қилгандан сўнг унга зоҳир ва ботин илмлари эшиклари очилди. Хосу омга мақбул бўлди. Олимлар ва амирлар унинг суҳбатига ошиқдилар. Миёнколдан Ҳисорнинг Деҳинав томонига кетди. Мавлоно Зоҳид Вахшиворийнинг файзосорли мазоридан юқоридаги Вахшивор қишлоғига борди. У ерда хонақоҳ ва уй курди. Унинг қутлуғ қадамидан ўша минтақани илонлар тарк этдилар. Ўша ерда 1136 ҳижрийда дунёдан ўтди”[3].

Ш. Сирожиддинов адабиётшунос С. Айнийнинг ҳам фикрини келтирган: Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” китобида Фаҳмийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидаги маълумотларини айнан такрорласа-да, уни Каттакўрғоний нисбаси билан келтиради. Садриддин Айний бухоролик бўлгани учун ҳам бу масалада аниқроқ маълумотга эга бўлганлиги қуйидагилардан ҳам кўриниб туради: “... умри нихоясида Ҳисор томонга кетган ва қабри ўша ерда. Ҳозир ҳам Каттакўрғон шаҳрида унинг номи билан боғлиқ гузар ва жой мавжуд”[4:169-171].

Ш. Сирожиддинов ишончли манбалар асосида Каттакўрғон шаҳрида Сўфи Оллоёрнинг ўзи қурдирган хонақоси сақланиб қолганлигини, шунингдек, шаҳар аҳолиси ўртасида унинг ватани шу ер эканлиги ҳақида ривоят сақланганлигини, шоирнинг катта ўғли у ватанидан кетмасдан илгари вафот этганлиги, дафн жойи ҳозирги Сарбозор ичида эканлигини хабар берган. Айний ҳам унинг ҳукумат вазифаларида ишлагани ҳақида, Мақсуд Мир Носириддин Ҳусайний Бухорийнинг “Равойих ул-қудс” тазкирасидаги маълумотлар ҳам юқоридаги икки тазкирадан деярли фарқ қилмаслигини, ундаги янгилик эса Оллоёрнинг сўфи Наврўзга мурид тушиб, Ҳумул мавзесида анча йиллар риёзат ва мужоҳада билан шуғулланганидан хабар берган, Ҳумул ҳозирги Ургут туманига қарашли қишлоқлардан бири эканлигини келтирган.

Ш. Сирожиддинов ва И. Сувонкуловнинг Сўфи Оллоёр ҳақидаги асарларида унинг Бухоро бож маҳкамасининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатгани ҳақида айтилган. Бу маълумот ҳижрий 1221,-милодий 1806 йилда татар олими Тожуддин Ёлчиғул ўғли томонидан ёзилган “Рисолаи Азиза” китобида келтирилган. Асар Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, Сўфи Оллоёрни турк дунёсида машхур қилган ва унинг асарларидаги буюк ғояларнинг бошқа мамлакатларга тарқалишига катта ҳисса қўшган асардир. Асар муқаддимасида айтилишича, уни қизи Азизанинг илтимосига мувофиқ қўлланма тарзида ёзгани ва шунинг учун унинг номини “Азизанинг китоби” яъни “Рисолаи Азиза” деб номлаганини айтиб ўтган. Сауд Арабистонилик муаррих олим Саид Туркистоний шундай фикрлар келтирган: “Самарқанд элинда Мийнқал отлиғ овул бор эди. Ул овулнинг жамоати аксар эзгу инсонлар эди. Ул овулда Темирёр деган бир зот бор эди. Ғоят солиҳ ва тақводор эди. Асли ва насли нўғой эрмиш. Андин бир ўғил туғилмиш, отини Оллоёр қўйдилар. (Отаси уни) ўн ёшинда Бухорога келтирув мадрасага солди. (Оллоёр) илмлар ўрганди. Кўп фанлар ҳосил айлади. Йигирма беш ёшинда Бухоро подшоҳи уни бож маҳкамасига тўра (бошлиқ-маъмур) қилди. (У) ғоят қон тўккучи бўлди. Кунлардан бир кун Растон бозорида шайх Ҳабибуллоҳнинг бир муридани каттиқ урди. Муриднинг боши ёрилди, қонлар оқди. У шайх Ҳабибуллоҳ олдига бориб Оллоёр тўрадан шикоят айлади.

Шайх айтди: “Сабр айла, ман они сизлардек айлайн” деб қўлини дуога кўтариб “Бу тўрани бизлардек ғариб кўнгил айлагил, дунё ва охирати муродини бергил[5:285]”-деб дуо қилди.

Тожуддин Ёлчиғулнинг фикрича, Сўфи Оллоёрнинг Муҳаммад Содиқ деган ўғли бўлиб, Бухорода туғилганлиги, йигирма етти ёшида ўз юрти Самарқандга кетганлиги айтилган. Унинг қайд этишича, Оллоёр Бухорода қолган. У ўн йилдан сўнг Байтуллохни зиёрат қилиб, Булғористонга келиб, Қозон қалъасида яшаганлиги айтилган. Булғорнинг комил сўфиси Идрис Ҳофиз билан силсиласи бир бўлганлиги ҳақида маълумот бериб, Оллоёр у ердан Арзирумга борганлиги, у жойда кароматлар кўрсатиб, сўнг Искандария шаҳрига келганлиги ва у ерда вафот этганлиги, унинг ёши тўқсонда эканлиги айтилиб, узун бўйли, қўй кўзлиги, жийрон соқоллик эканлиги айтилган. Ш. Сирожиддинов қўлида тўпланган кўлёма, манбаларга таяниб ва уларни қиёслаб ўрганиб, у фикрлар асосга эга эмас эканлигини, фақат вафоти, ёши, шакл-шамойили тасдиқланганлигини ёритган. Бу ҳақда Иброҳим Ҳаққул ҳам қуйидаги фикрни берган: Сўфи Оллоёрнинг қabri Искандарияда эмас, Денов яқинидаги қишлоқлардан бирида эканлиги шубҳасиз. Бундан ташқари, унинг вафоти 1133 йилга тўғри келмайди. Саудия Арабистонида Мусо Афанди томонидан чоп этилган “Сўфи Оллоёр” китобининг муқаддимасида ҳам шундай фактик хатоликларга йўл қўйилганлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб ўтилган[6:29].

Шу фикрларга асосланиб, Ш. Сирожиддинов аниқ маълумотларни келтирган. Биринчидан, Сўфи Оллоёр ўғлининг исми Муҳаммад Содиқ эмас, балки Муҳаммад Сиддиқдир. Иккинчидан, Сўфи Оллоёрнинг Вахшивордаги авлодларининг таъкид этишларича, хусусан, Музаффархон отанинг айтиши бўйича, кўпинча отаси ўғли ёнида бўлган. Сўфи Оллоёр умрининг ниҳоясида ўғлига: “Менга Ватанга қайтиш муяссар бўлмайди, шекилли, сен Ватанга қайтгил”,-деб уни Каттакўрғонга жўнатган эканлар. Алломанинг қabri Сурхондарёнинг Вахшивор мавзесидадир. Ўғли Каттакўрғон ва Қашқадарё чегарасидаги Чўнқаймиш қишлоғида дафн этилган. Уларнинг Чўнқаймиш қишлоғи билан боғлиқлиги Сўфи Оллоёрнинг қизлари шу ерлик эшонларга турмушга чиққанлиги билан асосланади. Аммо Муҳаммад Сиддиқнинг нега бу ерда вафот этганлиги, унинг Каттакўрғондаги ҳаёти, оила ва фарзандлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Сўфи Оллоёрнинг ўзи эса Вахшиворда дафн этилгани барча кўлёма манбаларда ўз тасдиғини топган[7:43],-деган фикр келтирилган. Шундай экан, шарҳда айтилган ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак, деган хулоса чиқади. Афсуски, бу шарҳдан бошқа мамлакатларда яшовчи олимлар фойдаланганлар. Демак, улар Сўфи Оллоёрнинг Вахшиворда дафн этилганлигини билмайдилар. Жумладан, анча муқаддам “Сабот ул-ојизин” китобини нашр эттирган хориждаги ватандошларимиздан Саид Туркистоний ҳам таржимаи ҳол масаласида шундай нуқсонга йўл қўйган.

ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган “Сабот ул-ојизин”нинг яна бир нусхаси охириги варағида ҳам айна шу таърих келтирилган[8].

Юқоридаги манбаларга асосланиб Ш. Сирожиддинов шундай хулосани келтирган, кўпчилик таърихларда ҳижрий 1133 йил кўрсатилган. Бу эса унинг вафоти 1721 йилга тўғри келишини билдиради. Агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантирилганда 1634 йил ҳосил бўлади. Сўфи Оллоёр Каттакўрғондан 50-60 ёшларда бўлганида чиқиб кетганлигини тахмин қилиш мумкин. Мир Ҳусайннинг ёзиб қолдиришича, у ҳар йили яшаш жойини ўзгартирар экан. Маълум муддат Кешда, Пардукўст, Тўнмачи деган қишлоқларда яшаган ва шу ерда ундан баъзи кароматлар зоҳир бўлган. Умрининг охириги йилларини Сурхондарё тоғ этакларида, хусусан, Вахшивор мавзесида ўтказган. 1721 йилда шу ерда вафот этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Мўминов. Танланган асарлар. I-том. -Тошкент: “Фан”, 1969.
2. И.Мўминов таҳрири остида. Ўзбекистон тарихи. I-том. -Тошкент: “Фан”, 1970.

3. Тазкираи Абдулматлаб Фаҳми. ЎзФАШИ Қўлёмалар фонди, Р-2331-1, 9 б-10 б-варақ.
4. С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. –Самарқанд: 1925.
5. Муаллиф ва тузувчи: Зуфаржон Жўраев. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар / Саид Туркистоний. Сўфи Оллоёр. Тўплам. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994.
6. Иброҳим Ҳаққул. Сўфи Оллоёр-мутасаввиф адиб / Сўфи Оллоёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. -Техрон-Тошкент: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.
7. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва фаолиятига қайта назар / Сўфи Оллоёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. -Техрон-Тошкент: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.
8. Н. А. Баратова. Сўфи Оллоёрнинг бадий-маънавий қарашлари. –Самарқанд: 2002.

УСТРУШОНАНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ҲУНАРМАНДЧИЛИГИГА ДОИР

*Гофуров Жасур Исақович, фалсафа доктори (PhD), доц в.б.
ЖДПИ, тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси*

Аннотация. В данной статье представлена информация о раннесредневековых горнорудных промыслах Уструшны.

Ключевые слова: Центральная Азия, Уструшана, Согд, Фергана, чёрная металлургия, Марсманд, Мык, Ахсикент, археологические источники.

Annotation. This article provides information on the first medieval mining crafts of Ustrushana.

Key words and phrases: the Central Asia region, Ustrushona, Sogd, Fergana, Marsmand, Miq, ferrous metallurgy, Axsikent, archeological sources.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё икки дарё оралигининг барча вилоятларида тоғ-кон қазилма бойликларини очиш, уларни қайта ишлаш ва бу орқали ҳунармандчиликнинг турли соҳалари учун бой хом-ашё базасини яратиш ишига катта эътибор қаратилган. Хусусан, Фарғона вилоятининг Ахсикент атрофидаги конлардан олтин, қалай, кумуш, темир, мис, кўрғошин, асбест, Сўх атрофидан симоб, Ўзгандан нашатир, Исфара яқинидан “қора тош”, яъни тош кўмир қазиб олингани ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд [1, с. 94.].

Ўрта аср ҳунармандчилиги бўйича худди шундай маълумотлар Суғд, Бактрия-Тоҳаристон, Хоразм ва албатта, тадқиқ этилаётган Уструшона учун ҳам хос бўлиб, бу ўлкаларда тоғ-кон ишлари, рудани қайта ишлаш ва эритиш, металлдан қишлоқ хўжалик қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий аслаҳалар ясаш, тўқимачилик (пахта-ип, ипак, жун, тивит матолар), кулоллик, ёғочсозлик, тери ва чармдан тикиладиган ашёлар, сув тегирмончилиги, заргарлик кенг миқёсда қўлланилган ва ривожланган. Уструшонада ҳам ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг айрим соҳалари бўйича – Бунжикат, Минк, Марсманд, Зомин, Дизак, Мунчоктепа, Сабат ихтисослашган марказлар сифатида фаолият кўрсатган [2. 191-б.].

Ўзбекистонда 1943-1944 йилларда Фарҳод канали қурилиши пайтида ўтказилган археологик тадқиқотларнинг топилмаларига қараганда, маҳаллий ва эҳтимол, Қорамазор ва Фарғона тоғ-кон ишлари хом ашё базаси асосида Шимолий Уструшонада заргарлик санъати ривожланган ва бу соҳанинг маркази Мунчоктепада вужудга келган. Мунчоктепанинг илк қурилиш қатламларидан тўқ кул рангли сланец тошидан ясалган, икки палладан иборат исирға қуйиш қолипи топилган. Тош қолипнинг ички томонига бири-бирига айнан ўхшаш бир жуфт исирғанинг шакли ва уни эритилган металл билан тўлдириш учун каналча ўйиб туширилган. Қолипнинг икки палласи иккита металл бурама билан бири-бирига маҳкам туташтирилган. Демак, даставвал ўтроқ деҳқон аҳолининг қишлоқ макони бўлган Мунчоктепа ўзининг географик жойлашувига мувофиқ, яъни чорвадор халқлар билан яқин қўшничилик алоқалари, қарвон савдоси йўли ёқасидаги омиллар туфайли савдо-

сотик марказига айланган. Бу ерда, нафақат, ишлаб чиқаришга оид ҳунармандчилик маҳсулотлари, балки қимматбаҳо металллардан тайёрланган заргарлик буюмлари ҳам ясалган. Бунинг учун эса юқорида қайд этилган қолиплар муҳим аҳамият касб этган [3, с.100-109].

Мунчоктепа яқинида жойлашган Ширинсой қабристонини очиб ўрганган В.Ф. Гайдукевич гуруҳи қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллардан, аксарият ҳолларда қуйма усулида ясалган бир қатор заргарлик буюмларини топишга муваффақ бўлади. Мозорқўрғонлардан топилган бронзадан куйилган кўнғироқчалар, симсимон, ўрама билакузуклар, узуклар (баъзи узуклар темирдан ясалган) бир томони ёпиқ қувурча шаклидаги пичоқ дасталари топилган. Ушбу топилмаларнинг аксарияти аёллар қабридан топилган ва шу сабабли, муаллифлар кўнғироқчаларни аёлларнинг сочларига тақилган зеб-зийнат буюмлари, деб эътироф этишган [4, с.331-359].

Мунчоктепа заргарлари, нафақат қимматбаҳо металллардан, балки сержило хисобланувчи сердолик, феруза, қора хрустал, лаъл каби ярим қимматбаҳо тошлардан ҳам тақинчоқлар, нафис буюмлар ясаганлар. Бу хом-ашёлар Уструшона билан Фарғона чегарасидаги тоғлардан олинган. Бу ярим қимматбаҳо тошлардан асосан мунчоклар, узуклар ясалган, ёки олтин ва кумуш тақинчоқларни безатишда улардан фойдаланилган [1, с.94].

Уструшонанинг иқтисодий ҳаёти ва кишлоқ хўжалиги тараққиёти учун унинг худудидан катта ҳажмда темир рудасини қазиб чиқарилиши ва уни қайта ишлаб асбоб-ускуналар, меҳнат анжомлари ва айниқса ҳарбий қурол-аслаҳалар ясалиши муҳим аҳамият касб этган. Хитой хроникаси “Бэй-ши”да қайд этилишича Ми (Маймурғ) вилоятининг шарқ томонида жойлашган тоғлардан (яъни Уструшона худудидаги Туркистон тоғларидан) кўп миқдорда темир рудаси қазиб олинган. Худди шундай маълумотни “Худуд ал-Олам”нинг номаълум муаллифи ҳам қайд этади. Ибн Хавқал эса Уструшонанинг Минк рустоқи ва унинг яқинидаги Марсманд мавзеида қазиб олинган темир рудаси ва ундан тайёрланадиган ҳарбий қуроллар ҳақида хабар беради.

Минк ва Марсмандда қазиб олинган рудаларнинг катта қисми ўз жойида қайта ишланган ва улардан ҳарбий қурол-аслаҳалар ясалган. Бу қуролларнинг сифат даражаси ниҳоятда яхши бўлиб, улар Мовароуннаҳрдан ташқари Хуросон, Ироқ ва Бағдодга қадар тарқалган. Ибн Хавқал бу ерда темирнинг кўплиги, темирчи усталарнинг юксак малакаси ва ижодкорлиги туфайли ақл бовар қилмайдиган, ҳайратланарли буюмлар ясалаётгани ҳақида хабар беради [1, с.96].

Минк ва Марсмандда тайёрланган ҳарбий қурол-аслаҳалар ҳақиқатан ҳам Хуросон ва Ироқгача бўлган худудларга карвон савдоси билан олиб бориб сотилган бўлса, демак ушбу ашёларнинг сифати ниҳоятда юқори даражада бўлган. Чунончи, халифалик пойтахти Бағдодга қадар доврўқ таратган Уструшона усталарининг соф темир ва пўлатдан ясалган маҳсулотлари ўзининг рақобат бардошлиги билан ажралиб турган.

Минк ва Марсманд темирчилиги бўйича В.В. Бартольд бироз бошқача фикр билдирган. Унинг айтишича, Минк ва Марсмандда тайёрланган темир ярим фабрикант шаклида Фарғонага олиб кетилган ва у ерда хом-ашёдан юқори сифатли буюмлар тайёрланган [5, с.169]. Лекин, юқорида қайд этилган ёзма манбалар маълумотида бундай хабар йўқ. Уструшонада тайёрланган темир ва пўлат хом ашё сифатида энг аввало қўшни вилоятлар бозорига чиқарилган бўлиши мантиқан тўғри. Шунга қараганда, Фарғона, хусусан, Ахсикент ва Хўжанд темирчи, қуролсоз усталари юқори пробали Уструшона темир маҳсулотларини сотиб олиб ундан турли буюмлар, жумладан ҳарбий қурол-аслаҳалар ишлаб чиқарган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, биринчидан: Уструшонанинг тоғли худудида жойлашган Минк рустоқи ва унинг яқинидаги Марсманд шаҳарчаси ўрта асрларда Турон заминининг йирик темирчилик маркази сифатида фаолият кўрсатган. Иккинчидан: ушбу даврларда Уструшонада маҳаллий хом ашёлар базаси негизида заргарлик ҳунармандчилиги ривожланиб юксак даражали санъат даражасига кўтарилган.

Сўнги ўрта асрларга оид ёзма манбаларда Ўратепа заргарлари ҳақида маълумотлар мавжуд, Жиззахда эса ҳатто Заргарлик номли маҳалла фаолият кўрсатган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Негматов. Н.Н. Уструшана в древности и ранне средневековья. – Сталинабад, 1957.
2. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари (ёзма археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.
3. Гайдукевич.В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. (Предварительное сообщение) // КСИИМК. Вып. XV.-Москва-Ленинград, 1947.
4. Гайдукевич.В.Ф. Могильник близ Ширинская в Узбекистане // СА. -№ XIV. Москва, 1952.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. Москва. 1963.

СИСТЕМНОСТЬ И АНТРОПОЦЕНТРИЧНОСТЬ ИДЕЙ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ ЧЕРЕЗ СПОРТ: МОДЕЛИ И ОСНОВЫ ТЕОРЕТИЗАЦИИ

Грицаенко Наталья Александровна, тренер Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

Дорожкин Андрей Евгеньевич, тренер Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

Кропотова Елена Сергеевна, тренер Детско-юношеская спортивная школа №3, Новокузнецк, Россия

***Аннотация.** В статье определены способы уточнения и направленность идей и решений задач развития личности, системности и антропоцентричности развития личности через спорт, представлены модели и основы научной теоретизации задач и перспектив теоретизации идей развития личности через спорт. Выделены педагогические условия повышения качества системности и антропоцентричности идей развития личности через спорт.*

***Опорные слова:** спорт, педагогическое моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия, развитие.*

Системность и антропоцентричность идей развития личности через спорт может быть раскрыта в контексте выбора и уточнения моделей и основ теоретизации регламентации составляющих изучаемого педагогического процесса.

Вариативность постановки и решения задач развития личности через спорт в контексте системности и антропоцентричности может быть уточнена в следующих составляющих научного поиска и научной теоретизации:

- теоретизация качества управления в ДЮСШ раскрываются в установлении и регламентации системности научного познания как основа научно-педагогической деятельности[1];

- моделирование и уточнение принципов развития личности в спортивно-образовательной среде ДЮСШ [2] представляет собой планомерное, целенаправленное, системно обусловленное формирование ценностей и смыслов принципов развития личности в спортивно-образовательной среде ДЮСШ;

- системность научного познания и доступность научной теоретизации в работе тренера [3] представляют собой объективно востребованные конструкты научного поиска и научной теоретизации в установлении основных идей и смыслов научной теоретизации в работе тренера;

- успешность и продуктивность личности в системе непрерывного физкультурно-спортивного образования[4] раскрывают перспективы и направленность уточнения качества

решения задач развития личностей в системе непрерывного физкультурно-спортивного образования;

- ценности развития личности в спорте определены через теоретизацию составляющих научно-педагогического поиска, в структуре которого выделены проблемы теоретизации развития личности в спорте в информационном и аксиологическом подходах[5];

- педагогическое моделирование в системе педагогического и инженерно-технического образования [6] целостно раскрывают уникальные решения задач создания нового научного знания в профессиональной и инженерной педагогике;

- управление рассматривается как процесс, основа и продукт теоретизации оптимальных решений задач развития личности в спорте[7];

- социально-образовательная среда описывается в задачах и продуктах научного поиска и научной теоретизации как модель и продукт успешного развития личности и общества[8];

- унификация условий и моделей продуктивности и успешности личности в структуре развития в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва [9] определяется общепедагогическим механизмом самоорганизации успешности и продуктивности развития личности в структуре развития в спортивно-образовательной среде училища олимпийского резерва;

- спортивно-образовательная среда в модели развития личности [10] раскрывает перспективность реализации идей системности и антропоцентричности в теории и практики педагогики развития, педагогики физической культуры и спорта, социальной педагогики, профессиональной педагогики; идеи развития личности через спорт утонены через выделенные авторами модели и основы научного поиска и научной теоретизации.

Цель работы: изучить и уточнить модели и основы теоретизации системности и антропоцентричности идей развития личности через спорт.

Способы уточнения и направленность идей и решений задач развития личности, системности и антропоцентричности развития личности через спорт могут быть базовыми в теоретизации качества постановки и решения задач развития личности через спорт.

Модели и основы научной теоретизации задач и перспектив теоретизации идей развития личности через спорт могут быть полезны в изучении как системы смыслообразования и реализации идей развития личности в избранном направлении деятельности и общения.

Модели научной теоретизации задач и перспектив теоретизации идей развития личности через спорт – идеальные представления, рассматривающее процесс и продукты научной теоретизации задач и перспектив теоретизации идей развития личности через спорт.

Основы научной теоретизации задач и перспектив теоретизации идей развития личности через спорт – совокупность методологических компонентов научного поиска и решения задач развития личности и управления качеством развития личности в спорте, построенных на основе методологического научного знания, определяемого в смыслах и подходах современной общей и профессиональной педагогики.

Педагогические условия повышения качества системности и антропоцентричности идей развития личности через спорт – совокупность положений и моделей, в системности раскрывающих тенденции и закономерности оптимального использования основ и технологий повышения качества системности и антропоцентричности идей развития личности через спорт.

Педагогические условия повышения качества системности и антропоцентричности идей развития личности через спорт:

- формирование научной картины мира у возрастосообразно развивающейся личности;
- формирование позитивной, объективной и достоверной самооценки личности;

- формирование необходимого уровня притязаний личности в спорте и физкультурно-спортивном образовании;
- единство смыслов, приоритетов, целей, ценностей и условий объективизации потребностей и возможностей развития личности через спорт;
- проективное и реализация идей социально ориентированных сред, фасилитирующих формирование и развитие личности с учётом нормального распределения способностей и здоровья;
- включенность личности в интеграционные Мировые образовательные процессы на основе технологий управления качеством формирования и сформированности идей и ценностей гуманизма, продуктивности и здоровьесбережения.

Системность и антропоцентричность идей развития личности через спорт являются интегрирующими конструктами оптимизации качества построения и уточнения моделей и основ теоретизации процесса развития личности через спорт.

Использованная литература

1. Казанцева Н.А., Афолина Л.Е., Белашев А.К. Теоретизация качества управления в ДЮСШ как основа научно-педагогической деятельности // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.320-1 – 320-6.
2. Казимов Р.Д., Угольников О.А., Фатыхова И.И. Моделирование и уточнение принципов развития личности в спортивно-образовательной среде ДЮСШ // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-практич. конфер. (Воронеж, 9 апреля 2020 г.) ; редкол.: А. М. Сысоев [и др.] ; Воронежский филиала РЭУ им. Г. В. Плеханова. – Воронеж : Издательско-полиграфический центр «Научная книга», 2020. С.549-552.
3. Кононенко С.В., Ванина Н.А., Голева Э.Р. Системность научного познания и доступность научной теоретизации в работе тренера // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.323-1 – 323-5.
4. Кропотова Е.С., Мамедова С.Г., Рябова Е.Ю. Успешность и продуктивность личности в системе непрерывного физкультурно-спортивного образования // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.324-1 – 324-5.
5. Ошкачаков В.В., Балицкая Н.В. Ценности развития личности в спорте: проблемы теоретизации в информационном и аксиологическом подходах // Общество и экономическая мысль в XXI в.: пути развития и инновации: матер. VIII Междун. науч.-практич. конфер. (Воронеж, 9 апреля 2020 г.) ; редкол.: А. М. Сысоев [и др.] ; Воронежский филиала РЭУ им. Г. В. Плеханова. – Воронеж : Издательско-полиграфический центр «Научная книга», 2020. С.607-611.
6. Сорокин С.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Педагогическое моделирование в системе педагогического и инженерно-технического образования : монография. – Москва : РУСАЙНС, 2020. – 152 с. – ISBN 978-5-4365-6057-1.
7. Черданцева Т.Р., Шерер И.Г., Воронцов В.Н. Управление как основа и продукт теоретизации оптимальных решений задач развития личности в спорте // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.349-1 – 349-5.
8. Чернов И.П., Мякотина О.В., Миронович А.В. Социально-образовательная среда как модель и продукт успешного развития личности и общества // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.351-1 – 251-5.
9. Чигишев Е.А., Клементьева В.А., Фатыхова И.И. Унификация условий и моделей продуктивности и успешности личности в структуре развития в спортивно-образовательной

среде училища олимпийского резерва // Современные тенденции и инновации в науке и производстве : матер. IX Междун. науч.-практ. конфер. (Междуреченск, 15 апреля 2020 г.). – Междуреченск, 2020. С.352-1 – 352-6.

10. Щеткина Е.С., Угольников О.А., Абрамов В.М. Спортивно-образовательная среда в модели развития личности // Моделирование и конструирование в образовательной среде: сб. матер. V Всерос. (с междун. участ.) науч.-практич., методологич. конфер. для науч.-пед. сообщества (Москва, 18 апр. 2020 г.) / под ред. И.А. Артемьева, В.О. Белевцовой, Н.Д. Дудиной. – М.: Издательство ГБПОУ «Московский государственный образовательный комплекс», 2020. С.391-395.

НЕКОТОРЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ ЛИЧНОСТИ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ КОЛЛЕДЖЕ

Дэкон Вера Николаевна, преподаватель Новокузнецкий педагогический колледж, Новокузнецк, Россия; Сибирский государственный индустриальный университет (СибГИУ), Новокузнецк, Россия

Кропотова Мария Юрьевна, преподаватель Новокузнецкий педагогический колледж, Новокузнецк, Россия

Полякова Людмила Анатольевна, преподаватель Новокузнецкий педагогический колледж, Новокузнецк, Россия

***Аннотация.** В статье определены основа и модели повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже. Теоретизирована в системном анализе результативность формирования культуры личности в педагогическом колледже. Выделены педагогические условия повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже.*

***Опорные слова:** культура, теоретизация, формирование, личность, педагогический колледж, ценностно-смысловое проектирование.*

Ценностно-смысловое проектирование результативности деятельности определяется в базовых формах определения, измерения, визуализации и презентации решений поставленных задач через конструкты составляющих развития культурологического генеза, одним из видов такого рода теоретизированных решений является культура личности, раскрывающая во всеобъемлющем поиске объективные и социально ориентированные способы уточнения условий успешности деятельности личности и гуманистической функциональности среды, создающей условия для целостного развития личности и диалектико-синергетической самоорганизации среды.

Культура личности – сложное новообразование современной педагогики развития, определяющая высшую точку развития личности в ноосфере, где ценности, компетенции, трудовые функции, смыслообразование, продуктивность и прочие составляющие целостного развития личности раскрывают все составляющие многомерного выбора, уточнения и решения задач «хочу, могу, надо, есть».

Теоретизация [1] как продукт объективного отображения качественных решений задач обобщения получаемого опыта позволяет выделить нам качество формирования ценностей как условие успешного развития и формирования культуры личности, частью которой определяется культура деятельности личности [4] и профессионализм [5, 8].

Педагогические конструкты и педагогические конструкторы [2, 3, 9] являются продуктами педагогического моделирования и теоретизации, их использование повышает качество решения задач развития и формирования, в том числе формирования культуры личности как матрицы потенциальных социально и профессионально ориентированных решений в системе адаптивно-продуктивных возможностей среды (ноосферы).

В основе культуры личности при реализации адаптивно-продуктивных технологий и способов оптимизации возможностей среды и личности [3] необходимо должным образом

определить основы педагогической фасилитации и педагогической поддержки [2, 6, 10], определив истинное понимание важности развития личности в современной парадигме гуманистического и здоровьесформирующего взаимодействия в социально ориентированной среде [7].

В структуре развития личности, коллектива, общества в педагогическом колледже необходимо определить все составляющие и конструкты формирования культуры личности обучающегося в педагогическом колледже, для этого необходимо в теоретизации выделить принципы формирования культуры личности обучающегося в педагогическом колледже, а также педагогические условия повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже.

Под личностью в педагогическом колледже будем понимать обучающегося (студента) и педагога, включённых в совместную деятельность и социально ориентированное, продуктивное, конкурентоспособное самовыражение.

Принципы формирования культуры личности обучающегося в педагогическом колледже – ценностно-смысловые положения о качестве и результативности формирования культуры личности обучающегося в педагогическом колледже, определяющие оптимальные способы, методы, средства, технологии развития личности в педагогическом колледже.

Педагогические условия повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже – совокупность теоретизированных, системно выделенных из опыта деятельности педагогов универсальных, общепрофессиональных, частно-предметных и частно-специальных способов, форм, методов, средств и технологий решения задач повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже.

Педагогические условия повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже:

- наукосообразность и востребованность продуктивных решений задач повышения качества формирования культуры личности в педагогическом колледже;
- повышение роли и места личности в развитии всех структур и звеньев антропосреды и ноосферы;
- отведение должного места и роли педагогическому образованию в современной культуре и деятельности;
- теоретизация качественного продуктивного становления личности в современном непрерывном образовании через использование всех возрастосообразных видов обучения;
- стимулирование активности личности материальными и морально-нравственными средствами и продуктами стимулирования качественных решений задач учебно-трудовой и научно-исследовательской деятельности;
- повышение результативности современного профессионально-педагогического образования через использование практико ориентированных заданий и способов решения задач повышения профессионального мастерства;
- надлежащее решение задач непрерывности образования личности как основа оптимальной модели развития личности и социума, гуманизации развития личности и здоровьесбережения.

Использованная литература

1. Калачиков А.И. Теоретизация возможностей повышения уровня успешности личности в структуре всестороннего развития в училище олимпийского резерва // Оздоровительная физическая культура, рекреация и туризм в реализации программы «Здоровье нации»: матер. Всеросс. науч.-практ. конфер. (г. Челябинск, 14-15 нояб. 2019 г.) ; под ред. д.м.н. проф. Е. В. Быкова. – Челябинск : УралГУФК, 2019. С.227-230.

2. Кобзарь Т.К., Козырев Н.А., Митькина Е.В. Педагогические конструкты и педагогические конструкторы в изучении и исследовании основ педагогической поддержки личности в системе непрерывного образования // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2019. Т. 3. № 2. С. 111–118.

Вторая эпоха русской литературы относится к XVIII веку. Этому периоду характерен такой феномен как неспособность дворянских детей совершать какие-то серьезные действия, думать по-взрослому, они будто бы оставались маленькими детьми в возрасте, когда уже требовалась серьезность. Такие дети не могли постоять за себя, прикрываясь чином или авторитетом своих родителей, что не могло не отразиться в художественных произведениях той поры. В противовес таким героям выдвигался персонаж, который мог символизировать собой выход из этой ситуации, мог стать своеобразным контрастом недоросли. Одно из ярчайших произведений той эпохи - комедия Фонвизина «Недоросль». В ней открывается два противоположных персонажа, которые символизируют собой недостатки и положительные черты того общества соответственно. Ими являются Митрофанушка и Милон. Для того, чтобы лучше раскрыть ту грязь, которая существовала в обществе, Митрофана сопоставили с Милоном и показали, какая же серьезная нависла над людьми проблема, но благодаря таким людям как Милон, с ней возможно справиться. Будто бы светлый путь для исправления общественных пороков. Итак, герой своего времени - Милон, который символизировал собой переход общества на новый уровень развития, ведь пришло понимание того, что существующий строй не является правильным. Этому героя отличает от предыдущего то, что он уже не является правителем или како-то далекой от народа личностью. Он такой же, как и окружающие его люди, что может свидетельствовать о понимании людей, что героем их времени не обязательно должен быть царь, скорее, правильнее изображать такого же человека, как и среднестатистический читатель, который мог бы примерить эту роль на себя. Как это бывает в произведениях такого жанра, герои чаще всего выступают носителями определенных качеств (либо положительных, либо отрицательных). Так, Милон является носителем только лишь положительных черт – так автор сделал на них акцент, выделил то, что должно быть присуще герою того времени. Цели Милона довольно ясны: он влюблен в Софию, значит, видимо, стремится забрать ее из гнилого поместья, также он является офицером, что говорит о его стремлении к карьерному росту. Цели непорочны и ясны. Это говорит о философии автора: он считает, что именно к такому образу должен стремиться человек.

Ситуация в обществе была в то время не столько напряженной, сколько из ряда вон выходящей, ведь у дворянских детей не было никакой самостоятельности, что, по мнению

автора, было необходимо для настоящего мужчины, так что образ Милона здесь употреблен как нельзя кстати.

Взгляды героя довольно просты: человеку необходима честность, грамотность, умение любить искренне. Герой того времени предстает перед нами как человек честный, образованный, храбрый, самостоятельный. Он добился всего сам, искренне любит Софию и готов бороться за нее.

Литература первой половины XIX века. Для анализа этого периода я включила сюда сразу два произведения той поры: «Герой нашего времени» М. Лермонтова и «Евгений Онегин» А. Пушкина. Все главные герои этих произведений чем-то похожи друг на друга, они связаны определенными чертами, которые и свойственны героям того времени. Каждый из них довольно самолюбив, знает себе цену. Они являются так называемыми «новыми» людьми в тех местах/обществах людей, в которые они попали, они восхищают, вызывают интерес или наоборот отвращение и злость со стороны людей, которые живут по старым обычаям. Стоит для начала разобрать каждого персонажа отдельно, чтобы потом прийти к общему выводу о том, каким же был герой первой половины двадцатого века. В романе «Евгений Онегин» герой Евгений только что приехал в деревню. Ему скучно, он хандрит, об этом очень важно упомянуть, т.к. это является одной из главных черт, присущих герою того времени. В отличие от Милона, он не обладает такими качествами как храбрость, стремление к карьерному росту, нет, но он все также остается образованным, читающим человеком, значит, это качество также играет не последнюю роль в списке черт, присущих герою того времени. Но он также не является человеком чистым, каким перед нами предстает Милон, в Онегине встречается множество пороков, что приземляет его. Григорий – герой «Герой нашего времени» – скучающий человек, который также представлен читателю довольно не идеальным, скорее, в нем преобладают даже отрицательные черты. В произведении нам понятны все его мысли, стремления, т. к. повествование ведется из его личного дневника. Человек с завышенной самооценкой, удовлетворяющий свои потребности, не считающийся с мнением других. На пьедестал он возвел только лишь себя. Кажется, что он бесчувственный, у него нет каких-либо моральных принципов, он не стремится покорять вершины. По мнению Лермонтова, именно таким является человек его времени, он включает в себя много пороков, даже больше, чем это необходимо для «очеловечивания» персонажа, что наталкивает на мысль, что этот персонаж – собирательный образ всех пороков человечества, и это, я думаю, действительно так и есть.

По нашему мнению, авторы первой половины девятнадцатого века воплотили в своих произведениях образы таких «новых» людей, которые входили в их эпоху, постепенно заполняя ее эгоизмом, который был им присущ. У них не было какой-то определенной цели в жизни, они просто удовлетворяли свои потребности по мере их поступления, их не волнует мнение окружающих людей, они просто жили, как принято говорить, в свое удовольствие. В то время в обществе сложилась нелегкая ситуация: столкновение людей, которые жили согласно старому укладу, и людей «новых». И столкновение это приводит к конфликтам, которые иногда заканчиваются плачевно. Взгляды на жизнь довольно просты: необходимо делать все, в первую очередь, для себя, получать удовольствие от жизни, смотреть на жизнь скептически, не давать себя в обиду. Они не умеют по-настоящему любить, так чисто и трепетно, как люди-лирики.

Вторая половина XIX века. Мы считаем, что здесь уместно будет рассмотреть произведение И. Тургенева «Отцы и дети». Борьбу взглядов на жизнь, рассказывает об обострении конфликта поколений, о котором говорилось ранее. Главным героем здесь предстает Базаров – нигилист, человек по-настоящему новый для людей, привыкших к более приземленным взглядам на жизнь. Он будто бы стал той точкой, к которой должны были прийти Евгений и Григорий. В романе Базаров играет роль антагониста, он противопоставляется обществу в своем одиночестве, однако он уже старается донести до людей свою точку зрения, что, безусловно, отличает его от них. Здесь и просматривается его главная цель – доказать обществу, что он прав, что его отношение к жизни является

истинным, к нему должны все стремиться, а остальное – не приносящее никакой пользы заблуждение. Вот, что его выделяет. Он, в первую очередь, человек делающий, понимающий, что так и должно быть. Тургенев строит перед читателем картину человека своего времени, который не сидит без дела, его мозг всегда работает, отрицает многие, по его мнению, ненужные вещи, например, интеллигенцию, которой нет места в современном мире. Здесь уместно также упомянуть об одном забытом, но ярком персонаже, который также проиллюстрировал идею созидания чего-либо. Мы говорим о Штольце – герое произведения И. Гончарова «Обломов». Он тоже видит смысл жизни в том, чтобы приносить пользу, работать, создавать, что также является отображением той мысли, которая наполняла умы людей того времени – идеи человека небесполезного, стремящегося к чему-то, например, к тому, чтобы построить собственную карьеру. Так, мы можем сделать вывод о целях героев того времени: самоутверждение, донесение своих принципов до окружающих, желание принести пользу. Нельзя также забывать об обстановке в обществе, которая заметно накалилась из-за обострившегося вопроса борьбы поколений, не такой тихой, о которой говорилось ранее, нет, наоборот, о самой настоящей открытой войне этих взглядов. Образ героя сформировался, отбросил некоторые свои пороки, пришел к чему-то новому, возможно, к идеалу. Взгляды героев довольно ясны: человек должен работать над собой, приносить пользу себе и обществу, стремиться к самосовершенствованию, а человек, который ничего не делает, никогда не сможет добиться в своей жизни тех высот, о которых грезит герой того времени. Эти персонажи довольно непонятны для окружающих, их недолюбливают, не могут принять их взгляды, так как взгляд общества затуманен тем строем, который существует в мире.

Литература XX века. В период до 1917 года главной темой большинства произведений является тема отношения к предстоящей революции, с одной стороны, люди ее поддерживали, а с другой – боялись, старались препятствовать ее появлению. Но достаточно легко сложить портрет героя того времени, ведь о нем писали поэты, – это, человек, который стремится к революции, восхваляющий ее, ведь это и есть изменение, к которому стремится человек. И он открыт, готов их принять, он понимает, что эти изменения необходимы обществу, будто именно к ним и готовилось все это время. В стихотворениях В. Маяковского можно встретить лирического героя, который поддерживает взгляды революционеров, что не может не говорить о целях этого героя: призвать как можно большее количество людей к поддержанию идеи революции. Обстановка в обществе тогда была накаленной: за произведения такого рода запросто могли посадить в тюрьму или лишить жизни. Можно сделать вывод, что герой обладал следующими качествами: храбрость, целеустремленность, желание донести свои идеи и мысли. После революции в литературе появилось другое направление – военное. Произведения посвящены Великой Отечественной войне. Тогда литераторы посвящают произведения именно этой тематике, они прославляют настоящих героев, наделяя их такими положительными чертами как храбрость, любовь к Родине, часто их изображают как людей простых, не способных совершать подлые и низкие поступки, что и является одной из главных характеристик героев того времени. Таким набором качеств и обладает Андрей Соколов из романа М. Шолохова «Судьба человека». Являясь человеком из народа, он также придерживается определенных принципов, обладает житейской мудростью, что свойственно представлению о герое того времени. Во время войны он и проявляет свою смекалку, также, не забывая о чести, не сдается врагу. Соколов – человек, который потерял семью, из-за чего становится одиноким, но в конце снова обретает смысл жизни, человека, такого же одинокого, как и он сам, и теперь он снова может делиться той любовью, которой наполнено его сердце. Герой того времени уже не является эгоистом, ему свойственно проявление светлых и искренних чувств по отношению к ближним, к Родине. Цель героя этого времени (времени военного) – альтруистически защитить Отечество, не замавав свою честь, не сдаться врагам, остаться хорошим и честным человеком. Обстановка как в обществе, так и во всем мире была невероятно напряженной. Людей отправляли на войну, которая забирала их жизни, так что создавались подобные

литературные произведения, чтобы поддержать в людях чувства патриотизма, ведь им нужно было отдавать свои силы и, возможно, жизни для спасения страны.

Подведя итоги, можно сделать краткое описание героев своего времени для каждого периода русской литературы: 1) В период Древнерусской литературы герой обладает следующими качествами: храбрость, мудрость, рассудительность и любовь к Родине; 2) Литература XVIII открывает читателю образ более приземленного героя, в отличие от предыдущего, храбрый, заботящийся о своей карьере, рассудительный человек, к тому же честный и образованный; 3) В п.п. XIX века герой своего времени значительно отличается своим эгоизмом, однако остается все таким же образованным и рассудительным. Также он уже не умеет по-настоящему бескорыстно любить. Его образ жизни отстраненный, жизнь наполнена скукой; 4) Во в.п. XIX герой обретает более ясный образ, оставаясь эгоистичным, он уже начинает к чему-то стремиться, его целью становится желание приносить пользу, приобретает также более рациональное мышление, что можно увидеть и у предыдущего типа, также остается неумение любить «как в сказке». Образ жизни и мышления персонажей спорит с образом жизни и мышления представителей старого поколения, уклада жизни; 5) В XX веке перед нами сначала предстает человек с определенной точкой зрения (либо он прославляет революцию, либо же наоборот, не одобряет ее). Затем образ меняется, и мы видим героя, готового пожертвовать своей жизнью ради спасения Родины и своих близких. Его сердце наполнено любовью, которой он охотно делится с окружающими, он не обделен житейской мудростью и наличием принципов, от которых отказываться не намерен. В заключении необходимо отметить, что в каждой эпохе русской литературы есть определенный образ того самого героя своего времени, постепенно он менялся, и это происходило либо резко, создавая прямо противоположный предыдущему образу идеал, либо же изменения происходили плавно и постепенно, являясь некими переходными вариантами того, к чему они должны прийти в итоге, как это было, например, в периоды первой и второй половин XIX века. Каждый образ подчинен своему времени, ведь в то время мир нуждался именно в нем. Время порождает своих героев.

Источники:

1. "Литература. 9 класс". Часть 1. Учебник-хрестоматия для общеобразовательных учреждений. - М.: Просвещение, 2006. – 11-35 с.
2. Фонвизин Д. И. Недоросль. Список «Список школьной литературы 7-8 класс» / Эскимо, 2001.
3. Лермонтов М. Ю. Герой нашего времени / Б. М. Эйхенбаум, Э. Э. Найдич – М.: Издательство академии наук, 1962.
4. Пушкин А. С. Евгений Онегин. Шедевры на все времена – Х.-Б.: Клуб семейного досуга, 2010.
5. Тургенев И. С. Отцы и дети. Школьная библиотека – М.: Детская литература, 2014.
6. Гончаров И. А. Обломов. Библиотека русского романа – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1949.
7. Маяковский В. В. Собрание сочинений в восьми томах. Том 5 / Л. В. Маяковская, В. В. Воронцов, Л. И. Колосков – М.: Правда, 1968.
8. Шолохов М. А. Они сражались за Родину, главы из романа «Судьба человека» - Спб.-М., 2018.

АМИР ТЕМУРНИНГ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Рўзиев Анвар Жуманазарович, Жиззах политехника институти ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Амир Темурнинг жамиятни, давлатни бошқаришида адолат, тинчлик ва осойишталик ўрнатишида, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек,

жиноятчиликнинг ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш ҳақидаги фикр ва гояларни маълум бир тизимга солиниб, мужассамлаштирилган.

Калит сўзлар: Қонун, давлат, жамият, ҳуқуқ-тарғибот, “Темур тузуклари”, адолат, тенглик, фуқаро, шахс, қонун устуворлиги, ҳуқуқ ва бурч, ҳуқуқий маданият, бошқариш, демократия, фаровонлик.

Аннотация. В статье изложены идеи и идеи Амира Темура по установлению справедливости, мира и спокойствия в управлении обществом, государством, обеспечению правопорядка, а также предотвращению преступности и других негативных иллюзий.

Ключевые слова: Закон, государство, общество, право-пропаганда, “железные структуры”, справедливость, равенство, гражданин, личность, верховенство закона, право и обязанность, правовая культура, управление, демократия, процветание.

Annotation. The article presents the ideas and ideas of Amir Temur on the establishment of justice, peace and tranquility in the management of society, the state, law and order, as well as the prevention of crime and other negative illusions.

Key words: Law, state, society, law-propaganda, “iron structures”, justice, equality, citizen, individual, rule of law, right and duty, legal culture, governance, democracy, prosperity.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш учун Ўзбекистон Конституцияси давлат, жамият, оиланинг ҳуқуқий асосларини меҳнат хўжалик, маъмурий, жиноий ҳуқуқ соҳаларини суд-прокуратура каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазибаларини, сайлов масалаларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тўғри тушунтурмок лозим. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш эса давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат этиш ва уларга сўзсиз амал қилиш юридик билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, халқаро ҳуқуқ масалаларини шунингдек, халқаро ташкилотлар фаолияти ҳақида фуқароларга умумий тасаввурларни шакллантириш билан боғлиқдир. Айниқса, мактаб, олий ўқув юртлари талабаларини ҳуқуқий билимлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини билиб олишлари зарурдир. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятнинг самарали бўлишини таъминлаш кўпроқ ўтказилаётган тадбирларни таъсирчан ва қизиқарли бўлишига боғлиқ. Ҳуқуқий суҳбат ва маърузалардаги ҳар бир сўз, ҳар бир панду насихат тингловчининг нозик қалбига сингадиган, таъсирчан сўзларда ҳуқуқ тартиботини тузувчиларга қарши курашда фаол иштирок этиш, энг муҳими унинг ўзида ҳуқуқий билимлар билимдони бўлиш хиссини уйғотадиган бўлиши зарур. Ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳам барча фуқаролар мамлакатда қабул қилишган қонунларни яхши билиш ва ўз фаолиятида амал қилишдан иборатдир.

Фуқароларнинг, ҳатто раҳбарларнинг ҳуқуқий билимлари ва маданияти заиф бўлса, мамлакатда ҳеч қачон ҳуқуқий демократик давлат барпо этиб бўлмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти мунтазам амалга ошириладиган ҳуқуқий тарбия асосида шаклланади. Демак, келажакда «Ҳуқуқий маърифат» номи билан узок муддатга мулжалланган кенг камровли дарслар дастурини ишлаб чиқариш республикада қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини кўпайтириш, уларда ҳуқуқ ва бурч, маъсулият туйғусини яхлит эътиқод сифатида шакллантириш йўллари белгиламоқ шу куннинг талабидир. Шу мақсадда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини қандай даражада эканлигини, қонун ва фармонларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш, раҳбарлар, давлат ҳокимияти тизимининг ходимлари учун махсус маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий билимлар университетларини ташкил этиб, уларга алломаларингизнинг ҳуқуқий меросини ҳозирги кундаги аҳамиятини таъқослаган ҳолда иш юритилса, айни муддао булар эди. Бу ўринда буюк аллома ва саркарда «Амир Темурнинг тузуклари» даги сиёсий ва ҳуқуқий меросини халққа етказиш ўта савоблидир.

“Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

- биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

- иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, муस्ताқил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмақчимиз”-деб таъкидлаган эди мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов [1, 1-бет]

Чунончи, қонунларни таққослаб ўз онгимизга сингдирмас эканмиз, унга амал қилишни узи амри маҳолдир. Манбалар тасдиқлайдики, бир инсон бошига тушадиган турмуш юмишлари, ҳаёт босқичлари, қийинчилик ва ютуқлари Амир Темур ҳаётида ҳам ўтган. Соҳибқирон «мени тақдиримни Аллох белгилаб берган экан» деб ҳаётда қул қовуштириб ўтирмаганлар. Аксинча, Аллох бағишлаган барча ҳислатларни кундалик ҳаёт ва тараққиёт билан боғлаган. Инсоний ҳислатларни ҳаётга тадбиқ этишда ўз тиришқоқлиги, довюраклиги, узоқни кўра билиши, меҳнатсеварлиги билан бошқалардан олдинда борган. Замон руҳи билан яшаб, шу замон талабини тушунган. Натижада ўзи яшаган даврдан кейинги воқеаларни сезган ҳолда фикр юритган. Бу фикрлар, «Темур тузуклари»да тўла равишда ўз аксини топган. Шу сабабли бу асар асрлар оша аҳамиятини йўқотмасдан, дастури амал бўлиб келмоқда. Амир Темур фаолияти билан қизиққан ҳар бир киши, у кишининг тарбияси ҳам юксак маънавиятга эга бўлган кишилар орасида шаклланганлигини сезади. Жамиятни, давлатни бошқаришда унда адолат, тинчлик ва осойишталик ўрнатишда, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек, жинойтчиликнинг ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш ҳақидаги фикр ва ғояларни маълум бир тизимга солиниб, мужассамлашганлиги Турон заминда Амир Темур ва темурийлар сулоласи давлатни бошқариш даврига тўғри келади. Айниқса, буюк Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклари» биз учун туганмас бой хазинадир. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур уз тузукларида давлатни бошқаришда ҳуқуқнинг тутган ўрни унда ҳуқуқ – тартиботни сақлашнинг, ҳуқуқбузарликни, адолатсизликни ва ахлоқсизликни олдини олишнинг аҳамияти ҳақида жуда бой ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикрларни ва ғояларни билдирган ҳамда салтанатни бошқаришда бевосита тадбиқ этган. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оксарой пештоқиға “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор ғоя инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди. [2, 1-бет]

«Темур тузуклари»да давлат, ҳуқуқ, тарих, ҳарбий ва бошқа кўпгина соҳаларга тааллуқли бўлган ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бой фалсафий фикр ва ғояларни ўзида мужассамлаштирган. Жамият ижтимоий ҳаётда ижтимоий муносабатлар қанчалик соқлом бўлса, бу муносабатлар ҳуқуқ, ахлоқ, умуминсоний нормалар асосида шу ҳудудда яшовчи халқ урф-одатлари, анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тартибга солинса, давлат органлари, мансабдор шахслар қонун асосида иш юритиб, шу жамият аъзоларининг, уларнинг миллатидан, ирқидан, ижтимоий ўрнидан катъи назар, яхши ҳаёт кечириш учун шароит яратиш бериш буйича иш юритса, бундан жамият доимо ривожланишда бўлади, халқи фаровон ҳаёт кечиради, унда адолат, ҳуқуқ тартиботининг тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. «Темур тузуклари»да худди шундай адолатли қонун-қоидасига асосланган жамият аъзолари барчасининг тенг манфаатини кўзлайдиган жамият қуриш ҳақидаги, ҳуқуқ, давлат, шунингдек жинойтчиликнинг олдини олиш соҳасига тааллуқли бўлган, бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган фикр ва ғояларнинг мавжудлигини кўрамиз. Амир Темур ўз «Тузуклари»да жамиятни, давлатни бошқаришнинг ўн икки қоидаси ҳақида батафсил тўхталиб утган. Бу қоидаларнинг аксарият кўпчилиги жамиятда адолат, ҳуқуқ-тартибот ўрнатишга ундаги ижтимоий муносабатларнинг фақатгина қонун ва қоидалар асосида тартибга солинишга, халқнинг, осойишта меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганлигини кўрамиз, яъни, жамиятда, давлатда учраб турадиган адолатсизликлар, ахлоқбузарликлар, ҳуқуқбузарликлар, шунингдек жинойтларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалардан иборатлигининг гувоҳи буламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь. Тошкент шаҳри.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи Президенти И.А.Каримов Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь

ИЛК ЎСПИРИНЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Рузиев Ахрор Эватович, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Қариши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доцент в.б.

Аннотация. Мақола таълим-тарбия тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар, психологлар ва мураббийларга мўлжалланган бўлиб, илк ўспирин шахсига хос устувор толерантлик ва интолерантлик хусусиятлари шарҳи, илк ўспирин ёшидаги ўқувчиларда толерантлик хулқини шакллантириши бўйича, унинг аҳамияти тўғрисида таклифлар, тавсиялар ҳамда хулосалар берилган.

Калит сўзлар: толерантлик, интолерантлик, оила, референт гуруҳ, этнотолерантлик, ижтимоий толерантлик, девиант хулқ-атвор.

Аннотация. Эта статья предназначена для педагогов, психологов и наставников, работающих в системе образования, с обзором особенностей ранней толерантности и нетерпимости у ранних подростков, адаптации к формированию толерантного поведения у ранних подростков и ее рекомендациями.

Ключевые слова: толерантность, нетерпимость, семья, референтная группа, этнотолерантность, социальная толерантность, девиантное поведение.

Annotation. This article is intended for educators, psychologists, and mentors operating in the education system, with an overview of the features of early tolerance and intolerance of the early adolescents, for the formation of tolerance behavior in early adolescents, and its recommendations are given.

Key words: tolerance, intolerance, family, reference group, ethnotolerance, social tolerance, deviant behavior.

Бугунги кунда бутун жаҳонда жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар тизимида шахс ривожланиши (онтогенез)нинг турли босқичларида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий ва бошқа соҳалардаги барқарор тараққиёт толерантлик қонуниятларига мувофиқ келишини кўрсатмоқда. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб ўзгаришлари ва халқаро муносабатлар глобаллашуви даврида «шахс ва жамият» муносабатларида толерантлик феноменининг аҳамияти ўзгачадир.

Мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги интенсив ривожланиш даври, хусусан, халқаро ҳамжамиятга интеграциялашув зарурияти, глобаллашув жараёнида мустақкам мавқега эга бўлиш эҳтиёжи файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог ва ижтимоий психолог олимлар томонидан олиб борилаётган кенг қамровдаги илмий изланишлар предметига, яъни «шахс ва жамият» ўртасидаги толерантлик муаммосига ўзига хос янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида: “Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир...”

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикамизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда...

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақираман ” [1, 1-б.] – деб билдирган фикрларидан мамлакатимизда ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан бири эканлигини англаш қийин эмас.

Шу жиҳатдан олиб қараганимизда, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, айниқса, жамият ҳаётига эндигина мустақил одимлай бошлаётган илк ўспиринларни ижтимоий-психологик хусусиятларини, уларда шаклланиши зарур бўлган толерантлик маданиятининг даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Психологик адабиётларда онтогенез, хусусан, илк ўспиринлик даврининг ривожланиш босқичлари назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Онтогенез даврларини табақалаш назарияларига кўра, илк ўспиринлик ёши даврининг куйи чегарасида 12 ёш, юқори чегарасида 25 ёш ривожланиш жараёнининг асоси қилиб кўрсатилган.

Профессор Э.Ғ. Ғозиев ўзининг «Онтогенез психологияси» номли монографиясида илк ўспиринлик ёши чегарасини 15-18 ёш сифатида таклиф этади. Муаллифнинг фикрича, илк ўспириннинг шахси ижтимоий ҳаётда, таълим муассасаси жамоасида, тенгқурлари билан муносабатларида эгаллаган мутлақо янги мавқеи, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди. Мазкур даврнинг яна бир хусусияти – меҳнат билан таълим фаолиятининг бир хил аҳамият касб этишидан иборатдир. Мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида илк ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлади ... ва бунда илк ўспириннинг шахс ва жамият муносабатлари тизимида ўз ўрнини топишга интилиш касб-хунар эгаллаш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради [2, 214-б.].

Профессор В.М. Каримова «Психология» ўқув қўлланмасида, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема асосида ўспиринлик даврининг ёш чегарасини йигитлар учун – 17-21 ёш, қизлар учун – 16-20 ёш сифатида кўрсатиб ўтади. Олиманинг таъкидлашича, юқори синфга ўтган ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у ҳозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истиқболга назар билан қабул қилади [3, 92-93-б.].

Фикримизча, илк ўспиринга хос толерантликнинг *негатив* (бағрикенг бўлмасликнинг иррационаллиги, интолерантлик) ва *позитив* (қадрият, фазилат, прогресс, озодлик, адолат) жиҳатларини асослашда, бу даврга хос инқирозли ҳолатлар ва вазиятлар таҳлилига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ саналади. Илк ўспирин шахсининг толерантликни у ёки бу кўринишдаги ижтимоий-психологик моделига мувофиқлигини текширишда ҳамда уларнинг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини таърифлашда замонавий ёндашувлар ўзига хос аҳамият касб этади.

Файласуф олим С.Мамашокировнинг эътирофига кўра, «шахс ва жамият» муносабатларидаги толерантликни давр тақозоси, англаган тарихий зарурият, жамият мавжудлигининг имконияти, барқарор тараққиёт сабаби, жамият моҳиятини ва шахс «сифатини» белгиловчи мезон тарзида қараш керак. Бундан ташқари, *бир томондан*, уларнинг синонимларига дифференциал ёндашиб адекват маъносини топиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Масалан, «толерантлик», «бағрикенглик», «тоқатлилиқ» ва ўзаро синоним тушунчалар дефиницияси, айнан «шахс ва жамият» муносабатларида конкретлашади. Яъни, улар *мақсадига* кўра умумий бўлса ҳам, *мазмун* ва *функционал кўлами* билан бир-биридан фарқ қилади. *Иккинчи томондан* эса «шахс ва жамият»нинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари динамик ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги муносабатлар толерантлигида ҳам муқаррар равишда ўзгаришлар содир бўлади [4, 11-13-б.].

Фикримизча, илк ўспирин шахси ва жамият муносабатидаги толерантликнинг гносеологик асослари, бу муносабатларга таъсир кўрсатувчи *субъектив* ва *ижтимоий-психологик* омилларини, улардаги *этнопсихологик хусусиятлар* ривожланганлиги ҳамда *миллий ўзликни* англаганликлари даражасидан келиб чиқиб тадқиқ этиш жоиздир. Сабаби этнопсихологик хусусиятларга йўғрилган миллий онгнинг «ментал хусусиятлари» унинг

субъектлари, яъни илк ўспиринлардаги *этниқ*, *ижтимоий* ва *коммуникатив* субшқалалардаги толерантлик индексини белгилаб беради. Бунда даврга хос *оптация* (лотинча *optatio* – хошиш, танлов) босқичи толерантликни аниқланишида муҳим мезон ролини бажаради.

Оптация босқичида илк ўспирин ёшдагилар билан *атрофидагилар* (ота-оналар, яқин қариндошлар, кўни-кўшнилар, дўстлар, ўқитувчилар ва бошқалар) ўртасида ҳам зиддиятли вазиятлар мавжудлиги илмий жиҳатдан асосланган. Фикрларнинг мос келмаслиги, дунёқарашлар ўртасидаги зиддият, шахс камолотининг турли босқичларига хос ва бошқа зиддиятлар илк ўспирин билан референт гуруҳ (оила турига кўра) ўртасида етарлича учрайди. [5, 152-б.].

Шунингдек, бундай шахсларо муносабатлар зичлиги даражасида илк ўспириннинг оила аъзоларини *соғиниши*, кечинмаларига *шерик бўлиши*, ўзларига «суянчиқ» сифатида ҳис қилиши (айниқса, ўзбек этносида муҳим аҳамият касб этади) ўзига хос ижтимоий-психологик ҳодиса саналади. Фикримизча, ана шундай ўзаро муносабатлар тизими доирасида вояга етаётган илк ўспирин шахсида толерантликни шаклланишига таъсир этувчи етакчи омил бу – референт гуруҳдир.

Умуман олганда, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларидаги илмий тадқиқотларнинг предмети сифатида тадқиқ этилаётган бағрикенглик, тоқатлилик, ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилик ва бошқа шу каби тушунчалар, конкрет ҳодисалар мазмунини ифода этса ҳам, умумий тарзда «шахс ва шахс», «шахс ва жамият» муносабатлари тизимидаги толерантликнинг намоён бўлиши, жамиятдаги тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётнинг зарурий шарти сифатида қараш мақсадга мувофиқ саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 24 сентябрь, №202 (7704), 1-б.

2. Ғозиев, Эргаш. Онтогенез психологияси: назарий-экспериментал таҳлил / Э.Ғозиев; ЎзР ОЎМТВ, ЎЗМУ. – Т.: «Noshir», 2010. – 214-б.

3. Каримова В.М. Психология: Ўқув кўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 90-96-б.

4. Мамашокиров С. Шахс ва жамият муносабатларида толерантликнинг намоён бўлиш хусусиятлари // «Шахс ва жамият» фанини ўқитишнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2010 йил 25-26 октябрь). – Т.: ЎЗМУ, 2010. – Б. 11-13-б.

5. Каримова В.М. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун Дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 152-б.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИ ТУШУНИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Соатов Р., ЖДПИ ўқитувчиси

Буюк тасаввуфчилар Иброҳим Ибн Адҳам, Абу Йазид Бастомий, Мансур ал-Ҳаллож, Абу Бакр ибн Муса ал-Воситий, ал-Фарғоний, ас-Суламий, Абу Саид ибн Абул-хайр ал-Мехоний, Бобо Кўхий, Бобо Тоҳир, ал-Қушайрий, Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари, бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Муҳосибий, Сари Сақатий, Харроз, Қассор, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифчилик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвешлик амалиёти, анъаналарини, кадриятларини шакллантирганлар[1:75].

Жунайд ал-Бағдодий, Абу Йазид Бистомий, Иброҳим ибн Адхам, Айнул-Қуззот Ҳамадоний, Ясавий, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Машраб, Бедилларнинг “вахдат ул-вужуд” таълимотларида эса тасаввуфда “ғулу” бошланишига сабаб бўлган Аллоҳ таолонинг Ҳақ вужуди билан ўткинчи, яратилган нарсалар дунёси вужудида айнан, жисмоний бирлик эмас, моҳиятий бирлик тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Демак, инсон маърифат риёзатлар чекиб, ўзининг вужудидаги ана шу илоҳий моҳиятни кашф этсаю, уни ярқиллатиб (ишракат) бошқаларга зиё бера бошласа, ана шундай сўфийларга Аллоҳ таолога “етишиш”, унинг “васлига муяссар бўлиш” шарафи иноят қилиниши тўғрисидаги муҳим диний-фалсафий ва амалий аҳамиятли хулоса чиқариш имкониятлари вужудга келади. Бу “ғулу” (ғалво) туғдирувчи ғоя тасаввуфда Аллоҳ таоло олдидаги обиднинг аҳволи (Холи), орифларнинг Аллоҳ таоло билан гўёки “қўшилиб кетиши” (Жаъм), “бирлашиб кетиши” (Иттиҳад), ҳатто Аллоҳ таолонинг бирон авлиё-ориф вужудига дўниши (назл), унинг “қиёфасида кўриниши” (Хулул) хаёллари-соддароқ қилиб айтилганда, худолик даъволарининг юзага чиқишига, тасаввуф билан Ислом, мусулмон жамоаси, Шариат ўртасидаги муносабатларнинг зиклашувига, Ҳаллож, Айн-ул-Қуззот, Насимий, Бадриддин Симавий, Машраб ва бошқаларнинг қатл этилишига, Бистомий, Ибн ал-арабий, Жалолоддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол каби тасаввуф мутафаккирларни куфр, бидъат ва “худосиз”ликда “айбланишларига” олиб келди[1:75-76].

Билгилким, тасаввуф тариқат мақомотидан биридир. Ва бу номнинг (яъни, “тасаввуф” сўзининг эски ёки янгилиги, келиб чиқиши ҳақида (олимлар орасида) ихтилоф бор. Баъзилар бу сўз ислом пайдо бўлгандан кейин келиб чиққан дейдилар. Аммо маълум бўлишича, “тасаввуф” сўзи исломдан олдинги замонда ҳам бўлган экан. “Унсул сўфия” китобида биринчи бўлиб “сўфий” деган номни олган одам Одам Ато фарзандларидан бири-Шис эди деб нақл қилинади. Унинг либослари яшил суфдан (суф-жун мато) экан ва Шисдан кейин жун матодан кийим кийиб юривчиларни “сўфий” дейдиган бўлдилар. Ўзини шу тоифага мансуб деб биладиганларни тасаввуф аҳли, деб юритадилар. Бас, соҳиб камол сўфилар аҳволига талабгор бўлиб, астойдил интилганларни мутасуфия дейдиган бўлдилар.

Агар тасаввуф нимадир, деб сўрасалар, айтгинки, бу саволга берилган жавоблар бир қанча. Биринчидан, тасаввуфни тахлия, яъни холи бўлмоқ, қалбни бўшатмоқ ва яхши, мақталган ахлоқдир, дейдилар. Иккинчидан, тасаввуфни тасфия, яъни руҳни ағёр-бегонадан тозалашдир, деб айтадилар. Учинчидан, тасаввуф хузуъ, яъни нафсни жиловлаш, хоксорлик ва жонсипорлик намунасини кўрсатишдир, дейдилар. Тўртинчидан, тасаввуф даъвони тарк этиш ва маъноларни халқдан яширишдир, дегувчилар бор. Яъни, киши то даъводан воз кечмаса, маънога етмас ва то ўз маъноларини яширин тутмаса, тасаввуфдан баҳра топмайди. Бешинчидан, тасаввуфни (яна) ибодат хуснига ишорат, деб таърифлайдилар. Олтинчидан, тасаввуф нафсни хор тутиш ва амрни азиз тутишдир, дейдилар. Еттинчидан, тасаввуф барча адабдир ва кимки фақр (дарвешлик) одобидан бирига ўзини вобаста этмаса, тасаввуфдан фақат номигагина билади, халос дейдилар. (Ушбу таърифларнинг барчаси тасаввуф учун хосдир).

Файласуф Г.Н.Наврўзованинг докторлик диссертацияси авторефератида тасаввуфга илмий-фалсафий таъриф беради ва шундай хулосага келган: “Тасаввуф кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка зиддир. Шунинг учун ҳам бу йўл, бу таълимот, бу билим ҳозирги кунгача камол топиб, ривожланиб, дунёдаги турли халқлар ижтимоий, фалсафий, бадиий тафаккуридан кенг ўрин эгаллаган ва чуқур илдиз отиб бормоқда”[2:14].

Тасаввуфнинг назарий ва фалсафий муаммоларини илмий асосда тадқиқ этган файласуфлар Б.О.Тураев ва Ф.Я.Муҳаммаджоновалар фикрича: “Нақшбандия тариқатининг буюк кудрати шундаки, бу таълимот инсон кадр-қимматини юксалтиришга, инсонни унинг руҳий дунёсини бойитиш эвазига ҳам озод, ҳам масъул қилишдек улуғвор вазифани амалга оширишга хизмат қилди. “...Инсон-коинотнинг гултожи, ер юзидаги жамики мавжудотларнинг сардори, Худонинг энг сеvimли бандаси деган ғояни тиклашга эришди”[3:3].

Тасаввуф дунёдаги турли халқларнинг ижтимоий, фалсафий, бадий тафаккуридан кенг ўрин эгаллаган ва кўп тармоқли мураккаб таълимот. Тасаввуф тарихининг баъзи бир муҳим томонлари, хусусан, гносеологияси ҳанузгача тўла ёритилмаган. Рус олими И.М.Петрушевскийнинг қайд қилишича, инглиз шарқшуноси Р.Николсон XI асргача бўлган ёзма манбалардан тасаввуф, яъни сўфизм тушунчасининг етмиш саккиз маънодаги талқинини аниқлаган экан[4:319]. Шу далилнинг ўзиёқ тасаввуфга доир нуқтаи назарларнинг нақадар хилма-хил бўлганлигини тасдиқлайди. Тасаввуфнинг бир қаноти мистицизм бўлса, яна бир қаноти аскетизм. Бироқ унинг марказида пантеизм-вахдати вужуд ғояси туради. Шунинг учун тасаввуфни ўрганишда тарихчи, диншунос, файласуф, адабиётшунос ва психолог олимларнинг ҳамкорликлари ғоятда муҳимдир.

Ибн Арабийнинг таъкидлашича, тасаввуф, ботинан ҳам, зоҳиран ҳам илоҳий ахлоқдир. Шунинг учун бу таълимот нафс “манзил”ларининг сирларига алоҳида эътибор билан қарашга ўргатади. Тасаввуф фақат инсоний, гўзал ва хур ҳаётдаги тирикликни ёқлайди. Шунинг учун уни ахлоқнинг хусни деб таърифлашган. Тасаввуф аҳли-саховат, футувват, қаноат, диёнат, саёҳат ва ишорат аҳли. Булар инсон хулқидаги барча ноқислик, жамеки ёмонликлар билан курашувчилардир.

“Борғил, сен кўнгул уйингни ораста қил. Маъшуқанг кириб келиши учун жой тузат. Қачон сен чиқсанг, ўшанда у киради. Ва ўз гўзаллигини сенга сенсиқ зоҳир қилади”,-дейди Маҳмуд Шабустарий. Бу ғоявий даъват тасаввуф билан боғланган барча шоирларнинг шеърларини ичдан нурлантириб туради[5:31].

Ахир, шуларни ўрганмасак, биз нимани ўрганамиз? Бутун дунё ахлоқий бухрон ичида бўғилиб, қийналаётганда, наҳотки, биз асрлар синовидан ўтган тажриба ва ориф ажодларимизнинг ўғитларига бепарво бўлсак? Тасаввуфий нуқтаи назардан уятнинг кучи ва хосияти одамнинг бошқа бировлардан эмас, аввало ўзидан, ўзининг ҳавойилиги, ичиқоралиги, бағритошлиги, фитнакорлиги, ҳасадгўйлиги, хуллас, нимаики салбий хусусият ва нуқсонлари бўлса, шуларнинг барчасидан ўзи уялишидадир. Тасаввуфда тил, дил, хулқ одоби билан бир қаторда, ҳол ва руҳоният одоби ҳам кенг қамраб олинган. Умуман, тасаввуфнинг тавбани тавбасизликка, маърифатни жаҳолатга, комилликни ноқисликка, ишқни зуҳд ва диний ақидапарастликка, фақру фанони эркисизлик ва қулликка кескин қарши қўйганлиги, менимча, ҳамиша ибрат олишга арзирлидир[6:296-297].

Тасаввуфнинг ривожи, асосан, тафаккур юксалиши, маърифат йўлининг теранлашуви ҳамда ишқ завқининг кучайиши билан боғлиқ. Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, тафаккур тушунчасининг икки асоси бор: биринчиси-инсонга манфаат етказувчи муомала ҳақида фикрлаш. Бунда инсон ўз қусур-камчиликларини билиш ва идрок этиш билан чегараланмасдан, ботинида юзага келадиган маъноларнинг қандай туғилишини ҳам барча нозикликлари билан англай олади. Натижада, қалб гўзал ниятлар, эзгу хаёллар, покиза фикру туйғулар масканига айланади[7:297].

Иккинчи асос-муқошафа илмига дахлдор тушунчаларга соҳиб бўлиш. Бу-Аллоҳнинг неъматлари, зоҳир ва ботин эҳсонларини билиш, Ҳақ билан алоқани чуқурлаштириш, унинг қудратидан устун бир куч ва қудрат бўлмаслигига ишончни юксалтириш.

Юнус Эмро: “Бир мен бордир, менда менадан ичкари”, дейди. Тасаввуф ҳар томонлама холис, Ишқ ва Маърифат оловида ҳар жиҳатдан тобланган ана шу “ичкари”даги “мен”га ҳамиша умид билан қараган. Тасаввуф ўзининг истиқболини доимо инсоний хурлик, руҳоний тенглик, ирфоний чексизликда кўрган. Тасаввуф ҳадя этган завқ саҳрони бўстон, қулни султон айлайди[7:297].

Агар тасаввуф ва тасаввуф адабиёти бўйича чет элларда сўнгги йигирма-ўттиз йилда қилинган тадқиқотлар бирма-бир шарҳланадиган бўлса, демак, бу жабҳада юртимизда ҳали жиддий ҳаракат ҳам бошланмаган экан-да, деган хулосага келишга мажбур бўласиз.

Нодонлик, зўравонлик, истибдод, мансаб ва мавқеини суиистеъмол қилиб, илм ва олимни хўрлаш авж олган даврларда “Тасаввуф ва тариқат таркидунёчиликни тарғиб қилади” деган жоҳилона ҳукмлар пайдо бўлди. Баъзи илмий ва ижтимоий муассасаларга суқилиб кирган эътиқоди бузук шахслар шу фикрга эга бўлиб, бошқаларни ҳам бунга

ишонтиришга уринган. Бундай қарашлар тасаввуф таълимотига очик тухматдир. Чунки тасаввуф, тариқат халқ дарди билан яшашни ўргатадиган руҳий-маънавий тарбия йўли, нафси поклаш, инсон шахсиятини камолга етказиш, одам фарзандини улкан шахсият даражасига кўтариш таълимотидир[8:37].

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф моҳиятини фалсафий тушуниш, биринчидан, дин ва тасаввуф инсоният маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисми эканлигини эътироф этишдир; Ғарб мамлакатларининг шарқшунослари сўнгги икки юз йил мобайнида тасаввуфий билиш Худо, Олам ва Инсон моҳиятини билишнинг рационал билишдан фаркланадиган алоҳида усули эканлигини аллақачон исботладилар, иккинчидан, марксча материалистик фалсафа дин ва тасаввуф моҳиятини бирёқлама ва бузиб талқин этди, бундай бирёқлама таълимот ва дунёқараш инқирозга юз ўгирди; учинчидан, фақат плюралистик методологияга асосланадиган, ижтимоий ҳодисалар моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашадиган фан ва фалсафагина ижтимоий, тарихий ҳодисалар, жумладан, дин ва тасаввуф моҳиятини илмий асосда холис ўрганишга имкон беради; бинобарин, ўзини оқламаган материалистик фалсафанинг ўлик догмаларидан воз кечмай, жаҳон фани ва фалсафасининг ютуқларига таянмай туриб, тасаввуф моҳиятини холисона ўрганиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. Фалсафа (Ўқув қўлланма). –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 75.
2. Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Докт. дисс. автореферати. Тошкент, 2002. –Б. 14.
3. Б.О.Тураев, Ф.Я.Муҳаммаджонова. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам. –Т., 1993. –Б. 3.
4. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XVв. Ленинград, 1966, стр. 319.
5. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. –Б. 31.
6. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. –Т.: “Шарқ”, 2007. –Б. 296-297.
7. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш).-Т.: “Мовароуннахр”, 2003. –Б. 297.
8. Мирзо Кенжабек. Машраб. Куллийёт. –Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2017. –Б.37.

ИСҲОҚХОН ТЎРА ИБРАТНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИ

*Собиров Элмурод Абдумуталович, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани
47-мактаб директори*

*Юсупова Сайёра Тургуновна, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани
47-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.Телефон+998 94 1590321*

Аннотация: Мақола улкан маърифатпарвар Исҳоқхон Тўра Ибратнинг миллий тараққиётимизга қўшган ҳиссаси, маънавий-маърифий меросини, ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятини ўрганиши ва тарғиб этишига, мамлакатимиз тарихида тутган ўрнига бағишланган.

Калитли сўзлар: муаллим, шоир ва ёзувчи, ҳунарманд ва тадбиркор, ҳисобдон ва савдогар, хаттот ва ношир, созанда, хонанда, журналист, матбаачи, уламо, қози, табиб, доришунос, муҳандис ва қурувчи, этнограф ва сайёҳ, деҳқон ва боғбон, тарихчи ва археолог, тилишунос ва адабиётшунос, техник ва фотогаф.

Давлатимиз раҳбарининг Наманганга, хусусан, Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасига ташрифи ва маърифатпарвар аллома хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатгани барчамизни беҳад ғурурлантирди.

Шавкат Мирзиёев Наманган вилояти сайловчилари билан сайловолди учрашувидаги нутқида вилоятда туғилиб ўсган ва миллий маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, илм-фанимиз ривожига улкан ҳисса қўшган маърифатпарварлар ҳақида гапирар экан, “Миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири, Ватан ва халқ истиқлоли учун жонини фидо қилган улуғ бобомиз Ибрат домла ҳақида тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан”, деган эди.

Дарҳақиқат, XIX асрда Тўрақўрғонда туғилган Исҳоқхон Тўра Ибрат араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган, қадимий финикия, яҳудий ва юнон ёзувларини ўрганган. Билимини бойитиш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, турли халқлар тарихи ва маданиятини тадқиқ қилган, Шарқ ва Ғарб илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган. Дунё тамаддунининг илғор маданияти, фан ва техника янгиликларидан юртдошларимиз ҳам баҳраманд бўлиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилган.

1908 йили Оренбург шаҳридан босмахона ускуналари келтириб, “Матбааи Исҳоқия” босмахонаси (“Исҳоқия босмахонаси”)ни ташкил этган. 1960 йилгача фаолият кўрсатган ушбу босмахонада кўплаб илмий-маърифий китоблар, рисоалар, газета ва журналлар чоп этилган.

Ибрат ўнлаб китоб дўконлари, кутубхона ва мактаблар очгани, боғлар яратгани Фарғона водийси ижтимоий ҳаётида муҳим из қолдирган бўлса, у яратган олти тилли луғат, илмий-педагогик ва бадиий асарлар ўз даврида талабалар учун ғоят зарур манба бўлиб хизмат қилган.

Ибратнинг саъй-ҳаракатлари билан Наманганнинг бир аср аввалги қиёфаси қандай бўлгани, ота-боболаримизнинг турмуш тарзи, либослари ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар, ноёб тарихий лавҳалар бизгача етиб келган.

Фотоаппарат ва бошқа суратга олиш анжомларини Фарғона водийсига фан-техника янгилиги сифатида биринчи бўлиб Ибрат домла олиб келган.

Президентимизнинг юксак эътибори билан Исҳоқхон Тўра Ибратнинг халқимиз олдидаги улкан хизматлари ўзининг муносиб эътирофини топди. Бугунги кунда вилоятда улуғ бобомиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тўрақўрғон туманида Ибрат хиёбони ва боғ яратиш, Ибрат номидаги музей ва вилоятда унинг номи билан хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган мактаб ташкил этилди.

Ибратнинг ўз иқрорича, у беш йилда уч муаллимда ўқиб, вақти беҳуда кетгач, ахийри онаси Хурбибининг қизлар мактабида савод чиқаради ва икки йил отасидан ҳуснихат сабоғини олади. Сўнгра 1878-1886 йиллари Қўқондаги Тунқатор мадрасасида Муҳаммад Сиддиқ домла қўлида таҳсилни давом эттирди. Бу даврда у она тилидан ташқари рус, форс, араб тилларини ўрганди, бадиий ижодга қўл урди, Қўқон адабий муҳитининг Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Завқий, Ҳазиний каби намояндалари билан дўстлашди.

Эҳтимолдан холи эмаски, Ибратнинг фотографияга иштиёқи ҳам айна Қўқондаги талабалик йилларида камолга етган. Бу тахминга тарихий ва мантиқий асос бор: Туркистон генерал-губернатори Кауфман топшириғига биноан, махсус альбомга суратлар олиш учун 1872 йилда фотограф Г. Кривцов Қўқонга келганди. Худоёрхон бу ишга қизиқиб қолади, ўзи суратга тушади, аъёнларини ҳам чақиради (амалдорларнинг айримлари бу иш гуноҳ деб, ҳатто йиғлашган экан). Бердикул исмли қизуқувчан йигит Кривцов билан Тошкентга бориб, фотография сирларини ўрганади, августнинг охирларида икки фотоаппарат ва керакли ашёлар билан қайтади. 1872 йили “Туркестанские ведомости” газетаси ўзининг 29–31-сонларида Қўқон хонлигида иккита фотография (бири Қўқонда, иккинчиси Андижонда) ишлаётгани ҳақида хабар берганди.

Тахминга асос бор деганимиз шундаки, Исҳоқхон Ибрат ёш, илмга чанқоқ, ўта қизиқувчан, фикр доираси кенг, ниҳоятда ғайратли, янгилик деса, ўзини томдан ташлайди. Шундай йигит фотография ишлаб турган Қўқонда таҳсил олади. “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби маҳаллий нашрларни, олисдан келадиган “Таржимон”, “Вақт” сингари газеталарни ўқийди ва ҳатто

уларга ёзиб ҳам туради. Бинобарин, шу омиллардан хулоса қилинса, бизнингча, Ибратнинг Қўқондаги суратхона ишига қизиқмаслиги, водийнинг биринчи фотографи бўлмиш Бердикул билан танишишга ошиқмаслиги асло мумкин эмас-да...

Мавлоно Ибрат беш йил Жидда, Қобул каби шаҳарларда, 1892–1896 йилларда Ҳиндистонда – Бомбей ва Калькуттада истиқомат қилди. Араб, ҳинд, инглиз тилларини ўрганди, бинобарин, унинг етти тилни (шу жумладан, рус, француз, форс ва урду) билганлиги айтиш мумкин. Ибрат қаламига мансуб “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилли луғат”) ва “Жомеъ ул-хутут” (“Хатлар мажмуи”, 1912 йил) каби тилшуносликка оид асарлари бунинг инкорсиз исботидир.

Ҳиндистонга борганига қадар Ибрат Европанинг бир қатор мамлакатларида, йирик шаҳарларида бўлади. Манбаларда Истанбул, София, Афина, Рим тилга олинади. Оғзаки гапларга қараганда Ибрат Францияга ҳам борганмиш. Сантур деган мусиқали қутичани Парижда олган дейдилар, лекин сантурнинг айнан Париждан келтирилгани тасдиқланган эмас.

Ибрат таржимаи ҳоли ва сафар-саёҳатларига тааллуқли ривоятнамо тахминлар анчагина. Масалан, у кишининг етти марта ҳажга борганлиги ёки Рабиндранат Тагор билан учрашганлигини эшитдик. Бу гапларда ҳақиқат унсурлари бор дея оламиз. Чунки, Исҳоқхон ҳожи тўққиз йил (1887–1896) сафарда юрган, тўрт йил (1892–1896) Ҳиндистонда яшаган. Тўққиз йил кема қатнови қулай денгиз бўйи мамлакатларида истиқомат қилиш жараёнида етти марта ҳажга бориш мумкин эмасми? (У Бирма, Хитой ва Қашқар орқали 1896 йили ўз юртига қайтган).

Бу фикрга далил ўрнида қабул қилиш мумкин бўлган бошқа бир тарихни келтирамиз. Бобурнинг қизи Гулбаданбегим (1523–1603) 1576 йили ҳаж зиёратига отланади. Жияни Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (Буюк Акбар, яъни Ҳумоюннинг ўғли, Бобурнинг набираси, 1542–1605) рухсат қилиб, йўл харажатларини ва раҳнамони, кўрикчиларни тайинлайди, карвон денгиз бандаргоҳи Сурат шаҳри томон йўл олади. Гулбаданбегимнинг муборак сафардаги ҳамроҳлари: Ҳожибегим (Ҳумоюннинг катта хотини), Бобурнинг канизаги Гулнора, Сарвақад исмли хонанда, Акбарнинг битта хотини, Аскарининг (Бобурнинг кенжа ўғли) Акбарни тарбиялаган беваси, Умми Гулсум (Гулбаданбегимнинг набираси). Хуллас, бунинг ҳикояси жуда узун эди. Қиссадан ҳиссани қисқа қиламиз: уларнинг сафари қарийб етти йил давом этади. Ҳожи оналар уч ярим йил Арабистонда яшайдилар ва Гулбаданбегим тўрт марта ҳаж қилган.

Энди бу ҳолга Ибратни таққослаймиз: Гулбаданбегим 45–50 ёшларда эди, ҳамма ҳамроҳлари аёллар, XVI асрда ҳали буғ машинали кемалар йўқ, денгиз қароқчилари сероб. Ибрат эса қирчиллама йигит, ёлғиз ўзи, пароходлар аллақачон ўйлаб топилган, электр ҳам бор ҳисоби, кемаларнинг тезлиги бир неча ҳисса ошиб кетган... Қирчиллама йигит дейишимизга асос бор: “Ибрат ўзининг “Луғати ситта ал-сина”, “Жомеъ ул-хутут” ва “Тарихи Фарғона” асарларида ёзишича, 1887 йили, яъни 25 ёшида онасини Маккага, ҳаж зиёратига олиб боради. Бироқ онаизорига ўз ватанига қайтиб келиш насиб этмади. Ҳурбиби оғим Жидда шаҳрида ўпка шамоллашидан вафот этди” (У. Долимов, Н. Жабборов, “Исҳоқхон тўра Ибрат”, 2005 йил).

Бу Ибратнинг биринчи марта ҳаж зиёратига борганлиги ҳақида далил. Буни қарангки, Исҳоқхон Ибратнинг отаси Жунайдуллахон тўра ҳам ҳаж зиёратига кетаётди, Арабистоннинг Зул-Хулайфа деган жойида вафот этган ва ўша ерга дафн этилган. Бу ҳақда Ибрат ўз кўли билан сулс хатида ёзган авлодлар шажарасида қайд этиб ўтган: “Жунайдуллоҳ Ҳожадан кўп кишилар таълими тариқатда баҳраманд бўлдилар. Ушбу киши мазкур Қозокқўрғонга (Наманган тумани Муллакудинг кишлоғидаги Ибрат аجدодлари ётган эски қабристон атрофлари ўша пайтда шундай ном билан аталган. “Хилватхона” (Чиллахона) бино қилдилар. Неча муддат анда бўлиб, Ҳаж иродасида Маккага – Ҳазрат Расули Акрам зиёратларига борурда Маккадан уч манзиллик мавзеъи Зул-Хулайфа деган Арабистон ерида мадфун бўлдилар”.

Ибрат домланинг набираси Нозимахон опа катталардан эшитган ва бизга айтган гапларига қараганда, волидаси вафот этган кунларда чамаси у киши камчақароқ бўлган ва Хурбибини ювган ғассол араб аёлини марҳуманинг паранжиси билан рози қилган эмиш. Шундан сўнг раҳматли онаси тушига кириб дермиш:

– Исҳоқхон тўра, паранжимни бериб юбордингиз, аммо у жуда қиммат эди-да.

– Шунақами?! – ҳайратланармиш ўғил.

– Шунақа, тўразодам. Унинг ҳар бир попуги тугилган жойда тарикдай тилло бор эди. Лекин мен розиман, сиз ҳам рози бўп қўйинг.

– Сиз рози бўлсангиз, мен минг марта розиман, – дебди Ибрат ва уйғониб кетибди...

Рабиндранат Тагор масаласига келсак, унинг икки йил Англияда ўқигани ва саёҳатларини айтмаганда, умри Калькуттада ўтди ва Калькуттада вафот этди (1941). У ҳам ёзувчи, ҳам маърифатпарвар бўлиб, Калькутта яқинидаги Шантиникетонда мактаб очган, маориф иши билан астойдил шуғулланган, Ҳиндистондаги 200 дан ортиқ олий таълим муассасаларининг эътиборлиси бўлган Вишвабхарати дорулфунунига асос солган. Алқисса, Калькуттада бир неча йил яшаган Ибрат Р. Тагорга қизиқиши мумкин эмасми?..

Балким шу сабаб Ибрат ҳам Рабиндранат Тагор сингари тенгсиз педагог ва беназир маърифатпарвар даражасига етгандир. Унингдек фидойи мактабдорни у пайтлари топиш амри маҳол эдики, замондошлари бўлмиш алломалар ҳам беҳад иззатлашарди. Масалан, Ибрат номига Мунавварқори Абдурашидхоновдан таклифнома келди. Мунавварқорининг таклифномаси “Ҳурматлу Исҳоқхон ҳожи жанобларина!” деб бошланарди. Исҳоқхон тўра унга жавобан 1907 йилнинг баҳорида Тошкентга бориб, янгича “усули жадидия” мактабларидаги йиллик имтиҳонларда қатнашди, ўқувчиларни синади, ўзига ҳам сабоқлар олди ва “Туркистон вилоятининг газети” да туркум мақолалар, хабарлар эълон қилди.

Бугун Ибрат домланинг орзулари ушалди. Унинг тарихий аҳамиятга молик ишлари инобатга олиниб, хотирасини абадийлаштириш юзасидан улкан мажмуа барпо этилди. Зеро, фидойи инсонлар ёди ҳамиша барҳаёт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р. Умматов. Ибратнинг ҳаёт йўллари - Vodiymedia.uz
2. О. Жўраев, Исҳоқхон Ибратнинг ибрати. Халқ сўзи. 10 Май 2018

ЦЕННОСТНО-СМЫСЛОВОЕ УТОЧНЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ АДАПТИВНО-ПРОДУКТИВНОГО РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ В СТРУКТУРЕ ЗАНЯТИЙ НАСТОЛЬНЫМ ТЕННИСОМ

*Тимерзянова Евгения Константиновна, учитель школа - интернат
№ 19 ОАО «РЖД», Новокузнецк, Россия*

Аннотация. В статье определены педагогические условия качественного ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом.

Опорные слова: развитие, настольный теннис, педагогические условия, ценности, теоретизация.

Ценностно-смысловое уточнение возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом будет определяться в работе в системе следующих положений о возможности теоретизации и решения задач ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом:

- реализация идей фасилитации в настольном теннисе [1] определяется как система коррекции качества адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом;

- возможности настольного тенниса в реализации идей адаптивного развития, фасилитации и педагогической поддержки [2] позволят уточнить единство связей и продуктивности успешности личности, качества включенности личности в социально значимые процессы;

- формирование ценностно-смысловых и профессионально-педагогических основ и моделей реализации идей здоровьесбережения в работе тренера по настольному теннису [3] в теоретизации позволят понять важность занятий настольным теннисом в контексте использования адаптивно-продуктивных технологий развития личности;

- модели фасилитации и адаптивного развития в решении задач социализации личности через настольный теннис [4] могут быть уточнены в нашей задаче в контексте способностей и уровня здоровья у обучающихся, включённых в систему дополнительного образования детей и юношества;

- теоретико-методологическое обеспечение адаптивно-продуктивных возможностей развития личности в системе непрерывного образования [5] позволит принять позицию о качестве развития личности как систему смыслообразующих способов, моделей, технологий и конструкторов оптимизации успешности решения задач «хочу, могу, надо, есть»;

- ценности и принципы организации тренировочного процесса в настольном теннисе [6] переставляют собой единство связей и продуктов детализации основ научного построения развития личности в настольном теннисе; теоретизация качества развития и формирования ценностно-смысловых возможностей позиционирования успешных решений представляет собой продукт адаптивно-продуктивного уточнения задач развития личности в настольном теннисе;

- проектирование и реализация возможностей повышения качества самореализации и сотрудничества личности в спортивно-образовательной среде [7] может быть использовано в системном переходе от адаптивных способов и видов решения задач развития к неподдельно продуктивным, научно акмеверифицируемым;

- теоретизация возможностей повышения качества тренировочного процесса в настольном теннисе [8] будет раскрывать общие и частно-дидактические основы организуемых занятий; в нашей практике данная система будет уточнена в конструкторах адаптивно-продуктивного развития личности;

- оптимизация качества тренировочного процесса в настольном теннисе [9] является одной из актуальных и объективных задач, а также достоверно и системно теоретизируемого в деятельности решения;

- популяризация настольного тенниса [10] раскрывается через здоровьесберегающий и адаптивно-акмепедагогический компоненты.

Определим педагогические условия качественного ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом.

Педагогические условия качественного ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом – совокупность системно и линейно зависимых положений и моделей, регламентирующих качество теоретизации и реализации идей ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом.

Педагогические условия качественного ценностно-смыслового уточнения возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом:

- принятие нормального распределения способностей основой для качественного решения задач развития личности в настольном теннисе;

- соблюдение адаптивно-продуктивных основ обучения личности в избранном виде деятельности;

- стимулирование активности педагога дополнительного образования (тренера) и обучающегося (спортсмена) к акмеверификации качества решения задач «хочу, могу, надо, есть»;

- разработка новых средств, методов, технологий агитации к занятиям настольным теннисом, гарантирующих повышение уровня успешности личности в избранной плоскости сравнения возможностей и теоретизации эффективности дидактического и научного поиска;

- использование фасилитации и педагогической поддержки для повышения качества уточнения и решения задач «хочу, могу, надо, есть»;

- мотивация личности к продуктивной самореализации, продуктивной социализации, продуктивному сотрудничеству.

Ценностно-смысловое уточнение возможностей адаптивно-продуктивного развития личности в структуре занятий настольным теннисом – целостно организуемая практика выбора личностью и обществом оптимальных моделей сотрудничества, теоретизация качества исследования которого будет описана в следующих работах.

Использованная литература

1. Аптрахманова И.Е., Федотова В.А. Реализация идей фасилитации в настольном теннисе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.229-233.

2. Бебчик П.И. Возможности настольного тенниса в реализации идей адаптивного развития, фасилитации и педагогической поддержки // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.108-111.

3. Борисенко А.С. Формирование ценностно-смысловых и профессионально-педагогических основ и моделей реализации идей здоровьесбережения в работе тренера по настольному теннису // Оздоровительная физическая культура, рекреация и туризм в реализации программы «Здоровье нации» : матер. Всеросс. науч.-практ. конфер. (Челябинск, 14-15 нояб. 2019 г.) ; под ред. д.м.н. проф. Е. В. Быкова. – Челябинск : УралГУФК, 2019. С.171-173.

4. Брыксин Т.С. Модели фасилитации и адаптивного развития в решении задач социализации личности через настольный теннис // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.120-125.

5. Козырева О.А. Теоретико-методологическое обеспечение адаптивно-продуктивных возможностей развития личности в системе непрерывного образования // Гуманитарные науки (г.Ялта). 2019. № 4 (48). С. 72-79.

6. Корнилов Н.В. Ценности и принципы организации тренировочного процесса в настольном теннисе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.245-250.

7. Логачева Н.В., Козырев Н.А., Козырева О.А. Проектирование и реализация возможностей повышения качества самореализации и сотрудничества личности в спортивно-образовательной среде // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. Тамбов, 2019. Т. 24, № 183. С. 91-101. DOI 10.20310/1810-0201-2019-24-183-91-101.

8. Лоос А.А., Федотова В.А. Теоретизация возможностей повышения качества тренировочного процесса в настольном теннисе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. III. Гуманитарные науки. С.284-287.

9. Попова Н.В. Некоторые аспекты оптимизации качества тренировочного процесса в настольном теннисе // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. V. Экономические и гуманитарные науки. С.279-283.

10. Попова Н.В. Популяризация настольного тенниса: здоровьесберегающий и адаптивно-акмепедагогический компоненты // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: труды Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. ; под общ. ред. М.В. Темлянцева. – Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2019. - Вып. 23. - Ч. V. Экономические и гуманитарные науки. С.275-279.

КОМИЛ ИНСОННИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛЛАРИ

*Тожибоев Мухиддин Абдурашидович, ассистент, Жиззах политехника
институту*

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилати, комил инсонларни вояга етказиш, ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш, ҳозирда долзарб мавзулардан бири бўлган миллий истиқлол гоёсининг бош мақсади каби фикрлар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: “Комил инсон”, “комил инсон гоёси”, “комиллик”, “мафкуравий тарбия”, баркамоллик, миллий гоё, ёшлар, улугвор мақсадлар ва ҳ.к.

АННОТАЦИЯ: Основная цель идеи национальной независимости, которая является одной из актуальных проблем, - объединить людей для великого будущего и славных целей, воспитать качественных, совершенных людей, воспитать их как полноценного человека.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: «Совершенный человек», «совершенная человеческая идея», «совершенство», «идеологическое воспитание», совершенство.

ANNOUNCEMENT: The main goal of the idea of national independence, which is one of the current issues, is to unite the people for a great future and glorious goals, to bring up high-quality, perfect people, to bring them up as mature people in all respects.

KEYWORDS: "Perfect man", "idea of perfect man", "perfection", "ideological education", perfection.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам мозийнинг кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, ҳам халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқдир. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлакати тараққиёти истиқболлини чуқур, ҳолисона англаган инсон ва халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Комил инсон гоёси нафақат алоҳида шахсларни, балки, бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум. [1,98 бет].

Комил инсон гоёси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон гоёси ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари

жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги ғояларини илгари сураётган экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият куришининг асосий шартини деб ҳисоблаган. [2, 45-бет].

Комил инсон – қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни таркатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади. [3, 65-бет].

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари ҳам маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умумэътироф этилган дир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболини таъминлаш омилidir. [4,]34-бет].

Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий кадриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида, сайқалланмасдан, «прогрессив-реакцион» аталмиш зўраки қолипларга тикиштирилмасдан тиклана бошлади. Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Бурхонуддин Марғинович, Абу Мансур Мотуридий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид ўғли Чўлпон ва бошқа «совет даврида» ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд каби аждодларимизнинг юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди.

XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жадид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. «Босмачи» дея ёппасига қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз кадрларига лойиқ баҳоланмоқдалар.

Мафкуравий тарбия – ёшларни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон ва етук кадр қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ва йўналишларида амалга оширилади. Оиладан бошлаб, мактабгача таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юрти муассасаларида узлуксиз, ҳар қандай ўзибўларчиликка йўл қўймай, изчил равишда амалга оширилиши лозим. Шундагина ишонч билан айтиш мумкинки, халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилатли комил инсонларни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс, жамият учун керакли кадр қилиб тарбиялашда ижтимоий-сиёсий билимлар, миллий ғоя тарғиботи фавқулодда муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда янгича тафаккур юритиш, замон талаблари асосида ижтимоий-сиёсий фанларни, айниқса, миллий ғоя тарғиботини ташкил қилиш ўта жиддий ва долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, ёшларнинг маънавий камолоти, ҳар қандай мамлакат, жамият, хусусан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим шартидир.

Маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон тушунчаси билан бевосита ҳамроҳдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек, улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқчиликка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси-иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари қўйингчи,

маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади.

Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда, маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Соғлом авлод деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки, маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, баркамол авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай ёшлар ўзларида халқимизнинг энг ардоқли фазилятлари - иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, орномус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комил маънавият - мустақиллик таянчи. - Т., 1997, 98-бет.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 45-бет.
3. Жўраев Н. «Агар огоҳ сен...» Т.»Ёзувчи» 1998, 65-бет.
4. Қуронов М. Миллий тарбия. – Т., Академия, 2007, 34-бет.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ДАВРИЙ МАТБУОТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Тўпчиев Усмон Синдорович, Жиззах ДПИ ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон ўлкасида узумчилик ва виночилик масалаларининг даврий матбуотларда ёритилиши таҳлил этилган.

В данной статье анализируют освещение в периодических изданиях проблемы виноградарства и виноделия в Туркестане в конце XIX и в начале XX веков.

This article analyzes lighting in periodical in the press problems of wineculture and winemaking in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries.

Таянч сўзлар: *анъанавий узумчилик, маҳаллий узум навлари, янги узум навлари, виночилик саноати, А.Регель, Вербов, А.Пулло, М.И.Вирский, К.А.Тимаев, И.Слуцкий, И.Стекольников, И.Танатар, С.Григорьев.*

Туркистон ўлкасида узумчилик ва виночилик масалаларининг ҳар томонлама ёритилишида салмоқли ва илмий қиймати жиҳатидан юқори ўринда туришлиги билан XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида фаолиятда бўлган даврий матбуотларда рус тадқиқотчилари томонидан чоп этилган мақолалар ҳам муҳим ҳисобланади.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Россиядан келган қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа вакиллари бўлган А.Регель, Вербов, А.Пулло, М.И.Вирский, К.А.Тимаев, И.Слуцкий, И.Стекольников, И.Танатар, С.Григорьевларнинг даврий нашрларда чоп этилган мақолалари ўлкада маҳаллий узумчилик, янги узум навларининг Туркистонга кириб келиши, шунингдек ўлкада виночилик саноати вужудга келиши тарихини ёритишда биз учун ҳам назарий ва ҳам манбавий асос вазифасини ўтайди. Мазкур муаллифлар томонидан яратилган ва даврий матбуотларда чоп этилган мақолаларда ўлкада азалдан етиштирилиб келинган маҳаллий узум навлари, уларни парваришлашнинг анъанавий усуллари, четдан келтирилган янги узум навлари ва уларнинг ўлка табиий-иқлим шароитига мослаштирилиши, узумдан олинган ҳом ашёни қайта ишлаш орқали истемол ва бозорбоп маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек ўлкада узумчилик асосида виночилик саноатининг вужудга келиши, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, ички ва ташқи бозорларда узум ва вино маҳсулотлари нарх-навоси, вино тайёрловчи заводлар ва уларда фаолият юритган аҳоли қатлами турмуш тарзи ҳақидаги муҳим маълумотлар қайд этилган.

Мазкур муаллифлар томонидан даврий матбуотларда чоп этилган мақолаларда қайд этилишича, Туркистон ўлкаси аҳолиси узумчилик ва унинг маҳаллий навларини етиштириш,

узумдан шароб тайёрлаш билан азалдан шуғулланиб келишган ва бу борада ўзига хос анъанавий тарихий тажрибага эга бўлишган.

Хусусан, муаллифларнинг қайд этишларича кўрилатган даврда ўлкада узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, булар Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домброби, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорои, Оқ ва Пушти Хусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпари, Буаки, Маска, Набиши, Хожаахрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқа шу каби узум навлари етиштирилиб, улардан мўл ҳосил олинган[4, 349; 3, 58-60; 7, 108-118; 5, 132-139].

Маҳаллий узум навларидан ўзининг ҳосилдорлиги, таркибида шакар моддасининг кўплиги ва хуштаъмлиги билан, шунингдек вино ишлаб чиқаришда унумдорлиги билан Чарос, Оқ ва Қора Кишмиш, Маска, Буваки, Хўжаахрори ва Султони каби навлари бошқа маҳаллий навларга нисбатан ажралиб турган. Маҳаллий аҳоли узумни таббий ҳолда хўраки, ичимлик сифатида шароб (мусаллас), қуритилган ҳолатда майиз, шунингдек шинни маҳсулотларини тайёрлашиб, уларни истеъмол қилишган, рўзғордан ортганини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиб сотишган.

Мазкур мақолаларда Туркистон ўлкасига четдан келтирилган янги узум навлари ва уларни иқлимлаштириш, бу борада боғдорчилик тажриба плантацияларининг ташкил этилиши, ушбу соҳа мутахассисларининг ўлкага жалб этилиши ва уларнинг узумчилик ҳамда виночилик саноатини ривожлантириш борасидаги фаолиятлари каби маълумотлар ҳам қайд этилган.

Хусусан, ўлкага узумнинг серҳосил ва винобоп навлари асосан Украина (асосан Қрим), Молдова, Кавказорти ва бошқа жойлардан келтирилган. Туркистонга хориждан илк бор янги узум навлари 1868 йилда Тошкент уездига олиб келинган бўлса, кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш борасида ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланган[3, 59-60].

Туркистон ўлкасида 1888 йилдан янги узум навларини етиштириш ишлари кенгайиб, четдан келтирилган янги узум навлари юзлаб боғбонларга тарқатилган ва сотилган. Хусусан, И.Стекольниковнинг қайд этишича XX аср бошларида Самарқанд вилоятида янги узум навлари асосида ташкил этилган 50 десятина ер майдонига эга бўлган тажриба плантациясида Қора Птивердо, Франк-менс, Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Модерн-Мальвази, Лакрима-христи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган янги узум навлар парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёрда ҳосил олинган[1, 163; 5, 136].

Бундан ташқари, таҳлил этилаётган даврий нашр мақолаларида ўлкада виночилик саноатининг вужудга келиши, вино заводлари ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, Самарқандда виночилик билан Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган[5, 132-139; 1, 169-171; 6, 1-49].

Ушбу даврда Туркистон ўлкасида тайёрланган узум ва вино маҳсулотлари ички бозорлардан ташқари, четга ҳам экспорт килинганлиги ҳақида ҳам кўрилатган мақолаларда таъкидлаб ўтилган. Хусусан, мақолаларда қайд этилишича XIX аср иккинчи ярмида ҳар йили темир йўл транспортлари орқали Самарқанддан Троицк ярмаркасига ёз ойларида 10 000 туя, жами 180 000 пуд кишмиш узуми ва бошқа товарлар олиб чиқилган. 1892-йилда Каспийорти темир йўли орқали Россия ва Европага 412 000 пуд кишмиш узуми жўнатилиб, унинг 285 566 пуди Самарқандда етиштирилган узумга тўғри келган. Ток тупидан узилган ҳолда экспорт учун чиқарилган хўраки узумнинг умумий миқдори 3 000 пуд, узумдан тайёрланган винонинг умумий миқдори эса 66 838 пудни ташкил этган. Россияга чиқарилган узум ва узум виноси 1888-йилда 70 597 пуд бўлган бўлса, кейинги беш йил давомида бу кўрсаткич беш мартабага ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган[2, 9-14].

Юқорида келтирилган даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда акс этирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга кириб келган янги узум навлари ва уларнинг ўлка иқлим шароитига мослаштирилиши, винобоп маҳаллий ва янги узум навларининг виночилик саноати ривожига ўрни даврий нашр мақолалари мисолида кўрсатиб берилди;
- даврий нашрларда чоп этилган мақолалар асосида ўлкада узумчилик ва виночилик масалаларининг ёритилиши лозим бўлган томонлари ва уларнинг бугунги кунда ўрганилиши долзарб эканлигига эътибор қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Виноделье в Туркестане//Туркестанский сборник. Том 522. –С. 163.
2. Мусофир. Среднеазиатское виноградарство//Туркестанский сборник. Том 433. –С. 9-14.
3. Пулло А. К вопросу о виноградарства//Туркестанский сборник. Том 467. –С. 59-60.
4. Регель А. Садоводство в Туркестанском крае//Туркестанский сборник. Том 521.–С.349.
5. Стекольников И. Виноградарство и виноделие в Туркестане// Туркестанский сборник.Том 454.-С.132-139.
6. Слуцкий И. Краткий очерк Самаркандского виноделия в связи с виноградарством/ Туркестанский сборник.Том 527.-С.1-49.
7. Тимаев К.А. Среднеазиатское виноградарство//Туркестанский сборник.Том 520. - С.108-118.

МАЪНАВИЙ БОРЛИҚНИНГ ШАКЛЛАНИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Хакимов Орзикул Мелиевич, доцент с.ф.н,
Қурбонов Завқиддинжон Хамидуллоевич ассистент,
Жиззах политехника институти*

Аннотация: *Мазкур мақолада маънавият тушунчаларини бир- биридан ажратиб бўлмайди. Улар диалектик алоқада мантиқан бир мақсаднинг икки етакчи куч. Том маънодаги инсоний фазилатларга тарбия жараёнисиз эришиб бўлмагани каби, маънавий омилларсиз ҳам уни тасаввур этиш амри маҳол. Маънавий борлигининг шаклланишида миллий ва умуминсоний иқтисодий, ижтимоий- сиёсий қадриятларнинг уйғунлиги, қадриятлар маънавий борлигида асосий ўрин эгаллаши, инсон фаолияти, у яратган бойликлар билан боғлиқ тушунча экани, маънавий шаклланишида ахлоқий ва диний қадриятларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳамжиҳатлик, биродарлик, бир- бирига нисбатан кучли ишонч буларнинг бари мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий борлигининг ва тарбиянинг натижаси ҳисобланади. Жамиятимизни маънавий янгиланишига ахлоқий, гоёвий мафкуравий сифатларини шакллантириб, уларни инсон омили билан боғлиқ жиҳатлари ҳам таҳлил қилиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *қадриятлар, анъаналар, истиқлол, урф- одатлар, миллий ифтихор, авайлаб-асрайдиган қадриятлар, қадриятшунослик, қадриятлар фалсафаси, қадриятлар назарияси, шахс маънавий борлиги, ахлоқий қадриятлар, диний қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, маънавий янгиланиши, эҳтиёж, иқтисодий қадриятлар.*

Аннотация: *В статье нельзя разделить понятия духовности друг от друга. В диалектической связи они являются двумя ведущими силами одной цели. Без воспитательного процесса нельзя сформировать человеческие качества в прямом смысле, а также предоставить их без духовных факторов. Гармоничное сочетание национальных и общечеловеческих, экономических, социально-политических ценностей в формировании духовности, место ценностей в духовности, связь её с созданным богатством сплочённость нравственных и религиозных ценностей во взаимных отношениях братства, взаимное*

доверие-всё это является результатом проводимых в нашей стране духовных и воспитательных работ. Анализирована связь человеческого фактора с формированием нравственных, идеологических качеств в духовном отношении нашего общества.

***Ключевые слова:** личность, ценности, независимость, национальная гордость, теория ценностей, духовная идентичность, моральные ценности, религиозные ценности, традиции, духовные ценности, потребность, экономические ценности, бережливое отношение к ценностям, философия ценностей, духовное бытие, социально-политические ценности, духовное обновление.*

Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илхомбахш таъсири натижасида шаклланиб, раванқ топиб келмоқда. Ўзбекистон худудида турли даврларда ўзига хос цивилизациялар вужудга келган. Ушбу ўлка фан ва маданият маркази сифатида бутун дунёга донг таратган, бу ерда гузалликка эга шаҳарлар барпо этилган, буюк шоирлар ва алломалар яшаб ижод қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1, 14-б.]. Маълумки миллий тараққиётимизнинг тарихий-маданий ривожланиши, ижтимоий-тарихий қадриятларни шаклланиш жараёнида ўзига хос ғоялар тизими яратилиб борилган. Албатта, “маънавият ” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно –маъзмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсиялар бериши табиий. Шу фикрни маънтиқий давом этириб, **маънавият –инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон –эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир .**

Маънавиятнинг негизи ва маъно –мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Албатта, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келади [2, 18-20-б.].

Ҳозирги глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашуви шиддат билан бормоқда. Айни вақтда бугунги глобаллашув даврида инсоният тараққиётининг янги моделини яратишга ва миллий давлатларни ўз ривожланиш йўллариини белгилаб олишга қаратмоқда. Биз ҳозирги вақтда миллий тараққиётга хавф солаётган ҳамда миллий маданиятларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган салбий жиҳатлари ҳам намоён бўлмоқда. Бу ҳол миллий қадриятларни асраш, ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш масаласини кун тартибига кўяди.

Қадриятлар ижтимоий иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўладилар ва ривожланади. Одатда қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар ва маънавий жараёнлар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади.

Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш билан унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада таниқли қадриятшунос олим Қ.Назаров шундай дейди: “- ҳар бир инсон, шахсни қадрият

сифатида қараш мумкин. Бунда инсоннинг ўзи, унинг табиий-тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзодлар орасида ягона ижтимоий вужуд эканлиги эътиборга олинади. Бу борадаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзусининг объектига айлантиради;

-инсоннинг қадри, яъни уни ижтимоий жараёнлардаги ўрнини, атроф-муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамиятини, жамиятдаги мавқеи ва бошқаларни тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бу борадаги таҳлил инсоннинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади;

- шахснинг маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин, бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади” [3, 12-б.].

Жамият ўз тараққиёти давомида вужудга келган муаммоларини ифода этадиган инсондир. Жамият ўз тараққиёти давомида вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун шахснинг муайян тарихий тилларини яратади. Ана шундай тарихий шароитда шахснинг моҳиятини ва мазмунини янгича тушуниш зарурияти вужудга келади. Шундай экан бугунги кунда Ўзбекистонда шиддат билан турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар жараёнида фозил ва баркамол инсон шахсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлигининг зарур шарти ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъносини фақат ҳаёт неъматларидан кўпроқ баҳраманд бўлишда, танани семиртиришда, лазатланишда, бойликка ружу кўйишда, маишатпарастликда деб билиш инсоннинг моҳиятига зиддир. Бундай бирёқламалик инсонни тубанликка олиб келади. Аксинча инсон руҳининг ижобий хислатлар асносида камол топиши билан унда маърифатпарварлик, одамийлик, одиллик, раҳм-шавқат, диёнат, виждон, олий ҳимматлик, ватанпарварлик, бурчга садоқатлик шаклланади. Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди.

Маънавий мерос, тарихий тажриба, анъана ва урф-одатлар – шахс камолотида ахлоқий қадриятлар даражасига етишида тарбия институтларининг ўрни бекиёсдир. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А. Каримов таъқдлаганларидек. Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу- оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир.

“ Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф- одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди ҳис этади” [4, 8-б.]. Маънавияти ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фуқароси деб билган ҳолда ўз ватани тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини кўз қорачиғидай асрашлари, унинг озодлиги-ободлиги, равнақи, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш йўлида чин виждон, имон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довураклик, беғаразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуига айтилади. Маънавий борлигини ва ундаги қадриятларни ўрганиш, тузилмасини, шакллларини тизимлаштириш ва уларни жамият ҳаётида қандай ўрин эгаллаши борасида қўйидаги ҳулосаларга келдик:

биринчидан, маънавий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаги, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади;

иккинчидан, қадриятлар тарихий тараққиёт босқичига эга, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда аҳамиятли, авлоддан-авлодга ўтувчи ижтимоий ходисадир;

учинчидан, қадриятлар шахс ҳаётида барқарорликни таминловчи, жамиятни онтологик хусусиятини ташкил этувчи мажмуадир;

тўртинчидан, миллий ғоя ва унинг тамойиллари қадриятларни шаклланишига асос, маънавий замин бўлиб хизмат қилади;

бешинчидан, маънавий борлиғидаги янгиланиш халқимизнинг тарихий-маданий тажрибасига, позитив аҳамиятга эга анъаналари, тасаввурлари, идеаллари ва қадриятларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жаҳон тажрибасидан ўтган, умуминсоний бойликларга айланган, ижтимоий тараққиёт мезонлари, кўрсаткичлари сифатида шаклланган қадриятларга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва Фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарнинг кўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент-“Ўзбекистон” -2018йил.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент.:” Маънавият” 2008-йил

3. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология) Тошкент: “Ўзбекистон” файласуфлари миллий жамият нашриёти, 2004-йил.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси “ Шарқ” нашриёти матбаа концерни Тошкент-1999. й

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ МАФКУРАВИЙ ЖИХАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Холмирзаева Манзура Абдумурадовна, мустақил тадқиқотчи, Самарқанд давлат университети

Аннотация: мақолада жамиятнинг янгиланишида ўзбек халқининг миллий манфаатлари ва эҳтиёжларни қондиришининг энг муҳим омилларидан бирини инновацион ривожланиш ташкил этиши,бу борада қўлланилиши лозим бўлган ҳар қандай инновацион ишланма ўз навбатида мафкуравий жиҳатдан ҳимоя қилиниши зарурлиги тўғрисида фалсафий фикрлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: миллий манфаат, эҳтёж, инновацион омил, инновацион объект, инновацион субъект, инновацион фаолият, мафкуравий хавфсизлик.

Аннотация: В статье изложены философские взгляды, согласно которым одним из важнейших факторов удовлетворения национальных интересов и потребностей узбекского народа в обновлении общества является инновационное развитие, которое, в свою очередь, должно быть идеологически защищено любых инновационных разработок.

Ключевые слова: национальный интерес, потребность, инновационный фактор, инновационный объект, инновационный субъект, инновационная деятельность, идеологическая безопасность.

Жамиятни янгилашда бир қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий омилларни уйғун ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу масалани ҳал этишда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган жараёнларнинг ривожланиш мантиғини фалсафий жиҳатдан чуқур англаш ҳаётий зарурият ҳисбланади. Ундан ўз вақтида чиқарилган ҳар қандай тўғри илмий фалсафий хулоса,мазкур жараёни диалектикафақкур коидаларига мувофиқ инновацион тарзда тараққий эттиришининг омилларини билиш,тенденцияларини аниқлаш орқали халқнинг ҳаёт даражасини ва сифатининг босқичга кўтариш имкониятини белгилаб беради ҳамдаунинг воқеликка айланиши учун мафкуравий замин ҳозирлайди.

Ҳар қандай янгиланиш жараёни энг аввало муайян даврда яшаётган шахс,жамоа,элат,миллат ва халқларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқади. Булар эса инсонни инновацион фаолият юритишга ундайди. “Инновацион фаолият – бу янги ишланмаларни ташкил этиш,шунингдек ишлаб чиқариш (моддий ва маънавий – Х.М.А.)

соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият”[1,2-б.] тури ҳисобланади. Масалага, шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлса, инновацион ривожланиш омилларини моддий ва маънавий омилларга ажратиб тадқиқ қилиш мумкин. Бунда моддий омилларга – давлат ва халқ бўйлиги бўлган табиий ресурслар, ишлаб чиқариш корхоналари, техника ва технологиялар ва бошқалар киради. Бундай омиллар бўлмаса, инновацион ривожланиш ўзининг моддий таянчидан ажралган ҳолда ғоя шаклида қолиб кетади. Маънавий омилларга эса – аҳолининг саводхонлиги, инновацион таълим-тарбия тизимининг даражаси, инновацион қобилиятга эга бўлган шахслар, жамоалар, олимлар ва ихтирочиларнинг мавжудлиги ва ҳақозолар киради. Биринчи омил – инновацион фаолият юритишнинг объекти бўлса, иккинчи омил унинг субъектини ташкил қилади.

Инновацион ривожланишнинг жамият ҳаётидаги ўрнини фалсафий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлса, унинг ривожланиш жараёнидаги қўлланилиши тенденцион характерда эканлигини кўраемиз.

Биринчи тенденция. Жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга, айниқса, камбағалликни тугатишга қаратилган ғоялар, ишланмаларни ўз ичига олувчи инновациялар. Буни ижобий маънода миллий манфаат ва эҳтиёжларни қондиришда бунёдкорликка йўналтирилган инновациялар деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи тенденция: Жамиятни пароканда қилишга қаратилган, айниқса, қирғин-барот ҳарбий қурол-аслаҳаларнинг янгидан-янги авлодларини яратиш, дунёда яққа ҳукумронликни қўлга киритиш мақсадида қўлланилаётган инновациялар. Буни салбий маънода – айрим шовинистик мақсадларни кўзлаётган давлатларнинг манфаат ва эҳтиёжларини кучсиз халқлар ва давлатлар устидан ҳукм ўтказиш ҳисобига қондиришга қаратилган инновациялар деб аташ мумкин.

Ўзбекистон халқининг миллий манфаати – бу ўзининг миллийлик ва умуминсонийлик хусусиятларига мос равишда мавжуд реалликда вужудга келган зарурий объектив ва субъектив омиллар талабларидан келиб чиққан ҳолда моддий ва маънавий жиҳатдан бирор бир фойда, наф кўриш мақсадида амалга оширадиган фаолиятлари тизимидир. Бунинг ядросини ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, инсофлиги, шукроналиги, баҳам кўриши ва адолатпешалиги, бунёдкорлик йўлида инновацион тафаккур қилиш қобилиятлари каби бир қатор ахлоқий-маънавий фазилатлари ташкил қилади. Миллий манфаат – миллатнинг юксак ахлоқий-маънавий фазилатлари ва умуминсоний ахлоқ нормаларига, инновацион онгу-тафаккурига таянмас экан, у ўзининг маънавий асосини йўқотиб, ички ва ташқи сиёсатда қонунийлик тамойиллари ижросининг заифлашувига олиб келади. Бу эса ўз навбатида миллий манфаатлар тизимини издан чиқариш билан тугалланади.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларини мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини инновацион ривожланишни кучайтириш орқали таъминлаш, уларнинг мафкуравий хавфсизлигини ҳимоя қилишни ҳам тақозо этади.

Инновацион ривожланиш шароитида Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларини ҳар томонлама ғоявий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги йўналишлар қуйидагилардан иборат.

Биринчи йўналиш бу – халқ билан очиқ мулоқот қилишни йўлга қўйишдан иборат. Бу йўналишдаги ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг асосини мулоқот олиб бораётган мутасадди раҳбарнинг ёлғон гапирмаслиги, бажариш имконияти бўлмаган нарсаларни ваъда қилмаслиги, ўзига берилган ваколотлар даражасида иш юритиши кабилар ташкил қилади. Ҳаётини тажрибадан шу нарса маълумки, мутасаддининг “ халқнинг қўйини ёлғон ваъдалар бериб пуч ёнғоққа тўлдириши” ҳар доим одамларни ғоявий-мафкуравий парокандаликка олиб келган ва давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик билан қараш каби салбий ғоявий-мафкуравий онгни шакллантиришга замин ҳозирлаган ва ҳозирлдайди.

Иккинчи йўналиш бу – уларнинг ҳаётини эҳтиёжлари учун зарур бўлган уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак кабиларга бўлган манфаатларини адолат мезонлари орқали таъминлашни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу соҳадаги ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш биринчи навбатда инновацион лойиҳалар асосида қурилган уйларни муҳтож, кам

таъминланган оилаларга, ёлғиз қолган ногирон қарияларга бериш каби ишларни амалга оширишда кўринади. Бордию, аслида бир нечта уйи бўла туриб, уй олди-соттисидан фойда кўриш мақсадида фирибгарлик йўли билан арзон уй сотиб олган “кўрнамак” ҳам ғоявий-мафкуравий бузғунчилар қаторига киради. Бундай кимсалар ички миллий манфаатларимизнинг ижобат бўлиши илдизларига ғоявий-мафкуравий жиҳатдан болта урувчи “дунёпараст-молпараст” кимсалар ҳисобланади.

Учинчи йўналиш бу — «инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ» деган эзгу ғояга содиқ бўлган фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдир. Чунки, “... фарзандларимиз эртага бизга ё ташвиш олиб келади, ё манфаат олиб келади” [2, 91-б.]. Маълумки, бугунги кунда жаҳонда моддий ва маънавий ресурсларга эгалик қилиш учун манфаатлар тўқнашуви тобора кучайиб бормоқда ва таҳликали тус олмақда. Бунда асосий эътибор жаҳонда 2 миллиардан ортик бўлган ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун ғоявий-мафкуравий кураш кун сайин кучайиб бормоқда. Ёшлар манфаатлар тўқнашувининг қурбонларига айланиб қолмоқда. Бунга йўл қўймастик учун “бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда” [3, 14-б.]. Чунки, “Бугунги тарбия бу – инновация, янгича онг, янгича тафаккур ва амалий ҳаракат демакдир” [4, 178-б.].

Тўртинчи йўналиш бу – инсон манфаатларининг тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи пинҳона куч бўлган коррупцияга қарши кураш ишларинининг ғоявий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бу хусусда Президент Ш.М. Мирзиёев: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.” [5, -42б.], – деган эди. Инновацияни ривожлантириш борасидаги ишларни амалга оширишдаги энг ёмон ғоявий-мафкуравий бузғунчилик, бу ҳам бўлса ўзининг ўтмиши ва ҳозирги кундаги қилаётган фаолиятида бевосита ёки билвосита коррупция билан боғлиқ бўлган мутасаддиларнинг коррупцияга қарши кураш кераклиги ҳақида катта-катта йиғин ва мажлисларда вазхонлик қилишидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон халқининг асосий миллий манфаати – бу мустақил, озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаёт кичиришдан иборатдир. Бизнинг мамлакатимиздаги бугунги кундаги миллий манфаатларимизнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш зарурият сифатида “Энг муҳими, ислохотларимизнинг самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар физлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт”. [6, - 48 б.].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Инновацион фаолият тўғрисида». 2020 йил 24 июль. № ЎРҚ-630. // ҚХММБ . 03/20/630/1101 сон. 24.07.2020 й.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишини таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизнинг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020. // <https://president.uz/uz/lists/view/3864>

4. *Мирзиёев Ш.М.* Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлатгина юксак тараққиётга эришади. // *Унинг ўзи.* Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил// *Унинг ўзи*. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2020.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил// *Унинг ўзи*. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2020.

МУТАСАВВИФ БОБОРАҲИМ МАШРАБ ВА МУҲАММАД (с.а.в.)

Мўмин Ҳошимхонов, *фалсафа фанлари доктори (DSc),
Жиззах ДПИ*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳон илм-фани равнакига хисса қўшган улуғ алломалар ҳақида куйидаги фикрларни келтирган: Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб даҳолар нафақат ислом, айти пайтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган[1:28].

Машраб пири комили Офоқхожа пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин унга раҳнамолик қилганлигини таъкидлайди.

Агарчанде Муҳаммад Мустафо кетти бу оламдин,

Валекин нисбати марди Худолардин бўлар пайдо.

...Келибдур поя-поя чун бу нисбат ушбу соатда,

Офоқхожам пирымдин бўлди чун бори дигар пайдо.

Бу эътирофлар Пири комил билан Машраб ўртасида зиддиятлар бўлган, деган маънодаги асосиз фикрларни буткул рад этади.

Аҳли байт-қутлуғ хонадон-пайғамбаримиз (с.а.в.) оилалари. Аллоҳ субхонаху ва таоло пайғамбаримиз (с.а.в.)га оила қуриб, ўз маслакдошларига ибрат кўрсатишни амр этди.

Расули акрам (с.а.в.), Ҳадича бинти Хувайлид, Али ибн Абу Толиб, биби Фотимаи Захро, Имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайн разияллоху таоло анҳум ажмаъин мусулмонлар қавми учун "Аҳли байт" қутлуғ хонадон бўлиб, улардан тарқалган авлодлар саййидлар (саййид-арабча, жаноб) сифатида улуғланадилар.

Меърож ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Буроқ лақабли отларида Қуддус шаҳрига қилган тунги саёҳатларидан сўнг Жабройил алайҳиссалом кўмагида еттинчи осмонга-Аллоҳ хузурига парвозлари, бу пайғамбаримизнинг кароматларидан бири сифатида талқин этилади. Шоир тўғридан-тўғри Худога мурожаат қилиб айтадики, одамлар осий ва гумроҳ (йўлини йўқотган), дунёнинг кўп сирларидан беҳабар. Лекин уларнинг йўлбошчиси, ҳомийси-Муҳаммад пайғамбар қиёмат куни одамларнинг гуноҳлари учун узрхоҳлик қилади. Ўшанда Муҳаммад кимни истаса, ўшани даргоҳингда қабул айлайсан, шу тариқа юз туман минг (яъни миллион миллион) исёни гуноҳ қилган бандалар сендан раҳмат топади[2:22].

Адашган қулларингга маргидин аввал хабар бергин,

Нихоли боғи иймонга ҳақиқатдин самар бергин,

Расулнинг кейинидин бормоққа бизга болу пар бергин,

Бу йўлнинг карвонига чу роҳи беҳатар бергин,

Дуо шундоғ эди умматларига Шоҳи барнодин[3:387].

Адашган Машрабингни икки оламда мубарро қил,

Ҳамадин бениёз эт, фард қил, оламда танҳо қил,

Расулнинг меҳрини умматларини қалбига жо қил,

Ҳама ошиқларингни рўзи маҳшарда тамошо қил,

“Илоҳо, умматимни қилгин озод ул жаҳаннамдин!”[3:388].

Расули акрам (с.а.в.) йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврларининг ўн уч йили Макка шаҳрида ўтди. Макка даври Хиро (Нур) тоғида илк ваҳийнинг келиши билан бошланиб (610 й.), то хижратга қадар (622 й.) ўн уч йил давом этди.

Бир юз ўн тўрт сурадан иборат Қуръони Каримнинг тўқсон уч сураси Макка даврида нозил бўлди. Маккий суралар “Инсонларни Аллоҳнинг борлигига, бирлигига, буюклигига, сўнгсиз ва тенгсиз кудратига ишонишга, буйруқларига итоат этишга, яхшилик қилишга чакиради, руҳларига хитоб этади, инсонларни ўйлантиради, уларнинг қалбида жонли бир иймонни вужудга келтиради... Бу суралар Аллоҳнинг азиматини баҳс маркази қилиб олгани учун услуби ҳам мавзунинг буюклиги билан бир мақомдадир”[4:141].

Агар аслимни сўрсанг, англагил нури мунавварман,
Ҳидоят бахридин чиққан ўзум бир дона гавҳарман,
Ҳамиша йўлда қолғон ҳаста музтарларга раҳбарман,
Дилингни узмагил мандин, шафиъи рўзи Маҳшарман,
Паямбар айдилар: “Рўзи Жазо умматни изларман”[3:384].

Худонинг амри кўптур, бохабар бўл қалбу қолабга,
Киши осонда ҳаргиз етмагай дарёи раҳматга,
Қани мардеки, сар помол қилса роҳи мазҳабга,
Талаб қилди, Расулнинг наъти тегди осий Машрабга,
Паямбар айдилар “Рўзи Жазо умматни изларман”[3:385].

Машраб шеърларида “Шаъри Пайғамбар”-“пайғамбар шариати” деб сўз юритади. Машраб ифодасига кўра, кўнгил уйини ёритувчи чироқ шариатдир. Ақлу хуши жойида бўлган соғ одам асло чироқсиз, яъни шариатсиз яшай олмайди:

Асли билсанг, хужрайи дилга шариатдур чироқ,
Бечироғ ҳаргиз қадам қўймас бу йўлди ақли соғ[3:385].

“Машраб Муршиди комил даргоҳидан соҳиби иршод бўлиб, ҳаёт мактабига йўл олганидан кейин деярли умрини доимий сафарлар, сайру саёҳатлар, зиёратлар билан ўтказди”[3:10].

Сўфи Оллоёр тадқиқотчиси Нилуфар Аллаёрова “Саботул-ожизин” асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти ҳақидаги тадқиқотида Муҳаммад (с.а.в.) улуғлигини таҳлил этган: “Сўфи Оллоёр Қуръон ва ҳадисларни чуқур билишидан ташқари пайғамбарлар ва шайх авлиёлар ҳаётини мукамал ўрганган ҳамда бу ҳақдаги ўзининг диний-фалсафий кечинмаларини бадиий тасвирлаган”[5:11-12]. Нега мумтоз ижодкорлар Аллоҳга, пайғамбарларга, авлиё ва донишмандларга эътиқод қўйганлар? Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Сўфи Оллоёр ва унга қадар Аллоҳ, пайғамбар ва турли авлиёлар образини яратган ижодкорлар мазкур тимсолларнинг анъанавий хусусиятини очишдан кўра, эътиқодини баён этишиб, покликнинг тимсоли бўлган улуғ сиймолардан ибрат олишни тарғиб қилганларини кўрамиз: “Саботул-ожизин”даги пайғамбарлар, хусусан, Муҳаммад алайҳиссалом тимсоли тасвири кенг таҳлил этилган. “Ҳайрат ул-аброр”даги тасвирга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) онадан бир офтоб бўлиб туғилади. Ўзига барча яхши фазилатларни мужассам этганлиги учун Аллоҳнинг дўсти-Ҳабибуллоҳ даражасига етади. Навоий уни ўзидан нур чиқарувчи гавҳар ва садаф сифатлари билан улуғлайди”[5:11-12].

Гарчики минг дур чиқорур бир садаф:

Бир дур ила минг садаф айлар шараф[6:36].

“Саботул-ожизин”даги тасвирлар ҳам ана шундай қарашларга ҳамоҳанг туради. Сўфи Оллоёр Муҳаммад алайҳиссаломни покликнинг рамзи даражасига кўтаради.

Мутафаккир шоир Машраб шому сахар Аллоҳнинг расули, элчиси бўлган Муҳаммадга (с.а.в.) бағишлаб наът ўқийди, чунки киёмат хавфидан у огоҳ этувчи элчи эканлигини бандаларга англатади, Аллоҳнинг бандаларини иймонини бутун ва саломат қилишларини, фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмасликни, аксинча Ҳақни эслашни ва

ундан кўрқишни огоҳлантириб, насихат қилади, Муҳаммаддек пайғамбари борлигига шукроналик келтиради:

Баён эт, Машрабо шому саҳар наъти Муҳаммадни,
Керакагарумматигаайласа ёди қиёматни.
Кеча-кундузҳаробатистагайҲақдин шу давлатни,
Атоқилгай Худо умматгаиймонисаломатни,
МуҳаммадМустафоотлиғманингПайғамбаримбордур.

Машраб чорёрлар ва авлиёлар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ҳайдар, Ҳасан, Хусайн ҳаққи Муҳаммад пайғамбардан мадад сўраб, шафоат тилайди:

Йўлда қолгон интизору божигарларнинг ҳақи,
Орзусиға етмаган беболу парларнинг ҳақи,
Ул Абу Бакру, Умар, УсмонуҲайдарнингҳақи,
Ҳам Ҳасан бирлан Хусайн ул икки гавҳарнинг ҳақи,
Ё Муҳаммад, бир мадад қилғил шафоат вақтидир[7:504].

Бобораҳим Машраб шеърятнинг мусаддас жанри ҳақида сермаҳсул ижод этган мутафаккир шоир эканлигини эътироф этамиз.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг умрларида оғизларидан бир марта бўлса-да, ёмон сўз чиққан эмас. Гапирсалар сўзнинг энг тотлиси, чиройлисини гапирганлар. У кишининг сўзларини бутун асҳоб бошини эгиб, жон қулоқлари билан тинглар эди.

“Пайғамбаримиз ёлғондан, ёлғончилардан нафратланганлар. Гапираётган одамни диққат билан эшитар, ҳеч кимнинг гапини бўлмас эдилар. Ҳамма кулганида Расули Акрам фақатгина табассум қилганлар. Пайғамбаримизга қаттиқ, қўпол сўз айтилганида, рўпарадаги одамнинг бу сўзларини сабр билан қарши олар, ўзларини мақтаганларни эшитишни ёқтирмас эдилар”[8:1997, 26 декабр].

Замона бегу султонларию, каззоби мунофиқлари тазйиқидан Машраб кўнгли ранжимаган дейиш қийин. Машраб ўзини бетавфиқу қаллоблар дастидан аламзада санайди, аввало холику жаббордан, сониян Муҳаммад Мустафодан ва сўнгра чориёрлардан мадад кутиб улардан ўзга ёру ҳабиби-дўсти, рафиқи йўқлигидан қалби изтироб чекади, бу соҳибдуо ва орифлардан руҳ олади, Худонинг некбин ва хоксор бандаси эканлигини изҳор этиб, Расулнинг уммати эканлигини эътироф қилиб, Илоҳнинг ожиз бандаси эканлигини таъкид этади:

Чунон аламзадаман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ,
Ки чори ёри Расули Худодин ўзга ёрим йўқ.
Рафиқи ҳамдами соҳиб дуодин ўзга ёрим йўқ,
Бу йўлда орифи мушкулкушодин ўзга ёрим йўқ.
Худонингбандасиман, Раббанодин ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ[7:527].

Машраб Аллоҳ таолонинг бандаларга раҳмдил ва меҳрибон эканлигини, гуноҳкорлар гуноҳини афв этишини, Ҳақ йўлига кирган киши гуноҳлардан пок ва мосуво эканлигини, аввал Худо, кейин унинг элчиси Муҳаммад (с.а.в.)дан умид кутиб, унинг даргоҳи улўғлигини, севган кулларино ноумид қўймаслигини, умидворлигини изҳор қилади:

Аввали охир Худо, ул кун Муҳаммаддин умед.

ёки:

Ташналар Маҳшар куни қилгай шафоатдин умед.

Машраб Аллоҳнинг расули, элчиси бўлган пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га бағишлаб ҳамд, сано ўқийди, у фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмаслигини ва ундан кўрқишни огоҳ этиб панд-насихат қилади, Муҳаммаддек пайғамбари борлигига шукрона келтириб уни мадҳ этади:

Баён эт, Машрабо, шому саҳар наъти Муҳаммадни.

Пайғамбар (с.а.в.) юксак ахлоқнинг намунаси эдилар. У кишининг башарият, унинг иқболи, келажаги учун қолдирган ўғит-насихатлари, панду-аъмоллари, ахлоқий-таълимий,

намуна ва ибрат бўладиган ижтимоий-маънавий мероси, дидактик қарашлари Машраб ижодида такомил даражасида, ижодиётида қаламга олинди:

Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.

Шунингдек, Машраб муножотлари ҳам мазкур бўлимда таҳлил этилди ва Навоий муножотларига қиёсан ўрганилди.

Расули акрам шахсларига қарши уюштирилган суиқасдларни ҳам афв этардилар. Бироқ Аллоҳнинг амрларига қарши чиққанлар ўзлари лойиқ бўлган жазони кўрар, давлат душманларига омонлик берилмас эди.

Расули Акрамни биринчи бор кўрганлар у зотнинг виқор ва ҳайбатлари олдида титраб қолар, аммо у киши билан дўст бўлгач, Сарвари Оламга мафтун бўларди-қоларди. Бир куни бир одам жаноби пайғамбарни зиёратларига келиб, ҳузурларида титрай бошлаган. Одамнинг холини кўрган Расули Акрам: «Биродар! титрамагин. Мен бир малик (хукмдор) эмасман. Мен Қурайшдан қуруқ нон еган бир аёлнинг ўғлиман!» деганлар.

Ўзларига нисбатан ортиқча сифатларнинг қўлланишига рухсат бермасдилар. Яна бир куни бошқа бир одам Расули Акрамга «Хожамиз, энг хайрлимиз, энг хайрлимизнинг ўғли!» каби хитоблар қилаётганини эшитиб:

«Эй инсонлар! Аллоҳдан кўрқингиз! Шайтонга эргашмангиз! Мен Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман, холос. Аллоҳ мени пайғамбарлик билан шарафлантирди. Менга бундан ошиқча таъзим кўрсатишингизни истамайман!»[8:1997 й., 26-декабр] сўзлари билан кескин жавоб берганлар.

Машраб Муҳаммад (с.а.в.)ни Аллоҳнинг расули, элчиси эканлигини, бандаларига англашиб, Аллоҳнинг бандалари имонини бутун ва саломат қилишларини, фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмасликни, аксинча Аллоҳдан кўрқишини огоҳлантириб насиҳатлар қилган. Бу унинг расулуллоҳни ҳаддан зиёда эҳтиром билан тилга олинган шеърларида ва бошқа жанрдаги асарларида бўртиб кўзга ташланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.28.
2. С.Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. –Т.: “Фан”, 1992. –Б. 22.
3. Мирзо Кенжабек. Машраб. Куллиёт. -Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2017. –Б.387.
4. Закои Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. –Т.: “Мовароуннахр”, 1995. – Б. 141.
5. Аллаёрова Н. Я. Сўфи Оллоҳёр “Саботул-ожизин” асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти. Фил.ф.номз. ...дисс.автореф. -Самарқанд, 2002.
6. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 7-том. -Т.: “Фан”, 1991.
7. Машраб. Девон.- Т.: Янги аср авлоди, 2006.
8. Закои Кўнрапа. Расули Акрамнинг фазилатлари // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1997 йил, 26 декабрь.

ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА -ТАДБИРЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Юзбоев Рустам Алимбекович, ЖизПИИ

Аннотация: *Замонавий тадқиқотчилар ёш авлодни инновация соҳаси учун муҳим бўлган динамизм тадбиркорлик, ташаббускорлик каби фазилатларга эғалигини таъкидлаб, ёш авлоднинг инновацион салоҳиятини давлат тараққиёти йўлида ривожлантириши ва жорий этиши жуда муҳим омил ҳисобланади.*

Аннотация: *Современные исследователи подчеркивают, что динамизм молодого поколения, который важен для инноваций, имеет такие качества, как предприимчивость,*

инициативность, а развитие и внедрение инновационного потенциала подрастающего поколения на пути государственного развития имеет очень важным фактором.

Resume: Modern researchers emphasize that the dynamism of the young generation, which is important for innovation, has such qualities as entrepreneurial spirit, initiative, and the development and implementation of the innovative potential of a subtle generation on the path of state development is a very important factor.

Таянч сўзлар: Инновация, динамизм, инновацион ғоялар етакчиси, “Стартап”, адаптив, демографик.

Ключевые слова: инновация, динамизм, лидер инновационных идей, «Стартап», адаптивный, демографический.

Key words: innovation, dynamism, leader of innovative ideas, "Startup", adaptive, demographic.

Янгиликларга интилиш, шунингдек, барча соҳаларда рақобатни кучайтириш даврида инновацияларни ривожлантиришнинг кенг йўллари очиш жамият тараққиётининг муҳим омилidir. Инсониятнинг бутун тарихий йўлидаги тараққиёти жамиятнинг барча аъзолари, айниқса, ёшларнинг таълим ва ташаббускорлиги билан белгиланади. Келгуси йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси жамиятни инновацион ривожланиш турига, инновацион инсон капиталини шакллантиришга ўтишни назарда тутди.

Инсон капиталининг сифатли ва миқдорий хусусиятларига боғлиқ асосий элементи – ёшлар. Ёшларни яқин келажакда жамият суяниши мумкин бўлган, ижтимоий йўналишларни ишлаб чиқадиган ижтимоий-демографик гуруҳ деб қарашимиз мумкин. Бугунги кунда инновацион ривожланиш йўлига ўтар эканмиз, энг аввало, инвестицияларни жамиятни етакчи кучи сифатида намоён бўлаётган ёшларга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир, Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб этмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”- деб таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илмий салоҳиятни тиклаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни инновацион фикрлашга, илмий-тадқиқот фаолиятига фаол жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб қўйилмоқда.

Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади. Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи: - илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш; - инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир; - ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак; - инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиш кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш. Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, инновациялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни такомиллаштириш, янги саноат ҳамда молиявий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг экспортбоплигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутар экан. Илғор хорижий тажриба, жаҳон илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнларга ёшларни кенг жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот

институтлари ҳузурида илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда академик фаннинг ролини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 17 февралда “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодийнинг юқори технологияли тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш мақсадида ушбу тармоқда ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази ташкил этилди. Шу билан бирга, мамлакатимизни инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, республиканинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона давлат бошқаруви органини ташкил этиш эҳтиёжи туғилгани боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унинг асосий вазифалари қаторида республика ҳудудларида фаолият юритаётган ўқув муассасаларидаги Интернетга уланиш ҳамда ўқув, ахборот, таълим ва замонавий онлайн дарслик ва маълумотларни олиш бўйича мавжуд муаммони ҳал қилиш мақсадида муҳим лойиҳалар ишлаб чиқишга қаратилган эътибор ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилишидир. Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилди. Инновацион тараққиётга хизмат қиладиган лойиҳалар, аввало, юксак илмий салоҳият ва чуқур тафаккурга эга бўлган ёшлар ва олимларда ғоя сифатида намоён бўлмоқда. Фикрни якуний лойиҳага айлантириш ва уни амалга ошириш қўллаб-қувватлашни талаб этади. Шу муносабат билан, “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил этилди. 2017 йил 22 декабрь куни Симпозиумлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида, 2018-йилда йилда инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантириш ва уларни амалиётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшган ёш олимлар ва талабалар ҳамда ташаббускор фуқароларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва эришган ютуқларини муносиб тақдирлаш мақсадида “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони таъсис этилди. Ушбу рағбатлантириш чорасининг жорий этилиши ўзининг кенг қамровлилиги билан муҳим аҳамият касб этди.

“InnoWeek” доирасида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси томонидан тантанали равишда топширилиши назарда тутилган. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, юртимизда ёш авлод вакиллариининг тўлақонли билим олиши, керакли манбалар ва адабиётлардан фойда олинишини таъминлаш, уларга мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда имконият яратиш, республика ҳудудларида фаолият юритаётган ўқув муассасаларидаги Интернетга уланиш ҳамда ўқув, ахборот, таълим ва замонавий онлайн дарслик ва маълумотларни олиш бўйича мавжуд муаммони ҳал қилиш мақсадида “Internet Q-Box” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш, иқтидорли ёшларни ишбилармонлар ва етакчи олимлар билан ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратиш, ишлаб чиқариш соҳасига юқори технологияларни татбиқ этиш ва илмий

тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ҳамда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун платформалар яратиш мақсадида “Стартап” лойиҳалари танлови ташкил этиб келинмоқда. Мухтасар айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион фаолият янгиликлар яратиш билан чекланиб қолмасдан, илғор тажрибадан янада кенг фойдаланиш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун замонавий шароитлар яратиш, дунёда Ватанимиз мақомини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутмоқда.

Демак, инновацион ривожланиш, жамиятни модернизация қилиш биз учун асосли жараён бўлиб, у қатъий қарорлар, қатъий иш, давлат, жамият, бизнес, ноҳукумат секторининг саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлашни талаб қилади. Бу ерда ёшларга асосий ўрин берилади, сабаби улар энг мобил, фаол, ижодий ва адаптив ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида барча инновацион жараёнларнинг катализатори ва кўрсаткичидир. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз келажаги ёшларнинг ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишга қанчалик интилишига боғлиқ.

КУЛЬТУРОСООБРАЗНОСТЬ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Юманова Лариса Алексеевна, учитель МБОУ ООШ №16, Прокопьевск, Россия
Шарифуллина Лилия Равильевна, учитель МБОУ ООШ №16, Прокопьевск, Россия
Ширяева Ирина Александровна, учитель МБОУ ООШ №16, Прокопьевск, Россия

Аннотация. В статье определены основы реализации идей культуросообразности развития личности в образовательной организации. Выделены основы и модели культуросообразности на уроке. Приведены педагогические условия теоретизации успешности идей культуросообразности развития личности в образовательной организации.

Опорные слова: культура, инновация, моделирование, теоретизация, технологизация, педагогические условия.

Культуросообразность развития личности в образовательной организации определяется важным звеном в теоретизации успешности и продуктивности решения задач управления качеством достижений личности в возрастосообразном развитии и становлении.

Основы реализации идей культуросообразности развития личности в образовательной организации будут раскрыты через призму научной теоретизации в следующих составляющих научно-педагогической и профессионально-педагогической деятельности: проблемы развития личности в образовательной организации [1-10] раскрывают перспективы теоретизации успешных решений задач развития и продуктивного становления; традиционная и инновационная педагогика [2, 3, 11] раскрывают единство теоретизируемых смыслов развития личности и уникальность рассматриваемых педагогических явлений, основы педагогической поддержки [2, 4, 5, 9, 11] гарантируют в определении и реализации моделей и технологий своевременность развития личности в различных выделяемых направлениях деятельности.

Психолого-педагогические основы и модели культуросообразности на уроке могут быть выделены в контексте следующих составляющих научного поиска и решения задач развития:

- выделение общих и частно-предметных возможностей оптимизации качества реализации идей традиционного научного знания в педагогике;
- гарантированного вовлечения старших в систему определения и решения задач и противоречий развития общества;
- использование фасилитации и педагогической поддержки в развитии гуманистического потенциала образовательной организации;

- стимулирование активности личности к самопознанию и самовыражению, самоактуализации и общепринятым нормам решения задач развития и сотрудничества.

Педагогические условия теоретизации успешности идей культуросообразности развития личности в образовательной организации – система кейс-моделей, раскрывающие направленность и транслируемость смыслов, ценностей, опыта деятельности и целей теоретизации успешности идей культуросообразности развития личности в образовательной организации.

Педагогические условия теоретизации успешности идей культуросообразности развития личности в образовательной организации:

- целостность развития личности в образовательной организации и системе непрерывного образования;

- выделение наиболее общих и специально теоретизируемых практик самоорганизации качества успешности и продуктивности развития общества и личности;

- популяризация и внедрение технологий гуманистического развития личности и общества;

- обеспечение должного уровня профессионализма педагогических работников;

- стимулирование активности личности к сотрудничеству и самовыражению;

- формирование основ здорового образа жизни и активной жизненной позиции;

- вовлеченность и устойчивое формирование интересов к непрерывному образованию («образование через всю жизнь»).

Использованная литература

1. Береснева Ю.С. Некоторые аспекты постановки проблемы невнимательности обучающихся на уроках в начальной школе // Современные технологии в мировом научном пространстве : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Уфа, 18 декабря 2018 г.) : в 2-х ч. Ч.1. Стерлитамак: АМИ, 2018. С.13-15.

2. Бочарова Т. М. Возможности развития обучающегося с ОВЗ на уроках ОБЖ: традиционные и инновационные модели // Роль и место информационных технологий в современной науке : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Магнитогорск, 28 декабря 2017 г.) : в 4-х ч. Ч.2. Уфа : Омега Сайнс, 2017. С.75-77.

3. Грецкая И.А. Основы адаптивно - акмепедагогического подхода в развитии личности на уроках физики // Современные технологии в мировом научном пространстве : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Уфа, 18 декабря 2018 г.) : в 2-х ч. Ч.1. Стерлитамак: АМИ, 2018. С.23-25.

4. Губайдуллина Н. Г. Педагогическая поддержка обучающегося на уроках английского языка в модели ФГОС // Педагогическое и психологическое образование: результаты научных исследований и их использование в образовательной практике : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Челябинск, 8 ноября 2017 г.) : в 2-х ч. Ч.1. Уфа : Омега Сайнс, 2017. С. 80-82.

5. Ечешев Б.А. Педагогическая поддержка ребенка с ограниченными возможностями здоровья на уроках физической культуры // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: тр. Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. / под общ. ред. М.В. Темлянцева.– Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2018. - Вып. 22. - Ч. IV. Гуманитарные науки. С.310-313.

6. Кочева М. И. Общеучебная культура и общеучебная деятельность в развитии обучающегося на уроках русского языка и литературы // Формирование личности будущего на основе психолого-педагогического анализа : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Уфа, 8 декабря 2017 г.) : в 2-х ч. Ч.1. Уфа : Омега Сайнс, 2017. С.142-144.

7. Майданникова О. А. Некоторые принципы оптимизации качества педагогической деятельности на уроках химии // Взаимодействие науки и общества: проблемы и перспективы : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Челябинск, 4 октября 2018 г.) : в 2-х ч. Ч.1. Уфа : Омега Сайнс, 2018. С.103-105.

8. Оборовская Н.И. Адаптивное обучение для трудных обучающихся на уроках математики в структуре реализации ФГОС // Роль и значение науки и техники для развития современного общества : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Волгоград, 26 ноября 2018 г.) : в 4-х ч. Ч.3. Уфа : Омега Сайнс, 2018. С.99-101.

9. Силантьева А.С. Основы педагогической поддержки в реализации идей здоровьесбережения на уроках физической культуры // Наука и молодежь: проблемы, поиски, решения: тр. Всеросс. научн. конфер. студ., аспирант. и молод.уч. / под общ. ред. М.В. Темлянцева.– Новокузнецк: Изд. центр СибГИУ, 2018. - Вып. 22. - Ч. IV. Гуманитарные науки. С.313-315.

10. Чигирев А. Н. Возможности реализации идей и ценностей здоровьесбережения на уроках технологии // Инновационные проекты и программы в психологии, педагогике и образовании : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Новосибирск, 4 июня 2018 г.). Стерлитамак: АМИ, 2018. С.205-207.

11. Щербинина Л. С., Атякшева И. И. Особенности и модели педагогической поддержки на уроках русского языка и литературы // Современные технологии в мировом научном пространстве : сб. стат. Междун. науч.-практ. конфер. (Уфа, 28 сентября 2017 г.) : в 3-х ч. Ч.1. Уфа :Аэтерна, 2017. С.175-177.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА РОЛИ

*Тиллаев Миржалол Абдубанонович, Жиззах политехника институти,
“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси ассистенти*

Мақолада ёшларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида ёритилган.

Таянч нушунчалар: ёш авлод, ахборот, информацион таҳдид, ижтимоий онг, ахборот уруши, матбуот, интернет.

В статье освещены вопросы значения средств массовой информации в защите молодежи от различных духовных и идеологических угроз.

Опорные понятия: молодое поколение, информация, информационная угроза, социальное сознание, информационная война, пресса, интернет.

The article highlights the importance of the media in protecting young people from various spiritual and ideological threats.

Supporting concepts: the younger generation, information, information threat, social consciousness, information war, the press, the Internet.

Илм-фан тараққиёти ва ахборотларнинг глобаллашуви даврида мамлакатимиз мустақил тараққиётининг туб моҳиятини одамларга тушунтириш, уларнинг жамиятимизда амалга ошириладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашларига эришиш, жамоатчиликда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга нисбатан позитив муносабатларни шакллантириш, кишиларга етказиладиган ахборот оқимини миллий тараққиёт манфаатларига мос ўзганга йўналтириш, фуқароларни ёт мафкураларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш долзарб вазифалардандир.

Ҳозирги даврда ёш авлодимиз маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш учун таълимтарбия жараёнида нималарга асосланиш ва нимага эътибор қилиш керак, деган савол файласуфлар, гуманитар фан вакилларининг диққат марказидадир. Фикримизча, ёшларнинг фикр тарбиясига эътиборни қаратиш улар маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг ахборот оқимига муносабатини шакллантириш фикр тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар илм ва тарбия бериш жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтиришлари, фикрларни солиштиришга, уларни турларга ажра-тишга ўргатишлари лозим. —Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидения, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ахборот ҳамда маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони

тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўкима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайдил [1]. Бу борадаги ишлар самарадорлигини таъ-минлашда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун ушбу йўналишдаги назарий ва амалий масалаларни кенг илмий тадқиқ этиш, аввало, мазкур масалалар билан боғ-лиқ асосий тушунча ва категориялар моҳиятини атрофлича ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Информацион таҳдидлар инсоннинг ижтимоий онгини нотўғри шакллантириш ва шу тариқа ўзли-гига эга бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. Информацион таҳдидлар ахборот хуружи сифатида ҳам талқин қилинади ва шахсни ўзи истаган тарзида шакллантиради ва муам-молар гирдобига ташлайди. Натижада фуқароларнинг ижтимоий онги заҳарланиб, жамиятда ижтимоий хасталик вужудга келади.

Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади - инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Бу кураш натижаси учта асосий босқичдан иборат; биринчиси – муайян ахборот инсон томонидан қабул қилинмайди. Иккинчиси – ахборот инсон онгида маълумот сифатида сақланиб қолиши ва у бундан бошқа бир масала юзасидан қарорлар қабул қилишда солиштирувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин. Учинчиси – ахборот фикр ёки ғоя сифатида инсон қалбини эгаллаши, маънавий-рухий ҳолати-нинг узвий қисмига айланиши ҳамда бу унинг амалий фаолияти асосини ташкил қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин. Ахборот учинчи ҳолатда инсонни ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлан-тирувчи кучини тўла намоён этади. Ҳозирда ахборот хуружлари ҳақида кўп гапирилаётган бўлсада, мутахассислар томонидан мазкур тушунчага ҳали тўлиқ таъриф берилганича йўқ. Бунинг устига, ҳатто соҳа тадқиқотчилари, мутахассислар ҳам —ахборот уруши деган жумланинг қачондан муомалага киргани ва ахборот-курол сифатида илк бор қачон фойдаланилгани ҳақида бир тўхтамга келгани йўқ.

Глобаллашув шароитида ОАВнинг ўрни ҳақида гап кетар экан, масаланинг яна бир муҳим жиҳати га эътибор қаратилиши лозим. Ҳозирги кунда, интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг асосий қисми ёшлар бўлгани учун —номақбул ахборот хуружидан сақланишимиз керак. Чунки бундай маълумотлар миллий қадриятларимизга, урф-одатимизга, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Айрим ёшлар беихтиёр ахборот олиш, шунингдек, тарқатиш субъектига айланганини сезмаган ҳолда, интернетдан видеолавҳалар ва миллий маънавиятимизга тўғри келмаган маълумотларни кўчириб олиб, дўстларига тарқатмоқда. Глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ёшларимизнинг онгига, жамият тараққиётига, миллий менталитетимизга таҳдид солмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда давлатимиз, жамият ва фуқаролар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юрти-мизда ахборот-коммуникация соҳасида қатор қонунлар қабул қилинди ва ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 10 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 9 та қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 27 тадан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Хусусан, ушбу қонунларда уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи ахборотларни тарқатиш, порнографияни тарғиб этиш каби мафкуравий таҳдидларга сабаб бўладиган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тамойиллар акс этган.

—Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади деган фикр бугунги кунда ҳар томонлама эътироф этилган. Шундай экан, ўқувчи-ёшларимизда ахборотлар олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий аҳамиятга эга.

Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қар-ши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқида кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нимадандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак,

бу шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички рухий мўътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўрқув ва ҳадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади.

Доимий ахборот оқими вужудга келтираётган муҳитда миллий қадриятлар, азалий анъаналар заволи топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш керак. Хо-рижий телеканалларда нима намойиш этилса ёки интернетда нима тарғиб қилинса, барчасини қабул қилавериш асло мумкин эмас. Биз улар орасидан имон-этикодими, анъана-ю қадрият-ларимизга мос келадиганларинигина саралаб олмоғимиз шарт. Бу мақсадга эса ёшларимизга те-левидения ва интернетдан оқилона фойдаланиш йўллариини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалигина эришиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари жамиятга тез таъсир этувчи куч эканлигини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ёшларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ушбу кучга суяниш ва ундан самарали фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту истиқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. –
3. Информатсия. Дипломатия. Психология. – М.: Известия, 2002. –
4. Каримов С., Ўразов Ш., Саматов Х., Абдувоҳидов С. Оммавий маданият – миллий маданият кушандаси. – Самарқанд: —Зарафшон, 2015.
5. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Тошкент: —Ўзбекистон, 2007. – Б. 5.

GLOBALLASHUV SHAROITIDA IJTIMOY-MA'NAVY QADRIYATLARGA ASOSLANGAN MAFKURAVIY TARBIYANING AHAMIYATI

Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li, O'zMU mustaqil izlanuvchisi, JDPI Falsafa, tarbiya va huquq ta'limi kafedراسи o'qituvchisi

Аnotatsiya. Ushbu maqolada Globallashuv sharoitida ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy ta'lim tarbiyaning ahamiyati, globallashuv jarayoni, ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlar, mafkuraviy tarbiya haqidagi ma'lumotlar tahlil qilingan. Bundan tashqari maqolada dunyodagi g'oyaviy hamda informatsion xurujlarni sababalari, turli mafkuraviy, ma'naviy tahdidlar avj olayotgan bugungi kunda yoshlarimiz ma'naviyatini yuksaltirishning shart sharoitlari bayon qilingan.

Kalit so'zlar: Globallashuv, ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlar, mafkura, ta'lim-tarbiya, yoshlar, yoshlar dunyoqarashi, oila, oiladagi ijtimoiy muhit, milliy tarbiya tizimi, tafakkur.

Dunyoda g'oyaviy hamda informatsion xurujlar, turli mafkuraviy, ma'naviy tahdidlar avj olayotgan bugungi kunda yoshlarimiz ma'naviyatini yuksaltirish, tafakkurida sog'lom dunyoqarash asoslarini shakllantirish muhim ahamiyatga egadir. Buning eng samarali usuli mafkuraviy tarbiyani to'g'ri tashkil etishdir. Xo'sh mafkuraviy tarbiyaning o'zi nima? Ilmiy adabiyotlarda qayd etilishicha: "Mafkuraviy tarbiya - inson, ijtimoiy guruh, millat, jamiyat dunyoqarashini shakllantirishga, ularni muayyan maqsadlarni ifoda etadigan g'oyaviy bilimlar bilan qurollantirishga yo'naltirilgan jarayon[1,250-b].

Yoshlar tarbiyasi bilan bog'liq bo'lgan barcha jarayonlar doimo davlatning diqqat markazda bo'lib kelgan bundan keyin ham shunday bo'lib qoladi.

Biz maktabgacha ta'lim va maktab ta'limi, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimi hamda ilmiy-madaniy muassasalarni bo'lg'usi Renessansning to'rt uzviy halqasi, deb bilamiz. Bog'cha

tarbiyachisi, maktab muallimi, professor-o‘qituvchilar va ilmiy-ijodiy ziyolilarimizni esa yangi Uyg‘onish davrining to‘rt tayanch ustuni, deb hisoblaymiz.

Men ishonaman – hurmatli ota-onalar bu tashabbusni albatta qo‘llab-quvvatlab, yangi Renessansning beshinchi halqasi, beshinchi ustuni bo‘ladilar. Va bu ma‘naviy-ma‘rifiy hayotimizdagi eng mustahkam ustun bo‘ladi, desam, o‘ylaymanki, sizlar to‘la qo‘llab-quvvatlaysizlar[2,5-b].

Davlatimizda, jamiyatimizda yangi renesansni amalga oshirishni maqsad qilgan ekanmiz buning uchun eng avvalo ta‘lim-tarbiya tizimiga alohida e‘tibor berishimzni ta‘lab qiladi.

Jamiyatdagi har bir ijtimoiy kuch yoki aholi qatlamlari o‘z manfaat va maqsad-intilishlarini ifoda etuvchi g‘oyalar tizimini yaratgach, boshqa guruhlarni ham o‘z g‘oyalar ta‘siriga tortishga harakat qiladi. G‘oyalar adolatli va haqqoniy bo‘lib, ko‘pchilikning talab-ehhtiyojlariga mos kelsa, bu sohadagi tarbiya vositalari ta‘sirchan, tarbiyachilar esa faol va fidoiy bo‘lsa ko‘zlangan maqsadga erishiladi. Jamiyat, xalq hali o‘z manfaatlarini anglab yetmagan, o‘z mafkurasini shakllantirib, maqsad sari safarbar bo‘lmagan hollarda begona va zararli g‘oyalar ta‘siriga tushish ehtimoli ortib boradi. Bu esa g‘oyaviy tarbiyani yo‘lga qo‘yish, sog‘lom mafkura tamoyillarini aholi ongi va qalbiga muttasil singdirishni dolzarb vazifaga aylantiradi.

Aslida shaxs tarbiyasining muhim yo‘nalishi - bu g‘oyaviy tarbiyadir. Bu inson ongi va tushunchalari tizimida hayot haqidagi falsafiy, siyosiy, huquqiy, diniy, estetik, axloqiy, badiiy, kasbiy qarashlarni maqsadli shakllantirish jarayonidir. Har qanday tarbiya jarayoni oxir- oqibat, o‘z maqsad va mohiyatiga ko‘ra g‘oyaviy tarbiyadir. Chunki oilani olamizmi, bolalar bog‘chasini, mahalla, maktab, kollej, litsey, universitet yoki akademiyani olamizmi – hammasida beriladigan ta‘lim va tarbiya jarayonlari talaba va tinglovchilar dunyoqarashini kengaytirish, ularning ongini ilmiy asoslangan bilimlar bilan boyitish hamda jamiyat uchun, uning ravnaqi uchun kerak bo‘lgan sifatlarni kamol toptirishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Bu ishlar blaning dunyo haqidagi, olamning rivojlanish qonuniyatlari, insoniy munosabatlar borasidagi o‘ziga xosliklar, axloq tamoyillari, go‘zallik haqidagi tushunchalarini kengaytirishga xizmat qiladi. Bu - tom ma‘noda mafkuraviy tarbiyaning asosiy poydevoridir. Shuning uchun mafkurasiz inson, mafkurasiz guruh, millat, xalq, jamiyat bo‘lishi mumkin emas.

Har qanday mafkuraviy tarbiyaning maqsadi –jamiyatning har bir a‘zosi va ular timsolida har bir ijimoiy qatlam, guruhning tarbiyaviy darajasini ta‘minlashdir. O‘zbekistonda yashab, ijod qilayotgan har bir fuqaro ongi va shuurida asriy milliy qadriyatlarimiz, xalqimizning bugungi va kelgusidagi manfaatlarini ifodalovchi eng sog‘lom g‘oyalar va fikrlar tarzida – xalq tafakkuri tarzida o‘z ifodasini topishi lozim. Bu jihat mafkuraviy tarbiyaning bosh xususiyatlaridan biridir. Mafkuraviy tarbiyaviylik eng avvalo yuksak e‘tiqod, imon, Vatan va xalq oldidagi mas‘uliyat, vatanparvarlik, fidoiylik kabi fazilatlarda namoyon bo‘ladi.

Respublikamiz ahlisining 64 foizdan ortig‘ini yoshlar tashkil etar ekan, yurtimizning istiqboli ham aynan yoshlar qo‘lida ekanligiga shubha yo‘qdir. Yoshlarning irodali, imon-e‘tiqodli, mustaqil va erkin fikrli, har qanday xurujlarga dadil qarshi bora olishga qodir inson bo‘lib yetishishlarida ta‘lim muassasasi, oila, mahalla hamkorligi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy tarbiyaning ahamiyati katta.

Bugungi yoshlar o‘zlarining kim ekanligini, hech kimdan kam emasligini, ajdodlari kim bo‘lganini anglab yetdilar. Lekin ayni paytda xalqimizning ma‘naviy birligiga rahna solishga, yoshlarimizning yurtimizga bo‘lgan ishonch-e‘tiqodini buzishga urinayotgan kuchlar ham bor. Ular turli xil vayronkor, aldanchi g‘oyalarni pesh qilib, yovuz va g‘arazli maqsadlarni ko‘zlab, ayrim irodasi zaif yoshlardan o‘z yurtiga, ona Vataniga, hatto ota-onasiga qarshi bo‘lgan dushmanlarni tayyorlashga urinmoqdalar.

Farzandlarimiz maktabdan qanchalik bilimli bo‘lib chiqsa, yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot tarmoqlari shuncha tez rivojlanadi, ko‘plab ijtimoiy muammolarni yechish imkoni tug‘iladi. Shunday ekan, Yangi O‘zbekiston ostonasi maktabdan boshlanadi desam, o‘ylaymanki, butun xalqimiz bu fikrni qo‘llab-quvvatlaydi[3,6-b].

Endigi asosiy vazifa kishilarimizning mustaqil fikrlashga o'rganishi, o'ziga ishonchining orta borishidir. Chunki tafakkur ozod bo'lmasa, ong va shuur tazyiqidan, qullikdan qutulmasa, inson to'la ozod bo'lolmaydi"[4,34-b].

Tafakkurning ozod bo'lishi yangicha, mustaqil dunyoqarashni shakllantirishning muhim omilidir. Yangichi dunyoqarash tizimda esa, olimlarimiz tomonidan e'tirof etilgan ertangi kunga ishonch tuyg'usining ustuvorligini ta'minlash muhim ahamiyat kaasb etadi. Uning ahamiyati eng avvalo, shaxs dunyoqarashidagi barqarorlikni belgilovchi xalqa sifatida chiqishida, ikkinchidan, mavjud yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklardan cho'chimaslikka, ularga qarshi tura olish va bartaraf etishning oqilona yo'llarini izlashga undashida, uchinchidan, xulqidagi sobitlik, izchillik va amaliyotidagi faollikni ta'minlashga xizmat qilishida ko'rinadi. Ayni paytda, bu tuyg'u keng ma'nodagi ijtimoiy taraqqiyot mo'ljallarining nechog'li aniq va asosli belgilab olinganining o'ziga xos in'ikosi hisoblanadi[5,126-b]. Shunday ekan, bir tomondan, O'zbekiston o'z taraqqiyotining ana shunday aniq mo'ljalini belgilab olganini va unga – buyuk kelajakka erishish uchun real ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy asoslarga egaligi va, boshqa tomondan, faqat istiqlol, faqat o'z davlatchiligimiz ana shu maqsadga erishishning asosiy kafoloti bo'lishi mumkinligi mafkuraviy tarbiya jarayonida markaziy o'rinni egallashi shart. Mafkuraviy tarbiya bo'lganda ham, milliy tarbiya asosiga qurilgan mafkuraviy tarbiya bo'lishi lozim. Shuningdek, u globallashuvning hozirgi avj olayotgan sharoitlari va imkoniyatlarini hisobga olgan holda yangi mazmun va shaklda olib boriladigan tarbiya bo'lishi taqazo etiladi. Milliy tarbiya millat vakillariga ayniqsa uning yoshlariga milliy meros, urf-odat, an'ana va azshokdagi eng iltor xususiyatlarni qadriyatlarini singdirish orqali milliy ong, dunyoqarash, ruhiyatni shakllantirish, o'zligini anglatish, milliy g'urur va iftixor tuyg'ularini mustahkamlash, milliy manfaat, millat istiqboli uchun mas'ullikni ongi va qalbiga singdirish, milliy zaminlardagi boy meros asosida ma'naviy boyitish borasida olib boriladigan amaliy faoliyat yo'nalishidir. Har qanday tarbiyada bo'lganidek milliy tarbiyada ham aniq maqsadlar ko'zlanadi. Globallashuv avj olayotgan bugungi kunda milliy tarbiyaning strategik yo'nalishini keng ma'nodagi ma'naviyatimizni millatimizga yot bo'lgan turli zararli ta'sirlardan himoya qilish, uni yoshlarimiz ongi, qalbi, dunyoqarashining ajralmas qismiga aylantirish tashkil qiladi. Milliy tarbiya oiladan boshlanadi, mahalla va ta'lim tizimida davom ettiriladi. Chunki, shaxs ma'naviyati, uning dunyoqarashi, insonning tasavvur va e'tiqodiga aloqador ko'nikmalar majmui asosan oilada shakllanadi. Shu ma'noda, oila – haqiqiy ma'naviyat o'chog'i, mafkuraviy tarbiya omili va muhitidir. Binobarin, milliy mafkuramizga xos ilk tushunchalar inson qalbi va ongiga avvalo oila muhitida singadi. Bu jarayon bobolar o'giti, ota ibrati, ona mehri orqali amalga oshiriladi.

Milliy ongi rivojlangan, o'zligini anglagan, dunyoqarashi shakllangan millat vakili o'z millatini ulug'laydi, uning manfaatini himoya qiladi, uning oldida mas'ul ekanligini gushunib yetadi, uning manfaatini boshqalar manfaati bilan almashtirmaydi, unga sadoqat kuchli bo'ladi. Shu millat vakili bo'lganligidan faxrlanadi va g'ururlanadi. Bu inson uchun eng oliy ne'mat hamda ulug' ma'naviy boylik ekanligini doimo his etib yashaydi. Lekin bugungi globallashuv jarayoni milliy tarbiyaga ham o'zining salbiy ta'sirini o'tkaza boshladi. Bugun turmushimiz va hayotimizning barcha sohalariga o'zga mamlakatlar xalqlari hayotidagi ko'pgina urf-odat, an'ana va qadriyatlar jadal kirib kelmoqda. Albatta, ularning biz uchun maqbul bo'lganlarini qabul qilishimiz mumkin. Ammo ularni ko'r-ko'rona, o'zimizniki hisobiga qabul qilishimiz maqsadga muvofiq emas. Masalan, millatimizda asrlar osha qon-qonimizga singib ketgan ota-onamizni ulug'lash, oila muqaddasligini himoya qilish, farzandning ota-ona oldidagi burchi, ularning gaplariga quloq solish, qilinadigan har bir katta ishlarni bamaslahat amalga oshirish, aka-ukalar, aka va singillar, kelin qaynota, qaynonalar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik mehr-oqibat, ustoz va shogird hurmati kabi muqaddas qadriyatlarini qayta tiklash milliy tarbiyamiz oldida turgan eng dolzarb vazifadir. Ammo bugun Yevropaga xos bo'lgan individualizm, ota-ona holidan xabar olmaslik hatto ular vafot etganda oxirgi manzilgacha kuzatishga yaramasliq aka-uka, akasingillar o'rtasidagi yaqinlikning bo'lmasligi va ularning bir-birini qo'llab-quvvatlamasliklari va boshqa bir qator holatlar millatimiz hayotiga kirib bormoqda. Bunday

salbiy jarayonlarning oldini olish uchun ham milliy tarbiyamizning bosh yo'nalishi globallashuv jarayonida sodir bo'layotgan ana shu salbiy holatlarni bartaraf etish taraqqiyotimiz talabi hisoblanadi

Bizga bu borada jahonda eng yuksak taraqqiyotga erishgan, ammo o'zining milliy qadriyatlarini avlodnavlodga yetkazib, uni mustahkamlab kelayotgan Yaponiya davlati tajribasi o'rnak bo'lishi mumkin. Ular milliy g'ururi, iftixonning kuchliligi va millat istiqboli uchun kurashdagi yakdilligi bilan bugungi yuksak taraqqiyotga erishdi hamda mustahkam milliy ma'naviy immunitet salohiyatini shakllantirdi. Ular ma'naviyatida tashqaridan ko'rsatiladigan ta'sirlarni sezish kiyin. Ular eng ilg'or ishlab chiqarishni tashkil qilish, texnika va texnologiyalarni yaratish bilan jahon bozorlarini egallashlarida milliy tarbiya muhim o'rinni egallaganliklari ko'pchilik uchun yangilik emas. Bu tajribadan samarali foydalanish milliy rivojlanish g'oyasida ham o'z ifodasini topishi foydadan holi bo'lmaydi. Shu munosabat bilan fikrimizcha, globallashuvning bugungi milliy hayotimizga o'tkazayotgan ta'siridan himoyalanimiz uchun mustaqil milliy ma'naviy immunitetni shakllantirish zarur bo'ladi.

Milliy istiqbol mafkurasi xalq farovonligi, yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, ijtimoiy xamkorlik, millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglik, komil inson kabi g'oyalarga tayanar ekan, ana shu g'oyalarga qarshi qaratilgan xatti-xarakatlar tashqi va ichki tahdidlarning oldini oladi.

Chunki milliy g'oya chuqur e'tiqodga aylangan taqdiridagina u ulkan kuch va qudratga ega bo'ladi. Buning uchun esa xalqda mafkuradan o'rin olgan g'oyalarga kuchli ishonch, e'tiqod va unga amal qilish bo'lishi lozim.

Xulosa sifatida shuni adoxida ta'kidlashimiz lozimki, bunda, avvalo, har jihatdan faol insonni tarbiyalashga e'tibor qaratish, g'oyaviy tarbiya vositasida shaxsning salohiyatini maksimal darajada yuzaga chiqarishga erishish, har bir bolaning iqtidorini rivojlantirishga ypg'u berish zarur. Buning uchun inson passiv ijrochilikdan emas, balki faol tashabbuskorlikdan ko'proq manfaatdor ekanligiga ishontirish kerak. Yoshlarda mehnatga ishtiyoq uyg'otish, tirishqoq va serg'ayrat shaxsni tarbiyalash, shaxsni o'zi ustida qunt bilan ishlashga o'pgatish. Shuningdeq milliy g'ururi baland, mas'uliyat va burch hissiga ega, intizomli, demokratiyani hayot tarziga aylantirgan, kelajagi o'z ko'lida ekaniga ishongan mustaqil shaxsni tarbiyalashga ustuvor ahamiyat berish zarur.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Falsafa qomusiy lug'at. T., Sharq, 2004, 250-bet.
2. <https://prezident.uz/uz/lists/view/3864>
3. <https://prezident.uz/uz/lists/view/3864>
4. Karimov I.A. O'zbekistonning siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyillari. // Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. 3-jild. –T., O'zbekiston, 1996, -34.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРИ

Акчаев Фаррух Шавкатович, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Жиззах ДПИ тарих ўқитиш методикаси кафедраси доценти в.б.

РЕЗЮМЕ: Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг сув билан боғлиқ қадимий диний эътиқодларга омухталашган урф-одатларининг бугунги кундаги кўринишлари, шунингдек, ёмғир чақириши маросимининг моҳияти, этносоциологик тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Жиззах воҳаси, тоғ, тоғ олди, дашт, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳ, диний дунёқараш, урф-одат ва анъана, булоқ, авлиё, табу, “Суз хотин”, яда тошлари, экологик кўриқхона.

Тарихдан аёнки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунига қадар бу ерда кўплаб қадимий динлар ва диний қарашлар ҳукмронлик қилган. Аждодларимизнинг тарихий шароит ва табиат ҳодисаларининг моҳиятини англашга интилиши, табиат ва жамият ҳодисаларига

ибтидоий қарашлари кўплаб диний эътиқодларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлди ва натижада тотемизм, афсунгарлик (магия), рухлар эътиқоди билан боғлиқ шомонлик, зардуштийлик каби қадимий диний қарашлар ва диний эътиқодлар вужудга келди[2, 19-б.]. Бу каби эътиқодларбугунги кунда тўлиқ ҳолатда сақланиб қолмаган бўлсада, лекин айрим урф-одат ва маросимларда, зиёратгоҳлардаги табиат ёдгорликларини муқаддаслаштириш, уларнинг башоратчилик хусусиятларига ишониш каби ҳолатларда учратиш мумкин.

Воҳа аҳолисининг сув билан боғлиқ қарашлари ҳақида сўз юритилганда, у ердаги чашма ва булоқларнинг ҳам ўз ўрни бор. Чунки, бундай булоқлар азалдан сувининг шифобахшлиги, танга дармон бериши, умуман оби ҳаёт манбаи, тириклик рамзи сифатида улуғланган ва азалдан ўзбек халқи қарашларига кўра тириклик манбаи, поклик ва тозалик рамзи сифатида талқин қилинган. Воҳанинг табиий шароити ва иқлимидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳудуднинг Қизилқумга туташ жойлашганлиги аҳолига сув ва суғориш иншоотлари билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирган ҳамда бу ҳолат сув ва булоқларга бўлган муносабатни шакллантирган[6, 169-170 б.].

Булоқ сувлари, аввало, чанқокни қондириш мақсадида истеъмол қилинган бўлсада, уларнинг минералларга бойлиги зиёратчиларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир ўтказган. Шу боис шифобахшлиги билан ном қозонган табиий булоқларни муқаддаслаштириш ва авлиёларнинг ҳислатларини сув билан боғлаш натижасида кўплаб ривоятлар пайдо бўлган. Воҳа аҳолисининг сув билан боғлиқ тасаввурлари қуйидагича ҳолатда, маълум авлиённинг номи билан аталувчи зиёратгоҳлар таркибидаги муқаддас булоқлар билан омукталашган одатларда, зиёратгоҳга алоқаси бўлмаган аммо, хасталикларни даволаш хусусиятига эга бўлган алоҳида сув манбаалари ҳамда қадимдан ўтказилиб келинган ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимлар кўринишида сақланиб қолинган.

Биринчи гуруҳга мисол сифатида Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳудудидаги булоқларни келтириш мумкин. Булоқ сувидан зиёратчилар турли хил тери ва ички касалликлардан шифо топиш мақсадида ният қилиб ичишади. Зиёратчиларнинг айтишича, авлиё қабри жойлашган ҳудуддаги булоқлар ёнида яхши ниятда дуо қилса, муроди ҳосил бўлади. Шу боис, аксарият ҳолларда турли касалликларга чалинган кишилар зиёратгоҳдаги булоқлар ёнига келиб, дуолар ўқишади ва жонлиқлар қурбонлик қилишади[1, 150-б.].

Шу ўриндатаъкидлаш жоизки, маҳаллий аҳоли орасида бу каби фикрларнинг юзага келиши узоқ муддат давомидаги кузатувлар натижаси эканлигини, булоқлар ва шифобахш сувлар билан боғлиқ масканлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашганлигинисаббли, айнан шу ерда тери ва ички касалликларига даво бўлувчи микроэлементлар мавжуд бўлган ва улар сув билан юзага чиққан. Асрлар давомида шу сувларнинг шифобахшлиги ўз исботини топгач, маҳаллий аҳоли шу ерни муқаддас билиб, авлиёлар номи билан аталган азиз масканга айланган. Бундан ташқари Нурота булоғидаги шифобахш сув воҳадаги бошқа зиёратгоҳлардаги булоқлар билан тоғ остида сизиб ўзаро боғланиши ва ушбу муқаддас булоқлардаги балиқлар ҳам ер остидаги махсус йўллар орқали у булоқдан бу булоққа сузиб ўтиши[7, 14-б.] тўғрисидаги қарашлар, Нурота ва Морғузар тоғ тизмаларидаги булоқларни муқаддаслаштиришга сабаб бўлган. Бундан ташқари, Нурота тоғ тизмаларидаги булоқлар суви билан кун кечирадиган аҳоли булоқ – “ҳаёт чашмаси” деб, унга жиддий муносабатда бўлишган. Сув мўл бўлиши, унинг камайиб қолмаслигини сўраб худога илтижо қилиб, дуолар ўқишган, кўй сўйиб, қурбонликлар қилишган[8, 137-138-б.]. Бу ҳолат айнан ичимлик суви манбаи, асосан, булоқлар билан боғлиқ бўлган воҳанинг тоғ ва тоғолди минтақаларида бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

Иккинчи гуруҳга Бешбулоқ зиёратгоҳини киритиш мумкин. Зомин тумани Пешағор қишлоғининг юқори қисмида жойлашган мазкур зиёрат манзили ўзининг шифобахш булоқлари билан машҳур. Бу ердаги тепаликда ғор – чиллахона бўлганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд бўлиб, ҳозир мазкур чиллахона бутунлай кўмилиб кетган. Ушбу бешбулоқ суви

кўтир, тошма, сувчечак, кўк йўтал, сарик касалликларига даво ҳисобланганлиги боис, муқаддас “Бешбулок ота” даволаш манзили сифатида зиёрат қилинади.

Воҳа зиёратгоҳларида кенг тарқалган амаллардан яна бири – у ердаги булоқларга ташриф буюрувчилар ният айтишиб, сўнгра танга, мунчоқ, тош, нон увоқлари ташлайдилар. Бу жараённинг ўзига хос томонларидан бири шуки, Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Боғимозор ота зиёратгоҳларидаги муқаддас булоқлар алоҳида тилга олиниб, уларга нарса ташлаш тақиқланади. Яъни, уларга нисбатан табу қўйилган бўлсада, зиёратчилар ният қилиб юқорида айtilган предметларни ташлашни қанда қилмайди. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, қадимданхалқ орасида “кимки ушбу булоқларга эзгу ниятда келиб, дуо қилиб, булоқларга қўл тикса-ю, унинг қўлига бирор бир буюм илинса, унинг муроди ҳосил бўлади”, деган қараш устувор аҳамият касб этиб келган. Шунинг учун бўлса керак булоқдан нарса олгандан кейин унинг маҳри сифатида бирон нарса ташлаш одатга айланган. Маҳаллий аҳоли ўртасида булоқлар кишиларнинг келажак тақдиридан хабар берувчи восита сифатида талқин қилинади[4, 2014-2018-й]. Шу сабабдан ҳам, ҳар бир зиёратчи тақдирини билиш учун булоққа қўл солади. Бу жараёнда булоқда зиёратчи қўлига нима олса, бу нарса унинг келажаги билан боғлиқ бўлган. Масалан, зиёратгоҳлардаги муқаддас булоқларга, асосан, бефарзанд аёллар қўл солиб, ўз бахтларини синаганлар. Агар аёлнинг қўлига булоқ тубидаги бирор-бир мунчоқ, маржон илинса, демак қиз фарзанд кўради, агар унинг қўлига танга ёки ошиқ чиқса, демак, ўғил фарзандли бўлади ёки булоқдан ҳеч нарса топмаса, демак унинг на фарзанди, на бойлиги бўлади, деб қаралган.

Воҳанинг асосан лалми дехқончилик билан шуғулланиб келган аҳолиси томонидан сув билан боғлиқ ҳолда ўтказилиб келинаётган “Суз хотин” маросими ҳам ўзига хос ўринга эга. Одатда сув чақириш маросими февралдан то апрелгача бўлган вақтларда ўтказилган. Баъзан баҳор фаслида қурғоқчилик кузатилса кейинчалик ҳам ўтказилиб турилган. Маросим ўтиши билан ёмғир ёға бошлагач, дехқонлар ер ҳайдаб, буғдой экаётган вақтда бир қўлида аёл кишини англаувчи қўғирчоқ ҳамда бир қўли билан буғдой сепган. Ерга уруғ сепаётган вақтда маросим кўшиғини куйлашган. Маросим тугагач, қўғирчоқни махсус қурилган майда уйчага киритиб сув солинган идишга ўрнатиб қўйишган[5, 2014-2018-й.].

Ёмғир чақириш маросими туркий халқларга хос удум бўлиб, бу ҳақда XI асрда Махмуд Қошғарий ҳам эслатиб ўтган. Унинг ёзишича, “jat–ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тошлар) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз ўнгимда ёнғинни сўндирди”[9, 8-б.].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки ёмғир чақириш маросими жуда қадимий тарихга эга. Шарқий Туркистон халқлари ёмғир чақиришда яда тошини ишлатган бўлсалар, Туркистоннинг марказий ва жанубидаги ўтроқ туркий элатлар ёмғир чақириш учун “Суз хотин” (“Сув султон хотин”) маросимини ўтказганлар.

Бу маросим учун қўғирчоққа аёл образини берилишининг сабаби, қадимги туркий халқларда аёл муқаддас, улуғлик ҳамда барака тимсоли ҳисобланганлигидадир. Шу билан бирга “Суз хотин” маросими кўп жиҳатдан қадимги аждодларимизнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган[11, 29-б.]. Хусусан, Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, хоразмликларда *вахшангам* деган байрам бўлган. *Вахи*–сувлар, хусусан жайхун устидан назорат қилиш учун қўйилган фаришта номидир[3, 258-б.]–деб, маълумот беради. Бундан ташқари юртимизда олиб борилган археологик тадқиқотларда ҳам бу ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Уларга кўра, қушон тангаларида *Ардохшо* маъбудасининг тасвири туширилган бўлиб, Ардохшонинг маъноси “Охшо руҳи”- деган маънони билдириб, тадқиқотчилар томонидан *Вахи* сўзига тўғри келиши таъкидланган. Қадимги бактрияликлар *Охшо* (*Оахшо*) худосига атаб ибодатхона (Тожикистондаги Тахти Сангин) ҳам қурганлар[10, 82-б.].

Ушбу фикрларга таянадиган бўлсак “Суз хотин” қадимги сув култи билан боғлиқ маросим эканлиги ойдинлашади. Ислом дини кенг тарқалган даврда ҳам ушбу маросим

унутилмасдан, ўз замонасига мослашган ҳолатда, ўзида бошқача кўринишларни жамлаб бизнинг давримизгача етиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аҳолининг зиёратгоҳларда бажарадиган маросимлари жараёнини таҳлил қилсак, қадимий эътиқод излари юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчасида турлича кўринишда сақланиб қолинган бўлиб, ўтказилган сўровномалар таҳлиliga кўра, ахборотчиларнинг аксарияти қадимий эътиқод излари кўпроқ маросимларда ва табуларда сақланишини амалда кўрсатиб беришди.

Шунингдек, аҳолининг сувни муқаддас билиши, унинг ҳаёт рамзи эканлиги ҳақидаги қарашлари ва халқона ривоятлари ҳам убушу асосларга қурилган. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда бутун дунёда экология соҳасидаги муаммолар етакчилик қилаётган бир даврда воҳа аҳолиси томонидан сақланиб келинаётган урф-одат ва маросимларнинг табиатни асрашдаги муҳим вазифасини, яъни экологик кўрикхона сифатидаги аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ақчаев Ф. Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳақида баъзи мулоҳазалар // “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 2015.-Б.150.

2. Аширов А. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар изи: Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2000. – Б. 19.

3. Бируни. Избранные произведения. Том I. Памятники минувших поколений. Ташкент, 1957, стр.258.

4. Дала ёзувлари. Ғаллаорол тумани Саъд ибн Ваққос, Бахмал тумани Новқа ота, Фориш тумани Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳлари. 2014–2018 йиллар

5. Дала ёзувлари. Янгиобод, Зомин, Ғаллаорол ва Бахмал туманлари. 2014-2018 йиллар

6. Джаббарова И. Илк ўрта асрларда Жиззах ҳудудидаги айрим суғориш тизимлари хусусида // Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик давр ва ўрта асрларда) номли Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Гулистон, 2016. –Б.169–170.

7. Исмоилзода Ш. Судур бобо ёхуд Нурато тарихидан саҳифалар. – Тошкент, 2005.– Б. 14.

8. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.–Тошкент: Шарқ,2002.–Б.137–138.

9. Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. Тошкент, 2004, 3 жилд, 8 бет.

10. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье. Ташкент, 1990, стр. 82.

11. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. Термиз, 2018, 29 бет.

THE ROLE OF NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS IN THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF YOUTH CONSUMER CULTURE

Pulatov Salahiddin, 4th year student of "National Idea, Spirituality and Legal Education"

Scientific adviser - ***Turaev Abrar***, senior lecturer of the Department of Philosophy, Education and Law of Jizzakh DPI

Absrtact. This thesis discusses the role of non-governmental organizations in the formation and development of youth consumer culture

The development of our country depends, first of all, on the level of education of our youth in accordance with the requirements of today's times. Indeed, in the current era of globalization, when the scale of ideological influence is growing, it is important to take an innovative approach to education, to be involved in large-scale reforms in society. Especially in a modern market economy, the formation and development of consumer culture among young people has become a requirement of the times.

The comprehensive development of our society and the success of the ongoing reforms depend on the high level of mental, moral, legal education, upbringing, physical health and aesthetic culture of the population, especially the younger generation. At the same time, one of the main directions of our reforms is the development of economic knowledge and thinking of young people in a market economy, their involvement in entrepreneurship, the creation of broad opportunities for free economic activity. At a time when a strong competitive environment is being formed day by day, life itself requires every citizen to be entrepreneurial and successful, to be able to organize work well, to work effectively. In this regard, large-scale reforms are being carried out in our country in the field of employment of the population, especially the younger generation, their involvement in entrepreneurial activities.

At the initiative of President Sh. Mirziyoyev, the Action Strategy for the Development of Uzbekistan for 2017-2021 serves as a basis for radical reforms in all spheres of public life of the country. One of the important tasks of this strategy is to educate young people. The education of young people should always be a priority in any development strategy. Therefore, the priorities identified in the Action Strategy in the direction of "Development of the social sphere" are aimed at solving today's pressing socio-cultural problems. At the same time, special attention was paid to further enhancing the role of public organizations in public life, their broad participation in government and society.

We all know that the role of non-governmental organizations and public associations is important in the development of civil society. That is, the basis of civil society is public organizations. As a result of reforms aimed at building the rule of law and civil society in Uzbekistan during the years of independence, the activities of non-governmental non-profit organizations are further developing in our country.

Today, more than 9,500 non-governmental organizations operate in our country. Among them are the Youth Union, which represents the interests of young people, and non-governmental organizations at the national and local levels, which represent the interests of young people in various fields. In this regard, the issue we want to consider is the development of consumer culture among young people and increasing the activity of public organizations in this process is becoming an important area of research. In general, consumer culture is often explained in terms of economic issues. That is, the level of consumer culture is discussed through factors such as quality control of products consumed, shelf life, price control, savings. But in our opinion, such an expression forms a one-sided approach to the issue.

The increase of needs and interests in the life of society forms a consumer attitude aimed at meeting our needs. We meet our diverse needs as consumers. That is, first of all, our food and daily needs as a living organism are provided. At the same time, a person is embodied as a consumer in the use of social services, the satisfaction of cultural needs, the provision of our artistic, aesthetic and religious interests. Therefore, the specific social status of a person as a consumer shapes and develops a cultural approach to the supply and services that are focused on all his needs and interests. For example, a person is a consumer in the enjoyment of a mature work of art, in the use of opportunities for sports, in education and science, and in the realization of creative abilities. The actions and attitudes in the use and enjoyment of these opportunities reflect the consumer culture of the individual. The formation of a consumer culture in young people begins under the influence of family and social environment.

The role of public organizations in the development of consumer culture in the process of formation of civil society is growing in importance as the most important socialization agent.

In our opinion, in the formation and development of consumer culture, young people need to address the following pressing issues:

First, it is necessary to form a principled approach to the development of consumer culture in the activities of youth organizations. Although it is done today through a small number of social videos and advertisements, it does not cover all networks. The transfer of young people to "mass culture" is a direct result of the insufficient formation of consumer culture.

Second, NGOs continue to be more concerned with organizational issues.

Third, although youth issues are included in the programs of political parties, the factor of consumer culture is neglected. Officials in the representative bodies are not paying enough attention. There is a need to pass laws related to the problem.

Fourth, public oversight mechanisms are not being used effectively. In particular, in a market economy, it is impossible to pursue "goods" aimed at meeting the needs of various entertainment and arts. On the contrary, it is necessary to pay attention to how consumers of these "goods" are formed.

ТАЛАБА-ЁШЛАРЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Туропов Ёрқин Шарапович, катта ўқитувчи

*Жиззах давлат педагогика институти тарих факультети фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ
таълими кафедраси*

***Аннотация.** Ушбу мақолада талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигининг мазмун-моҳияти, талаба-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-фалсафий омиллари, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлардаги иштироки ва дахлдорлик ҳиссини ривожлантириш масалалари ёритилган.*

***Таянч сўзлар:** ижтимоий фаоллик, инсон салоҳияти, шахс, эҳтиёж, ҳаракатлар стратегияси, интеллектуал салоҳият, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар, технологиялар, ислохотлар, маърифат, маънавият, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, ахлоқий маданият, умуминсоний қадриятлар, дахлдорлик ҳисси.*

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ҳамда ривожланиши инсон омилига, хусусан, ёш авлоднинг илмий, ижодий ва маънавий салоҳиятига, ижтимоий, фуқаровий, интеллектуал фаоллик даражасига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади[1]. Ёшларнинг иродали, иймон-эътиқодли, мустақил ва эркин фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга шахслар қилиб тарбиялаш ҳозирда долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда айниқса, ҳозирда олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг ўз соҳасининг билимдони, инновацион ғоялар эгаси, ижтимоий фаол бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий инсон шахсининг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари унинг ўз мавқеини белгилаши ва ўзини ривожлантириш усуллари билан боғлиқ. Замонавий талаба мустақил равишда нафақат ижтимоий мослашиш билан боғлиқ, шунингдек, жамият ҳаётида ўзини ўзи ижодий амалга ошириш йўналишлари ва усулларини топиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиши мумкин ва керак. Бунда унинг учун бу жараён қайси шароитларда педагогика нуқтаи назаридан энг самарали бўлиши муҳим. Шу муносабат билан замонавий олий таълим муассасасининг энг муҳим вазифаларидан бири талаба шахсининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришдан иборат. Ижтимоий-профессионал вазифа ва ролларни самарали амалга ошириш ҳам айнан унга боғлиқ.

Фалсафий адабиётларда “ижтимоий фаоллик” атамаси турлича таърифланади. Талқиннинг турлича бўлиши тушунчанинг мураккаб эканлиги, жумладан, уни шакл ва вариантлари турли кўринишларга эга экани билан боғлиқ. Фалсафа нуқтаи назаридан – бу “индивид ва ижтимоий гуруҳларнинг жамиятдаги фаолият характерини акс эттирувчи”

тушунча[2]. Ижтимоий фаоллик эҳтиёжнинг ҳаракат омилига айланиши, билиш ва мақсадни ўйлаш билан боғлиқ.

Тадқиқотчи Г.М. Коджаспирова ижтимоий фаолликка қуйидагича таъриф берилади: “Шахснинг фаоллиги шахснинг дунёга фаол муносабатини, инсониятнинг тарихий тажрибаси асосида моддий ва маънавий муҳитда ижтимоий-муҳим ўзгартиришга қодир эканлигини билдиради” [3]. Ижтимоий фаоллик “субъектнинг ижтимоий яхлитликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини амалга оширишдаги интегратив тавсифи” сифатида талқин қилинади[4]. Ушбу тавсифларнинг фаолиятга оид эканлигини, социумда бирга мавжуд бўлиш ва ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини амалга ошириш имконини беришини таъкидлайди. Ижтимоий фаоллик ўқувчи ёшларга мослаштирилганда шахсда ташкилотчилик маҳоратини тарбиялаш, жамоат ишига қизиқиш уйғотиш, жамоат топшириқларини бажаришда масъулиятни ҳис қилиш, ташаббускорликни ишчанлик билан уйғунлаштиришни назарда тутлади.

Тадқиқотчи Э.Ф. Шакирова “ижтимоий фаоллик” категориясининг умумий тавсифини қуйидагича белгилайди: субъектнинг ижтимоий фаолиятда ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабати; ижтимоий муҳит ва ўзаро муносабат субъектнинг ўзгариши(у томондан масъулиятни ўз зиммасига олиши); жамият, маданият, ижтимоий қонунларни ўзлаштириши ва уларни амалиётда қўллаши; ижтимоий субъект хулқи-атворининг усули; ҳаракат қилишга ички тайёргарлик; субъект томонидан ўта норматив фаолиятнинг намоён этилиши; инсоннинг жамиятда яшашга фаол муносабати; жамият томонидан топширилган вазифаларни ижодий бажариш, ижтимоий инновацияларни яратиш; асосида ижтимоий муҳим эҳтиёжлар ётган ички сабаб ва рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги [5].

Инсонни ихтиёрий фаолият, яъни кўнгилли ишга чорловчи истакнинг негизида ҳар бир кишига хос бўлган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ётади. Жумладан, бошқаларга наф келтириш, ўзини намоён қилиш ва мулоқот истаги кишини фаолликка етаклайди. Кишида ижтимоий жиҳатдан эътирофга бўлган эҳтиёж ҳам мавжуд. Профессional ва ҳаётий тажрибани қўллаш истаги ҳам кишини шундай фаолиятга чорлаши мумкин. Ўз имкониятларини ишга солиш, ўз ғояларини татбиқ этиш истаги ҳам кишини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва иштирок этиш эҳтиёжи ҳам кишини фаолликка етаклайди.

Ижтимоий фаолликни шакллантиришни фалсафий жиҳати шахснинг тасаввурлари ва унинг турли таркибий қисмларини ўзаро алоқалари билан чамбарчас боғлиқ. Талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллик тизимида қуйидаги таркибий қисмларни кўрсатиш мумкин:

- шакли бўйича: профессионал ва профессионал бўлмаган;
- турлар бўйича: меҳнатга оид, сиёсий, билишга оид;
- йўналиш бўйича: ижтимоий, аксилижтимоий;
- амалга ошириш соҳаси бўйича: ишлаб чиқариш, бошқарув.

Ҳар бир конкрет ҳолатда ижтимоий фаолликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ва унинг кечишига ёрдам бериш учун, ижтимоий фаолликнинг кўрсаткичлари, мезонларини ажратиш кўрсатиш керак. Бунда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижтимоий фаолият олиб боришда ривожланиш даражаси, қобилият, истеъдод, қизиқишларидан максимал фойдаланиш; онглилик даражаси; ҳолислик, беғаразлик. Баъзи муаллифлар мезон сифатида фаолиятнинг маълум бир турларига сарфланган бўш вақтларини, мотивация элементларини мавжудлигини, меҳнатдаги ўта нормативликни эътиборга оладилар. Айрим файласуф тадқиқотчилар қуйидаги мезонларни ажратиш кўрсатади: ижтимоий

ориентациянинг йўналтирилганлиги; фаолиятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари; бошқалар билан ўзаро мулоқотга киришишнинг сабаблари.

Дунёқарашга оид босқич тамойиллар ва хулқ-атвор меъёрларига амал қилиш натижасида шахснинг зарурий фазилати сифати ижтимоий фаоллик ҳақида яхлит тасаввурни тақозо қилади. Бу шахснинг ҳаётий нуқтаи назари, хулқ-атвори ва ҳаракатлари давстуруни очиқ берувчи ички механизмдир. Бу босқич қуйидаги аломатларнинг мавжудлиги билан тавсифланиши керак: шахс эътиқодларининг тизимлилиги; келажакда жамият аъзолари сифатидаги талабалар эътиқодининг кенг кўлами билан боғлиқ мавқеи; талабаларнинг шахсга оид хусусиятларида(масъулият, бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, толерантлилиқ) эътиқодларининг намоён бўлиши. Хулқ-атвор, ҳар қандай вазиятда намоён бўлувчи ва пайдо бўлган онгли кўникма ва одатларга асосланган, ахлоққа оид босқич барқарор ижтимоий фаол ахлоққа йўналтирилган. Бу босқичнинг кўрсаткичи бўлиб, талабанинг ижтимоий маъқулланган меъёрлар, кадриятлар, мулоҳазалар, эътиқод, шунингдек ахлоқий барқарорлик ва мустақиллик, шахсда ижтимоий нуқтаи назарнинг мавжудлиги хизмат қилади. Маълум хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, у ёки бу операцияларни бажариб, талаба у ёки бу ижтимоий ролни бажариб, жамият учун муҳим бўлган фаолиятга, бошқа инсон ва ижтимоий гуруҳларга, ўз-ўзига муносабатини билдиради. Шунингдек, бу босқичда шахс ижтимоий фаоллигининг кўрсаткичи бўлиб, фаол ҳаётий ва фуқаро нуқтаи назари; таълим муассасасининг жамоат ишларида, жамоада, талабалар ўз-ўзини бошқарувида фаол иштироки; ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятлари хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, талаба-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда педагогик жамоанинг тизимли ёндашуви, педагогларнинг умуммаданий ва ижтимоий тайёргарлигини талаб қилади. Талабалар ижтимоий фаоллигини шакллантириш бўйича ташкил қилинган фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб талабаларнинг шахсий таълими ва шу асосида талаба шахсининг ўзини-ўзи англаши, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон , демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. –Б. 13
2. Социальный активность [Электронный ресурс] / Философский словарь. – Режим доступа : <http://www.edudic.ru/fil/1160/#> – Дата доступа : 10.09.2012.
3. Коджаспирова, Г.М. Словарь по педагогике /Г.М.Коджаспирова, А.Ю. Коджаспиров. – М. :IKS «МагТ»;Ростов н/Д : Издательский центр «МагТ», 2005. – С. 448.
4. Словарь социального педагога и социального работника / под.ред. И.И.Калачевой, Я.Л.Коломинского, А.И.Левко. 2-еизд. – Минск :БелЭн, 2003. – С.256 .
5. Шакирова Э.Ф. Педагогическое условия формирования социально активной личности студента /Э.Ф.Шакирова, Г.П.Иванова // Акмеология. – 2012. – №3(43). – С. 51–56

6-ШЎБА: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ЎҚИТИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРЕПОДАВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

INNOVATIVE TECHNOLOGIES FOR TEACHING SOCIAL AND HUMAN SCIENCES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

*Begbutaev Azzam Eshpulatovich, Jizzax davlat pedagogika instituti
katta o'qituvchi*

***Annotatsiya.** Jahon ta'lim sohasidagi rivojlanish tendensiyalari axborotlashgan jamiyatda o'qitishning zamonaviy didaktik vositalarini kengroq joriy etish va ularning samaradorligini yanada oshirishning dolzarbligini ko'rsatmoqda. SHuningdek, oliy ta'limda talabalarda kasbiy va fanga bo'lgan motivatsiyani kuchaytirish uchun pedagogik va axborot texnologiyalari integratsiyasidan foydalanib darslarning yangicha usullarni tadbiq etishni taqozo etmoqda.*

***Kalit so'zlar:** Blended learning, "Flipped classroom" modeli, video ma'ruzalar, SMART-texnologiyalar, Kahoot, Onlayn darsliklar, virtual auditoriyalar.*

***Аннотация.** Тенденции развития мирового образования демонстрируют актуальность более широкого внедрения современных дидактических средств обучения и их возрастающей эффективности в информационном обществе. Он также призывает к внедрению новых методов обучения с использованием интеграции педагогических и информационных технологий для повышения профессиональной и академической мотивации студентов.*

***Ключевые слова:** смешанное обучение, модель перевернутого класса, видеолекции, SMART - технологии, Kahoot, онлайн-уроки, виртуальные аудитории.*

***Annotation.** World educational development trends show the relevance of the wider introduction of modern didactic teaching tools in the information society and further increase of their effectiveness. It also calls for the introduction of new methods of teaching using the integration of pedagogical and information technology to enhance students' professional and academic motivation in higher education.*

***Keywords:** Blended learning, Flipped classroom model, video lectures, SMART technologies, Kahoot, Online tutorials, virtual audiences.*

Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati uzluksiz ta'lim tizimi orqali shaxsning har tomonlama barkamol bo'lib etishishini ko'zda tutadi. Oliy, umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limlari asosida uzluksiz ta'lim tizimining mustaqil turlari hisoblanib, O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ga muvofiq amalga oshiriladi. Ushbu hujjatlarda oliy ta'lim uchun belgilangan vazifalaridan biri yuqori saviyada o'qitishni ta'minlash va malakali kadrlarni zamonaviy kasb-hunar ta'lim dasturlari asosida tayyorlashdir. Oliy ta'lim o'qituvchisining faoliyati shaxsni tarbiyalash jarayonida ta'lim-tarbiya olish sharoitlarini yaratish, uning ehtiyojlarini qondirish va qobiliyatlarini ochish hamda rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lishi lozim[1].

Oliy ta'lim muassasalarida fanlarni o'qitish jarayonida "Blended learning" – aralash ta'lim texnologiyasining "Flipped classroom" modelidan foydalanish samarali natijalarni beradi deb hisoblaymiz. Flipped classroom - o'rganish strategiyasi. Sinfni "ag'darish" odatiy modeliga o'tishdir, ya'ni, uning yordamida talabalar yangi bilimlarga ega bo'ladilar. Bunda talabalar yangi o'tiladigan mavzuni darsdan oldin mustaqil o'qiydilar, so'ngra dars vaqtida shu mavzuga oid munozaralar, muammolarni echish usullarini muhokama qiladiki, bu ularga yangi bilimlarni yangilash va o'rganishga yordam beradi.

“Flipped classroom” modeli jihozlangan sinf modeli sifatida ham tanilgan bo‘lib, an’anaviy sinfdan ikki jihatdan farq qiladi: birinchidan, u standart ma’ruzalarni faol va talabalarga yo‘naltirilgan o‘quv faoliyati bilan almashtiradi. Ikkinchidan, talabalarga darsdan tashqari mustaqil bilim olishlari uchun yozilgan ma’ruzalarni tomosha qilish yoki qisqa audiolarni tinglash orqali yangi tushunchalarni o‘rganish imkoniyatini beradi[2].

McNally va boshqalar “flipped classroom”ni tashkil etuvchi to‘rtta elementni sanab o‘tadi: a) talabalarga darsdan oldin tarkibni o‘rganishga yordam beradigan manbalar (masalan, yozib olingan onlayn videolar), b) talabalarni darsga tayyorlashga yordam beradigan strategiyalar (masalan, viktorina, munozara savollari), v) talabalarni baholash mexanizmi - tushunish (masalan, so‘rovnomalar) va d) talabalarga yo‘naltirilgan ta’limni o‘rganishga qaratilgan sinf faoliyati[3].

Lo va Hew larning ta’kidlashicha, “flipped classroom” modeli turli talabalarning ehtiyojlarini qondira oladigan strategiya[4]. Talabalar tushunib olishi uchun o‘quv videolarini to‘xtatib qo‘yishi yoki takrorlashlari mumkin. Tarkibni allaqachon bilgan talabalar vaqtni tejash uchun ko‘rsatma videoning bir qismini o‘tkazib yuborishlari ham mumkin. O‘qituvchilar dars vaqtini tabaqalashtirilgan holda dars berish uchun qo‘llashlari mumkin. Ko‘p guruhli ma’ruza mashg‘uloti o‘rniga o‘qituvchilar, yakka tartibda, talabalarning birgalikda ish olib borishganlarida yordam berishlari mumkin.

Olimlar sinab ko‘rilgan “flipped classroom” modelini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun bir nechta strategiyani taklif qilishdi. Sletten ba’zi talabalar video ma’ruzalar bilan qanday qilib samarali aloqa qilishni bilmasliklarini va mustaqil ravishda o‘rganishga tayyor emasliklarini aniqladilar[5]. U video-ma’ruzalar bilan o‘zaro ishlashda o‘zini o‘zi tartibga soladigan o‘quv strategiyalarini (masalan, mashq qilish strategiyalari, ishlab chiqish strategiyalari) modellashtirishni taklif qildi. O‘qituvchilar, shuningdek, video ma’ruzalar bilan qanday o‘qish kerakligini namoyish qilish uchun talabalar bilan birga sinfdagi dastlabki bir nechta video ma’ruzalarni ko‘rishlari mumkin edi. Moore onlayn videolarining faol ta’limni yaratish bilan bog‘liq bir nechta strategiyalarni taklif qildi, jumladan, videolarning boshida talabalarni tanqidiy fikrlashga undash uchun savol berish va videolar o‘rtasida yoki oxirida qisqa baholash savollari yoki o‘z-o‘zini baholash [6].

SMART-texnologiyalar, ya’ni, aqlli-doskalar, aqlli-o‘quv qo‘llanmalari, aqlli-proektorlar, interaktiv va kommunikativ xarakterdagi elektron o‘quv materiallarini yaratish va tarqatishning dasturiy ta’minotlari hamda ashyolar interneti - IoT (Internet of things) larning tizimlashgan xizmatini joriy etish bu metodikaning mukammal bo‘lishligini ta’minlaydi. Bugungi kunda bu oliy ta’lim muassasalariga o‘quv jarayonini yaxshilashda to‘g‘ri qaror qabul qilish, o‘quv binolari havfsizligini ta’minlash va boshqa qator yo‘nalishlarda ko‘maklashmoqda.

Ma’ruza mashg‘ulotlarida so‘rovnomalar va viktorinalarni raqamli vositalar yordamida o‘tkazish bu jarayonning samaradorligini oshirib, talabalarda fanga bo‘lgan motivatsiyani ham shakllantiradi. O‘qituvchilar ushbu so‘rovnomalar yordamida talabalarning yangi ko‘nikma va bilimlarini, qiziqishlarini aniqlashlari hamda tahlil qilishi mumkin. O‘z navbatida ushbu raqamli tahlillar asosda ta’lim yo‘nalishlari va metodlarini o‘zgartiradilar.

Hozirda onlayn viktorina, test va so‘rovnomalarni tashkil etishda turli interaktiv vositalardan foydalanilmoqda. Web-sayt, dasturiy ilovalar yoki ijtimoiy tarmoqlar, bir so‘z bilan aytganda mobil texnologiyalar endilikda ularni oson va tez o‘tkazish imkoniyatini taqdim etadi. SHunday vositalardan biri Kahoot dasturi bo‘lib, ta’lim sohasida qo‘llanilishi va uning samaradorligi haqida Malayziyalik ilmiy tadqiqotchilar Debbita Tan Ai Lin, Ganapathy, M. va Manjet Kaur ish olib borganlar[7].

Kahoot (*kahoot.com*) – bu o‘yinlarga asoslangan o‘quv vositasi bo‘lib, onlayn viktorina, test va so‘rovnomalarni yaratishga mo‘ljallangan yangi turdagi dasturiy servis hisoblanadi. Garchi bu dastur o‘yin yo‘nalishiga ega bo‘lsa-da, dizayn tamoyillari nisbatan o‘ziga xos o‘quv va o‘qitish kontekstining maqsadlariga parallel ravishda yaratilgan. Dasturning prinsiplari o‘quv jarayoniga ko‘proq jalb qilish va qiziqarli bo‘lish imkonini beradi. Zarzycka-Piskorz ning ta’kidlashicha, Kahoot dasturida o‘yin o‘ynash, intiluvchanlik hamda qat’iyatlilik o‘rtasidagi bog‘liqlikni tasdiqlovchi kuchli dalillar mavjud. O‘qituvchi tomonidan avvaldan tayyorlangan tezkor savol –

javoblar viktorinasi auditoriyadagi ekranda aks ettiriladi. Talabalar esa o'zlaridagi mavjud Internet tarmog'iga ulangan ixtiyoriy qurilma: telefon, planshet yoki kompyuterlari orqali berilgan savolning javobini tanlaydilar. Umumiy olingan natijalar Excel dasturi formatidagi fayl shaklida va Google disk bulut tizimiga saqlashga mo'ljallangan veb formatida shakllantirilib auditoriyadagi ekranda aks etadi. Tizim onlayn rejimda ishlaydi. Tezkor savol – javoblar viktorinasida ishtirok etish uchun kahoot dasturining mobil ilovasini ochish yoki brauzer orqali <http://kahoot.it> manziliga kirib, o'qituvchi kompyuterida taqdim etilgan maxsus pin-kodni kiritish kerak. Ushbu servisning yana bir xususiyati, talabalarning yakka tartibda yoki jamoaviy bo'lib ishtirok etishlari imkoniyatining mavjudligidir.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy ta'limda pedagogik va axborot texnologiyalari integratsiyasidan foydalanib darslarni tashkil etish yangidan-yangi pedagogik tafakkurlashni, fikr yuritishni taqozo etadi. Zamonaviy o'qituvchida faqat keng ko'lamdagi, tizimli bilim, ko'nikma va malakalar talab etiladi. Oliy ta'lim muassasalarida bo'lg'usi o'qituvlarni tayyorlashda o'zini-o'zi uzluksiz, doimiy ravishda rivojlantiruvchi, ijodkor shaxs bo'lishiga motivatsiya uyg'otish va e'tiborni kuchaytirish davr talabidir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. R.Ishmuhammedov, A.Abduqodirov, A. Pardaev. (2010). Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. (tarbiyachi, murabbiy va o'qituvchilar uchun o'quv qo'llanma) – T.: Iste'dod, - 335 b.
2. Long, T., Logan, J. & Waugh, M. (2016). Students' perceptions of the value of using videos as a pre-class learning experience in the flipped classroom. *TechTrends*, 60(3), 245-252.
3. McNally, B., Chipperfield, J., Dorsett, P., Del Fabbro, L., Frommolt, V., Goetz, S., Lewohl, J., Molineux, M., Pearson, A., Reddan, G., Roikos, A., & Rung, A. (2016). Flipped classroom experiences: Student preferences and flip strategy in a higher education context. *The International Journal of Higher Education Research*, 73(2), 281-298.
4. Lo, C. K. & Hew, K. F. (2017). Using „first principles of instruction“ to design secondary school mathematics flipped classroom: The findings of two exploratory studies. *Journal of Educational Technology & Society*, 20(1), 222-236.
5. Sletten, S. R. (2017). Investigating flipped learning: Student self-regulated learning, perceptions, and achievement in an introductory biology course. *Journal of Science Education and Technology*, 26(3), 347-357.
6. Moore, E. A. (2013, May 20). From Passive Viewing to Active Learning: Simple Techniques for Applying Active Learning Strategies to Online Course Videos. Retrieved from Faculty Focus: <http://www.facultyfocus.com/articles/teaching-with-technology-articles/from-passive-viewing-to-active-learning-simple-techniques-for-applying-active-learning-strategies-to-online-course-videos/>
7. Debbita Tan Ai Lin, Ganapathy, M. Manjet Kaur. (2018). Kahoot! It: Gamification in Higher Education. *Pertanika Journal of Social Science and Humanities*. <https://www.researchgate.net/publication/320182671>

INGLIZ TILINI MUSTAQIL O'RGANUVCHILARGA TAVSIYALAR

Boymatov Abdulaziz Abdurashidovich, assistent, Jizzax politexnika instituti

Annotasiya: Ushbu maqolada ingliz tilini o'rganishda mustaqil o'rganuvchilar uchun samarali usullar va tavsiyalar keltirilgan. Maqola xorijiy til o'rganishda til o'rgatish markazlariga borishga imkoniyati yo'qlar uchun qo'l keladi.

Tayanch so'zlar: Nutq, muloqot, talaffuz, blog, podkast, mobil ilovalar, forum, dialog, multimediya.

Аннотация: В этой статье приведены эффективные методы и рекомендации для самостоятельных исследователей при изучении английского языка. Статья предназначена

для тех, кто не имеет возможности посещать языковые центры при изучении иностранного языка.

Ключевые слова: речь, общение, произношение, блог, подкаст, мобильные приложения, форум, диалог, мультимедиа.

Abstract: this article outlines good practices and recommendations for independent researchers in the study of the English language. This article is intended for those who are not able to visit language centers when learning a foreign language.

Keywords: speech, communication, pronunciation, blog, podcast, mobile apps, forum, dialog, multimedia.

Chet tilini o'rganishni boshlash hech qachon kech emas. Buni nafaqat bolalikda, balki boshqa har qanday yoshda ham amalga oshirish mumkin.

Hozirda yoshlar tomonidan eng ko'p o'rganiladigan til, shubhasiz, ingliz tilidir. Tilni o'zingiz uyda o'rganasizmi, til maktabida yoki o'qituvchi bilan o'qiysizmi buni ahamiyati yuq. O'qish, yozish, tinglash va muloqot eng asosiy rivojlantirish kerak bo'lgan ko'nikmalardir. Bularga qo'shimcha grammatika qoidalarini o'rganish va ingliz tilida lug'at boyligini oshirish kerak. Agar muntazam ravishda mashq va to'g'ri ta'lim usuli foydalanayotgan bo'lsangiz, siz tez birinchi natijalarini olishingiz mumkin.

Xo'sh, ingliz tilini o'rganish qay darajada oson? Ushbu tilni qanday qilib tezroq va samaraliroq o'rganish mumkin? Buning uchun quyidagi ko'nikmalar ustida ishlashingiz lozim.

O'qish. O'qish mahoratini rivojlantirish, grammatika va til qurilishini anglash, so'zlarni yodda saqlash, ularning ifoda hamda talaffuzini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Bu ko'nikmani egallash uchun quyidagi usullardan foydalanishingiz mumkin.

Inglizcha kitob, jurnal, gazeta o'qing: Xorijiy til o'rganishning oltin qoidasi – ko'p o'qishdir. Bu ko'nikmaga ega bo'lmay turib, og'zaki va yozma sinovlarda etarli darajada muvaffaqiyatga erisha olmaysiz. Internetdan o'zingizni qiziqtirgan mavzudagi biron kitob, jurnal, gazetani topib, muntazam o'qib boring.

Qo'l telefoningiz va kompyuteringizning tilini inglizchaga o'tkazing: Telefoningiz, kompyuteringiz dasturini inglizchaga o'zgartirish, bajaradigan amalingizni ma'lum bir so'z bilan bog'lash va buni har kuni bajarish so'z boyligingizni orttiradi. Ayni vaqtda ijtimoiy tarmoqlar tilini ham o'zgartirish yangi bilimlar o'rganishingizda yordam beradi.

Mobil ilovalardan foydalaning: Mobil jihozlar va ilovalar ingliz tilini o'rganish istagida bo'lganlar uchun cheksiz imkonidir. Texnika taraqqiyoti yashin tezligida ildamlab borayotgan bir vaqtda bu imkondan foydalanish tamoman sizning ixtiyoringizda. O'qishdan yoki ishdan uyga qaytar ekansiz, telefonga yuklangan bir qancha bepul ilovalar yordamida so'z yodlashingiz o'qish va anglash ko'nikmangizni orttiradi.

Yozish. Inglizcha yozish o'zlashtirilishi eng qiyin malakalardan biridir. Odatda, xorijiy oliy o'quv yurtlariga hujjat topshirmoqchi bo'lgan abituriyentlardan esse, motivatsion maktub yozish talab qilinadi. Yozish davomida qisqa ifodalar o'rniga bog'lovchilar va yordamchi jummalarni qo'llash, fikrni kengaytirilgan holda ifodalay olish juda muhimdir.

Blog yozing: Bugungi kunda blog yozish, fikrlar, qiziqishlar, biror mavzu yuzasidan mulohazalarni bildirish keng tarqalgan. O'zingiz uchun inglizcha bir blog oching. Boshida qiynalishingiz tabiiy, ammo xotirangizdagi so'zlarni "uyg'otish" uchun bu usul juda katta yordam beradi.

Yangi so'zlarni e'tiborda tuting: Bu sizga anchayin tanish usul. Yangi so'zlarni yozilgan qog'oz parchalarini tez-tez ko'zingiz tushadigan erga yopishtiring va ularni har kuni o'qib boring. Buning natijasini esa bir necha kunda o'zingiz ko'rasiz!

Forumlardagi bahslarda ishtirok eting: Tasviriy san'at, musiqa, teatr, adabiyot kabi san'at turlari, shuningdek, siyosat, texnologiya, moda olami, pazandachilik kabi mavzularga qiziqishingiz bo'lsa, demakki, forumlar aynan siz uchun. Qiziqishlari sizga yaqin bo'lgan insonlar bilan bu mavzular haqida fikr almashish, bahslashish yangi so'zlar va iboralarni qo'llashingizga turtki beradi.

Tinglash. Bu ko‘nikmani rivojlantirib borish muhim hamiyatga ega. Ayniqsa, xorijda ta’lim olish istagida bo‘lgan yoshlar borgan mamlakatlarida qiynalmasliklari, darslar, seminarlar yoki bahslarda faol qatnashishlari uchun bu ko‘nikmani rivojlantirishlari lozim.

Inglizcha qo‘shiq tinglang: Xorijiy tilini rivojlantirmoqchi bo‘lganlarga ilk tavsiyalardan biri o‘rganayotgan tillarida ko‘p qo‘shiq eshitishdir. Bu esa ham so‘zlarni, ham ularning talaffuzini o‘rganishingizda, shuningdek, qulog‘ingiz notanish so‘zlarga moslashishida asqotadi. Qo‘shiqni tinglar ekansiz, uning turiga, oson tushunilishiga, qo‘shiq matnining qancha qismini qog‘ozga tushira olishingizga ham diqqat qilib boring.

Inglizcha TV kanallarini tomosha qiling: Nima uchun? Tinglash qobiliyatidan tashqari, siz kundalik hayotdan ko‘plab dialoglarni “o‘zlashtirasiz”, bu ba’zan darsliklarda yozilmaydi. Agar qahramon biron bir jumlani aytganda tushunmadingizmi, bir necha marta qayta ko‘rib, nima uchun bunday deganiga tushunib oling.

Amerika va Angliya TV kanallarida efirga uzatiladigan seriallarni, shoularni, xabarlarni, filmlarni ko‘rish eng foydali usullardan biridir. Dastlabki bosqichda subtitr bilan tomosha qilib, keyin yozuvsiz holda anglashga urinib ko‘ring.

Musobaqalarda qatnashing: Turli millatga mansub nomzodlar qatnashuvchi anjuman va musobaqalarda ishtirok etib, tajriba orttiring. Talaffuzingiz tozalanib borishiga e’tibor qarating.

Podkast tinglang: Podkastlar muayyan bir mavzudagi ovozli yoki tasvirli materiallardir. Podkastlarni ingliz tilida tinglashni odat qiling. Yo‘lda yoki jismoniy faoliyat davomida ingliz tilida biror narsa tinglashni odat qiling. Internet - podkastlariga osonlik bilan etishishda asosiy vosita. Yoqtirgan mavzularingizdagi efirlarni tinglash asta-sekin bu boradagi mahoratingizni oshiradi, sizga motivatsiya beradi. Siz ular aytayotgan hamma narsani tushunishingiz shart emas. Faqat ingliz tiliga ko‘nikib va umumiy ma’nosini tushunishga harakat qiling.

Muloqot. Til muloqotsiz yashamaydi. “Tushunaman, ammo gapira olmayman” degan gaplar bot-bot qulog‘imizga chalinadi. Xorijdagi ish beruvchi tashkilotlar ham TOEFL yoki IELTS kabi sinovlardan olgan sertifikatlaringizga emas, nutq mahoratini qay darajada egallaganingizga e’tibor qaratadi. Demak, bu muhim.

O‘zingiz gaplashing va yozing: Muloqot qilish mahoratini rivojlantirish uchun eng samarali usullardan biri so‘nggi paytlarda mashhur bo‘lgan onlayn va bepul ovoz yozish dasturlaridir. Nutqingizni yozib olib, ona tili inglizcha bo‘lgan do‘stingizga tinglatishingiz, xatolaringiz bo‘lsa, ulardan yordam so‘rashingiz mumkin.

Inglizabon do‘stlar orttiring: Muloqot qila olish mahoratingizni rivojlantirish uchun inglizabon do‘stlar orttiring. Internetdagi ko‘plab saytlar madaniyatlar bilan tanishuv, xorijiy til o‘rganish, dunyoning turli mamlakatlaridan do‘st orttirish uchun mo‘ljallangan platformalardir. Shuningdek, Telegram, WhatsApp, Skype kabi ilovalar yordamida o‘rtoqlaringiz bilan jonli suhbat qurish imkoningiz bor.

Lug‘at yodlang: O‘zingizning so‘z boyligingizni kengaytirishda eng samarali usul bu - lug‘at yodlashdir. Xar kuni yangi so‘zlar yozilgan qog‘ozchalarni mebel, kompyuter va boshqa tez-tez ko‘z tushadigan yuzalarga yopishtirib, undagi so‘zlarni takrorlang.

Grammatikani o‘rganing: Grammatik qoidalarni bilmasdan, ingliz tilidagi nutqingiz hech qachon yaxshi bo‘lmaydi. Buning sababi shundaki, barcha o‘zbek tilidagi o‘quvchilarning asosiy xatosi o‘z ona tilidan doimiy tarjimadir. Ingliz tilida butunlay boshqa qoidalar bor.

Shunday qilib, grammatika darsligini olib va uni boshidan boshlab o‘rganish kerak. Siz bitta tosh bilan ikkita qushni o‘ldirasiz: qoidalarni o‘rganasiz va so‘z boyligini kengaytirasiz.

Internet manbalari:

1. zen.yandex.ru
2. inglishtochka.ru
3. kun.uz

JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA INNOVATSION PEDAGOGIK- TEKNOLOGIYALARNI QO'LLASH

Eryigitov D.X., Jizzax davlat pedagogika instituti Ijtimoiy fanlarda masovafiy ta'lim kafedراسi katta o'qituvchisi

Rezyume: Ushbu maqolada umum ta'lim maktab jismoniy tarbiya darslarida innovatsion texnologiyalari orqali o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangiliklar kiritish va uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan foydalanilishi yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: Innovatsiya, interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalar, jismoniy tarbiya, o'qituvchi, o'quvchi, maktab, dars.

Аннотация: В данной статье рассматривается использование преимущественно интерактивных методов при внедрении и их реализации в деятельность преподавателей и учащихся с помощью инновационных технологий по физическому воспитанию в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: инновация, интерактивные методы, инновационные технологии, педагогические и информационные технологии, физическое воспитание, учитель, ученик, школа, урок.

Annotation: This article discusses the use of predominantly interactive methods in the implementation and implementation of them in the activities of teachers and students using innovative technologies for physical education in secondary schools.

Keywords: innovation, interactive methods, innovative technologies, pedagogical and information technologies, physical education, teacher, student, school, lesson.

Hozirgi kunda zamonaviy texnologiyalar jadal rivojlanish davrida jahon fani va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirishning, mamlakatni munosib kelajagini barpo etish bugungi kunning muhim omili bo'lib bormoqda[1].

Mamlakatimizda ta'lim tizimining moderinizatsiya qilinishi, ta'lim muassasalarida shart-sharoitlar, yuqori malakali mutaxassislariga bo'lgan ehtiyoj va talabning o'sib borishi nafaqat oliy ta'lim muassasalari balki faoliyati samaradorligida ta'sir etuvchi omillarni aniqlash, ularning innovatsion faoliyatini tashkil etish va muvofiqlashtirib borishda bugungi kunda muhim muammolarni bartaraf etishga qaratilgan talablardan biri desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi[2,3]. O'qituvchi bu jarayonda shaxsni rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Shuning uchun oliy o'quv yurtlarida malakali kasb egalarini tayyorlashda zamonaviy o'qitish metodlari-interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ro'li benihoyat kattadir.

Pedagogik texnologiya va pedagog mahoratiga oid bilim, tajriba va interaktiv metodlar o'quvchilarni bilimli, yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi.

Innovatsiya (inglizcha innovation) - yangilik kiritish, yangilikdir. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish bo'lib, uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to'liq foydalaniladi. Interaktiv metodlar bu jamoa bo'lib fikrlash, o'zaro harakat qilmoq deb yuritiladi, ya'ni pedagogik ta'sir etish usullari bo'lib ta'lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, ularga quyidagilar kiradi[4]:

- o'quvchining dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etishi;

- o'quvchilarni o'quv jarayonida bilimga bo'lgan qiziqishlarini doimiy ravishda bo'lishini ta'minlashi;

- o'quvchining bilimga bo'lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondoshgan holda kuchaytirishi;

- pedagog va o'quvchining hamisha hamkorlikdagi faoliyatini yuritilishi.

Pedagogik texnologiyalar masalalari, muammolarini o'rganayotgan o'qituvchining fikricha, pedagogik texnologiya bu faqat axborot texnologiyasi bilan bog'liq, hamda o'qitish jarayonida ko'llanishi zarur bo'lgan texnik vositalar, kompyuter, masofali o'qish, yoki turli xil texnikalardan foydalanish deb belgilanadi.

Bizning fikrimizcha, pedagogik texnologiyannng eng asosiy negizi bu o'qituvchi va o'quvchining belgilangan maqsaddan kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishishlari uchun tanlagan texnologiyalariga bog'liq deb xisoblaymiz.

O'qitish jarayonida, maqsad bo'yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo'llaniladigan har bir ta'lim texnologiyasi o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erisha olsa, o'quv jarayonida o'quvchilar mustaqil fikrlay olsalar, izlansalar, tahlil qila olsalar, o'zlari xulosa qila olsalar, o'zlariga, sinfga, sinf esa ularga baho bera olsa, o'qituvchi esa ularning bunday faoliyatlari uchun imkoniyat va sharoit yarata olsa, bizning fikrimizcha, ana shu, o'qitish jarayonining asosi hisoblanadi.

Har bir dars, mavzu, o'quv predmetining o'ziga xos texnologiyasi bor, ya'ni o'quv jarayonidagi pedagogik texnologiya bu yakka tartibdagi jarayon bo'lib, u o'quvchining extiyojidan kelib chikkan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishiga qaratilgan pedagogik jarayondir.

O'qituvchi va o'quvchining maqsaddan natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan, bunda o'quvchilarning bilim saviyasi, sinf harakteri, sharoitga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi.

Shu bilan bir qatorda o'qitish jarayonini oldindan loyixalashtirish zarur, bu jarayonda o'qituvchi o'quv predmetining o'ziga xos tomonini, joy va sharoitni, texnik vositalarni, eng asosiysi, o'quvchining imkoniyati va extiyojini hamda hamkorliqdagi faoliyatni tashkil eta olishini hisobga olishi kerak, shundagina, kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkii.

O'qitish jarayonida o'quvchilarga shaxs sifatida qaralishi, pedagogik texnologiyalar hamda zamonaviy metodlarni qo'llanilishi ularni mustaqil, erkin fikrlashga, izlanishga, har bir masalaga ijodiy yondoshish mas'uliyatni sezish, tahlil qilish, o'qishga, fanga, va o'zi tanlagan kasbiga bo'lgan qiziqishlarini kuchaytiradi.

Bunday natijaga erishish amaliyotda o'quv jarayonida innovatsion va axborot texnologiyalarni qo'llashni taqozo etadi.

Tadqiqotning maqsadi: Jismoniy madaniyat darslarida innovatsion pedagogik-texnologiyalarni qo'llashning samaradorligini oshirish yo'llari.

Tadqiqotning metodlari: Biz jismoniy tarbiya dars jarayonida qo'llash mumkin bo'lgan interfaol metodlarning ba'zilarini o'tkazish tartibi to'g'risida uslubiy ko'rsatmalarni yoritishga erishdik:

- **bumerang texnologiyasi** o'quvchilarni dars jarayonida, darsdan tashqarida turli adabiyotlar, matnlar bilan ishlash, o'rganilgan materialni yodida saqlab qolish, so'zlab bera olish, fikrini erkin xolda bayon eta olish hamda bir dars davomida barcha o'quvchilarni baxolay olishga qaratilgan.

- **blis-o'yin metodi** harakatlar ketma-ketligini to'g'ri tashkil etishga, mantiqiy fikrlashga, o'rganayotgan predmeti asosida ko'p, xilma-xil fikrlardan, ma'lumotlardan kerakligini tanlab olishni o'rgatishga qaratilgan.

- **tarmoqlar metodi** o'quvchini mantikiy fikrlash, umumiy fikr doirasini kengaytirish, mustaqil ravishda adabiyotlardan foydalanishni o'rgatishga qaratilgan.

- **3x4 texnologiyasi** o'quvchini erkin fikrlashi, keng doirada turli g'oyalarni bera olishi, ta'lim jarayonida yakka, kichik guruh holda tahlil etib, xulosa chiqara olishi, ta'rif bera olishiga karatilgan.

- **intervyu texnikasi** o'quvchi savol berish, eshita olish, to'g'ri javob berish, savolni to'g'ri tuzishni o'rgatishga qaratilgan.

- **ierarxiya texnikasi** oddiydan murakkabga, murakkabdan oddiyga o'tish usullarini ko'llash orqali ularni mantiqiy, tanqidiy, ijodiy fikrlashga o'rgatishga qaratilgan.

Xulosa qilib aytganimizda o'qitish jarayonini samarali va natijali bo'lishini ta'minlashga yo'naltirilgan quyida keltirilgani interfaol uslublari o'quvchilarning darslarini o'z vaqtida, samarali o'zlashtirishlarida muhim ahamiyat kasb etib dars samaradorligi yanada oshadi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "O'zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi farmoni Jizzax xaqiqati gazetasi 2017 y 2-dekabr.

2. Kenjaboev A.T. "Axborot kommunikatsiyasi texnologiyalari" (o'quv qo'llanma) Toshkent. 2017 y.

3. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari: -T.: «O'qituvchi», 2004 y.

4. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar. Toshkent: 2008y.

TA'LIM JARAYONIDA NAZARIY BILIM VA AQLIY LAYOQATNI BAHOLASH METODLARI

*G'ulomova Aziza Abdumo'min qizi, Jizzax politexnika instituti
"Bino va inshootlar qurilishi" kafedراسi assistenti*

Annotasiya: Ushbu maqolada hozirgi paytda respublikamiz ta'lim muassasalarida qo'llanilib kelinayotgan baholash tizimi haqida ma'lumot berildi. Besh ballik baholash tizimining afzalliklari va baholashning reyting tizimining afzalliklari. Baholashning reyting tizimidagi ta'lim jarayonidagi nazorat turlari.

Kalit so'zlar: Baholash mezoni, besh ballik tizimda baholash, reyting tizimida baholash, dastlabki nazorat, oraliq nazorat, tematik nazorat, yakuniy nazorat.

Аннотация: В статье представлена информация о системе оценивания, применяемой в настоящее время в учебных заведениях страны. Преимущества пятибалльной системы оценок и преимущества системы оценок. Виды контроля учебного процесса в рейтинговой системе оценивания.

Ключевые слова: критерии оценки, оценка по пятибалльной шкале, оценка по рейтинговой системе, предварительный контроль, промежуточный контроль, тематический контроль, итоговый контроль.

Annotation: This article provides information about the assessment system currently used in educational institutions of the country. Advantages of a five-point grading system and advantages of a grading rating system. Types of control in the educational process in the rating system of assessment.

Keywords: Evaluation criteria, evaluation on a five-point scale, evaluation on a rating system, preliminary control, intermediate control, thematic control, final control.

Hozirgi kunda barcha ilg'or kishilar shuni tan olmoqdalarki, xalq ta'limining kelajagi bizning bugungi yoshlarimizning qay darajada bilim olishi va uni o'zlashtirishiga bog'liqdir. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" gi qonuni, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" da shu narsa ko'rsatib o'tiladiki, yoshlar o'z kasblarini qanchalik yaxshi ko'rsa, qiziqsa darsga tayyorlanish sifati yaxshi bo'lsa mamlakatimizning iqtisodiy rivojlanishi, sog'liqni saqlashi va

madaniyati shuncha yuksak bo'ladi. Bu masalani xalq etishda bizning davlatimiz kadrlar tayyorlashning sifatiga alohida e'tibor bermoqda.

Xalq ta'limiga katta e'tibor bergan holda kadrlar tayyorlashni yaxshi yo'lga qo'ygan davlatlarda katta yutuqlarga erishish bilan birga ular rivojlanishi ham yuksak bo'ladi. Bu soha ko'p qirrali bo'lib, ko'p jihatdan oliy o'quv yurtlarida tayyorlanayotgan kadrlarga, ularning o'z sohasi bo'yicha mutahassis sifatida namoyon eta olishiga bog'liqdir. Hozirgi kunda talaba bilimni baholash asosan xususiy metodlarga bog'lanib, turli, ilmiy-amaliy muammolar keng qo'llanilmoqda. Ayni paytda talaba bilimni baholash eski va yangi uslubda, obyektiv va subyektiv hamda kompyuter orqali aniqlanmoqda. Keyingi paytda obyektiv usullardan biri bu test usuli bo'lib, undan juda ko'p foydalanilmoqda.

Ta'lim jarayonida ta'lim oluvchilar tomonidan o'quv materiallari o'zlashtirilganligini, ko'nikma va malakalar hosil bo'lganligini hisoblanadi. Hozirgi kunda respublikamiz ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Hozirgi paytlarda Respublikamiz ta'lim muassasalarida quyidagi ikkita baholash tizimi qo'llanilib kelinmoqda.

1. Baholash besh ballik tizimi.
2. Baholashning reyting tizimi.

Ta'lim oluvchilarning bilimni baholash: "5" (a'lo), "4" (yaxshi), "3" (o'rta), "2" (yomon).

Besh ballik baholash tizimining afzalliklari:

- Ta'lim oluvchilarni rag'batlantiriladi;
- Ta'lim oluvchining vaqti tejraladi;
- Baholashning qulayligi;
- Rasmiylashtirish xujjatlarining kamligi.

Baholashning reyting tizimidagi ta'lim jarayonida quyidagi nazorat turlari orqali aniqlanadi:

- Xulqni-nazorat qilishni baholash.
- Nazariy va amaliy bilimlarni baholash.

Reyting tizimini afzalliklari:

- Xaqqoniy baholanishi.
- Yozma nutqning o'sishi.
- Ta'lim oluvchining bilimga bo'lgan ishtiyoqi sezilarli darajada oshadi.
- Ta'lim oluvchining muntazam shug'ullanishiga undaydi.

Nazariy bilimlar va aqliy layoqatini baholashda baholashning umumiy tamoyillaridan kelib chiqqan holda metodlardan foydalaniladi.

Baholash metodlari nazariy bilimlarni o'zlashtirganlik, ya'ni o'quv maqsadlariga erishganlik darajasini ma'lum vositalar, mezonlar va meyyorlar asosida aniqlashni hamda o'lchashni taminlovchi bosqichlar tizimidan iborat. Nazariy bilimlarni baholashda quyidagi topshiriq shakllaridan foydalaniladi.

Ta'lim jarayonida ta'lim oluvchilarni nazariy bilimlari va aqliy layoqatini baholashda og'zaki va yozma baholash topshiriq shakllaridan foydalaniladi.

Og'zaki shaklning ochiq turi deganda ta'lim oluvchining so'ralgan material yuzasidan ma'lumotlar bilan bir qatorda erkin va ijodiy yondashish asosida javob berishi nazarda tutiladi. Yopiq turda esa ta'lim oluvchi faqat berilgan material doirasida javob berish bilan cheklanib qoladi. Og'zaki topshiriqlarni bajarish jarayonida ta'lim oluvchilarning bilimlari bilan birga o'zini tutishi reaksiyasi va muloqot qilish qobiliyati inobatga olinadi.

Agar test topshirig'i javoblari aniq va qisqa variantlaridan iborat bo'lsa, buyo yopiq testlar deb ataladi. Talabalar bilimni test orqali baholash hamma vaqt ijobiy natija beradi.. Talabani bilim, malaka va ko'nikmalarni baholash hamda kadrlar tayyorlashni yaxshilashda test va oliygoh va kasb hunar kollejlari litseylarda keng qo'llanilmoqda.

Test nazariyasi qo'llash vaqtlariga qarab quyidagi turlarga bo'linadi:

1. Dastlabki nazorat talabani bilim darajasini aniqlashda qo'llaniladi
2. Joriy nazorat talabani o'quv prosesida olgan bilimlari nazorat qilishda qo'llaniladi

3. Tematik nazorat talabani o'atilgan mavzular bo'yicha talabalar bilimining qanday o'zlashtirilganligi aniqlashda qo'llaniladi.
4. Tashqi nazorat (sinov). Bunda programma bo'yicha talabani o'zlashtirilgan bilimlari ninab nazorat qilinadi.
5. Yakuniy nazorat, bunda talabani o'quv semestr bo'yicha yoki yil davomida shuningdek muttahasligi bo'yicha o'zlashtirgan bilimlar yakunlab baholanadi. Bular bitirish imtihoni, diplom himoyasi va hokazo.

Test nazariyasining asosiy forma va metodlari asosan oliygohlarda qo'llanilib, yozma ish tariqasida, sinov, seminar, laboratoriya va kurs ishlari tariqasida namoyon etilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ayubjonov A. "Iqtisodchi kadrlarni tayyorlashda pedagogika fanining o'rni. Iqtisodiyot va ta'lim", 2002 yil 3-son 126- 129-betlar.
2. Voinova M. G., A xrarova G.P., "Pedagogika". Uchebnoe posobie. - T.: TDYuI, 2006.
3. G'aybullaev N.R., Yodgorov R, M amatqulova R, "Pedagogika". O'quv qo'llanma. -T.: O'ZMU, 2005.
4. Ziyomuxamedov B. "Pedagogika". -T.: "Turon-Iqbol", 2006.
5. N. Ataeva, F. Rasulov, S. Hasanov. "Umumiy pedagogika" (Pedagogika nazariyasi va amaliyoti asoslari) O'quv qo'llanma. T o s h k e n t-2 0 1 1

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTREFAOL TA'LIM METODLARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Haydarov Dilshod Shog'darovich, Jizzax davlat pedagogika instituti, o'qituvchi

Annotatsiya: Bugungi kunda ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari keng qo'llanilmoqda. O'qitishning zamonaviy metodlarini qo'llash o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ushbu maqolada ta'lim samaradorligini oshirishda interfaol ta'lim metodlaridan foydalanishning ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

Tayanch so'zlar: texnologiya, pedagogik texnologiya, ta'lim, samaradorlik, guruh, metod, natija.

Annotation: Today, modern teaching methods are widely used in the educational process. The use of modern teaching methods leads to high efficiency in the teaching process. This article discusses the importance of using interactive teaching methods to increase learning effectiveness.

Keywords: technology, pedagogical technology, education, efficiency, group, method, result.

Аннотация: Сегодня в учебном процессе широко используются современные методы обучения. Использование современных методов обучения приводит к высокой эффективности учебного процесса. В этой статье обсуждается важность использования интерактивных методов обучения для повышения эффективности обучения.

Ключевые слова: технология, педагогическая технология, обучение, эффективность, группа, метод, результат.

Mustaqillik yillari tom ma'noda O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti istiqbolini belgilash, jahon hamjamiyati mamlakatlari safidan munosib o'rin egallashga intilish yo'lidagi keng ko'lamlislohotlarni amalga oshirish bilan kechmoqda. Jahonning rivojlangan mamlakatlari tajribalarini o'rganish, mahalliy shart-sharoit, iqtisodiy va intellektual resurslarni inobatga olgan holda jamiyat hayotining barcha sohalarida tub islohotlarning amalga oshirilayotganligi yangidan-yangi yutuqlarga erishishni ta'minlamoqda. Turli sohalarda yo'lga qo'yilayotgan xalqaro hamkorlik garchi o'z samarasini berayotgan bo'lsa-da, biroq, milliy mustaqillikni har jihatdan mustahkamlash, erishilgan yutuqlarni boyitish, mavjud kamchiliklarni tezkor bartaraf etish jamiyat a'zolaridan alohida fidokorlik, jonbozlik, shijoat va qat'iyat ko'rsatishni talab etmoqda.

Ilm-fan, texnika, ishlab chiqarish va texnologiya sohalarining mavjud taraqqiyoti zamonaviy jamiyat qiyofasini belgilab bermoqda. Zamonaviy jamiyatning eng muhim xarakterli jihati uning barcha sohalarida globallashtirishning koʻzga tashlanayotganligidir. Globallashtirish oʻz-oʻzidan tezkor harakatlanish, zarur axborotlarni zudlik bilan qoʻlga kiritish, ularni qayta ishlash va amaliyotga samarali tatbiq qilishni taqozo etadi. Bu tarzda harakatlanish imkoniyatiga oʻz sohasining bilimdoni boʻlgan, kasbiy malakalarni yuqori darajada egallay olgan, boy tajriba va mahoratga ega kadrlargina ega boʻladilar. SHunday ekan, talabalarni (boʻlajak oʻqituvchilarni) tayyorlash jarayonida davrning mazkur talabini inobatga olish maqsadga muvofiqdir.

Ayni vaqtda Respublika ijtimoiy hayotiga shiddatli tezlikda axborotlar oqimi kirib kelmoqda va keng koʻlamni qamrab olmoqda. Axborotlarni tezkor surʼatda qabul qilib olish, ularni tahlil etish, qayta ishlash, nazariy jihatdan umumlashtirish, xulosalash hamda oʻquvchiga etkazib berishni yoʻlga qoʻyish taʼlim tizimi oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Taʼlim-tarbiya jarayoniga pedagogik texnologiyani tatbiq etish yuqorida qayd etilgan dolzarb muammoni ijobiy hal etishga xizmat qiladi

Hozirgi vaqtda taʼlim jarayonida oʻqitishning zamonaviy metodlari keng qoʻllanilmoqda. Oʻqitishning zamonaviy metodlarini qoʻllash oʻqitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Taʼlim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi.

Anʼanaviy dars shaklini saqlab qolgan holda, unga turli-tuman taʼlim oluvchilar faoliyatini faollashtiradigan metodlar bilan boyitish taʼlim oluvchilarning oʻzlashtirish darajasining koʻtarilishiga olib keladi. Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil qilinishi, taʼlim beruvchi tomonidan taʼlim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ularning taʼlim jarayonida faolligi muttasil ragʻbatlantirilib turilishi, oʻquv materialini kichik-kichik boʻlaklarga boʻlib, ularning mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, bahs-munozara, muammoli vaziyat, yoʻnaltiruvchi matn, loyiha, rolli oʻyinlar kabi metodlarni qoʻllash va taʼlim oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

Bu metodlarni interfaol yoki interaktiv metodlar deb ham atashadi. Interfaol metodlar deganda-taʼlim oluvchilarni faollashtiruvchi va mustaqil fikrlashga undovchi, taʼlim jarayonining markazida taʼlim oluvchi boʻlgan metodlar tushuniladi. Bu metodlar qoʻllanilganda taʼlim beruvchi taʼlim oluvchini faol ishtirok etishga chorlaydi. Taʼlim oluvchi butun jarayon davomida ishtirok etadi. Taʼlim oluvchi markazda boʻlgan yondoshuvning foydali jihatlari quyidagilarda namoyon boʻladi:

- taʼlim samarasi yuqoriroq boʻlgan oʻqish-oʻrganish;
- taʼlim oluvchining yuqori darajada ragʻbatlantirilishi;
- ilgari orttirilgan bilimning ham eʼtiborga olinishi;
- oʻqish shiddatini taʼlim oluvchining ehtiyojiga muvofiqlashtirilishi;
- taʼlim oluvchining tashabbuskorligi va masʼuliyatining qoʻllab-quvvatlanishi;
- amalda bajarish orqali oʻrganilishi;
- ikki taraflama fikr-mulohazalarga sharoit yaratilishi.

Taʼlim jarayonida interfaol metodlardan foydalanish nafaqat oʻquvchilarga balki oʻqituvchiga ham bir qancha qulayliklarni yaratadi. Demak, ilm-fan, texnika, ishlab chiqarish va texnologiyaning rivojlanishi taʼlim tizimida ham tub oʻzgarishlar sodir boʻlishiga olib keladi. Taʼlim tizimining modernizatsiyasi davlat va jamiyat malakali kadrlarga, shaxsning esa sifatli taʼlim olishga boʻlgan ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda roʻy beradi.

Taʼlim amaliyotida pedagogik texnologiyalarning qoʻllanilishi taʼlim tizimi modernizatsiyasining tarkibiy elementi hisoblanadi. Zamonaviy sharoitda taʼlim-tarbiya jarayonlarini texnologiyalashtirish kam kuch va vaqt sarflagan holda kutilayotgan natijani qoʻlga kiritishga imkon beradi, oʻqitish sifatini yaxshilab, samaradorligini oshiradi.

Foydalанилган адабиётлар:

1. Innovatsion taʼlim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., Toʻraev A.B. – T.: “Sano standart” nashriyoti, 2015. – 81-b.

2. Ishmuhamedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari /O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilarining malakasini oshirish va qayta tayyorlash fakulteti tinglovchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'qituvchilari uchun uslubiy tavsiyalar. – T.: TDPU, 2004.

3. Yo'ldoshev J.G., Usmonov S. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. – T.: O'qituvchi, 2004.

INNOVATSION TA'LIMDA PEDAGOGIK MAHORATNING AHAMIYATI

Matchanova Muxabbat Botirovna, JizPI, katta o'qituvchi

ANNOTATSIYA. *Ushbu maqolada innovatsion ta'lim-tarbiya sohasida pedagogik mahoratning ahamiyati, pedagogning dars o'tish san'ati, pedagogik muloqot, ta'lim sohasida innovatsion tizim yaratish, darsni tashkil etish san'ati haqida so'z yuritilgan.*

ANNOTATSIYA. *В данной статье речь идёт об важности педагогических навыков в сфере инновационного образования, педагогического искусства, педагогической коммуникации, создания инновационной системы в образовании, искусства организации уроков.*

ANNOTATION. *This article deals with the importance of pedagogical skills in the field of innovative education, pedagogical art, pedagogical communication, the creation of an innovative system in education, the art of organizing lessons.*

TAYANCH SO'ZLAR: *Pedagog, innovatsiya, o'qitish metodlari, pedagogik texnologiya, innovatsion tizim, talabalarni faollashtirish, qobiliyat.*

КЛЮЧ СЛОВА: *Педагог, инновация, методы обучения, педагогические технологии, инновационная система, активизация учащихся, способности.*

KEY WORDS: *Educator, innovation, teaching methods, pedagogical technologies, innovation system, student activation, abilities.*

Mamlakatimizda yosh avlod ta'lim-tarbiyasiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ta'lim-tarbiya sohasida innovatsion tizim yaratish, o'qitish metodlari, ta'lim standartlari, darslik va o'quv qo'llanmalarni yangilash zarurligi, bilim berishda chet eldagi ilg'or tajribalardan foydalanish, tarbiyada esa milliy an'ana va qadriyatlarga suyanish muhim omillardan biridir. "Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari" degan tamoyilga asoslangan holda, yosh avlodni bolalikdan milliy g'urur va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash pedagoglar oldida turgan eng muhim vazifadir. Ma'lumki har bir pedagog, albatta, unga davlat jamiyat tomonidan qo'yiladigan talablar asosida pedagogik kasbning xususiyatlari, madaniyatlari va vazifalarini yuqori darajada tushungan holda ilmiy va ilmiy-uslubiy izlanishlar natijasida ixtisoslik fanlarini sobit qadamlik bilan to'la-to'kis egallab, bu fanlarni yuqori darajada talabalar ongiga singdira olish usul va uslublardan foydalangan holdagina bu sharaflil kasbning bilimdoniga aylanishi mumkin. CHindan ham, dunyo miqyosida raqobat yanada kuchayib boradigan, o'ta murakkab bir davrda yashaydigan yoshlarni kelajakka tayyorlab, sog'lom va barkamol insonlar etib voyaga etkazish ta'lim-tarbiya sohasi va pedagog mehnatining tub mohiyatini tashkil etadi. SHu ma'noda, bugungi kun pedagogi universal mutaxassis, ham o'rgatuvchi, ham o'rganuvchi bo'lishi, ya'ni, o'z ustida tinimsiz ishlashi, doimo izlanib yashashi kerak. Albatta, pedagog- o'z ishining ustasi, o'z fanini chuqur biluvchi, fanning mos sohalari bilan yaxshi tanish, amalda umumiy va yoshlar psixologiyasini yaxshi tushunuvchi, o'qitish va tarbiyalash metodikasini har tomonlama biluvchi hamda yuqori madaniyatga ega bo'lgan mutaxassisdir.

«Tarbiyachi o'zini shunday tutishi kerakki, uning har bir harakati tarbiyalasin va har doim u o'zining nimani hohlaganligini va nimani hohlamasligini bilishi zarur. Agar tarbiyachi buni bilmasa, u kimni tarbiyalay oladi», - deydi A.S. Makarenko.

Pedagogning mahorati, har qanday sharoitlarda ham, kerakli darajadagi tarbiyalanganlik, rivojlanganlik va bilimdonlarni tarbiya qiluvchi o'quv jarayonini tashkil qila olishidan iborat. Haqiqiy pedagog istalgan savolga to'g'ri javob topa oladi, talabaga o'ziga xos yo'l bilan yaqinlasha oladi, uni rag'batlantiruvchi fikrlar bilan uni o'ziga tortadi. Bunday pedagog o'z fanini chuqur

biladi, o'qitilayotgan fanning rivojlanishi, kelajagini biladi, shular bilan birga zamonaviy adabiyotni, madaniyat va yangiliklarni, xalqaro hodisalarni tahlil qila oladi, u talabalari yaxshi ko'radigan ommabop jurnallarni o'qib o'z ustida ishlaydi. Pedagoglik san'ati, ayniqsa, darslarda o'qitishni bilishdan iborat. Tajribali pedagog tinglovchilarning dasturiy materialni dars paytida o'zlashtirishlariga erishadi. Uning uchun uy ishi bilimlarni mustahkamlash, chuqurlashtirish va kengaytirish usulidan iborat. Pedagog mahoratining asosiy ko'rsatgichlaridan biri-talabalarni faollashtirish, ularning qobiliyatlarini, mustaqilligini va talabchanligini o'stirishdan iborat. Pedagogik mahoratning keyingi tashkil etuvchisi-bu tarbiyaviy ishni o'qitish jarayonida samarador o'tkaza olishi, talabalarda yuqori ma'naviyat vatanparvarlik, mehnatsevarlik, mustaqillikni shakllantirishdan iborat. Pedagogik mahoratning asosiy belgilaridan biri o'qituvchi pedagogik texnikasining yuqori darajasi hisoblanadi. Pedagogik texnikaning egallanganlik darajasi pedagogik qobiliyatning tashkiliy qismidan iborat bo'lib, u pedagogika, psixologiya va alohida amaliy tayyorlanganlik bo'yicha chuqur bo'lishini talab qiladi. Pedagogik texnikaning tashkiliy qismi-pedagogning talabalar e'tibori va o'zining e'tiborini boshqara olishidan iborat.

Pedagogik muloqot mahorati. Pedagogik muloqot-tarbiya maqsadlarida pedagog bilan talabalar orasidagi kontaktlardir. U pedagogning talabalarga kasbiy ta'siridan iborat va u o'quv tarbiya faoliyatini va ular orasidagi munosabatlarni optimallashtirishga qaratilgan.

Pedagogik muloqot texnikasi uchun pedagog nutq madaniyatiga ega bo'lish, to'g'ri nafas olishni ishlab chiqish eng katta-eng asosiy qiymatdir. Og'zaki nutq mahoratini yuksaltirish, nafaqat hikoya va tushuntirish, balki urg'u berilgan so'z ham pedagogik ta'sir usullaridan yaxshiroq foydalanishga imkon yaratadi. Pedagog o'zining ovozi va ko'rinishini boshqarishni bilishi, tashqi qiyofani, mimikani ushlab turishni bilishi zarur. Men fakat «buyoqqa kel» degan so'zni 15-20 xilda gapira olganimdan, tashqi qiyofa va ovozni 20 ko'rinishda bera olganimdan so'nggina haqiqiy masterga aylandim,- deydi buyuk pedagog A.S. Makarenko.

Xulosa qilib shuni takidlash kerakki, pedagogik mahorat, pedagogik faoliyat rivojining yuqori darajasini ifodalab, pedagogik texnologiyalarning egallanganligini, shu bilan birga u pedagog shaxsining to'la ifodasini, uning tajribasi, xalqparvarligi va kasbiy holatini ko'rsatadi. Pedagogning mahorati bu pedagogik jarayonning yuqori sifatlarini aniqlovchi shaxsiy ish sifatleri va shaxsiy xususiyatlarining sintezidan, ya'ni yig'indisidan iborat. Shunday qilib, pedagogik mahoratning barcha tomonlarini hisobga olib uni quyidagicha yakunlash maqsadga muvofiq:

-Pedagogik mahorat, avvalo, pedagogning (muallimning) maxsus kasbiy salohiyatiga bog'liq bo'lganidan fanlarni o'qitish jarayonida ularning shakllari (ma'ruza, laboratoriya va seminar mashg'ulotlari)dan qat'i nazar pedagog talabalarda zaruriy bilim darajasini shakllantiradi va uni egallash qobiliyatlarini rivojlantirib, fanga hurmatni uyg'otish asosida ularni tarbiyalash jarayonini boshqarishdan iborat.

O'qituvchining pedagogik mahorati quyidagi asosiy qismlardan tashkil topishi mumkin:

1. Pedagog o'z fikrini, iloji boricha, sodda, ravon va etarlicha to'ralikda tinglovchiga etkaza olishi va boshqa omillarga bog'liq bo'lgan o'qitish ishlarini bajarishi zarur;
2. Darsni tashkil qilishda tinglovchining bilim darajasi, ularning taqdim etilayotgan bilimlarni qabul qila olish mahorati va intilishini hisobga olgan holda ma'ruza, seminar va h.z. tayyorlangan bo'lishi va nihoyat o'qituvchining talabalarni o'zi bilan bir xilda intilib borishini- bir fazada ishlashini tashkil eta olishi;
3. O'qitish metodlari va usullarini har tomonlama egallagan bo'lishi.
4. Pedagogning salohiyati o'tilayotgan fan yo'nalishida ishni aniq va samarali bajarishi uchun zarur bo'lgan pedagogik talabga javob berishi, fanning tarkibiga kiruvchi maxsus bo'limlar yuqori darajada egallangan bo'lishi va o'z harakatlariga javobgarlikni bilishi;
5. Pedagog o'z darsi davomida talabalarda o'tkazilayotgan mashg'ulotlardan qoniqish hosil qilishiga erisha olishi va o'zi tuzgan dars rejasining tug'riligi haqida ishonch hosil qilib o'z ustida yanada yaxshiroq ishlashga intilishi;
6. Pedagog mahoratni egallashi uchun tarbiya berish qonunlarini, tamoyillarini va ularning tarkibiy qismlarini bilishi zarur, ya'ni har bir aniq holat uchun o'qitish metodini tanlash, jarayoni berilgan daraja va sifatida loyihalashni bilishi;
7. Pedagogning har qanday sharoitda ham talabalarining etarli tarbiyalanganlik darajasi, rivojlanishi va zaruriy bilimlariga ega bo'lishiga erishishi;
8. Pedagog talabaning har qanday savoliga javob topishi, unda qoniqish hosil qilishi zarur.

Bunga erishish uchun pedagog o'z fanini chuqur bilishi uning rivojlanish istiqbolini ko'ra bilishi kerak; 9. Pedagogning dars o'tish san'ati o'tilayotgan mavzuni undan oldingi va uyga berilgan mavzular bilan bog'langan holda talabalarning faolligini oshirish orqali chukur o'zlashtirishga erisha olishi; 10. Pedagogning o'quv jarayonida samarali tarbiyaviy ish olib borishi, yuqori ma'naviyat va vatanparvarlik tuyg'ulari, hamda mehnatsevarlikni shakllantira olishi zarur; 11. Talabalarni o'tilayotgan mavzuga jalb qilib, ularning faolligini oshirish va qobiliyatlarini mustahkamlash asosida ularni ilmiy jihatdan rivojlantirishga erisha olishi; 12. Pedagogning vazifasi o'quv jarayonida ijobiy tuyg'ularni yaratish yo'lini topishi va talabalar bilan birgalikda fikr yuritib va o'quv muammosining echimini izlashda muvaffaqiyatga erishsalar, unda pedagog darsni to'g'ri tashkil qilgan, deb baholash mumkin. 13. Pedagog tomonidan o'tkaziladigan har bir mashg'ulot talabalardan tahlilni, materialni qismlarga ajrata olishni, taqqoslash asosida ular orasidagi bog'liklikni hosil qilishga o'rgatish va boshqalardan iborat bo'lishi maqsadga muvofiq.

Shunday qilib, pedagogik mahorat - o'qituvchining shaxsiy madaniyati, katta nazariy va amaliy bilimlar egasi ekanligi, o'qitish va tarbiyalash usullaridan mohirona foydalana olishi-pedagogikaviy texnika, ya'ni fanni o'rgatishda aniq mantiqiy tartibni, ketma-ketlikni, o'zaro va fanlar orasidagi bog'lanishlar tizimining bir butunligini saqlagan holda talabalarda zamonaviy fan va texnika taraqqiyotidan mohirona foydalana olish, fikrlash qobiliyati va isbot, hamda talabalar tafakkurini rivojlantirishdan iborat.

Demak, yuqorida keltirilgan maqsadlarni amalga oshirish uchun pedagog tinmay va uzluksiz ravishda o'z malakasini oshirish ustida ishlashi, o'zgalarning foydali maslahatlari, o'tmishdagi buyuk allomalarning o'qitish mahoratlari hamda ilg'or zamonaviy pedagogik texnologiyalarning tahlili asosida olib boriladigan mahoratga erishish mumkin. Bu maqsadlar uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarga erishishning hozirgi davrdagi birdan-bir yo'li zamonaviy axborot texnologiyalaridan samarali va mohirona foydalanishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov. Barkamol avlod –O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T., Sharq, 1997 y.
2. N.Azizxo'jaeva. «Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat». T.2003 y.
3. Norpo'latova X, Ergasheva O. Pedagogik mahorat. TerDU.2014 y.
4. N.S. Sayidaxmedov. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya.Fan va texnologiya nashriyoti. 2014y.

TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION USLUBLARNI ISHLAB CHIQUISH VA JORIY ETISHNING TASHKILIY JIHLTLARI

***Qosimov Sunnat Hatamovich, katta o'qituvchi, JizPI.
Raxmatullaev Mustafuqul, dotsent, JizPI***

Annotasiya. Ushbu maqolada ta'lim jaroyonida innovatsion uslublarni ishlab chiqish va joriy etishning tashkiliy jihatlari, - reyting tizimi, o'quvchilarni tayyorlash, Davlat ta'lim standartlarini joriy qilishdagi ilg'or tajribalar majmuasini yaratish masalalari yoritilgan;

Аннотация. В данной статье освещены организационные аспекты разработки и внедрения инновационных методов в образовательный процесс, вопросы рейтинговой системы, подготовки учащихся, создания комплекса передового опыта внедрения государственных образовательных стандартов

Tayanch so'zlar: Innovatsion uslub, reyting tizimi, pedagogic texnologiya, didaktik texnologiya, ta'lim texnologiyasi.

Ключевые слова: Инновационный метод, рейтинговая система, педагогическая технология, дидактические технологии, образовательные технологии.

O'qituvchi talabalarni faollashtiradigan, o'zi va o'rganuvchi uchun qulay bo'lgan yo'llarni, usul va uslublarni, o'qitish shakllari, metod va vositalarni izlaydi, ularni takomillashtiradi. Shu boisdan ham «pedagogik texnologiya», «didaktik texnologiya», «ta'lim

texnologiyasi» atamalarini qatoridan «pedagogik innovatsiyalar» atamasi ham mustahkam o‘rin olmoqda.

Biroq, e’tirof qilish kerakki, hali Respublikamizda yangi pedagogik texnologiyalarni, ta’lim innovatsiyalarini to‘plash, ular ichidan faoliyatimizda eng ko‘p samara beradiganlarini tanlash, tajriba-sinovdan o‘tkazish va qo‘llash- joriy etishni yo‘lga qo‘yadigan tizim (mexanizm) shakllantirilmagan edi.

Hozirgi kunda bu tizimni yaratish yo‘lida bir qator izlanishlar, sa’y- harakatlar boshlab yuborilgan. Jumladan, vazirlik, viloyat xalq ta’limi boshqarmalari tarkibida Davlat ta’lim standartlari boshqarmalari va bo‘limlari (monitoringi) tashkil etilgan. Ta’limni boshqarish tizimida tashkil qilingan yangi bo‘g‘inlar quyidagi vazifalarni amalga oshirib bormoqda:

- ta’lim sohasidagi qonunlar, me’yoriy hujjatlarning bajarilish nazoratini yuritish;
- Pedagogik innovatsiyalarni amaliyotga tatbiq etishning tashkiliy asoslarini yaratish zarur. Buning uchun:

- “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ni hayotga, tatbiq etish, Davlat ta’lim standartlari va dasturlari bajarilishining monitoringini olib borish;
- ta’limni boshqarish mahalliy organlari va o‘quv muassasalarining umumiy tashkiliy pedagogik ishlari qatori pedagogik innovatsiyalarning samaradorligini tahlil qilib borish;
- pedagogik tajribalarning borishini analitik tahlil qilish, umumlashtirish, ommalashtirish bo‘yicha tavsiyalar tayyorlash;
- pedagogik texnologiyalarni kuzatuvchi, nazorat qiluvchi va joriy etuvchilarni o‘quv ishini tashkil qilish shu masalaga oid seminarlar o‘tkazish, treninglar tayyorlash choralari ko‘rish;
- pedagogik texnologiyalarni rivojlantirish haqida tegishli ma’lumotlar jang‘armasini yaratish, tahlil qilish va tartibga solib turish.

Yuqorida ta’kidlanganidek, Davlat ta’lim standartlari- bu o‘quvchilar bilim saviyasining minimal darajasini belgilaydi, bu darajadan yuqori ko‘rsatkichlarga erishish uchun ma’lum izlanish hamda tashabbus lozim, pedagogik innovatsiyalarni yaratish, shuningdek, ularni boshqarish avvalam bor, ana shu dorlzarb vazifalarni hal qilishga xizmat qiladi. Shu boisdan ham pedagogik innovatsiyalarni izlab topish. o‘rganish, tahlillar ostida eng ko‘p samara beradiganlarini tanlab olish va ularni amaliyotda qo‘llash tartibini belgilab beradigan tizimni yaratish maqsadga muvofiqdir. Fikrimizcha, buning uchun, innovatsiyalar haqida aniq ma’lumotlar jang‘armasini yaratish zarur bo‘lib, buni shartli ravishda innovatsiyalarni «to‘plash» jarayoni deb qabul qilamiz. Innovatsion yangiliklarni to‘plovchilar jadvalga ko‘ra vazirlik tizimida yangi tashkil qilingan markazlar, jumladan, xalq ta’limi xodimlari malakasini oshirish instituti barcha talim muassasalari rahbarlari malakasini oshirish bo‘yicha doimiy ishlovchi Respublika doimiy kursi qoshidagi monitoring markazi va respublika ta’lim markazi asosiy bo‘g‘in hisoblanadi. Mazkur ishlarni boshqaruvchi Davlat ta’lim standartlari monitoringi maktab pedagoglar kengashlari, metod birlashmalari, tuman, shahar xalq ta’limi bo‘limlarida, viloyat malaka oshirish institutlarida o‘rganib, to‘plangan pedagogik innovatsiyalarni o‘z vaqtida «Tanlovchi»larga yetkazish yoki ayrimlarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri «Qo‘llovchi»larga yo‘llashni muvofiqlashtirib boradi. Pedagogik innovatsiyalarni tanlashda amaliy ish olib boruvchi «Pedagogik texnologiyalar markazi»:

- ma’lumotning yo‘nalishini aniqlaydi;
- joriy qilish va qo‘llashda ilmiy-metodik jihatdan yordam beradi;
- metodik qo‘llanma, dastur va metodik tavsiyalarni nashrga tayyorlaydi va pedagogik matbuotga uzatadi;
- reyting tizimi, o‘quvchilarni maktabgacha tayyorlash, Davlat ta’lim standartlarini joriy qilishdagi ilg‘or tajribalar majmuasini yaratadi;
- xorijiy davlatlardagi ta’lim sohasidagi tajribalarni o‘rganadi, taqqoslaydi va tavsiyalar tayyorlaydi;
- amaliyotga tatbiq qiluvchilarni o‘qitadi, malakasini oshiradi, tajriba almashuv ishlarini tashkil qiladi;
- pedagogika sohasidagi olimlar, ilmiy izlanuvchilar bilan hamkorlik ishlarini olib boradi;

- innovatsiyalarning qo'llanilishini dinamik ravishda kuzatib boradi;
- innovatsiyaga oid Respublika ilmiy-amaliy kengashlar yig'ilishlar va konferensiyalar o'tkazadi;
- malaka oshirish institutlari, tuman metodika va maktab pedagogik kengashlarini yangi axborotlar bilan ta'minlab boradi.

Pedagogik innovatsiyalarni qo'llash bilan uni to'plab, ilmiy jihatdan xulosalar tayyorlovchi bo'g'in o'rtasidagi «Pedagogik matbuot» asosan nashr ishlari, ommalashtirish, keng pedagogik jamoalar, ilmiy-pedagogik xodimlarga ularni yetkazish, ularning taklif va mulohazalarini olish, tajriba-sinov xulosalari asosida innovatsiyalarni yanada takomillashtirish ishlari bilan shug'ullanadi. O'ylaymizki, ta'lim texnologiyasi va pedagogik innovatsiyalarga bunday tizimli yondashuv Davlat ta'lim standartlarini amalga oshirishda o'z samarasini ko'rsatadi. O'qituvchining pedagogik faoliyatini olib borishga halaqit beradigan psixologik to'siqlarni umumlashtirib yangilik kiritishlarga o'qituvchilarning ko'proq qarshilik bildirishini keltiradigan sabablarni ta'kidlab o'tish zarur.

1. O'zgarishning maqsadi o'qituvchilarga tushuntirilmagan yashirin, gapning ikki ma'nosi xavotir va noma'lumlikni keltiradi. Noma'lumdan qo'rquv har qaysi yangi usulga o'qituvchilarni yo'llashi mumkin.
2. O'qituvchilar yangilikni kiritishda rejalashtirish va ishlab chiqarishda qatnashmaganlar.
3. Jamoa an'alarini e'tiborga olmaslik va o'z ishining odatiy usuliga rioya qilish.
4. Yangi usullarga sub'ektiv munosabat va qo'rquv, statusni yo'qotish xislari.
5. Ish xajmining ko'payishi rahbar o'qituvchilar faoliyatida o'zgarishlarni rejalashtirmasligi oqibatida qo'rqish paydo bo'ladi.

Yangilik kirituvchi tashabbuskor odam hurmat va ishonchga ega bo'lmasa. Afsus, ko'pincha o'qituvchilar loyihaga emas, uning muallifiga qaraydi. Agar bu insonning hurmati past bo'lsa, pedagog uning qadrligiga qaramay, bu odamga ishonchsizligi uning g'oyasiga o'tkaziladi. O'qituvchi ijodkorligini shaxsiyatning axloqiy munosabatiga qarab mulohaza qilish mumkin. Agar ijodiy faollik asossiz va mavjud qadriyatlarga e'tiborini qaratmasa, demak bu faollik juda xavfli. Yosh o'qituvchining bilim berishi va kasbiy faoliyatida ijodiy rivojlanishi uchun ko'p variantli yechimlarga olib boruvchi mashqlarni topmaganlar. M.V.Klarinning «Chet el pedagogik izlanishlarda ta'limotning pedagogik modellari» monografiyasida yuqori sinf o'quvchilar bilan darslarni tashkillashtirish asosiga qo'yilgan quyidagi masalalar taqdim etiladi:

-ijodiy yaratishlarda ichki to'siqlarni yo'qotish. O'quvchilar ijodiy izlanishga tayyor bo'lsa, ularga o'quvchilar va o'qituvchilar bilan o'zaro munosabatlarda o'zida ishonchni o'rnatishga yordam berish lozim. Ular qabul qilinadimi yoki ular ustidan kuladimi, lekin ushbu xavotirlanishga yo'l qo'yimaslik kerak. Ular xato qilishdan ko'rqimasligi lozim;

-ongsizlikda ishga e'tibor berish. Agar muammo diqqatning markazida joylashmasa ham miyaning ongsiz qismi uning ustida ishlaydi. Ayrim g'oyalar bir oyda chiqib qolsa ham ularni vaqtida eslab qolish kerak hamda tushuntirib, joylashtirib qo'yish va ulardan maqsadli foydalanish lozim;

-baholashdan chetda yurish. Bu ham o'quvchilarning g'oyalar oqimini kengaytirish, muammoning ustidan erkin fikrlashiga ko'proq vaqt va e'tibor berishga imkoniyat beradi. O'quvchilarga ijodiy izlanish va yangi tasavvur bog'lanishlarining topilishi uchun metafora va o'xshatishlarni ishlatilishiga imkoniyat berish hisobiga kengayadi. O'rta va oliy maktablarda ixtirolar bilan ishlash, obrazli tafakkurga chaqirish, obrazlarning yaratilishida va ularni anglashiga yo'naltirishda spontallikning birlashuvini kiritadi;

-aqliy mashqlar imkoniyatini berish. Boshqa holatlarda o'rganish uchun o'quvchilarga mashqlar beriladi, sababi-echimni topish holatida ular buni o'zgacha his etadi, o'zini yo'qotishga yo'l qo'yimaslik;

-tasavvurning faolligini qo'llab-quvvatlash. Bu ijodiy o'ylashning asosi hisoblanadi. Tasavvurni, hayolni o'z joyiga qo'yish, ularni nazorat qilish, ichki ozodalik, tartib yaratib bo'linganidan so'ng hamma gaplar mulohaza qilinadi;

-o'zlashtirishni rivojlantirish, sezish, o'zlashtirishni kengaytirish va to'ldirishlarni kuchaytirish. O'quvchilarga ularning ijodiy faoliyatidagi ma'nosini umumiy yo'nalishlarini anglashga yordam berish, o'z imkoniyatlarning rivojlanishini bilish.

Bunday tushunchasiz ijodiy faoliyatni kuchaytiradigan mashqlar o'yin sifatida o'zlashtiriladi. Yuqorida sanab o'tilgan maslahatlar erkin muloqotda, fikr-almashuvda, ijodiy bahslashuvda eksperimental ish jarayonida bo'lib o'tishi mumkin. Mashg'ulotlarning tashkil etuvchi shart-o'quvchilarni ijodga shaxsiy kiritishi ekan. Shunday ta'lim, bilim, idroklarni shaxsiyat sohasining shakllanishiga kiritadi, yuqori sinf o'quvchilari ochiq, o'zlashtirish va boshqa nuqtai nazarini tushunishi uchun qobiliyatlarni rivojlantiradi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Pedagogika tarixi" O. Xasanboyeva, J. Xasanboyev "G". G'ulom nomidagi nashriyoti matbaa-ijodiy uyi" Toshkent -2004 yil
2. Информационные технологии управления: Учебное пособие. Под.ред. проф. Г.А. Титаренко.– 2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 439с.
3. "Maxsus pedagogika" V. Raximova "G". G'ulom nomidagi nashriyoti matbaa-ijodiy uyi" Toshkent -2004 yil
4. Barkamol avlod orzusi. T.,«Uzbekiston milliy entiklopediyasi» 2000y.

ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING TA'LIM TIZMIDAGI ISTIQBOLLARI

Rahmonov Navro'zbek Ergashevich, Jizzax politexnika instituti

"Bin ova inshootlar qurilishi" kafedrasi assistenti

Annaqulov Ro'zimurod Shirinqul o'g'li, Jizzax politexnika instituti talabasi

Аннотация: Mamlakatimiz ta'lim tizmidagi zamonaviy axborot texnologiyalarining o'rni, afzalliklari va bu borada olib borilayotgan ishlar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, axborot, texnologiya, kompyuter, raqamli texnologiya, Industriya, global

Аннотация: В Обсуждались роль и преимущества современных информационных технологий в системе образования нашей страны и работа, проводимая в этом направлении.

Ключевые слова: образование, информация, технологии, компьютер, цифровые, технологии промышленность, глобальная.

Abstract: The role and advantages of modern information technologies in the education system of our country and the work carried out in this direction were discussed.

Keywords: education, information, technology, computer, digital, technology industry, global.

Mustaqillikka erishgach, ta'limda, umuman barcha jabhalarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash, hech qanday to'siqlarsiz axborot izlash, olish, tekshirish, uzatish hamda axborotlarni yanada takomillashtirish yuzasidan qator chora-tadbirlar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy qilinmoqda. Ushbu chora-tadbirlarning uzluksiz amalga oshirilib borilishi O'zbekiston Respublikasining "Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to'g'risida"gi, "Axborot olish kafolatlari va erkinligi to'g'risida"gi qonunlari va boshqa qator me'yoriy-huquqiy hujjatlar bilan kafolatlangan.

Globallashuv jarayoni ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. O'qitishning zamonaviy usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llamasdan turib, o'qituvchi o'z kasbiy faoliyatida samarali natijalarga erisha olmaydi. Ammo bunda ta'limning maqsad va mazmuni, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to'g'ri tanlash muhim ahamiyatga ega. Axborot texnologiyalari qo'llanadigan darslarning qulayligi shundaki, unda o'quvchining o'quv materiallarini o'zlashtirib olayotganligini

doimiy ketma – ket kuzatishga, nazorat olib borishga, kerak holarda tuzatishlar kiritib borishga imkoniyat yaratiladi.

Shuning uchun ham axborot texnologiyalari asosidagi darslarda qiziqish, o'zini-o'zi boshqarish, yangi bilimlarni o'zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o'quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi. Axborot texnologiyalarining ta'lim jarayoniga kirib kelishi bilan "Inson va kompyuter" muammosi markaziy muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Ta'lim jarayoni - axborot, ayniqsa, uning oliy shakli bo'lmish bilimlarni ishlab chiqarish, saqlash, qayta ishlash va amalga oshirish jarayonidir. Bu jarayonning to'g'ri, maqsadli tamonga qaratilgan yo'nalish, imkoniyatlarini topishga to'g'ri keladi.

Ta'limda o'qitishning va bilimlarni o'zlashtirishning nutq, so'z, tovush bilan bog'langan usullari ikkinchi navbatga o'tib, o'qitishning tasavvurlar, shakllar, rang, tasviriy ko'rsatuvlar bilan bog'liq usullari birinchi o'ringa o'ta boshlaydi. Global kompyuter tarmoqlarining vujudga kelishi kishilar muloqotining kitob, gazeta va televideniedan farq qiluvchi yangi o'ziga xos usul va shakllarini vujudga keltirmoqda. Axborotlar ustida ish olib borish, ularni uzatish va foydalanuvchiga axborotlarni yetkazish axborot – kommunikatsiya texnologiyalari orqali amalga oshiriladi. Bunda kompyuter va inson o'rtasida o'zro kommunikatsiya o'rnatiladi. Shuni ta'kidlab o'tish lozimki, pedagogik jarayonda kommunikatsiya ushbu jarayonning eng muhim tashkil etuvchi qismi hisoblanadi.

Oliy ta'lim o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning roli kun sayin ortib bormoqda. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish zamonaviy ta'limning imkoniyatlarini yanada kengaytirdi. Bugungi kunda yer kurrasining istalgan joyidan turib, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) imkoniyatidan foydalangan holda ta'lim olish mumkin. Zero an'anaviy ta'lim o'z mavqeini saqlab tursa ham, keyingi paytlarda masofaviy o'qitish texnologiyalari kundan-kun ommaviylashib bormoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta'lim muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lim tizimi barpo etilmoqda. Bu ta'lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o'zgarishlar bilan kuzatilmoqda.

Yurtboshimiz SH. Mirziyoyev tamonidan 06.10.2020 PQ-4851 qarori bilan tasdiqlangan "Axborot texnologiyalari sohasida ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari" to'g'risidagi qaroriga muvofiq Axborot texnologiyalari sohasidagi kadrlarni tayyorlash tizimini takomillashtirish "Raqamli O'zbekiston — 2030" strategiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish, raqamli texnologiyalarni rivojlantirish va aholining kundalik hayotiga keng joriy etishni ta'minlashning muhim shartlaridan biri hisoblanadi.

Axborot texnologiyalari sohasidagi kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash tizimining samaradorligini oshirish bo'yicha ko'rilayotgan choralar davlat organlari va tarmoq tashkilotlarini malakali IT-mutaxassislar bilan ta'minlash uchun mustahkam zamin yaratmoqda.

Xususan, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yo'nalishiga oid fanlarni chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan maktab va bir qator xorijiy universitetlar filiallari faoliyati yo'lga qo'yilib, tuman va shaharlarda raqamli texnologiyalarga o'qitish markazlari bosqichma-bosqich tashkil etilmoqda.

Shu bilan birga, respublikaning mehnat bozorida malakali kadrlar yetishmovchiligi axborot texnologiyalari sohasidagi o'quv dasturlari va uslublarini takomillashtirish, ta'lim muassasalarining IT-kompaniyalar bilan o'zaro hamkorligini kuchaytirishni taqozo etmoqda.

Axborot texnologiyalarining o'qitilishini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, mehnat bozorining malakali IT-mutaxassislariga bo'lgan talabini qoniqtirish, shuningdek, 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash ko'zda tutilgan. Respublikamiz ta'lim muassasalarining barcha bo'g'inlarida takomillashgan tamoyillarga asoslangan yuqorida keltirilgan tizimlarni joriy etilishi, ta'lim jarayonida olib borilayotgan islohatlarning namunali, samarali ijrosining bir bo'lgi bo'lib xizmat qiladi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hasanboev, X. To'raqulov, M. Haydarov, O. Hasanboeva, Pedagogika fanidan izohli lug'at. –T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2008-yil. 30-31-bet.
2. R.A. Mavlonova, M. Arabova, G'. Salohiddinova. Pedagogik texnologiya. –T.: “Fan” nashriyoti. 2008 yil.
3. <http://uz.infocom.uz/2015/01/01/talimda-zamonaviy-axborot-texnologiyalari-yangi-imkoniyatlar/>
- 5 . <https://lex.uz/>

TEXNIKA OLIY O'QUV YURTLARIDA O'QITISH USULLARI, TEXNIKASI VA SHAKLLARI

*Ubaydullayev Abdulbase Suvonkulovich, Jizzax politexnika instituti,
“Bino va inshootlar qurilishi” kafedrasida katta o'qituvchisi*

Annotatsiya: O'qitish usullari - bu o'qituvchi va o'quvchilarning o'quv muammolarini hal qilishga qaratilgan birgalikdagi faoliyatidir. Og'zaki usullar; vizual usullar; amaliy usullar; muammolarni o'rganish usullari va xakoza. Muhokama o'qitish usuli sifatida muayyan masala bo'yicha fikr almashishga asoslanadi va bu fikrlar ishtirokchilarning o'zlarining fikrlarini aks ettiradi yoki boshqalarning fikrlariga asoslanadi.

Kalit so'zlar: texnika, usul, kombinatsiya, didaktika, ko'rgazmali qurol, eksperiment, film, fotografik hujjat, munozara, ekskursiya.

Аннотация: Методы обучения - это совместная работа учителя и учеников над решением учебных задач. Оральные методы; визуальные методы; практические методы; методы исследования проблем и так далее. Дискуссия как метод обучения основана на обмене идеями по конкретному вопросу, и эти идеи отражают взгляды самих участников или основаны на мнениях других.

Ключевые слова: техника, метод, комбинация, дидактика, наглядные пособия, эксперимент, фильм, фотодокумент, дискуссия, экскурсия.

Abstract: Teaching methods are the joint work of a teacher and students to solve educational problems. Oral methods; visual methods; practical methods; methods of researching problems and so on. Discussion as a teaching method is based on the exchange of ideas on a specific issue, and these ideas reflect the views of the participants themselves or are based on the views of others.

Key words: technique, method, combination, didactics, visual aids, experiment, film, photo document, discussion, excursion.

O'qitish usullari - bu o'qituvchi va o'quvchilarning o'quv muammolarini hal qilishga qaratilgan birgalikdagi faoliyatidir.

Texnika - bu usulning ajralmas qismi yoki alohida tomoni. Shaxsiy texnika turli usullarning bir qismi bo'lishi mumkin. Masalan, talabalar tomonidan asosiy tushunchalarni yozib olish texnikasi o'qituvchi yangi materialni tushuntirganda, asl manbasi bilan mustaqil ishlaganda qo'llaniladi. O'quv jarayonida usul va uslublar turli xil kombinatsiyalarda qo'llaniladi. Talabalar faoliyatining bir xil usuli ba'zi hollarda mustaqil usul, boshqalarda esa o'qitish usuli sifatida ishlaydi. Masalan, tushuntirish, suhbat mustaqil o'qitish usullari. Agar ular o'qituvchi tomonidan amaliy ish jarayonida o'quvchilar e'tiborini jalb qilish, xatolarni tuzatish uchun vaqti-vaqti bilan foydalanilsa, tushuntirish va suhbat mashqlar uslubiga kiritilgan o'qitish usullari vazifasini bajaradi.

Ta'lim metodlarining tasnifi

Zamonaviy didaktikada quyidagilar mavjud:

- og'zaki usullar (manba og'zaki yoki bosma so'z);
 - vizual usullar (bilim manbai kuzatiladigan narsalar, hodisalar; ko'rgazmali vositalar);
Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-1 жилд.-Т.: —Ўзбекистон, 2017.-47 бет.
2. Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5924-сон 24.01.2020
3. Абу Али Ибн Сино. Тибб қонунлари 1-6 т. Тошкент 1980 йил.
4. Абрамов М. С. Аэробика и мқ. Ташкент. М. 1990 год 173 с.

ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КИЧИК БИЗНЕС КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Алиқулов Салоҳиддин Турдимуратович, педагогика фанлари номзоди, доценти, кафедра мудири, Жиззах политехника институти

Юлдошев Шерйигит Эргашевич, катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти

АННОТАЦИЯ. Таълим тизимида олиб борилган ислохотлар соҳада рўй берган бир қатор ўзгаришлар билан бирга узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасаларида ёшларга иқтисодий билим асосларини пухта ўзлаштириши ва кичик бизнес кўникмаларини шакллантиришига, хусусан, касб-ҳунар коллеж мактаблари ва Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган техникумларда ҳам ўқитиш жараёнида самарадорликка эришиши борасида муайян изланишлар олиб борилмоқда.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР. *Техникум, касб ҳунар мактаби, касб ҳунар таълим, тафаккур, тадбиркорлик кўникмаси, кичик бизнес, ижодий тафаккур.*

АННОТАЦИЯ. *Реформы в системе образования, наряду с рядом изменений в этой области, помогли молодым людям на всех уровнях непрерывного образования овладеть основами экономики и навыками малого бизнеса, особенно в профессиональных школах и колледжах. определенные исследования проводятся для достижения эффективности в учебном процессе.*

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА. *Колледж, профессиональная школа, профессиональное образование, мышление, предпринимательские навыки, малый бизнес, творческое мышление.*

ANNOTATION. *Reforms in the education system, along with a number of changes in this area, have helped young people at all levels of continuing education to master basic economics and small business skills, especially in vocational schools and colleges. certain studies are carried out to achieve effectiveness in the educational process.*

KEYWORDS. *College, vocational school, vocational education, thinking, entrepreneurial skills, small business, creative thinking.*


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ -5812 Фармонида мувофиқ Профессional таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус professional таълим босқичларини жорий қилиш ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устиваор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислох қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Техникум ва касб ҳунар мактаблари ўқувчиларида кичик бизнес ҳамда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, унинг мазмуни мавжуд ижтимоий-иқтисодий талаб ва эҳтиёж асосида белгиланади. Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш икки муҳим омил билимлар негизида рўй беради. Муаммонинг моҳиятини тўлақонли англаш учун сўз юритилаётган жараён борасида етарлича тасаввурга эга бўлиш имконини берувчи таянч тушунчалар ва уларнинг мазмуни билан танишиш мақсадга мувофиқ саналади.

Кичик бизнес бозор ишлаб чиқаришига асосланган муносабатлар қарор топган жамиятда халқ хўжалигининг барча соҳалари, хусусан, саноат, кишлок хўжалиги, транспорт, аҳоли саломатлигини сақлаш, таълим, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш каби соҳаларда кенг қўламда йўлга қўйилади.

Ижодкорлик моддий ёки маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг муайян соҳаси бўйича кичик бизнес фаолиятини йўлга қўйувчи.

Касб ҳунар мактаблари ва техникумлар ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш – бу муайян давр мобайнида (мазкур ўқув юртида таълим олиш жараёнида) уларга назарий ва амалий иқтисодий билимларни бериш, мустақил равишда моддий ёки маънавий соҳаларда кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш тажрибаларини ҳосил қилишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни саналиб, ушбу жараёнда асосий эътибор узлуксиз таълим тизимининг мазкур босқичида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг психологик, физиологик, шунингдек, шахсий хусусиятларига таянган ҳолда ташкил этилади.



Янги турдаги таълим муассасаларининг ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда бир қатор субъектив омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан:

1. Ўқувчилар ўртасида иқтисодий билим асослари кичик бизнесни тарғиб этишга хизмат қилувчи фанларнинг ўқитилиш жараёнига малакали мутахассисларнинг жалб этилганлиги.
2. Кичик бизнесга асосланган ижодкорлик фаолиятни ривожлантириш бўйича мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг муайян иш тажрибаси ва педагогик маҳоратга эга бўлишлари.
3. Мазкур фан ўқитувчилари томонидан ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва шахсий имкониятларининг тўғри баҳоланиши, таълим жараёнининг янгича, ижодий ёндошув, педагогик технологияларга мувофиқ ташкил этилишига эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 46 б.

2. Каримов И.А. Иқтисодиёт ва маънавият ажралмасдир. 6-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 314-318-б.
3. Шахсни ахлоқий шакллантиришнинг амалий йўналишларини активлаштириш /Илмий асарлар тўпла. – Т.: ЎзПФТИ, 1988. – 83 б.
4. Эргашхўжаева Ш. Матлубот кооперацияси корхоналарида маркетинг ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш: Иқт.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1999. – 22 с.
5. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 32 б.
6. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – 184 б.
7. Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. – Хўжанд. 1996. – 170 б.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЭГАЛЛАШИ ЗАРУР БЎЛГАН БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР

Ражабов Ёрқинбек Сайфиддин ўғли, ассистент, Жиззах политехника институти

Аннотация. Таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари асосида бошқарувни йўлга қўйиш ўқувчилар томонидан таълим мазмунини белгиланган талаблар даражасида, онгли ва пухта ўзлаштирилишига олиб келади. Шу боис умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари мониторингини илмий – педагогик жиҳатдан асослаш педагогика фани олдида турган долзарб муаммо саналади.

Таянч сўзлар. Давлат таълим стандарти, мониторинг, педагогика, психология, педагогик мониторинг, таълим сифатини, билим, кўникма, малака, таъхис.

Аннотация: Установление менеджмента в образовательных учреждениях на основе государственных образовательных стандартов приводит к сознательному и основательному усвоению студентами содержания образования на уровне установленных требований. Поэтому научно-педагогическое обоснование мониторинга государственных образовательных стандартов в общем среднем образовании является актуальной проблемой, стоящей перед педагогической наукой.

Ключевые слова: Государственный образовательный стандарт, мониторинг, педагогика, психология, педагогический мониторинг, качество образования, знания, навыки, квалификация, диагностика.

Annotation: The establishment of management in educational institutions on the basis of state educational standards leads to a conscious and thorough assimilation by students of the content of education at the level of established requirements. Therefore, the scientific and pedagogical rationale for monitoring state educational standards in general secondary education is an urgent problem facing pedagogical science.

Key words: State educational standard, monitoring, pedagogy, psychology, pedagogical monitoring, quality of education, knowledge, skills, qualifications, diagnostics.

Республикада узлуксиз таълим тизими мазмунини жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқиш имконини яратди. Унга мувофиқ давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларининг ўқув-тарбия жараёнига жорий этилишига эришиш, бу борада қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, ўқувчилар томонидан ДТСда белгиланган кўрсаткичларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш, уларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таълимнинг барча иштирокчиларига тегишли методик ёрдам кўрсатиш мақсадида мониторинг тизими шакллантирилди.

Таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари асосида бошқарувни йўлга қўйиш ўқувчилар томонидан таълим мазмунини белгиланган талаблар даражасида, онгли ва пухта ўзлаштирилишига олиб келади. Шу боис умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари мониторингини илмий – педагогик жиҳатдан асослаш педагогика фани олдида турган долзарб муаммо саналади.

Таълимни такомиллаштиришга қаратилган ҳукуматнинг қарорларида таълим сифатини таъминлаш борасида қатор устувор чоралар кўриш ва уни амалга оширилишини назорат қилиш – жумладан: ўқувчилар билими, кўникмаси ва малакаси аниқлаш технологияси ва мезонларини белгилаш, педагогик мониторингини ташкил этиш ва уни таълим сифатини бошқаришдаги ажралмас инструменти сифатида фойдаланишни кўзда тутати. Бунда педагогика фани ва амалиётида мактаб ҳақидаги маълумотларни анъанавий равишда тўплашга нисбатан- педагогик мониторинги ўтишни тақозо қилмоқда. Педагогик мониторинг дейилганда аниқ бир мақсадга йўналтирилган, махсус ташкил этилган таълим жарёнининг ривожланиши ва мавжуд бўлишини узлуксиз кузатиб бориш, тўпланган ахборотлар ва педагогик ташхис қўйиш асосида бошқарувга доир тегишли қарорлар қабул қилишни тушунилади. Бунда таълим сифатини таъминлаш учун ҳар замонда ўқувчилар тайёргарлигини ўрганиш учун ўтказиладиган текширишлар баъзан нотўғри хулосалар чиқарилишига олиб келишини кўриш мумкин. Албатта асосланган хулосалар чиқариш учун Республика миқёсида тизимли равишда барча ўқув предметлари бўйича ўқувчиларнинг ДТС талаблари асосида ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини мониторингини олиб бориш керак. Мониторинг олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, Республикамизда умумий ўрта таълим муассасалари билан биргаликда ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар фаолият кўрсатади. Бунда мактаб таълими иккита асосий масалани ечиши –биринчидан ҳар бир ўқувчи ДТС талабларида белгиланган минимал билим кўникма ва малакаларга эга бўлиши кафолатланса, иккинчи томондан иқтидорли болаларнинг янада юқорирок даражада ўқимишли бўлишларига имконият яратилади. Бу эса ўз навбатида ўқувчилар томонидан ДТС талабларига кўра билим кўникма ва малакаларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлайдиган ва назорат қиладиган тизимни яратишни тақозо этади.

Таълим сифатини ва самарадорлигини назорат қилиш, жараённинг оптимал шарт-шароитларини белгилаш ва уни бошқариш учун зарурдир.

Юқорида айтиб ўтилган тажрибалар даврида кўпгина муаммолар ўз ечимини топмади. Бунинг сабаби назорат турлари, уларда тўпланиш мумкин бўлган баллар йиғиндиси, нималарни ва уларни қандай баҳолаш, ўқувчининг билиш фаолиятида биринчи ўринда нимани баҳолаш муҳим, баҳолашнинг объективлигини таъминлаш каби муаммоларнинг ечими мазкур масала бўйича назарий ва амалий асосларининг тўла қонли тадқиқ этилмаганлиги туфайлидир.

Шундай қилиб умумий ўрта таълим тизимига мукамал, объектив мониторинг тизимини жорий этишнинг зарурлиги билан уларнинг назарий ва амалий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги улар орасида қарама-қаршиликни бартараф этиш мазкур тадқиқотнинг актуаллигини белгилайди.

Мазкур масаланинг ечими мактабларда ўтказиладиган ички, туман ёки вилоят миқёсида ўтказиладиган ташқи назоратлар воситасида топилмайди. Бундай ечим давлат миқёсида таълимга қўйилган талаблар билан белгиланади. Шунга кўра мазкур масалани тарихий нуқтаи назаридан ҳамда ҳамдустлик мамлакатлари ва чет эл тажрибаси ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.С.Солижонова «Туркистонда ўқитиш маърифатчилик ўчоқлари, уларнинг ижтимоий аҳамияти» (XIX асрнинг охири XX асрнинг боши).

2. Ш.Курбонов, Э.Сейтхалилов. Таълим сифатини бошқариш. Т.” Турон-Иқбол”: 2006-592 бет

3. Ж.Ғ.Йўлдошев. Таълимимиз истиқлоли йўлида. Т. Шарқ, 1996.

4. М. Мирқосимов . Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари.Т.: Ўқитувчи, 1995.

5. Р.Ш.Ахлидинов, Олдройд Д, ва бошқ. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск ,решения. Т.:1999.

ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ УСТРУШОНА АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Абдувалиев Ортиқ Абдулхамидович, ЖДПИ II-босқич магистранти

Аннотация. Мазкур мақолада муаллифнинг тадқиқотчилар томонидан Шимолий-ғарбий Уструшона археологик ёдгорликларининг ўрганилиши хусусидаги илмий фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Таянч сўзлар: воҳа, Уструшона, Харкана, рабод, отряд, археологик қазилмалар, Ғаллаорол, Алмантепа I, II, қишлоқ маконлари.

В данной статье ведётся речь про научных размышлений автора по изучению археологических памятников Северо-западной Уструшаны исследователями.

Ключевые слова: оазис, Уструшана, Харакана, рабат, отряд, археологические раскопки, Ғалляараль, Алмантепа I, II, сельские поселения

In this article the scientific research of archeological monuments of North-West Ustrushana by researchers is stated by the author.

Key words: Oasis, Ustrushana, Kharkana, rabat, contingent, archeological excavations, Gallaoral, Almantepa I, II, rural settlements.

Истиклол шарофати билан қайта тикланган бебаҳо кадрятларимиз ҳақида кўп гапиряпмиз. Мустақиллик бизга тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий маданий меросни ўрганиш ва холис баҳолаш имконини берди. Натижада биз Амударё ва Сирдарё оралиғида яшаган халқлар қадимдан инсоният моддий ва маънавий маданиятига улкан ҳисса қўшганлигини гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, ўлкамиздаги шундай кўхна ҳудудлардан бири Уструшона вилоятидир.

Ёзма манбаларда Уструшона ҳудуди ва номи бир неча кўринишда қайд этилган. Антик ва тарихий манбаларда дастлаб “Суғд орти сак ўлкалари”, кейинчалик “Уструшона” номи билан алоҳида маъмурий ҳудудни ташкил этган. Уструшона шимолда Дашти Қипчоқ, ғарбда Суғдиёна, шарқда Тошкент ва Фарғона, жанубда Туркистон тоғлари билан чегараланган. Унинг пойтахт шаҳри Бунжикат ҳукмдорнинг қароргоҳи бўлган [1,91-].

Араб географ сайёҳлари ўз эсдаликларида Уструшона давлати, унинг рустоқлари ҳақида анча тўлиқ маълумотларни ёзиб қолдиришган. Шунингдек, ёзма манбалар хабарига кўра, Уструшона ўрта асрларда маъмурий тузилиш жиҳатидан 18 та рустоққа бўлинган. Мазкур рустоқларнинг 9 таси текислик, 9 таси тоғлик ва тоғ олди ҳудудларда жойлашган. Текисликда жойлашган рустоқларга- Бунжикат, Зомин, Фекнон (А.Муҳаммаджонов таъбирича, -Ғағнон), Харакана, Сабат, Ховос, Шавкат, Фағкат кирган. Текисликда жойлашган ҳар бир рустоқнинг маъмурий маркази-бош шаҳри мавжуд бўлган ва рустоқлар маҳаллий деҳқонлар томонидан бошқарилган [2,168-б.].

Шимолий-ғарбий Уструшона ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳудудда антик даврда бунёд этилган Қалиятепа, Қўрғонтепа шаҳар масканлари, илк ўрта асрларда вужудга келган Қинғиртепа, Алмантепа, Пардакултепа, Комилбоботепа, Ёкуббоботепа каби қишлоқ маконлари, ривожланган ўрта асрларда фаолият юритган Ўрда, Қизлартепа, Бўзтепа каби турар-жой манзиллари, Сарбозтепа, Тўрткултепа, Кўк гумбаз сингари карвонсаройлар мазкур воҳада илк антик даврдан инсон истикомати ва фаолияти узлуксиз тарзда давом этганлигидан шаҳодат беради.

Уструшонанинг марказий, шимолий ва ғарбий ҳудудларида ўтказилган тарихий-археологик тадқиқотлар давомида ўнлаб турли даврлар моддий маданиятига оид ёдгорликлар қайд этилган.

Қадимги Уструшонанинг Ўзбекистон қисмидаги диққатга сазовор, турли фаразлар, илмий қарашларга сабаб бўлган, “Сак тақвими” номи билан археология фанида эмас, балки кўпроқ ОАВда катта шов-шувларга сабаб бўлган жойи Ғаллаорол туманидаги Шаҳидтепа ёдгорликлари мажмуасидир. Ўзбекистон Маданият вазирлигининг Санъатшунослик олимлари Л.И.Ремпель ва Э.В.Ртвеладзе раҳбарлигидаги илмий гуруҳ ушбу “ғалати

курулма” нинг марказий шоҳ кўрғони Шаҳидтепада 1966 йилда қазилган ишларини ўтказишади. Лекин, қазув-тадқиқотлари давомида Шаҳидтепа ва унга алоқадор бошқа тепаликларда маданий қатлам қолдиқлари учрамайди ва уларни сохта кўрғонлар эканлиги аён бўлди.

Ўша пайтда бир қанча тарихий маълумотлар ва таққослашлар асосида бу улкан, ғаройиб иншоот Шаҳидтепани санъатшунослик профессори М.Булатов қадимги “Сак қабилалари тақвими” деб талқин қилган. Унинг гипотезаси бўйича, биринчидан, шоҳ кўрғон Шаҳидтепа ўтроқ суғдийлар ва кўчманчи саклар учун биргаликда сиғинадиган ва илми нўжумни ўрганадиган саждагоҳ-расадхона; иккинчидан, асосан кўчманчи қабилалар орасида зардуштийлик динини тарқатиш учун тарғибот маркази; учинчидан, Шаҳидтепа комплексини ташкил этувчи 365 та тепа, йил ҳисоби, фасллар алмашинувини белгилашда фойдаланиладиган тақвим-календар сифатида фаолият кўрсатган [3,33-6].

1978 йил Ўзбекистон ФА Археология институтида Жиззах ва Сирдарё вилоятлари худудида муқим иш олиб бориш мақсадида Шимолий Уструшона (кейинчалик Жиззах) отряди тузилади. Э.Б.Қодиров раҳбарлигидаги мазкур отряд фаолиятининг дастлабки натижаси сифатида Ғаллаорол тумани, Обиз қишлоғидаги Қинғиртепа қалъасининг 20 га яқин хоналари очиб ўрганилади ва бу ердан 35 дона тангалар хазинаси топилади. Хазинада Турк хоқонлиги маликлари томонидан VIII асрда зарб қилинган тангаларнинг учраши диққатга сазовордир. Кейинчалик, Қинғиртепа яқинида жойлашган Алмантепани юқори ва пастки маданий қатламлари, яъни VII-VIII асрлар қалъасини тароқ тишларисимон ёнма-ён жойлашган узун ва тор хоналари очиб ўрганилади [4, Стр.39-40].

Алмантепа I қишлоқ макони Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани, Қашқабулоқ қишлоғининг шарқий қисмида, Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик 1982 йилда Жиззах археология отряди томонидан қайд этилиб ҳисобга олинган ва ўша йили қазув тадқиқотлари ўтказилган. Мазкур ёдгорлик географик жойлашуви нуқтаи-назаридан атрофдаги археологик ёдгорликларга нисбатан бир қатор қулайлик ва устувор хусусиятларга эга. У икки ярусли, ташқи кўриниши овал шаклида, ғарб-шарқ йўналишида узалган.

Юқорида таъкидланганидек, 1982-1983 йилларда ЎЗР ФА Археология институти Жиззах отряди томонидан Алмантепанинг юқори қурилиш қатламларидан “тароқсимон коридорлар” усулида қурилган, бта хонадан иборат меъморий комплекс очилган ва VII-VIII асрлар билан даврланиб, Алмантепа I номи билан илмий муомалага киритилган.

1984 йилда Алмантепанинг қуйи қурилиш қатламларини ўрганиш, меъморий иншоотларини тўлиқ очиш мақсадида қазув ишлари давом эттирилган. Алмантепа I га тегишли иморатлар олиб ташлангандан сўнг мазкур қурилишлари тагидан текисланган ва шиббалаб зичланган қатлам махсус қайд этилган. Қазув ишлари мобайнида пастки меъморий қурилиш хоналарининг барчаси пахса ва хом ғиштлар синиқлари, ғоваксимон тупроқ қатлами билан тўлдирилганлиги аниқланган.

Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археологик ёдгорликларининг ўрганилиши хусусида фикр юритганимизда 1985 йилдан буён республикамизнинг етакчи археологларидан бири М.Пардаев раҳбарлигидаги Жиззах отряди Сангзор дарёсининг қуйи оқими-Жиззах воҳаси худудида жойлашган Қалиятепа, Пардақултепа, Комилбоботепа, Расулбойкултепа каби шаҳар ва асосан қишлоқ ёдгорликларида қазув-тадқиқот ишларини муваффақиятли ўтказиб келаётганлигини ҳам шу ўринда эътироф этиш жоиз.

Шундай қилиб, алоҳида таъкидлаш лозимки, Сангзор дарёси билан боғлиқ суғорма деҳқончилик мавзеларида илк қалъа-рабодлар қурилиши, ривожланиши жараёнларини, меъморчилик анъаналари ва режалаштириш усуллари давомийлигини ўрганиш мақсадида Қалиятепа атрофида жойлашган Пардақултепа, Комилбоботепа (М.Пардаев), Ёқуббоботепа (Ж.Ғофуров), Жуматепа (З.Холбоев), Кўрғонтепа (Ғаллаорол) атрофидаги Қинғиртепа ва Алмантепа I, II (А.Бердимуродов, М.Пардаев) ёдгорликлари очиб ўрганилган. Бу турар-жой комплекслари мисолида Шимолий-ғарбий Уструшона қалъа-рабодлари меъморчилигида режалаштириш усуллари пайдо бўлиши ва кейинги даврларда ривожланишини яққол кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Шимолий-ғарбий Уструшона ҳудудида ўтказилган археология тадқиқотлари тарихи ва илмий натижаларининг кўламини тасаввур қилиш имконини берадиган ишлар рўйхатини яна кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин. Тадқиқотчилар томонидан очиб ўрганилган ва кенг илмий жамоатчилик томонидан таҳлил қилиниб, тан олинган Қалиятепа, Пардакултепа, Комилбоботепа, Қинғиртепа каби қишлоқ маконлари шимолий-ғарбий Уструшонанинг намунавий, эталон ёдгорликларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миллий ўзликни англаш ва мозийга назар. Т.: “Наврўз”, 2013.
2. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 38-нашри. ЎзР ФА Археология институти, Самарқанд, 2012.
3. М.Х. Пардаев, Ж.И. Ғофуров. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Т.: ILMIY-TEKNIKA AXBOROTI-PRESS NASHRIYOTI, 2016.
4. Бердимуратов А.Э. Гемма инталия из Алмантепа. // ОНУ. Ташкент, 1984. №4.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛЛАБАЛАРИГА МУСИҚА ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИ

*Бобоқулов Қахрамон, Жиззах Давлат педагогика институти
“Муסיқий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси*

Олий таълим даргоҳида талабаларда муסיқа дарслари миллий қадриятларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирлар билан биргаликда олиб борилиши лозим. Чунки, инсон жамият аъзоси сифатида, у доимо турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида маънавий-маърифий таъсирлар остида булади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл-атворида, хатти-харакатларида у мансуб булган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири булади. Тарихий шарт-шароит, давр, жамиятдаги маънавий-маърифий муҳит ва миллий қадриятларга оид таъсирлар ёшларнинг дунёкараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади.

Ёшларни маънавий-маърифий руҳда тарбиялашда жамиятда белгиланадиган дастурий вазифалар ва олиб бориладиган муҳим устивор чора-тадбирлар юқори долзарблик касб этади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёв ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир”.

Умуман, тарихдан ҳам маълумки, қайси давлат ва мамлакатни олмайлик, жамиятда инсон маънавиятини шакллантирадиган муҳит унинг турли даражаларда маърифий ва рухий оламнинг қиёфаси, ўзи оладиган тарбия ва таълимнинг асосларига боғлиқ бўлиб келган. Давримиз ёшларининг имкониятлари ва имтиёзлари шундайки, унда уларнинг ҳар бири ўзининг эркин меҳнати билан тинимсиз изланишларисиз жамиятда маълум ижодий босиқларга эришиб бўлмайди. Чунки ҳозирги рақобат ва глобаллашув даврида маънавий таҳдидларга қарши курашда ижодий онг ва санъатнинг роли бекиёсдир.

Халқ эътиқоди ва унинг ижодий руҳи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ижодий фаолиятга, касби-корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек халқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, уз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Буни биз буюк инсонлар, мутафаккирлар тимсолида кўрсак бўлади. Чунки халқ руҳи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илгор вакиллари,

мутаффақирлар ифода этади. Масалан, Форобий, Жомий, Алишер Навоий, Фитрат каби алломаларнинг ижоди ҳам халқ этикодининг ўлмас намунасидир.

Тарихдан маълумки, ер юзида яшовчи барча халқларнинг ўз маданияти ва санъати, шунингдек, муסיқий маданияти мавжуд бўлиб, уларнинг маҳнавий бойлиги ҳисобланган. Айниқса, Шарқ халқларининг муסיқий маданияти ҳар бир халқ миллий муסיқасининг асосини ташкил этган, назарий ва амалий ижрочилик мактабига эга бўлган. Шарқ халқларининг муסיқий бойлиги бўлган мақом ва муסיқий ижрочиликнинг бошқа аниқ туркумлари турли даврларда турли кўриниш ва йўналишлар билан ижро этилиб келинган ва ривожланган. Маданий ривожланиш ўз навбатида муסיқа санъатининг тараққий этишига таъсир кўрсатган. А.Авлонийнинг таъкидлашича, “Тараққий қилган миллатларнинг ҳунар ва санъатларининг барчаси илми ва назари ибрат соясида намоён ўлиб, оламни мунаввар ва мусаххар қилмишлар”.

Талабаларга муסיқа фани орқали миллий кадриятларни сингдиришдан асосий мақсад талабаларда касбий муסיқа жанрларини билиш, ўзбек мақомлари тарихини ўрганиш, мақом йўлларининг нота ёзувлари, энг муҳим тарихий, назарий ва ижрочилик масалалари каби мавзуларни билишга қаратилган. Муסיқа фанини ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар - талабалар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намойиш этишларидан иборат. Айрим мавзуларга доир мулоқотлар ўтказиш, суҳбатлар уюштириш, муסיқий намуналарни таҳлил этиш ва тинглаш, катта ҳажмли мавзулар ўтиб бўлгандан сўнг, семестр якунларида турли хил шаклларда синов дарсларини ўтказиш тавсия этилади.

Муסיқа дарсларида миллий кадриятларни сингдиришда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. Талаба:

- турли хил даврларга хос бўлган муסיқа адабиётларини;
- ўзбек халқи ҳаётининг турли тарихий даврларидаги энг муҳим муסיқий-тарихий жараёнларни;
- ранг-баранг чолғуларни, бой ижрочилик анъаналарни;
- оғзаки касбий мумтоз муסיқаси ҳамда ҳозирги замон Ўзбекистон композиторлик ижодиётини;
- ўзбек анъанавий ашула ва чолғу жанрлари, мақом турларини, нота ёзувларини;
- оғзаки касбий мумтоз муסיқа ва композиторлик ижодиёти асарларини таҳлил этишнинг асосий услубларини эгаллаш коъникмалари;
- турли хил халқлар муסיқа санъатининг ўзига хос турдош жиҳатларини;
- миллий муסיқа анъаналарининг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш малакаларини эгаллашлари лозим.

Халқ ижодиёти, юқорида эътироф этилганидек, ҳар бир шахс ижодиётининг йуналишини белгилайди. Ижодий тарбия ва таъсир жараёни ёшларда маънавий барқарорликни таъминлайди, атрофдаги инсонларга нисбатан илиқ, маърифий мулоқотни таъминлайди. Ижодий тарбия ғоявий таъсир воситаси. Миллий ғояни халқ онгига етказишда муסיқий ижод намуналари ҳам таъсир воситасиларидан биридир. Чунки, муסיқа азалдан инсонларни меҳр-мурувват, инсонпарварлик, дўстлик ва садоқат анъаналари руҳида тарбиялаб келган. Фалсафа қомусий луғатда таъкидланишича, “Воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида инъикос этишда муסיқанинг аҳамияти катта, у одамларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини, кечинмаларини, ҳис-туйғуларини бетакрор нозик оханг-қуйларда ифодалайди”.

Ўқув-тарбия фаолиятида муסיқа ўқитувчиси халқимиз мумтоз санъатини ўқувчига усталик билан етказиб бера олаши, инсонпарварлик ва юқори маънавий салоҳиятни ўзида мужассам этиши, ижобий касбий-педагогик фазилатларини ўзида шакллантириши керак. Муסיқа дарсларида ўқитувчининг касбий-педагогик фазилатлари умуминсоний ва миллий ахлоқ-одобнинг қонуниятлари, тамойиллари, тушунчалари, мезонларидан ташкил топиши лозим. Чунки, “Шахснинг кўнглида, руҳий дунёсида маънавийтни барқарору бардавом этадиган, унинг ҳар бир ўй-мушоҳадаси, юриш-туриши, муносабат ва ҳатти-ҳаракатига қувват берадиган, буюк амалларга чорлайдиган манба адабиёт ва санъатдир”.

Миллий кадриятларимизнинг аҳамиятини кўрсатиш жамият миқёсида жуда катта даража ва кўламга эгадир. Уларнинг барчасини бир бошдан санаб ўтиш жуда ҳам катта вақт ва мезонларни талаб этади. Масалан, она меър-муҳаббатининг нақадар улкан куч экани, бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она алласининг таъсирчанлигини англаш ҳам кучли кечинмаларни уйғотиши мумкин. Агар биз ёшларимизда болалиқдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни шакллантира оلسак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил. www.uza.uz.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992. –29.
3. Фалсафа қомусий луғат. Тошкент, “Шарқ”, 2004. –Б. 357.
4. Ризаев Ш. Изтироб санъати: адабиёт, театр, кино, мусика. -Тошкент, Янги аср авлоди, 2013. –Б. 26.

ЯНГИЛИКЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ НАТИЖАСИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

Гулиев А., катта ўқитувчи (ЖизПИ)

Аннотация: *Фан соҳасига инновацияни жалб этиш натижасида таълим бериш самарадорлигини ошириш ва талабаларни таълим олишига қизиқтириш ва таълим сифатини ошириш хусусида сўз боради. Мутахассис томонидан тегишли хулосалар баён этилган..*

Таянч тушунчалар: *Инновация, технология, ишлаб чиқариш, янгилик, иқтисодий самара, патент-лицензия, ресипиент, инновацион инфратузилма, таълим натижалари таълим сифати.*

Аннотация: *Речь идет о повышении эффективности образования в результате привлечения инноваций в области науки и привлечения студентов к учебе и повышения качества образования. Соответствующие выводы делает эксперт.*

Ключевые слова: *Инновации, технологии, производство, инновации, экономическая эффективность, патент-лицензия, получатель, инновационная инфраструктура, результаты обучения, качество образования.*

Бугун миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек таълимда, тиббиётда инновациянинг зарур хусусиятлари фан-техника янгилиги, ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва тижорат объекти бўлиши мумкинлигидир. Инновацияни айниқса фан соҳасида қўлланиши ва олинган натижалар келажакда ишлаб чиқаришда катта маҳсулдорлик олинишига сабаб бўлади. Инновацияларнинг қўлланиши туфайлигина маълум бир технолигияни тезлик билан амалга ошириш мумкин.

Кейинги йилларда нафақат ишлаб чиқариш тармоқларида балки барча соҳаларда инновация киритиш деган янги тушунчалари айниқса таълим соҳасида тезлик билан жорий бўлмоқда. Айниқса қаерда ривожланиш орқада, иқтисодий самарадорлик кам бўлган вақтда дарҳол шу тармоққа иновация киритиш лозимги ҳақида борасида режалар тузилади. Иновациянинг ижобий томонлари оддий кўз билан кўриш мумкин бўлиб қолди.

Фақат маълум тармоққа киритиладиган инновациялар икки хил ички ва ташқи инновацияларга бўлинади.

Яна бир бор инновация тўғрисида гапирадиган бўлсак, қуйидаги тушунчаларни ўзлаштиришимиз лозим:

1. Инновация бу янгилик — янгича илмий амалий ишлаб чиқариш жараёнидир.
2. Янгилик киритиш — маълум тармоқда янгиликнинг амалда қўлланилиши ва даромад берадиган соҳага айланиши, натижада халқнинг фаровон яшашига хизмат қилишидир.

3. Инновация бу маълум тармоқларга секин –аста кириб борадиган, аммо келажакда катта иқтисодий самараларни берадиган ривожланиш шакллари.

Инновацион жараён уч хил шаклда боради: муассаса ва корхона ичида; мамлакат ичидаги ташкилотлараро; четдан кириб келадиган ва катта тармоқлар учун.

Муассаса ва корхона ичидаги инновацион жараён бу янгиликнинг ташкилотнинг ўзида яратилиши ва унга ташкилот томонидан маблағнинг ажратилиши.

Таълимда инновация жараёни дастлабки ёндашувларда ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган жараён деб қаралган ва иррационал, ҳамда ташкил этилмаган, илгари ишлатилмаган, фақат модельда ўз ифодасини топиши мумкин бўлган изчил характерли жараён деб ҳисобланган.

Таълимда инновацион фаолият мақсадга мувофиқ ташкил этилган ўқув жараёнлар технологияларининг мажмуи бўлиб, ўқув жараёнда инновацион фаолият доирасида ишлаб чиқариш, таълим олиш, билим кўникмаларига эга бўлиш, техник, тижорат, билим кўникмаларининг назарий ва мустақил жараёнини ташкил этувчи фаолиятга доир янгиликларни қўллаш асосида олиб бориладиган фаолиятдир. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият кенг маънода ўқитишнинг янги замонавий ва билим кўнималарини ўзлаштиришнинг янгича ёндашувларини ўз ичига олган фаолият бўлиб, у илмий, техник, технологик, ташкилий молиявий ва тижорат фаолиятларининг мажмуи сифатида ривож топади.

Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда биз таълимдаги инновацияларнинг икки хил хусусияти (ташки ва дидактик) га кўра таснифлашни лозим деб топдик (1-расм).

Таълим жараёнини ташкил этиш



1-расм. Педагогик инновацияларнинг таснифий параметрлари

Педагогик инновацияларнинг жадаллик билан амалиётга кириб бориши натижасида замонавий таълимнинг инновацион йўналганлиги аънавийликдан фарқли равишда қуйидаги муҳим аҳамиятга эга жиҳатларда ўз аксини топиб бормоқда (2-расм).

Таълимнинг аънавий йўналганлиги	Таълимнинг инновацион йўналганлиги
➤ Техноген цивилизация	❖ Антропоген цивилизация

<ul style="list-style-type: none"> ➤ Таълим олувчи – объект ➤ “Билимли инсон” ➤ Педагогик идрок этиш ➤ Педагогик чора-тадбирлар ➤ Педагог-васийлик ➤ Биргаликдаги фаолиятнинг авторитар услуги ➤ Фаолиятли ёндашувга асосланганлик 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ Таълим олувчи – субъект ❖ “Харакатланувчи инсон” ❖ Педагогик ижодкорлик ❖ Педагогик муносабатлар ❖ Педагог-менежер ❖ Биргаликдаги фаолиятнинг демократик услуги ❖ Фаолият, мулоқот ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш орқали ижтимоийлашуви
---	---

2-расм. Анъанавий ва инновацион таълимнинг қиёсий таҳлили

Инновацион жараённинг дастлабки умумлаштирилган формуласи - куйидаги кўринишга эга:

ФТ— АТ— ИЧ— Л— Қ— Ў — СИЧ— М— С.

ФТ— фундаментал тадқиқотлар ;

АТ— амалий тадқиқотлар (кашфиётлардан амалда фойдаланиш);

ИЧ — ишлаб чиқиш;

Л— лойихалаш;

Қ — қурилиш;

Ў — ўзлаштириш;

СИЧ — саноатда ишлаб чиқариш;

М— маркетинг;

С— сотув.

Инновация - бу инновацион жараён борадиган ташкилотлар, улардаги инновацион фаолият ва бу фаолият билан банд бўлган ташкилий ишлаб чиқариш структураси уни бошқариш тамойиллари, услублари, олинадиган иқтисодий самарадорликни белгилайдиган ва шу жараёнга боғлиқ формалар тўпламидир.

Унинг учун куйидагилар тааллуқли:

-маълум мақсадни қўйиш ва бажариш мумкин бўлган стратегияни танлаш;

-цикл босқичлари:

-олиб бориладиган ишларни режалаштириш;

-янгиликни амалга ошириш учун шароитларни аниқлаш ва ташкил қилиш;

-ижро этиш, модернизацияни амалга ошириш;

-инновация ишларига раҳбарлик қилиш.

Инновациялар туркумлари.

Инновацион бозор учун янгилиги бўйича инновациялар куйидагиларга бўлинади:

а) янгилиги туфайли жаҳон миқёсида яратиладиган тармоқ учун;

б) мамлакат миқёсида яратилган тармоқ учун янгиликлар ишлаб чиқиш;

д) алоҳида корхона учун янги хисобланган ишларни амалга ошириш.

Инновацион инфратузилма тушунчасининг ташкил қилувчилари орасидаги технологияларни ва янгиликларни узатишга худди ўша маркетинг бўлинмалари, патент-лицензия бўлинмалари оммавийлаштириш, реклама ва кўргазма қилиш фаолиятларини амалга оширувчи бўлинмаларни киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махкамова М.А. Инновацион технологиялар бошқаруви. Монография. – Т.: Алоқа, 2011.

2. Махкамова М.А. Инновацион менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2009.

РЕЗЕРВЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПОТРЕБИТЕЛЬСКОЙ КООПЕРАЦИИ

Гринюк Наталия Андреевна
кандидат экономических наук, доцент,
Киевский национальный торгово-экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются роль и место потребительской кооперации в инновационной экономике. Раскрыты функции потребительской кооперации в современном обществе. Обоснована роль потребительской кооперации в развитии внешнеторговой деятельности национального кооперативного сектора. Сформулированы направления наращивания внешнеторгового потенциала потребительской кооперации. Предложены стратегические подходы к развитию внешнеторговой деятельности системы.

Ключевые слова: потребительская кооперация, конкурентные преимущества, внешнеторговая деятельность, экспортный потенциал.

Учитывая жестокий прагматизм развития мировой экономики, в обществе в целом и во многих странах, в частности, чрезвычайной популярности приобретает идея социализации бизнеса. Именно в условиях глобализации на первый план выходит социальная сфера деятельности: стремление улучшить качество жизни в регионе обслуживания, содействие справедливому распределению экономического потенциала, в определенной степени решение проблем занятости населения.

В такой ситуации усиливается социально-экономическая значимость кооперативов в обществе и чрезвычайно возрастает роль кооперации и ее идеологии - идеологии экономического развития, общественного партнерства и гражданской ответственности. Особенно возрастает роль кооперации в условиях усиления глобализации, которая в обобщенном виде, с одной стороны, способствует росту эффективности хозяйствования за счет повышения централизации и гибкого управления имеющимся ресурсным потенциалом, а с другой - провоцирует и негативные последствия для общества вследствие сосредоточенности исключительно на финансовых интересах субъектов предпринимательства. Кооперация, наоборот, проявляет свое отношение к глобализации экономики с позиции потребителя (своего пайщика), выступая в форме объединения населения и принимая на себя часть функций государства - социальную защиту населения. По мнению автора, перспективы развития кооперации обуславливаются целой совокупностью ее характеристик и различных факторов, сочетание которых создает синергический эффект и трансформируется в особенности кооперации.

Среди совокупности видов кооперации наиболее противоречивым явлением с точки зрения экономической науки является потребительская кооперация, что связано с особенностями ее функционирования. Потребительская кооперация как некоммерческая организация выступает организационной основой механизма общественного регулирования, поскольку отражает индивидуальные и групповые интересы людей, решая определенные местные и региональные проблемы путем самоорганизации населения.

В обобщенном виде место потребительской кооперации обуславливается главными ее характеристиками, наиболее востребованными в современной рыночной экономике. С точки зрения социальной культуры (в т.ч. экономики) постиндустриального общества потребительская кооперация соответствует одному из ее основных принципов - экономность, что предусматривает размещение ресурсов на принципах наивысшей полезности.

С точки зрения инновационной экономики статус потребительской кооперации как некоммерческой организации отражает наличие в рыночной экономике особого фактора - способности населения к самоорганизации, самоуправлению и самодеятельности, которая и

реализуется через формирование потребительских кооперативов и превращение их в социальную сеть путем образования объединений первичных организаций.

По нашему мнению, специфическая роль и значимость потребительской кооперации в инновационной экономике отражается, прежде всего, совокупностью выполняемых ею функций.

Экономическая функция потребительской кооперации проявляется через объединение экономических субъектов в целях представительства и защиты их интересов, что в дальнейшем реализуется через предоставление широкого спектра услуг, производство продукции, аккумуляцию денежных средств, а также привлечение других ресурсов, которые не используются обществом другим способом (заготовка фармацевтико-технического сырья, реализация продукции индивидуальных хозяйств).

Социальная функция потребительской кооперации заключается в активизации гражданской позиции отдельных лиц и их привлечении к общественным процессам (на региональном уровне), выявлении острых социальных проблем разных уровней, привлечении для их решения, с одной стороны, внимания государства и общества, а с другой - объединенных ресурсов и усилий физических и юридических лиц.

Посредническая функция потребительской кооперации заключается в согласовании интересов государства и индивидуума при реализации социально-экономических программ развития общества, участия в решении определенных проблем регионального и местного уровня, связанных, прежде всего, с обслуживанием населения региона и развитием инфраструктуры. Кроме того, потребительская кооперация, отстаивая и лоббируя собственные интересы, осуществляет влияние на коммерческий сектор экономики, прежде всего, путем создания конкурентной среды.

Правовая функция потребительской кооперации проявляется в ее законотворческой деятельности: участии в разработке и изменении законов, создании ведомственной нормативно-правовой базы, адекватной современным условиям хозяйствования.

Духовная функция потребительской кооперации заключается в воздействии на формирование моральных ценностей общества, разработке норм поведения для членов организации как внутри объединения, так и по отношению к другим (физическим и юридическим) лицам.

Потребительская кооперация как важная составляющая многоукладной экономики Украины в процессе преобразований также направляет свои усилия на создание собственной модели хозяйствования, адекватной рыночной экономике. Серьезные изменения происходят в отраслевой структуре: оптимизируется их состав, совершенствуются функции, развиваются новые виды деятельности (в т.ч. банковская, страховая, инвестиционная, внешнеэкономическая).

Учитывая опыт и результаты деятельности мировой потребительской кооперации, современный этап развития потребительской кооперации Украины должен ориентироваться на установление прямого, устойчивого и длительного симбиоза производственного и внешнеторгового видов деятельности и стремиться к превращению внешнеэкономического комплекса в динамическую и сбалансированную производственно-коммерческую систему.

Внеэкономическая деятельность потребительской кооперации Украины должна стать реальной и значительной составляющей ее хозяйственной деятельности, главными образом через внешнеторговую деятельность, международное инвестиционное сотрудничество, международную производственную кооперацию, международное научно-техническое сотрудничество и обмен опытом.

Реформирование внешнеэкономической деятельности потребительской кооперации Украины связано с необходимостью применения рыночного опыта в развитых странах,

выходом на новые рынки сбыта, повышением уровня производства путем получением иностранных инвестиций, новых технологий, надлежащей финансовой поддержки.

На сегодня наличие сформированной правовой базы создает фундамент для осуществления и развития внешнеторговой деятельности системы потребительской кооперации Украины:

1. Развитие внешнеторговой деятельности потребительской кооперации Украины происходит в соответствии с принципами внешнеэкономической деятельности, закрепленных в Законе Украины «О внешнеэкономической деятельности»: суверенитета, юридического равенства и недискриминации, подчиненности законам, эквивалентности обмена и защиты интересов субъектов внешнеэкономической деятельности [1].

2. Основы развития внешнеэкономической деятельности национальной потребительской кооперации определяет Закон Украины «О потребительской кооперации», в котором отражены международные принципы кооперации и учтен опыт работы кооперации разных стран мира [2].

3. Стратегия развития потребительской кооперации Украины одной из основных задач перспективного развития определяет расширение международного кооперативного сотрудничества, интеграции в международные кооперативные связи, развитие внешнеторговой деятельности кооперативных предприятий и организаций [3].

4. Статья 60 Соглашения о партнерстве и сотрудничестве между ЕС и Украиной уделяет значительную роль развитию международного кооперативного сотрудничества в модернизации и перестройке агропромышленного сектора и сферы услуг в Украине, развитию внутреннего и внешнего рынков для украинских товаров [4].

Главная цель развития внешнеторговой деятельности потребительской кооперации Украины заключается в повышении организационно-экономической эффективности осуществления внешнеторговых операций, как важного направления укрепления и динамичного развития потребительской кооперации, усиления ее роли в выполнении социально-экономических задач на потребительском рынке в условиях роста конкуренции. Для повышения эффективности внешнеторговой деятельности системы необходимо обеспечить выполнение ряда мероприятий, а именно:

- повышение производительности и уменьшения расходов экспортного производства;
- ведение оперативного мониторинга эффективности внешнеэкономической деятельности потребительской кооперации, как на уровне отдельных предприятий, так и системы в целом;
- активное использование современных технологий защиты от валютных рисков.

Развитие экспортного потенциала потребительской кооперации Украины возможно обеспечить, прежде всего, путем повышения эффективности использования имеющегося экспортного потенциала, расширения существующей номенклатуры экспортных товаров и повышения их конкурентоспособности за счет:

1. Восстановление экспортных «ниш» на зарубежных рынках товаров традиционной номенклатуры потребительской кооперации в результате:

- увеличения объемов производства и экспорта продукции традиционной номенклатуры потребительской кооперации за счет реализации программы повышения эффективности хозяйствования;
- расширения производства товаров с высокой степенью переработки, и, соответственно, экспорта конкурентоспособной продукции вследствие реализации программ полного цикла и использования маркетинговых мероприятий.

2. Расширения перечня экспортных ресурсов за счет новых товаров, пользующихся постоянным спросом на внешнем рынке:

- расширение объемов экспорта услуг в результате развития инфраструктуры внешнеэкономической деятельности потребительской кооперации и повышение квалификационного уровня кадрового обеспечения внешнеэкономической деятельности;

- создание технопарков и инновационных структур других типов с целью повышения технического и технологического уровня производства, освоения потенциальных зарубежных рынков, определение экспортной специализации системы потребительской кооперации в международном разделении труда.

3. Повышения конкурентоспособности кооперативных предприятий на основе реализации целевых программ их реструктуризации:

- обеспечение финансовых, технических, технологических и организационных условий для налаживания и развития производства конкурентоспособной продукции;

- внедрение новых кооперативных форм интеграции (между предприятиями внутри системы потребительской кооперации, между предприятиями потребительской кооперации и предприятиями других форм собственности) путем создания многофункциональных кооперативов (производственных, снабженческих, сервисных, маркетинговых, кредитных кооперативов) и совместных предприятий;

- активизацию деятельности кооперативных информационно-консалтинговых фирм путем повышения эффективности маркетинговых исследований, анализа внешних рынков с целью обоснования приоритетной структуры товарного экспорта и импорта технологий и оборудования кооперативных предприятий; разработки долгосрочных программ по сбыту экспортной продукции кооперативных предприятий;

- диверсификацию деятельности кооперативных предприятий в высокодоходных сферах внешнеэкономической деятельности (развитие иностранного туризма, таможенно-консигнационной, лизинговой деятельности, франчайзинга) и направление полученных от деятельности финансовых ресурсов на развитие экспортного потенциала.

4. Разработки системы привлечения иностранных капиталов и формирования благоприятного инвестиционного климата в сфере деятельности потребительской кооперации на основе:

- реализации организационно-экономических мероприятий определения приоритетных территорий для иностранного инвестирования;

- подготовки проекта законодательного закрепления благоприятного инвестиционного климата в сфере деятельности потребительской кооперации;

- установления связей с международными программами технической помощи, инвестиционными фондами с целью привлечения потенциальных инвесторов путем.

Выявленные факторы развития внешнеторговой деятельности национальной системы потребительской кооперации должны стать основой стратегии развития внешнеэкономической деятельности кооперативного сектора Украины.

Реализация вышеуказанных перспектив развития внешнеторговой деятельности кооперативного сектора национальной экономики будет способствовать достижению значительных положительных эффектов и результатов: росту производительности отечественного кооперативного сектора; расширению торговли между странами; структурной перестройке экономики, особенно агропромышленного комплекса; увеличению объемов зарубежных инвестиций, трансфера технологий; развитию многопланового сотрудничества стран в различных сферах жизнедеятельности; усилению национальной конкурентоспособности, в частности кооперативного сектора экономики.

Список использованной литературы

1. *Про зовнішньоекономічну діяльність*: Закон України від 16.04.91 р.// Вісн. Верх. Ради України. - 1991. - № 29.
2. *Про споживчу кооперацію*: Закон України від 10 квіт. 1992 р. № 2687-XII (зі змін. і допов.) // Відомості Верховної Ради. - 1992. - № 30.
3. *Стратегія розвитку споживчої кооперації України до 2020 р.* - К.: Укоопспілка, 2015. - 44 с.
4. *Угода про партнерство і співробітництво між Україною і Європейськими Співтовариствами та їх державами-членами*: Закон України від 10.11.94 р.// Вісн. Верх. Ради України. - 1994. - № 24.

